



# Шарқ юлдузи

*Ойлик  
адабий-бадиий,  
ижтимоий-сиёсий  
журнал*

*Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи*

---

1

1989

58-йил чиқиши

*Бош редактор:*  
**Ўткир ҲОШИМОВ**

*Редколлегия:*

**Саид АҲМАД**  
**Салоҳиддин МАМАЖОНОВ**  
**Омон МУХТОРОВ**  
*(проза бўлими мудири)*  
**Мурод МУҲАММАД ДЎСТ**  
*(бош редактор ўринбосари)*  
**Умарали НОРМАТОВ**  
**Гулчехра НУРУЛЛАЕВА**  
**Муҳаммад СОЛИҲ**  
**Хайриддин СУЛТОНОВ**  
**Зоя ТУМАНОВА**  
**Туроб ТЎЛА**  
**УЙҒУН**  
**Ўлмас УМАРБЕКОВ**  
**Носир ФОЗИЛОВ**  
*(масъул секретарь)*  
**Азиз ҚАЮМОВ**  
**Ҳамид ҒУЛОМ**

---

**Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти**



Абдулла Орипов



Драматик достон

МУАЛЛИФДАН

Мен ушбу драматик достонни аввал «Дилозор» номи остида оқ шеър билан ёза бошлаган эдим. Бироқ кейинги кузатувларим асарни яна ҳам реаллаштиришимни талаб этди. Маълумки, мамлакатимизда қайта қуриш ва ошкоралик оқолларига кириб олиб, ўз манфаатлари йўлида бақриб-чақриб юргувчилар ҳозирча камаймаётир. Булар ҳақида мен ўзим иштирок этган Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида ҳам ташвишли гаплар айтилди. Конференцияда бюрократизмга қарши ҳатто махсус қарор ҳам қабул қилинди. Демагоглик, яъни шароитга мослашувчи худбинлик ҳамма даврларда ҳам тараққиётга тўғаноқ бўлган. У, айниқса, маънавий жабҳада жамиятга катта зарар келтиради.

Достонни сатирик оҳангда ёзишга уриндим. Чунки сатирада аниқликдан ташқари шартлилик имкони ҳам бордир. Шундай қилиб, бир оз кечикиб бўлса-да, «Ранжком» номи билан асарни ҳукмингизга ҳавола этдим.

Рассом Ж. Умарбеков

Қатнашувчилар:

Раис  
Биринчи аъзо  
Иккинчи аъзо  
Фаррош аёл

«Ҳашарот» журнали редакцияси хоналаридан бири

РАИС

Шундай қилиб, янги ширкат туздик, ўртоқлар.  
Мен раисман. Сизлар аъзо. Ҳозирча каммиз.

БИРИНЧИ АЪЗО

Ҳечқиси йўқ, камтар ўтар тарихий чоғлар,  
Энг муҳими, «Ҳашарот»дан вакиллар жаммиз.

РАИС

Биз маънавий ташкилотмиз — «Ранжком»миз яъни,  
Ўзгаларни ранжитмоқлик бизнинг ишимиз.  
Баббаробар «сийла»гаймиз барча-барчани,  
Дуч келганга қадалади ўткир нишимиз.  
Турли-туман идоралар мақсадларин гоҳ  
Хаспўшлашиб, олифталик қилиб юрарлар.  
Одамлар бор, кўринишдан гўё хайрихоҳ,  
Аслида-чи, бир бирларин қонин сўрарлар.  
Бизлар ундоқ икки гапли кимсалар эмас,  
Мақсадимиз яширмаймиз одамизоддан.  
Биз — «Ранжком»миз, биз ҳаммани ранжитамиз, бас,  
Шу — асосий вазифамиз, чиқарманг ёддан.  
Беманфаат дўзахда ҳам ёнмаймиз, аммо,  
Қайси мушук ётар экан офтобда текин?  
Ишимизни эрмак деб ҳам билмангиз асло,  
Сал кейинроқ тўхталаман бу ҳақда лекин.

БИРИНЧИ АЪЗО

Модомики, ер юзида янги ташкилот —  
Янги қавм барпо бўлмиш, қутламоқ керак.  
Бирлик яхши, чанг чиқармас дерлар ёлғиз от,  
Ташкилотни ҳар жиҳатдан бутламоқ керак.  
Шу маънода пайдо бўлди уч-тўртта савол,  
Ўшаларни ҳал қилайлик, муҳтарам раҳбар.  
Биринчидан, низом керак етук, баркамол,  
Иккинчидан, бизнинг юмуш анча серхатар.  
Қандоқ қилиб ранжитамиз? Услуб қанақа?  
Борми бизда ҳайфсан ёки рағбатлантириш?  
Дабдурустдан бирор мажлис ёки маърака  
Бизни бадном қилиб кўйса, бу ҳам оғир иш.

РАИС

Энг аввало, аъзо бўлиш шартлари мавжуд,  
Бунинг учун қасамнома — ариза даркор.  
Турли сийқа туйғуларни этгайсиз унут,  
Номуссизлик бизга — номус, орсизликдир ор.  
Ота-она, дўсту ёрон деган гаплар ҳам  
Манфаатга ярамаса пуч гап, албатта.  
Сафимизни кенгайтириш керак мунтазам,  
Бу ўринда ёр ёшларнинг роли кўп катта.  
Сурбет булинг, сурбет бўлинг. Бизнинг шиор — шу.  
Ўз-ўзидан келаберар қолган унсурлар.  
Тўхмат, иғво, чақув, ҳасад — булар бор гап-ку,  
Эл ичида вақт-бемаҳал кўзганг ур-сурлар.  
Кўнгли бўшлиқ қилган аъзо, демак, лапашанг,  
Эрта тонгдан ният билан уйдан чиқингиз.

*Раиском-га!*

Фақатгина ранжитмоқлик руҳида яшанг,  
Дуч келганни лойга чапланг, чоҳга тиқингиз.  
Сизни бадном қиладиган мард йўқ бу замон,  
Мажлисларни бўлиб ташланг ошкора, дадил.  
Аксар одам ўз тинчини ўйлар бегумон,  
Ушаларни энг аввало чўчитмоқ мақбул.

#### ИККИНЧИ АЪЗО

Ғоят теран фикрларни айтдингиз, аммо,  
Менда жиндек саросима уйғонди, тақсир.  
Ёш болани ранжитмоқчи бўлсак мабодо,  
Не қилайлик? Урай десанг, у гўдак, ахир.

#### РАИС

Ташвишланманг, ўйлаганмиз бу муаммони,  
Ёш болалар масаласи анча жўн, осон.  
Кўча-кўйда бир жужуқни учратган они,  
Бошгинасин силаб қўйинг, бўлинг меҳрибон.  
Отасининг кимлигини сўранг, албатта,  
Ширинликда новвот билан асалдан қайтинг.  
Гап сўнгида бақрайингу, болага шартта:  
Сенинг отанг тамом бошқа одам, деб айтинг.  
Ана энди томошанинг зўри чиқади,  
Уйга боргач, эшитганин айтади бола.  
Ҳарқандайин эркакни ҳам шубҳа йикади,  
Қолган гаплар, кўрибсизки, судга ҳавола.

#### ИККИНЧИ АЪЗО

Тамомила қойилман мен. Зўрсиз бағоят.  
Лекин ҳаёт уммонининг сарҳади борми.  
Дуч келади бизларга ҳам шундоқ вазият,  
Дейлик, бориб кўриш керак бирор беморни.  
Уни қандоқ ранжитайлик?

#### РАИС

Бўлди, тушундим,  
Бу соҳада бордир менинг камтар тажрибам.  
Мен ҳам ҳаёт гулшанида кўкардим, ундим,  
Демак, турмуш синовидан ўтган ҳар режам.  
Вақти келди, ҳадисимни берайин айтиб,  
Бир кимсани жиним суймас эди мутлақо.  
Пайт пойладим, юрагига ниш урайин деб  
Ва ахийри ниятимга етказди худо.  
Не бўлди-ю оғриб қолди ўша муттаҳам,  
Ким билади, гриппиди, ким билсин, тумов.  
Менга эса керак эди худди шундай дам,  
Унинг ҳолин сўраш учун бордим мен дарров.

#### БИРИНЧИ АЪЗО

Хўш-хўш, кейин нима бўлди?

#### РАИС

Бозордан шу кун  
Олма, анор ва ҳоказо харид айладим.  
Унутмангки, бемор зоти ҳамиша мўмин,  
Яхши гапнинг гадоси у қадимдан-қадим.  
Шу тариқа ноёб фикр келди калламга,  
Энг аввало аҳволидан бўлдим бохабар.  
Кўнгил сўраб кўз ёш қилдим, тўлдим аламга  
Ва шу асно жиддий туриб дедим: — Алҳазар.  
Бу дунёда шунақанги дардлар бор, ҳайҳот,  
Ушалардан асрасин, ҳа, рақдан асрасин.  
Билинг, шубҳа аскарлари суриб келса от,  
Бостиради ҳар қандайин ишонч наърасин.  
Икки-уч бор такрорладим ўлим сўзини,  
Кўз ўнгимда ранги унинг ўчди батамом.

Таҳликада ўнглаёлмай қолди ўзини,  
У шубҳага қул бўлганди энди, вассалом.

#### ИККИНЧИ АЪЗО

У ўлдими?

#### РАИС

Тирик мурда, ўлгандан баттар,  
Болаларин йиғиб олиб, дод-вой этибди,  
Менда бир дард бўлса керак, дея баччағар  
Элдан бурун пенсияга чиқиб кетибди.  
Ўғитим шул: ҳар соҳада зеҳн, қунт керак,  
Доно бўлинг деганларку, ўрганиб оз-оз.  
Жангларда ҳам ғалабага ҳийладир тиргак,  
Эслаб кўринг, хор бўлганми ҳеч вақт найрангбоз.  
Чекишдан ол, сўзлайвермай битта мен ўзим,  
Бошим эмас, ғовлаб кетди сочим ҳам балки.

(биринчи аъзога)

Тароғингни бериб тургин оғайни, бир зум.

#### БИРИНЧИ АЪЗО

Тароқ менда нима қилсин, ахир мен кал-ку.

#### РАИС

Қойилмисан? Бу ҳам менинг битта усулим,  
Атай тегмоқ бўлдим сенинг қитиқ патингга.  
Майли сенга ибрат бўлсин менинг бу йўлим,  
Лекин гап шу, ишон доим ўз қудратингга.  
Камбағални кўриб қолсанг бойликдан сўз оч,  
Кўзи ожиз кимсаларга қуёшдан гапир.  
Биз тантана қилажакмиз. Ёзгаймиз қулоч.  
Бошқаларни камситиш ҳам ахир зўр тадбир.

#### ИККИНЧИ АЪЗО

Истеъдодни улашганда қодир худойим  
Сизга сира иккиланмай ёмбисин берган.  
Бахтимизга омон бўлинг, бор бўлинг доим,  
Олам ичра учрамайди сиздай зўр мерган.  
Ҳар сўзингиз нишонига теккай бехато,  
Зарур бўлса, гулхан қилиб ёқурсиз қорни.  
Дилда шундай таассурот айладим пайдо,  
Тан олсангиз керак фақат парвардигорни?

#### РАИС

Билиб қўйинг, мен даҳрийман, худосизман, ҳа,  
У бор бўлса, ёқасидан олардим шаксиз.  
Бергани йўқ у на бойлик ва на мартаба,  
Хулосам шул: Биз кабилар унга кераксиз.  
Устоз бўлгай бизга фақат моддий шу турмуш,  
Осон гапми, на сонда, на санокда бормиз.  
Бизга насиб айламади дурустроқ юмуш,  
Омад бизни четлаб ўтди, ташландиқ, хормиз.  
Ҳайъатларга сайланмаймиз, эҳтиромлар йўқ,  
Шону шуҳрат, донғу амал бегона бўлган.  
Тирноғимиз учигача ҳасратга тўлиқ,  
Бизга тунлар уйқусизлик ҳамхона бўлган.  
Мана, журнал чиқарамиз «Ҳашарот» деган,  
Ходимларнинг ярми пўстак, ярми тирранча.  
Кўча-кўйда парранданинг нишхўртин еган  
Ҳашаротдан ўзимизнинг фарқимиз қанча?  
Мухаррир-чи, ўз нафини билмаган нодон,  
Бири икки бўлмаган чол, айниган мия.  
Икки марта халқ душмани бўлса-да, ҳамон  
Қичқиради, коммунизм қурамыз дея.

#### БИРИНЧИ АЪЗО

Камситмайлик коллективни бунчалар ахир,

Биз ҳам давлат идораси, муҳримиз бор.

РАИС

Бас!

Нон ушоққа кўзин тиккан, манглайи тақир  
Қафасдаги куш нима-ю, сен нима, галварс.

БИРИНЧИ АЪЗО

Ўртоқ раис, бундай деманг, қилманг ҳақорат,  
Гапингизни қайтиб олинг, талаб қиламан.  
Иккинчидан, қушманми мен ёки ҳашарот,  
Сиздан кўра менга маълум, ўзим биламан.

РАИС

Ана энди ўхшаяпсан сурбетга сал-пал,  
Иншоолло, келажагинг порлоқ бўлғувси.  
Жангарилик зина бўлса, сурбетлик ҳайкал,  
Зиналардан жадал ўтсанг — бахтинг кулғувси.  
Агар қаттиқ теккан бўлсам, сўрайман узр,  
Лекин, дўстим, қиз боладай чека берма оҳ.  
Биз — «Ранжком»миз, ранжитмоқлик услубимиздир,  
Бизнинг соҳа шунақа, деб қилдим-ку огоҳ.  
Энди ўзак режамизни берай мен сўйлаб,  
Бу — ғоявий, ижтимоий йўриқ батамом.  
Ҳар бирингиз биласизки, мамлакат бўйлаб,  
Ошкоралик, қайта қуриш этмоқда давом.  
Жуда муҳим жараён бу, мен сизга айтсам,  
Янгиланиб бораётир буткул жамият.  
Жафо чеккан ўз йўлига, бизнинг учун ҳам  
Етмиш йилда бир бор келди бундай вазият.  
Фойдаланиб қолмоқ керак, фурсатни билиб  
Ошга қўлни чўзмоқ керак беор ва хира.  
Ўзингизни кўрсатингиз фидойи қилиб,  
Оғзингизга нима келса — қайтарманг сира.  
Гапингизда маза-матра қолмаган чоғи  
Халқ номидан сўзлайман, деб ҳайқиринг паққос.  
Халқ шундай бир денгиздирки, йўқдир қирғоғи,  
Бу денгизга шўнғиш керак, мисли қув ғаввос.

ИККИНЧИ АЪЗО

Ахир, биз ҳам халқ эмасми?

РАИС

Ҳа, баракалла,

Топағонсан, файласуфдан йўқдир кам еринг.  
Манфаат деб мағзавага ташлангиз калла,  
Қўй терисин ёпининг-у сурувга киринг.  
«Мен» ўрнига «Биз» деб сўзланг ҳар қайда, мудом,  
«Биз» лигингиз бирор кимса кўрмас текшириб.  
Мўлтонининг қўрчоғидай қилингиз муқом,  
Керак бўлса арғумоқдай туринг пишқириб.  
Сизни бирор маросимга чорлаш шарт эмас,  
Ҳайъатларга чиқиб олинг, эгаллангиз жой.  
Билинтирамай низо кўзганг ҳар қайда, хуллас,  
Биз қатнашган маъраканинг аҳволига вой.

ИККИНЧИ АЪЗО

Битта мисол келтирайин, берингиз рухсат,  
Бунга ўзим гувоҳ бўлдим.

РАИС

Марҳамат, қани.

ИККИНЧИ АЪЗО

Агар чиндан юрагингда бўлса шижоат,  
Довдиратиш мумкин экан ҳамма-ҳаммани.  
Қайси куни маҳаллада ўтказдик тадбир,  
Атеистик масалани ўртага қўйдик.

Тафтиш қилдик одамларнинг исмин бирма-бир.  
 Аммо лекин баъзиларин бепичоқ сўйдик.  
 Кўчамизда бир лектор бор, Худойкул оти,  
 Ёзғувчи деб тегар эди ғашимга нуқул.  
 Сен — диндор деб эълон қилдим ўша заҳоти,  
 Чунки дедим, сенинг исминг айнан Худойкул.  
 Кайфи учган кўкноридай бақрайди аввал,  
 Не деярин билмай қолди буткул довдираб.  
 Исмин қўйган аждодларин сўкди галма-гал,  
 Сўнг ялина бошлади у менга жовдираб.  
 Деди: — Кўнглим тўлмас эди асли исмимдан,  
 Ўз вақтида танқид қилдинг, дардингни олай.  
 Ихтиёрий воз кечаман «Худой» қисмидан,  
 Майли исмим ярим бўлсин, «Қул» бўлиб қолай.  
 Пойлагандай иккинчи бир нотик сўз олиб,  
 Деди: — Бизнинг давримизда қул йўқ мутлақо.  
 Қулу қулдор синфлари кетган йўқолиб,  
 Худойкулнинг «кул» қисми ҳам сиёсий хато.  
 Шундай қилиб, бир фуқаро куппа-кундузи  
 Ўз исмидан ихтиёрий қолди айрилиб.  
 Ҳа, қопқонга келиб тушар галварслар ўзи,  
 Қўрққанидан соясига боқмас қайрилиб.

#### РАИС

Истеъдодинг бор экану айтмайсан, хумпар,  
 Ўринбосар бўлсанг дуруст менга аслида.  
 Излаб топинг, қайда изғир тухматчи, учар,  
 Аниқлангиз, ким юрибди кимнинг қасдида.  
 Айни шулар аъзо бўлур «Ранжком»га лойиқ,  
 Сиз уларга вазифалар ваъда қилингиз.  
 То ҳуқуқин танигунча муте халойиқ,  
 Курсиларни эгаллаймиз, шуни билингиз.  
 Донғи чиққан шахсларни битта-битталаб  
 Бадном қилиш осон эмас, мураккаб иш бу.  
 Бир замонлар «нобоп»ларни қўйганлар қамаб,  
 Бизнинг эса йўриғимиз, йўлимиз ушбу:  
 Энг аввало куракда йўқ миш-мишлар тўқинг,  
 Порахўр денг, хотинбоз денг ҳар қандай зотни.  
 Ўша заҳот тегмаса ҳам нишонга ўқинг,  
 Заҳарлайсан ҳеч бўлмаса битта ҳаётни.  
 Бегуноҳнинг тухмат гапга чидаши мушкул,  
 Асаблари қақшай-қақшай бўлади одош.  
 Уйқусизлик уни ҳолдан тойдирар буткул,  
 Қарабсизки, бизга энди инфаркт кўмакдош.

#### БИРИНЧИ АЪЗО

Тақсир, мен ҳам баён қилай бир воқеани,  
 Жадаллашиб бораётир ҳамма соҳа ҳам.  
 Демоқчиман, бизни ортиқ қийнамай, яъни  
 Бира тўла ўлаберар баъзи бир одам.  
 Биласизки, мен овчиман, овга ишқибоз,  
 Ҳатто улар союзининг аъзосидирман.  
 Айиқ, бўри, тулки, каклик, ўрдак ёки ғоз, —  
 Барчасининг кушандаси — қазосидирман.  
 Урадирман осмондаги турнанинг кўзин,  
 Унутмайман аммо лекин меъёр, инсофни.

#### РАИС

Маърузангни бўламан мен, берсанг гар изн,  
 Ўртоқ овчи, йиғиштиргин сафсата, лофни.  
 Айт-чи, нима демоқчисан?

#### БИРИНЧИ АЪЗО

Дарвоқе, узр,

Ташкент асран — ашқоритилган наққо диктанти,  
Р. Н. Мисирова тоғдан қуриган заман суғурдиги-ку.

Эҳтиросга сал берилиб, ўтлаб кетибман.  
Унутмангиз, овчилик — бахт, овчилик — ҳузур,  
Ов изидан юриб, қанча довон ўтибман.  
Орамизда зўр бир овчи бор эди, хуллас,  
Эгарланган отдай эди доим омади.  
Тузоғига тушар эди учиб юрган хас,  
Бу атрофда қулатмаган ови қолмади.  
Ҳасад билан қарар эдик унга муттасил,  
Сафарларда қўяр эдик доим яккалаб.  
У бор жойда ичимиздан кетар эдик зил,  
Юрар эдик мазорига пинҳон ғишт қалаб.  
«Табиатни асранг», деган шиор остида  
Бир анжуман уюштирдик бизлар ҳам атай.  
Ҳалигини оёқ ости қилмоқ қасдида,  
Тўпланишдик, ҳар биримиз ташланмоққа шай.  
Мамлакатда қай бир ҳайвон қирилиб кетган —  
Ҳаммасини шу овчининг айбига йўйдик.  
Эрамиздан минг йил бурун уруғи битган  
Балиқларнинг хунини ҳам бўйнига қўйдик.  
Ёниб кетган тўқай борми, қуриган кўлми —  
Ҳаммасини бирга кўшиб, шопира бердик.  
Барчасига сен айбдор, деб шоп қилиб қўлни,  
Атрофини ўраб олиб, гапирабердик.  
Ултирарди у бошини эгганча, гаранг,  
Танқид уни гирдобига чунон олибди.  
Жавоб бер деб туртиб кўрсак, миқ этмас, қаранг,  
У ўтирган жойидаёқ ўлиб қолибди.

#### РАИС

О, юрибмиз биз ҳам ҳали «Ранжком»ни тузиб,  
Бизнинг ишлар ҳали қуруқ оғизда экан.  
Сизлар барча ташкилотдан кетибсиз — ўзиб,  
Асли «Ранжком» сизнинг ўша Союзда экан.  
Хаёлпараст файласуфлар асрлар бўйи  
Одамзодни улуғлашиб келарлар бекор.  
Ҳайвон билан баробардир Инсон феъл—хўйи,  
Балки ундан бешбаттарроқ ёзув ва маккор.  
Бир-бирига дўст бўлолмас аҳли оломон,  
Уни йўлга солар фақат қилич ё фириб.  
Қани, айтинг, саодатли бўлдимиз Инсон  
Насихатгўй шоирларнинг гапига кириб?  
Одамзодда ортиқ аъзо тирноқ, кўричак,  
Ҳайвонотдан қолиб кетган азалий мерос.  
Инсонларнинг руҳида ҳам бешубҳа, бешак,  
Кўп ҳайвоний ҳирслар яшар, пинҳоний холос.  
Одамларни бошқаради ёлғиз сўз: Ўзим!  
Ўзим! — дея бир-бирларин кўзин ўярлар.  
У тараф ҳам, бу тараф ҳам топганда тўзим,  
Гўрларига қаққайтириб ҳайкал қўярлар.  
Ҳайкалларга сиғинади тириклар яккаш,  
Каромати нима унинг — йўқ зарра дарди.  
Бир жиҳатдан қулай экан ҳайкалдек яшаш,  
Тилга кирса — нодонлиги аён бўларди.  
Шу сабабдан, очиқ-ойдин бир гапни айтай,  
Фидойилик деган нарса ҳавойи бир гап.  
Ўзинг учун ҳар юмушга бўла олгин шай,  
Сени алдаб кетишмасдан улгургин алдаб.

#### ИККИНЧИ АЪЗО

Мен фалсафий фикрларга йўқроқман, аммо  
Турли-туман қитмирикни ўйлаб топаман.  
Афандидек, йўқ нарсани кўрсатиб гоҳо,



Оломонни эргаштириб, олға чопаман.  
Дейлик, бирор анжуманни бузмоқлик лозим  
Ва айни пайт хуфя бўлиб қолмоқлик керак.  
Боз устига қараб турса аҳли лавозим,  
Бундай пайтда лозим бўлар пинҳоний қарсак.

БИРИНЧИ АЪЗО

Ҳеч пинҳоний бўлармикин қарсак ҳам, жўра,  
Бўрттириш ҳам эви билан, сўзлагин билиб.

ИККИНЧИ АЪЗО

Оёқда тик турган бўлсанг, ҳайиқмай сира  
Қарсакни ур, кўлларингни орқага қилиб.

БИРИНЧИ АЪЗО

Гар ўтирган бўлсанг-чи, хўш?

ИККИНЧИ АЪЗО

Энгашиб шартта,

Тиззаларинг орасида чалабер чапак.

Ё ерни теп. Унутмаки, ўша фурсатда

Мажлис аҳли сени кўллаб юборар бешак.

Нотиқ худо бўлса ҳамки, энди бефойда,

Мулзам бўлиб ташлаб кетар машъум минбарни.

Айбдорни ким топа олур? Бузғунчи қайда?

Билиб қўйсак зарар қилмас шундоқ ҳунарни.

РАИС

Сен ҳам бало чиқиб қолдинг.

ИККИНЧИ АЪЗО

Ёшлигимданоқ

Шу соҳага меҳр билан кучоқ очганман.

Кўчамизга бирор мошин келиб қолган чоғ,

Мен, албатта, ғилдирагин тешиб қочганман.

РАИС

Гарчи бир оз майдалиқдир ғилдирак тешиш,

Лекин бу ҳам асқотади «Ранжком»имизга.

Бизда куфр саналмагай ҳар қандайин иш,

Лойиқ бўлсак басдир доим ўз номимизга.

Ҳаёт асли кураш деган машҳур нақлни

Биз ҳам турмуш тарзимизга этайлик тадбиқ.

Бунинг учун ишга солиш керак ақлни,

Энг аввало, мақсад йўлин қилайлик тадқиқ.

Музейларда кўргандирсиз — совут-қалқонли

Ғовак гавда — сарбозларнинг либослари бор.

Уни кийса бирдек бўлар жонсизу жонли,

Фарқлаб бўлмас, териб қўйсанг мингтасин қатор.

Ҳа, уларнинг оддийгина ҳаракати ҳам

Уша темир кийимларга мосланган, қатъий.

Ана шунга ўхшаш зрур амалдор одам,

Энг зўрини бюрократ дерлар ашаддий.

Айни чоқда бюрократни ғилоф ичидан

Шиллиқ куртдек олмоқдалар бир-бир суғуриб.

Биз илондек фойдаланиб ҳийла кучидан

Ғилофларга кириб олсак бўлди улгуриб.

Қолган ишлар ўз-ўзидан этади давом,

Ҳукимимизда катта-кичик, ёшу қари — бир.

Темир совут қаршисида миқ этмас авом,

Ичида ким иш юритар — унга барибир.

БИРИНЧИ АЪЗО

Не қилайлик етмоқ учун бундай муродга?

Жаҳоншумул вазифани қўйдингиз, рости.

ИККИНЧИ АЪЗО

Иккиланмай тик боқайлик, дейман ҳаётга,

Чўққи йўқдир, то етмаса «Ранжком»нинг дасти.

## РАИС

Афсус, энди юмалоқ хат йўқотди кучин,  
Энди фақат таваккал деб насиба теринг.  
Одамларнинг орасини бузмоқлик учун  
Энди ошкор бир-бирига ёмонлай беринг.  
Сурбет бўлинг, такрорлайман яна бир карра,  
Халойиқнинг юрагини беомон тигланг.  
Азаларда қаҳ-қаҳ уринг тап тортмай зарра,  
Тўйларда-чи, дабдурустдан ўкириб йиғланг.  
Сайловларда бўлинг доим ҳозир у нозир,  
Бу ўринда таянингиз нафсдек балога.  
Бир килодан гўшт тарқатса одамлар ҳозир  
Шайтонни ҳам сайдаб қўяр арши аълога.

## БИРИНЧИ АЪЗО

Масаланинг бир жиҳатин ўйлайман ҳануз,  
Кечалари уйқум қочиб кетади гоҳо.  
Бизни таъқиб этмайдими ахир минглаб кўз,  
Не қиламиз, қўлга тушиб қолсак мабодо?

## РАИС

Ҳа, атрофда кенг, каттакон жамият ҳам бор,  
Аён гапки, унинг йўлин бўлмайди тўсиб.  
Шунинг учун дейманда мен, иш тутинг ҳушёр,  
Шунинг учун дейманда мен, ниш уринг пусиб.  
Барча гапни ошкоралик бўйнига юкланг,  
Биз даврнинг аскаримиз, деб айтинг лаққос.  
Ҳолингизни бирор кимса қилар бўлса танг,  
Қайта куриш душмани деб солинг айҳаннос.  
Ёзилмаган қонунлар бор, бўлингиз огоҳ,  
Бирор жойда тилингиздан қолманг тутилиб.  
Эсланг ахир, жиноятчи жазолардан гоҳ  
Бизга бошлиқ буюрган деб кетган қутилиб.  
Истеъдодли устомонлар юртда ҳали кўп,  
Озми ахир бу дунёда жоҳил, мунофиқ.  
Гарчи улар кўчаларда юрмаслар тўп-тўп,  
Ҳар биттасин феъли лекин бизга мувофиқ.  
Куни кеча газетада чиқди бир хабар,  
Унда баён қилинибди фожиавий ҳол.  
Мазмунини айтиб берсам сизга мухтасар,  
Унинг ибрат жиҳатини илғайсиз дарҳол.

## ИККИНЧИ АЪЗО

Эшитайлик. Эшитайлик.

## РАИС

Қай бир қишлоқда

Ака-сингил етимчалар яшаган экан.  
Ота-она меҳрин билмай, хилват, овлоқда  
Ўзларича ошларини ошаган экан.  
Вақти етиб, уйланибди ака бир қизга,  
Келин бўлмиш сатанг чиқмиш ва ғоят бахил.  
Мол-дунёдан ўзгани ҳеч илмаскан кўзга,  
Оилага сиғмай қолмиш энди у сингил.  
Бу дунёда сира роҳат кўрмаган ака  
Дўмбоққина келинчакка қолмиш боғланиб.  
Сингил эса яшар экан мунглуғ ва якка,  
Золим келин зуғумидан кўнгли доғланиб.  
Хонадонда битта игна йўқолса ҳам гар,  
Келин уни шум сингилдан кўра бошлабди.  
Эрта-ю кеч етимчани келиндан баттар  
Ўз туғишган акаси ҳам ура бошлабди.  
Хўрликларга чидай олмай, етим қиз охир  
Ўз-ўзига ўт қўйибди, тамом, вассалом.

Энди кўз ёш тўкар эмиш акаси моҳир,  
 Жамиятни айблар эмиш қизталоқ ғирром.  
 Аллақачон ижроқўмнинг битта котиби  
 Вазифадан олинибди шу масалада.  
 Ҳа, у йигит ҳеч шубҳасиз талант соҳиби,  
 Сувдан қуруқ чиқиб кетмиш нозик паллада.  
 У ҳақиқий сурбет экан, холи виждондан,  
 Рост-да, кимга фойдаси бор нозу фиరోғнинг.  
 Ҳеч биримиз тушмаганмиз ахир осмондан,  
 У йигит ҳам мевасидир мана шу боғнинг.  
 Ана энди мафкуравий ишларни сўкиб,  
 Йўқ эшикка бош уради довдир матбуот.  
 Қотиллар-чи, юрар сохта кўз ёши тўкиб,  
 Ҳам сингилдан, ҳам жазодан бир йўла озод.  
Бу тузумнинг ярим умри лоф билан ўтган,  
Фуқаро ҳам усулига кўникмиш ғоят.  
Аксар ҳолда йўқ нарсани бор қилиб битган  
Ровийлари ҳанузгача тўқир ривоят.  
 Оч қоринга кекиради ҳозиргача то,  
 Шиор ясар, иштонлиги — чит бисотидан.  
 Ёлғон гапга у чиндан ҳам ўрганмиш, ҳатто,  
 Уриб қолар оби-ҳаво маълумотидан.  
 Ҳали бери давр биздан узолмагай қўл,  
 Бизлар унга ўқтин-ўқтин керак бўлармиз.  
Такрор айтай, эл ўзига топгунича йўл,  
Истаганча айш сурармиз, ўйнаб кулармиз.  
 Аммо дўстлар, эҳтиётлик ҳеч сўзсиз даркор,  
 Худо уйи — масжиднинг ҳам бор асос-синчи.  
 Дўхтирлардан таниш топиб, зинҳор-базинҳор  
 Справка топиб қўйинг, у — кўнгил тинчи.

#### БИРИНЧИ АЪЗО

Қанақанги справка?

РАИС

У — мушкул кушод.

Ҳар қандайин балони ҳам эта олур даф.  
Эсипаст деб ёзиб берса, ҳаммаёқ обод,  
Жиннилардан пора олган дўхтирга ҳам наф.  
 Қарабсизки, ҳар қандайин кучли қонун ҳам  
 Оддий қоғоз қаршисида йўқотар захрин.  
 Тентакларни қамашмайди.

#### ИККИНЧИ АЪЗО

Зўрсиз чинакам.

РАИС

Шу тариқа сўндирамиз ғанимлар қаҳрин.  
 Уша қоғоз қўлда бўлса, калтак кўтариб,  
 Кўчаларга чиқа беринг, ҳайиқмай асло.  
Ажойиб ҳол: Жиннилар шох, соғлар-чи ғариб,  
Бунақасин кўҳна тарих кам кўрган аммо.  
 Йўлимиз шу. Гап биттами?..

#### ИККАЛА АЪЗО

«Ранжком» ҳам битта.

РАИС

Баҳамжиҳат энди ишга киришмоқ керак.  
 Муҳаррир чол эрта ишга келганда, шартта  
 Ташлангаймиз, ғоя аниқ — эришмоқ керак.  
 Қани, яна чекишдан ол. Тугади йиғин,  
 Ўйлайманки, ғалабадан энди кўнгил тўк.

#### ИККИНЧИ АЪЗО

Азиз дўстлар, бир муддатга сабр этинг тағин,  
 «Ранжком» учун гимн ёзганман, «Ассалом»и йўқ.



(ўқийди)

Биз «Ранжком»миз, «Ранжком»миз,  
Келажаги ганжкоммиз.  
Кўринганни тишлаймиз,  
Ишимиз шу — ишлаймиз.  
Майли кекса, майли ёш,  
Беролмас бизга бардош.  
Чимчилаймиз билдирмай,  
Бурдалаймиз ўлдирмай.  
Кўпайса гар даҳмаза,  
Бизларга бўлар маза.  
Бор бўлсинлар ёввошлар,  
Галварслар, қовоқбошлар...

(Хонага фаррош аёл кириб келади)

ФАРРОШ АЁЛ

Нима бало, мучалингиз тутунми ўзи,  
Идора ҳам сархонага айланибди заб.  
Шунча бўлса эркакларнинг агар гап-сўзи  
Аёлларнинг гурунгига йўқ экан тараф.  
Алламаҳал бўлиб қолди, уй-уйга қайтинг,  
Йиғиштириб олай мен ҳам уёқ-буёқни.  
Маҳтал турган келинларга саломлар айтинг,  
Шиқиллатиб қолинг, хуллас, энди туёқни.

БИРИНЧИ АЪЗО

(раисга)

Ишимизни шу опадан бошласак-чи, хўш,  
Иродани пешлайдиган, ўлгудай шаддод.

РАИС

Майлику-я, оқибати бўлмасми нохуш,  
Чап қовоғим учаётир негадир бот-бот.

БИРИНЧИ АЪЗО

Агар раис чўчиб турса, биз киммиз?

РАИС

Рухсат!

БИРИНЧИ АЪЗО

(фаррош аёлга)

Хой опагон, сабр қилинг, Сизга бир гап бор.

ФАРРОШ АЁЛ

Нима экан, эшитайин.

БИРИНЧИ АЪЗО

Бизлар шу фурсат

Устингиздан ёзмоқликка айладик қарор.

ФАРРОШ АЁЛ

Ёз, ёзавер. Московга ёз, Нью-Йоркка ёз,  
Маккага ёз, Марсга ёз, ҳаммани чақир.

РАИС

Кўп қизишманг, эҳтиросни жиловланг бир оз,  
Машғулотни эндигина бошладик, ахир,

ФАРРОШ АЁЛ

Хўш, нима деб ёзмоқчисан?

РАИС

Замон ўзгарди,

Сизда эса ташаббус йўқ, ҳа, ҳа, ташаббус.

Сизни зарра қизиқтирмас давримиз дарди,

Юришингиз ўша-ўша, ўша-ўша тус.

ФАРРОШ АЁЛ

Гапинг тўғри, ташаббус йўқ мендайларда ҳам,

Бўлса агар ғайратимиз, кўпирар эди.

Учраган чоғ ифвогару беюз, муттахам,

Ундайларни фаррошлар ҳам супурар эди.

Ташаббус, деб ўққа учди қанчалар аскар,  
Ташаббус, деб авлиёга айланди инсон.  
Эслайсанми, ташаббус деб, қаҳратон сахар  
Йўқ пахтани «териб» юрди неча минглаб жон.  
Давр деган шўринг қурғур бир ибора бор,  
Сақич каби кўчиб юрар оғизма-оғиз.  
Аслида у аллақандай ташландиқ мазор,  
Валий билан бир қаторда ётар ялмоғиз.  
Ташаббусдан бир иш чиқса, шу заҳотиёк  
Маъниси йўқ журналингиз йўқотар эдим.  
Уйлаб боқсам, ўзингиз ҳам ҳашарот сиёк,  
Ана энди ёза беринг, шу гапни дедим.

БИРИНЧИ АЪЗО

(ўзича)

Туппа-тузук фаррош десам, аломат-ку бу,  
Бунақасин кўрмаганман сира, ё фалак.

ИККИНЧИ АЪЗО

(ўзича)

Гапларини тушунмадим, бироқ фикрим шу:  
У ўзининг идорасин ёпмаса керак.

РАИС

Отинойи бўлганмисиз, билмайин қолдим,  
Бу қадарли маҳмадана, бу қадарли сур.  
Майли, дейлик «ташаббус»ни мен қайтиб олдим,  
Аммо, айтай, сиз-миллатчи, миллатчи манфур.  
Бор-йўғи бир фаррошсизу, димоғ осмонда,  
Шу феъл билан кимга ёқиб, кимни сууюбсиз?  
Гувоҳларим ўлтирибди икки томонда,  
Сиз ўрисга қасдма-қасддан иштон кийибсиз.

ФАРРОШ АЁЛ

Ана энди аён бўлди асл башаранг,  
Сиз — дайдилар, тўғри келган касни қопасиз.  
Сиёсатни қалқон қилмай кўзимга қаранг,  
Балиқ йўғу балиқчини қайдан топасиз?  
Нозик гапга тортаяпсиз сиз мени атай,  
Уюрни ким ҳайдаб юрса моли кўшадир.  
Билганимни супургидек жам қилиб айтай:  
Кимнинг дасти дароз бўлса, миллат ўшадир.  
Қарвон ҳозир йўл бошлаган бошқа томонга,  
Теран боқсанг, бир ҳолатни кўрасан зинҳор:  
Инсон фақат бўлингидир яхши, ёмонга,  
Ўғри деган, Тўғри деган икки миллат бор.  
Мен миллатчи бўлибманми? Эл-юртдан сўра,  
Сендан бўлак ҳеч кимда йўқ бунақа хаёл.  
Бировларнинг ғийбатини қилгандан кўра  
Уз элингнинг ҳурматини аввал эплаб ол.

РАИС

Эпламасдан нима қилдик?

ФАРРОШ АЁЛ

Иштон-чи, иштон?

Иштонимга нега бирдан ёпишдинг, нокас?  
Сенга иштон керак бўлса, ечаман шу он.

РАИС

Ҳой, опажон, ечманг, ечманг.

ИККАЛА АЪЗО

Ечманг, ечманг, бас.

РАИС

Чап қовоғим учмабди-да бекорга, аттанг.  
(биринчи аъзога)

Шу балога сен рўпара қилдинг, энағар.

## БИРИНЧИ АЪЗО

Бунга ҳеч ким бас келолмас, аҳволимиз танг.

## ИККИНЧИ АЪЗО

Бу кетишда журнални ҳам у ёпиб ташлар.

## ФАРРОШ АЁЛ

Инсофингиз сал бўлсаям бор экан, шукур,  
Аллақайси жойингизда номус уйғонди.  
Қошингизда хор бўлдим мен, бўлдим сур, манфур,  
Бир фаррошни масхаралаб нафсингиз қонди.  
Сизлар безбет кимсаларсиз, манфаат учун  
Зарур бўлса Регистонни бориб йиқасиз.

Тор келганда тегирмондан чиқай деб бутун,  
Отангизни тириклайин гўрга тиқасиз.

Ҳар нарсадан нонкўрликнинг гуноҳи оғир,  
Ея туриб маърайсиз-а, нима етмайди?

Кўникамиз, кифтларимиз бўлса ҳам яғир,  
Дилозорлик яраси-чи, сира битмайди.

## РАИС

Биз шунақа ташкилотмиз, очиқ айтганда,  
Қайта қуриш замонининг қаҳрамонимиз.  
Бу гапларни тушунмайсиз, Сиз — ожиз банда,  
Кураш билан ўтар бизнинг ҳар бир онимиз.

## БИРИНЧИ АЪЗО

Мана, бизлар қайта қурдик хонамизни ҳам.

## ИККИНЧИ АЪЗО

Бу столни нари сурдик, унисин буён.

## РАИС

Бас қилингиз, иккингиз ҳам ғўр, каллаварам,  
Ҳа, шеригинг нодон бўлса аҳволинг аён.

## (фаррош аёлга)

Кўп мураккаб шахс экансиз, наинки фаррош,  
Сиз эплэйсиз супургини миниб юришни.  
Мумкин бўлса, сирингизни айланг менга фош,  
Сиз қанақа тушунасиз қайта қуришни?

## ФАРРОШ АЁЛ

Авваллари халқ давлатни тингларди мутлоқ,  
Оддийгина йўрикни ҳам кутиб турарди.

Энди эса давлат халққа солмоқда қулоқ,  
Умидвормиз, пинҳон қолмас энди халқ дарди.

Узоқ-узоқ набиралар бахтига балким

Қутлуғ кунлар келаётир шарпасиз, сассиз.

## РАИС

Қизик гаплар... У ҳолда биз ким эурмиз, ким?

## ФАРРОШ АЁЛ

Сиз халққа ҳам, давлатга ҳам мансуб эмассиз.

## БИРИНЧИ АЪЗО

## (ўзича)

У тобора қизишмоқда, тушмайди ҳеч паст

## ИККИНЧИ АЪЗО

## (ўзича)

Балки давлат ўрганмоқда бизларни зимдан.

## ФАРРОШ АЁЛ

Бир қавм бор, номи унинг манфаатпараст,  
Ер юзида яшаб келар қадим-қадимдан.

Қўлини у совуқ сувга урмаган асло,  
Қилар иши алдамчилик, найранг, қабоҳат.

Улар учун байрам бўлур қўзғалса бало,  
Яхшиларнинг юрагида ёнса жароҳат.

Эл тулпорни эгарласа — минсам деган у,  
Эл тиклаган иморатга удир даъвогар.

Эътиқоду инсоф унда бўлмаган мангу,  
Турланади сал ўзгарса оби ҳаво гар.  
Етмиш йилки, ҳар гапига Ленинни қўшиб,  
Ризқимизни қийиб келган улар-ку ахир.  
Бугун эса янги тартиб номидан жўшиб,  
Тўғри келган ҳар бандани этмоқда таҳқир.  
Итда вафо бўлар, лекин унда вафо йўк,  
Суюқ отган ҳар кимсанинг ялар пойини.  
Суврат силлиқ, сийрати-чи худбин ва қуруқ,  
Қароқчидек тўнаб кетар борган жойини.

РАИС

Аллақандай қарашларни ташвиқ айламанг,  
Чучварангиз бўлса агар, санаяпсиз хом.

ФАРРОШ АЁЛ

Сен ҳам гапни бураверма, қилма кўп найранг,  
Мен — халқдирман, аммо лекин эмасман авом.

РАИС

Рус элида «Болта шўрва» деган эртак бор,  
Яша, дейди лақмаларни алдаб, шишириб.  
Қани, айтинг, бирор кимса қолиб оч-наҳор,  
Еганми ҳеч қозонида орден пишириб?  
Ёш умрини ғояларга текин бағишлаб,  
Не-не йигит ўтиб кетди қорни тўймасдан,  
Нима кўрди улар ахир «биз» учун ишлаб,  
Унутдилар, лаҳадига ҳали қўймасдан.  
Бу дунёга ёлғиз бир бор келади Инсон,  
Демак ҳар зум тап тортмасдан яшамоқ керак.  
Биз — жондормиз, дунё эса чеки йўқ ўрмон,  
Юрмоқ керак, ёрмоқ керак, ошамоқ керак.

ФАРРОШ АЁЛ

Боз устига либосларни ечиб мутлақо,  
Тўрт оёқлаб лойга ботиб бўқирмоқ керак.  
Имон, инсоф, виждон сўзин эшитган асно  
Қутурган бир арслон каби ўқирмоқ керак.

РАИС

Кимсиз ўзи? Қай кўчага бошимни бурсам,  
Рўпарамдан мана мен, деб чиқаберасиз?  
Мен сизни бир оддийгина фаррош деб юрсам,  
Фалсафани Афлотундай сўқа берасиз?  
Бунча гапни сиз қаяқдан топасиз экан,  
Дарсхонангиз қайси ерда? Устозингиз ким?

БИРИНЧИ АЪЗО

(ўзича)

У бизларни бира тўла мот қилай деган...

ИККИНЧИ АЪЗО

(ўзича)

Супургига аппарат ҳам боғланган, балким.

ФАРРОШ АЁЛ

Ох, устозим ҳалок бўлган аллақачонлар,  
Сибирь қилиб юборишган шундоқ зиёни.  
Навойини ўқир эдик бўш қолган онлар,  
Ўқир эдик гоҳ Гомер, гоҳ Монтескьёни.

БИРИНЧИ АЪЗО

Манти қосқон деяптими?

ИККИНЧИ АЪЗО

Йўк, кўмир деди.

ФАРРОШ АЁЛ

Ҳам номарду ҳам бевафо экан бу олам.  
Менинг эрим мутафаккир бир одам эди,  
Ўзи билан йўқ қилишган китобларин ҳам.



РАИС

Унинг айби нима бўлган?

ФАРРОШ АЁЛ

Бу — мунгли тарих,

Айни чоғда сиз учун ҳам ибратомуз ҳол.  
Инсон зоти кулфатлардан бўлолмас фориг  
Агар ўтган фожеасин унутса дарҳол.  
Айтсам айтай, майли сиз ҳам бўлингиз огоҳ,  
Бу воқеа урушгача юз берган экан.  
Чарс бир эчки оғилидан қочиб баногоҳ  
Утлаш учун пахтазорга югурган экан.  
Ўша маҳал ҳукуматнинг хос вакиллари  
Ўтиб қолмиш эчки юрган дала қошидан.  
Тўппончага ёпишибди дарҳол қўллари,  
Эчкига ўқ узибдилар аввал бошидан.  
Сўнг, топингиз дейишибди, эчки эгасин,  
Дарҳол ҳайдаб келтирмишлар ота-болани.  
Бир ўқ билан ўчирмишлар отанинг сасин,  
Бола эса қолабермиш, чекиб нолани.  
Ўқ еган чол менинг шўрлик қайнатам бўлган,  
Бола эса — у бўлғувси умр йўлдошим..

РАИС

Бор гап шуми? У чол, эҳ-ҳе, қачонлар ўлган.

ФАРРОШ АЁЛ

Не кунларни кўрмади-я менинг бу бошим.  
Мухтожликнинг ҳасрат тўла йўлидан ўтиб,  
У ҳам, мен ҳам улғайганмиз етимхонада.  
Турмуш қурдик муҳаббатнинг қўлидан тутиб,  
Олим бўлиб етишди у тинч замонада.  
Бироқ ота фожеасин унутолмай ҳеч,  
Маяюс бўлиб қолган эди нигоҳ-назари.  
Дер эдики: — Ҳақ очилгай эртами ё кеч,  
Бедодликдан доҳиймизнинг йўқдир хабари.  
Чойхонага кириб бир чоғ, нима ҳам бўлиб,  
У доҳийнинг ҳайкалчасин бошин силабди.  
Ёвузларни жазоланг, деб ўпкаси тўлиб,  
Доҳиймизга узун-узун умр тилабди.  
Чақув боис бостиришиб келдилар уйга,  
Халқ душмани, дея уни қилдилар эълон.  
Шу тарика шерик бўлдик биз қонли «тўй»га,  
Эмиш, доҳий пешонасин силади, илон...  
Унинг ёди билан ўтди сарсон ҳаётим,  
Муаллимлик касбимни ҳам олдилар тортиб.  
Фақатгина хотиротдир менинг бисотим,  
Топган дунём шу супурги, ўзимдан ортиб...

РАИС

Бўлди, бўлди. Энди менга аён ҳамма сир,  
Эрингиздай лапашангни кўрмаган дунё.  
Юрмайдими айшин суриб, ҳам кар, ҳам басир,  
На отани, на эчкини билмасдан гўё.  
Чақув дейсиз. Чақимчилик ҳаммага мерос,  
Кунми ахир — бирор жойга ташимасанг гап.  
Икки зотни уриштириб ташласанг паққос,  
Ҳам ўсасан, қолаверса, томошадир заб.  
Чақимчилар сафига у ўтганда агар  
Бошқаларни ер эди-ку ўзи кемириб.  
Ҳой, опагон, тегрангизга ташланг бир назар,  
Юрибди-ку чақимчилар ҳануз семириб.  
Модомики, жуда нозик бир масалада  
Йўлларимиз уйғун чиқди, солингиз кулоқ:

Гарчи турфа хаёл яшар турфа каллада,  
Сиз — тузумдан аламзада одамсиз мутлоқ.  
Мана, ширкат туздик бизлар, «Ранжком»дир номи,  
Аъзоликка кира қолинг, бирга бўлайлик.  
Биласизки, мамлакатда кураш айёми,  
Ўзимизга яратайлик биз ҳам қулайлик.  
Сиз ғоятда заковатли, фикрчан аёл,  
Мартабасиз юраберманг, супурги боис.  
Режамизни тушунтириб бераман дарҳол,  
Хоҳласангиз, бўлақолинг сиз бизга раис.

#### БИРИНЧИ АЪЗО

Ана энди кучаяди бизнинг ташкилот,  
Халқ номидан гапиради бу аёл, ахир.

#### ИККИНЧИ АЪЗО

Энди тортиб ололмайдимиз журнални ҳеч зот,  
Онасини кўрар бўлди қари муҳаррир.

#### ФАРРОШ АЁЛ

Ҳар қандайин ташкилотинг ўзингга сийлов,  
Тузоқларни танийдирган тулкидирман, бил.  
Умрим бўйи тақдир менга боқди беаёв,  
Энди ёлғиз супургимга теккизмагин тил.  
Яратгандан фақатгина бир тилагим бор,  
Шу тилакни ялов қилиб ўтай дунёдан:  
Сендайларнинг қўлида ҳеч айламасин хор,  
Айирмасин диёнатдан, меҳру зиёдан.  
Кўп ноҳақлик мавжуд ҳали Инсон феълида,  
Бахтли удир — кимнинг кўнгли ҳаққа тўқ экан.  
Аллақайси толеи бут элнинг тилида  
Пора деган тушунча ҳам, сўз ҳам йўқ экан.  
Сизнинг эса аъмолингиз нафсу қабоҳат,  
Кураш деса англагайсиз қароқчиликни.  
Йўқдир сизда зарра имон, тирноқча шафқат,  
Касб қилгансиз Азроилга яроқчиликни.  
Аламзада зот эмишман, шундоқдир балки,  
Лекин сизнинг аламингиз нимадир, айтинг?  
Кўкармагай, кимни агар қарғаса халқи,  
Бу хатарли йўлингиздан, яхшиси, қайтинг.  
Мансаб дейсиз, бойлик дейсиз, доврўқ дейсиз, оҳ,  
Ўз-ўзидан ким бўлибди шуҳратлик, шонлик.  
Бунинг учун зарурмикан шунчалар гуноҳ,  
Бунинг учун зарурмикан шунча шайтонлик.  
Сизга нақл сўйлаб берай, тинглангиз ҳушёр,  
Илло, мағзин чаққан одам бўлмас сира кам.

#### БИРИНЧИ АЪЗО

(ўзича)

Маърузасин на чеки, на чегараси бор.

#### ИККИНЧИ АЪЗО

(ўзича)

Ҳа, устози таълим берган экан чинакам.

#### ФАРРОШ АЁЛ

Бир қабила йўлбошчиси демиш Темурга:  
— Сен бизларни қурол билан забт этдинг, амир.  
Модомики, кетмас бўлиб келдинг бу ерга,  
Фуқарога эгалик қил, қўлагил тадбир.  
Қассоб бўлсанг сўйиб ташла шу заҳотиёқ,  
Сотиб юбор, агар касбинг бўлса савдогар.  
Магар ундоқ эмассанми, тут бизга қулоқ,  
Сен бизларга бахт ато эт, подшоҳ бўлсанг гар.

#### РАИС

Ўйлаб кўрса, нақлингизда маъни бор ростдан,

Лекин бизга дахли нима? Тушунмай қолдим.

ФАРРОШ АЕЛ

Гап шундаки, остонада ўлтириб, қасддан  
Сизнинг барча режангизни эшитиб олдим.

РАИС

Шунақами?

ИККИНЧИ АЪЗО

Ана холос.

РАИС

Демак бизларни

Беш қўл каби биларкансиз, сиримиз аён?

ФАРРОШ АЕЛ

Истасангиз таърифлаб ҳам бергум сизларни,  
Шоир бўлсам, сизга атаб ёзардим дoston.  
Не кулфатки, шиорингиз нуқул ёмонлик,  
Балоларнинг ҳиди келар қадамингиздан.  
Сиздайлардан кутиб бўлмас сира омонлик,  
Онага ҳам ташланасиз аламингиздан.  
Ўз бошига тушмагунча то тухмат, иғво,  
Тўғри сўзнинг қадрини ҳеч билмайди киши.  
Лоф гапирсам, майли мени кечирсин худо,  
Айтиб берай, кимнинг қандоқ эрур қилмиши.  
(биринчи аъзога)

Сен уззу кун китобларни ёнингга қўйиб,  
Кўчирасан.

БИРИНЧИ АЪЗО

Мен таржима қиламан фақат.

ФАРРОШ АЕЛ

Пул ишлайсан журнал ишин ижодга йўйиб,  
Таржиманг ҳам, ёзганинг ҳам бир пулга қиммат.  
(иккинчи аъзога)

Сен бўлсанг-чи, ғирт арақхўр, кўкнори жунун,  
Соғ юрмайсан, шу ўлгурдан қачон тўйибсан.  
Суваракка олиб келган доримни у кун  
Бир томчи ҳам қолдирмасдан ичиб қўйибсан.

ИККИНЧИ АЪЗО

(тутақиб)

Мен умримда газли сув ҳам ичган эмасман,  
Сурункали дардим бордир ошқозонимда.  
Ароқ турган дастурхондан таом емасман,  
Тухматингиз заҳар бўлиб жўшди қонимда.

ФАРРОШ АЕЛ

(раисга)

Сен-чи, раис, тайини йўқ хотинбоз, нодон,  
Бир қарашда маънилиқдай туюлар сўзинг.  
Лекин айт-чи, менинг сўзим ростми ё ёлғон,  
Аёлларнинг иштонидан узилмас кўзинг.

РАИС

(аъзоларига)

Туринг кетдик, бу хотиннинг мияси ачиб,  
Ортиқчалик қилиб қолмиш супургиси ҳам.  
(чиқиб кета бошлайдилар)

ФАРРОШ АЕЛ

Қани, «Ранжком», бир югур-чи тухматдан қочиб,  
Бурнингизга сув кирдимми? Қилдимми алам?  
(ёлғиз қолади)

Нима топдим шулар билан пачакилашиб,  
Кўп нораво сўзлар айтдим қариган чоғда.  
Ким билади, фарзанд кўриш этганда насиб,

Балки у ҳам куйдирарди мени шу доғда.  
Йиқилганга мадад берсанг — буни англайман,  
Ҳалоллик деб жангга кирсанг алқағум абад.  
Ёвузликдан зада бўлган қора манглайман,  
Номардлардан дод деганман, дод дегум минбаъд.  
Лекин нечун бу қавмнинг йўли доим шай,  
Қандоқ қилиб бир-бирларин излаб топарлар.  
Муюлишда гар дафъатан чалинса карнай  
Ош борми деб гуруҳ-гуруҳ бўлиб чопарлар.  
Ўзгаларда не ташвишу буларда не ғам,  
Ўрми десанг, Хизр сифат пешволари бор.  
Не бўлса ҳам сен шулардан асрагин, эгам,  
Шундайларнинг қўлларида юртни қилма хор.  
Азиз элим, ўзинг туққан амалпарастдан  
Қачон ахир қутулгайсан, ўйлаганим шу.  
Сени ким ҳам судраб чиқар тубандан-пастдан,  
Пешонангда қотган шўринг кетарми, ёху!  
Сиз қайдасиз, бағри жаҳон азамат эрлар,  
Сен қайдасан, покдомон зот, фидойи Инсон.  
Тарқаб кетар чўпони йўқ сурув ҳам дерлар,  
Қайда доно жим ўтирса — сайрагай нодон.  
Бугун шундай бир фикрга келдим мутлақо:  
Маст қиларкан эркинликнинг ногоҳ нағмаси.  
Ҳеч ажабмас, шону шуҳрат талашса, ҳатто,  
Маҳалланинг чумчуғидан тортиб қарғаси.  
Оддийгина фаррошману, толени қаранг,  
Ўлмай ўтдим қирғинлардан, очлик, хорликдан.  
Гоҳ ёш тўла кўзларимни очсам ҳам аранг,  
Айрилмадим қаноатдан, умидворликдан.  
Балки мени қўллаб юрган устозим руҳи,  
Балки менга суянч бўлган жиндек эътиқод.  
Гоҳ кимнидир четлаб ўтса ҳаёт шукуҳи,  
Гоҳ кимнидир имонсизлик этаркан барбод.  
Ановлардан гина қилиб бораё қаёққа,  
Ҳиссизларнинг башарасин сира йўқ кўргим.  
Энг яхшиси, ҳасратимни айтай таёққа,  
Садоқатли йўлдошимсан, ўзинг супургим...

1988 й.



Эркин Самандар

# Дафёснинг ЙУҚОТГАН ҚИРФОҚ

Роман

БИРИНЧИ ҚИСМ

Кўнглим ўтиға сув урмоқ бирла таскин истаманг,  
Ким онинг бир учқуни солғуси юз Жайхунга ўт...  
Оғаҳий

1

Ганжа қамоқда беш йил ётиб, ниҳоят жазо муддатини ўтаганича, озодликка чиқди.

У қамоқхона биносини тарк этгач, кетида қолаётган темир эшикни анча-гача кўнгил кўзи билан кўриб турди. Лекин қайрилиб қарамади. Қуёшга юзини тутди. Июль кўёши ўз зарраларини унинг кўзларига сочди. Қўли билан кўзларини тўсди. Шу ҳолда тураверди. Юзига тўкилган қуёш нури аста-аста бутун баданига ҳовур бахш этди. Кўйлагининг тугмаларини ечган Ганжа қуёш саховатидан ийиб тураверди. Ёнига қамоқ назоратчиси келди.

— Кетгинг келмаяпти, шекилли?

Ганжа индамади. Ичида ўйлади: «Сенинг кўзларинг зулматга ўрганган. Қуёшни билмайсан. Билганингда, нега турибсан, деб сўрамаган бўлардинг. Одамни тутқунликда сақлашдан бошқа нарсани билмайсан. Касбинг шунақа. Сенда ҳам айб йўқ. Ҳозир кетаман...»

Ганжа кўйлагининг тугмаларини қадади. Серрайиб турган назоратчига қарамади. Унинг ҳамиша тунд юзидан зада бўлган эди. Кета бошлади. Назоратчи:

— Хайр, оғайни,— деди.

— Яхши қол.

Яна ўйлади: «Оғайни эмиш. Азроилга ука тутин, хумпар». Жаҳл билан юрди. Тиззаларидан дармон кетганини сезди. Елкаси бир томонга оғаётгандай. Тугунчасини чап қўлига олди. Нафи бўлмади. Одамлар қарайвергандай бўлди. Ўнғайсизланди. Йўлка бўйидаги кемтик ўриндиққа ўзини ташлади. Атрофга боқди: ким тўрхалтасини кўтариб бозордан келяпти, ким дўконга шошиляпти. Сочлари ўсиқ йигит сочи қирқилган қизни белидан қучиб олган. Галстук таққан қизча бир қўлида папка, бир қўли ҳадеб музқаймоқни оғзига олиб боради. Бир тўп йигитлар эшигини ёпаётган автобус томон югуришди. Шофёр уларни кўрди шекилли, ёпилган эшикни очди. Тор ва гармон кўтарган йигитлар такси тўхтатишди. Озодлик!.. Назоратчи йўқ, йўл ҳам оёқларинг ҳам ўзингники.

Куни бўйи санқиди. Ўнғай жой топганида ўтирди. Кўпроқ юрди. Онаси юборган пулга у-бу харид қилди. Ўғилчасига кўйлак олди. Онасига рўмол. Шунақасини жуда ҳам ёқтиради. Арзон жомадон харид қилиб, тугунчасини унга жойлади. Вокзалга бориб, поезднинг кетадиган вақтини аниқлади. Кассага ўтди. Майли, сармоя йўлга оз қолса ҳам купеда кетади. Қаватли тахта устида қисилишиб ётиш жонига теккан. Ҳарҳолда купеда одам оз бўлади.

Поезд тунда кетишини назарда тутиб, трамвайда яна шаҳарга қайтди. Бозорга бориб, бир бош узум олди. Чойхонада тамадди қилиб вақт ўтказмоқчи бўлди. Иш куни эканлигига қарамай, чойхона гавжум эди. Қариялар кўпроқ. Жой қидириб, ўртада туриб қолди.

— Меҳмон, бўш жой бор, келинг.

Бақалоқ йигит уни ёнига таклиф этди. Бориб жомадонни столнинг қийшиқ оёғига тираб қўйди-да, курсига омонатгина ўтирди. Бақалоқ чой узатди.

— Раҳмат, чойни ўзим опкеламан.

— Меҳмон отангдан улуғ деганлар, марҳамат, олинг. Қўлимни қайтарманг, хафа бўламан.

Ганжа ноилож пиёлани олди. Нон билан узумни стол устидаги ликопчага қўйди.

— Кўринишингиздан бу ерликка ўхшамайсиз, қаердан бўладилар?

«Нима ишинг бор? Чойингни ичавермайсанми? Одамларга ҳайронсан. Сал қўйиб берсанг таржимаи ҳолингни сўрашга тушишади». Бу гапларни ичига ютиб, саволга жавоб берди:

— Боғистондан.

— Э, шунақа денг. Тилими тилни қирқадиган қовунлар ўлкасиданман, денг.

— Кечирасиз, мен чой опкелай.

Бўшаган чойнак излаб Ганжа бу столдан у столга ўтди, ундан наригисига. Кўзи чойнак қидиради, хаёли бақалоқда: «Нега ҳам шу олифтага рўбарў келдим? Нақ хира пашшанинг ўзи-я!»

Учи синган, қопқоғининг чети кўчган чойнакни Ганжа столга қўймасданок, йигит яна бидирлай кетди. Савол устига савол берди. Ганжанинг колониядан чиқиб келаётганини билиб олгач, баттар сайрашга тушди.

— Ундай бўлса Одиловни танирсиз?

— Олимжон аканими?

— Ҳа, ўша турқи совуқни.

— Сиз Олимжон акани яхши билмас экансиз. Билганингизда бунақа демаган бўлардингиз.

— Мен уни билмас эканманми? Етти пуштигача танийман. Соғидан аҳмоғи кўп.

У яна алланималар деди. Ганжа эйтибор бермай, Одиллов ҳақида ўйлаб кетди. Очиқ чехра, кўзлари одамга мулойим боқувчи ёқимтой одам. У лагерда маҳбуслар билан маърифий ишлар олиб борарди. Гаплашганда худди одамнинг жони дейсиз. Ўзи ҳам кўнглида борини тўкиб солади, сизнинг ҳам дил тўрида ётган пинҳон гапларингизни тилингизга чиқаради. Ганжани биринчи сўзлатгандаёқ гангитиб қўйди. Ечилмаган жумбоқларга ишора қилди. Ганжанинг кўнглига ғулғула тушди. Юзинчими, мингинчими марта воқеани бутун тафсилоти билан хаёлидан ўтказди. Уйлагани сайин Одиллов ҳаққа ўхшаб кўринаверди. Кўп ўтмай Одилловни министрликка ишга олишди. Ана

шундай бир одам ҳақида бу бақалоқнинг сасиб ўтиришига нима деса бўлади.

— Ўзи кулиб гапиргани билан ичи қора,— Ганжага тушунтирган бўлди бақалоқ.— Бировнинг униб-ўсганини кўролмайдди. Бахил одам. Бориб турган исқирт. Айниқса қизи... Моҳира... бу жодугар кулиб туриб одамнинг жонини олади. Э, қутулганим рост бўлсин.

Шундан кейин бақалоқ қандай қилиб Моҳирага ошиғу беқарор бўлиб қолгани, унга уйланиб сал ўтмай ора бузилгани, ҳаммаси «бир пулга қиммат одамлар» эканигача айтиб ташлади. Бу хирадан фақат қочиб қутулиш мумкинлигини тушунган Ганжа кўзгалди. Еш умрида у антиқа зотларни кўп кўрди. Аммо дуч келган одамга ўзи ва ўзгалар ҳақида оғзига келганини гапираверадиган бунақа бетамизни учратмаган эди. Йўл-йўлакай шу ҳақда ўйлаб кетди. Қутулганим рост бўлсин эмиш. Балки сендан қутулганларига улар шукр қилиб ётишгандир, эй, нодон...

Кечқурун соат тўққизда «Тошкент-Бейнов» поезди станцияга келиб тўхтади. Ганжа ўн биринчи вагон томон юрди. Вагондан қизил кўйлакли қиз шошиб тушди. Гўё вагондан бир парча олов отилиб чиқди.

— Амаки, буфет қаёқда?

Ганжа буфетнинг қаёқдалигини билмасди. Беихтиёр ўнг томонни кўрсатиб юборди. Кейин ҳайрон бўлди. Нега билмайман, деб айта қолмади. Ўзини койиди. Кўзлари қизни ахтарди. Тополмади. Бошини сарак-сарак қилди.

Купеда ўрта яшар аёлдан бўлак киши йўқ эди. Ганжа ўриндиққа жойлашди. Аёл унга разм солди. Ўрта бўйли. Оқ юз. Қошлари қалин. Елкалари кенг. Билак пайлари бўртиб чиққан. Кўйлаги эски. Ботинкаси кўпол. Беш-ўн йил аввал модадан қолган. Кўзлари ғамгин, мунгли. Муомалани билмаслиги кўриниб турибди. Ҳатто саломлашмади. Бундайлардан эҳтиёт бўлган маъқул.

— Узоққа борасизми? — нописандлик билан сўради аёл.

Ганжа купе ойнасидан кўзини олмай жавоб қайтарди.

«Охиригача қошимда маддадай ўтираркан-да. Адасига, купени тўла сотиб олинг, деб қанча айтдим. Қайсарлик қилиб кўнмади. Мана, битта ўпоқ минди, нариги станцияда бошқа сўпоқ чиқади. Ўғримми, муттаҳамми, ким билади».

Аёл нималарни ўйлаётганига у қизиқмади. Рангини йўқотган дўпписини олиб ёнига қўйди. Қалин, қора сочларини бармоқлари билан таради.

Ҳар қўлида икки шишадан «Боржоми» кўтариб, қизил кўйлакли қиз купега кирди. Юзи кўйлагидек лов-лов ёнарди. Йигитни кўриб беихтиёр: «Вой, бизнинг купега чиқдингизми», деб юборди. Ганжа бош қимирлатди.

— Танийсанми? — сўради аёл.

— Буфетни менга булар кўрсатдилар,— деди қиз мамнун.

«Буфетни билса ичадиганлардан. Ичиб олиб ҳали томоша ҳам кўрсатар. Қаёқдан ҳам дуч келдик бу рўдапога».

Проводник кириб, кўрпа-тўшак керакми, деб сўради. Тезгина келтириб берди. Аёл бир оз юмшаб деди:

— Тепа ўринлар бўш. Юқорига чиқа қолмайсизми?

Унинг ўрнига қиз жавоб берди:

— Ўринлари пастда бўлса керак.

— Ҳа,— деди Ганжа босиқ овозда.

— Тепага мен чиқаман,— деди қиз кулиб.

— Нега сен чиқаркансан? — жеркиди уни аёл.— Эркак одам хотин-қизларга ўрин бериши керак.— «Керак» сўзини у лабини чўччайтириб айтди.

Ганжа кўрпа-тўшакни юқорига қўйди. Пастга омонат ўтирди.

— Буфетда ғиж-ғиж одам,— деди қиз қувноқлик билан.— Поезддан қолиб кетаманми, деб кўрқдим.

Қиз бу сўзларни Ганжага қараб ойсига айтди. У яна бир қалтис қадам қўйди. Йигитга:

— Сиз поезддан ҳеч қолиб кетганмисиз? — деди.

Аёлнинг жон-пони чиқиб кетди. Эркак одамга шундай саволни бериб бўладими?

— Жинни бўлганмисан? — деди аёл қизни койиб.— Поезддан қолган-қолмагани билан нима ишинг бор.

Негадир Ганжа қизни ҳимоя этгиси келди.

— Қаҳратон қиш кечаси эди.— Аёлга эътибор бермай қизнинг кўзларига қараб тўкиди.— Станцияда шўр бодринг оламан, деб бир минутга пастга тушганман. Кўйлақчан. Кампир имиллаб бодринг бераман дегунча поезд кетиб қолибди. Орқасидан бор кучим билан чопдим. Етолмадим.

«Ичган-да. Шўр бодринг егиси келган. Ичмай ўл». Аёл бурнини жийирди.

— Вой, битта кўйлақда қолиб кетавердингизми? — Қизнинг узун, қора киприклари пирпиради.

Шундай кейин ҳам қиз кўп саволлар берди. Ойисининг бас қил, деганига қарамай, ўз саргузаштларини ҳам ҳикоя қила бошлади. Сабр косаси тўлган аёл қизининг қулоғига нималарнидир шивирлади.

Қиз ўзини босди. Йигитни оқламоқчи бўлгандай:

— Қаерда ишлайсиз? — деб сўради.

— Ҳеч қаерда,— деди Ганжа узоқ жимликдан сўнг.

Ана, айтмадимми, дегандай, аёл қизига маъноли қараш қилди.

— Сайру томошадан келаётгандирсиз? — кесатди аёл.

— Йўқ. Қамоқдан келяпман.

Аёл чўчиб тушди. Қиз сергак тортди. Орага совуқ жимлик чўкди. Ганжа тепага чиқиб, жойига чўзилди. Аёл узук ва сирғаларини ечиб, яшириб қўйди. Мунчоқли ҳамёнини ёстиғининг тагига тиқди. Ёстиқни боши билан маҳкам босиб ётди. Мижжа қоқмасликка қарор қилди. Поезд бир маромда кетиб борар, учаласи ҳам уйғоқ, ҳар ким ўз хаёли билан банд эди.

— Нима айб қилиб қўйгансиз? — тепага қараб сўз қотди қиз.

Аёл ижирғанди. Қизининг «ақлсиз»лигидан ўкинди. Йигит саволни эшитди. Нима деб жавоб бериш тўғрисида узоқ ўйлади. Қиз кутди. Жавоб бўлгани йўқ.

Йигитнинг юраги тилка-пора бўлди. Аёл тақинчоқларини яширганида ичида бир нима узилгандай бўлган эди. Ётган жойига сиғмади. Аста пастга тушиб, купедан чиқди. Деразадан қоронғуликка термилди. Ҳеч нарса кўринмади. Ойнада ўзининг аксини кўрди. Узига-ўзи узоқ тикилиб турди.

— Ана шундай,— деди аксига қараб.— Энди сендан ҳамма шубҳаланади.

Филдирак тақа-тақ, тақа-тақ садо берар, поезд асабий елиб борар, Ганжа қоронғулик қаърига тикилганча жим турар эди.

## 2

У поезддан тушди. Таниш-билиш учрамади. Уйга дарё бўйлаб яёв кетмоқчи бўлди. Шаҳарни иккига бўлган катта йўл четига ўтди. Дарёга олиб чиқадиغان йўлак бўйлаб юрди. Анчадан бери кўнглини босиб турган булутлар тарқагандай бўлди. Шаҳарга энтикиб қаради. Баланд бинолар кўпайибди. Мактабга борадиган эски йўл тўғрилиб асфальтланибди. Майдончада болалар футбол ўйнашяпти. Унинг ўғли Анвар уйдამикан?

Дарё кўринди. Кўп йилдан бери тушларидагина кўргани — Аму сари ёш болага ўхшаб югурди. Ботинкасини ечиб, қўлига олди. Соҳил бўйлаб анчагача чопиб борди. Сув бўйига жомадонини қўйиб, нафасини ростлади. Қум устига ўтирди. Қалбидаги мудроқ ҳислар уйғонди. Қотиб қолган туйғуларига жон кирди. Юрагидаги булоқнинг кўзини босиб турган оғир тошни кимдир олиб ташлади. Нафаси раван келди. Вужуди кишандан бўшалгандай енгил тортди.

Дулдул дараси уфқгача чўзилган. Дулдулсой канали уни иккига бўлиб ташлаган. Дулдулсой Боғистондан анча баландда, тепадан пастга тез оқади, худди дулдул каби елади. Дулдулсой дейилгани шундан.

Соҳилда ўтирган йигитнинг кўзларини яна мунг босди. У дарёга тикилиб қараганидаёқ юраги орқасига тортган эди. Дарё ёшини яшаб бўлган мужрик онага ўхшаб кичрайиб қолибди. Худди осуда кўлдагидай тиниқ сув бир маромда имиллайди. Тез борган ерга секин борса ҳам бўлади, дегандай бепарво ва лоқайд, борлиғини аллақандай мискинлик чулғаган, юзи тунд, бағрида аввалги жўшқин руҳ нишони кўринмайди.

Саратон офтоби тинмай ерга олов пуркайди, ғир этган шабада йўқ. қирғоқдаги бужмайган, қовжироқ ўтлар дарёдан эпкин сўрагандай зорли мўлтирашади. Кичик ўзанга жо бўлиб қолган дарё эса тўлқин отолмайди.



Тўлқин бўлмаган жойда эпкин не қилсин, буни тинглашдан ўт-ўлан ожиз.

Уйлаш, англаш бахтини табиат фақат одамга ато қилган. Аммо одам бу бахтга гоҳ етиб, гоҳ етмай яшайди. Уйлари ўзига бош бермайди, туйғуларини тизгинлаб, оқ нима, қора нималигини англаб етганида вақт ўтган бўлади, ёруғ ўйлардан, чек билмаган орзу-умидлардан юракнинг туб-тубларида ўчмас армонлар ва надоматлар қолади.

Ганжа энгашиб қўлини сувга тикди. Елкасида чумоли юргандек, эти жимирлашиб кетди. Ҳовучида сув олиб юз-қўлини ювди. Дим ҳавода манг-лайига бодроқдай тошган тер томчилари ювилиб, дарё қатраларига қўшилиб кетди. Ҳовучини яна тўлдирди. Бармоқлари орасидан сизиб тушай деб турган тиниқ томчиларга бир нафас қараб қолди-да, ҳовучини лабига олиб борди. Сув шўр ва талх эди. Чўнтагидан рўмолчасини олиб, қўл-юзини артаркан, атрофга назар ташлади. Кўзи қирғоқда ётган кемага тушди. Анчадан бери йўқотган нарсасини топган одамдай жонланиб, кема томон юрди.

Кема дарё ташлаб кетган ерга бағрини бериб ётарди. Шохи синган. Ўнг биқинидан уч-тўрт тахтасини кимдир қўпориб олиб кетган. Таг тахталари тешилган. Каламушлар ин қурган бўлса керак, ичида кемтиклари кўп. Бечора кема, сени фақат дарё ташлаб кетдими?!

\* \* \*

Тўй олдидан Ганжа қишлоқ отахони — Буванинг олдига борди. Чой устида дилини ёрди.

— Кема керак эди.

— Бошим икки бўлади де. Баракалло. Бир оз кутасан-да.

— Яхши.

Бува эртасига Кийиктўқайга бориб, бир арава тўронғи келтирди. Шохаларини текислаб кесди. Ҳовузга ташлаб қўйди. Икки кундан сўнг сувдан олиб офтобга ёйди. Кун тиғида қотирмоч этиб, яна сувга солди. Бир ойгача шуни такрорлайверди. Шундай кейин тўронғиларни арралади, тахта қилди ва кема ясагач тутинди.

Қораянтоқ қишлоғида азалдан шундай удум бор. Куёвбола келинпошшани кемада бир айлантириб, дарёни зиёрат қилдиргач, чинакам тўй бошланади. Келин-куёв тушган кема олдинига оролча — Бува қароргоҳига боради, уни зиёрат этиб, юқорига — Кийиктўқайга йўл олади. Узоқ сайру томошадан кейин кема бошини тўйхонага буришади. Қирғоқда уларни кутиб турган от-аравалар устида карнай-сурнай садолари янграйди.

Йигит томон тўйга деб янги кема олади. Соҳилдаги хонадон учун кема қўл-оёқдай гап. Утинга ҳам, қумга ҳам, тўйга ҳам шунда борилади-да. Кемани тузатиб беришни албатта Бувадан илтимос қилишади. Бу одамнинг қўли теккан кема хосиятли бўлармиш.

Кемасозлик Буванинг асосий касби эмас. Унинг асл касби нималигини айтиш ҳам қийин. Йилқи ҳам боқади, йўниғчилик ҳам қилади, арава ҳам тузатади, кема ҳам, бешик ҳам ясайди. Буларнинг ҳаммасидан табибчилиги устун туради. Уйида доривор ўтларнинг барча туридан бор. Қўл-оёғи чиққан ҳам, бод касалига учраган ҳам Бувадан малҳам излаб келади. Қўли енгил, биотоки бор, деган гаплар бутун Отақўрғон районига кетган. Ҳамма Бува дейди. Асл исми Мухаммад. Бува дейлишининг бошқа боиси ҳам бор. Қадим-қадимда Қораянтоқда Найсонбува ўтган. Қораянтоқликларга учар отларни ўша бува тутиб берган экан. Шу жиҳатдан Қораянтоқ тарихи Бувадан бошланган, ҳозирги зотдор отларнинг пушти эса ўша учар отлардан тарқаган, дейишади. Донишманд кишиларни эса Қораянтоқда авалдан Бува деб атайдилар. Мухаммад Бува лақабини қачон олганини ўзи ҳам эслолмайди. Шу нарса аниқки, Бува дейишганида ҳали соч-соқоли қоп-қора қирчиллама йигит эди.

Ганжа Буванинг уйдан тўғри аэропортга келди-да, Тошкентга учди. ТИИМСИХнинг охири курсида ўқиётган эди. Қумрихон бир курс орқада, битта ётоқхонада туришарди.

Ганжа муҳаббатни аввал ширин-шакар нарса деб ўйларди. Бошига туш-

ди-ю, унинг азоб эканини билди. Қумрихонни кўрди дегунча ловуллайдикетади. Буни биров сезмайди, фақат ўзи билади. Билади-ю, гапирмайди. Ичида ўйлайди. Ичида сўйлайди. Тили чурқ этмайди. Тўй яқинлашиб қолди-ю, севаман деган биргина сўзни Қумрихонга айтолгани йўқ. Ичида айтди. Ҳар куни юз марталаб айтади. Қумрихон эшитиб тургандай, жимгина қулоқ солади. Мийиғида кулиб тураверади. Бу — эшитяпман дегани.

— Кема бўладиган бўлди.

— Ростдан-а!

Ганжа ичида айтди: «Рост бўлганда қандоқ. Қўчқорнинг шохидай бурама шохи бўлади. Буванинг ўзи унга нақш ўяди. Икки ёнига гулнинг суратини чизади. Унинг номини ўзимиз қўямиз. Ё Шохли кема деймиз ёки Гулдор кема. Гулдор деганимиз тузук бўлар. Ҳали бундай нақшли кемани дарё кўрмаган».

Қиз ҳаммасини тушунди.

— Кемани эшкак билан ҳайдайсизми?

— Йўқ. Таёв билан.

— У нима?

— Уми, узун хода. Дарёнинг тубигача етади.

— Дарё шунақа саёзми?

— Саёз эмас, хода узун-да.

Қумрихон Амударёни кўрмаган эди. У Шахристонда туғилиб ўсди. Шарқираб оққан ариқ бўйидаги гуллар ичида улғайди. Эсини танибдики, кўргани ҳам, севгани ҳам гул. Мактабга гулсиз борган куни бўлмасди. Дадаси Матқобил ака пахта заводидида ишчи-ю, ернинг тилини бир деҳқондан кам билмайди. Боғларида гулнинг ҳамма туридан бор. Қумрихоннинг гулга ўчлигини сезган дадаси у ётадиган хонани қишда ҳам гулга тўлдириб юборарди. Ойиси Зайнаб опа, қизингизни гул жинниси қилдингиз, деб эридан ўпкаларди. «Кўявер. Гулни севган қизнинг юраги гулдай тоза бўлади». Дадасининг бу гапи ҳамиша қулоғида. Гулдан гап кетса Қумрихон соатлаб гапириши мумкин. Лекин дарёни билмайди. Кемани ҳам.

— Амударёда лойқа сув оқади.

— Бўтана экан-да. Тиниқ сув яхши.

— Лойқанинг хосияти кўп. Ерни соғ қилади. Чўмилсанг, танангга яра-чақа тошмайди.

— Лой ёпишмайдими?

— Ёпишади. Худди мана бундай қилиб ёпишади.

Қиз унинг қучоғидан чиқишга уринмайди. У қўйиб юборишга шошилмайди. Қиз чиройли гапларни гапирарди. Гуллар ҳақида, юлдузлар ҳақида. У қучоғидан чиқазмай эшитади. Ўзи ҳам гапирарди, ширин-шакар гапларни овозсиз, ичида айтади. Қумрихон буни эшитади. Қулоғини унинг кўкрагига қўйиб туриб эшитади. Мийиғида кулаверади.

Анор хола келинини тўй куни кўрди. Аввал суратини кўрган эди. Суратдагиси худди чиройли киноактрисага ўхшарди. Кўзлари қоп-қора. Қарашлари тиниқ. Юзи узунчоқ, иккита холи бор. Бурни кичик. Оғзи ҳам. Лаблари гул баргидек нозик. Ҳаммаси жойида. Лекин суратга ишониб бўладими. Баъзи қизлар суратга тушишни қойиллатишади. Кўшниси Фотиманинг ўғли Армиядан биттасига уйланди. Олдин қизнинг суратини юборди. Кейин ўзини олиб келди. Суратда оппоққина эди, қарашса сап-сарик, юзининг ярмини доғ қоплаган.

Анор холанинг шубҳаси кўнглида тумандай осилиб турарди. Келинини кўрдию туман тарқади, юрагининг бир бурчидан қуёш чарақлаб чиқди. Сурат ҳам гапми, унга ҳуснининг ярмиси ҳам тушмаган экан. Бўйи сарвдек. Кўзлари ҳумор. Истараси иссиқ. Гулдеккина. Уғлининг омади бор экан...

Келинни вокзалда суворийлар кутиб олди. Отларга зеб берилган. Эгарларининг қошлари нақшли. Устларига гиламчалар ёпилган. Узангилари тилларанг. Сувлиқлари кумушранг. Жиловлари эски қора чармдан. Йигитлар қора шим, оқ кўйлак кийишган, қанжирға белбоғларининг попуқлари отларининг ёлларидай товланади.

Темир йўлга тақаб келинган биринчи аравага келин ва унинг янгалари, дугоналари, кейинги араваларга меҳмонлар ўтиришди. Суворийлар ҳамроҳ-

лигидаги аравалар тизмаси дарё сари тантанали юриб кетди. Қаршилари-дан беш чавандоз от суриб келди. Олдинда куёв, орқада унинг жўралари. Иссиқ бўлишига қарамай, бари чўғирма кийиб олган, қўлларида қорамон дастали қамчилар. Келин тушган арава теварагини куёв айлана бошлади. Шу тахлит уни уч марта айлангач, келинга олма отди. Куёв от суриб аравага яқин келганида келин унга олмани қайтарди. Куёв эпчиллик билан қопчиб олди ва зум ўтмай келинга қайтаришга улгурди. У яна отди. Куёв яна қайтарди. Соҳилга бора-боргунча олма отишиб, кулишиб, қийқиришиб, ким ўздига от суриб боришди.

Соҳилга яқин жойда аравалар тўхтади. Куёв келинни отга олди. Эгарнинг олдига ўтқазиб, соҳилдаги қум ва шағал устидан отининг бошини тўппа-тўғри кема сари бурди. У ерда бир тўп ёш-яланглар терма айтишарди:

**Шерози тўппини чаккага қўйиб,  
Манга қараб кулишингдан айланайин...**

Куёв қийқирик ва қарсақлар остида келинни отдан кўтариб олди-да, чап-дастлик билан кемага ўтқазди. Меҳмонлар, суворий йигитлар кема ёнидаги пароходга чиқишди. Куёв таёвни босди, кема тўлқинлар устидан энгил юриб кетди.

Улар қирғоқ ёқалаб оқимга қарши боришарди. Ганжа тик турганича «ҳаҳ» дея таёвни дарё тубига санчар ва тез тортиб олар, кема сархуш чайқалар, кучли оқим қаршилигини синдириб, олға сузарди. Қумрихон кеманинг олд томонида оппоқ келинлик либосида мамнун ўлтирар, бир оз бош айланаётганини куёвдан яширар, лабида нозик табассум жилва этар эди.

Қиз кемани кўздан кечирди. Унг ёнида қизил гул сурати, чап биқинида гулга қараб талпинаётган булбул тасвири. Қумрихон ҳайрон бўлди. «Нега кемасоз булбулни гулнинг ёнига қўймади? Ё айрилиқ севги қисмати-ми? Бечора булбул. Бир умр гулга етай деб талпиниши, висол дардида куйиб адо бўлиши керак. Ора эса бир қадам. Лекин, барибир, етолмайди. Биз эса мана биргамиз, энди ҳамиша бирга бўламиз».

Кема ва пароход Маздубат дараси тўғрисига етганида олдинма-кетин дарё ўртасига бурилдилар-да, оқим билан орқага қайта бошладилар. Уларни энди дарёнинг ўзи бошқарарди...

Соҳилдаги ғариб кеманинг устида ўтирган Ганжа шуларни эслади. Чакка томирлари лўқ-лўқ урди. Юрагининг гуп-гуп овозини гўё борлиқ эшитиб қоладигандай кўксини чангаллади, исён кўтарган товушларни чиқариб юбормаслик учун тишини-тишига босди.

«Газик» келиб соҳилдаги баланд йўл чеккасида тўхтади. Рулдаги одам атрофни кузатди. Кема устида ўтирган кишига кўзи тушди. Саратон тиғини писанд этмай букчайиб ўтирган йигит ким бўлди экан? У машинадан тушиб, эшикни қарсса ёпди. Қўлидаги калитини ўйнаганича кема олдига келди. Ганжа бошини кўтарди. Улар бир-бирларига узоқ тикилиб қолдилар.

### 3

Уларнинг биринчи учрашуви ўн йил олдин бўлган эди. Эр-хотин институтни битказиб, Дулдулсойга келишди. Сув омбори қурилиши зарбдор деб эълон қилинган, мамлакатнинг турли бурчакларидан қурувчилар, ёшлар Дулдулсойга оқиб кела бошлаган эдилар. Ганжа ўқишдан сўнг бир йил Тошкентдаги лойиҳалаш институтида ишлади. Қумрихон ўқини тугатганидан сўнг эса овозаси оламни тутган қурилишга келишди.

Аминовнинг қабулхонасида узоқ ўтиришмади. Секретарь қиз ичкарига Қумрихонни таклиф этди. Пешонасига «Қурилиш бошлиғи ўринбосари Ғ. Аминов» деб ёзилган маҳобатли эшикни ийманибгина очган Қумрихон кабинетга кириб кетди.

Секретарь машинкани чиқиллатарди. Қўнғироқ жиринглади.

— Э, э, сенмисан, Гуля? Бормисан оламда. Соғинтириб юбординг-ку. Менга қара, битта илтимос...

Секретарь овозини пасайтирди. Оғзини трубкага яқин олиб борди,

қўли билан беркитди. Илтимосини айтиб олгач, шарақлаб кулди. Олдинги алфозда гаплаша бошлашди. Шу ишимни бажармасам, Ира отимни бошқа қўяман, деди.

Ўзбекча гаплашаётган қўйкўз, қорафаранг бу қизнинг исми Ира эканига Ганжа ҳайрон бўлди. Қизга сездирмай разм солди. Сочи кесилган. Думалоқ юзига кесик сочи ярашади. Кўкраги оқ ипак кўйлагини ёриб чиқаман деб турибди.

— Севгилингизми? — ичкарига имо қилди Ира.

— Хотиним.

— Чиройли хотинингиз бор экан.

— Аёлнинг хунуги бўлмайди.

— Сиз эркаклар оғизда шундай дейсизлар-у, амалда хотинни чертиб оласизлар.

Эшик аста очилиб, Қумрихон чиқди. Хурсандлигини кўзидаги кулгулар айтиб турарди. «Сиз кираркансиз,— деди эрига.— Шу ерда пойлаб тураман».

Ганжа қирмизи пойандоз устидан бориб, стол тўрида ўтирган Аминов билан омонлашди. Аминов гимнастлардай қоматли, чаққон, кулиб гапирадиган одам экан. Бурни йўғон, бежирим мўйловини босиб турибди. Қоши ўсиқ. Пешонаси кенг, энсасида ўсган тўрт тола сочни айлантириб ўраб, ялтироқ бошига кўндирган. Вақти-вақти билан уни силаб қўяди. Кабинетнинг ўнг томони тўлиқ дераза. Унга қизил парда тортилган. Бу бутун кабинетга қизғишлик боғишлаган. Чап қўлдаги деворда гидроузелнинг катта харитаси осифлиқ. Унда бўлажак иншоот — тўғон, ГЭС, сув омборлари кўзни оладиган тарзда рангли қилиб чизилган.

— Дулдулсой Урта Осиёда якка-ягона,— харитага ишора қилди Аминов. Унинг чаққон ҳаракатларини кўрган одам, бидирлаб тез гапирса керак, деб ўйлайди. Аммо у шошмасдан, сўзларни чертиб-чертиб, гўё қироат қилаётгандай ички ғурур билан мулойим овозда сўзларкан.— Гидроузел ишга тушгач, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг сувсаб ётган икки юз эллик минг гектар ерига об-ҳаёт боради. Икки юзу эллик минг! Биласизми, бу неча миллион тонна пахта бўлади? Юзлаб янги уйлар, мактаблар, боғчалар, касалхоналар, боғ-роғларни кўз ўнгингизга келтиринг. Уша жойларга электр энергиясини ҳам ўзимиз етказиб берамиз. ГЭС юз минг киловатт-соат энергия беради. Юз минг!

Эртанги кунни аниқ тасаввур этиб, дадил гапирадиган бу одам Ганжага ёқиб қолди. Аминовнинг қалбида қайнаётган булоқ мавжи унга ҳам ўтди. Сўзининг Ганжага таъсир этганини кўриб, Аминов яна бир рақам келтирди.

— Тўрт сув омборига олти миллиард куб сув сиғади. Олти миллиард!

Аминов бунга қўшиқдай жаранглатиб айтди. Ганжанинг кайфияти яна бир поғона кўтарилди. Аминов тагин кўп рақамлар келтирди. Бўлажак мўъжизалар ҳақида гапирди, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгиликлар рўй беришини айтди. Рақамларга Аминов овозидаги майинлик қўшилиб, уни буткул сеҳрлаб қўйгандек эди. Ганжа тезроқ ишга киришишни, буюк қурилишга шу дақиқадан бош қўшишни истарди. Тўғри, Дулдулсой қурилиши ҳақида олдин ҳам кўп эшитган, ўқиган, таътилга келган пайтларида бўлаётган ишларни ўз кўзи билан кўрган, лойиҳага эътирозлари ҳам бор эди. Қурилишни ихчамлаш зарур, деб ўйларди. Аминовни кўриб, сўзларини эшитди-ю, эътирозлари кўнглидан кўтарилгандай бўлди. У, гўё беғубор бола сеҳргар эртақчига маҳлиё бўлганидай, Аминовга тикилиб, бош ирғаб ўтирарди. Унинг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан эшитарди.

— Хотинингиз ақлли аёлга ўхшайди,— Ганжани осмондан ерга олиб тушди у.— Инженер қилиб тайинладим. Ҳозир Анисимов отпускада. Қурилиш бошлиғини айтяпман. Ҳамма иш ўзимизга қолган. Отпускадан қайтгач, ўзим унга тушунтириб қўяман. Нима десам йўқ демайди. Сизга бўлса СМУ—1га инженерликка буйруқ бераман. Коллективимизга бирданига икки инженер келиб қўшилди. Икки инженер! Буни ювиш керак.

— Ювамиз,— деди ғурурланиб Ганжа.— Уйимизнинг тўри сизники.

— Қораянтоқда уйлариңиз бор-а?

— Ҳа, бор.

— Ҳозирча қатнаб ишлайверинглар. Вақти келиб уй ҳам берамиз. Ҳаммаси

бўлади. Пул ҳам, машина ҳам, от-обрў ҳам. Ҳаммасини Дулдулсойнинг ўзи беради.

Йўлда Ганжа хотинига Аминовни мақтади.

— Тиниб-тинчимас одамга ўхшайди,— деди Қумрихон.— Лекин одамга ёмон тикилиб қараркан.

— Қўявер, ҳамма эркаклар шунақа.

— Сиз ҳамми? Секретарь қиз билан анча чақчақлашдингиз шекилли?..

— У сени мақтади.

— Мени мақтади? Мени у қаёқдан биларкан?

— Бир кўришдаёқ билиб олган сени. Ана шунақа, менинг хотинимга аёллар ҳам ҳавас қилади!

Кечқурун қариндош-уруғлар келишди. Анор холанинг ошиғи олчи эди. Бийдай катта ҳовлида битта ўзи яшаб юрган она бағрига бирданига икки фарзанд кирди. Хувиллаб ётган уй чамандек яшнаб кетди. Ганжанинг дадаси Қилич ака пича ўтириб кетиб қолди. Ишларинг ўнгидан келсин, деб юзига фотиҳа тортди. Хола унга, яна озгина ўтиринг, деди. Қилич ака кўнмади. Ганжа: «Майли, дада, кеч бўлиб қолди. Бора қолинг», деди. Ҳолбуки, намозшом билан тун эндигина ўрин алмашаётган эди...

Ганжа бир яшарлигида онаси вафот этди. Қилич аканинг синглиси Анорхон бориб қарашиб турди. Эри урушдан қайтмагач, Анорхон бошқа эр қилмади. Тенгқурлари қатори колхозда ишлади, кейинчалик фермага ўтди. Сутсоғар бўлди. Акасини рози этиб, Ганжани уйига олиб келди. Уқитди, вояга етказди. Қилич ака кейинги хотинидан беш фарзанд кўрди. Ганжага кўп ҳам меҳр кўя олмади. Анорхон унга ҳаётини бағишлади. Энди ўғли бир қанот, келини яна бир қанот бўлиб, унга оналик бахтини ато этиб ўтиришибди.

— Бугун сен ўтир, қизим,— деди Анор хола келинига,— тўрга ўтиб ўтир. Уйни тўлдириб ўтирсанг бўлгани. Ҳарна хизмат бўлса ўзимдан ортмайди.

Қумрихон меҳри ийиб қайнонасига қаради. Унинг оппоқ лачаги ҳам, бўйинбоғиси ҳам кўзига илиқ босилди. Биринчи кунлари унинг лачагидан ғاشи келарди. Замонавий кийинса бўлмайдимиз, дерди. Аста-аста кўникди. Қораянтоқда барча кампирлар лачак кийишаркан. Бўйинбоғ ҳам боғлаб олишарди. Боғистоннинг бўлак қишлоқларида лачакни аллақачон музейга топширишган. Қораянтоқнинг аёллари ўзи бошқача. Бўйлари баланд, юзлари қорачадан келган тиниқ, узумнинг сувидек мусаффо. Кампирлари тўқсон-юзга кирганда ҳам букчайиш нималигини билишмайди. Ўз удумларини маҳкам тутишади. Лачак кийиб юришлари ҳам шундан. Ҳазил-мутойибага ўч бўлишади. Эркаклар-ку, худди оловнинг ўзгинаси. Ҳаммаси гавдали, новча, хушсурат, меҳнат қилиб чарчамайдиган, ғайратли, ўтли-шудли кишилар.

Қайнонаси ўтир дегани билан Қумрихон ўтирмади. Қозон-ўчоқнинг бошидан бери келмади. Ўтириш охирлаганида Ганжанинг синфдош дўсти Обод ҳаллослаб кириб келди.

— Кеч бўлса ҳам кириб жўрамни бир табриклай дедим. Ишлар қутли бўлсин.

— Иш бу иш-да, дўстим. Байрамидики, табрикласанг.

— Ишнинг бошланиши байрам бўлмай нима? Масалан, самолёт. Старт олиши қийин. Бир осмонга чиқдимиз, ви-ит, кетаверади. Иш ҳам шундай. Ҳамма гап уни яхши бошлаб олишда.

— Финиш-чи? — ҳазиллашмоқчи бўлди Ганжа.

— Финиш ҳаммасидан ҳам оғир. Осмонда юрган не-не казо-казолар кўниш пайтида яксон бўлишади.

Ўтирганлар кулиб юборишди.

Обод мироб бўлмоқчи эди. Отаси кўнмади. Миробликнинг вақти ўтган энди ҳамма гап савдода, деди. Уни Новосибирскдаги савдо институтига киритиб қўйди. Обод савдони севмаганидан амал-тақал ўқиди. Лекин сувга оид қандай китоб бўлса топиб ўқийверди. Институтни битказиб, райпога ишга келди. Отаси орзу қилганидек, топармон-тутармон савдогар бўлмади. Ҳамиша хаёли сувда, дарёда, шу мавзуда гап кетгудек бўлса, соатлаб жағи тинмайди. Дуненинг қайси бурчида қайси дарё оқади, қайси денгизнинг қандай феъли бор, ер суғориш тарихи, бугунги куни — барини беш бармоқдай билади.

Сухбат бориб Аминовга тақалди.

— Шухратпараст одам,— деди Обод шарт кесиб.

Ганжа унга ялт этиб қаради. Қумрихон ишонқирамай эрига боқди.

— Менга ишонмайсизларми? — деди Обод худди болаларга хос соддалик билан.— Ёлғон гапириб нима, унда қасдим бормиди.

— Қизиқсан, Обод,— Ганжа ўпкаланган бўлди.— Сени биров ёлғон гапирди, деяптими. Биз учун кутилмаган гапни айтдинг, шундан ҳайрон бўляпмиз, холос.

— Ҳайронлигининг сабаби шуки, жўра, у сени эски қўшиғи билан аллалаган.

— Ие, унинг эски, янги қўшиғи ҳам борми ҳали?

— Янгиси гўрда. Нуқул эски, сийқаси чиққан қўшиқ, ундоқ қиладурмиз, бундоқ қиладурмиз. Шундай деб-деб Дулдулсойнинг бошига сув қуяптилар.

— Сўзларингга тушунмадим. Бундоқ, очикроқ гапирсанг-чи.

— Ҳали сен кўп нарсани тушунмайсан, жўра. Ишга чиқ, гап нимадалигини тезда англай бошлайсан.

— Сен билсанг айтақол, гап нимада?

— Гап шуки, жўра, Аминовларнинг қилиб юрган барча ишлари нотўғри.

— Тавба, буёғи қизиқ бўлди-ку.

— Шошма, тавбани кейин айтасан. Астафзурулло деб ёқангни ҳам ушлайсан ҳали. Яқинда кўрасан, йиғилиш бўлади. Усов келяпти. Лойиҳа автори. Духовнинг сўзларини эшитсанг ҳаммасини билиб оласан.

— Ким у Духов?

— Эски ирригаторлардан. Суғориш бошқармасининг бош инженери. Аминовнинг пўстагини қоқади, кўрасан. Усовнинг ҳам.

— Шунақа жиддий гаплар бор де.

— Бўлганда қандоқ, жўра. Лойиҳанинг ишкали кўп. Ҳозир олди олинмаса, эртага фалокат рўй беради деявер.

— Кўпам ваҳима қилаверма. Лойиҳанинг камчиликлари борлигини ўзим ҳам биламан. Лекин сен айтгандек фалокат...

— Ҳалокатнинг нақ ўзи, жўра. Маздубат туз конимиз сув остида қолса, Кийиктўқай сув остида қолса, еримиз лойқа сувдан маҳрум бўлса, ҳаммаёқни зах босиб кетса, бу фалокат бўлмай нима?

— Шунақа дегин...

Ганжа Ободга яқинроқ сурилди.

#### 4

Соҳилдаги кеманинг устида ўтирган Ганжани кўриб Аминов довдираб қолди. Қутулиб келгани билан табриклаган бўлди. Одамнинг бошига нималар тушмайди, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан, деди.

Ганжа аста ўрнидан туриб, Аминовга яқин борди. Кўзларига тикилиб қаради. «Бу ўзи ким? Раҳбар бўлатуриб нега душманнинг ишини қилади? Дулдулсойдаги дарахтларнигина эмас, балки Ганжанинг севги дарахтини ҳам шу одам қуритмадими? Эҳтимол ўшанда пичоқни бунга уриш керак бўлгандир?..»

Ганжанинг феъли айниганини кўриб Аминов тилеғламалик қилди:

— Юрагида бировга кек сақлаб юрадиган одам эмасман. Утган ишга савлот. Истасанг эртагаёқ олдимга кел. Хоҳлаган ишингни бераман.

«Тирноқча ҳам ўзгармабди. Дулдулсой отангдан қолган бўлсаям «иш бераман» деб керилма, нокас. Менга иш берса одамлар беради». Кўнглида пайдо бўлган бу гапларнинг давомини Ганжа овоз чиқариб айтди:

— Марҳаматингизни бошқаларга қилинг. Мен бўлсам сизнинг макру ҳй-лаларингиздан тўйганман. Тўйиб кетганман!..

— Бехуда мендан хафа бўласан. Вақтида қаттиқ-қурум гапирган бўлсам ишни деб гапиргандирман. Шаънингга теккан бошқалар...

Аминовнинг ҳар битта гапи гўё ўтга сепилган сув эдики, Ганжа кўнглидаги туғённи ўчириш ўрнига ловуллаатиб борарди.

— Бошқаларни қўятуринг. Улар билан доду муомала қилиш менинг ишим. Аммо сиз...

Ганжанинг нафаси оғзига тикилиб гапиролмай қолди. Аминов ўзи турган нарвондан яна бир пиллапоя пастга тушди:

— Сени тушунаман. Аҳволингни биламан. Аммо ўзингни бос. Душманингдан қасд олиш бўлса олдинг. Энди ўзингни ўйласанг-чи...

— Душманингдан қасд олдинг, денг. Мен душманимдан эмас, ўчимни ўз дўстимдан олдим. Душманларим ҳали ҳам ялло қилиб юришибди...

— Қўйсанг-чи, — Аминов гапни ҳазилга бурмоқчи бўлди. — Одам даганинг душмани бўлса битта-яримта бўлар, минг ҳам бўладими?..

— Бўларкан. Аммо биттаси ҳам энди мендан қочиб қутулолмайди.

— Майли, ундай бўлса, билганингдан қолма, — Аминов Ганжа билан муроса қилолмаслигига ақли етиб, кўрс муомалага ўтди. — Фақат келган жойингга яна қайтиб бормасликни ўйла.

— Қайтиб бораманми, йўқми, бу менинг ишим, — тутақди Ганжа. — Аммо, шуни яхши билингки, энди у ёққа кетадиган бўлсам, битта ўзим кетмайман. Энди нима қилишимни ўзим биламан, жуда ҳам яхши биламан.

Аминов сесканди. Қаршисида турганинг ҳар ишга қодирлигини ўйлаб, орқага тисарилди. Ганжанинг кўзлари қонга тўлиб, ялтиллаб кетгандай бўлди. Тепада машина асабий сигнал берди. КАМАЗнинг шофёри йўлни тўсиб турган «Газик»ка ишора қилиб қўл силкиди. Аминовга жон кирди.

— Юр, обкетаман.

Ганжа юзини тескари бурди. Машиналар юриб кетмагунича қайрилиб қарамади. Кеманинг тепасига келди. Энг яқин кишисига аза тутгандай, бошини эгиб турди. Эртагаёқ уни бу ердан олиб кетишни кўнглига тугиб қўйди.

Ганжа уйига йўл олди. Таниш-билишга рўбарў келмаслик учун шаҳар чеккасидаги эски оёқ йўлдан кетди. Ўзи йўқнинг юзи йўқ, деб шуни айтади-да. Қораянтоқда, Дулдулсойда Гулдор кемани кекса ҳам биларди, ёш ҳам. Ўша машъум кунда у оролчадаги қозикқа боғлоғлиқ турарди. Ҳамишалик ўша манзилида воқеалардан беҳабар, балки уларни кутгандир. Чап қанотидаги булбул ўнг қанотидаги гулга талпингандир. Зор-зор куйлагандир. Нидо ургандир. Кўксини пора-пора қилгандир. Шу кўйи қанча турди экан? Балки уни биров олиб мингандир. Эгасиз нарсага хўжайин кўп топилади. Балки унга қўл теккизишга журъат этишмагандир. Тўлқинлар уни юпатавериб толган, бир зарб билан бошларига кўтариб, қирғоққа чиқазиб қўйишган-да, узоқ-узоқларга кетиб қолишган. Қора ерга бағрини берганча, кема фарёд этиб қолаверган. Сўнгра унга қушлар ин қурганлар. Бола очганлар. Одамлардан хавотирланиб, полапонларини кўздан йироқ жойларга олиб кетганлар. Кемани тарк этганлар. Кеманинг ўнг қанотидаги булбул суратини аёвсиз шамоллар, ёмғир-селлар, бўронлар ўчириб ташлаганлар. Гул суратини ҳам худди шундай қилганлар. «Вақт шундай беомон, — кўнглидан ўтказди Ганжа. — Беомон фақат вақт эмас. Одам ҳам одамга беомон».

Анор хола эшик олдидаги ўчоқ бошида овқатга уннаётган эди. Бир тутам ғўза поясини тиззасига уриб синдирди, икки буклаб, ўчаётган олов устига ташлади. Оловнинг тили тағин пасайди. Пояни ялаб-ялаб иситди-да, оғушига олди, сўнг гуриллаб кетди.

Хола йўлга қаради. Жомадон кўтариб олган йигитни кўрди. Юраги гуп этди. Уғлини таниб, унга қараб югурди. Ичкаридан Анвар чиқди. Нима бўлаётганини тушуна олмай серрайиб турди. Дадаси қама ида эсини энди таниётган эди. Яқинда биринчини тугатди. Ётсираб турган ўғлини Ганжа бағрига босди. Боланинг оёқлари ердан узилди. Анор холанинг кўзларидан тирқираб ёш оқди. Қийшайиб кетган лачагини тўғрилаб қўйиш ақлига келмади.

— Омон-эсон келдингми болам, нуридийдам!..

— Келдим, эна, келдим, ўзингиз омонмисиз?

— Мени қўятур, ўзинг қалайсан, тани-жонинг соғми?

— Соппа-соғман, эна.

Анвар дадасининг қўлини қўйиб юбормади. Она ўғлидан жомадонни олди. Оловнинг тили қозон теварагидан ўзига йўл топиб юқорига ўрмалар, учқунлари атрофга сачрар эди. Қозон қайнай бошлади.

\* \* \*

Ганжа билан Қумрихон биринчи марта Тошкентда қозон қайнатишган эди. Тўйдан кейин Комила опа уларни қўярда-қўймай ўз уйига кўчирди. Опа

машҳур ашулачи, кўпроқ гастролларда юрар, уйига қараб турадиган одам зарур эди. Опанинг собиқ эри Собировга Ганжанинг узоқ қариндошлиги бор. Муҳими бунда эмас. Эндигина оила қурган ёш келин-куёв опага жуда ҳам қўл келди. Ўша куни институт ётоғидан кўрпа-тўшакни олиб Кўкчага — опанинг уйига ўтишди. Бунга юваниз, деди Ганжа. Қумрихон иккови Чорсу бозорига боришди. Кашнич, барра пиёз, ялпиз, укроп олишди. Улар орасидан базўр чиқиб, гуруч растасига ўтишди. Раста олдида турган ёшгина йигит уларнинг йўлини тўсди.

— Свежий гўшт, ака. Думбамай ҳам бор.

Тўрхалтадан қоғозга ўроғлиқ гўштни олиб очиб кўрсатди.

— Кабобий экан, Қумри.

— Сих йўқ-да.

— Опада нима йўқ.

Опада сих ҳам, кўмир ҳам бор экан. Ганжа энг шимариб, олча тагида кабобга унади. Қумрихон айвондаги темир ўчоқда ёғ доғлади. Сабзи-пиёз-ни тўғраб, газ плитада ошга унади.

Доира кўтарган йигитча келди. У худди қизболадай нозик, оппоқкина, оқ шим-кўйлак кийган. Туфлиси ҳам оқ. Уйинга тушгандай йўрғалаб юради.

— Ҳошимжон, кел, — деди унга очиқ чеҳра билан опа. Сўнг Қумрихонга уни таништирди.

— Бизнинг ўйинчимиз. Учқуннинг шогирди. Ҳали сенга ўйнатиб бераман.

— Опам ўйинчимиди? — Қумрихонга илиқ қараш қилди Ҳошимжон.

— Қўрқма, опанг ўйинчи эмас, студент. Лекин ўйнаса сен чангида қолиб кетасан.

Қумрихон қизарди.

Улар тўйда танишган эдилар. Қумрихоннинг дугонаси турмушга чиқаётган эди. Қумрихонни ўйинга тортишди. Ашула айтаётган Комила опа ундан кўз узолмай қолди. «Ҳар қандай даврани гуллатадиган қиз экан», кўнглидан ўтказди опа. Рақс тугагач, ёнига чақиртирди. Кейин билдики, қиз Собировнинг қариндошига турмушга чиқаркан. Собировга ўхшаса, ёмон бола бўлмаслиги керак. Собиров тузук одам эди. Ҳамма айб опанинг ўзидан ўтди. Хуллас, опа Қумрихонни кўздан йироқлаштирмади. Мана бугун уйига кўчиртириб олиб келди.

— Тўйнинг дараги йўқми, опажон?

— Нақ тўйнинг устига келдинг, Ҳошим тўра. Бу оқшом меникида ўйнайсан. Чакканга ўзим пул қистираман.

Ҳошимжон чувт дўпписини тўғрилаб қўйди.

Дастурхон тузаб бўлинган ҳам эдики, эшик қўнғироғи жиринглади.

— Қаёққа қочсанглр ҳам топиб оламан, — шовқин билан Обод кириб келди.

— Қайси шамол учирди?

— Қораянтоқ шамоли. Ётоқхонага бордим. Комила опанинг уйига кўчди, дейишди. Опани билмайдиган таксист йўқ экан, тўппа-тўғри эшикнинг олдида келтириб қўйди.

Обод Новосибирскка ҳар ўтиб-қайтганида, ўз таъбири билан айтганда, Ганжани албатта «зиёрат қилар», бир кеча-ярим кеча ётоқхонада тунаб, «битини тўкиб» (бу ҳам ўз таъбири) кетарди. Энди ишлаяпти, командировкага келган бўлса керак.

— Оролга бағишланган симпозиумда қатнашгани келдим, — деди у Ганжанинг фикрини уққандай.

— Оролнинг райпога нима алоқаси бор? — деди Ганжа уни гапиртирмақчи бўлиб.

— Райпога ҳам сув керак, жўра. Симпозиум бўлишини радиодан эшитдим, хўжайиндан рухсат олиб келавердим.

— Райпода ишласангиз йўлингиз очиқ, қўлингиз узун экан, — деди опа мулоим кулиб. — Худди ўз уйингиздагидек яйраб ўтиринг. Тўрга ўтинг.

Обод тўрга ўтиб ўтириши билан Орол ҳақида гап очди. Унинг қуриб бораётганини айтиб, бош чайқади:

— Авлодлар кечирмайди. Дим кечирмайди. Оролни сақлаб қолмасак, юзимиз қора бўлади.



Сувни Сибирдан эмас, Каспий денгизидан келтириш лойихасини ўзича ишлаб чиққан, энг қулай ва арзон йўл шу, дерди.

— Обь дарёси қаёқдаю, биз қаёқда. Каспий бўлса Оролга икки одим.

— Авваламбор, Каспийнинг суви ўзига керак, — деди кабобни сихдан ажратаётган Ганжа. — Қолаверса, Орол Каспийдан саксон метр баландда жойлашган. Унга сув чиқариб беришнинг ўзи буладими.

— Керак бўлгандан кейин чиқаради-да.

Комила опанинг юраги сиқилди. Ҳошимжоннинг юзи буришди. Обод буни сезиб, гапни бошқа ёққа бурди.

— Кўчманчи ўртоқлар, кўчиб келган ўринларинг йўқолмасин...

— Бу бошқа гап, — деди опа қадаҳ жарангидай тиниқ овозда ва очилиб қўлига дуторни олди.

— «Оразибон»га нима етсин, — деди дуторни кўкрагига босиб, қулоғини бураркан. — Ҳошимжон, қайроқни ол.

Опа ширали овозда, ўзи маза қилиб, ўтирганларга ҳам маза бериб, оҳиста куйлай бошлади. Ҳошимжон нозик қўлларига қайроқни дутор навосига ростлаб, муқом билан рақсга тушди. Опа Ҳошимжоннинг ўйинига қарамас, унинг кўзлари эндигина ғунчалаган, янги гул каби очилган Қумрихонда эди. Вазмин куй шўхроғи билан алмашди. Охири бориб «Лазги»га уланди.

— Сен ўтир, — деди опа Ҳошимжонга. — Ўйиннинг қандай бўлишини мана ҳозир кўрасан. Тур, қизим. «Лазги» маҳтал бўлмасин. Опанг бўйларингга қоқиндиқ, турақол.

Қумрихон рақсга тушишни ёқтирарди. Лекин ҳозир қандай бўларкин? У ийманиб эрига қаради. Ганжа боши билан ўртани кўрсатди. Қумрихон атлас кўйлагини тузатиб, аста ўртага чиқди-да, қўлларини ҳавода ўйнатди. Енги сирғалиб, оппоқ билаклари кўзга ташланди. Обод ўтирган жойида қўлларини ўйната бошлади. Опанинг имоси билан Ҳошимжон уни ўртага тортди. Ўзи опага яқинроқ бориб ўтирди. Ўйнагиси келарди. Ишора кутарди. Қумрихон билан Обод рақсига маҳлиё бўлиб уни унутишди.

«Зап ажойиб дўстим бор-да, — ўйларди Ганжа Ободнинг хоразмча юмор тўла ҳаракатларига боқаркан. — Гапни ҳам қотиради, ишни ҳам, рақсни ҳам. Топиб келганини қаранг. Ҳақиқий дўст шундай бўлади-да».

Ганжа ҳозир шуларни ўйлаб ётаркан, ўзининг соддалигидан оғринди. Ким дўст, ким душманлигини билиб бўлмас экан. Оқ деганинг қора бўлиб чиқади, қора деганинг оқ...

Бугун кўзойдинга қанча одам келиб кетди. Кўнгил сўраган бўлишди. Самимийлари ҳам бор. Кўпчилиги аммо қув. Гап олгали келишган. Унинг тили ҳозир гапга келадими, кўнглига гап сиғадими?

Одамлар тарқалишгач, ўғлинг билан ётақол, деди онаси. Анвар аллақачон ухла қолган эди. Ганжа пашшахонага кириб унинг ёнига чўзилди. Ўғли чалқанча ётарди. Юзи Қумрихоннига ўхшайди. Ухлаганда ҳам кулиб туради. Бечора бола, отасиз, онасиз кўп қийналгандир. Йиғлаб-сиқтагандир. Тақдир экан-да. Ким бунақа бўлади деб ўйлабди.

Ганжа исиб кетди. Кўрпани оёғи билан суриб қўйди. Улар ётган супа атрофига онаси челақлаб сув сепди. Салқин келгандай бўлди. Қўлини пашшахонадан чиқазиб, бош учидаги чойнак жўмрагидан чой ичди. Юзига тер қалқди. Тўшак устига чўккалаб, бошини чангаллади. Қулоғи шанғиллади. Қўлларини орқага тираб, бошини кўтарди. Энди кўтарилиб чиқа бошлаган ой нури пашшахона ичини ҳам ёритди. Кўнгли ёришмади. Хаёли яна йироқларга кетди. Кўз ўнгида ишга қабул қилаётганида Қумрихонга ҳирс билан тикилиб турган Аминов келди.

## 5

Аминовни у қанча тез ёқтирган бўлса, шунча тез ёмон кўриб қолди. Ҳаммаси Обод огоҳ этган ўша йиғилишдан бошланди. Ишга янги кирган пайтлари эди. Штаб йиғилишига уни ҳам таклиф этишди. Мажлисни қурилиш бошлиғи Анисимов олиб борди. Унинг ўнг ёнида Аминов, чап томонида Тошкентдан келган меҳмон — лойиҳачилар группасининг бошлиғи Усов ўтирарди. Обод президиумга яқинроқ жойда аллақачон ўрнашиб олган. Унинг

ёнидаги малласоч кишини Ганжа танимади. Духнов дегани балки шудир. Мажлис Анисимовнинг кабинетида борар, худди Аминовнинг хонасидаги каби ҳашаматли қурилиш харитаси битта деворни тўла эгаллаб турарди.

— Биласизларки, қурилиш лойиҳаси яқинда тасдиқланди, — деди шошмасдан Анисимов. — Қурилиш шу лойиҳа бўйича боряпти. Лекин ўртоқ Духнов яқинда Москвага, министрга мактуб йўллаб, гидроузелни бошқача қуриш кераклигини кўрсатган, шунга хос таклифлар киритган. Хатнинг бир нухаси мана менинг қўлимда. Муҳокама этиш учун министр бизга юборган. Шу муносабат билан йиғилишда Усов Владимир Петрович иштирок этяпти. Хатни ўқиб чиқамизми ёки Духновнинг ўзига сўз берамизми?

— Ҳамма нарса ўзи беш бармоқдай тушунарли, — луқма ташлади Аминов. — Духнов нимани ҳам гапирарди...

— Гапирсин, — деди орқароқдан кимдир.

Усов хайрихоҳлик билан Духновга қаради. Ободнинг ёнидаги малласоч киши даст ўрнидан турди. Урта бўйли, жуссасидан куч-қувват ёғилиб турган бу ёқимтой одамнинг худди фронтдагидек кескин, ҳаёт-мамоти қил устида турган аскардай ҳужумкорлиги мажлис аҳлини ҳушёр торттирди. Сўз бошлашдан олдин одамларга бир қараб олди. Кўзлари ўйчан, бир оз мунгли, хотиржам эди.

— Мактубдаги фикрларим бу ерда ўтирганларнинг кўпчилиги, айниқса лойиҳа автори Владимир Петровиқча аввалдан яхши таниш. Уларга оғзаки ҳам, ёзма ҳам тушунтирганман. Таклифлар инobatга олинмагач, Москвага ёзишга мажбур бўлдим. Аввало, айтиш керакки, Дулдулсой катта қурилиш. Бунга шак йўқ. Аммо ҳозирги лойиҳа асосида иш кетадиган бўлса, ўн беш минг гектар тўқай — Боғистоннинг бебаҳо яшил бойлиги нобуд бўлади, сув остида қолиб кетади. Неча минг жониворлар уясидан ажрайди. Бир неча қишлоқ аҳолисина, темир йўлни, газопровод линиясини кўчиришга тўғри келади. Бу миллион-миллион сўм зарар дегани.

Ҳозирги лойиҳанинг яна бир зарарли томони шуки, у амалга ошадиган бўлса, бизга лойқа сув келмай қолади. Ўзларингизга маълум, лойқада оқизиқ жинслар кўп, айниқса у оҳак билан калийга бой. Оҳак ер шўрини ейди. Асрлардан бери лойқага ўрганиб қолган Боғистон ерлари тиниқ сувдан захлаб кетади.

Аминов тинч ўтиролмади.

— Осмонни устимизга ағдардингиз-ку. Ваҳима қилишнинг ҳам чегараси бор.

Духнов унга парво қилмай сўзида давом этди.

— Лойиҳани озгина ўзгартириш билан шу офатларнинг олдини олиш мумкин.

Ганжа ўтирган курси қисирлади. Одамларнинг диққатини тортганидан хижолат бўлиб, ўрнашиброқ ўтирди. Иягини қўлига тиради. Қораянтоқлик, устига-устак инженер бўла туриб, ўзи шу ҳақда ўйлаб кўрмаганидан афсусланди. Ободга кўз қирини ташлади. У ўлжани кўриб қолиб, учириб юборишдан кўрқаётган овчи ҳолатида эди. Усов оёғини чалиштирди. Аминов бармоқларини қисирлатди.

— Икки вариант таклиф этилади, — ўзи чизган схемани очиб кўрсатди Духнов. — Биринчиси — Тулпор варианты. Бундан олтмиш километр тепада — Тулпордарадан Ойбулоқ чуқурлигига канал тортилади. Масофа бор-йўғи ўн олти километр. Ойбулоқ дарёдан анча пастда. Сув ўз йўли билан оқади. Ундан Маздубат чуқурлигига ўтиб, гидроузелга келади. Шунда дарёнинг ўзанига шикаст етмайди. Тўқайлар омон қолади. Дарёда лойқа сув оқади.

— ГЭС нима бўлади? — деди шу пайтгача чурқ этмай ўтирган Усов.

— ГЭСга ҳожат йўқ. Тахиатш ГЭСига битта қўшимча блок қурилса бас.

— Балки тўғон ҳам керакмасдир? — Аминовнинг овози қалтираб кетди.

— Нега энди, тўғон керак. Лекин бунақанги ҳашаматли эмас, Тахиатш типидagi барраж-тўғон қурилса бас...

Одамлар орасида ғала-ғовур бошланди. Кимдир енгил тортди, кимдир елка қисди.

— Иккинчиси — Қорақўл варианты, — овозини кўтарди Духнов. Одамлар тинчиб қулоқ сола бошладилар. — Тулпордарадан тепада — дарёдан Ойбу-

лоққа ўн уч километрлик канал тортилади. Бу Тулпор вариантдан ҳам арзонга тушади. Табиатга заррача зиён етказилмайди. Иншоот муддатидан беш йил олдин қуриб битказилади. Юз миллион сўмдан кўпроқ маблағ иқтисод қилинади.

Жиккаккина Духнов Ганжанинг назарида қаҳрамонга айланди. Ганжа эртагаёқ Тулпордарага ва Қоракўлга бормоқни, ҳаммасини ўз кўзи билан кўрмоқни кўнглига тугиб қўйди.

— Саволлар борми? — сўради раис.

СМУнинг бошлиғи Ткаченко қўл кўтарди.

— Ҳозирги боришида олтмиш километрлик ўзан ўрнида сув омбори ташкил этилади. Кийиктўқай сув омбори. Шу ерда тиниган сув Қисноқ, Маздубат ва Ойбулоқ сув омборларига ўтади. Сиз айтгандай, сув тепадан, Тулпордара ёки Қоракўл қишлоғидан тўппа-тўғри Ойбулоққа оқизилса, сув омборларини лойқа босиб кетмайдами?

— Йўқ, босмайди. Қазилажак канал тепасига Потапов қурилмаси ўрнатилди. Потапов қурилмасини эшитгандирсиз? У лойқа оқимини ўзгартиради, ўзанга оқизиб юборади, сув омборига ўтказмайди.

— Бу идея, — деди Аминов, — амалда тескариси бўлади.

— Қурилма аллақачон синовдан ўтган, — деди Духнов. — Мамлакатдаги сув омборларида бехато ишлаб турибди.

Бу қурилма ҳақида Ганжа эшитмаган экан. Агар ростданам лойқанинг йўлини ўзгартириб юборолса, мўъжизанинг ўзи-ку.

— Кийиктўқай сув омбори қурилмайдиган бўлса, тўпланадиган сув ҳажми қисқариб қолади-ку, — деди Усов саволдан кўра раддия оҳангида.

— Қисқармайди, Владимир Петрович, — деди Духнов. — Ойбулоқ сув омбори қувватини икки ҳисса ошириш имконияти бор деб сизга айтувдим, ҳақиқатан ҳам шундай.

Аминов ўтирганларга разм солди. Қизиқ, энг ишонган кишилари ҳам биқиниб олишган. Усов бўлса ўзини ҳимоя этиш ўрнига мулоҳазага берилиб кетяпти. Анисимов бўлса ҳамиша деворни оған томонга йиқитади. Бунақада ишнинг пачаваси чиқади-ку. Юқоридагилар олдида неча пуллик одам бўламиз? Зудлик билан муҳокама руҳини ўзгартирмаса бўлмайди. У сўз сўрамаёқ ўрнидан турди.

— Уртоқлар, — деди оғиз-бурнини рўмолчаси билан артиб, — лойиҳа тасдиқланган.

— Лойиҳа догма эмас, — деди Обод унинг сўзини бўлиб.

Аминов унга еб ташлагудек бўлиб қаради.

— Лойиҳа турли алфозга кирадиган пластилин ҳам эмас, — Ободдан кўзини олмай давом этди, — энди у давлат ҳужжати.

Бу Аминов ўз кабинетида савлат тўкиб ўтирадиган, кулиб гапирадиган Аминовдан фарқ қиларди. Ўзига ёқмайдиган ҳар қандай одамни сиёсий кўрликда айбашга уста кўринади. Ганжанинг пешонаси тиришди. Аминовнинг коса тагида нимкоса қўйиб гапиришидан ёқа ушлади.

— Дулдулсой Бутуниттифоқ комсомол қурилиши деб эълон қилинган. — Аминов гавдасини баландроқ кўтарди. — Турли миллат вакиллари бир ёқадан бош чиқариб, кечаю кундуз ишламоқдалар. Уртоқ Духновнинг сўзлари уларнинг қўлини ишдан совутади.

«Ана, айтмадимми, ҳозир Духновни давлатга қарши одам деб эълон қилиб юборишдан ҳам тоймайди», ўйлади Ганжа.

— Ёшлардан хавфсираманг, — деди юзи офтобда қорайган хипча йигит.

Қурилиш комсомол ташкилотининг секретари Юсуф Искандаровнинг бу луқмаси Аминовнинг мувозанатини бузиб юборди. У тўнини тескари кийиб олди.

— Мен бошқа нарсадан хавфсираяпман, Искандаров, — деди ўшқариб. — Қурилиш шуҳратига доғ туширмоқчилар, доғ!..

У бўзариб кетди. Анисимов олдидаги графиндан стаканга сув қуйиб, оғзига олиб борди, қўли қалтиради, бир қултум ҳам ичолмасдан стаканни жойига қўйди.

— Ғани Аминович, — деди Анисимов ўз ўринбосарини юмшатмоқчи бўлиб, — Духнов таклифларига муносабатингизни айтинг.

— Хўп, — деди Аминов ўша баланд оҳангда, — айтаман. Кийиктўқай сув омборини лойиҳадан ўчириб ташлаш ҳақидаги гап кулгили, унга бир миллиард кубдан зиёд сув тўпланади. Бир миллиарддан зиёд! Нега энди уни йўқотишимиз керак? Тўқайни сақлаб қолиш учунми? Кимга керак шу тўронғи тўқай, тиканагу чангалдан бўлак нимаси бор унинг?

— Бир вақтлар Боғистон тўронғи ёғочини кўп мамлакатларга экспорт қилган, — саволга жавоб тарзида қистирди Обод.

Аминовнинг кўзи косасидан чиқди.

— Мамлакатимиз бепоён, — деди кўпол қилиб. — Ўрмонларимиз кўп. Ёғочимиз минг йилга етади.

— Тўқайдаги ҳайвонлар, қушлар қаёққа боради? — асабий савол берди Искандаров.

— Булар майда гаплар, айтишга ҳам арзимади, — унинг оғзига урди Аминов.

— Нега айтишга арзимас экан? — деди Обод. — Тўқайдаги кийиклар, сулгун<sup>1</sup>лар, сонсиз-саноксиз қушлар тақдири майда гап эканми? Тўқайда шер ҳам, қобон ҳам, бўрилар ҳам кўп. Уларни сувга бостириш жиноят-ку.

Аминов Анисимовга юзланди.

— Иван Александрович, гапиргани қўйишадими-йўқми?

Анисимов индамади.

— Бу шахс, — деди у энди Ободга қўлини бигиз қилиб, — билмаган ишига бурнини тикиб нима қилади? Таклиф қилинмаган жойга ювилмаган қошиқ бўлиб суқилипти. Касби савдогарлик, ирригацияни қаёқдан билсин? Яхшиси, мажлисдан чиқиб кетсин.

— Мен Обод Уриновни яхши танийман, — деди Усов. — Кўп учрашганмиз. Сув хўжалигини яхши билади.

Аминовнинг шохи қайрилди. Нима дейишини билмай каловланди. Ноқулай аҳволдан уни Анисимов қутқарди.

— Давом этинг, Ғани Аминович.

«Қизиқ, қурилишнинг бошлиғи ким ўзи, Анисимовми ё Аминовми? Анисимов ўз ўринбосаридан нега бунчалик ҳайиқади? Тили қисқа жойи бормикан? Ё Анисимов беш куним — хуш куним, мени биров бу ерда абадий боғлаб қўйибдими, мендан кейин дунёни сув босмайдими, деб ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлайдиганлар тоифасиданмикан?» Ганжанинг ўйларини Аминовнинг дағал овози тарқатиб юборди.

— Сувни Ойбулоққа оқизиш ҳам ақлга сиғмайди. Дарёдан Ойбулоққа канал тортиладиган бўлса, Духнов айтганидек, ўн уч километрдан эмас, балки камида юз километрдан қазиб келтирилади. Рельф шуни талаб этади. Канал узоқдан нишабланг келтирилиши керак. Бу эса неча миллион сўм туради.

Духнов мийиғида кулиб қўйди. Искандаров Аминовга хўмрайиб қаради. Ганжа Анисимовни кузатди. Унинг чеҳрасидан ҳеч нарсаи англаб бўлмас эди.

Усовга сўз берилди. Ганжа ўйлаганидек, у Духновга ташланмади. Аксинча, сўзни уни мақташдан бошлади. Таклифларининг жўяли ўринлари бор, деди.

— Тўғон ҳар йили қурилавермайди, — деди сўнгра харитага қараб. — Дулдулсой каби йирик иншоотлар юз-икки юз йилда бир марта қурилади. Юз йиллардан нарини кўзланг, барраж-тўғон беш-ўн йилдан сўнг кичиклик қилиб қолади. Иван Ивановичнинг сувни тепадан келтириш идеяси устида аввал ҳам ўйлаганмиз. Гарчи лойиҳа тасдиқланган бўлса-да, ҳалиям ўйлаяпман. Лекин ўйимнинг тагига етолмаяпман. Сиз, Иван Иванович, Ойбулоқни кенгайтириш мумкин дедингиз. Бунга менинг кўзим етмайди. Яна билмадим...

Усовнинг бир оғизгина «яна билмадим»и тугаётган мунозарага тағин авж берди. Духнов таклифлари кўпчиликда, Усовнинг ўзида ҳам қизиқиш ўйотгани кўриниб турарди. Аминов оёғи куйган товукдек типирчилаб қолди. Яна сўз сўради. Анисимов тушунарли, қўяқолинг, деди мулоиймлиқ билан. Ўрнидан туриб бирпас жим қолди-да, мунозарага яқун ясади:

— Қурилиш авж олиб кетган. Планларни бажаришимиз керак. Лекин бу

<sup>1</sup> сулгун — тустовук.

таклифларга ўрин йўқ деган сўз эмас. Бугун фойдали мунозара бўлди. Ҳозирча конкрет бир нима дейиш қийин. Юқорига ахборот берамиз. Улар нима дейишса шунга қараб ишлайверамиз-да...

Анасимовнинг охири гапи Ганжага мутлақо ёқмади. «Юқоридан буйруққа ўрганган одам экан. Узининг фикри йўқ. Бўлса ҳам айтишдан қўрқади. Усов эса муғамбирроқ экан. Духновни мақтаб туриб таклифларини йўққа чиқарди. Озгина илинж ҳам қолдирди. Ўлдирмайди ҳам, кулдирмайди ҳам.»

Мажлис тарқади. Бинодан энди чиққан эдики, Ганжанинг олдига пилдираб Обод келиб қолди. Юр, сени Духнов билан таништираман, деди. «Победа» машинаси ёнида турган Духнов Ганжага самимий қўл берди.

— Ана шунақа, ишимиз жангдан иборат, — деди бахтиёр одамдек чеҳрасига кулгу ёйилиб.

— Жанг бўлдию аммо ғолиб ким, мағлуб ким, билолмай қолдим.

— Бу оралиқ жанг, Ганжа, — деди у гўё қаршисидаги йигитни юз йилдан бери биладигандек ўзига яқин олиб. — Ҳал қилувчи жанг ҳали олдинда.

Уларнинг олдидан ғиз этиб «Волга» ўтди. Орқа ўриндиқда Анасимов билан Усов кўринди. Олди бўш эди. Машина Анасимов уйи томон қайрилди. Унинг кетидан Аминовнинг машинаси юрди. Йўлни Анасимов уйи томонга эмас, Боғистонга бурди.

— Каттанинг олдига кетди, — деди Обод машина орқасидан кўтарилган чангдан ўзини эҳтиёт қилиб. Духнов қўл силтади:

— Бораверсин.

— Биз билан юр, Ганжа, бир қашинишамиз, — деди Обод машина эшигини очатуриб.

— Раҳмат, кейинги сафар.

Улар икковлон кетишди. Рулни бошқараётган Духновнинг ёнида жойлашган Обод бошини қийшайтирганча нималарнидир қизғин гапириб кетди.

## 6

Болтабеков неча йил раҳбарлик лавозимида ишлаётган бўлса, шунча йил битта усулни босим қўллади. Одамнинг кетига одам қўяди. Кетга қўйилган одамни эса учинчи киши орқали назорат этади. Бу усул унга кимнинг сирти қанақаю ичи қанақа эканлигини билиб олишда асқотади. Шу усул орқали у ким-ким билан дўстлашди ё ёвлашди, кимнинг уйда қанақа зиёфат бўлди, кимлар борди, нималар ҳақда гап кетди, ким ким билан қуда-анда бўлмоқчи, ким Болтабековдан рози, ким норози — мана шуларнинг ҳаммасини ўтирган жойида билиб ўтиради. Шунга қараб иш тутади. Бировни вазифасидан бўшатади, бировни амалга кўтаради. Дўстлашиб кетаётганларни бир-бирига рақиб қилиб қўйишга тўғри келади, қуда бўлмоқчи бўлганларни аразлаштиради, йигит билан қиз бечоралар чиққиллаб қолишаверади. Чунки одамлар дўстлашиб ё қариндош бўлиб кетсалар кучлари ошади, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, обрўлари кўтарилади, юқори мансабга талабгор бўлиб қолишади. Жуда бўлмаганда унга, Болтабековга изн бермай қўйишлари мумкин. Шунинг учун шохларини синдириб туради. Раҳбар одам бу усулни қўлламаслиги кераклигини Болтабеков яхши билади. Бироқ шусиз яшай олмайди. Ўзига «хизмат» қиладиган кишиларнинг бошини силашни эса асло унутмайди. Иморат қуриш учун ер керакми, машина сотиб олиш керакми, ўғил-қизларини институтларга киришиб қўйиш зарурми, марҳамат, ҳаммасини муҳайё қилдириб беради. Жуда садоқатлиларини аста-секин амалга кўтаради. Аввал кичикроқ иш беради, кейин сал каттароқ, тузук «хизмат» қилаверса, олий мактабларга ўқишни тавсия этади. Ўқиб юрганида ҳам садоқат кўрсатса, ўқишни битказиб келиши билан мустақил битта идорани ё районни ёки шаҳарни унга топширади. Табиийки, у яна-да берилиб, яна-да зўр тиришқоқлик билан «хизмат» этади. Лекин ўзининг кетида ҳам одам борлигини билмайди.

Туппа-тузук идораларда номига ишлаб, асосий вазифалари Болтабековга гап ташиш, маълумотлар етказиб беришдан иборат одамлар ҳам йўқ эмас. Шу билан кун кўришади, рўзғор тебратишади, бола-чақа боқишади. Баъзиларини одамлар билишади, улардан нарироқ юриб, нафрат билан қарайди. Бироқ айримлар қўрққанларидан уларга салом-аликни қанда қилмайдилар.

Каттага ёмонлаб қўйса тамом-да, тухмат ва таъқибга учрайди, минг ҳалол ишлайверсин, барибир бадном этилади.

Аминовнинг «хизмат»га кирганига ҳам озмунча бўлгани йўқ. Анисимов ҳақидаги зарур бир «маълумот» — жомадони ҳамиша тахлоғлик туришини Болтабековга етказган кундан бошлаб унинг одамига айланди. Инженерликдан бош инженерликка, ундан бошлиқ ўринбосарлиги лавозимига кўтарилди. Шу боришда тезора бошлиқ курсиси ҳам уники бўлиши аниқ. Бунинг учун ҳали ёғли хизматлар қилиш керак бўладики, Аминов ҳаммасига тайёр. «Хизмат»нинг нозик жиҳатлари кўп. Қулоққа шипшитиш бир томон бўлса, ҳамён муомаласи унинг иккинчи томони. Болтабековнинг райондаги яқин одамлари билан ошно бўлганидан кейин Аминов буни дарров сезиб олди ва тезгина ўйинга қўшилиб кетди.

Болтабековнинг ўзи Аминовни уларга эш қилди. «Хизмат»дагиларнинг райондаги сардори бўлмиш Исроил раис уни ўз одамлари қаторига қўшиб олди. Аммо кўп ўтмай Исроил раис билан Аминов ўртасида сардорлик ўрни учун талашув бошландики, бунда ҳали қайси бирининг ютиб чиқиши маълум эмас. Исроил Дулдулсойга қўшни «Қораянтоқ» колхозининг раиси бўлгани билан райком саркотибидан тоши оғир. Районда кимни ишга олиш, кимни ишдан бўшатиш билан райком шуғулланса ҳам масалани кўпинча Исроил раис ҳал этади.

Қандай қилиб бўлса ҳам шу раиснинг мартабасини Аминов эгаллаши керак. Ўринбосарлик билан бунга етишиб бўлмайди, албатта. Анисимовни тезроқ даф қилиш даркор. Аминовнинг бу саъй-ҳаракатини катта яхши билади. Аминов ҳозир унинг кабинетига кириб келишиданоқ Болтабековнинг қулоғи тик бўлди, муҳим гапсиз келмайди бу тепакал туллак!

Аминовнинг келтирган гапидан Болтабековнинг кўнгил косаси синди.

— Анисимов Духновнинг оғзига қараб ўтираверди денг.

— Худди шундай бўлди, Султон ака. Ҳайратдан ёқаларимни ушладим.

— Қорни тўйибди-да.

— Кекиргани-кекирган, Султон ака.

— Дулдулсойнинг шуҳратига шикаст етмаслиги керак. Бу гаплар Рашид Бурҳоновнинг қулоғига чалиниши мумкин. Унда яхши бўлмайди.

Болтабеков ўйга толди. Аминов сўлғин нафас олди.

— Бундай қилинг, Аминов, марказдан таниқли бир журналистни чақиринг. Уларни шоир Мавсумий яхши танийди. У билан маслаҳатлашинг. Дулдулсойнинг моҳиятини ҳаммаёққа ёйиш керак. Марказий телевидение орқали ўзингиз гапиринг. Каттақонига кўнғироқ қилиб кўярман.

Аминовнинг кўзларида шодлик учқунлари ўйнади. Бу гапларни у, Дулдулсойнинг бошлиғи энди сиз, деб тушунди. Лекин унинг курсиси билан бошлиқ курсиси ўртасидаги масофанинг қанчалиги бир каттанинг ўзига аён эди.

## 7

Ғира-шира тонг ота бошлаганида улар йўлга чиқишди. Бедазорга етганларида Ганжа одимини секинлатди. У йўнғичқа ҳидига тўла беғубор тонг ҳавосини ҳидлаётганини Қумрихон сезди.

— Тонгнинг ўз дурлари бўлади, Қумри, биласан-а.

— Қанақа дурлар?

Ганжа ариқчадан ҳатлаб бедазорга ўтди. Сўнг қайтиб келди-да, хотинини кўтариб бошқатдан ҳатлади. Йўнғичқа даласига икки-уч қадам киргач, уни туширди. Қумрихоннинг яланғоч тиззалари муздай шудрингга тегди.

— Дурлар мана шулар, — деди Ганжа йўнғичқа баргларини силкитиб.

Томчилар феруза жомалардан сирғалиб тушди. Беда баргларида жо бўлган шудринглар сонсиз-саноқсиз эди. Тўккан билан тугамас эди. Қумрихон юзини шудрингга ювди.

— Тозалигини кўрдингми, — деди Ганжа чўккалаб. Қумрихон ҳам чўкка--лади.

— Кўряпман.

— Жиндай бўлса ҳам ғубори борми?

— Йўқ.

— Сен ҳам худди шундайсан, Қумри, беғуборсан.

Улар бедазор ичида кўринмай қолдилар. Булбул сайради. Беда ҳидидан, тонг ҳавосидан, шудринг жилосидан маст бўлди. Узини сира тўхтатолмади. Борлиқни завқига чулғади. Қораянтоқнинг катта патир нонидай бўлиб қир устида қуёш кўринди.

— Вой, анави олвалини кўринг, — деди Қумрихон ўрнидан дик туриб.

— Олвалинг нимаси?

— Олвали-де, ҳув ана.

— Чияни айтасанми?

Қумрихон боғистонча чия сўзига тушунмади.

— Олчами?

— Ҳа. Олвали егум келутти.

Беда четидаги олчазорга боришди. Қип-қизил олчалар шода-шода бўлиб, шохларини ерга эгиб туришарди.

— Ма, Қумри, — деди Ганжа бир ҳовучча олчани узиб.

— Эгаси нима деркин?

— Бу Бувамизнинг олчалари. Сенга у киши ҳақида кўп гапирганман.

Гулдор кемани Бува ясаб берганлар, эсингдами?

— Эсимда, албатта. Бунақа нарсани унутиб бўладими?

— Унутмаган бўлсанг, бу ўзимнинг олвалим деб тўйгунингча еявер.

Қумрихон эрига эрка боқиш қилди. Олчани узиб оғзига солди. Бирам ҳушқондики, севинчдан кўзлари чақнаб еяверди.

— Чияга бошқоронғи бўлдингми дейман?

Ҳали ҳам тинмаётган булбулга кўшилиб Қумрихон қаҳ-қаҳлаб кулди. Ганжа мусаффо тонг муждасидан ўзида йўқ шод эди. Бўлажак фарзанддан тонг хабар берди, у ҳақидаги кўшиқни булбул айтди, тонгнинг ўзи айтди.

Қуёш кўтарилди. Шошилиш керак. Нонуштагача Шайхариқ даҳасига етиб олишмаса, сайлга бораётган машиналарга улгуришмайди. Ганжа туфлисини қўлига олиб, шимини тиззасигача шимарди. Қумрихон оёғини ечмоқчи эди, эри кўнмади, сенинг оёғинг қирга ўрганмаган, шилиниб кетади, деди. Қумрихон эрини қўлтиқлади, унга суяниб юрди.

— Шайхариқ кон билан Отақўрғон ўртасидаги сўнги қишлоқ, — тушунтирди у хотинига. — Кон сайлига борувчилар шанба кечқурун Шайхариққа келиб кўнадилар, шу ерда нафасларини ростлайдилар, ариқда чўмиладилар, сўнгра эрталаб конга йўл оладилар.

— Чўмилиш шартми?

— Одат шунақа, чўмилмаса бўлмайди. Конни тоза сақлаш учун шунақа қилинса керак-да. Бундан ташқари одам ювиниб-таранса, кондаги сайл ҳам кўнгилли бўлади.

— Конда ҳам сайл бўладими?

— Сайлнинг зўри конда бўлади-да!

Улар гап билан бўлиб, Шайхариққа қандай етганларини билмай қолдилар. Лой паҳсадан қилинган кунгурали уйлар олдидан ўтиб, гужумлар тагидаги чойхонага етиб борган ҳам эдиларки, тўртта машина кетма-кет кўзғалди. Бир дақиқагина кечикишди-я. Ганжа қўлини силкиди, уни кўришмади. Гужум орқасида ҳайтовур битта юк машинаси кўринди. Усти брезент билан ёпилган. Эр-хотин чойхонага киришди. Уттиз чоғли эркак-аёллар йиғиштиринмоқда эдилар. Ганжанинг кўзи Қурбон акага тушди. Илиқ омонлашдилар.

— Танишлар конга боришаётган экан. Шулар билан...

— Бизни ҳам олакетишармикан?

Олдин эркаклар кузовга чиқишди, аёлларга қўл узатишди, улар ҳам чиқиб олдилар. Кузовга қалин қилиб сомон тўшалган, устига кигизлар ёйилиб, кўрпачалар солинган, ўртада катта гулли дастурхон ёпиғлиқ турарди. Қўярда-қўймай Қумрихонни кабинага ўтқизишди. Ганжа бундан хурсанд бўлди, ҳарҳолда хотини иккиқат, юмшоқроқ жойда ўтиргани маъқул.

Кабинанинг иккала ойнаси ҳам очик, ғир-ғир шабада юзга урилади. Қумрихоннинг зулфларини тортқилаб қочади. Унга узоқдан Қораянтоқнинг боғлари кўзга ташланади, тўғрида уфққа туташган қир, чапда Дулдулсой тоғлари. Уларда на дарахт ўсади, на майса, жисмларида шафқатсиз шамолларнинг, довулларнинг, селларнинг излари тамғаланиб қолган.

Машина пастга — Маздубат чуқурлигига туша бошлади. Утоқлар, машиналар, от-аравалар, одамлар кўзга ташланди. Бир неча жойда тутун бурқсир эди. Ҳайдовчи машинани қия йўлдан эҳтиётлаб пастга туширди. Устига оқ сурп ёйилган омонат чодир ёнига келтириб тўхтатди.

— Кел, широғим, — деди бошига оқ қийиқ ўраб олган қозоқ. — Қўш<sup>1</sup> ингни манов жерга тушир.

Қозоқ зудлик билан чодирнинг ёнига бир неча соябон тикди, уч-тўртта чўқир тошдан ўчоқ ясади. Тайёрлаб қўйилган саксовул шохаларини ўчоқ бошига келтирди. Ичимлик сувни сайилчилар ўзлари олиб келишган эди. Хумларни машинадан туширишди. Утов ва чодирлар бўш, одамлар конда эдилар. Қозоқ янги келган меҳмонларни ҳам конга бошлади.

Қуёш тиккага келган, қоятошлар билан ўраб олинган туз конини, унда ивирсиётган одамларни, жониворларни забтига олар, буткул куйдириб ташламоққа қасд этгандай эди. Сайилчиларга ўзи шу керак. Ҳаво қанча иссиқ бўлса, туз танга шунча кўп шифо беради.

Раста-раста соябонлар тагида одамлар тузга кўмилиб ётар, уларнинг фақат бошларигина дўринар, ҳар уч-тўрт одамга бир дузчи хизмат қилиб, вақти-вақти билан устларидан шўр сув сепиб турарди. Кон иккига бўлинган, ярмида эркаклар, ярмида аёллар чўмилишар эди. Қумрихон аёллар билан кетди. Ганжа ва Қурбон ака иккови дузчи кўрсатган жойда тўхтади.

— Ешин, — деди дузчи Ганжага, сўнг Қурбон акага ҳам буйруқ берди. Улар ечингунларича тузни ковлаб, ёнма-ён икки чуқур тайёрлади.

— Энадан дўғма бўлиб ешин, — деди у майка-трусиди турган Ганжага. — Уялма, широғим, отангдан уллиманғуй, ўйдиққа жат.

Ганжа чуқурга тушиб ётди. Чол оппоқ туз уюмларини унинг устига хокаш билан тортиб, оёқ учларидан то бўйнигача кўмди-да, боши устига соябон тикди. Қурбон акани ҳам шу тахлитда ётқизди.

Вақти-вақти билан ошқозони сал санчиб оғришини ҳисобга олмаганда, Ганжанинг айтарли касали йўқ эди. Туз бутун баданини қиса бошлади. Тагида гўё гулхан ёқилди. Унинг тиллари паноҳсиз жисми аччиқ-аччиқ тишлар, томирларни лўқиллатарди. Офтоб тиғида қотган туз борлигини чангаллаб, эзиб ташлайман деганида чол ён чуқурдан белкуррак билан шўрсув сепди. Тузнинг тишлари қўйиб юборгандай бўлди. Ганжа бутун вужудида ҳузурбахш илиқлик сезди. Кайфияти кўтарилди.

— Айтганингизча бор экан, — бошини қимирлата олмаган ҳолда деди Қурбон акага. — Минг дардга малҳамлигини халқ билган-да.

— Табиб табиб эмас, дард чеккан табиб, дейдилар. Кўпдан бод касалим бор, иним. Бахтимга шу кон бор экан. Йўқса шал бўлган одам эдим.

Қурбон аканинг овози узоқдан келгандай элас эшитилди. Ганжа овозини кўтариброқ гапирди. Қурбон аканинг сўзлари аниқ эшитила бошлади. Уларнинг суҳбати тепага — Ойбулоқ дарасига чиққанларидан сўнг давом этди.

— Туз кони ҳам омонат, бугун бор, эртага йўқ, — деди Қурбон ака пастга тикилганча хўрсиниб.

— Конни сақлаб қолмасак бўлмайди, — Ганжа кечаги мажлисдан бери ичида юрган гапни ташига чиқазди.

— Сиз ёшсиз, урушдан кейинги йилларни билмайсиз. Бутун Боғистон воҳасига ейимлик тузни шу кон берарди. Ҳозир ҳам тап-тайёр бойлик. Лекин тузни аллақайлардан олиб келишади. Дунёнинг ишлари қизиқ.

— Ёнингдан оққан сувнинг қадри йўқ. Агар шу кон бошқаларнинг қўлига тушсами, бўсағаларигача олтин бўларди. Нега мана шу ерга профилакторий, санаторий қуришмайди. Фақат республикадан эмас, бутун юртлардан одамлар оқиб келган, дардларига шифо топган бўлишарди.

— Сиз санаторий дейсиз, йўлда ҳар қадамда шлагбаум, келгани қўйишмайдию, санаторий қуришадими?

— Нега шундай қилишади, а?

— Ақлим бовар қилмайди. Баъзи касалларга туз тескари реакция берармиш. Бўлиши мумкин. Ахир, ҳамма санаторийлар ҳам ҳамма дардга шифо беравермайди-ку. Тўғри келадиган касалликни даволашни йўлга қўйиш керак.

<sup>1</sup> қўш — давра.



Лекин ҳали туздан зарарланган одам йўқ. Халқ аҳмоқмики, ўзига душманлик қилса. Буни исбот этсанг, бошқа гап топишади. Маздубат диний жой эмиш...

— Коннинг нимаси диний бўларкан?

— Ҳайронман. Нималарни ўйлаб чиқаришмайди. Эҳ, дунё...

Улар жим қолишди. Ҳар ким ўз хаёли билан банд эди. Ганжа Усов билан гаплашишни, конни сув омборидан чегириб олиш йўлларини ўйларди. Халқни ранжитишнинг нима кераги бор? Минг йиллардан бери келаётган кон бўлса... Унинг хаёли Тулпордарага кетди. Духнов ҳақ гапирди. Тулпордара Ойбулоқнинг ёнгинасида. Сув шу ердан олинса Кийиктўқай ҳам сақланиб қолади, яйловлар ҳам. Ўн беш минг гектар-а.

— Мана шу кўриб турганингиз Ойбулоқ чуқурлиги, — деди Қурбон ака унинг фикрини уқиб. — Маздубатга тутшиб кетган. Ундан нарида ҳув жимирлаб кўринган Балиқчи кўли. Қоракўл ҳам дейишади. Унинг нариёғи дарё.

Қурбон аканинг сўзларидан Ганжа унинг ҳам Духнов тарафдори эканини сездди. Бошида нима қайғу-ю, кон билан тўқайни сақлаб қолишни ўйлайди.

Кўшга қайтаётиб йўл-йўлакай Ганжа Қурбон аканинг кўнглига кўл солмоқчи бўлди. Қурбон ака ҳақида у нимани билади? Қораянтоқлик. Уқитувчи. Қамалган. Мажбурий хизматни Дулдулсойда ўтаётир. Билгани шу. Бугун билдики...

Қораянтоқ қишлоғи Қорақум этагига жойлашган, Қишлоқни иккига бўлиб ёб! оқади. Қишлоқ оёғида кўл бор. Кўл атрофидаги ерларни сўнгги йилларда шўр босди. Кўл ёқасидаги икки бригада ерлари ҳосилдан чиқди. Лекин бригадирлар планни бажардик, деб рапорт бераверди. Бригада бошлиқлари, колхоз катталари орден олаверди. Ер ҳосил бермаса план қандай бажарилсин? Бунинг билан ҳеч ким қизиқмади. Уқитувчи Қурбон Салаевгина безовталанди. Исроил раисга учрашди. Наф чиқмагач, райкомга борди. Текшириб кўрамиз, дейишди. Текширишмади. Бу Қурбонга қаттиқ ботди. Юқорига хат ёзди. Имзосини қўйиб очиқ ёзди. Таклиф киритди. Ернинг захини қочириш, кўзбўямачиларни жазолаш керак! Раисни ҳам, райкомни ҳам айблади. Комиссия келди. Ҳисоб-китобни кўрди. Бухгалтерия дафтаридида ҳосил ҳам, рақамлар ҳам қаторлаштириб қўйилган эди.

Қурбонга маломат тошлари ёғилди. Тухматчига чиқарилди. Битта мажлисда райком саркотиби уни бузғунчи деб айтди. Колхоз раҳбарлари билан халқнинг орасини бузмоқда, ўртага нифоқ солмоқда, орамизда бузғунчиларга ўрин йўқ, деди.

Ана, ҳақиқатни айтсанг райкомга ҳам ёқмайди. Лекин обком бор, Марказком бор, ҳақиқатни рўёбга чиқаришар, ким ҳақ, ким ноҳақ ажрим этишар. Болтабековнинг олдида борди. У бир ёмон нарсадан сескангандай, Қурбонни совуқ қарши олди. Ҳамма ишлаб юрибди, деди, Ерларни шўр босаётгани тўғри, аммо қахрамон пахтакорлар зах ердан ҳам рекорд ҳосил олмоқдалар, уларга раҳмат айтиш ўрнига...

Ҳаммаси бир гўр экан, деди Қурбон. Чидаёлмай Москвага ёзди. Жавоб бўлмади. Яна ёзди. Кўп кутди, лекин садо чиқмади. Энди нима қилиш керак? Қурбоннинг боши гаранг бўлиб юрган пайтда бошқа ташвиш чиқиб қолди. Найсонбува ёдгорлиги дарз кетгани ҳақида гап тарқалди. Табиатан безовта Қурбон чидаб туролмади. Ахир, қадимий ёдгорлик нураб бораётган бўлса-ю, ҳеч ким лом-мим демаса, шу инсофданми, тарих буни кечирадими?

Найсонбува қабристонни қишлоқнинг район марказига яқин, кўзга тез ташланадиган, серқатнов ерида жойлашган. Қабристон пахса девор билан ўраб олинган, бирмунча обод ҳам қилинган. Бироқ қабристондаги тарихий ёдгорлик қаровсиз қолган эди. Пештоқидаги нақшлар кўчган, ёзувлар ўчган, гумбаз дарз кетган, шувоқлари тушган. Қурбон аввал ўзини койиди, зиёлиман деб юрганига уялди, нима қилиш кераклигини ўйлади. Раисга, шўрога учрашди. Шўро, ҳамма гапингиз тўғри, деди. Нимаси тўғри бўларкан, деб раис унга дўқ урди. Бир қилмаган ишимиз энди мачитнинг ремонти эди... Шўро бир нима демоқчи эди, гапи бўғзида қолди. Қурбон эшикни қаттиқ ёпиб чиқиб кетди. Туни билан ухлай олмади. Тошкентга, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш идорасида хат ёзди. Жавоб келавермагач, икки-уч шогирди билан Найсонбувага бориб, ўзи ишга

киришди. Лой қорди, деворни шувади, атрофини тартибга солди. Қурбон ишлайдиган мактабда туйқусдан партия йиғилиши бўлди. Кун тартибида битта масала: тарих ўқитувчиси, коммунист Қурбон Салаевнинг иши. Қурбон ҳайрон бўлди, унинг партия йиғилишига қўйиладиган қандай иши бўлиши мумкин? Партком секретари, илмий коммунизмдан дарс берувчи ўқитувчи йиғилганларга тушунтирди: Салаев мафкуравий хатога йўл қўйди. Мачитга борди, уни ремонт қилишга ёшларни жалб этди. Эскилик сарқитларига берилган, диний, муқаддас жойни қайта тиклаш тадоригида юрган одам совет мактабида ишлаши мумкинми? Мана, масала қаерда. Қурбон диндор, эскилик тарафдори. Мактаб директорининг сўзи ҳаммасидан ошиб тушди. Бундай шахсларни ўттиз еттинчи йилда пешонасидан отганлар, социализм душманларига ҳозир ҳам шафқат қилинмаслиги керак, деди. Доим Исроил раиснинг пинжида юрадиган, унинг битта имоси билан ўқувчиларни ойлаб далада ишлатишга ўрганиб қолган директор яна кўп гапларни айтди. Найсонбува мачитини бузиб ташлаш, хурофот уйини таг-томири билан йўқотиш ҳақида таклиф киритди. Салаев сўз олди. Найсонбувага борганим, уни шуваб, супуриб-сидирганим рост, деди у. Найсонбува тарихий шахс. Илм-фанни ривожлантиришга ҳисса қўшган аллома. Энг яхши афсоналарни ҳамқишлоқларимиз унинг номи билан боғлаб келишган. У кишининг мақбарасини хор қилиш гуноҳи азим. Ана, кўрдингизми, деди директор ўтирган жойида чийиллаб, мачитга қарамаса гуноҳ бўлармиш. Бу бориб турган сўфизм-ку. Маориф мудирини Қурбондан худо борми деб сўради. Қурбон тутатди. Ундан кўра диёнатдан сўзланг, диёнат йўқолган, деди унга зарда қилиб. Диёнат ҳам дин сўзига яқин, ўзаги битта, деди тилчи ўқитувчи. Райком инструктори мактабга эскилик оралаганини айтди, коллективни ҳушёрликка чақирди. Салаев совет ўқитувчиси деган юксак номга доғ туширди, деди. Яна кўп гаплар айтилди. Охири Салаев партиядан ўчирилсин, ишдан бўшатилинсин, деб кўпчилик қўл кўтарди, шундай қарор қабул қилинди. Директор буйруқни аввалдан тайёрлаб қўйган экан, ўша заҳоти жимжимадор имзо чекиб юборди.

Бу ишларнинг орқасида катталар турганини Қурбон яхши биларди. У тўғри Москвага учди. Ҳукумат қабулхонасида уни диққат билан тинглашди. Гап орасида Қурбон мактубларига жавоб олмаганини айтди. Мактублар Москвага етиб бормагани маълум бўлди. Хатларини Боғистондаги почтадаёқ гумдон қилишган экан-да. Ҳукумат уйдан Қурбоннинг кўнгли ёришиб чиқди. Масала обдан текшириладиган, адолат тикланадиган бўлди. Қурбон уйига қушдай енгил тортиб қайтди. Москвадан қайтганининг эртасига кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ҳодиса рўй берди. Район милициясининг бошлиғи шериклари билан Қурбоннинг уйига бостириб кирди, устидан ариза тушганини айтиб, уйни тинтув қилди. Шафқат тагидан целлофан халтачани олиб, бу нима, деб сўради. Қурбон нималигини билмайман, деди. Халтачани очишди. Қурбон ҳангу манг бўлди. Етти ухлаб тушига кирмаган нарсага — нашага кўзи тушди. Ҳуши учди. Бир килодан кўпроқ қорадори... унинг уйда... Ё тавба! Уни гиёҳвандликда, наша олиб-сотарликда айблашди. Бу машъум воқеа олдида Москвадан келган комиссия ҳам иккиланиб қолди. Жиноят содир қилинган эди. Энди бу маъмурий органларга алоқадор масала. Худди шундай бўлди. Уни ҳибсга олишди. Кўп ўтмай суд ҳам бўлди. Кутилмаганда судда Қурбоннинг келини сўз сўради. Аввал дудуқланиб гапиролмай турди. Отам Москвада эдилар, энам далада. Намозгар пайт эди. Боғнинг тўридаги дўладан сигирни соғиб эшикка келдим. Лип этиб бир қора шарпа уйдан қиқиб кетди. Уйда ҳеч ким йўқ эди-ку, деб ҳайрон бўлдим. Тагин ўғри урган бўлмасин, деб хоналарни бир-бир текшириб чиқдим. Ҳамма нарса жойида эди. Кўнглим тинчиди. Энди билсам шу шарпа уйимизга халтача ташлаб кетган экан.

— Гувоҳингиз борми? — сўради суд раиси. Йўқ, деди келин, шарпани мендан бошқа одам кўргани йўқ.

— На далили бор, на сўзининг мантиғи, — деди прокурор. — Турган-битгани уйдирмалиги кўриниб турибди. Судланувчининг келини-да.

Келин йиғлаб залдан чиқиб кетди. Залда Қурбоннинг кенжа ўғли Зариф ҳам бор эди. Болани онаси олиб келган. Қурбоннинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Зариф унсиз йиғларди. Танаффусдан сўнг ҳукм ўқилди. Қурбон саккиз йилга кесилиб кетди.

Жазонинг олтинчи йили лагерда яхши ишлади деб мажбурий хизматга ўтказишди. Мана энди Дулдулсойда. Жазо муддатининг тугашига бир йилдан сал кўпроқ вақт қолди.

— Ана шундай, иним, — деди Қурбон. — Ҳақиқат йўқ экан. Кўзбўямачиликка қарши иш турма билан тугади. Турмада ўтириши керак бўлганлар эса ҳамон тараллабеод қилиб юришибди. Эҳ, дунё!

Қўшга келиб ўтирганларидан сўнг ҳам Ганжанинг кўз олдидан қора шарпа кетмади. У Ганжанинг ёнида ўтириб чой ҳўплаётган Қурбон аканинг рўбарўсида турарди. Ганжага кўринган шарпа Қурбон акага кўринмаган бўлса керак, у бамайлихотир оғзини куйдириб чой ичишда давом этарди. Қамалишдан олдин ҳам шарпани кўрмаган. Келинига бўлса ишонишмаган, ишонишни ишташмаган. Шарпанинг ҳамиша шарпа ҳамтовоқлари кўп бўлади.

Тўрда ўтирган Шўро гап бошлади. Шарпа ғойиб бўлди.

— Кон деганларича бор. Сихат кони. Оғриган жойингни топиб, дардингни танингдан суғуриб олади.

— Тузига кўмилган одам бир кеча-кундуз совуқ сув ичмайди, қўлини совуққа урмайди, фақат кўк чой ичилади, — деди саратонда катта силкма телпак кийиб олган, бурнининг учигача терлаган, бурама мўйловли киши.

Қурбон ака бош чайқаб қўяқолди. Эзилган одам-да, ўйлади Шўро, бошига тўхмат ёғилганида ҳимоя этолмаганини эслаб, ўзи ҳам эзилди. Қурбоннинг кўнглини кўтариш ниятида кечадан бери айтмоқчи бўлиб юрган янгилигини ҳамманинг олдида унга етказмоқчи бўлди.

— Тошкентдан усталар келишди. Найсонбува ёдгорлигини таъмир қилишаётир.

Қурбон аканинг қўлидаги пиёла тушиб кетай деди.

Шўрва тортилди. Аёллар даврасида ўтирган Қумрихон шўрвадан бир-икки ҳўплади-да, чодирдан чиқди. «Уни бегона аёллар ичида қолдириб, дарага кетганим тўғри бўлмади, — ўйлади Ганжа, — кўнглини овлаш керак». Ганжа тезгина чодирдан чиқиб унинг олдида борди. Қумрихоннинг чеҳрасида нохушликдан асар ҳам йўқ эди, аксинча кўзлари кулиб турарди.

— Ҳор жа қиёматакан, — деди банди Султон томонга ишора этиб. — Қоп-қоронғи, бирам ваҳималики... Нариеғи Марвдан чиқармиш. Шу ростми?

— Билмадим. Лекин миямга бир фикр келди.

— Айтинг-чи.

— Марвдан чиқадими, бошқа жойданми, мен билан охиригача боришга розимисан?

— Нима бор охиригача?

— Мисол учун-да.

— Мисол учун бўлса боришим мумкин.

— Қўрқмайсанми?

— Ёнимда сиз бўлсангиз нимадан қўрқардим?

— Йўлда мени чаён-паён чақиб, ёлғиз қолсанг-чи?

— Вой, нега чақаркан? Нафасингизни иссиқ қилинг.

Ганжанинг кўз олдида каттакон чаён келди. У қора эди. Қора шарпанинг худди ўзи эди.

## 8

Анор хола пашшахонани йиғиштирди. Кўрпа-тўшакларни буклаб, кат чети-га тахлади. Тандир ёнида ётган супургини олди, кат устидаги полоснинг чангини қоқиб, тўрга, икки ёнга кўрпача солди, ўртага дастурхон ёзди.

Ганжа соқолини олиб, қудуқдан сув тортиди. Анвар челақдаги сувни унинг бўйнидан қўйди. Белигача шалоплатиб ювинди. Кечаси билан уйку бермаган босиринқи хаёллар тарқади. Уғлининг қўлидаги сочиқни олиб узоқ артинди. Учовлон чойга ўтирдилар.

— Шаҳристонга қачон бормоқчисан, ўғлим?

Анвар дадасига қаради.

— Бораман, эна. Ишим бир ёқли бўлсин.

— Иш қочмайди. Бир оз дамингни ол-да, Анваржонимминан бориб кел.

Опаларини кўрсин. Ҳадемай ўқиши бошланади.

Анвар, дадам нима деркин, деб кутди. Ганжа қўлидаги пиёла бўшамагунча гапирмади.

— Майли, эна, — деди у пиёлани дастурхон четига қўйиб. — Раъно кўнса, балки олиб келармиз.

— Оғзингга бол, ўғлим, айтганинг келсин.

\* \* \*

Қумрихоннинг ой-куни яқинлашганда уларга шаҳар марказида қурилган янги уйлардан бирини беришди. Анор хола қишлоқдан кетгиси келмади. Хувиллаган ҳовлида ёлғиз қолди. Она болалари олдига тез-тез қатнар, лекин уларникида тунаб қолмас эди. Дам олиш кунлари Ганжа билан хотини бориб, онанинг у-бу ишларига қарашиб келишарди. Баъзан икки-уч кун қолишарди...

Ўша куни Қумрихон шаҳардаги уйда ёлғиз қолди. Ганжа оёқ устида нонушта қилиб ишга кетди. У пайтда Ганжани эндигина участка бошлиғи қилиб тайинлашган эди. Иш куни силлиқ бошланди. Вақтида самосваллар келди, экскаваторларнинг чўмичлари қарс-қарс заранг ерга туша бошлади. Ер — номига ер. Аслида нуқул тоғ жинслари. Техника ололмаган жойларни портлатишади. Шағал ва тупроқ уюмларини самосвалларда ташқарига элтиб тўкишади. Ерни текислаб, бетончиларга тайёрлаб беришади.

Сотимнинг экскаватори олдига келганида Жумагалди машинасига тормоз берди. Сакраб пастга тушди. Машинасининг эшиги очиқ қолди. Тепага — экскаваторида кеккайиб ўтирган Сотимга қараб бўйнини чўзди. Имо-ишора билан носқовоғингни ташла, деб тушунтирди. Бирпас отамлашгиси келдими, Сотимнинг ўзи пастга туша бошлади. Қурилишда — ундан нарида ҳам Сотим отнинг қашқасидек маълум. Бир ўзи уч-тўрт кишининг ишини қилади, экскаватор чўмичи мокидай бориб-келаверади. Шофёрлар чидаса бўлгани, у тоғни ҳам талқон қилиб, машинасига ортиб бераверади. Иш вақтида ҳеч ким билан тўғри туриб гаплашмайдиган бу йигит Жумагалдини кўрди, тамом, кўнгли ийиб кетганини ўзи билмай қолади. Шу туркманнинг чўрткесарлиги ёқади, деб қўяди бошқаларга.

— Носкадингни хотининг опқолдими дейман, Жума.

— Опқолди. Сотим беради, деди.

Ер текислаётган йигитлар хохолаб кулишди. Жумагалди олди, деб қўйди белкуракда юқорига тупроқ отаётган Қурбон ака. Сотим ҳам бўш келмади.

— Оғзингни оч, тўкаман, — деди носқовоқни унинг бурнига яқинлаштириб. КРАЗнинг шофёри қийқирди: биру бир.

— Омонмисан, дўғон, — Жумагалди сотимга қўл берди.

— Оёғимнинг тагидан шамол ўтиб турибди. Қийинчилик тўғон битгунича, кейин ётамиз қорнимизни шамолга тутиб, водахранилишченинг бўйида.

— Ётарсан. Қорнинг учун яна ишлайсан.

Кулиша-кулиша йигитлар яна ишга киришдилар. Бузилган тракторни ковлаштираётган Ганжа уларнинг сўзларини эшитди. Тракторчига шама қилди. Сенинг ҳам тилинг қичиётган бўлса бор. Тракторчи ҳе деди.

Ганжани Ткаченко сўроқлатибди. Мойга беланган қўлларини арта-арта Ганжа бошлиқнинг олдига кирди. Унинг ёнида кўзойнакли киши ўтирарди. Улар ичкин гаплашяптилар шекилли, бошлари бир-бирига тегай деб турарди. Ткаченко гавдасини ростлади. Ганжа унинг қизарган кўзларига қараб, яна ичибди, деди ичида.

— Шина келибди. Қабул қилиб ол.

— Яхши.

Кўзойнакли киши накладнойни узатди.

— «Волга»нинг шинасимми? — қоғозга кўз югуртди Ганжа.

— Ҳа.

— Уни нима қиламан?

— Қўл қўйиб беравер. «Волга» олганимизда асқотади.

— Беш-ўнта бўлса майли эди, бир вагон-ку!

Ткачонинг қизил кўзлари баттар қизарди.

— Ана шундай, — деди кўзойнакли кишига қараб. — Буларга командирлик қилгандан подачи бўлган минг марта афзал.

Трубкини жаҳл билан кўтариб, комбинатни уланг, деди. Аннаев, деди трубкага, буёққа кел, гап бор. Ганжага зимдан қараб, сен кетавер, деди. Ганжа чи-

қиб кетди. «Буларнинг ишига ҳаром аралашган, — ўйлади у қайтаётиб. — Битта ҳам енгил машинаси бўлмаган участка шунча шинани бошига урадимми? Бутун бошли қурилишда уч-тўртта «Волга» бордир. Йўқ отга эгар деб шуни айтади-да. Кўзойнак ким? Ҳойнаҳой базада ишласа керак. Шумшиқнинг суқулиб келган жойини қаранг. Дулдулсойга бердим деса, ҳеч ким бир нима деёлмайди-да. Қўлни қўйдирадию, жуфтакни ростлайди. Буларнинг тили бир, у бердим дейди, бу олдим дейди, шина бозорга чиқади. Пул арра бўлади. Камида эллик минг. Балки ундан ҳам кўп. Бу шиналарга кўз тикиб ўтирганларга эса фонд йўқ дейишади. Эҳ, туллаклар...»

СМУ-1даги, қинғир ишларни Ганжа олдинроқ сезиб қолган эди. Баъзи шофёрлар ўн машина тупроқ таҳиса, йигирмата ташидим, деб Ткаченкога қўл қўйдириб чиқишади. Айрим эркатой экскаваторчи, бульдозерчилар ўн беш кунда беш ойнинг ишини бажаришади. Беллари қайишмай жарақ-жарақ пул олишади. Ганжанинг тоқати-тоқ бўлди. Йиғилишда айтди. Кўп ўтмай, уни участка бошлиғи қилиб тайинлашди. Тилини қисиқ қилиб қўйишмоқчи экан-да.

Бу ҳам ҳалво экан. Чақмоқнинг зўри тушдан кейин чақди. Аминовнинг кабинетига чақиришди.

— Сизни манави хат билан таништирмоқчиман, — деди Аминов дафтар варағига ёзилган хатни қўлида ушлаганча. — Қурилиш бошлиғига сизнинг устингиздан ёзилган.

— Нима тўғрисида? Ким ёзибди?

— Нима тўғрисидалигини ҳозир айтаман. Иккинчи саволингизга келганда бир нарса дейиш қийин. Чунки хат юмалоқ.

— Қизиқ...

— Қизиғи шундаки, сиз ёмон кўчаларга киргансиз.

— Яъни?

— Узингизда ишлайдиган арестант Салаевнинг кимлигини биласизми?

— Биламан.

— Билсангиз нега бу авантюрист, гиёҳванд, контрабандист билан ҳамтовоқ бўлдингиз?

— Тўхтанг, — Ганжа ортиқ чидаёлмай унинг сўзини бўлди. — Мени хат билан таништириш ўрнига прокурорга ўхшаб нега сўроққа тутасиз?

— Таништираман, таништираман, — жаҳл билан рўмолчасига бурнини қоқди Аминов. — Сиз турмадаги одамни Маздубат конига олиб кетгансиз, шу тўғрими?

— Ўзи борган.

— Қизиқ, қамоқдаги одам...

— Комендант рухсат берган.

— Биз текширдик. Мана комендантнинг тушунтириш хати. У Салаевга рухсат берган эмас. Хатда ёзилганки, сиз Салаев билан бирга ярим кун кўздан ғойиб бўлгансиз. Форнинг орқасидаги харсангтош устида ўтириб олиб наша тортгансизлар, фиқу фасод гапларни айтиб, сиёсатимизга тил теккизгансизлар.

— Тўхмат. Наша чекиш у ёқда турсин, нималигини ҳам билмайман. Харсангтош устида ўтирганимиз тўғри. Қурбон ака ўз бошидан кечирганларини гапирди.

— Сиз маъқулладингиз?

— Эзилган одам экан. Тўхматга учраган.

— Ҳали сиз уни ёқлаяпсизми? Сиз инженерсиз, участка бошлиғи, раҳбар одамсиз. Ҳар қандай унсурлар билан оғиз-бурун ўпишишга ҳаққингиз йўқ.

— Қурбон ака унсур эмас.

— Тушунарли... Сиз билан ишлашимиз энди қийинга ўхшайди.

— Ишдан бўшатмоқчимисиз?

— Буни органлар ҳал қилади. Улар сизни текширишяпти.

— Нимамни текширишади?

— Нимани текширишни ўзлари билишади. Хўш, бу масала равшан. Энди яна битта хат бор...

Ганжа стол устидаги бланкали хатни кўрди.

— Қўрқманг. Бу деловой хат.

— Қўрқадиган жойим йўқ.

— Маздубат ҳақида бир йилдан бери гапиравериб, ҳамманинг миясини қо-

қиб қўлига бердингиз. Эшигига бош урмаган ташкилотингиз қолмади. Гўё биз ноҳақ, коннинг душмани, сизлар ҳақ, халқнинг ёнини оласиз, табиатни ҳимоя этасиз. Шу мазмунда юқорига юборган хатларингиздан хабарим бор. Лекин, билиб қўйингки, биз ҳам қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Ёзиш бизнинг ҳам қўлимиздан келади. Илтимосимизга кўра мутахассислар конни яна бир марта текширишди. Мана, қўлимизда комиссия хулосаси. Чакана комиссия эмас. Хукуматнинг экспертиза комиссияси.

— Мунча юқоридан келасиз. Конни сақлаш кераклигини ўқимаган киши ҳам билади.

— Оддий киши масалани ўз ақли билан ўлчайди, олим ўз ақли билан.

— Олим ақли оддий кишилар манфаатига мос келмас, у ақллилик эмас, калтабинликнинг ўзгинасидир.

— Бас қилинг! — Аминов бақириб столни муштлади. Урнидан туриб кетди. У ёқдан-бу ёққа асабий бориб-кела бошлади. — Хатни академиклар имзолаган, ака-де-мик-лар! Улар сизларга ўхшаб битта кон атрофида ўралашиб ётишмайди. Мамлакат миқёсида фикр юритишади, дунё миқёсида ўйлашади. Ана шундай юксакликдан туриб қараганда Маздубат нима, бир нуқта, кичик-кина бир объект.

— Ҳамма бало ана шунда, масалага қўл етмайдиган баландликдан қарашда. Академиклар пастга тушишлари, ернинг дардларини ерда туриб эшитишлари керак. Мана, сиз ҳам инженерсиз, айтинг-чи, Маздубатга сўнги марта қачон боргансиз?

— Бунинг нима аҳамияти бор? Бормасам ҳам у ерни беш бармоғимдай биламан.

— Сиз айтган академиклар ҳам худди ана шундай деб ўйлашади. Кабинетларда, ўнинчими, ўн бешинчими қаватда ўтириб, ер ҳақида, кон ҳақида, ўрмонларимиз ҳақида ҳукм чиқаришади.

Аминов бир оз шаштидан тушди. Аста келиб креслосига ўзини ташлади. Пайтдан фойдаланиб Ганжа юмшоқ овозда деди:

— Бир дақиқа ўзингизни оддий ирригаторман, миробман деб фараз қилинг, Ғани Аминович. Дейлик, мана, Маздубатга, конга сув қўйдик. Қирқ метр қалинликдаги ҳисобсиз туз сувнинг тагида қолади. Сув аста-секин ўзи билан тузни ҳам оқизади-ку. Шу туз далага боради, боғларга киради, ҳаммаёқни шўрлатиб юборади. Ёки шундай эмасми?

— Туз ҳеч қаёққа оқмайди. Миллиард куб сув босими остида кон олдингисидан ҳам зичлашиб, ўтиришиб қолади.

— Ўтиришиб, ер ости сувига ўтади, ернинг остидан туриб бизга чанг солади. Бекорга Духновнинг таклифини рад этаётирсиз, Ғани Аминович. Дарёдан Ойбулоққа лойқа сув юбориб, ер қатлами устини лойқа билан қоплаш ҳақидаги фикрида жон бор-ку, унинг. Бу пайтда Потапов қурилмаси иш беради. Лойқани дарёга ҳайдайди. Духнов таклифининг битта камчилиги шуки, у конни сақлаб қолишни кўзда тутмайди. Унча катта бўлмаган дамба билан конни чегириб олиш ҳам мумкин-ку.

Ганжанинг мулоҳазаларини эшитиб, бир дақиқа бўлса ҳам Аминов амалдорлигини унутиб, инженерликка қайтди. Тенг ҳуқуқли ҳамкасби билан гаплашгандай тарзда деди:

— Сиз дамба қуриб, Маздубат туз конини сақлаймиз дейсиз. Мутлақо бўлмайдиган гап. У ёғида Ойбулоқ, бу ёғида Қисноқ сув омборлари. Урталикда қолган конга барибир ер ости сувлари қалқиб чиқади. Кон кўлга айланади.

— Аввало, сиз айтган иккала сув омбори ҳам Маздубатдан, ғордан пастда жойлашган. Қолаверса, Кордаранхос тузли кўлини биласиз. Чўмилсангиз сизни кўтариб туради. У сув шаклига кирган тузнинг ўзгинаси. Одамлар Кордаранхосга чўмилиб, дардларига шифо топмоқдалар.

Аминов бирпас жим қолди. Телефон жиринглади. Трубкага босиқлик билан қулоқ солиб турди-да, бирданига жаҳл отига минди:

— Вагон келмас нима қилай? Қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Заводга хат ёздик, одам юбордик. Йўқ. Кутманг. Бу яқинда бўлмайди. — У зарда билан трубкани жойига қўйди. Аппарат тарақлаб кетди. Аминов тажанглашди. У аввалги ҳолига қайтган, инженер ўрнини яна амалдор эгаллаган эди. — Йўқ, — пешонасидаги чизиклар чуқурлашди, сўнг таранг тортилди. — Дамба қуриб сув

омборини бўлақларга бўлолмаймиз. Биз Дулдулсойда кўз илғамас денгиз пайдо қиламиз. Кўримсиз қирлар, янтоқ ўсиб ётган даштлар, сассиқ чуқурлар ўрнида мовий тўлқинлар мавжланиб ётади.

— Сассиқ чуқур деганда Маздубатни назарда тутаятган бўлсангиз, янглишасиз, — Ганжа ҳам аввалги ҳужум ҳолатига қайтди. — У бизнинг бойлигимиз. Сизлар унинг бошига сув қуймоқчисиз. Йўқ, халқ сизнинг ёқангиздан тутайди.

Аминов ҳужумга ўтиш ўрнига кулди. Қотиб-қотиб кулди. Ганжа тушундики, у халқ ҳақидаги гапдан куляпти. Ганжа ўйланиб қолди. Уша гапни ўзи тўғри айтдимиди? Халқ амалдорларнинг ёқасидан ололадими? Нега шу пайтгача ёнги этмайди, тўхтаган, номардлар, демайди? Бошида ёнғоқ чақсалар ҳам бўйнини қисиб тураверади. Ё хонлар шу кўйга солиб кетишганми? Ундан бери қанча сувлар оқди, янги авлодлар етишди. Нега булар ўз ерига, киндик қони тўкилган ўз юртига бифарқ қарашади? Ё ўринсиз қурбон беришлар кўзининг ўтини олиб қўйганми, ақли карахт бўлиб, зеҳни ўтмаслашиб қолганми? Ёки билгани ичидамикан? Ҳа, кўнглидаги зардоб бир куни отилиб чиқади, ана шунда у аминовларнинг ёқасига ёпишади. Ҳойнаҳой шундай бўлади.

— Халққа сув керак, — деди Аминов кулгидан ўзини аранг тўхтатиб. — Сув бўлса, пахта бўлади. Бир кило пахтага юзта тўй ошига етадиган туз сотиб олса бўлади. Комиссия хулосаси ҳам шу. Уқиб берайми?

— Керакмайди. Кўриб турибман, хулоса холисанлилло эмас, бир ёқлама.

— Бир ёқламами, кўп ёқламами, ҳарҳолда бу энди узил-кесил гап. Яқин кунларда қонда иш бошлаймиз.

— Йўқ! — ўзи билмаган ҳолда қичқириб юборди Ганжа. — Тракторлар олдига ётиб олсам оламанки, қонга йўлатмайман.

Аминов бошқа позицияга ўтди. Юмшоқ пўписа усулини қўллади.

— Қиличев, ўзингизни ҳам, бизни ҳам қийнаманг. Яхшиси, ариза ёзинг...

— Қандай ариза?

— Сизга бошқа иш топиб берамиз.

— Ариза денг. Ариза ёзмайман. Бўйруқ беринг, бўшатинг. Лекин бўшатоламайсиз. Қўлингиздан келмайди.

У эшикни зарб билан очиб, хонадан ўқдай отилиб чиқди. Боши оққан томонга кетаверди. Кўзи ҳеч кимни, ҳеч нимани кўрмас эди. Узоқ тентираб юрди. Анчадан сўнг ўзини соҳилда кўрди. Дарё сассиз оқар эди. Дарё ҳали ўз бошига тушадиган кўргуликларни билмайди-да. Билса эҳтимол шовқин кўтарарди, қирғоққа бош урарди, қурилаятган котловану тўғонни бузиб, емириб, тошларни кемираётган техникани гирдобларига оларди, чилпарчин қилиб ташларди.

Ганжа сувга яқин бориб, ярми дарёга кириб турган харсангга ўтирди. Аминов нима деди, узил-кесил гап дедими? Узил-кесил. Демак энди қон ҳам, ғор ҳам, бари сув остида қолади. Энди дунёга келадиган одамлар Дулдулсойда фақат сув омборларини кўрадилар. Шу омборлар остида қонлар ётганлигини билмайдилар, балки эшитсалар ишонмаслар, балки тасаввур ҳам этолмаслар. Гарчи кимдир уларни ишонтирса, улар бизнинг устимиздан куларлар, бизга нафрат кўзи билан қарарлар, бизни ношудликда, худбинликда, манфаатпарастликда айбларлар. Шунда улар аминовларни эслашармикан? Йўқ, Аминов кимнинг ҳам эсида турарди, ундайларнинг номлари ўлмасларидан бурун унут бўлади. Авлодлар фақат ёвуз одамлар бўлганлигини биладилар, уларни қарғайдилар, ўз ота-боболарининг бўшангликларидан афсусланадилар. Яхшиларни ҳам камситиб гапирадилар, ёвузларга бас келолмаганлар, уларнинг шохини синдиришга ожизлик қилганлар, деб афсус-надомат этадилар. Инсоннинг ожизлиги рост-да. Ожиз бўлмаса, табиатга ойболта кўтариб хўкранган<sup>1</sup> кимсаларнинг қўлларини қирқарди.

Табиатнинг тили йўқ. У аминовларга тўхта, деёлмайди. Шундан аминовлар уни оёқости этадилар. Лекин табиат инсондан қасд олади. Қилгиликни аминовлар қилишади, касрига инсонлар қолади. Табиат бу Аминов, бу Қиличев экан деб ўтирмайди, ҳаммани баб-баравар қаърига олади. Аминовлар эҳтимол ана шунда ҳам йўлини топарлар. Балки космосга чиқиб кетарлар. Аммо одамлар космосга чиқолмайдилар, улар ерда яшаб келганлар, то ўлгунларича ерда яшайверадилар. Аминовлар эса юқорида туриб, яна инсонларнинг ожизликла-

<sup>1</sup> Хўкранган — ўдағайлаган.

ридан куладилар. Уларни бойитиш учун терга ботиб меҳнат қилган одамларнинг соддаликларидан куладилар. Бироқ ҳозирча улар ердалар-ку. Табиатни-ку топтаяптилар, инсонларни-чи? Мана, Қурбон акани олайлик. Унда нима гуноҳ? Қилмиши фақат савобдан иборат-ку. Нега уни оёқларининг остига олиб топтаяптилар. Энди ўлганнинг устига чиқиб тепмоқчилар. Булар на табиатни аяйди, на одамни. Аслини олганда-ку, табиат билан одам бир бутун вужуд. Бугун у — табиат ва одам ҳимояга муҳтож. Табиат одамдан, одам ҳам одамдан мадад кутади. Лекин мадад қайда? Ганжанинг ўзига ҳам Аминов ариза ёз, деди. У йўқ дегани билан боши берк кўчада турибди-ку. Ўзини ўзи ҳимоя этолмаяпти-ю, табиатни, Қурбон акани қандай қилиб ҳимоя этсин. Йўқ, ҳимоя этади. Ҳаётда яхши одамлар кўп. Уларга юрагини ёради. Дўстларга таянади. Оддий қурвчилар билан тил топишади. Улар бирлашсалар, Аминов нима деган одам, чекинади. Чекинмай иложи йўқ. Ана шунда кон ҳам, тўқай ҳам, сонсиз-саноқсиз жониворлар ҳам омон қолади.

Ганжа дарёга боқиб шулар ҳақида ўйлаб ўтирганида қулоғига Ободнинг товуши чалингандай бўлди. Хаёлми ё ҳақиқатан ҳам Ободнинг овозини эшитдим-ми? Ганжа орқасига қайрилиб қаради. Тез-тез одимлаб Обод келмоқда эди.

— Қидирмаган жойим қолмади. У ерга борсам, бу ерда дейишади, бу ерга келсам у ерда. Қани бўл, суюнчини чўз.

Ганжа нима гапига тушунолмай гаранг бўлиб турганда Обод унга қучоқ очди: табриклайман, дўстим, фарзанд муборак!

Раҳмат, раҳмат, деганча Ганжа уни қучоғидан қўйиб юборишни ҳам унутиб, кўнглида бирданига ёнган чироқ шуъласида маст бўлиб турарди.

Қурбон ака айтгандай, эҳ, дунё... одамни бирпасда ўтдан олиб сувга соласан, сувдан олиб ўтга. Бир дақиқа ичида қоронғи олам нурланди-я!

Ганжа чўнтагини ковлади. Йигирма беш сўм пули бор экан. Ободга чўзди. Бунинг билан қутулиб бўпсан, деди Обод, кўчқорни сўймагунингча уйингдан кетадиган аҳмоқ йўқ.

Улар қўлтиқлашганча туғруқхонага қараб йўл олдилар. Шу куни Раёно туғилган эди.

## 9

— Қара-чи, ўғлим, Давлатназар аканг уйдамикан?

— Уйдадалар, ҳали кўрган эдим.

Анварнинг гапидан сўнг Ганжа катдан тушди. Шиппакни атай киймади. Қўшнисининг уйига ҳам оёқяланг кириб борди. Давлатназар молларга ўт беарётган экан. Ҳовлида эски «ЗИЛ» кўринди.

— Бир иш чиқиб қолди, қўшни.

— Мендан битадиган иш бўлса жоним билан.

— Дарё бўйидан бир нарсани олиб келишимиз керак эди. Агар машинангиз юриб турган бўлса...

— Катта нарсами?

— Унчалик эмас.

— Бўлади, оға, ҳозироқ йўлга чиққанимиз бўлсин.

Кепкани бостириб кийиб, рулда ғўдайиб ўтирадиган бу очиқ йигитни Ганжа ёқтирарди. Давлатназар ичида гап сақлай олмас, жўралари «тилингнинг тормози йўқ» деб майна қилишмоқчи бўлишса, «тилда тормоз нима қилади, тормоз дегани машинада бўлади, саводсизлар» дерди-да, нимани хоҳласа шуни гапираверарди. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. Машинани равон йўлга олиб чиққач:

— Мард йигитнинг ишини қилдингиз, оға... — деб гап бошлади.

Ганжа индамади.

— Ор-номусли одам шундай қилади. Яқинда қўшни қишлоқда бир воқеа бўлди. Тракторчининг қизи баччағар эрсиз туғиб қўйибди. Отаси забтига олган экан, занғар йигитнинг исмини айтган. Қўрқитиб айттирган-да. Қон тўкилган, оға. Ҳар нарсага чидаса бўлади, аммо лекин номусингни булғашса, пичоқ бориб суякка тегади.

Ганжа яна индамади. Бу гап ўзига ҳам қаратилгани учун бир нима дейиши керак эди, албатта.



— Чақалоқда нима гуноҳ, — деди охири ўйга толиб.

— Болани у умрлик исноддан қутқазган. Улғайиб мактабга борса, вала-тизино деб уялтиришади. Бўй етганида жўралари, ишга кирганида ҳамкасблари юзига айтишмаса ҳам орқасидан ҳароми дейишади. Юзига айтадиганлар ҳам топилади, оға. Тракторчи уни ана шу исноддан қутқазган.

— Ҳозир шаҳарларда отаси номаълум болалар оз эмас.

— Шаҳар бошқа, оға. Шаҳарда нималар бўлмайди. Баъзи гапларга ақлинг бовар қилмайди. Яқинда шаҳарда бир воқеа булган...

— Келдик, — деди Ганжа гарчи ҳали бир оз юриш керак бўлса-да.

— Юк шу ердами?

— Сал нарида. Жиндай ҳайданг.

Тўхтаган машина яна ўт олдирилди. Юз метрча юриб тўхтади. Машинадан тушдилар. Қирғоққа юрдилар. Давлатназарнинг ҳайрон бўлаётгани қиёфасидан шундоқ кўриниб турарди. Айниқса хароб кема ёнида тўхтаганларида ҳайратдан оғзи очилди.

— Шуни опкетамизми? Мени ўйнаманг, оға, бунинг нимасини опкетамиз?

— Нимаси қолган бўлса шуни-да.

Давлатназар елка қисди. Ганжа унга деди:

— Мени жинни-пинни бўлдими, деб ўйлаясиз. Соппа-соғман. Қани, кўтаринг бир томонидан.

Давлатназар бунинг нимасини кўтараман дегандай кемага менсимай қаради. Ганжа учидан кўтарди. Давлатназар орқа томонига ўтди.

— Ярми қолган бўлсаям зилдай экан-а?

— Тўроғидан ишланган.

Давлатназар олдинлари Боғистонда, шаҳардаги катта автобазада шофёр бўлиб ишларди. Отаси оламдан ўтгач, қишлоққа — туғилиб ўсган уйига қайтиб келган, Ганжанинг бошига тушган касофатларни умуман билар, тафсилотини сўрашга ийманарди. Гулдор кемадан хабари йўқ эди. Буни бошингизга урасиз-ма, оға, демоқчи бўлар, тилини яна танглайига босарди.

Улар бир амаллаб кемани тепага — машина турган жойга олиб чиқдилар. Уни машинага олиш икки кишининг иши эмас эди. Йўловчиларни кутдилар.

— Бозорчиларнинг қайтадиган вақти бўлди, — деди Ганжа Отақўрғон томонга кетган йўлга қараб.

— Қўшнилардан бир-икки болани олиш керак эди. Мен сизни мебель-побель оладими деб ўйлабман. Бу савилни...

— Давлатназар!

Улар бир-бирига хўмрайдилар, Давлатназар Ганжанинг кўзларига дош беролмай нигоҳини олди.

Эшакли чол кўринди. Ориқ, қари қирчанғи бошини қуйи солганча имиллаб келарди. Касалми ё мадори кетганиданми бурни ерга тегай дерди. Хуржинининг бир кўзида уч-тўрт хўрознинг боши чиқиб турарди. Хўрозлар атрофни сергак кузатарди. Хуржинининг бошқа кўзи лиқ тўла, нима эканини билиб бўлмасди. Чол чўғирмани бостириб кийган. Эшакнинг устида ухлаб қолган, эҳтимол ширин туш ҳам кўраётгандир. Эшак машинани эҳтиётлик билан четлаб ўтди. Чол уйғонмади.

Тариллаб мотоцикл кела бошлади. Аравачасида икки киши, эгариди уч, кулишиб келаётган ёш-яланглар экан. Давлатназар қувониб кетди. Йўлнинг ўртасида кўндаланг туриб олди.

Кемани эшикнинг олдида машинадан тушириб, деворга суяб қўйдилар.

\* \* \*

Қумрихон отпускадан қайтиб ишга тушиши билан инженерликдан бўлим мудирлигига кўтарилди. Сал ўтмай партияга қабул қилинди. Мажлисларда президиумга сайланадиган бўлди. Сўзга чиқувчилар рўйхатига киритилди. Сурати «Хурмат тахтаси»дан жой олди.

Туққанидан кейин бир оз тўлишиб, янада очилиб кетган Қумрихон бу иззат-хурматлару оила ҳамда ишининг расолигидан мамнун, бир сўзлаб ўн куларди. Ганжа хотинининг «Ўсиб кетиши» дан ҳам хурсанд эди, ҳам кўнглининг аллақериди гумон ғимилларди. Нега туйқусдан уни кўтар-кўтар қилишяпти.

Ундан яхши ишлаётган, тажрибали аёллар бир чеккада қолиб кетиб, ишда ўзини тузукроқ кўрсатишга ҳам улгурмаган Қумрихонга бунчалик ҳурмат-эҳтиром изҳор қилинаётганининг тагида бошқа маъно йўқмикан? Эҳтимол, Аминов Ганжага тиши ўтмагач, бошқа қалтис йўл тутгандир, разил режа тузгандир. Бундай арбобларнинг тузоқлари кўп бўлади.

Қумрихон ҳаёт лаззатларидан маст, ҳеч нарсани ўйламас, Ганжа бўлса бир нима дейишга истиҳола қилар эди, қаттиқ ранжитиб қўйиши мумкин.

Кунларнинг бирида эр-хотин Гулдор кемага ўтириб, дарё сайлига чиқишди. Осмон артилган шишадек. Сентябрь қуёши сув устида майин ўйнайди. Фир-фир шабада эсади. Узоқда пароход кетиб боряпти. У текис сузаётган оққуш галасига ўхшайди. Гулдор кема атрофида эса тинмай чағалоқлар учишади. Баланд кўтарилиб, бир жойда тўхтаганча дарёни кузатишади, сўнгра яшин тезлигида сувга шўнғиб, чавақларни тумшукларига илиб чиқишади, ўлжаларни уяларига элтишади-да яна кема устида пайдо бўлишади.

Ганжа таёвни босаверди. Шовуллаб турган яшилликдан хушбўй салқин келди. Кийиктўқайнинг тумшуғи дарёда, адоғи Тулпордарадан ўтиб, Қизилқумга туташган. Дарё тўқайни айланиб оқади. Асрлар давомида улар бир-бирларига ўрганишган. Дарё Кийиктўқайга олислардан лойқа олиб келади, тоғ жинсларини келтириб кафтида унга тутати, томирларига нам, тўронги шохаларига қувват беради, ундаги жониворларнинг чанқоғини қондиради. Кийиктўқай эса ҳориб-чарчаб келган дарёни бирпас ўз бағрига олади, унга ором беради, қувватга минган тўлқинларни узоқ сафарга кузатиб, янгиларини кутиб олаверади, дам бериб узатаверади.

Гулдор кема тўқайга яқинлашди. Қуёш илитибми ё оёқларини офтобга тутгиси келибми, Қумрихон кўйлагини сонидан юқори чирмаб қўйган эди, қирғоққа яқинлашганларини кўриб, ўзини тартибга келтирди.

Ганжа таёвни уст-устига босиб, кемани зарб билан тўқайга чиқарди. Кеманинг кўкси қуруқликка тегди. Ганжа хотинини кўтариб олиб майсага етганларидан сўнг қўлидан туширди. Кеманинг арқонини тўронғиги чандиб боғлади. Ичига қайта тушиб, кўрпача, тўрхалта, чойнак-пиёлаларни олиб чиқди. Сувнинг шундоқ ёқасида жой қилишди. Ганжа осма ўчоққа ўтин қалаб, гугурт чанқди. Қумрихон дастурхон беади. Ечиндилар. Сув лунгиларини кийиб олишди.

Кийиктўқай дам олувчилар билан гавжум эди. Ким ўз оиласи, ким дўст-ёронлари билан сайлга келган. Балиқчиларнинг сон-саноғи йўқ. Балиқ шўрванинг ҳиди димоқни қитиқлайди. Кўплар чўмилмоқда, кўплар офтобда танларини тоблаб ётишибди.

— Анавилар Обод акаларми, — деди Қумрихон тўқай четидаги тиниқ сувга қармоқ ташлаб ўтирганларга ишора қилиб.

Ганжа қўлини пешонасига соябон қилиб қаради-ди:

— Худди ўзи, — деди севиниб, — шляпани бостириб кийиб олгани Духнов бўлса керак.

Эр-хотин етаклашиб уларнинг олдига боришди.

— Бир оғиз айтсанг-ку, бирга келардик, — деди Ганжа Ободдан ўпкалаб. — Мунча ҳам яккачопар бўлмасанглар.

— Мени биласан, довдирроқман, — деди Обод қармоқни сувдан тортиб, — лекин сен соат милидай аниқ юрадиган йигит, нега ўзинг айтақолмадинг?

— Бугун келишимиз хаёлда ҳам йўқ эди. Қумрихон бирданига «борамиз»-лаб қолди.

— Ҳамиша аёл зоти авангард, — деди Духнов шляпасини кўтариб. — Шулар индамаса, биз — эркаклар уйнинг ҳидини олиб ётаверамиз. Витя иккаламизни янгангиз уйдан қувиб чиқаргандай қилиб юборди. Киришни ювай, халақит берманглар, дейди.

Духновнинг етти-саккиз яшар ўғли Витя ҳадеб сувга шўнғийверганидан кўкариб отаси олдига келди. Тўнгдим, деди соф боғистонча талаффузда. Ҳозир исиниб оламиз, деди отаси қармоқни йиғиштириб. Обод дузмани сувдан кўтарди. Ов чакки бўлмабди. Каттагина бир лаққа, бир неча сазан дузмада типирчилаб турарди.

Қўшлар бирлаштирилди. Духновлар ўз дастурхонларидаги нарсаларини кўтариб келишди. Обод лаққани сўйиб тозалади. Духнов қозонни юва бошлаган эди, Қумрихон бориб қўлидан олди. Бу энди аёлларнинг иши, деди Дух-

новнинг қаршилигини енгиб. Бирпасда ҳамма нарса муҳайё этилди. Қумрихон уйда пишириб келган гўмма, қозондан эндигина сузилган балиқшўрва, танқачой, чўрак ва патир, қайнатилган тухум, колбаса, пишлоқ — уйда бўлса уч кунлик тамадди тўқайда бир ўтиришда ейилди. Дарё ҳавоси, тўқай ҳавоси шу-да, иштахани очади, еганинг ҳазм бўлаверади.

— Мана шу жаннатни йўқотишяпти-я, — деди Духнов. — Билсангиз, бу Боғистон учун кислород ишлаб берадиган табиий комбинат. Ҳайвонларнинг, қушларнинг бошпанасини. Шуларнинг ҳаммаси икки йилга бориб-бормай сувнинг тагида қолади.

— Бунга йўл қўймаслар-ов, — деди Ганжа. Кимларни назарда тутгани номаълум эди.

— Ётиб қолгунча, отиб қол, деганлар. Министрликка бориб яна бир талашиб кўриш керак.

Духновнинг худди шу гапини кутиб тургандай Ганжа қатъият билан деди:

— Талашиш билан иш юришадиган бўлса, кутишнинг нима кераги бор, зудлик билан жўнаш керак.

— Каттадан ҳеч рухсат ололмаяман.

Ишга келганидан бери Ганжа катта ҳақида эшитади. Катта рози, катта хафа бўлади, каттанинг олдидан бир ўтиш керак... Наҳотки ҳамма иш шу бир каттага бориб тақалаверса. Бошқа раҳбарлар нима иш қилишади? Ҳар ким битта курсида ўтирибди. Нега ўз ишини ўзи ҳал қилавермайди? Нега энди сув идораси ходими командировкага бориш учун каттадан рухсат олиши керак?

— Катта шундай даҳшатли одамми? — Ганжа негадир ўз саволидан ўзи қизарди.

— У чизифидан чиққан одамни...

Духнов ён-верига қаради. Сўзини биров эшитиб тургандай безовталанди:

— Қўйинглар шу гапни, министрликка эртага бормасак, индинга борармиз.

— Кеч бўлиб қолмайдими?

— Кеч бўлади, албатта. Вақт ўтяпти.

— Ганжа иккаламиз борайлик бўлмаса, — деди Обод, — Ганжа инженер, участка бошлиғи, мен ҳаваскор мироб, халқ вакили, борамиз-келамиз. Катта бизга хўжайин эмас.

Духнов хаёлга толди. Дам олгани келиб ташвишга кўмилиб ўтиришганидан ижирғанган Қумрихон пайтдан фойдаланиб ўрнидан турди.

— Витя, чўмиламизми? — деди зерикиб ўтирган болага.

— Чўмиламиз.

— Юр, кетдик.

Улар кетишгач, Духнов деди:

— Ўзим бормасам бўлмайди. У ерда шундай китлар ўтиришибдики, сенларни ямламай ютиб юборишади.

— Кит билан кит учрашмаса бўлмайди денг.

— Китлик қаёқда. Неча йилдан бери ҳақ-ростлиги кўриниб турган битта масалани исботлай олмаману...

Қўшни даврадагилар магнитофон овозини кўтаришди. Дилбар қўшиқ баралла таралди.


Духнов биринчи марта Боғистон қўшиғини урушдан олдин, янги ишга келган пайтларида эшитган эди. Минг-минг колхозчилар, ишчилар Тошёп канали қурилишига кўчиб чиқишган. У пайтларда одамлар бошқача эди. Инсофли эди. Имонли эди. Қитмирлик қайда, бир-бирларига чин дўст ва ёрдамчи эди.

Дулдулсойни қураётганлар ҳам яхши одамлар. Фақат уларга тўғри йўл кўрсатилиши керак. Раҳбарлар, лойиҳачилар бўлса... Қурилиш бошланмасидан олдиноқ Духнов лойиҳа қусурлари ҳақида республика министрлигига мактуб йўллаган эди. Министр кўнғироғидан сўнг уни область раҳбарлари таклиф қилишди.

Болтабековнинг энди раҳбарликка кўтарилган пайти эди. Асов отдай авжи баландлиги — димоғдорлиги қочиримли сўзларидан, керилиб туриши, креслога ястаниб ўтиришидан кўриниб турарди.

— Ёзишма қилибсиз, Иван Иванович.

— Ҳа, ёзган эдим.



Расмни **Ф. АЛИМОВ** чизган

— Кеча министрнингиз кўнғироқ қилди. Сизнинг ёзишмангиздан ҳайрон бўлганлигини айтди.

— Нимасидан ҳайрон бўлади?

Болтабеков асабийлаша бошлади.

— Сиз тушунишингиз керак, Духнов, Дулдулсой бизнинг ташаббусимиз. Дулдулсой Боғистоннинг номи Иттифоққа танитмоқда. Биз ундан пулимизни ҳам, кучимизни ҳам аямаймиз.

— Дулдулсойнинг қимматини бир ирригатор сифатида яхши биламан. Унинг аҳамияти катта.

— Ирригаторман деб тўғри айтдингиз. Лекин сиз лойиҳачи эмассиз. Лойиҳани ўзгартириш ҳақидаги чиранишингиз бизга тушуникли эмас.

— Лойиҳанинг камчилигини кўриш учун лойиҳачи бўлиш керак, деб ўйламайман. Гидроузел қурилиши уч юз миллион сўм туради. Мен шуни анча қисқартириш йўлини топдим. Ҳеч ким бунга қулоқ солишни истамаяпти.

— Ҳозирги миллионлар эртага миллиард бўлиб қайтади.

— Ҳали ҳеч қаерда йўқ миллиардлардан ҳаволаниб, пулни тўкиб-сочаве-риш...

Болтабеков билан ҳеч ким бундай гаплашмаган эди. Духновнинг пилигини пасайтирмаса бўлмайди.

— Дулдулсой билан шуғулланадиган одамлар бор. Сизнинг ишингиз хўжаликларни сув билан тўғри таъминлаш. Аммо ўз ишингиз билан шуғулланмаётганингизни сизга айтиб қўяй. — Болтабековнинг юзига қон урди. — Кеча Қумёпда бўлдим, — деди жаҳлини босолмай. — Ёбнинг суви коллекторга оқиб ётибди. Буни ким контроль қилади? Бу исрофгарчиликни ким чўтга солади? Сиз гидроузелга кетадиган маблағни ревизия қилиш ўрнига коллекторларга оқи-зилиб, исроф қилинаётган пулларнинг ҳисоб-китобини қўлга олинг. Мана шу битта фактнинг ўзи сизни ишдан олишга етади. — Мавзуни усталик билан бошқа томонга буриб юборган Болтабеков исканжани янаям қаттиқроқ қисийшга қарор қилди. — Масалани бюрога киритамиз. Ҳозироқ Қумёпга жўнанг. Ҳамма ёбларни, барча коллекторларни шахсан текшириб чиқинг. Ҳар куни менга телефонда ҳисоб бериб турасиз. Менинг рухсатимсиз райондан қайтманг.

Духнов индамади. Лойиҳа ҳақидаги бўлиниб қолган сўзга қайтиш ўринсиз эди. Болтабеков унинг қўл-оёғини боғлаб қўймоқчи. Районда бир тутқундай сақламоқчи. Катта ишларга бурнингни тикма, акс ҳолда аҳволингга маймунлар йиғлайди, демоқчи. Лекин Духнов йўлидан қайтадиганлардан эмас.

— Тушуниклими? — деди Болтабеков жимликни бузиб.

Улар совуқ хайрлашдилар. Шу кундан бошлаб Духнов орқасига одам қўйилганини сизди. Қаерга борди, ким билан гаплашди, нима деди, ҳаммасига кўзқулоқ тикиладиган бўлди. Духнов нимадан қўрқади? Ҳақиқат у томонда. Шунини ўйлаб министрға яна хат ёзди. Усов билан учрашди. У Духновни диққат билан тинглади. Айрим мулоҳазаларига қўшилганини айтди. Бироқ лойиҳани ўзгартирмади. Шундан сўнг Духнов Иттифоқ министрига ёзди. Буёғи ҳали ҳам мужгал бўлиб ётибди.

— Бир нарсага тушунмайман, — деди Ганжа, — бу раҳбарлар таклифга билиб оёқ тирашадими ё билмай?

— Идора шаъни деган гап бор, ука. Ўзлари чизган чизиқ қийшиқ бўлса ҳам ўшандан юргизмоқчи бўлишади. Министрликка эса план керак. Элликта майда қурилишдан битта йирингини афзал кўришади. Фалон миллион сўмлик қурилиш! Қаранг, қандай жаранглайди. Шундан ном қозонишади, орден олишади, қаҳрамон бўлишади. Фойда-зарарини эса ўлчаб ўтирадиган одам борми.

Духнов совуқ қолган чойдан хўплади, ёнбошда ётган шляпасини олиб чангини қоқди, бостириб кийди.

Қумрихон билан Витя чўмилиб келишди. Саёҳат охирлаётганини кўрган Ганжа Духновдан сўрамоқчи бўлиб юрган нарсасини ҳозир билиб олишга жазм қилди.

— Иван Иванович, бир савол берсам айбга санамайсизми?

— Бемалол сўрайверинг.

— Кийиктўқайни сақлаш ҳақида кўп гапирасиз, бу яхши, албатта. Аммо Маздубат кони ҳам худди шундай ҳимоя қилиниши керак бўлгани ҳолда у ҳақда ҳеч нима дейилмайди, шу тўғрими?

— Маздубат конини сақлаш заруру аммо бунинг иложи йўқ.

— Нега?

— Шунинг учунки, конни деб бир миллиард сув кетадиган омбордан ҳеч ким воз кечолмайди.

— Сизга боғлиқ бўлса нима қилардингиз? — масалани жуда ҳам ойдинлаштириб олиш учун сўради Ганжа.

— Сув омборига айлантирган бўлардим, албатта.

Ганжанинг Духновдан ҳам ҳафсаласи пир бўлди.

Бу пайтда Кийиктўқай сари яна бир кема елиб келмоқда эди. Моторли, соябонли бу кема Аминовга тегишли эканини дулдулсойликлар билишарди. Аминов дарё сайлига чиқадиган бўлса тайёргарлиги икки-уч кун олдин бошланиши ҳам кўпларга маълум эди. Бу галги сайлга-ку, алоҳида ҳозирлик кўрилди.

Аминов аввало шоир Мавсумий орқали москвалик Попов деган журналист билан боғланди, кўп, қочиримли ваъдалар билан уни Дулдулсойга келишга кўндирди.

Попов сезгир йигит экан, кўп ҳам интизор эттирмади. Уни Аминов ва Мавсумий аэропортда, машинани трап ёнигача олиб бориб, тантанали кутиб олишди. Попов ҳақиқатан ҳам Мавсумийнинг эски қадрдони экан, трапданоқ қучоғини кериб, ерга югуриб тушди. Мавсумий билан қайта-қайта сўрашиб, ўпишди. Бу ушоққина йигитни Аминов ҳам худди юз йиллик ошнаси каби бағрига босиб, у юзидан, бу юзидан ўпди.

— Оббо, Сергейчик, зап вақтида келдинг-да, — деди уни ялаганча Мавсумий. — Ҳозир мана олтин куз, қовунлар фарқ пишган, тилими тилни ёради, ишлар юз, давр сурамиз ялло қилиб сизу биз...

Сергей Мавсумийнинг ҳазил, қофияли сўзларига ўрганиб қолган экан, «боплайсан-а, Мавсумий, — деди, — оғзингдан ҳар бир сўз шеър бўлиб отилиб чиқади».

Бўлажак гидроузел ва сув омборларини кўрсатгунга қадар Поповни Боғистоннинг «диққатга сазовор» жойлари (Аминов таъбири) — савдо базаларига олиб боришди. «Москвада йўқ нарсалар сизда тиқилиб ётибди-ку, — деди меҳмон кийим-кечак базасига борганида. — Импортнинг бари сизларда экан-ку». «Азиз меҳмонлар учун бизда ҳамма нарса топилади» — деди Аминов. Сўнгра икки тугун кийим-бошни алоҳида-алоҳида қоғозга ўратди.

— Биз ҳам қуруқ қолмаймиз шекилли, — деди Мавсумий тугунчакнинг биттасига ишора қилиб.

— Сизни қуруқ қолдириб ўлибмизми, — Аминов унинг елкасига қоқди, ёш болани эрмак қилгандек алфозда. Мавсумий хи-хилаб кулди.

Сайру саёҳатнинг учинчи куни Поповни дарёга олиб чиқишди. Кемага оёқ қўйиши билан меҳмон «вот, да» деб юборди. Мавсумий дарҳол қофия ясади: «вот, да — столичная водка»... Чиндан ҳам соябон тагидаги дастурхоннинг бир четида «Столичная» арақлари, коньяклар қаторлаштириб қўйилган эди.

Кема уч қисмдан иборат бўлиб, орқа томонида чўмилишдан кейин дам оладиган махсус «қуёшлама», ундан кейин кемачи кабинаси, кабина тагида (зина-поя билан тушиладиган) ошхона, ётоқхона, тепада, кабинадан сўнг асосий майдон — базмхона жойлашган. У ҳам икки бўлакдан иборат, тўрда стол-стулли европача, пастроқда кўрпача ва хонтахтали шарқона зиёфат гўшалари.

Меҳмон стулга ўтириши билан қовурилган балиқ тортилди. Мавсумий шисшаларни очди, қултуллашиб биллур қадаҳларга қуйди-да: «Сергейчик, бошлаб бер», деб биринчисини унга узатди.

Илк шароб сўзсиз ичилди. Сўнг кўнгил қулфлари очилиб кетди.

Аминов ўзида йўқ хурсанд эди. Каттанинг топшириғига кўра олдин ҳам юқоридан журналист олдирган эди. Аммо у на тузук ичиб-еди, на тузук бир нарса ёзди. Буниси аммо зўр экан. Агар ёзиши ҳам ичишидек зўр бўлса бунинг баҳоси йўқ.

Уст-устига отавериб Поповнинг кайфи ошиб қолди. Кийиктўқайга яқинлашганларида Аминов унга тушунтирди:

— Мана шу ётган тиканакзор ўрнида сув омбори бўлади. Бу ерга камида уч миллиард куб сув сиғади.

— О, — деди Попов, — нақ денгизнинг ўзи бўларкан-да.

Мавсумий сўзни яна илиб кетди: «денгизнинг ўзи, юрамиз су-зии-иб».

— Хо-хо-хо, — Поповнинг ичидан кулги отилиб чиқди. — Ўрдак бўлиб кет-эй, Мавсумий.

Соябонли кема Гулдор кема ёнига келиб тўхтаётган эди, Аминов кемачига зуғум билан қичқирди:

— Нима бор сенга бу ерда, нарироқ ҳайда.

Кемачи ҳайрон бўлиб рулни орқага бурди. Ҳар галги тўхташ жойи нега хўжайинга маъқул бўлмади экан? Кемачи бунинг сабабини Ганжага кўзи тушганидан сўнг билди.

Соябонли кема нари кетди. Духнов унга қараб турди-да, гап нимадалигини билгач, тескари ўгирилди. Нарсаларни йиғиштира бошладилар.

Соябонли кемадан на ўзбекчага, на русчага ўхшамаган, ёқимсиз бир куй эшитиларди.

— Тезроқ бўлақолинглар, — деди Духновнинг диққати ошиб.

Улар апил-тапил йиғиштириниб, тез кетиб қолишди. Ганжалар Гулдор кемага энди яқинлашганларида елкасига сочиқ ташлаб олган ёшгина йигит келиб Қумрихонга салом берди-да:

— Қумрихон опа, кечирасиз, Ғани акамлар сизни бир минутга келсин де-яптилар, — деди. — Ҳу кемадалар. Масковдан келган журналистга таништир-моқчи эканлар.

Қумрихон нима дейшини билмай эрига қаради. Йигит яна қайтарди:

— Жуда ҳам сўраб юбордилар.

— Борақол, — деди Ганжа ноилож.

Хизматкор йигит хурсанд чопқиллаб кетгач, Қумрихон эрига, юринг, бирга бора қолайлик, деди. Ганжа, сени чақирришган, сен боравер, деб кўрс жавоб қайтарди.

— Ундай хўмрайиб олсангиз сира ҳам бормайман. Юринг, кетамиз.

— Бор дедимми, бор.

Қумрихон соябонли кемага қараб кетди. Ганжа ёлғиз қолгач, турли бад хаёлларга борди. Аминов уни нима учун чақиртирди? Ростданам журналистга таништирмоқчи? Нега буни ишхонада қилмайди? Дам олаётган одамни ҳузурига чақиртиришга нима ҳаққи бор? Бу билан Ганжани ҳақорат қилмоқчимми? Нима гап ўзи?!

Ганжа хотинини кутавериб тоқати тоқ бўлди. У келавермагач, Ганжанинг кўнгли баттар ғашланди. Нега хотинини бировларнинг олдига юбориб, бу ерда болага ўхшаб шумшайиб турибди? Нега шартта бориб уни қўлидан етаклаб қайтмайди?

Ганжа соябонли кемага қараб бораётганини ўзи сезмай қолди. Қумрихоннинг шарақлаб кулганини эшитгач, ўзига келди ва таққа тўхтади. Шашт билан орқасига қайрилди, яшин тезлигида кемаси ёнига келиб, арқонни тўронғидан бўшатди.

— Қаёққа, Ганжа ака, мени ташлаб кетмоқчимисиз?

У қаршисида турган хотинига тикланиб қарамасди. Нафаси кўкрак қафасига сиғмас, дир-дир титрар эди.

Кема сузиб кетгач, Қумрихон кула-кула кўп нарсаларни гапирди, биттаси ҳам Ганжанинг қулоғига кирмади.

Болтабеков ВЧ орқали Тошкент билан гаплашгач, ички телефон тугмасини босди. Ёрдәмчисига деди:

— Идора бошлиқларини йиғишсин. Отақўрғонга телефон қилинг. Бир соатдан сўнг йўлга чиқаман.

Барча бўлимларда телефон трубкалари баравар кўтарилди. Бирпасда йиғилиш ҳақидаги хабар жойларга етказилди. Соат ўн беш минута кам ўнда мажлислар залида ҳамма жам бўлди. Йиғилганлар чорак соат Болтабековни кутиб ўтирдилар.

Соат ўн бўлди. Зал сув сепгандай жим. Ҳамманинг кўзи тўрдаги эшикка қадалди. Президиум хонасида ҳайъат аллақачон тўпланган, Болтабековни кутишиб, залга кирмай секин ўзаро суҳбатлашиб туришарди. Бу элас-элас залга эшитиларди. Яна ярим соат ўтгач, президиум хонасидаги овозлар тинди.

Залга аввал Болтабеков, унинг орқасидан бошқа раҳбарлар кириб келишди. Ҳар ким ўз ўрнини эгаллади. Болтабеков ўтирган жойида қўлидаги қоғозларни тартибга солган бўлди. Зал жимжит. Болтабеков қоғозларнинг ичидан ниҳоят биттасини олди. Унга кўз югуртирганча анча ўтирди. Сўнг салобат билан ўрнидан турди.

— Рашид Бурҳонович ҳозир телефон қилди, — деди қўлидаги қоғоздан кўзини олмай. Бирпас жим туриб залга қаради. Ҳамма унга диққат билан тикилиб ўтирганини кўриб мақсадга кўчди. — Бир ҳафтадан сўнг Рашид Бурҳонович бизга келади. Қўшни республикаларнинг раҳбарлари ҳам келишадди. Дулдулсой қурилишини жадаллаштириш вазифалари кўриб чиқилади. Келиши билан Рашид Бурҳонович пахтани сўрайди, албатта.

Болтабеков ким нима иш қилишлигини тушунтирди. Шаҳар ижрокоми раисига бугундан ҳамма идоралар ва ташкилотларни ёпишни, барчани пахтага олиб чиқишни топширди. Бугун сентябрнинг ўн беши, энди пахтадан муҳим иш йўқ. Ҳар бир идора ва ташкилот бошлиғи ўз одамлари ёнида юриб пахта терсин. Этак тақмаган, пахта термаган раҳбар ариза ёзсин, кетсин бизга халақит бермасин. Милиция бошлиғига, йўлларга шлагбаум ўрнатинг, деб буюрди. Шаҳарда шахсий машиналар юрмасин. Умуман, шахсий машиналарга бензин берилмасин. Меҳмонга бориш, меҳмон чақириш терим тугагунча тўхтатилсин. Тўйлар пахтадан кейинга қолдирилсин.

Кимга мурожаат этмасин у дик этиб ўрнидан туриб ёндафтарга сўзларини ёзиб оларди. Утиринг демагунча ҳеч ким ўтирмасди. Милиция бошлиғига жўрттага ўтиринг демадимми ёки айтиш хаёлидан кўтарилдими, у узоқ тик туриб қолди. Болтабеков сўзининг охирида одатдаги саволини берди: тушуниклими? Залдагилар бош ирғадилар.

Йиғилишдан сўнг қурилиш трестининг бошлиғи билан қисқа суҳбатлашди. Лифт қачон битади, деб сўради. У чайналган эди, Бурҳонов келгунича битказилсин, деди. Трест бошлиғи йўқ деёлмади. Бинода икки лифт бор. Бири Болтабеков ва унинг атрофидагилар учун, иккинчиси қолган барча ходимлар ва келди-кетди учун. Биринчи лифт деярли бўш туради. Унга чиқишга ҳеч кимнинг юраги бетламайди. Иккинчи лифт эса бўзчининг моқиси, бир дам тиндирилмайди. Энди Болтабеков ҳовли орқали кириладиган чекка бурчакда махсус лифт қурдирыпти. Рашид Бурҳоновнинг келишига ҳозирламоқчи.

Болтабеков йўлга отланди. Олдда ГАИ машинаси, орқасида «Чайка» катта йўлга чиқиб канал томон бурилди. Кўприкдан шиддат билан ўтиб, магистраль йўлга қайрилди. Йўлда машиналар кам эди. Борлари ҳам ГАИ, «Чайка»ни кўргач, зудлик билан чеккага чиқиб олишар, «Чайка» ўтиб кетмагунича қилт этмай туришарди.

Болтабеков ўтадиган маршрутни унинг ёрдамчиси жойларга тезлик билан етказганидан йўл атрофидаги районлар ва колхозларнинг раҳбарлари кўзга ташланадиган карталарга чиқишган, шу далаларда теримчиларни ҳам кўпайтиришган эди. У ҳар жой-ҳар жойда тўхтаб, раислар билан суҳбатлашди, Бурҳоновнинг келаётганини айтиб, тегишли топшириқлар берди. Ҳуррият районидан сал ўтганидан сўнг «Чайка» тўхтади. ГАИ машинаси бундан бехабар анча илдам кетиб қолди. Сездю талвасада бир оз орқасига қайтди. Болтабеков машинадан тушди. Йўл чеккасида жой бузиб ташланган эди. Ўн чоғли киши чуқурларларни ковламоқда, нарироқда экскаватор янги чуқур қазимоқда эди. «Чайка»ни кўриб баланд бўйли, соқоли ўсиб кетган йигит югуриб келди. Одоб билан салом берди. Болтабеков қўл бериб кўришди. Сўраб йигитнинг райгаз идораси бошлиғи эканини билди. Газни қаерга ўтказмоқчисан, деб сўради. Ҳув анави янги жилкварталга, деди йигит.

Болтабеков узоқроқда тиккайиб турган йигирматача уй томон қаради-да, чуқурларни кўмиб ташлашни буюрди. Райгаз бошлиғи қувур ётқизмайми... дея чайналган эди, Болтабеков уни жерқди. Одамларингни олиб пахтага чиқ, деди. Сўнг қўшиб қўйди: пахтадан кейин бошқатдан қазийсан. Йигит ҳеч нарсани тушунмади. Шунча меҳнат эвазига қазилган чуқурларни қувур ётқизмай кўмиб ташлаш нимаси! Тушуниклими, деди Болтабеков. Йигит жилдомдагилар қишда газсиз қолишади-ку, демоқчи бўлди-ю, каттаконнинг ўзига қаттиқ тикилиб турганини кўриб айтолмади.



Болтабеков оддий бир райгаз идораси бошлиғига Бурҳонов келаётир, йўл бўйларини текислатиб, сув сепдириб қўйишимиз керак, деб тушунтириб ўтиролмайдими-ку. Қолаверса, бу бола пахта вақтида одамларга чуқур қаздирадими? Андишасиз газчини текшириб кўришни ўйлаб машинасида хаёл суриб бораётганида яна бир «кўнгилсиз» воқеанинг устидан чиқди.

«Ленинбод» колхозининг йўл бўйидаги картасида ўқувчи болалар пахта теряптилар, уларнинг тепасида раиснинг ўзи турибди. Буни кўриб Болтабеков қаттиқ оғринди. Бу даланинг пахтасини Бурҳоновга кўрсатмоқчи эди. Раисни койиди. Раис ўзини оқламоқчи бўлди:

— Бурҳонов кўраман десалар, бундан ҳам яхшироқ очилган пахталаримиз бор. Тўқай участкамиз юз фоиз очилди.

Фаросатсиз раисга гап тушунтиришни эп кўрмаган Болтабеков у билан хайрлашмай, кайфияти тирриқ бўлиб машинасига ўтирди. Бурҳоновга сенинг тўқай участкангни кўрсатиш учун аввал у ерга борадиган йўлни асфальт қилиш, йўл бўйидаги уйларни оқлатиш, бора-боргунча пахталарни бодрокдек очилтириш керак, хомсемиз раис... Бурҳоновнинг биринчи келиши-ю, сенинг биринчи йил ишлашинг эмас-ку. Билмайсанми? Бурҳоновни ҳар гал махсус маршрутдан олиб юришимизни. Шу пайтгача буни билмаган бўлсанг, раислигинг икки пулга қиммат.

Отақўрғон чегарасида уни райком секретари кутиб олди. Болтабековнинг чап ёнига ийманибгина ўтирди. Улар тўғри Дулдулсойга йўл олдилар. «Чайка»нинг орқасида райком «Волга»сини шофёр бола ёлғиз ҳайдаб борар, улардан узилиб қолишдан қўрқиб, тезликни тинмай оширар эди.

Қораянтоқ чегарасида антиқа ишнинг устидан чиқдилар. Катта картада юз чоғли ўқувчи болалар ҳадеб ғўза баргларини юлишарди. Уларнинг тепасидаги йўлда, машинасида ўтирган Исроил раис «Газик»дан шошиб тушди-да, «Чайка» олдига келди. Салом-алиқдан сўнг изоҳ берди: дефолиация қилган эдик, барги тушмаяпти, қўл билан юлиб олмасак.... Бурҳонов келганларида шу далада машина теримини бошлаймиз, деб ўзингиз топширганингиздан сўнг...

Болтабеков мийиғида кулди. Бурнига аччиқ дори ҳиди урилди шекилли, оғзини рўмолча билан бекитиб олди. У машинаси эшигини очиши билан бутифос ҳидидан нафаси баттар қайтган, оғзи-бурнини маҳкамроқ бекитиб олган эди. Болтабековнинг мийиғида кулиши унинг мамнунлигидан нишона эканини Исроил раис аввалдан биларди. Шунинг учун ҳам раиснинг кўнгли жойига тушиб, уларни хуш кайфият билан Дулдулсойга кузатиб қўйди-да, дори ҳидига чидай олмай, машинасини уйи томон ҳайдади. Болалар эса ҳафсала билан ғўза баргини юлишарди...

Болтабеков Дулдулсойни ипидан-игнасиғача кўриб чиқди. Котлован ва тўғоннинг қурилишни кўздан кечирди. Ёрдамчи хўжаликлар корхонасида бўлди. «Вездеход»га ўтириб, бўлажак сув омборлари, у ерларда кетаётган ишлар билан танишди. Шундан кейин Анисимовнинг кабинетида тегишли кишилар билан йиғилиш ўтказди. Тегишли кишилар қаторига ёш коммунист, ёрдамчи корхоналар комбинатининг бўлим мудирини Қумрихон Қиличева ҳам кирган эди.

Қумрихон йиғилишдан кеч қайтди. Юз-кўзида табассум ўйнар эди. Овқат устида тўхтовсиз гапирди. Болтабеков жа салобатли одам экан, ҳайбатидан от ҳурқади. Ҳаммани оёққа турғизди. Ҳатто Анисимовнинг ўзини ҳам койиди. Ишларни бўшаштириб юборибсиз, деди. Бу тошбақа кетишда гидроузелни йиғирма йилда ҳам қуриб бўлмаслигини айтди. Болтабеков топшириқларни кўпроқ Аминовга берди. Икковининг яқинлигини ҳамма кўрди. Аминов бирам яйрадики, асти қўяверасиз. Ҳар битта топшириққа «ажаб, хўп бўлади» деб ўрнидан туриб жавоб берди. Яқинда ўтказиладиган митингга ҳозирлик кўриш вазифаси ҳам унга топширилди. Эртадан бошлаб ҳаммаёқда бурилиш бўлади. Митинг кунини қурилишда қумурсқадек кўп одам иштирокида иш қайнаб туради. Экскаваторчи Сотим Сафоев митингга сўзга чиқади. Ўз устига янги мажбурият олади. Икки йилда ўн йилнинг ишини бажаришга сўз беради. Зўр экан-эй, бу Болтабеков дегани.

Қумрихон чуғур-чуғур гапираверди, Ганжанинг энсаси қотса ҳам хафа қилмаслик учун тоқат билан эшитди. Штурмчилик бўларкан-да, деб ўйлади.

Қумрихон алламаҳалгача куймаланиб юрди. Дастурхон, идиш-товоқларни йиғиштирди. Раънони ювинтириб ухлатди. Аллами, қўшиқми — хиргойи қил-

ди. Диванда китоб ўқиб ўтирган эридан, чой ичасизми, деб сўради. Ганжа, йўқ, деди. Қумрихон шкафдан кўк муқовали дафтарини олди. Стол устидаги чироқни ёқиб ўрнашиб ўтирди-да, ҳафсала билан нималарнидир ёза бошлади.

«Кизиқ, — ўйлади Ганжа, — шу дафтарни анчадан бери чизғилайди, нима ни ёзаркан. Сўраш ноқулай, ишга оид бўлса ўзи айтарди. Балки кундалик дафтаридир, балки узоқдаги ота-оналарига мактуб битар».

Қумрихон ёзиб бўлди шекилли, қаламни бир чеккага қўйди. Эрига кулимсираб боқди. Дафтарини олиб унинг ёнига — диванга келиб ўтирди.

— Биласизми, ҳозир нималарни ёздим?

Хотинининг очиқ чеҳраси ва қўнғироқдек жарангли овози Ганжа қалбига учқун ташлади. У ҳам алангалана бошлади.

— Ҳозир фол очамиз. Қўлингни бер.

— Қўлимни берайми ё қўлимдагиними? Лўлига ўхшаб фол очар эмишлар. Майли, овора бўлиб юрманг, ўзим ўқиб бераман.

— Ундай бўлса, қани эшитайлик-чи.

Ганжа хотини томон сурилди. Қумрихон ўзини эрининг қучоғида кўриб эрканди:

— Мана, эшитинг бўлмасам.

«Бугун Дулдулсойда ўтган йўғиндан хулоса. Анисимовни ишдан олиб ташлаб, ўрнига Аминовни қўйиш керак. Чунки биринчисининг на иссиғи бор, на совуғи. Иккинчиси эса шаддод, худди шернинг ўзгинаси. Жасур. Дадил ва журъатли. Ҳеч кимдан тап тортмайди. Яшаганга яраша шундай яшасанг.

18 сентябрь, чоршанба.»

Ганжа хотинининг елкасидан қўлини олди.

— Нима, ёқмадимми?

Кулиб берилган бу саволга Ганжа жиддий жавоб қайтаришни лозим топмади. Дафтарга ишора қилиб, кундаликми, деб сўради.

— Кўрган-билганларимни ёзиб боряпман. Шундай қилганим ёмонми?

— Йўқ.

— Яхшими?

— Яхши.

— Уф. Юрагим тарс ёрилади ҳозир. Дилингизни очиб бир нима десангизчи.

— Хўп, сенга битта савол. Сен уни шер дебсан. Тулки бўлиб чиқса нима қиласан?

— Отимни бошқа қўяман.

— Кўрамиз.

— Кўрармишлар. Кўринг. Аминовнинг ким эканини мана эртага билиб оласиз. У ҳар қандай оғир ишни ҳам бармоғида айлантиради.

Дарҳақиқат, эртасигаёқ қурилишда кўз кўрмаган ўзгаришлар бошланди. Механизм, ишчи кучи икки баравар оширилди. Шаҳарлар ва районлардаги кўп қурилишлар тақа-тақ тўхтатилди. Қурувчилар кўрпа-тўшакларини кўтаришиб Дулдулсойга келаверди.

Боғистон шаҳридаги қурилиш муносабати билан билим юрти ўқувчиларини пахтага кетаётганларида йўлдан қайтаришди. Машиналарни Дулдулсойга қараб ҳайдашди. Зариф қувончдан қийқириб юборай деди. Болалар уни пахтадан қутулганига севиняпти, деб ўйлашди. Зариф эса Дулдулсойда дадаси борлиги, уни соғингани, икки кун аввал тушида кўриб йўғлагани, энди машина тезроқ юрсин деб шошилиб бораётганини айтармиди. Болаларга нима, уларнинг дадалари уйда, кўпчилиги келиб билим юрти олдида автобусларни кузатиб қолишди. Фарзандларига иссиқ кийим, озиқ-овқат олиб келишди. Зариф ўксиди. Дадаси қамоқда бўлмаганида ҳойнаҳой келарди. Ойиси келолмайди. Укаларини ташлаб қандай келади. Ҳаммаси ёш бўлса. Келинбувсининг ҳам икки чақалоғи бор Оғаси ишда. Отаси камалган, деб оғасини пастроқ ишга ўтказишди. Ўзи хафа бўлиб юрган одам укасини пахтага кузатармиди.

Мана энди маза, дадасининг олдига бораётир. Авваллари бўлганидек, бир соат-ярим соатгамас, узоқ муддатга боряпти. Эҳтимол, у билан ёнма-ён ишлар. Ёнма-ён бўлиши ҳам шартмас. Қорасини кўриб юрса бас...

Бунини жўралари билса албатта уни мазах қилишади. Лекин Гулсорага айтса бўлади. У тушунадиган қиз. Зариф унга дадаси ҳақида гапириб берганида қиз

бечора юм-юм йиғлаган эди. Ҳамиша Зарифнинг кўнглини олишга уринади. Балки ҳозир у ҳам Дулдулсойга боришаётганидан хурсанд бўлаётгандир. У олддаги автобусда-да...

Уқувчилар Дулдулсойга тушдан кейин етиб келишди. Уларни омонат турган ёғоч уйларга жойлаштиришди. Бу «домик»лар котлованнинг ичида бўлганидан тўрт томонида иш қайнаб ётарди. Зариф йиғмакати йўқлигини билинтирмаслик учун курсдошлари жойлашиб олгунча кутиб турди. Кейин ётоқхонадан олиб келган кўрпа-тўшакни ичкарига киритиб қўйди. У дадасини кўргани ошиқарди. Уқитувчисини ахтариб ташқари чиқди. Бир қўлида челак, иккинчисида супурги кўтариб олган Гулсора кўринди.

— Нега турибсан, дадангни кўргани бормайсанми?

— Асадовни тополмаяпман.

— Уни нима қиласан?

— Рухсати керак-да.

Қўлида чақмоқли дафтар, бўғриққан Асадов пайдо бўлди. Гулсора, тезроқ сўра дегандек имо қилиб, ўзи жойлашган хонага кириб кетди.

— Нега ҳайкалдек қотиб турибсан? — деди Асадов қош-қовоғини уюб.

— Домла... дадамни кўрмоқчи эдим.

— Дадамни?

— Ҳа, бораману келаман.

— Қаерда у?

— Тўғонда...

Асадов даданг ким деб суриштирмади. Балки шошиб тургани учун сўрамагандир, балки дадасини ишчи деб ўйлагандир. Ҳаялламай тез кел, деди-да, шошиб ичкарига йўналди.

Зариф бир ойча олдин оғаси билан Дулдулсойга келган, дадасини тўғон қурилаётган жойда учратишган эди. Шу томонга қараб юрди, ёғоч уйдан узоқлашгач, югурди.

Самосвал тўкиб кетган шағални текислаётган Қурбон ака кўнгли бир нарсани сезгандек, қаддини ростлаб тепага қаради. Дўнгликдан ҳатлаб пастга ошиқиб тушиб келаётган ўғлини кўрди. Қўлидаги белкуракни кўйишга ҳам чоғи келмай, унга пешвоз юрди. Ўғли билан кўришаётгандагина қўли банд эканини билиб, белкуракни улоқтирди-да, Зарифни бағрига босди.

— Омонмисан, ўғлим!

— Дада... дадажон!!

Қурбон ака ўғлини силаб-сийпади, ўқишини, уйдагиларнинг аҳволини суриштирди. Дулдулсойга билим юрти икки ойга кўчиб келганини билиб қувонди. Аввалги келганида сезмаган экан, ўғли катта йигит бўлиб қолибди, мўйлаби сабза уриб, овози дўриллабди. Бўйи ўзининг бўйи билан баробар. Қоши қуюқ. Киприклари қизболаниқдай узун. Бурнининг учи сал қайрилган. Ёш бошига қўллари қадоқ. Кўп ишласа керак. Қурбон ака ўғлига қараб тўймас, ёнидан қўйиб юборгиси келмас эди. Начора...

Отасининг олдидан қушдай енгил бўлиб қайтган Зариф Гулсорани кўргиси, Дулдулсойга келгандаги илк севинчларини унга айтгиси келди. Дугоналари билан ётоқхонани саранжом-саришта қилган Гулсора йўл кийимини ечиб, атлас кўйлагини кийган, эндигина барг ёзиб, қуёшга таъзим этиб турган ғунчадай беғубор ва ифбатли эди. Икковлон чала қурилган бинолар, тинимсиз ишлаётган кранлар, бульдозерлар ёнидан ўтиб, тўғонга яқинлашишди.

— Билдим, котлованда ишларканмиз,— деди Гулсора. — Шундай қурилишда ишлаш қандай яхши-я, Зариф, доннинг чиқади, номинг тарихда қолади.

Дулдулсой Гулсора учун афсона. Асов дарё бўйида елиб-югураётган одамлар афсонавий қаҳрамонларнинг ўзгинаси. Бошларида темир қалпоқлар, устларида совутга ўхшаш камзуллар, юзлари офтобда қорайган, лаблари шамолда ёрилган... Гулсора бирданига уларга ўхшагиси келди, Зарифнинг ҳам улардай забардаст, жасур, азамат йигит бўлишини истади.

— Фарҳод тошларни ёриб сув келтирган. У ҳақда қанча китоблар ёзилган. Фарҳодлар, ана, ҳозир мингта...

— Ширин эса бир.

Қўққисдан тилига келган гапдан Зариф қулоғигача қизарди. Гапнинг қаёққа бораётганини тушуниб Гулсора эркаланди.

— Нега энди Ширин биргина бўларкан?..

Зариф фикрини суратлар орқали билдиришни хуш кўради. Шундан доим ҳар хил суратларни чизгани-чизган. Бир куни эгилган новданинг суратини чизди ва Гулсорага кўрсатди. Суратнинг остидаги «Соғиниш» деган сўзни ўқиб Гулсора маънони илғади. Шириннинг битталигини айтгандан кўра чизиб кўрсатган афзал эмасми. Лекин Гулсора ҳозир жавоб кутмоқда эди.

Зариф довдиради. Лаблари учди. Юраги гуп-гуп урди. Қизиқ, ҳар гал шундай, Гулсора эркаландими, тамом, қўл-оёғи бўшашади. Юрагининг уриши етти қадам наридан эшитилади. Соқов бўлади-қолади. Гулсора буни билади. Гапни дарҳол ўзгартиради. Узини ҳеч нарсани кўрмаганликка олади. Ҳозир ҳам худди шундай қилди.

— Даданг тузукмиканлар?

— Раҳмат. Яхши эканлар.

Зариф дадаси билан қандай учрашгани, унинг ёнидан сира ҳам кетгиси келмагани ҳақида гапириб берди. Гулсора ҳам қувониб, ҳам юраги ачиб эшитди. Ўзининг дадасини кўз олдига келтирди. Икковини таққослади. Қурбон аканинг сиймоси равшан, қадди тик, ғурурли кўринди.

Гулсоранинг дадаси билан ойиси Отақўрғонда, иккови битта дўконда — заргарлик буюмлари магазинида ишлашади. Ойиси аллақаяёқлардан камёб молларни топиб келади. Уларни пуллаб яна кетади. Дадасининг боши зиёфатдан бўшамайди. Уйга ҳар хил маст-аластларни бошлаб келгани-келган. Ичишади. Қийқиришади. Сўкинишади. Гулсора унинг катта қизи. Уларга хизмат қилиши керак. Бироқ Гулсора бундайларнинг олдига бир пиёла чой киритишни ор деб билади. Унинг ўқишга кетишининг боиси ҳам шунда. Уйига қадам босгиси йўқ. Ҳар яшанба талабалар уйларига кетишади. Гулсора бормайди. Уй тўла мастлар кўз олдига келади-да, хувиллаб қолган ётоқхонада тунашни афзал кўради. Зарифнинг отаси бошқача одам экан. Ҳақиқат учун курашаркан. Муштум-зўрлардан кўркмас экан. Гулсоранинг назарида Қурбон ака ҳам афсонавий қаҳрамонга айланди. Унга ўхшагиси, ҳақиқат йўлида унингдек курашгиси келди. Ўқишни тугатади. Дулдулсойга келиб ишлайди. Обрў ортттиради. Сўнгра Отақўрғонга бориб, отасининг улфатларини уйдан ҳайдаб чиқаради. Кирдикорларини айтиб, шармандаи шармисор қилади.

Улар гап билан бўлиб бундоқ қарашса соҳилга келиб қолибдилар. Бир тўп болалар дарёда чўмилаётган экан. Улар қийқиришиб, бир-бирларига сув сачратишар, гоҳ соҳилга югуриб чиқиб қувалашишар, яна сувга калла ташлардилар. Зариф ноҳўя жойга келиб қолганликларини сезиб, Гулсорага, юр кетайлик, демоқчи бўлди, кўрқоқликка йўймасин, деб индамади.

Дарёни томоша қилиб турганларида новча бир бола сувдан чиқа солиб, тўғри уларнинг олдига келди. Зарифга олифта қараш қилди-да, Гулсорага яқин борди. Қора трусидан шип-шип сув оқиб турарди.

— Салом бердик, яхши қиз.

Гулсора юзини тескари буриб, Зарифга яқинроқ бориб турди.

— Кўркма, еб қўймайман сени. Анави болаларга қўлингни бир силкитиб қўйсанг бўлгани.

— Сендан кўрқаётган одам йўқ, — деди тап тортмай Гулсора.

— Қўлингни ановиларга силкит деяпман, сенга.

— Майнавозчиликни бас қил, — деди Зариф олдга ўтиб.

Гулсора юр деб Зарифнинг қўлидан тортиди. Улар тисарилиб кета бошлаган эдилар, сувдаги болалар гувва кулишди. Ютқаздинг, Камол, ютқаздинг, деб қийқиришди. Чамаси, бу новча атлас қўйлакли қизни сенларга салом берди-раман, деб улар билан бас бойлашган. Тенгқурларининг масхараомуз кулгиси уни қуюшқондан чиқазиб юборди.

— Тўхта, — деб бақирди Зарифга, — дарров думингни тугақолдингни, а?

Йўлдошлари олдада мулзам бўлиб қолишни истамаган бола қандай қилиб бўлса ҳам ўзини кўрсатиш ниятида югура бориб Гулсоранинг йўлини тўсди.

— Тўсма йўлини, — дўқ қилди унга Зариф.

Айни шуни кутиб тургандек, у Зарифнинг ёқасига ёпишди.

— Қўйиб юбор ёқамни.

— Мана сенга қўйиб юборсам, мана, — у Зарифнинг бошига уст-устига мушт туширди.

Зариф ўзини ўнглаб, рақибини қўлидан ушлаб ўзига тортди-да, худди пол-вонлардек эпчиллик билан оёғидан чалиб йиқитди. Чўмилаётган болалар аввалига шовқин кўтариб кулдилар, сўнгра, Камол, бўш келма, тур ўрнингдан, Камол, деб қичқирганча ҳаммаси бирдек бўлиб Зарифга келиб ёпишдилар. У ёққа тортқилаб, бу ёққа тортқилаб йиқитдилар-да, уни тепа бошладилар. Гулсора дод солиб, ёрдам беринглар, деб қичқирди.

Кийиктўқайдан қайтиб келаётган Ганжа билан Қумрихон фарёдни эшитиб қирғоққа шошилдилар. Гулдор кема тумшуғи заминга тегиши биланоқ Ганжа ўзини соҳилга отди ва муштлашаётган болалар тўпига қараб югурди. Уни кўриб кўп болалар тумтарақай қочдилар, баъзилари ўзини сувга отди. Сўнгида новча бола оқсаганча шошмасдан дарё сари кетаётганида йиқилиб ётгани ўрндан инқиллаб турди-да, унинг орқасидан қувди. Ҳаллослаб келган Ганжа уни аранг тўхтатди.

— Кетдик, Камол, — деб бақирди сувдан чиққан шип-шийдам, ориқ бола новчага. Улар бир зумда кўздан ғойиб бўлдилар.

— Камол дегани Аминовнинг ўғли-ку, — деди Гулсорадан воқеани суриштирган Қумрихон.

Ганжа Зарифнинг бошидан оққан қонни артатуриб ўзича деди:

— Отаси у ёқда не савдоларни кўптиради, боласи бу ёқда. Ҳаромзодалар...

Тўғон ва ГЭС қурилаётган майдонда охириги дўнглик қолди. Қораянтоқликлар уни Қиртепа деб аташарди. У дарёнинг шундоқ биқинида жойлашган. Неча асрлардан бери тўлқинлар зарбига дош бериб келади. Ҳатто қояларни емирган дарёнинг тиши шу Қиртепага ўтмайди. Тинимсиз унга калла уради, Қиртепа пинагини ҳам бузмайди. Дарёдан зўр келаётган тепани одамлар бир кунда йўқотмоқчи бўлишди. Уни қўпориб ташлаш Ганжа участкасига топширилди.

Уч томондан бараварига экскаваторлар Қиртепага ҳужум бошлашди. Қиртепа бульдозерлар, скреперлар, самосваллар қуршовида қолди. Асосан экскаваторлар иш бериши керак эди. Лекин уларнинг чўмичлари қояга теккандек қарсиллаб орқага қайтаверди.

Сотим Сафоев бунга аввалига тепанинг одатдаги қайсарлиги деб билди. У бошқа тепаликларни ковлганда ҳам олдинига шундай бўлган, кейин унинг зўрига чидолмай, тошлар увоқ бўлиб ҳар ёнга сачраб кетишган. «Сендан зўрларини кўрганман, — деди Сотим Қиртепага ҳужум қиларкан. — Сен-ку, битта оддий тепаликсан, мен тоғларни талқон қиламан. Ҳали сен мени билмайсан».

Экскаватор наъра тортди. Тепага шиддат билан урилган чўмич тишларидан ўт чикди. Оғзига кафтчалик ҳам тошми-тупроқ илинмади. Ганжа уни тўхтатмоқчи бўлди. Сотим кўнмади. Тили тагига носни ташлаб олди-да, терлаб-пишиб тепага ёпишаверди. Бошқа экскаваторчиларнинг уринишлари ҳам натижа бермади.

— Узоқроқдан ковлаб келамиз, — деди Ганжа йигитларига.

— Йўқ, — бўлмайди, — деди аллақайдан пайдо бўлиб қолган Аминов. — Биринчидан, вақт йўқ. Митингга саноқли кун қолди. Иккинчидан, қимматга тушади. Портлатамиз.

— Тўғри келмайди, — деди Ганжа. — Объектларга яқин, бир кор-ҳол рўй бериши мумкин.

— Ҳеч бало бўлмайди. Портлатинглар.

— Йўқ. Қазиб оламиз.

Жумагалди Ганжанинг ёнини олди. Кўпчилик унга қўшилди. Аминов қатъий муҳлат белгилаб, зардасини ичига ютиб кетишга мажбур бўлди. Бу унинг биринчи тисарилиши эди.

Уттиз метр наридан тупроқни қазий бошлашди. Тепаликка яқинлашган сайин механизаторлар ерга чуқурроқ кириб борди. Қиртепанинг уч томонидан ярим айлана шаклида қудуқ бўйи чуқур қазилди. Мўъжиза ана шунда рўй берди. Бир-бирининг устига мингаштирилган хумлар ва кўзалар кони очилди. Ажабо, қораянтоқликларнинг неча авлоди оддий тепа деб келган дўнгликда бу хумлар ва кўзалар қандай пайдо бўлган? Уларни қайси усталар не мақсадда ишлаганлар? Эҳтимол, бир замонлар бу ерда хум устахонаси ё кўзачи усталар шахри бўлгандир?

Қурбон аканинг маҳбуслиги эсидан чиқди, тарихчилиги тутди. Унинг мунг-

ли кўзларига яна нур инди, чўкаётган қалбида шавқ уйғонди. Ўғлининг дада деб кириб келиши, Қиртепа сири кул остида ётган чўғларни ҳаётбахш шабада бўлиб ёлқинлантириб юборди. У кўзларига ишонмагандек кўзаларни қайта-қайта ушлаб кўрди, лоақал биттасини кўпориб олмоқчи бўлди, кучи етмади. Ганжа унга ёрдамлашди. Бўлмади. Хум ва кўзалар бир-бирига пайвандлаб ташланган эди. Қурбон аканинг қаршилигига қарамай унга лом уришди. Гўё пўлатга чўкич урилди. Садо чиқди, бироқ кўза ўрнидан жилмади. Қиртепанинг дарёга бас келиб, мағрур қад ростлаб тургани боиси очилди. Хум ва кўзалар монолитдай бир-бирига маҳкамланган, метиндай мустаҳкам эди. Кўзалар қояси болта ушлаб турган одамларнинг дўқ-пўписаларини писанд этмади.

Қурбон ака йигитларга турли илмий тахминларни келтириб, баъзи ривоятларни гапириб берди.

— Археолог олимларни таклиф қилиш керак, деди нима қилишини билмай боши қотиб турган Ганжага. — Бу жуда катта топилма. Илмда янгилик бўлади. Тарихимизнинг кўп қоронғи томонлари ойдинлашса эҳтимол.

Қурбон ака ҳақ, қазиш ишларини тўхтатиш (чиранишнинг фойдаси ҳам йўқ), Қиртепа сиридан олимларни огоҳ этиш керак. Ганжа йигитларга шундай топшириқ берди.

Асадовдан зўрға икки соатга рухсат сўраб Қурбон ака ўғлини кечқурун ётоқхонага олиб кетди. Мажбурий хизматдагилар ётоқхонаси шаҳарнинг чеккасига жойлашган, икки қаватли эски бино эди. Биринчи қаватидаги қари назоратчи ҳамма гапни тушунтириб, иккинчи қаватга кўтарилишди. У ердаги назоратчи ёш, тажанг, юзининг ярмини бурни эгаллаган киши Зарифга кўзини олайтириб қаради. Бу ер сенга меҳмонхонами деб Қурбон акага ўшқирди. Бир амаллаб ичкарига киришди.

Бир-бирига тираб қўйилган олти каравотнинг биринчисига омонат ўтиришди. Қолганлари бўш эди. Қурбон ака эшик олдидаги бир оёғи синиб чапга қийшайиб ётган тумбочкадан нон олди, рўмолчасини каравот устига ёзиб, нонни унга қўйди.

— Ўғлим, сен назоратчи муомаласидан ўксима. Вазифаси шу бўлганидан кейин нима қилсин. Бир чеккаси бу ердагиларга қаттиққўллик қилмаса ҳам бўлмайди.

— Шундай ёмон одамларми?

— Ҳар хили бор. Жиноят қилиб кесилган одамлар-да.

— Дада, одамлар нега жиноят қилишади?

Зариф соҳилда бўлган воқеани кўз олдига келтирди. Дадаси можародан беҳабар эди. Қурбон ака ўзича ўйларди. Дарҳақиқат, нега жиноят қилишади?

— Бир вақтлар, ўғлим, очарчилик эди. Одамлар қорни учун ўғирлик қилишарди, хиёнат кўчасига киришарди. Энди-чи? Энди тўқликка шўхлик қилишади. Иккинчидан, қаноат йўқолди.

Қурбон ака ўғлининг елкасига қўлини қўйди. Уни ёнига яқинроқ тортди. Боласининг юраги қаттиқ ураётганини сизди. Балки Зариф йиғидан ўзини зўрға тийиб ўтиргандир, хўрлиги келаётгандир.

— Бировда ош-нон ҳам, кийим-кечак ҳам бор. Шунга қаноат этмайди. Аввалига бирим икки бўлсин дейди. Кейин ўн, ўн беш. Кўпайгани билан қаноат этмайди. Виждонини сотади, ҳаром-ҳаришга қўл уради. Кун сайин бойиб бо-ришнинг пайида бўлади. Бир кун шарт этиб қўлига кишан тушганини сезмай қолади. Жиноятнинг кўпчилиги қаноатнинг йўқлигидан, очкўзликдан. Қаноатсиз одам йиртқич ҳайвонга ўхшайди. Ўз нафси йўлида ҳеч кимни аямайди, ундай одамга шафқат бегона. Баъзилар қаноат одамни лоқайд қилади, бориға шукрга ўргатади, дейишади. Бекор гап. Қаноат ҳалолликка ўргатади. Ҳалол одам меҳнатсиз туролмайди.

Қурбон ака бу гапларни ўғлини юпатиш учун айтди. Бу кунлар ўтиб кетади, қаноатли бўл, дадангнинг аҳволини кўриб, ёш кўнглинг синмасин, демоқчи бўлди. Боласини маҳбўслар ётоқхонасига олиб келмаслиги ҳам мумкин эди. Лекин бола кўрсин, ҳаётда ўзини-ўзи тутқун этганлар, маломат тошларидан бошлари ёрилганлар ҳам борлигини, уларнинг бир тутам умри қандай кечаётганини кўрсин, кўриб қўйсин.

Зариф расм дафтарини дадасига кўрсатди. Чеккалари титилиб, тўзиб кетган дафтарни биргаликда варақлашди. Тагига «Мудофаа» деб ёзиб қўйилган

суратга Қурбон ака узоқ тикилиб ўтирди. Қора булутлар Қуёшни тўрт томонидан қуршаб келмоқдалар. Қуёш узун ва қизил қўллари билан булутларни қувмоқчи. Аммо беор булутлар Қуёш панжаларини қайириб, унинг устига ёпирилмоқда. Бутун осмон саҳнида Қуёш учун доирадеккина жой қолган. Шу нуқтадан туриб у ўзини ҳимоя этмоқда. Нурлари булутларнинг тош қотган гирдларига тегиб чил-чил синмоқда. Нур ва булутлар кураши... «Қизиқ, — ўйлади Қурбон ака, — ўғлим муштдек боши билан катталардек фикр юритади, Қуёшнинг ғалабасига умид билан қарайди».

— Мана бу суратни бугун чиздим, — деди Зариф қора қалам билан чизилган тоғлар тасвирини кўрсатиб.

Бу ўзимизнинг Дулдулсой. Даралар оралаб дарё оқмоқда. Икки соҳили дўнглик. Тепаликлар яланғоч. Қоялар маҳобатли. Чўққида одам ўлтирибди. У ҳам чўққининг ўзи каби ярим яланғоч. Ваҳимали тошларга аллақандай кўркув ва нажот кўзлари билан боқмоқда...

Зариф рассомликка ўқимоқчи эди. Суратлар яратмоқчи, ҳайкаллар тикламоқчи эди. Дадаси қамалганидан сўнг ўқишга боролмади, ноилож билим юртига кирди. Қурбон ака кўнглини армон тирнади. Уғлига кўзалар қояси ҳақида гапириб бермоқчи бўлди. Рассомга гапириш кетмайди, у ўз кўзи билан кўриши керак. Пайт топиб ўғлига хум ва кўзалар конини албатта кўрсатади. Зариф ҳойнаҳой ундан таъсирланади, ҳойнаҳой қадимий хумлар дунёси суратини чизади.

Аминов Қиртепани портлатишга буйруқ берди. Ганжанинг одамлари бошқа участкага кўчирилди. «Взривпром» мутахассислари зонани ўраб олдилар. Хум ва кўзаларга турли-туман симлар тортилди.

Митингга уч кун қолган эди. Портлатувчиларнинг имиллашларидан Аминов жиғибийрон бўларди. Портлашдан сўнгги тупроқ қачон ташиб чиқилади, қачон ер текисланиб, қачон охири блок пойдеворига ғишт қўйилади? Одатда бир ойда бажариладиган мана шу ишларнинг ҳаммаси икки кунда битказилиши керак. Митинг куни бу ерлар ёғ тушса ялагудек бўлиб туриши, юқори мартабали меҳмонларнинг кўзини қувонтириши лозим.

Шошганда лаббай топилмас деганларидек, портлатувчилар ўзлари тортган симлар ичида ўралашиб, калаванинг учини йўқотгандек эдилар. Аслида уларнинг иши қалтис эди. Қиртепанинг пасти котлован, ўнг томонида юқорида ишчилар ошхонаси, чап томонида цемент заводи — уч томони ғуж қурилиш ва одамлар. Фавқулудда ҳолатдагина портлатишга рухсат берилади.

— ЧП бўлмай бу нима, — деди Аминов типирчилаб. — Митинг бўладиган жойда тепалик ғўддайиб турадимми?

— Буни аввалроқ ўйлаш керак эди.

— Бу савилнинг тош-темирлиги етти ухлаб тушимга кирибдимми? Оддий тепалик, бир кунда оламиз деб ўйладик. Бу бўлса...

Қуюқ тушлик зиёфатдан сўнг портлатувчиларнинг ишлари осон кўчди. Уларнинг юзларига қизил югурди, қадамлари енгил, кайфиятлари чоғ эди. Шундан бўлса керак, аввалгидек етти ўлчаб бир кесиб ўтирмадилар. Аппаратларни тез-тез ўрнатдилар-да, ҳаммасини тахт қилиб қўйдилар.

Ошхона торлигидан билим юрти талабалари ишчилардан сўнг иккинчиму-учинчи навбатда овқатлантирилди. Гулсора билан Зариф ёнма-ён ўтирдилар. Шу пайтгача ҳеч қачон бундай ёнма-ён ўтириб овқатланмаган эдилар. Шундай имконият туғилган пайтларда Зариф баҳона топиб ўзини олиб қочарди. Бунга уятчанлиги сабаб эди, албатта. Бугун эса қочмади. Гулсоранинг ёнига дадил келиб ўтирди. Гулсоранинг кўзига тик қарашга ботинмайдиган йигитча бу гал ундан нигоҳ узмасди. Гулсора бундан ўнғайсизланмади, аксинча Зарифнинг чинакам йигитга ўхшаб журъатли боқишини кўриб қувонди.

— Шириннинг суратини чиздим, — деди Зариф овқатдан сўнг пастга, котлованга тушаётганларида. Улар котловандаги ғишт синиқлари, цемент қолдиқларини замбилларда тепага ташиб чиқаришлари керак эди.

— Ростдан-а! Шириннинг китоблардаги суратларига ўхшайдими?

— Йўқ. У суратларга ўхшамайди. Сенга ўхшайди.

— Вой...

...Уша куни атлас кўйлакли қизни амрига бўйсундирилмаган Камол бутун

аламини унинг «йигити»дан — Зарифдан олишга қасд этган эди. Атлас кўйлакли қиз ким, бола ким, улар қаердан келишган, қаерда туришади, шуларнинг ҳаммасини билиб олгач, тез-тез котловандаги ётоқхона олдида айланадиган бўлиб қолди.

Бугун у ниятини амалга оширмоқчи, курсдошлари олдида Зарифни мазах қилмоқчи, сўнгра бир дўппослаб алаמידан чиқмоқчи эди. Темир рогатка ва дадасининг пичоғини ҳам яширинча чўнтагига солиб олган эди.

Зариф Гулсорага Шириннинг сурати ҳақида гапириб келаётганида уларнинг қаршисида пайдо бўлган Камол рақибига ташланиш учун қулай пайт пойларди. Лекин... айти шу вақтда ер ва осмон бараварига гумбурлади. Қулоқни тешгудек чинқириқ эшитилди. Яшин тезлигида учган катта тош Камолнинг нақ пешонасига келиб теғди. Коптокка ўхшаб боши думалаб кетди. Портлатувчилар босган кнопкадан қадимий хумлар ва кўзалар чирпирак бўлиб осмонга отилди, Дулдулсойни оҳ-войга кўмиб ташлади.

Белгиланган соатда тантанали митинг бўлди. Митингни кўтаринки руҳда Болтабеков очди. Бурҳонов гигант қурилишнинг боришидан мамнун, ғурур билан саранжом-сарихта атрофга, қизил алвонларга, ундаги чақириқларга кўз ташлади. Қорачадан келган юзида хуш табассум ялт этиб кетди. Одамларга назар солди. Чақириқлардаги кўтаринкилик одамларда йўқдек эди. Кўпчиликнинг боши эгик, юзларда ғам кўланкаси бордек туюлди. Бурҳоновнинг кўнглига тушган ғашлик шоир Мавсумий минбарга кўтарилганида тарқади. Мавсумий қийқириб шеър ўқиди.

Ўзбекистон шухратисан, Дулдулсой,  
Халқимизнинг шавкатисан, Дулдулсой.  
Ешу кекса сенга келиб топди бахт:  
Мавсумийнинг зийнатисан, Дулдулсой!

Президиумдаги бир-икки кишидан бошқа ҳеч ким Мавсумийга қарсак чалмади. Қарсак чалганнинг бири Аминов эди. Ганжа уни фарзанд доғи эгиб қўйган бўлса керак, деб ўйлаган эди. Йўқ, у ўзини худди қаҳрамон сифатида Дулдулсой қурилиши учун фарзандини қурбон берган фидойи сифатида тутар, трибуна ёнида ғоз турарди.

Бурҳонов сўзга чиқди. Узоқ гапирди. Ганжанинг ёдида қолган гап шу бўлдики, дарёни тўсганлардан камида тўрт киши герой бўларкан. Юзлаб кишиларга орденлар бериларкан. Тавба, одам герой бўлай, орден олай деб ишлайдими?

Ганжа митингдан чиқиб кетди.

## 11

Анор хола ўғлим энди ишга кирар, деб ўйлаган эди. Эркак одамнинг уйда қамалиб ўтирганидан ёмони йўқ. Ишга кирса, кўксига шамол тегиб, чигаллари ёзилар. Келди-кетди ҳам тугади ҳисоб. Қурилиш бошлиқлари ҳам келиб ҳол сўраб кетишди. Ишга бор дейишди шекилли. Аммо ўғли ўйлангани-ўйланган. Бунақада ўзини майиб қилади, бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда турган онасини ажалидан аввал ўлдиради.

Анор хола нонуштадан сўнг ўғлининг шаҳарга тушмоқчи бўлганидан хабар топиб, неча кундан бери дазмоллаб қўйган кўйлакни олиб чиқди. Ганжа кийинар экан, она кўнглини очиб деди:

— Тўғри қиласан, ўғлим, бор, одамларга қўшил. Уй деган одамни ейди.

Ганжа гўё ҳеч нарса эшитмагандай туфлисини артди, кийди-да, энгашиб боғичларини боғлади.

— Нима пишириб қўяй? — деди онаси диққати ошиб.

— Ихтиёрингиз.

— Шавла қилсаммикан?

— Бўлаверади.

Ганжа кетди. Анор хола унинг орқасидан қараганча ўтириб қолди.

Ўғли авваллари ҳам камгап эди. Ун гап айтсанг, битта сўзларди. Энди-чи? Бир гап айтармикан, деб оғзига она қарайди, ўғли қарайди, қани энди чурқ



этақолса. Сўзласа ўзи энгил тортарди, ҳарна бўлса ичини бўшатарди. Тилни худо сўзлашга берган, ахир.

Кўп ўтмай, Ганжа ёш кемасоз йигитни бошлаб келди. Деворга суяб қўйилган ёрти кемани унга кўрсатди. Йигит кеманинг уёқ-буёғини кузатгач:

— Янгисини ясаб берсам-чи? — деди.

— Йўқ, ўзини тузатиб беринг.

— Майда иш-да.

Кемани аравага юклашди. Арава эски шиғир<sup>1</sup>дан аста юриб кетди. Кеманинг ярми аравадан чиқиб борарди. «Ҳали бу синиғидан қолгани,— ўйлади Ганжа,— қандай кема эди-я».

Ганжанинг хаёли бўлинди. Уйга меҳмон кириб келган эди. Фуломжон ака... Мўйноқдай жойдан овора бўлиб келишини қаранг.

— Омон-эсон қутулганинг рост бўлсин, иним. Ишинг иккинчи унақа жойларга тушмасин.

Меҳмон қўлидаги совға-саломни Анор холага берди.

— Э, буни нетардингиз.

— Мозор босиб келган, хола, таваррик.

Меҳмонни сийлаб, хола янги кўрпачалар тўшади.

Фуломжон Собировнинг Ганжага ота томонидан чатишлиги бор. Унинг отаси бир сабаб билан Кўнғиротга кўчиб кетган ва ўтроқ бўлиб қолган. Фуломжон ўқишни битказиб, Нукусда ишлаб юрган пайтларида ота юртим деб Қораянтоққа тез-тез келгувчи эди. Кейин ора узоқлаша борди, меҳр икки кўзда, деганларидек, йироқ йироқлигини қилди.

Фуломжон аканинг бошидан кечирганларини орқаворатдан бўлса ҳам Ганжа билади. Комила опадан кўп эшитган. Ёши бир жойга бориб қолган бўлса ҳам қалбини муҳаббат тарк этмаган бу одамнинг келиши Ганжага тушдай туюлди. Гапни нимадан бошлашни билмай:

— Мўйноқлар қалай, Фуломжон ака? — деди.

— Сўрама, иним. Орол Мўйноқни ташлаб кетди. Денгиз ўрнида оппоқ бўлиб пўрси туз қолаётир. Шамол уни тўзғитиб устимизга сепгани-сепган.

— Денгизга сув бормай қўйди денг.

— Сув қайда. Дарё ўзани йўқолай деб қолди, иним. Сенинг бу Дулдулсойнинг ҳам Оролнинг ёви бўлдими дейман. Бор сувни ютиб ётибди шекилли.

— Хато ишнинг оқибати нима бўларди, Фуломжон ака. Ҳали у хатоларнинг жабрини кўп тортамыз. Бунинг устига сувнинг ўзи камчил дейишади.

— Э, иним, кўрпангга қараб оёқ узат, деган нақлни кўпдан эсламай қўйганмиз. Қум ўзлаштирилганидан кейин буёғига нима дейсан.

Фуломжон ака аслида Ганжа билан юрагини эзиб келаётган бошқа бир дард ҳақида гаплашмоқчи эдики, пайтини топиб, гапни Тошкент мавзуига аста-секин бурди. Фуломжон аканинг кўнглида ўз яраси, Ганжанинг юрагида ўз дарди... Ҳар иккаласининг номи битта — муҳаббат.

Муҳаббат олов, у ҳеч қачон совушни билмайди, дердилар. Унда нега Қумрихоннинг муҳаббати совуди? Ё у чин муҳаббат эмасмиди? Ўткинчи ҳавасмиди? Йўқ, у муҳаббат эди, икки юракни бир-бирига пайвандлаган ҳақиқий севги эди. Мутолаа соатлари ҳафта ва ойга чўзилгандек туюлар, соғинч ҳисси икки юракни баравар ёндиради, дарс тугаши билан улар бир-бирларининг оғушларига отилар эдилар. Хаёлларнинг оғир булутлари тарқар, қуёш чарақлаб нур соча бошлар, кўнгил булоқлари кўзидаги тошларни кимдир олиб улоқтириб ташлар, беғубор чашма қайнаб оқар, кўзлар, лаблар, диллар ташналигини қондиради эди.

Улар Комила опанинг машинасида лола сайлига чиқдилар. «Жигули» ни доирачи йигит бошқарар, олдинда опа, орқада иккови ўтирар, Қумрихоннинг қирқ ўрим сочларидан таралаётган бўй уни сархуш этар, қалбининг энг нозик торларини чертиб ўтарди. Машина Қўйликдан сўнг бир оз юргач, Паркент йўлига чиқиб олди. Бу йўлнинг давоми Сўқоққа бурилди. Пастқам уйлар оралиғидан ўтиб, тоққа кўтарилди бошлади. Томларда ўсган лолақиз-ғалдоқлар шаббодада энгил тебранишади. Улар томлардаги сомон шувоқ-

<sup>1</sup> шиғир — арава йўли.

ларни ёриб чиқиб, қуёшга интилишади. Бу ҳам кўкка, қуёшга шайдолик. Кўк уларни ҳаётбахш меҳри билан иситади, булутлардан томчилар юбориб, қизил дудоқлардаги ташналикни қондиради. Шамолга айланган қўллари билан ёноқларини, алвон нимча остидаги мурғак кўкракларини силайди. Уларни узиб пайхон қилиш гуноҳ, улар Осмон гуллари.

Сўқоққа етиб келгач, дам олиш уйи майдончаси олдида машинани қолдирдилар. Керакли нарсаларни олиб, Кўксув ёқалаб ялангоёқ юқорига кўтарилдилар. Сои тошиб оқади. Икки ёнида ўсиб турган ялпизларни ердан ўзмоқчи, ўзи билан олиб кетмоқчи бўлади. Ялпиз ўзини қирғоққа тортади, тўлқин уни сойга. Ялпиз йўқ-йўқ дегандек бошларини тебратади, сув бўл-бўл дегандай шовуллайди. Ялпизнинг сув остидаги илдизлари тошларга, лойларга маҳкам ёпишади, томирларга кучи етмаган тўлқинлар умбалоқ ошиб кетадилар. Илдизлари маҳкам ялпизлар қувончдан бир-бирларини қучадилар, қирғоқдаги майсалар устига майин-майин атрларини сепадилар. Бу ҳам ошиқлик, ўзига ҳаёт ато этган Ерга шайдолик. Ер уларни бевош тўлқинларга юлдирмайди, ўз бағрида эркалайди.

— Чарчасак-да чашмага чиқамиз,— деди опа.

— Ҳали узоқми?

— Келин чарчаган бўлса кўтариб олмайсанми, Ганжа?

— Вой, нега чарчарканман, оёғимга тикан кирутти.

— Наманганча ширин-шакар тилларингдан опанг айлансин. Ол, Ганжа, тиканини ол.

Ўрикзордан ўтгандан сўнг баланд тоғлар кўзга ташланди. Тоғ тепасига тасмадек тортилган сўқмоқдан одамлар аста юқорига кўтарилиб боришмоқда. Бирлари тоққа етай деб қолишган. Уларга яқин жойда бир туп наъматак келаверинг дегандек солланиб турибди. Баргларини силкитиб еллар билан сирлашади.

Сўқмоқнинг икки томони тизза бўйи майса. Тоққача ястанган яшиллик ичида қизил, сариқ, пушти, қўнғир гуллар камалакдек товланади. Тинимсиз қушчалар дарахтлардан гурр этиб майсага шўнғийди, кўздан ғойиб бўлади. Кўп ўтмай, патирлаб кўкка кўтарилади. Капалаклар бир гулдан иккинчисига ўтадилар, ундан учинчисига.

Олдинда йигитлар, орқада опа билан Қумрихон имиллаб-имиллаб юқорига кўтарилдилар. Опа сўқмоқ бошида Қумрихоннинг билагидан ушлаб олган эди, то чашмага етгунларича қўйиб юбормади. Сои ёқалаб Қўшчинорга етдилар. Унинг пойида шарқираб қайнаб оқаётган чашма бўйига гиламча ва кўрпачаларни тўшадилар. Чашма бошида одам кўп эди. Харсанглар оралиғидаги ўчоқларда олов гуриллар, қозонлар осилган, кўплар давра-давра бўлиб гурунг қилишар, чой ичишар, баъзилар чўққиларга ўрмалаб боришар, ёшлар қучоқларини лолаларга тўлдириб, қоялардан тушиб келишарди.

Опани таниганлар келиб омонлашдилар. Телевизорларда кўриб турардик, мана ўзингиз билан учрашишга ҳам муяссар бўлдик, дейишди. Опа ийиб кетди, қўлини кўксига қўйиб ташаккурлар айтди. Ганжа билан доирачи ошга уннади. Қумрихон чашмадан сув олиб, чойнак-пиёлаларни, меваларни ювди. У бошига ироқи дўппи кийган, атлас кўйлак-лозимми, қизил, бурама нимчаси ёнбағирдаги лолалар билан тенг олишар, ойдаи ҳуснига-ҳусн қўшиб юборган эди. Тиззалаб идишларни юваётганда ўрим-ўрим сочлари ерга тегиб, майсалар устида ўйноқларди.

— Уйинчиси жа кетворган экан.

— Опа бало.

Ён даврдан эшитилган бу сўзларга Қумрихон эътибор бермади. Йигитларнинг ҳирс билан ёнаётган кўзлари ўзига қадалганини билиб ўтирарди. Тошкентга ўқишга келганидан бери бунақа қараш ва луқмаларга дуч келавериб, аллақачон кўникиб кетган эди. Опа Қумрихон билан Ганжани қошига чорлади.

— Етар. Бу ерда ивирсиб юрманглар. Ҳу тепага, лолага чиқинглар. Менга усулчининг ўзи етиб ортади. Ошни ҳам ўзи қотиради. Боринглар.

Опанинг шу сўзи баҳона улар майсалар узра югура кетдилар. Опа орқаларидан ҳавас билан қараб: ҳей, секинроқ, одам ҳам тоққа югуриб чиқадими, дея қичқирди.

Улар эшитмадилар. Лолаларнинг қўшиқларини эшитдилар, холос. Бу қўшиқ жуда ҳам яқиндан, қоятош орқасидан янграгандай эди. Қоятошга чиқдилар. Қўшиқ нариги чўққи орқасидан эшитила бошлади. Бордилар. Қўшиқ ундан ҳам нарироқдаги қоялар устидан эшитилди. Қояларга чиқдилар. Бошлари осмонга етди. Чўққилар орасида ястаниб етган бепоён лоззорга кўзлари тушди. Оппоқ қорга бурканган чўққилар пойида чўғдай ёнаётган лолалар водийсига югурдилар. Сонсиз-саноқсиз лолалар оҳанграбо қўшиқ айтаётган эдилар. Ишқ майидан маст икки ёш юракни кўриб, лолалар қўшиқ айтишдан тўхтадилар. Бошларини таъзимга эгдилар. Энди навбат сизларга дегандай, оёқлари остида ястандилар. Лолалар икки ошиқ дилдан қўшиқ эшитмоқни истадилар. Бу уларнинг лов-лов ёнган юзларидан маълум эди. Қумрихон қўшиқ айтди:

Дарёдан оқиб келоди шода-шода марварид,  
Рўпарамда ўлтирар қоши қаро барно йигит...

Қумрихон атлас кўйлагини ҳилпиратиб, лоззорнинг ўртасига қараб чопди. Ганжа уни қувди.

Улар қучоқларини лолаларга тўлдириб чашма бошига тушдилар. Лолаларни опанинг қўлларига тутдилар. Опа негадир хомуш эди.

— Қўшчинорга қаранглар,— деди опа чой ичаётганларида,— икки чинор. Аммо қаранг, томири битта.

Ганжа чинорни кузатди. Бундай қарасанг, ўзича икки чинор. Ҳар бирининг ўз вужуди, шохлари, барглари, кўрк-таровати бор. Пастга қарасанг, чиндан томири битта эканини кўрасан. Қўш чинор битта илдиздан сув ичади, озикланади, ҳаво олади. Биттаси қурийдиган бўлса, иккинчиси соғ қоладими? Йўқ, албатта. Лекин улар қуримайдилар, қаримайдилар ҳам. Шуълалардан биргаликда роҳатландилар, умидбахш шабадалардан баб-баравар ҳузур топадилар, офатларни баравар кўкрак кериб енгадилар.

...Опа у пайтларда ёш эди. Педагогика институтида ўқирди. Ҳаваскорлик тўғарагида — ҳам ўйнарди, ҳам ашула айтарди. Кўпроқ ўйнарди. Райжроқўмда инструктор бўлиб ишлайдиган ёшгина йигит — Фуломжон Собировга турмушга чиқди. Севиб турмуш қурди. Қайсидир концертдан кейин тортинибгина келди Собиров. У Комиланинг кўзига чўғдай босилди. Учрашдилар. Висол кечаларида бедор тонг оттирдилар. Турмуш қурдилар. Собиров тушунадиган эр, хотинининг истеъдоди олдида бош эгди.

Комиланинг ҳар бир чиқишидан у қувонди, парвозига қанот бўлсам деди. Рафиқаси қаерда концертда қатнашса, шу ерда ҳозир у нозир бўларди. Кўзини юмиб ўтирганча қўшиғини эшитарди. Баъзан уйда ҳам қўшиқ айттирарди. Битта ўзи чайқалганча қўшиғини тинглаб ўтираверарди. Қўшиқ тугаса яна айт дерди.

Қўшиқни севганидек, Собиров ўз ишини ҳам севарди. Тинмай ишларди. Пишиқ эди. Шундан бўлса керак, тез ўсди, райкомга, министрликка кўтаришди, Тошкентга ишга олишди.

Учинчи курсда ўқиётганида Комиланинг кўзи ёриди. Зуфар туғилди. Шу орада Тошкентга кўчишди. Институт чала қолди.

Собиров бир куни уйга машҳур ашулани бошлаб келди. Уша пайтларда таърифи тилда юрган артист эди. Ўтириш қуюқ бўлди. Комилага қўшиқ айттиришди. Собировнинг ўзи мажбур қилиб айттирди. Машҳур ашулани уни эшитдию ҳангу манг бўлди. Узи ишлаётган «Парвоз» ансамблига таклиф эди. Собиров бор деди, истеъдодинг зое бўлмасин, сендайлар мингдан битта туғилади. Комила ансамблга ишга кирди.

Ҳамма кўргилик ана шундан бошланди. У пайтда Комила бунга ижодий бахт деб тушунарди. Ҳар куни томоша, дам телевизордаги кечада, дам радиода, дам филармонияда концертда қатнашади. Ҳамма гулдаста тутган, офарин деган, қўлини ўпган. Боласига бечора Собиров қарайди. Камроқ борақол концертларга демайди. Оғирликни ўзига олади. Рафиқаси ўссин, ижодий камолот чўққисига чиқсин, бор нияти шу.

Ашулани уни тўйга олиб бормас эди. Бир куни олиб борди. Қаергалигини айтмасдан олиб борди. Миллионер савдогарнинг ўғил тўйи экан. Комилани ўйнади. Ашула айттирмади. Ўзининг ялласига ўйнатди. Пул кўп тушди.

Комила уйга тонгга яқин келди. Ухламай ўтирган эрига тўғри гапни айтди. Собировнинг жаҳли чиқди. Ёмон жаҳли чиқди. Иккинчи тўйга борадиган бўлсанг, оиладан умидингни уз, деди. Комила тўйга яна борди. Ўзи бормади, мутлақо бормоқчи эмас эди. Машҳур ашулачи қўймади. Олиб борди. Аввалига эридан ўғринча бориб юрди. Кейин яшириб ўтирмади. Тўйнинг ҳавасини олган эди. Оқибат шу бўлдики, улар ажрашдилар. Ажрашавер, деди машҳур ашулачи, ўзим сени халқ артисти қиламан. Зуфарни Собиров бермади. Комиланинг ўзи ҳам оламан деб уринмади. Ким унга қарарди, бегона шаҳар, қариндош-уруғ бўлмаса.

Комила ҳам машҳур бўлиб кетди. Кунлар тунларга, тунлар тонгларга уланди. Қўшиқнинг ҳам, шон-шавкатнинг ҳам чегараси йўқдай эди. Унинг шуҳратини кўриб машҳур ашулачи ғайрланди. Узининг обрўсидан ажрашдан қўрқиб, оёғидан тортди.

Йилларни қувиб йиллар ўтди. Комила бошқа эр қилмади. Бунга вақтиям, эҳтиёжиям бўлмади. Танилди, лекин халқ артисти бўлолмади. Энди аввалги шуҳрати қолмаяпти. Энди гулдасталар, кўлни ўпишлар йўқ. Уйда сўққабош бўлиб қолди. Зерикишдан қўрқиб, ёшларни ижарага қўяди.

— Собиров чинор йигит эди,— деди опа қўшчинордан кўзини олмай.— Ўсиб бораётганида шохи синди. Мен сабаб. Баъзан концертлар пайтида залда кўриб қолардим. Қўшиғимни эшитиб йиғларкан. Э, ўзимни ҳам увол этдим, Собировни ҳам. Ўғлим катта йигит бўлиб қолди. Лекин мени... Уни айблаб бўладими.

Бу ҳикояни кўп эшитган шекилли, доирачи парво қилмай ўтирди. Охирида опа деди:

— Қариб қолдим. Энди мана усулчим ёшроқ опа топиш пайида юрибди.

Доирачи, йўғ-эй, деди. Юз йил ҳали сизнинг соянгиз бўлиб юраман, опажон.

— Юрасан, юрасан. Пуллироғи топилса думингни тугасан.

Шўх кулги Қўшчинор япроқлари оша кенгликка таралди.

\* \* \*

...Ғуломжон ака ошдан кейин қовун ейилгач, мезбонларга деди:

— Қамчи<sup>1</sup>ни ҳам едим, энди мен кетай.

— Шунча узоқ йўлга-я. Озиб-ёзиб бир келибсиз, бугун ҳеч қаёққа кетмайсиз.

Онасининг гапини Ганжа қувватлади:

— Эртага кетасиз. Бу оқшом бизникида дам олинг.

Ғуломжон ака соатига қаради:

— Бир соатдан кейин поезд жўнаркан. Менга шу қулай. Бир неча соатдан кейин уйда бўламан. Айтганча хола, Зуфар катта йигит бўлиб қолди. Бўйи мана бунақа, кўлини шипга узатди Ғуломжон ака. Тўйга албатта келасизлар-а?

— Борганимиз бўлсин, айланай. Келин қайдан бўлади?

— Балиқ комбинатида ишлайди. Зуфар билан бирга.

Ганжа сўради:

— Комбинатга ҳали иш топилиб турибдими? Оролда балиқ йўқ дейишадими-ку.

— Тўғри айтишади. Оролда ҳечвақо йўқ. Каспий балиғини опкелишади. Биз уни консерва қилиб жўнатамиз.

— Олиб кел, олиб кет, қимматга тушмайдими?

— Албатта қимматга тушади. Лекин начора?

Ганжа Ғуломжон акани поездгача кузатадиган бўлди. Йўлда Ғуломжон ака деди:

— Тўйга онасини айтиш керак-а? Нима дейсан, иним?

— Ўзингиз биласиз, Ғуломжон ака. Ўғлингизнинг кўнглига ҳам қараш керакдир.

— Зуфарми? У менга, бунақа онанинг боридан йўғи, дейди.

— Айтаверди-да.

<sup>1</sup> Қамчи — таомилга кўра барча таомдан сўнг меҳмонга қовун тортилади. У энди меҳмонга «қамчи», ўлтириш тугаганига ишора.

Фуломжон ака бош ирғаб маъқуллади. Бир оздан кейин деди:

— Комила... Гапнинг очиги, иним, кейинги пайтларда уни кўп ўйлайдиган бўлиб қолдим. Пластинкасини ҳар куни эшитаман.

Ганжа унинг кўнглини олмоқчи бўлди:

— Ҳаёт кўп мураккаб экан, Фуломжон ака. Ҳалиям одам зоти бардошли. Бўлмаса...

— Бошқа бардошим қолмади, иним.

— Олдига бормоқчимисиз?

— Бормасам бўлмайди-ёв. Усиз энди яшолмаслигимга кўзим етиб турибди. Тўй баҳонаси бораман-да, хўп деса Мўйноққа кўчириб келаман. Уйга.

Ганжа ичида бунга қўшилмади.

Фуломжон акани кузатгач, Ганжа уйгача яёв бориш ниятида йўл чекка-сидан тез-тез одимлаб кетди. Бир оз юрган ҳам эдики, орқадан машина сигнал берди. Ёнгинасига келиб тўхтади. Жумагалди кабина эшигини очди.

— Э, дўғон, салом. Қани бу ёққа чиқ.

— Салом. Ҳорма, Жума.

— Бор бўл, дўғон. Нега турибсан, чиқсанг-чи.

— Яёв кетмоқчи эдим.

— Чиқавер, дўғон. Юргинг келса кейин юрарсан.

Машинани кўзғатгач, Жумагалди деди:

— Уйда бир йил ўтирмоқчимисан дейман. Ишга чиқаверсанг бўлармиди.

Ганжа унга жавоб бермади. Сўзи ёқмаганини кўриб, Жумагалди жиддий гапга ўтди.

— Иш чатоқ, дўғон. Дамбанинг тагидан сув сизиб ўтаётир.

— Қайси дамбанинг?

— Қайси бўларди, Маздубатнинг-да.

Ганжа шап эттириб тиззасига урди.

— Ана, айтмадимми? Туз конига дамбани бунақа қилиб қурмайди-да. Тагдан бетонлаб чиқмаса бўларканми.

— Шу ишни энди қилаётирмиз. Кечасию кундузи бетон ташиямиз.

— Айтганингдай иш чатоқ экан, Жума.

— Отақўрғонни сув босиб кетиши мумкин дейишаётир.

— Бутун Боғистон сув остида қолиши ҳеч гапмас.

Ганжа ўз гапидан ўзи сесканиб кетди. Тупроқдан тикланган дамба туз устида турган сув босимига дош берадими, ахир. Энди бетонни қандай ётқизишаётган экан. Ёрдамга шошилиш керак. Бундай пайтда ким ҳам уйда тинч ўтира олади. Эртагаёқ Маздубатга боришга аҳд қилди.

— Сенинг ўша пайтдаги гапларингга қулоқ солишмади-да,— деди Жумагалди фиғони чиқиб.— Э, у пайтда қайси гапга қулоқ солишди ўзи...

Сув омборига қайриладиган йўлга яқинлашганларида Ганжа машинани тўхтатишни сўради.

— Не бўлди, дўғон?

— Қишлоққа яқин қолди, яёв кетаман.

— Бўлмайди, дўғон. Оппориб қўяман.

— Раҳмат, Жума,— Ганжа кабина эшигини очди.— Ўзим кетаман. Устингда шунча юк бўлса.

— Уни мен кўтарармидим? Хўп, де, дўғон, оппориб қўяман.

— Йўқ. Керак бўлса ўзим айтардим сенга олиб бор деб. Сен билан нима, синағчи<sup>1</sup> мизми?

— Бўлмаса, тўхта, дўғон, сенинг баҳонангга бир нос отиб олай.

Улар машинадан тушдилар. Четга ўтиб юзма-юз туришгач, Жумагалди Ганжанинг кўзига ғалати қаради. Гўё бир нима демоқчи бўлди. Сўнг узун сўлиш олди. Панжасидаги носни оғзига отди.

— Кўп эзилма, дўғон. Бир кунмас, бир кун ёмон жазосини тортади.

— Дамбани қурганларни айтасанми?

Жумагалди Ганжага яна гуноҳкор одамга ўхшаб мўлтираб қаради. Носни

<sup>1</sup> Синағчи — синаб кўрувчи.

туфлади. Гўё мен сенга нимани айтмоқчиман-у, сен бўлсанг нуқул дамбани сўрайсан дегандай, қўлини силтади.

— Бирон нарса демоқчимисан, Жума?

Жумагалди индамагач, Ганжа давом этди:

— Қулоғим сенда, Жума. Мендан ҳеч нарсани сир сақламас эдинг-ку.

— Сенга айтсам, дўғон...

Жумагалди тутилиб қолди. Яна мўлтиради.

— Дўғон, яхши, мен кетдим,— деди кутилмаганда ва югуриб кабинага чиқиб олди.

— Тўхта,— деди бирданига ўзгариб Ганжа унга,— тўхтаб тур.— Шошиб ўзи ҳам машинага чиқди.— Ҳайда, Жума.

— Уйинггами?

— Йўқ, Маздубатга ҳайда!

У пайтларда боғистонликларга Маздубат ҳали туз бериб турган эди. Шу ризқ-рўздан насибалари кесилишини билган қораянтоқликлар ғор олдида тўпландилар. Ғорнинг оғзини бетонлашга келган қурувчиларнинг машиналари олдида кўндаланг турдилар.

Бунга туртки бўлган нарса Ганжанинг вазифасидан четлаштирилиши эди. Ғор оғзини бетонлаш Ганжа участкасига топширилди. Туз кони ва ғорни сақлаб қолиш пайида юрган одамга уни йўқотишнинг буюрилиши ўзи ҳақоратомуз эдики, Ганжа бунга тоқат қилолмади. Буйруқни бажаришдан бош тортди. Уни вазифасидан четлаштириш ҳақида Аминов ёзиб кирган рапортга Анисимов имзо чекди. Ғорни бекитишга Искандаров, дамбани кўтаришга Аминов масъул қилиб белгиланди.

Боши гаранг бўлган Ганжа кечқурун Буванинг уйига борди. Унинг меҳмони бор экан. Буванинг аёли Моможон ая Ганжани ичкарига қистади. Қайтиб кетишнинг иложини тополмаган Ганжа меҳмонхонага кирди. Ёдгор Ҳамро, деди Бува тўрда ўтирган қирқ ёшлар чамасидаги ўсиқ соч меҳмон билан уни таништираркан, районимизнинг ҳайкалтарош усталаридан. Ёдгоржоннинг меҳри бизнинг отларга тушган. Фирковикка ёдгорлик ўрнатмоқчи. Тушуняпсанми, Ганжа, бизнинг от тарихда қоладиган бўлди. Қулжон акангни танисанг керак, деди Бува меҳмоннинг ёнида ўтирган йилқичини кўрсатиб. Ганжа уни билар ва негадир ёқтирмас эди. Бува меҳмонга Ганжа ҳақида гапириб берди.

Ёдгор Ҳамро Дулдулсой қурилишини мақтаб, келгусида туркум асарлар яратиш нияти борлигини айтди. Ҳозир эса хаёлимда фақат отлар, деди жўшқинлик билан. «Учар отлар» ёдгорлигини бир яратиб олсам эди, кейин устахонамни бемалол Дулдулсойга кўчириб борган бўлардим.

Ганжа ўрни келгани ҳамон Маздубатда бўлаётган ишлар ҳақида Бувага гапириб берди. Эртага ғорга бетон қуйишади, деди.

— Аввал эшитиб қулоқларимга ишонмаган эдим. Демак рост экан-да. Шундай мўъжизаларни йўқотишга қўллари қандай кўтариларкан, юраклари қандай бетлар экан, қандай?— деди Бува изтироб билан.

Ёдгор Ҳамро воқеанинг нимадалигини тушунмадимми ёки туз кони ва ғор тақдири уни қизиқтирмайдими, гапни яна отларга бурмоқчи бўлди. Қулжон жимгина ўтириб меҳмонларни диққат билан тинглар эди. Унинг кўзлари Ганжага бежо кўринди.

— Бунга йўл қўйиб бўлмайди,— деди Бува Ёдгор Ҳамронинг отлар ҳақида бошлаётган сўзини бўлиб. Гарчи отлар Буванинг жони бўлса-да, Ганжадан ҳозир эшитганлари уни ғор тўғрисида ўйлашга мажбур қилиб қўйган эди.

— Тонг отиши биланоқ Маздубатга борганимиз бўлсин. Булар ўзи одамларми ё...

Бува айтганини қилди, эртасига бир гуруҳ қарияларни бошлаб ғорга келди, улар қурувчиларнинг машиналари олдида кўндаланг турдилар.

Қурувчи йигитлар қарияларнинг ҳурматини тутиб, бир қадам орқага чекиндилар. Қарияларнинг гап-сўзларига қулоқ солдилар.

— Ғорга болта урганнинг қўли илоё шол бўлсин,— деди соқоли кўксини қоплаган нуруний чол.

— Маздубатни сувга бостираман деганларни тоғ боссин,— деди ҳассага таяниб ўтирган кўк чопонли қария.

— Болаларим, сизлар ғорнинг ичига кириб кўрганмисизлар? — деди Бува қурувчиларга.

— Кўрганмиз, бизга ёққан, — дейишди улар.

— Унда нега уни бузмоқчисизлар.

— Топшириқ шундай, ота.

— Топшириқда ҳам топшириқ бор, ўғилларим. Узингга, ўзгага, эл-юртга нафи тегадиган топшириқ бўлса йўриғи бўлак...

Бува сўзини тугаллаб улгурмаган ҳам эдики, узоқда бир неча машина кўринди. Улар шитоб билан ғор томон келарди. Машиналар милицияга тегишли экани маълум бўлгач, Ганжа ҳайрон қолди. Бу ердаги воқеани дарров қаёқдан эшитақолишди экан? Унинг кўз олдига кеча Буваникида бежо ўтирган Қулжон келди.

Йўғон киши ўзини таништирди.

— Раймилиция бошлиғи майор Раҳмонов. — Сўнг Буванинг қошига яқин келиб сўради: — Нима ғавғо-жанжал?

— Қурувчи йигитларга биз айтдик,— деди Бува,— ғор муқаддас жой, уни вайрон этиш мумкин эмас.

Раҳмонов қурувчиларга ўшқирди:

— Шу гапни эшитиб, лаллайиб турибсанларми?

— Бошлиғинг ким? — сўради Раҳмонов улардан.

Йўғонлиги Раҳмоновдан қолишмайдиган йигит жавоб берди:

— Искандаров. Узининг ўрнига мени юборди.

— Сени юборган бўлса, ишни бошламай нега қараб турибсан?

Йигит чурқ этмади. Унинг ўрнига Ганжа жавоб берди:

— Йигитларнинг қўли бу ишга бормаяпти.

— Асли буларни лақиллатиб бузган сен,— деди Раҳмонов Ганжага қўлини бигиз қилиб.

Ганжанинг ёнини Бува олди:

— Ундай деманг, бошлиқ. Ганжани биламиз, хўп одобли, яхши йигит.

— Сен менга ақл ўргатма,— бақирди Раҳмонов.

Милиция бошлиғи отасидек одамни сенсирашига Ганжа чидолмади.

— Кекса одамни нега жеркаси?

— Оғзингни юм,— Ганжанинг устига бостириб келди майор.— Милицияга гап қайтаришнинг оқибати нима бўлишини мен сенга кўрсатиб қўяман.— Сўнгра капитан формасидаги йигитга буюрди:

— Назаров, бу нусхага повестка ёзинг. Кўрайлик-чи, қайси босмачининг авлодидан экан.

Капитан Ганжага синчков тикилиб, ёндафтарига бир нимани ёзди.

— Қани, қариялар, тарқалинглар,— буюрди Раҳмонов.— Ишга тўсқинлик қилиш жиноят. Яхшиликча кетинглар.

— Қурувчилар кетса, биз ҳам кетамиз,— деди Бува.

— Бош бузғунчи сен экансан, қани, олдимга туш,— деди Раҳмонов.

— Мен сенинг олдинга тушмайман,— деди Бува ҳам қатъий оҳангда.

— Назаров, олинглар бу имонсизни.

Назаров ўрnidан жилмади. Унинг ёнидаги икки сержант бува ёнига кела бошлади. Уларни писанд этмай Бува Раҳмоновга деди:

— Имонсиз деб сени айтади, бетавфиқ.

— Ол буни деяпман, сенларга!

Шу пайтгача жим турган қариялар милиционерларнинг йўлини тўсдилар. Қарияларга Ганжа ва қурувчи йигитлар ҳам қўшилди. Нима қилишини билмай қолган Раҳмонов кўкка қараб ўқ узди.

— Тўхта, ҳаммангни отиб ташлайман.

Шу асно райижроком раиси Иброҳимов келиб қолмаганида воқеанинг нима билан тугаши номаълум эди. Халқ Ижроқўмбува деб ҳурматлайдиган бу мулоим кишини кўриб Раҳмонов шаштидан тушди.

...Жумагалдининг машинаси дамба устидан елиб келар, дамба тагидан эса Маздубатда туриб қолган сув ўзига йўл топиб оқиб чиқар эди. Ганжа машинадан тушасолиб, жиловсиз оқимни тўхтатиш илинжида куймаланаётган одамларга қўшилиб кетди.

**Давоми келгуси сонда**



Асқад Мухтор

## ВАТАНИМНИНГ ТИРИК ТОМЧИСИ

### Саволлар, саволлар

Нега кетаяпмиз?  
Нега кетаяпмиз дала, қирлардан,  
Киндик қони томган ерлардан  
Нега кечаяпмиз?

Нега кетаяпмиз сою чашмалардан,  
Нега кечаяпмиз,  
Қўшнилардан, дўсту ошнолардан  
Нега кетаяпмиз?

Нега кетаяпмиз ўтдан, ўтлоқдан,  
Ризки рўз ундирган она тупроқдан,  
Юпунлик нон узган иссиқ ўчоқдан,  
Боболар қабридан, эски қишлоқдан  
Нега кечаяпмиз?

Азиз гўшамиздан, ота-онамиздан  
Нега кетаяпмиз?  
Туғруқхонадаёқ гоҳи боламиздан  
Нега кечаяпмиз?

Нега кетаяпмиз томирларни узиб,  
Хотирани, сўқмоқларни бузиб  
Қаёққа ва нега кетаяпмиз?

Тузимиздан, тузлиғимиздан,  
Узимиздан, ўзлиғимиздан  
Нега кечаяпмиз?

Номаълум солдат қабри ёнида

Бир шивир эшитдим олов тилидан.  
Бошқача дард билан эгилди бошим.  
Бу дардни билмайди, дейман дилимда,  
«Дохий» номи билан ўлган тенгдошим.



Бир ўйлайман: ёки билармикан, —  
Жуда ҳам безовта ёлқинланади.  
Балки биладию шунинг алаmidан  
Энди ёнади у. Мангу ёнади.

«Мурват» дер эдилар. Наҳот мурват ёнса?!  
Мурватнинг жони йўқ, айласа фидо.  
Қони йўқ, она-ер бағрига томса.  
Тили йўқ, онажон, деса, алвидо!

Мурват... номсиз эдинг, номсизсан мудом,  
Лекин кечи йўқдир мангулик ишнинг.  
Учганда сақичдай чайналган у ном,  
Абад ёниқ сенинг номаълум исминг!

### Томчилар

Умр ўтибди, ё раб, пайқамабмизу  
Энди бўлса — ҳар кун ҳисобда.  
Наҳот бари бекор, наҳот бўлгани шу,  
Алам тилиб ўтди бағрим шу топда.

Уйдан қувиб чиқди мени изтироб,  
Бу оламга гўё сиғмадим.  
Чорбоғда кўксимни майсага тираб,  
Ерни муштлаб-муштлаб йиғладим...

Аммо... Ер барибир қаттиқ, осмон йирок,  
Учди аламининг оний васваси.  
Қайдадир янгради момақалди роқ,  
Уфқда — шафақнинг олов тасмаси.

Еш ювган кўзларим бирам равшан эди.  
Шу қизил ёруғлик сари олдим йўл.  
Кўксимни қалқитди чақмоқ, ёмғир ҳиди —  
Ҳосил мўл бўлади, ҳосил мўл!

Умрнинг умидвор онлари қутлуғ.  
Найсон томчилари юзимда.  
Ерни муштламагил, ерда гуноҳ йўқ.  
Айб ўзингда!

### Денгизнинг туғилиши

Оқ жаҳаннам қутурар бунда,  
Тузу тўзон, қуюн, гирдибод...  
Шўрхоқ тақирларни қилиб бурда-бурда  
Бархан кўчкилари босади бот-бот

Базўр етиб, сингар бўтана жилға,  
Пастқамларда сизот зардоби.  
Заиф тебранади қамишу кўға,  
Ботқоқли кўл узра ҳаёт азоби...

Безовта чарх урар адашган қушлар,  
Сахро эпкинида кўпик тўлқини.

Сароб кўрар зангори тушлар,  
Мовий бўшлиқларнинг ожиз тутқуни.

Олисда кемалар садоси янграр,  
Чағалай галалари гирдида ғужғон.  
Денгиз нафасидан туғилган тонглар  
Бу ташна дунёга бахш этади жон.

Саҳролар пинжида Орол сеҳрли,  
Бўронлар тизгинда сарсари...  
...Лекин охиридан ўқинг бу шеърни  
Чунки замон шундай тескари.

## Гуноҳ

Бор эди шох, деманг: бу—абас,  
Бўлганда ҳам — хунук, даҳшатли.  
Ётганда биқинга ботар, ухлатмас,  
Қонни музлатарди тушларида шакли.

Олиб юрдик «сир»ни бардошу дард-ла,  
Азоб — ҳақиқатни яшириб сақлаш.  
Тротил тонналари сингари портла,  
Бир тирик жон билан ўртоқлаш!

Аммо... у ҳам балки ширин жон,  
Ўлимингдан оғир уволи.  
Орада ўсарди, ўсарди ҳамон  
Бегоналик, тундлик девори.

Мудҳиш кечаларнинг ҳадигики бор,  
Илғардик ўлимнинг совуқ ҳуштагин.  
Шунда бузуқ хотин сингари беор  
Эшик қоқар эди яшаш истаги.

Қудуқ эса жонсиз, совуқ, зимзиё.  
Гарчи унда ҳеч нарса унмас,  
Ёрилиб, бир нафас оласан гўё,  
У гўрдай жим, ишончли, хуллас.

Тирик қолган билар гуноҳкорлигин.  
Мана шундай давр сурганмиз.  
Искандарнинг шохи борлигин  
Қудуқларга айтиб юрганмиз.

## Умид

1  
Мири кам тўққиз... Дунё мунча чала,  
Қораламами бу, ёки аслими?  
Яратганда эгам беҳафсала  
Йўқотиб қўйганми лойиҳасини...

Ҳавозалар ҳамон панжарадек,  
Пештоқида аммо байроғи.  
Битмаган бинода яшаб ўтдик чоғи  
Ва на битирмоққа уни ярадик.

Инқилоблар, яна инқилоблар...  
Одам бағри бутун бўлмади лекин.

Қайси аср, қайси авлодлар  
Уни эпақага келтирармикин?

## II

Беш миллиардга у ҳали кирмаган,  
Оилада эса қувончли ғовға.  
Энага оқ ювиб, оққа чирмаган,  
Она-ерга бебаҳо совға.

Инсоннинг дунёда илк палласи,  
Фунчадек тугилиб ётибди.  
Туғмами мусиқа, она алласи —  
Юзида табассум чечак отибди.

Покликнинг мукамал рамзи шу,  
Ёлғоннинг чоҳига қулатманг зинҳор.  
Сўнмасин юзида илоҳий ёғду,  
Разолатни йўлатманг зинҳор.

Уни микроблардан эҳтиёт қилинг,  
Муҳаббат кашф этди балки кимёни.  
Ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг,  
Қутқариши мумкин дунёни!

## Шарқ

Чўлда лов-лов лолаларин ёқди кўклам,  
Ёлқинланар яқинлари, йироқлари.  
Асрларнинг карвонлари топтаса ҳам,  
Ҳамон ёнар! Бу кимларнинг чироқлари?

Бу кимларнинг чироқлари ҳамон порлар,  
Ҳамон порлар нурлантириб имонимни,  
Етти иқлимни эргаштирган пайғамбарлар —  
Фирдавсийнинг? Берунийнинг? Синонингми?

Қанчалар беиз, беун ўтган абад,  
Тафаккурлар бунда қушдек эланади.  
Илоҳий ўт бошқа номда қайтар албат,  
Минг йилликлар шулар билан уланади.

Бу чўлларнинг сўқмоқлари элас-элас,  
Адирлари — аждодларнинг қабрлари.  
Уфқларда қаён боқсанг кўм-кўк гумбаз —  
Нақ келажак Маҳдийларнинг чодирлари.

## Қоғоз

Жунжикиб яшадик биз, иним,  
Қалбин ушук олдирганлар бор.  
Неча йил совуқ қор ёғди бетиним,  
Бошимиздан ёғди

қоғоз қор.

Маҳкамадан ёғди бошлиқдан,  
Бири тўққиз бўлди, тўққизи — тўқсон —  
Қоғозинг бўлмаса — сен йўқсан,  
Қоғози бор — раҳбар

ёшлиқдан.

Қоғози бор нодон қутилди,  
Қоғози йўқ доно тутилди.

Қоғоз — ақл, талант, у — ҳукм, тақдир.  
Чулғаганда сўлу соғингни:  
Боғлайди тилингни, қўл-оёғингни.  
Сўзу имон ноҳақ, фақат у ҳақдир.

Усиз киролмайсан —  
йўлларинг бекик —  
На ишхонанг, на хилхонангга.  
Туғруқхонадан ҳам қоғоз ушлаб чиқ,  
Йўқса бегонасан — ота-онангга.

Разведкадан олдин  
хужжатларин тугиб  
Топширади солдат, жиддий ва маъюс.  
Улимга тик борар ҳалол ишга йигит  
Эрку виждон билан қолиб юзма-юз.

Нега ўзлигингиз фақат қоғоз билан,  
Ахир ватандасиз, ахир уйдасиз!  
Мен ҳар куни йўлга чиқсам дейман,  
Эрку виждон билан.  
Майда-чуйдасиз.

Дунё кенг эди...

Маҳкам беладилар болани,  
Гарчи олам ғоят кенг эди.  
Унинг уфқлари, унинг олами  
Беланчаги билан тенг эди.

У қилма, бу қилма, дедилар,  
Эсли бўл, йиқилма, дедилар.  
Қўл-оёғин чўзиб типирчиласа,  
Маҳкамроқ белар эдилар.

Гарчи туғилмоққа инсон сазовор,  
Ёруғ дунё дегани қани?  
Бир ўзига унинг — тўрт девор,  
Яна беланчакнинг тўртта арқони.

Нима «мумкин», билмай боши қотди,  
Билар фақат «эмас» эканин.  
Уй ўйласа, ўйларига ботди  
Таъқиқларнинг темир тикани.

Сафга тур, олға юр, ерга ёт, тизлан!  
Бари ўхшаш эди, бари тенг эди.  
Беладилар қасам, қоида билан,  
Гарчи куч кўп, дунё кенг эди.

Беладилар уни қанотин ҳам қўшиб,  
Параграф билан тўғнаб қўйдилар.  
Беланчақда сўлди ирода, қўшиқ,  
Сўнг барин одобга йўйдилар.

Уқтирдилар юксак назарияни:  
Инсон улуғ, инсон озод қуш!

Ҳам команда бердилар: «Қани,  
Бир, икки, уч! Хотинингни куч!»

Энди олға! Ахир, муҳаббат тилсим.  
У кутар кимнингдир оғиз очишин:  
Кўрсатма бўлмаса қаёқдан билсин  
Қайси оёғидан бошлаб босишин!?

Мурват каби зарур, ардоқли одам,  
Фикр ва йўл эса — тайёр, ягона.  
У ёнга — бу ёнга чиқма бир қадам,  
Замонга бўласан бегона.

У кўнди охири, кўнди конвойга ҳам,  
Барини бажарди нолимаганча.  
Исмдан осонроқ кўп хонали рақам,  
Бир хил ҳамма ерда. Колимагача...

### Дарё бўйида

Қирғоқларда бақа қуриллаган,  
Бир ғаройиб тонгги манзара.  
Минг йилларда мисли кўрилмаган  
Янги манзара!

— Чух! — деган ҳирқироқ товуш янграйди.  
Саёз, тошлоқ бу ерда кечув.  
Шалоқ аравада бочка шалдирайди,  
Бочкада чайқалар тоза сув.

«Чух, жонивор! —

филдираклар чўқар,

Ёнламалаб сурар тўлқинлар.  
Гўё ор қилади, гўё ҳозир тўқар,  
Бочка эса — лим-лим, билқиллар.

Бу соҳилда овул бетоқат,  
Чух! — деган товушдан уйғонар.  
Гузарларда пақир тутган навбат  
Ташна бархан каби тўлғанар.

Ҳали замон келар қувончли зум  
Аравада. Кўп шов-шув билан  
Болаларнинг юварлар юзин  
Дарё кечиб келган сув билан.

Қамишзорда бақа қуриллаган,  
Бир ғаройиб тонгги манзара.  
Минг йилларда мисли кўрилмаган  
Янги манзара!

\* \* \*

Қўли доим кўкка узатилган,  
Оёқда ағдарма, бошда қайтоқи.  
Синф сифатида бир бор тугатилган,  
Қишлоқи.

Меҳнат кунидандир бари қуюқ-суюқ,  
Уч юз грамм арпа — иш ҳақи.

Отпускани билмас, якшанбаси, йўқ,  
Қишлоқи.

Ким кимни боқадим — шаҳарларда баҳс,  
Дастурхонда патир, қаймоқи...  
У эса паспортсиз, нотайин бир шахс,  
Қишлоқи.

Қанча топтасалар, камситсалар ҳам,  
У яшайди — инсон ризқи боқий.  
Йитмас юпқагина ҳосилдор қатлам —  
Қишлоқи.

### Кайфият

Самарасиз ўйлар жонимга тегди,  
Кайфиятим бугун бетайин.  
Бир сатр ҳам ёзгим йўқ эди,  
Шу шеър туғилди, нетайин.

Ёлғизлик бурчакда тўқийди  
Жимликнинг ўргумчак уясин.  
Утган муҳаббатнинг илиғида мудраб,  
Келиб кетганига раҳмат ўқийди.

Кўкда юлдуз учар думини судраб,  
Тебратиб шамимнинг заиф шуъласин...

Юлқилаб ўртайди шундай ҳар бир тун.  
Охиргиси тамом ютади;  
Ёлғиз шу барқарор кутади,  
Қолганлари эса — дуд, кукун...

Самарасиз ўйлар жонимга тегди.  
Кайфиятим бугун бетайин.  
Бир сатр ҳам ёзгим йўқ эди,  
Шу шеър туғилди, нетайин...

\* \* \*

Кўз ёш томчисида куёш жилваланар,  
Ажаб бу дунё.  
Пичоқ мой устида — инсон телбаланар,  
Ажаб бу дунё!

Қўшни-ла тил топмай, Марсдан кутар овоз,  
Ажаб бу дунё.  
Биров шон-шуҳратли, виждони йўқ халос.  
Ажаб бу дунё.

Йўқ, ажаб-мас, ҳаёт бус-бутун.  
У ярими туну бу ярими кун.

### Доҳий

Бир нарсага ружу қўйсанг, қийин,  
Гиёҳми-хамирга, сўзга, одатга.  
Аввал одат, кейин хумор, кейин...  
Кейин айланади бедаво дардга...

Бир йил шундай, ўн йил, ярим аср,  
Қарабсанки — захм ёки рак.  
Энди дори-дармон қилмайди таъсир,  
Кесиб ташлаш керак.

Шундай кунга қолдик... Қачон ва нечук  
Бахтсизлик ин қўйди бўғотимизга?!  
Даҳо деган сўз бор, «доҳий» дегани-чи,  
Қачон кириб келди луғатимизга?

Ожиз, ибтидоий қабилалар ночор  
Кимгадир сиғиниб бош урганлар.  
Тошми-ёғоч, уларга маъбудлар даркор,  
Маъбудларга эса — қурбонлар...

Биз қайтмадик маъбудлар изига,  
Қайтага, йўқотдик мавжудларини.  
Лекин биз яратдик ўз бошимизга  
Йигирманчи аср маъбудларини.

Доҳий, дуче, фюрер, каудильо...  
(Кечиринг шоирнинг қиёсасини.)  
Ўзимизча қуёш ёқдик гўё  
Учириб миллионлар қиёфасини.

Зулмат қуёшлари қалқди битталаб —  
Мао, Пол Пот... ҳаммаси доҳий.  
Доҳий бўлса — қурбон қилар талаб,  
Доҳий бўлса — бўлар маддоҳи.

Қайси мудҳиш қалбда шу сўз туғилди,  
Халқ даҳоси билан йўғирмадилар.  
Доҳий бор вақтда бу сўз йўқ эди,  
У ўлгач номини ўғирладилар.

Инсон қадрин топтади бир сўз,  
Бир сўз билан тиллар бойланди.  
Бир сўз авлодларнинг нурсиз: истиқболсиз  
Мудҳиш тақдирига айланди.

Даҳрийлар худоси, ҳокими мутлоқ  
Титроққа эврилиб бизнинг вужудда,  
Муҳаббатни касалликка айлантирган чоқ  
Биз меҳробда эдик, сужудда.

Лекин жонга тегди «оммо»ю «ресурс»,  
«Резерв», ҳатто «омил» жандаси.  
Янги аср келаётир гурс-гурс,  
Силк елкангдан қўрқув шарпасин!

Бодрасин юлдузлар —  
ҳар шахс мўъжиза —  
Даҳоси, фозили, маъруфи...  
Тош, бетон маъбудлар вайронаси уза  
Юксал, инсон руҳи!

## Дебоча

Ўлимдан сўнг тугайди бари!  
Ҳамлет тикилади бош чаноғига.

*Доҳийнинг жонига  
қуёшнинг келиши  
бўлган эди, кимчи  
қачон келтириш  
эди. 12.11.89*

Йўқ, ҳаётнинг ҳамма ечимлари  
Ўлимдан сўнг бошланади-да...

Бу дунёга ким келиб кетди,  
Кетдими, ё қолдими боқий;  
Қолмаса, кимларнинг ўрнин банд этди,  
Тузукмиди келмаса ёки;

Илиқ нур қолдими тирик жонларга,  
Ёки ёлғиз совуқ шу мрамор тахта —  
Бари ойдин бўлар энди инсонларга:  
Ким асил эдию ким эди сохта.

Инсон мангуликка келади асли.  
Умр унга фақат дебоча.  
Ўлимдан сўнг бари тугаса,  
Унда бошланмаган маъқул эмасми?

### Гравитация ҳақида

Фақат тўрни, минбарни,  
Юлдузларни кўзларди.  
Тақинчоқдай тақар эди  
Ширин, гўзал сўзларни.

Бизга етиб келар эди  
Сўздан олдин виқори,  
Гўё учиб юрар эди  
Булутлардан юқори.

Ернинг ташвишларию  
Ҳар хил тўзон, ҳасларни

Учганида қанотидан  
Еллар пуфлаб ташларди...

Енгил учди, орамизда  
Ортган сайин оралик,  
У узоқда ғойиб бўлди  
Тумандайин таралиб.

Она-ерда юрар экан  
Тузукроқ юк кўтарган.  
Ердан оёқ узилганда  
Вазнсизлик ютаркан...

\* \* \*

Мусаффо ҳаводан юрак ҳовлиқди,  
Гўё унга тегди ҳаёт қамчиси.  
Қалбдан сирқиб, софланиб чиқди  
Ватанимнинг тирик томчиси.  
Қутлуғ томчи, миннатдор томчи...





## «АБУЛФАЙЗХОН» ТАРИХИЙ ДРАМАСИ ҲАҚИДА

Абдурауф Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедияси 1924 йили Москвада, СССР халқлари марказий нашриётида босилган эди.

Агар Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романида тарихимизнинг энг оғир, қора кунлари — сўнгги Қўқон хонлари ҳукмронлиги даврини тасвирласа, Абдурауф Фитрат пьесасида аштархонийлар сулоласининг (XVIII) сўнгги вакили Абулфайзхон вақтида Бухоро ўлкасидаги фоживий аҳвол акс эттирилади. Трагедияда Абулфайзхоннинг тож-тахтга даъвогарлик қилган ёхуд қилиши мумкин бўлган барча меросхўрларни — отаси, оға-инилари, яқин ва узоқ қариндош-уруғларини босиб-ячиб, ўлдириб ҳокимият сари келиши катта бадий куч ва изчил реализм билан кўрсатилган.

Бухоро тахтини қўлга киритган Абулфайзхон шубҳа ва таъқиб васвасасига тушиб, ҳокимиятни қўлга киритишига кўмаклашган ишончли сафдошлари, ўзига садоқатли жангчи ва лашкарбошиларни, вилоят ҳокимларини ўлдиришга, зах, қоронғи зиндонда чиритишга киришади.

Абулфайзхоннинг Хоразмга қарши (Эрон шоҳи томонидан қўллаб-қувватланган ва рағбатлантирилган) уруши охир-оқибат мамлакатни бутунлай кучсизлантириб, вайрон этади. Бухоро ўлкаси Эронга тобе бир ҳолга тушиб, Абулфайзхон эса тажрибали ва маккор Нодир шоҳ қўлида бир йинчоққа айланади. Келгусида Эрон шоҳи Бухоро тахтига ўз ўғлини ўтқозишни мўлжаллайди.

Бу ўзаро низоларда, бемаъни қатлларда, маҳсадсиз жанг-жадалларда Бухоронинг энг яхши фарзандлари ҳалок бўлади, Боғу Бўстон ўлка чўл-сахрога айлана бошлади.

Фитрат асарида хоннинг типик образини улкан социал-психологик умумлашма сифатида ярата олган. Абулфайзхон образи ёрқин индивидуал белгиларга эга бўлса-да, унда барча золим хонлар — Мусулмонқул, Худоёрхон, Асфандиёр, Олимхон кабиларга хос ижтимоий моҳият муассамлашган.

Абулфайзхоннинг асоссиз қатллари ундаги қандайдир ҳайвоний шафқатсизлик билан боғлиқ эмас. У ҳатто юмшоқтабиатли, қатъиятсиз, иродасиз киши. Феодал ҳокимиятининг ғайриинсоний моҳияти уни қонхўр ва қаттолга айлантиради.

«Ҳокимимизга маълумдирким: подшоҳлик қон ила суғорилган бир ёғочдир. Қон оқиб турмаган ерда ёғочнинг қуруб қолиши аниқдир», — дейди Абулфайзхонга унинг надим маслаҳатчиси Улфат.

Феодал истибод давлати системаси, унинг мафкура ва фалсафаси Абулфайзхонни бир махлуқ ҳолига келтиради. Шубҳа-гумон ва кўрқувлардан талвасага тушган Абулфайзхон Бухоро ўлкасидаги чидаб низолақ кирғинни баттар авж олдиради. Феодал зулм давлати мафкурасининг ғайриинсоний моҳияти Абулфайзхон образида ёрқин ифодасини топган.

«...Бир душманнинг қони қуримайин яна биттаси чиқиб қоладир. Бу Иброҳим аҳмоқ ҳам мени тинч қўймайтургандек қуринадир. Қачонгача ўлдираман буларни!.. Ортуқ ҳеч қимни менга ишончи қолмади... Буларнинг ўзи йўлга келиб, менга душманлик қилмоқни ташласа нима бўлур. Йўқ... йўқ, буларнинг ўзи йўлга келмайди. Улдираман, ўлдираман. Дунёда битта душманим қолгунча, қон тўкман. Улфатнинг сўзи тўғри: подшоҳлик қон билан суғорилатурғон бир ёғочдир».

Тож-тахтни омон сақлаш учун кўпроқ ўлдиришмоқ лозим. Бу «дастур»га амал қилган Абулфайзхон қатллари тўхтатмайди, аксинча кўпайтириб, ошириб боради.

Хон эътиқоди бўйича, «бутун жанжалларни ўлим битиради».

Абулфайзхон олдин тахтга даъво қилиши мумкин бўлган меросхўрларни қатл этади, кейин унга ёрдам бериб тахтга кўтарган содиқ дўстлари ва тарафдорларини йўқотишга киришади. Сўнг атрофидаги барча одамларни шубҳа остига олади. Унинг кўзига ҳамма душман, тахтга хиёнат қилгандай қуринади. Қатллар кўпайиб, қурбонлар сони ўсиб боради.

Абулфайзхон ўзига келиб қолган ҳолларда бу кирғинларнинг нотўғрилигини тушуниб қолади. Бу пайтларда виждони оғриydi, ўзи тавба-тазарру қилишга тайёр туради.

«Хон: Улфат, мен бу ишлардан бездим. Бу одамларнинг биттаси ҳам менга тўғри қарамайдир. Фарҳод оталиқ ёмонлик қилди. Ҳақим иноқнинг қилғон ишларини кўриб турибсан, Иброҳимни одам деб ўйласам, бу ҳам бузуққа ўхшайдир. Қон тўкмақдан бездим. Акамни ўлдирдим, кўп дўстларимни ўлдирдим. Мени бир ота каби асрагон Фарҳод оталиқнинг бошини оёқлар остинда кўрдим, (кўзларини тутиб) уф... кўзларим қонга тўлди. Кечалар ухлай олмайман. Кўзларимни юмғоч, бутун ўлганлар, ўлдирганларим мени айлантуруб олалар, сираланиб ёнимдан ўталар. Мени кўрқиталар, менга кулалар...»

Бу руҳий қийноқлар, виждон оғриқларининг тасвири тарихий фожияни жанр жиҳатидан психологик драмага яқинлаштириб боради. Абулфайзхоннинг бундай виждон қийноқлари Шекспирнинг Макбети, Пушкиннинг Борис Годуновидаги руҳий оғриқлар ва шубҳаларини эслатади. Эҳтимол, бу саҳналарнинг пайдо бўлишида, Абулфайзхон образининг ички дунёсини чуқурлаштириш ва мураккаблаштиришида Фитратнинг Европа ва рус адабиёти аъёналари билан яқин таниш бўлгани оқибатидир.

Ўтмишдаги турли тузумларни, хон ва амирларни, шоҳ ва шаҳзодаларни, дин пешволари ва

давлат амалдорларини, қози калон, бек ва бойларни, турли-туман темурий, шайбоний, аштархонийлар сулолаларини ва эрон шоҳлари сиёсатини қоралар экан, ёзувчи ҳеч қачон ана шу зулмат ва адолатсизликка ботган жамиятда нур ёғдуси — халқ борлигини унутмайди.

«Абулфайзхон» тарихий фожиясида драманавис даврни бутун мураккаб ва зиддиятлар билан қамраб олишга ва тасвирлашга ҳаракат қилади, жамиятда мавжуд бўлган турли социал-синфий табақалар ҳаётини, уларнинг дунёқарашига хос унсурларни ёрқин кўрсатишга интилади.

Фитрат барча ишларида — сиёсий-публицистик мақолалари, тарихий, фалсафий, илмий-адабий ва назарий тадқиқотларидан тортиб то турли жанрларда ёзилган бадий асарларида — дин ва дин пешволарини беомон фош этади.

Бу айниқса Иброҳимбий оталиқнинг алангали монологларида очиқ кўринади. Иброҳимбий бутун вужуди билан дин ҳомийларига қарши. У барча «мулаларни бир мадрасага йиғиб, ўт қўйиб, ҳаммасини ёндириш» тарфадори. Унингча: «Элимизни бузиб, расво қилган шулардир. Булар динимизни тузатамиз деб дунёимизни мурдор қилдилар».

«Абулфайзхон» трагедиясида адолат учун курашчи, исёнкор Иброҳимбийнинг қудратли образи тасвир этилган. У ажал ва зулм уруғини сочувчи, эл-халқни талаган ва хонавайрон қилган Абулфайзхон истибоддига қарши кураш бошлаган, қўлга олиниб, зиндонга ташланган эди. У ўн беш йилдан ортиқ зиндонда азоб чекади.

Раҳимбий Абулфайзхонни тахтдан ағдарғач, баҳодир саркарда, халқ нажоткори Иброҳимбийни зиндондан озод қилишга фармон беради. У ўз ҳокимияти ва мавқеини мустақкамлаш учун Иброҳимбийнинг обрў-эътиборидан фойдаланмоқчи бўлади.

Иброҳимбий янги хоннинг таклифини ғазаб билан рад этади. У азоб-уқубатда кўр бўлса-да, иродаси букилган эмас. Иброҳимбий янги ҳукмдорни белгилаш учун қурултой қақаришни ва эркин сайлов ўтказишни таклиф қилади. Табиийки, Раҳимбий исёнкор оталиқнинг бу таклифини қабул қилмайди.

«Агар кўзларим кўр бўлмаса эди, сен билан кураш бошлаган бўлардим», — дейди руҳини қамок даҳшатлари чўктира олмаган Иброҳимбий.

«Абулфайзхон» драмасида Сиёвуш ҳаёли (руҳи) пайдо бўлади. У бешинчи парданинг сўнгги сахнасида кўринади. Сиёвуш образи пьесанинг ғоявий йўналишини тушунишда катта роль ўйнайди ва асарнинг бадийлигига ва фалсафийлигига янада куч-қувват қўшади. Психологик тасвирни чуқурлаштиради.

Абулфайзхонга қарши исён кўтарган ва у билан бутун умр курашган Иброҳимбий оталиқ образи Сиёвуш образига ўз мазмун-моҳияти билан яқин.

Шуни айтиш керакки, тарихда халқлар ва мамлакатларни бир-бирига яқинлаштирмоқчи, халқ ва мамлакатлараро қонли ва даҳшатли урушларни тўхтатишга уринган кишилар ҳам бўлган. Жумладан, Эрон ва Турон — эрон шоҳи ва турк ҳоқонлари орасидаги урушга қарши чиққан ва бу жангларга чек қўйишга ҳаракат қилган қаҳрамонлардан бири Сиёвуш эди.

Сиёвушнинг ҳаёти ҳам, тақдири ҳам фожияли кечди. Турли бадий ва тарихий асарлардан ўрин олган бу шахснинг реал ҳаёти афсона билан шу қадар чатишиб кетганки, ҳақиқатни бадий тўқимадан, реал воқеликни ривоятдан ажратиш мушкул бўлиб қолган.

Сиёвуш ҳам тарихий шахс, ҳам машҳур эпос қаҳрамони. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ҳам унинг образи тасвирланган. Достонда Сиёвуш Эрон ва Турон уртасидаги урушни тўхтатишга ва уни сулҳга айлантиришга уринади. Тарихий маълумотларга кўра, Сиёвуш Эрон шоҳи Кайковуснинг ўғли. Угай онаси Судоба уни севиб қолади. Сиёвуш онасининг муҳаббатини рад этгандан сўнг, Судоба уни хиёнаткорликда айблаб, тўхмат қилади. Турли синовлардан ўтиб, шаҳзода ўз ҳалоллигини исботлайди. Шунга қарамай, у ватанини тарк этишга мажбур бўлади.

Қувғинди шаҳзодага Турон подшоси Афросиёб бошпана беради, ҳаттоки уни куёв қилиб, ўз қизини унга чиқади. Фарангиз ва Сиёвуш фарзанди Кайхусрав ўрта аср Хоразм салтанатига асос солади ва янги сулоланинг бунёдкори бўлади.

Тақдир ва тарихнинг бурилишлари қутилгани воқеаларга тўла. Сиёвушга қизини берган Турон подшоси ўз куёвининг қотилига айланиб «уни қўйдай сўяди». Афросиёбнинг набираси Кайхусрав отаси ўчини олиш учун бобосини ўлдиради. Шундай қилиб, ўлимлар, қатллар, ўлдиришлар, жанг ва урушлар занжири йилдан йилга, асрдан асрга ўтиб, ўсиб бораверади.

«Абулфайзхон» трагедиясида ҳам ана шундай тахт учун курашлар давом этаётгани, ака тахтини эгаллаш учун ука қариндош-уруғлари, яқин-биродарларини қираётгани, ўзбек хонларининг курашларига эрон шоҳлари аралашгани, мамлакатдаги ўзаро низо ва тўполонлар кучайиб боргани ҳамда хонлиқнинг эрон подшоларига қарам бўлиб қолгани катта маҳорат ва таъсирли образлар орқали тасвирланади. Фитрат асаридан улкан ва қудратли эпоснинг оташ нафаси уфуриб турибди. «Абулфайзхон» тарихий пьесаси хусусиятлари билан: эпик драма ёки драматик эпосдир. Қора зулмат остида қолган феодал ўтмишини беомон, шафқатсиз танқид қилган бу драманинг асосий аҳамияти шундаки, Фитрат ана шу мозийда, халқ ҳаётида бўлган зиёни, тарихнинг нурли саҳифаларини, халқнинг озодлик ва адолат учун олиб борган курашини кўрсата олди. Халқнинг ўтмиш ҳаётида бўлган бу зиё мозийни ёрқин истикбол билан боғлаб туради.

Мамлакат яна янги фитна, янги қатллар, янги қиргинлар бўсағасига келиб қолади. Трагедия хотимаси ана шундай.

Ижтимоий психоанализ ва бадий ифода кучига кўра Абдурауф Фитрат трагедияси йигирманчи йиллар ўзбек адабиётида яратилган энг яхши асарлардандир.

Назир Турақулов ижтимоий-синфий фош этиш қудрати кучли бўлган бадий асарлар жанрини «айбнома» деб белгилаган. Фитратнинг «Абулфайзхон» ва «Асрлон» драмалари Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши», Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», Садриддин Айнийнинг «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар», «Дохунда» асарлари сингари «айбнома» қаторига кирди.

Эрик КАРИМОВ,  
филология фанлари доктори



Фитрат



Иўқсул ўлкасининг тарихидан беш  
пардали фожиа

## КИМСАЛАР:

- Абул Файзхон** — Бухородаги ўзбек хонларининг сўнгғиси. 40—50 ёшларинда.  
**Улфат** — Хоннинг хўжа саройи (ҳарам бошлиғи) 40—50 ёшларинда.  
**Давлат** — Тўқсабо. Хоннинг яқин хизматчилариндан.  
**Қози Низом** — Бухоронинг қози калони. 50—60 ёшларинда.  
**Ҳақим бей** — Хоннинг иноғи. Сўнгра оталиғи. 50—60 ёшларинда.  
**Раҳим қурчи** — Сўнгра тўқсабо, сўнгра оталиқ. Ҳақим бейнинг ўғли. 30—40 ёшларинда.  
**Мир Вафо** — Тухфайи хоний» деган Раҳимхон тарихини ёзган киши. Ҳақим бейнинг одами. 50—60 ёшларинда.  
**Донёл бей** — Ҳақим бейнинг укаси. 40—50 ёшларинда.  
**Иброҳим иноқ** — Сўнгра оталиқ. 60—70 ёшларинда.  
**Тоғойқул бек** — Манғит беклариндан.  
**Хўжа Калон** — Машҳур хўжалардан.  
**Охун** — Бухоронинг катта муллasi.  
**Нодир шоҳ** — Машҳур Эрон шоҳи.  
**Ризоқулихон** — Нодир шоҳнинг ўғли.  
**Мирзо Маҳдий** — Шоҳнинг бош котиби.  
**Алиқулихон** }  
**Ҳусайнхон** } — Эроннинг қўшун бошлиқлари.  
**Аҳмадхон** }  
**Абдумўминхон** — Абул Файзхоннинг ўғли. 15 ёшар.  
**Йўлдош** } — Қаландар кийимлик тилчилар,  
**Эргаш** } Ҳақим бейнинг одамлари.  
**Қоровуллар, хизматчилар, жаллодлар, чолғувчилар.**

**ЭСКАРТМА:** Бундаги воқеаларда биринчи парда билан иккинчи парда орасинда етти йил, иккинчи, учинчи пардалар билан тўртинчи, бешинчи пардалар орасинда бир йил замон ўткандир. Шунинг учун кимсаларнинг ёшларини ёзганда қирқ-эллик, олтмиш-етмиш деб ўн йиллик очиқлик қолдирилди.

## БИРИНЧИ ПАРДА

[Кеча. Бухоро аркинда қабул. Абул Файзхоннинг уйи, шоҳона тўшалиб, безанган. Уртада осилган муҳташам «Чил чироғ»нинг бутун шамлари ёниб турадир. Унинг ўртасинда кичкина курсичанинг устиндаги шамдончада ёниб турган шамнинг ойдинлиғи остинда Улфат хўжа сарой, Мир Вафо ҳам Қози Низом тахта (шоҳмот) ўйнаб туралар. Ташқарида чолиниб турган чолғулар бир оздан кейин секинлашар, сўнгра битар.]

**Қози Низом.** Кишт (бир дона сурар).

**Мир Вафо.** Э... отимиз кетди-ку!

**Улфат.** Подшоҳи олам эсон бўлсалар, яна от топилар.

**Қози Низом.** Тангри хоқонимизга эсонлик бергай.

**Улфат.** Омин (бир дона сурар).

**Мир Вафо.** Шу кеча тушимда хоқонимизни кўрдим, бўз бир отга минган, қўлларинда қилич, йироқларга қараб турғонлар эди.

**Қози Низом.** Худо хоҳласа, йироқ ерларгача бориб, кўп ўлкаларни оларлар.

**Улфат.** Нафас муборак, омин.

**Мир Вафо.** Кишт! (бир дона сурар.)

**Қози Низом.** — Мана, эмди иш қийинлашди!

**Ҳамма тахтга тикилалар, Абул Файзхон ичкари уйларидан жуда оғир босиб чиқар, ўтирғонларга қараб юрар, ҳаммалари туруб қўл қовуштуралар.]**

**Абул Файзхон.** Қани, ким кучли?!

**Улфат.** Хоқонимизнинг иккала қуллари ҳам яхши ўйнойлар.

**Хон.** Сен қайси томонда?!

**Улфат.** Мен хоқонимизни олқаб, тамоша қилиб тураман, ҳеч бир ёққа қўшулғоним йўқ.

[Хон қайтиб, катга чиқар. Ёнбошлаб, бир қўлини бошига тиркаб, узонар, кучли бир қайғу остинда эзилиб турғони кўрунадир.]

**Мир Вафо.** Кишт! (бир дона сурар. Уюнчилар сингирланиб тахтага қаройлар.)

**Хон.** Ким ўтди?!

**Улфат.** Мир Вафо қулингиз ўтдилар.

[Хон бошини қимирлатур. Уюнчилар тахта бошиндан туруб, уйнинг эски ёқасиндаги кўрпаларга ўтуралар. Хизматчи кириб, тахтани ҳамда курсича билан шамдонни олиб чиқар].

**Хон.** (Қози Низомға). Фарҳод оталиқни кўрдингизми?

**Қози Низом.** Ҳазратимнинг буйруқлари билан бориб кўрган эдим.

**Хон.** Нима қилдингиз?

**Қози Низом.** Оталиқ қулингиз билан узун сўйлашдим, ҳазратим буюрсалар, ҳаммасини арз қилайин.

**Хон.** Айтингиз.

**Қози Низом.** Бордим, кўрушдим, сўйладим: Сиз хоқонимизнинг энг ишончли қуллари бўласиз. Хоқонимизнинг муборак мизожларига ёқмайтурғон ишлар қилар экансиз. Эрон қўшуну Қаршидан қайтқондан сўнгра, сизнинг юруш-турушингиз бошқача бўлган экан, дедим.

**Хон.** Эрон қўшунини Қаршидан қайтарғон ёлғуз сен эмассан, демадингизми?!

**Қози Низом.** Уни ҳам айтдим. Нодир шоҳ томонидан юборилган қўшуннинг Қаршидан қайтиши учун сизгина эмас, Ҳаким бей иноқ ҳам кўп тиришдилар, дедим.

**Хон.** Нима деди?!

**Қози Низом.** Оталиқ қулингиз бу сўзимга кулубгина қарадилар. Эрон қўшунини икки-уч бекнинггина тиришмоғи билан юртимиздан чиқмади, дедилар.

**Мир Вафо.** Хоқонимиз жуда яхши биладиларким, Нодир шоҳ қўшунининг тупроғимиздан чекилишига Ҳаким бей иноқ қуллари кўп тиришдилар. Оталиқ шуни кўрмак истамайлар чоғи!

**Қози Низом.** Оталиқ дейларким, Эрон қўшунини тупроғимиздан биз чиқармадик, ўзи чиқди.

**Хон.** Нима... Узимни чиқди?!

**Қози Низом.** Оталиқ қулингиз шундай дейлар. Эроннинг — дейлар — янги тўп, милтиқлар билан яроқланган қўшунини бизнинг қўшунимизни буза олган бўлса ҳам, ўзбакнинг ботурлигини билғони учун хуркуб тура эди. Бизга ёрдам учун Хива қўшунининг ҳам Бухороғача келганини эшитгач, бутун кўрқди, усталиқ билан урушни ётқузди-да, қайтиб кетди. Бу ишда меним-да, Ҳаким бей иноқнинг-да ойрича хизматимиз: Хива қўшуну Бухороға келганча урушни узатиб турмоқ бўлди. Мен Эрон қўшунини қайтардим, деб катталиқ қилмоғоним каби хонимиздан ёширунғина Нодир шоҳға элчилар юбориб, хабарлашиб-да турмадим.

**Хон.** Ким Нодирға элчи юборган экан?

**Қози Низом.** Оталиқ қулингизнинг сўзларига кўра, Ҳаким бей иноқ шундай қилган бўлсалар керак.

**Хон.** Ул менга дўст бўлса, нега букунгача қизини юбормайдир?!

**Қози Низом.** Уни ҳам сўрадим.

**Хон.** Ним деддингиз?!

**Қози Низом.** Молимизни, жонимизни «хоқони олам»нинг муборак оёқларинда қурбон қилмоқ ҳаммамизга лозимдир. Шуни қилмағонда, султонимизнинг чин қуллари бўла олмаймиз. Сиз шунча кундан бери биттагина қизингизни тортуқ қилмай турасиз, дедим. Оталиқ, бу сўзни эшитгач, ёмон қизидилар. Хонға яхши кўрунмак учун қиз қурбон қилғувчилар кўп, шунларнинг қизларини олдира берингиз, дедилар.

**Хон.** Узи юбормайдир, юборганларға сўз ҳам отадир.

**Улфат.** Ёмоннинг бир қилиғи ортуқ!

**Қози Низом.** Биз хон ҳазратларига ўзимизни қурбон қилдик. Эмди номусимизни ҳам истамасунлар, дедилар, мен айтдимки...

**Хон** (сўзини кесиб). Бас... еган тузлар кўр этсун уни... Кимни тупроқдан кўтариб, курсига чиқарсак, тезгина бошимизға чиқмоқчи бўладир.

**Улфат.** Хоқони олам! Унларни яна тупроққа қайтармоқ сизнинг қўлингиздадир.

**Хон.** Яхшиким, бунларнинг ўлими қўлимиздадир. Йўқса оз замонда бизни эшак қилиб минмак истайлар!

**Улфат.** Хоқонимизға маълумдирким, подшоҳлиқ қон билан суғорилатурғон бир ёғочдир. Қон оқиб турмағон ерда бу ёғочнинг қуруб қолиши аниқдир.

**Хон** (Улфатга). Тур жойингдан, тез кет. Беш дақиқадан кейин Фарҳод оталиқ бошини келтурасан. Қандай истасанг, шундай ишла! (Улфат қуллуқлаб чиқар). Мен тинчгина турайин деб акамни ўлдирдим. Эмди бир-икки бузуқбош чиқиб, меним тинчлиғимни бузмоқ истайлар! Қўяман сизни!

**Қози Низом.** Хоқони олам! Оталиқ эски бир қулингиздир. Кичкинагина бир эркалик қилғони учун уни ўлдирмоқ нечун бўлар экан?

**Хон** (Қозининг сўзини эшитмагандек бир оз ўйлағондан сўнг). Фарҳод оталиқни эски бир қулимми деддингиз?!

**Қози Низом.** Ҳазратим каромат қилдилар.

**Хон.** Фарҳод оталиқ «Хитой қипчоқ»нинг бошлиғидир, билмайсизми?!

**Қози Низом.** Ҳазратим яхши биладилар.

**Хон.** Эл бошлиғи бўлган бекларим менга қул бўлмайлар, унлар ўз элларига тояниб туташ менга ёмонлиқ қилмоқчи бўлалар.

**Қози Низом.** Тавба қилдим!

**Хон.** Бухорода эл бошлиқлари бўлмағонда, мен тинчгина хонлиқ сура олар эдим. Меним бутун қайғуларим шунлардандир. Отам сотиб олгон қуллар мана Улфат билан Давлат, кўрингиз-чи мен чизгон чизикдан чиқадириларми?!

**Қози Низом.** Албатта, чиқмойлар.

**Хон.** Эмди кимни оталиқ қилишимиз керак, сиз, шуни айтингиз, бошқа гапларни кўяберингиз!

**Қози Низом.** Тангри хоқонимизга эсонлик бергай, ўзлари яхши биладилар.

**Мир Вафо.** Ҳазратим, албатта яхшироқ биладилар. Манғитлардан Ҳаким бей иноқ, қалмоқлардан Жиянқули бей, кенагаслардан Иброҳим бей қуллари бор.

**Хон.** Жиянқул бўлмайдир. Ҳаким бей билан Иброҳим кенагасдан биттасини кўярмиз.

**Қози Низом.** Тўхта, домулло! Меним ёнимда ҳар кун махтаб турғонинг Ҳаким бей инсқ, Нодир шоҳ билан нечун хабарлашади?!

**Мир Вафо.** Бу сўз тўғри бўлмаса керак.

**Хон.** Боя, қозининг Фарҳод оталиқдан келтургон хабарларини эшитмадингми?!

**Мир Вафо.** Фарҳод бошлиқ ўзининг ўлумини билгон бўлса керак. Қутулмоқ учун шундай сўйлагандир.

**Хон.** Мен бошқа жойлардан ҳам эшитдим, тўғри сўйла!

**Мир Вафо.** Ҳазратим эсон бўлсунлар, иноқ қулингиз бундай ишни ўйламоғон бўлсалар керак. Меним ҳеч хабарим йўқ. Шуни жуда яхши биламанким, иноқ қулингиз хоқонимизнинг муборак хизматларини ҳар нарсадан ортуқ кўрадилар.

**Хон** (ташқариға қараб). Тўқсабони чақир, келсун. (Давлат Тўқсабо келар.) Боз тишда кимлар бор?!

**Давлат.** Иброҳим бей билан Раҳим қурчи бор.

**Хон.** Иккавини ҳам олиб кел. Сўнгра бизга базм қилиб бер!

**(Давлат Тўқсабо чиқар).**

Мана шул Давлат билан Улфат каби ўнта одамим бўлса эди, бутун Бухорони тинчгина сақлар эдим: ишнинг йўлларини билалар, теран тушуналар. Ёмонлик, ёғилиқни эса сира ўйламоёлар.

**Қози Низом.** Ҳазратим марҳамат қилсалар ҳамма қуллари ҳам шундай ишлойлар (Давлат тўқсабо чағир билан пиёлаларни киргазадир. Кетиндан уч танбурчи, бир рубобчи, икки найчи, бир дафчи, бирда ўюнчи қиз кирарлар, ҳаммалари ўтурғоч базм бошланадир. Давлат уч пиёладан чағир тарқатадир. Базм биткач, ўюнчи, чалғучилар қуллуқлаб чиқорлар. Улфат пиёлаларни чиқарар).

**Хон** (жуда теран бир тушунчадан айилиб). Раҳим қурчи, отангиз қалай?

**Раҳим қурчи.** Ҳазратимни дуо қилиб турадилар.

**Хон.** Яқинда Эрондан сизга кўноқлар келганми?!

**Раҳим қурчи.** Ҳазратим каромат қилдилар. (Мир Вафо телбаланадир.)

**Хон.** Ким экан унлар?!

**Раҳим қурчи.** Қарши урушинда Эрон қўшуниндан бир-икки киши бизнинг томонга тутулгон эдилар. Иноқ отам унларни озод қилгон эдилар. Шунлар савдо учун Бухороға келган эканлар. Яхшилиқни унутмағонларини кўрсатгали отамни келиб кўрдилар.

**Хон.** Тузук... Яхшилиқ албатта унутилмайдир. (Бир оз тўхтаб.) Биз Фарҳод оталиққа шунча яхшилиқ қилдик, биттасини ҳам билмади. Яна бизга хиёнат қила бошлади. Энг сўнг ўз бошини ейди. (Раҳим қурчи билан Иброҳим бей шошқин тинглайдилар.) Фарҳод оталиқни ўрундан тушурдик. Ўз жазосини яқинда кўрар. Унинг ўрнинда, Иброҳим бей, сени оталиқ қилдик. Раҳим қурчи, сенга ҳам тўқсаболиқ бердик. Иноқ отанг ҳам яқинда катта меҳрибончилик кўрарлар. (Иккаласи туруб, қуллуқ қиларлар.)

**Иброҳим бей.** Ҳазратимга арзим бор.

**Хон.** Айт!

**Иброҳим бей.** Оталиқ ўрни жуда катта ўрун, мен уни бажара олмайман.

**Хон.** Нега бажара олмайсан, унинг нимаси бор?!

**Иброҳим бей.** Фарҳод оталиқ каби, ўткур бир одамнинг бажара олмағони бир ишни мен қандай бажарарман?!

**Хон.** Нимаси бор, нимани бажара олмайсан?!

**Иброҳим бей.** Хоқонимизни рози қилмоқ жуда қийин бир иш бўлиб қолгон.

**Хон.** Нима деганинг бу?!

**Иброҳим бей.** Шу Улфат билан Давлатни рози қилмасам, сиз қувонмайсиз, бу иккисини рози қилмоқ-да мумкин эмасдир.

**Хон.** Девона бўлдингми?!

**Иброҳим бей.** Девона эмас, тўғриман, тўғрилиқнинг девоналиқдан ёмонроқ натижалар берганини биламан. Яна тўғрилиқдан ойрила олмайман Хоқоним! Шул икки одам бўлмағонда, сиз Фарҳод оталиқни йўқ қилмоқ фикрига тушмас эдингиз.

**Хон** (қизғин). Сўзни узатма, қабул эт! (Қози Низом билан Раҳим қурчи кўзлари билан уни қабул этдирарга тиришарлар.)

**Иброҳим бей.** Буйруғингизни қайтармоқ қўлимдан келмайдир, қабул этаман. Бироқ бир кун менинг ҳам ўлимимга ҳукм чиқарарсиз, хоқоним?!

**Хон.** Қабул этдингми?!

**Иброҳим бей.** Қабул этдим.

**Хон.** Эмди чиқиб, сақловда ётингиз. Эрта билан ёрлиқларингиз чиқар.

**[Иккаласи ҳам дуо қилиб, чиқиб кетарлар. Бунлар чиқғоч, Улфат хўжа сарой, қизил уртук билан уртулган бир табақни кўтариб келар, хоннинг олдиға кўяр. Узи икки отим кейинга бориб, қўл қовуштируб турар].** Оч устини! (Улфат уртукни олар, табақда Фарҳод оталиқнинг қонға бўялган оқ соқолли боши кўрунар).

**Хон.** (ёввойи кулуш билан) Ҳо...ҳо...ҳо... энг сўнг, ўлум...ўлум жанжалимизни битирди. Бутун жанжалларни ўлим битирадир!

**Улфат.** Хоқони олам эсон бўлғайлар.

**Хон.** Буни чиқариб «Чил духтарон» қудуғиға ташлат. (Улфат табақни олиб чиқар). Еганлари тузни ўйламағонларнинг жазолари шулдир. (Қози Низом билан Мир Вафоға) Сизга жавоб эмди.

**Қози Низом.** Тангри ҳазратимга эсонлик бергай. (Иккови ҳам дуо қилиб, туруб кеталар).

**Хон.** (ёлғуз). Шул тирикликдан-да бездирдилар мени. (туруб юрадир). Бир душманнинг қони қурумойин яна биттаси чиқиб қоладир. Бу Иброҳим аҳмоқ ҳам мени тинч қўймайтурғондек кўринадир. Қачонғача ўлдираман бунларни! Ортук ҳеч кимнинг менга ишончи қолмади... Бунларнинг ўзи йўлга келиб, менга душманлик қилмоқни ташласа, нима бўлур! Йўқ.. йўқ. Бунларнинг ўзи йўлга келмайдир. Ўлдураман, ўлдураман. Дунёда битта душманим қолмағонча, қон тўкаман. Улфатнинг сўзи тўғри. Подшоҳлик қон билан суғорилатурғон бир ёғочдир. (Улфатнинг кирганини кўриб, жойиға ўтурар). Кел, Улфат, ўтир, қандай қилиб ўлдурдинг?!

**Улфат** (ўтурар). Хоқонимизнинг ишлари бор, деб келтурдим. Бир уйга киргудим, унда ёшрунуб турғон икки киши бирдан чиқиб ёпишдилар, бир оз талошғондан сўнг йиқитиб, бошини кесдилар.

**Хон.** Ҳеч ким онгламадими?

**Улфат.** Кимса онглағон эмас.

**Хон.** Иброҳим кенагасни оталиқ қилмоқчи бўлиб, ўзига сўйладик. Унинг ҳам туси бошқача-ку!

**Улфат.** Нима деди?

**Хон.** Кўп аҳмоқликлар қилди. Сенинг учун ҳам маъносиз сўзлар сўйлади. Ҳаким иноқнинг ўзини оталиқ қилсақ бўлмайдири?

**Улфат.** Хоқони олам! Ҳаким иноқнинг Нодир шоҳ билан хабарлашиб турғони аниқ. Шу тобда уни иш бошиға қўюб бўлмайдир. Шунинг ўзи бўла берсун, тўғрилиқ билан ишласа, турадир, йўқса Фарҳод оталиқнинг изиндан бора қоладир-да!

**Хон.** Улфат, мен бу ишлардан бездим. Бу одамларнинг биттаси ҳам менга тўғри қарамайди. Фарҳод оталиқ ёмонлик қилди. Ҳаким иноқнинг қилғон ишларини кўруб турубсан. Иброҳимни одам деб ўйласам, бу ҳам бузуққа ўхшайди. Қон тўкмакдан-да бездим. Акамни ўлдурдим. Кўп дўстларимни ўлдурдим. Мени бир ота каби асрағон Фарҳод оталиқни бошини оёқлар остинда кўрдим (кўзларини тутуб) Уф... кўзларим қонға тўлди. Кечалар ухлай олмайман. Кўзларимни юмғоч, бутун ўлганлар, ўлдурганларим мени айлантуруб олалар; сираланиб ёнимдан ўталар. Мени қўрқуталар, менга кулалар!..

**Улфат.** Хоқоним, бунларни ўйламангиз. Ўлуқларни эсингиздан чиқарингиз. Ётоққа киргач, қуръондан бир оят ўқуб ётингиз. Бунлар ҳаммаси ўтгундир. Яқинда душманларингизни битирармиз. Ҳозир эмди, бошқа ишларимизни кўрайлик.

**Хон.** Яна нима иш?

**Улфат.** Фарҳод оталиқнинг қизини келтурайликми?

**Хон.** Эрта билан киши юборурсан. Мен эмди чарчадим. Бир оз ухлайин. Сен ҳам кет, ишларингни кўр. Биттасини юбор, чопонимни олсун. Танбурчиларға айт, икки танбури камонча қилиб, бир «Ҳусайний» чалсунлар.

**Улфат.** Хўп бўлубтур. (Улфат чиқар. Хон салла, чопонини чиқара бошлар. Хизматчи келиб, хоннинг салла, чопонини олиб, бир четга кўяр. Хоннинг кеча кулоҳини бериб, шамларни ўчуруб чиқар. Хон кулоҳини кийиб, ётоқда узаниб ётар. Ташқарида икки камончининг «Ҳусайний» чолғони эшитилар. Чолғи секинлаб, битганда хон ухлағон бўлур. Бир оз сўнгра хоннинг ўлдурилган акасининг хаёли қонли кафан билан кўринадир.)

**Хон.** (тушинда). Акам... Нечун келди... (бўғдурулғони, аркон бўйнида тақилғони ҳолда чиройлик бир хотуннинг хаёли келар.) Йўқол... кет. (хотун хаёли хонни бўғардек, унга қараб юрар. Хон талваса қилар.) Кет... кет...! (бир йигит хаёли Фарҳод оталиқнинг бошини олиб келар. Хонға яқинлашар.) Йўқол... келма... (хаёл чекилар. Ундан сўнг учала хаёл биргалашиб, хонға ҳужум қиларлар. Хон кучли талваса билан қичқирар.) Вой... Урма! (ўз товушиндан уйғониб, ирғиб турар. Товушни эшитган Давлат тўқсабо бир шамдончини кўтариб, югуриб кирар.)

**Давлат.** Ҳазратим кўрқдиларми?!

**Хон.** (титраб турғони ҳолда). Бир оз кўрқдим, чоғи! Шамни қўюб кет. Сув тайёрлат, таҳорат қиламан. (Давлат тўқсабо шамни қўюб кетар. Хон ётоқдан тушуб, чопонини кияр ҳам сўйлар.) Бунлар у дунёда ҳам менга қарши бирлашганга ўхшайлар, мени тинч қўймайлар, чоғи!

(Шамни олиб, бошқа уйларга боратурғон эшикдан чиқиб кетар).

Парда тушар

## ИККИНЧИ ПАРДА

Ойдинли бир кечада Ҳаким бейнинг ҳовлиси. Теразасиз эшиклари ташқарига очилгон бир уйнинг олдинда узун бир суфа.

Суфа бўйинча узун бир қолин гилам ёйилгон. Кўркамлик кўрпалар тўшалгон Тўрда пакана қурли бир «кат» устинда ётоқ тайёрлангон. Уртадаги буюк шамдонда шам ёнадир. Деворға бир қалқон, бир қилич, бирда «Жазойир» милтиғи осилгон. Ҳаким бей ёлғуз, юруб сўйлайдир.

**Ҳаким бей.** (том устидан кўрулган минорға қараб) «Улум минори»дир бу! Бунин кўлкасинда яшагонлар ўлумдан кўрқмойлар. Бу узун «Минор» охиратнинг энг қисқа йўли бўлуб қолди. Минор, «Чил духтарон», Канахона, Обхона, зиндон... ўлим... Бунларнинг ҳеч биттасинда мени йўлимдан қайторорлиқ куч йўқдир. Ётоқ ўлими-да ўлум, зиндон ўлумида ўлумдир. Иккавиндан-да кўрқмом. Абул Файзнинг хонлиғи Нодир шоҳнинг оёқлари остинда жон бераётқонда, ўз улушимизни олмоқ керак. Шуни олармиз. Шу кеча Чоржўйдан ўғлум қайтадир, эрта Нодир шоҳ қўшуни босиб келади. Шу кеча билан эрта — курашимизнинг сўнг дақиқаларидир. (Мир Вафонинг келганини кўрмай.) Бу одамлар қаёққа кетдилар. Курашнинг сўнг дақиқаларини била туруб, ҳалигача келмайлар.

**Мир Вафо.** Келдик, бек!

**Ҳаким бей.** Нима гап?

**Мир вафо.** Курашнинг сўнг дақиқасини билганимиз учун ҳаммамиз югура, чопа ишламакдамиз.

**Ҳаким бей.** Эрта Нодир шоҳ қўшунининг келиш хабарини оларсиз.

**Мир Вафо.** Биламиз!

**Ҳаким бей.** Нималар қилдингиз?

**Мир Вафо.** Одамларимни ҳар томонға ерлаштурдим. (Ҳаким бей деворға осилгон милтиқ билан ўйнаб тинглайдир.) Шу кеча Бухорода чибин учса менга хабари келади. Кўрулгуси кишиларни ҳам кўрдим. «Жубор»ға бориб, Хўжа Калон билан кўришдим. Бутун фикрингизга қўшулдилар. Ўзлари ҳам Қози Низом билан сизга келадилар. Хон томонида икки-уч муллалардан бошқа киши қолмади. Қози Низом бизга қўшулгоч, унларнинг-да бир чақалик баҳоси қолмас.

**Ҳаким бей.** Арқда нималар бор?

**Мир Вафо.** Арқ ўзининг ўюн-кулгусига берилган, ичиб ётгон эди. Бироқ Раҳим тўқсабони Чоржўйга юборишингиз мазасини қочиргон. Раҳим тўқсабони йўлда йўқ этмак учун Фаробғача кишилар юбордилар. Бу ишнинг битганини хабар олғоч, бизга ҳам ҳужум қилиб, сизни тутуб қамоғондан сўнг ўзлари Нодир шоҳга қарши чиқиб, урушар эканлар.

**Ҳаким бей.** Бу режаларнинг замони ўткан эмди. Раҳим тўқсабо-да мен-да, унларнинг тузоқлариға тушмаймиз. (Тоғайкул бек билан Донёл бей келарлар) Хўш, иккингииз бир келдингиз? (салом беришарлар.)

**Тоғайкул бек.** Келмайликми?

**Ҳаким бей.** Ёмон бир туш кўрган бўлгайсиз.

**Тоғайкул бек.** Кўрдик, кўрдик.

**Ҳаким бей.** Қани, ўтурингиз. Тушингизни эшитайлик (ҳаммалари ўтурарлар).

**Тоғайкул бек.** Мен эмас, бу киши кўрганлар (кулар).

**Донёл бей.** Кулушни қўюнг, гапга келинг!

**Ҳаким бей.** (жилмайиб). Нодир шоҳ эмди келадир. Бундан бурун келган унинг ўғли эди.

**Донёл бей.** Нечун келадир?

**Ҳаким бей.** Бухорони олмоқ истайдир.

**Донёл бей.** Раҳим тўқсабо қани?

**Ҳаким бей.** Чоржўйга борди.

**Донёл бей.** Нечун?

**Ҳаким бей.** Нодир шоҳнинг фикрини онглаб келсун, деб мен юбордим.

**Донёл бей.** Хондан сўрадингизми?

**Ҳаким бей.** Хонимиз Нодир шоҳ билан урушмоқчи бўлуб туралар. Мен душманларнинг фикрини ҳам кучини онглаб келмак учун ўғлумни юбордим, буни сўрамоқ керакми?



**Донёл бей.** Шуни хондан сўраб юборса эдингиз, яхши бўлар эди.

**Ҳаким бей.** Хоннинг оталиғи бўла туруб, шунча ишни ўзим қила олмаيمانми?

**Донёл бей.** Сизнинг тилингиз остинда бир нарса бор, айтмай турасиз. Нима қилмоқ-чисиз, нима истайсиз? Тўппа-тўғри айта берингиз. Бутун Бухоро сизнинг сўзингиздан тўлуб қолди!

**Ҳаким бей.** Ука! Эрон қўшуни билан Қаршида урушғонимиздан кейин, унинг кучли бир қўшун эканини онгладим-да, Нодир шоҳ билан дўстлик йўлини очдим, хабарлашиб турдим. Сиз шул чоғларда бу ишни сезгандек бўлдингиз, бироқ сизга бу иш ёқмоғон эди. Мен шу кундан бошлаб, Нодир шоҳ билан дўстликни узмаганман.

**Донёл бей.** Нечун шундай қилдингиз?

**Ҳаким бей.** Нодир қўшунининг Қаршидан чекилгани бир ўюн эди. Мен буни сезган эдим. Ҳиндистонни олғон бир қўшуннинг Қаршидан чекилиши учун бундан бошқа маъно бермак тўғри эмас эди. Мен Эрон қўшунининг иккинчи йўла устимизга юрғусини кўрган киби бўлуб эдим. Шунинг учун Нодир билан дўстлашарга тиришдим, ҳам дўстлашдим.

**Донёл бей.** Бунинг нима фойдаси бор?!

**Ҳаким бей.** Нима фойдаси бўлар эди. Мана Нодир шоҳ яна келди. Бироқ бурунги каби эмас. Хон кучсиз, у кучли, хонга душман, менга дўст бўлуб келди.

**Донёл бей.** Бу ишингиз билан хонга хиёнат қилғон бўлмайсизми?!

**Ҳаким бей.** Қайси хонга?

**Донёл бей.** Абул Файзхонга.

**Ҳаким бей.** Ука, хонингизнинг қилғон ишларини бир ўйлаб кўрингиз: отамиз билан келишиб, Фарҳод оталиқ каби бекларнинг ёрдами билан акасини ўлдуруб, хон бўлди. Тахтга минғач, бошлаб отамизни Эронга қочирди. Узига ёрдам этган бекларни битта-битта ўлдуруб битирди. Энг сўнг Фарҳод оталиқни ҳам ўлдуруб, қизини олди. Мени ранжитмак учун, буюк дабада билан Иброҳим кенагасни оталиқ қилди. Яна уни ўлдирмақчи бўлуб қочирди. Иброҳим кенагас Карминага бориб, қўшун йиғди. Бухорога юрш қилди. Мен хон томониндан чиқиб, Иброҳим иноқ билан олти-етти йил урушдим. Бу кун эса, меним ўзимга душман бўлиб қолибдир. Нодир шоҳ билан дўстлашганда, биз мана шу кишига хиёнат қилғонми бўлдик эмди?!

**Донёл бей.** Мана шул фикрларингизни хоннинг ўзи онглагон.

**Ҳаким бей.** Онглай берсунлар. Дунёда ҳар ким бир кун ўлгусини биладир. Бир чораси борми?

**Донёл бей.** Йўқ.

**Ҳаким бей.** Чораси бўлмоғоч, уни билмакдан нима фойда? Биз яхшилик қилмоқ билан аркнинг ёмонлиғидан қутулар эдик, деб ўйламангиз. Унларнинг кўнгида ёмонлик, йилон оғзинда оғу каби ерлашиб қолгон, ювмоқ билан кетмайдир. Парвоначиға нима қилдилар. Уни шу минордан ташлагонларини ҳеч ким унутмагондир.

**Мир Вафо.** Кўзларимнинг худди ичинда турибдир-а. Олтмиш икки олчин юқоридан келиб, ерга тушганда, суякларининг шарқиллаб сингон товуши қулоқларимдан кетмайдир.

**Тоғайқул бек.** Хай эмди, биз нима қилармиз?

**Ҳаким бей.** Мана шуни сўронгиз мендан.

**Донёл бей.** Атинг-чи?

**Ҳаким бей.** Эрон қўшини эрта Бухорога қараб юрса керак. Нодир шоҳни дўстлик билан қарши олсак, Бухорони қутқарармиз, бўлмаса Эрон қўшуни кулимизни кўкка учурадир. Мен бутун борлигим билан тиришурманким, хонимиз Нодир шоҳ билан уруш-ғоли чиқа олмасун. Тилагимга эришаёздем, эмдим шу кечада ҳам ишни шундай сақлай олсак, айтканимиз бўладир.

**Донёл бей.** (келганларни кўруб). Мана эшонлар ҳам келдилар. Бунлар онгласа майлими?

**Ҳаким бей.** Мен ўзим бунларни чақирдим. Шу ишни онглатаман. (Хўжа Калон билан Қози Низом келарлар. Ҳаммалари туруб саломлашкандан сўнг, ўтуларлар).

**Хўжа Калон.** Бу кун Мир Вафо билан кўрушкан эдим. Бир неча сўзлар айтдилар. Шунлар тўғрисида ўзингиз билан сўйлашмак учун келдик.

**Ҳаким бей.** Жуда яхши қилдингиз, тахсир. Ўзим ҳам сизларни кутуб тургон эдим.

**Хўжа Калон.** Эрон қўшуни Чоржўйдан ўтдими?

**Ҳаким бей.** Шу кун ўтган бўлса керак. Ҳануз хабар йўқ.

**Қози Низом.** Бунларнинг келишидан уламо, машойихға зиён текмайдирми?

**Ҳаким бей.** Тўғри ҳаракат қилсак, ҳеч кимга зиён текмайдир. Янглиш бир иш қилинса, ҳаммамизнинг кулимизни кўкка учурурлар.

**Хўжа Калон** (елкасини тутуб). Тангри ўзи сақлағой, товба қилдим, худоё... Нима қилмоқ керак, тахсир?!

**Ҳаким бей.** Хонимиз Нодир шоҳ билан урушмоқ истайлар. Бутун дунёни титратган бир кишига қарши уруш очмоқ учун бизда куч бўлмоғонини онгламайлар. Мен урушмоқни қабул қилмай турубман. Бироқ мени сўзимни тингламайлар. Меним фикрим шудир: ҳаммамиз биргалашиб, Нодир шоҳни қарши оламиз. Хон ҳам биз билан борсун-

лар. Нодир шоҳ билан кўрушганда, Бухоро хонлигини тортуқ қилсунлар. Шоҳ мамнун бўладир. Ўлкамизни шундай қилиб, буюк бир балодан қутқарғон бўламиз. Бундай қилмасак, не бўлсун урушамиз, деб чиқсак, биринчи учрашинда енгиламиз, элимизнинг бор-йўқи таланиб битадир.

**Қози Низом.** Бу фикрингиз жуда яхши, буни хонга онглатмоқ керак.

**Хўжа Калон.** Истасангиз, биз шу тобда аркка бориб, хон билан кўрушамиз.

**Ҳақим бей.** Албатта шундай қилингиз. (бир хизматчи югуриб келар.)

**Хизматчи.** Тахсир, тўқсабо келдилар.

**Ҳақим бей.** Қани?

**Хизматчи.** Мана, кўчада отдан кўнуб туралар.

**Ҳақим бей.** Кўрайлик-а! (ҳаммалари туруб, Раҳим тўқсабони қарши олғани чиқарлар. Саҳна бир оз бўш қолар, сўнгра товушлар келар).

**Раҳим тўқсабо товуши.** Ота, ҳаммаларингиз яхшими?

**Ҳақим бей товуши.** Шукур, ўғлим, (саҳна кўринур). Сени кутуб турғон эдик. (Раҳим тўқсабо билан бояғилар келиб ўтуралар). Қани, ўғлум, сафаринг қандай ўтди?

**Раҳим тўқсабо.** Кўп яхши ўтди. Шоҳни кўрдим. Мен билан кўп яхши кўрушдилар. Бухоронинг муллолари, бекларини сўрадилар. Биз сизга кўноқ бўлиб келдик. Кўноққа душманлик кўрсатмасангиз керак, дедилар.

**Ҳақим бей.** Эрон кўшуни кўпми?

**Раҳим тўқсабо.** Уни сўрамангиз, ота! Бундай кучли кўшунни умримизда кўрмадик. Тўплар, милтиқлар, филлар билан ерни титратиб келади. Менга кўшунларини кўрсатдилар. Келар чоғимда яна шоҳнинг олдиға кирдим. Биз Бухороға кўноқ бўлиб келдик. Ўлкангиз менга керак эмас. Хонингиз, эл-улусингиз мени дўстларча қарши олсалар, тўрт-беш кун туруб, қайтиб кетарман. Ёмонлик, душманлик кўрсатсалар, кулларини кўкка учурарман, дедилар. (Муллолар бир бирларига қараб, бошларини қимирлатурлар. Шу тобда қопку томондан икки қаландар товуши келар. Ҳаммалари тинглайлар. Қаландар товушлари):

Дунё, дунё, сен дунё-е,  
Кимга вафо қиларсан, эй!  
Дунё, дунё, сен дунё-е,  
Дунё, кўп тез юрарсан!  
Дунё, дунё...

[Биринчи оқ соқол, бири ўрта ёшли икки қаландар суфа остиға келиб туралар].

Элни қаён сурарсан!  
Дунё, дунё...  
Кўп тез юрма, бир оз тур!  
Дунё, дунё...  
Йўлингни бир қараб кўр!  
Дунё, дунё...

[Қаландарлар, ўқуб бўлғоқ, қўлларини кенг очиб, «давлат барқарор» деб дуо қиларлар].

**Ҳақим бей.** (қўлини киссасига узатиб). Кел бобо! (буюк қаландар югуриб, суфага чиқар, бошқалар киссалариндан пул чиқарарлар.) Бобо, сен қаердан?

**Қаландар.** Биз Балхдан келамиз. (пулни олғонда, Ҳақим бейнинг қулоғига сўйлар) бу кеча аркдан сизни чақирарлар, кетманг. Уйингизни босарлар, тайёрлик кўринг. (дуо қилиб, бошқаларнинг-да пулларини ола берар. Раҳим тўқсабоға келгач, унга бир оз эс кўюб қарағондан сўнг пулни олиб, сўйлар.) Бек йигит, сенинг бошингга давлат қуши кўнғон, манглайингда катта бир юлдуз ёшнаб туради. Яхшилик қил, тангримиз яқинда сенга улуғ бир ўрун беради. (Ҳақим бейдан бошқалари бир-бирларига қарайлар. Қаландар Ҳақим бейга сўйлар.) Бек, биз шаҳрингизга шу кун келдик. Ётоғимиз, жойимиз йўқ. Бу давлатхонадан бизга бир жой кўрсатилса, шу кеча ухлаб олайлик.

**Ҳақим бей.** Хўп, бобо! (хизматчини чақирар.) О, бола! (хизматчи келар.) Бунларга бу кеча жой беринг, ётсунлар. Томоқ ҳам беринг. (Қаландарлар дуо қилиб хизматчи билан кетарлар).

**Донёл бей.** Валийга ўхшайди!

**Хўжа Калон.** Каромат қилиб гапуради. Валий экан. (Улфат хўжа сарой салом бериб келади).

**Ҳақим бей.** Ваалейкум ассалом. Келинг, тахсир! (Улфат ўтуруб дуо қилғондан сўнг, салласиндан хоннинг муборак номасини олиб, Ҳақим бейга беради. Ҳақим бей жойидан туруб, хатни олиб, ўпуб, кўзларига суртуб очиб ўқур.) Давлатхоҳимиз оталиқға маълум бўлғойким, Эрон кўшунининг тупроғимизга киргани тўғрисида сиз билан кенгашмак истаймиз. Раҳим тўқсабо ўғлимиз билан давлат хонамизга келғайсиз. (Хатни қатлаб ўпуб, салласига қўйғондан сўнг, Улфатга сўйлар.) Хўб бўлубди. Бориб хоқонимизга арзимизни еткуринг, ўғлум Раҳим тўқсабо Эрон кўшуниндан хабар олмоқ учун Чоржўйга борғон эди. Шу тобда келди. Бу кеча бунинг хабарларини олай, ўзим ҳам тузукрак ўйлаб кўрай. Эрта билан иккаламиз саломға борармиз.

**Улфат.** Хўп бўлубдир. (туриб кетар.)

**Донёл бей.** Ака, борсангиз бўлмасми?!

**Ҳаким бей.** Эрта борамиз.

**Хўжа Калон, Қози Низом** (турмоқчи бўлуб) Хай, тахсир, биз кетайлик эмди.

**Ҳаким бей.** Кетасизми, тахсирлар? (жойлариндан турарлар.) Хай, Хонни тезрак кўруб, гапурсангиз яхши бўлур эди. Нодир шоҳ билан урушмоқчи бўлсалар, ҳаммамиз хароб бўлармиз.

**Хўжа Калон.** Хўб, хўб.

**Қози Низом.** Албатта айтамыз. Хай, хўш. (кетарлар, Ҳаким бей уларни узатиб қайтагач, ўтурмай гапурадир.)

**Ҳаким бей.** (Донёл бей билан Тоғайкулга). Хоннинг бу кеча мени чақириши ҳийла эди. Мен бормоғоч, шу тобда уйимни босмоқ учун келсалар керак. Бироқ мен уларнинг тузоғина тушмайман. Тайёрлигим кўрулган. Уттуз мерганим Мирараб мадрасинда турадилар. Сиз иккингиз ҳам шунга борингиз. Ҳар томонга қоровул қўйингиз. Регистон томонидан ҳеч кимни бу томонга ўткармангиз. Битта-иккита тилчи юборсалар майли, бир қоровул билан менга юборарсиз. (Донёл бей билан Тоғайкул бек «хўб» деб кетарлар).

**Раҳим тўқсабо.** Мен ҳам борайми?

**Ҳаким бей.** Йўқ, сен қол. (Мир Вафога). Қаландарларни келтурингиз! (Мир Вафо кетар). Қани, ўғлим, Эрон қўшуни қачон келар?!

**Раҳим тўқсабо.** Мендан тўрт-беш соат сўнгра Амударёдан ўтмоқчи эди. Эрта Бухорога яқинлашса керак.

**Ҳаким бей.** Шоҳ сени кўрганда бизга берган ваъдасиндан сўз очдим, йўқми?

**Раҳим бей.** Йўқ, у тўғринда гапурмади, сизларга катта меҳрибончиликлар қилармиз, деб қўйди.

**[Мир Вафо қаландарларни олиб келар].**

**Ҳаким бей** (унларни кўргач, кулар). Ҳо... ҳо... ҳо... худди қаландарларга ўхшайлар! Афтингизни тузатингиз! (Қаландарлар ясама соч-соқолларини оларлар. Ҳаким бейнинг ўз кишилари Йўлдош билан Эргаш эканлари билинадир.) Гапурингиз қани?

**Йўлдош.** Сизни аркка чақириб, киши юбордиларми?

**Ҳаким бей.** Юбордилар. Мен кетмадим.

**Йўлдош.** Бек! Кетмаган бўлсангиз, шу тобда уйни босарлар.

**Ҳаким бей.** Боса олмайлар. Чораси кўрулган. Бошқа нима хабарларинг бор?

**Йўлдош.** Мен икки кундан бери аркда эдим. Хон жуда умидсизланган. Ҳеч ёқдан ёрдам хабари йўқ. Узларининг кучсизликларини очиқ онглагонлар эмди. Бироқ шуларнинг ҳаммасини сиздан биларлар. Шунинг учун Нодир шоҳ келмасдан бурун сизни йўқ қилмоқ йўллари ахтариб турарлар.

**Ҳаким бей.** (Эргашга). Сен нима қилдинг?!

**Эргаш.** Мен Карминагача бордим. Ҳаммани кўрдим, хатларни бердим, сўзларингизни айтдим. Эл орасига кирдим, керак бўлгон сўзларни тарқотдим. Элнинг сизга қараши яхши, Нодир шоҳ билан урушмоқни ҳеч ким истамайдир...

**[Бир милтиқ товуши чиқар, Мир Вафо сесканар].**

**Ҳаким бей.** (Раҳим тўқсабога). Сен одамларинг билан яроқнаиб томга чиқ. (Қаландарларни кўрсатиб.) Бунларга ҳам яроқ бер, сен билан юрсунлар. Томда туруннгиз. Кучлаб кела берсалар, отишингиз. (Раҳим тўқсабо қаландарларни олиб кетар.) Мир Вафо милтиқдан кўрқдингизми?!

**Мир Вафо.** Йўқ-эй... Бир нарсани ўйлаб тургон эканманми, бирдан сесканиб юбордим! (Яна бир милтиқ товуши чиқар, Мир Вафо яна сесканар.)

**Ҳаким бей** (кулуб). Бу кеча кўрқмангиз! Қанча кучласалар ҳам бизни боса олмайлар. Эртагача отишармиз. Эрта бўлғоч, отланиб чиқармиз-да, Эрон қўшунига бориб қўшулармиз. (хизматчини чақирар.) О, бола! (хизматчи келар). Отларни эгарлаб қўйсунлар.

**[Хизматчи кетар, Ҳаким бей фўтасини белига ўраб, қиличини девордан олиб тақар экан, сўйлар.]** Хоннинг ақли йўқолгон. Менинг уйимга ҳужум қилиб киришга кучи йўқ экан, Нодир шоҳ билан урушмоқчи бўладир. (Раҳим тўқсабо югуриб келар.)

**Раҳим тўқсабо.** Улфат хўжа сарой келди.

**Ҳаким бей.** Келтурингиз. (Раҳим тўқсабо югуриб чиқар. Ҳаким бей юруб сўйлар.) Яна шуни юборди. Орамизни бузгон одам Улфат бўлғонини била туруб, яна шундай қиладир. Шу ақл билан хон бўлуб турмоқ истайдир. (Раҳим тўқсабо Улфатни келтирар, Улфат салом берар.) Нечун келдингиз?!

**Улфат.** Мени хон юбордилар. Буюрдиларким, бориб оталиққа айтингиз, биз муборакнома ёзиб, у кишини ёнимизга чақирдик, келмадилар. Ўзимиз уйларига бориб кўришмак учун чиқдик, одамлари бизни милтиқ билан қарши олдилар. Бунинг сабаби нима?! Эрон қўшуни босиб кела турубдур. Унга қарши нима қилмоқчи бўлсак кенгашиб қилармиз. Оталиқ бизга кенгаш берарларми, йўқми?!

**Ҳаким бей.** Биз шу ўлканинг яхшилигиндан бошқа нарса истамаймиз. Нодир шоҳга қарши чиқиб урушмоқ учун кучимиз йўқдур. Хоннинг буйруқлари аркдан Мирарабгача юрмайдир. Эрон қўшуни билан қандай урушарлар?!





**Улфат.** Бек! Сўзингиз тўғри. Қўйингиз, хон келсунлар. Мана шу сўзларингизни ўзларига айтингиз!

**Ҳақим бей.** Хон ҳам келмасунлар. Биз ҳам бормаймиз. Бориб айтинг, мен билан кенгашмақчи бўлсалар, тўппа-тўғри Жўборға бориб Хўжа Калоннинг уйларига қўнсунлар, элнинг катталарини қақирсунлар. Мен ҳам борармен, шунда кенгашармиз.

**Улфат.** Қачон борарсиз?

**Ҳақим бей.** Сиз шу тобда хонни олиб борингиз, мен ҳам борармен. (Улфат «хўб» деб Раҳим тўқсабо билан чиқар. Ҳақим бей Мир Вафоға сўйлар). Сизни бунларнинг орқасиндан киши юборинг. Хўжа Калоннинг уйларига кирганларини кўруб келсун. Сўнг биз ҳам борармиз. Ўзингиз бизнинг бекларга хабар беринг, Жўборға бора берсунлар! **Мир Вафо.** Хўп бўлубдур.

(Иккилари ҳам чиқарлар).

Парда тушар.

### У Ч И Н Ч И П А Р Д А

(Бухороға яқин «Ғози обод» қишлоғига қўнғон Эрон қўшуни орасинда Нодир шоҳнинг чодир, дабдабали безанган. Чодир ичинда Нодир шоҳ ўз тахтинда ўтурғон. Енинда кичкина бир тахт бўли турадир. Тубанда Нодир шоҳнинг ўғли Ризоқулихон, Эрон қўшуни бошлиқлариндан Алиқулихон ўтуралар. Чодирнинг икки ёғинда яланг қилич қоровуллар кезмақда).

**Нодир шоҳ.** (Розиқулиға). Кимдан эшитдинг?

**Ризоқули.** Юборғоним элчилардан биттаси келган, шул сўйлади. Туна кун Бухорода бир оз тинчсизлик бўлаёзғон экан. Ҳақим бей ўғлини бизға юборғондан сўнг Абул Файзхон қўрқа бошлағон. Кечаси Ҳақим бейни босиб, уни тутмоқчи бўлғон, Ҳақим бейнинг одамлари унга милтиқ отқонлар. Хон қўрқуб қайтғон. Жўборға борғон, тунда бир хўжанинг уйинда мажлис қилғонлар. Ҳақим бейнинг ўзи ҳам шунда бўлғон. Ҳаммалари бир оғиздан хонға гапурганлар. Бу кун ҳаммалари, хонни олиб, бизга келар эканлар.

**Нодир шоҳ.** Кўрдингми, ўғлум, ҳар ўлкани урушиб олмоқ сиёсат эмас. Уруш чораларнинг энг сўнгисидир. Бир ўлкани олмоқ учун, энг яхши чора — шул ўлканинг ўзиндан дўстлар топмоқ, шуларни ишлатмақдир. Сен Қаршидағи урушни тўхтатмаса эдинг, у вақт Бухороға кўмак учун Хива қўшуни етиб келар эди. Иш қийинлашиб қолар эди. Қаршидан қайтғонингдан бу кунгача биз тиришдик. Ҳақим бейни қўлга олдик. Унинг қўли билан Бухорони Хивадан узоқлаштирдик. Бухоро бу кун бизники. Эрта Хивани ҳам ёлғузгина ёқалаб, бўғушимиз қулай бўлди. (Мирзо Маҳди келар).

**Мирзо Маҳди.** Шоҳим! Абул Файзхон яқинлашадир. Мен уни қарши олмоқ учун бир қўл аскар чиқардим.

**Нодир шоҳ** (Ризоқули билан Алиқулиға). Сиз ҳам чиқиб, хонни қарши олингиз. Ўғлум, сен хонни кўргач, оддан қўнуб, яёв бор. Кучоқлаб кўруш, йўлдошларига ҳам ҳурмат кўрсат. (Мирзо Маҳдиға) Ўтурингиз! (Мирзо Маҳди ўтурар, Ризоқули билан Алиқули чиқиб кетарлар.)

**Нодир шоҳ** (Мирзо Маҳдига). Ҳақим бей яхши, яхши ишлади.

**Мирзо Маҳди.** Кўп яхши ишлади, шоҳим!

**Нодир шоҳ.** Биласизми, Ҳақим биздан нима истайдир.

**Мирзо Маҳди.** Билмайман, шоҳим, албатта, шоҳона эҳсонингиздан ҳар нима истаса, умидсиз қолмас.

**Нодир шоҳ.** Бухоро хонлиғини ўғлиға беришимиз истайдир.

**Мирзо Маҳди.** Улуғ подшоҳларға хизмат қилғонлар, умидсиз қайтмаслар, деб ўйлайман.

**Нодир шоҳ.** Биз ҳам бунга қарши эмасмиз. Бироқ шу кун бу ишни қилиш тўғри эмас. Эл аро шовқун соладир. Сиз Ҳақим бей билан сўйлашингиз. Бухоро хонлиғини ўғлиға берармиз. Бироқ сўнграроқ бўлсун. Хива масаласини ҳам битирганимиздан сўнг бўлсун. Бу кунги энг ярарлиқ сиёсат Абул Файзхонни мамнун қилиб қайтармоқдир. (Ризоқулихон келар).

**Ризоқули.** Абул Файзхон келдилар.

**Нодир шоҳ.** Келсунлар. (Ризоқулихон чиқар, шоҳ тахтдан энар, эшиккача юрғоч, Абул Файзхон, Ҳақим бей, Хўжа Калон, Алиқулхон келарлар.) Абул Файзхон билан Нодир шоҳ кучоқлашиб кўришурлар. Нодир шоҳ Абул Файзхонни қўлтуғиндан олиб, тахтага чиқарар. Ўзи ҳам тахтиға чиқар, ҳаммалари ўтирарлар. Шоҳ билан хон ҳол-аҳвол сўрашиб, жойларидан туруб, бир-бирларига қуллуқлаб, боз ўтурарлар.

**Нодир шоҳ** (қўноқларға). Бухорои шарифнинг улуғлари хуш келдингиз! (ҳаммалари туруб, қуллуқ қиларлар).

**Улфат.** Шаҳаншоҳ ҳазратларининг муборак ҳузурларига келган хоқонимиз, бир замонлар дунёни титратган Чингизхоннинг авлодиндан эрурлар. Туркистоннинг бутун хонлари, беклари хоқонимизға бўюнсунадирлар. Жонларини, молларини аямайлар. Шундай бўлса ҳам, хоқонимиз, эл-улуснинг тинчлиғини истаганлари учун, қўшни ўлкалар би-

лан урушмайлар. Ҳеч кимнинг юртини олмоқчи бўлмайлар. Яна шул муборак фикрларини билдирмак учун, Эрон шаҳаншоҳининг дарборлариғача келдилар.

**Ҳаким бей** (Улфат хўжа саройнинг бу сўзларини ёқтурмай турғонидан, тез сўзга киришар). Хоқонимизнинг асил ҳам улўғ бир хоқон бўлғонлари шаҳаншоҳ ҳазратлариға белгулидир. Кенг ўлкаларни олиб, бошқармоқ учун дунёга ора-сира онгли, кучли қаҳрамонлар келадирлар. Биз унларга «Соҳибқирон» деймиз. Бундай қаҳрамонларнинг йўлларини тутмоқ истаганлар эзилиб қолурлар. Мана бизнинг замонамизда етишкан соҳибқирон, сиз шаҳаншоҳ ҳазратларидирсиз. Сиз каби буюк соҳибқироннинг олдиға дўст бўлиб келмак ҳамда ўзини шундай олийжаноб подшоҳнинг ихтиёриға топширмоқдан хонимиз кўпдан-кўп мамнундирлар.

**Қози Низом.** Тангри кимга қарашса, давлат шунингдир. Тангри қўллағонларға қарши турмоқ бўлурлик иш эмасдир. Эрон шоҳиға тангри қарашғон экан, биз ҳам бўюнсунамиз. Бухоро хони бу кун ўзларини сиз шоҳаншоҳнинг ихтиёрингизға топшурғони келдилар. Бухоро тахтини сизға тортуқ қиладирлар. Бухоронинг эл-улуси ҳам бу ишға розидурлар. Сиз шоҳаншоҳни биз бу кун Бухоро тахти билан қутлаймиз.

**Нодир шоҳ.** Мен Бухороға тахт олғоли келмадим. Сизнинг элингиз ҳам турклар бўлғони учун сиз меним қариндошларим эрурсиз. Мен бу ерга, бир қариндош ўлкаға қўноқ бўлиб келдим. Бир неча онглашилмасликқа берилиб, менга қаршилиқ кўрсатмаганингизға қувондим; ҳаммангиздан рози бўлдим. Менга тортуқ қилғонингиз Бухоро тахтини ўзининг эгаси бўлғон Абдул Файзхонға қайтадан бағишладим. (Хон билан ҳаммалари туруб қуллук қиларлар.) Улкангизнинг бутун ишларини бошқориб турмоқни Ҳаким бей оталиққа топширдим. (Оталиқ туруб, қуллук қилар.) Барчангиз шунинг сўзиндан чиқмангиз. Мен сизнинг ўлкада тўрт-беш кун тураман. Сўнгра Хиваға борарман. Бунда турғонда, қўшунимнинг озукасини тайёрлаб бермак ҳамда Хиваға боришим учун кўмак қилмоғингизни сўрайман.

**Абул Файзхон.** Улуғ шоҳнинг қўшунлари ўлкамизда турғонча, керак бўлғон озукаси бизнинг томондан тайёрланғондир. (хизматчилар садаф ишланган кичкина бир «мосо» (устал) келтуриб, тахт олдиға қўюрлар, бошқа қўноқларнинг олдиға суфралар ёярлар. Турли ҳалволар, қулчалар, шарбатлар келтуруб тизарлар. Нодир шоҳ Абул Файзхонға мурўат қилғондан сўнг, ҳаммалари емакка киришарлар.)

**Нодир шоҳ** (Ҳаким бейга). Оталиқ, бу улўғларни бизга танитингиз!

**Ҳаким бей.** Подшоҳим! Бу киши Қози Низом, Бухоронинг катта қозиси. Бу киши Жўборхўжа Калони, бурунги ўзбак хонлариндан Абдуллахон бу кишининг боболариға ихлос қилғон. Бухоронинг кўп ерлари бунларга «авлодий вақф» бўлғондир. Бунлар Бухоронинг маънавий эгаларидир. Бу киши хоқонимизнинг хўжа саройлари ҳам энг ишончли кенгашчилари.

**Нодир шоҳ.** Кўп яхши. (Хўжа Калонга қараб.) Меним эшитганимга кўра, Бухоро теграсинда кўп вақтлар тинчсизлик бўлатура экан. Бунинг сабаби нимадир?!

**Хўжа Калон.** Подшоҳи олам! Биз подшоҳларнинг давлатлари учун дуо қилиб ётамиз. Бизнинг ундай ишлардан хабаримиз бўлмайди.

**Нодир шоҳ** (Қози Низомға). Қози жаноблари, сиз бу тўғрида бир нарса айтсангиз керак.

**Қози Низом.** Хоқонимизнинг давлатлари замонинда Бухоромиз тинчдир. Ҳеч бир ёқда тинчликсиз бўлғони йўқдир.

**Нодир шоҳ.** Иброҳим оталиқ деган киши Бухородан Самарқандга қочиб, унда куч тўплаб, Бухороға неча юрушлар қилғон, Бухорони ёмон чопғон экан. Бу хабар тўғрими?!

**Улфат.** Шаҳаншоҳ ҳазратлари! Бир подшоҳнинг марҳамати билан давлатға эришкандан сўнгра, ўз соҳиб давлатлариға ёғиқғон бундай одамлар ҳар ўлкада бор. Бунлар тезлик билан жазоларини кўрадилар. Иброҳим оталиқ ҳам шундай одамлардан эди, жазосини кўрди.

**Нодир шоҳ.** Бир ўлкада бўлатурғон ҳар воқеани текширмак, сабабларини излаб топмак, чораларини кўрмак шул ўлканинг бошлиқлариға лозимдир. «Еганлари тузни ўйламадилар», «жазоларини кўрдилар», «ўлкамиз тинчдир», деб ўтурмоқ билан ҳукумат иши юрмайдир.

**Ҳаким бей.** Подшоҳи оламға белгулидиким, бизнинг Бухорода кўп эл-ўймоқлар яшайлар. Бунларнинг ҳаммалари эскида беклик усули билан бошқара эдилар. Амир Темур Самарқандда кучли марказий бир ҳукумат қурғон бўлса-да, бутун умрини уруш майдонларинда ўтқаргани учун, элларимизни марказий идораға эсиндирмоқ йўлинда тубли бир иш кўра олмағон. Амир Темур ўлуб, ҳукумати кучсизланғач, бу эл-ўймоқлар яна ўзларининг эски беклик усуллариға қайта бошлағонлар. Шул вақтларда «Дашти қипчоқ»дан биз ўзбаклар билан манғитлар келдик. Шайбонихон, Абдуллахон каби ўзбак хонлари, марказийликни куч билан сақлаб қолдилар. Бунларнинг умри ҳам кўп вақтлари беклик усулини истаганларға қарши урушмоқ билан ўтди. Ундан кейин ўзбак ҳукумати ҳам кучсизланди. Эл-ўймоқларнинг бошлиқлари ўлкани кичкина бекликларға ажратиб, бошқормоқ тилаги билан яна кўтарилдилар, ўлкамиздаги тинчликсизликларнинг сабаби шу бўлса керак.

**Нодир шоҳ.** Меним биринчи тилагим ўлкангизнинг тинчилиғидир. Бундай тартибсиз-

ликларни битирмак лозим. Эл бошлиқларингиз, бекларингиз орасиндан ёғиларини, ёмонларини рўйхат қилиб, менга топшурингиз. Мен уларнинг ҳаммасини «Оқ уйли» қўшун ясаб, олиб борарман. Ҳам сизнинг ўлкангиз тинчланадир ҳамда унлар, мен билан юруб, дунё кўрарлар, ҳукуматлар, эллар, улуслар билан курашарар. Замон билан тонишиб қайтарлар.

**Ҳақим бей.** Шаҳаншоҳ ҳазратларининг бу муборак фикрлари чиндан фойдали бир фикрдир, албатта шундай қилинадир.

**[Мирзо Маҳди Нодир шоҳдан олғони бир ишорат билан туруб, ташқариға чиқар].**  
**Нодир шоҳ.** Бу фикр хон орқадошимизға ҳам қабул бўлса керак.

**Хон.** Фикри шоҳоналари яхши бир фикрдир. Шу кундан бошлаб, рўйхат тайёрламоқни оталиққа буюраман.

**Нодир шоҳ.** Мен Хиваға борарман. Ундан қайтғонимғача рўйхатларни тайёрлаб қўйсангиз бўлур.

**Ҳақим бей.** Хўб бўлибдир, шоҳим!

**[Мирзо Маҳди билан хизматчи бир катта, бир кичкина бўғчани кўтариб келарлар.** Мирзо Маҳди ўз қўлиндаги катта бўғчани ерга қўяр. Хизматчини шоҳнинг ёниға келтуруб, унинг кўтариб турғони бўғчани очар, хизматчи қўлиндаги бўғчада қийматли бир чопон билан қилч бор].

**Нодир шоҳ.** (қийматли тошлар билан безанган чопонни олиб.) Бизнинг Бухороға армуғонимиз, ўзим кийдирайин. (Жойидан турар, ҳаммалари турарлар, шоҳ чопонни Абул Файзхонға кийдирар. Олтун қинли, бриллиантли қилични хонға берар. Хон ҳурмат билан олиб, белига тақар. Мирзо Маҳди катта бўғчадаги чопонларни Ҳақим бей, Қози Низом, Хўжа Калон, Улфат хўжа саройға кийдирар берар, Бўлғач, «муборак!» дер. Ҳаммалари куллуқ қилиб, ўтурарлар).

**Хўжа Калон** (қўлларини кўтариб, дуо қилар). Тангри таоло подшоҳи оламға умр, давлат бериб, душманларини мафҳур айласун.

**Нодир шоҳ.** Эмди хон орқадошимиз ўзларига белгиланган чодирға бориб ёзилсунлар. Уғлум Ризоқули билан Мирзо Маҳди, сиз бунларга меҳмондор бўлингиз. Ҳақим оталиқ бизнинг ёнимизда қолсун, кенгашимиз бор. (Ҳаммалари турарлар. Нодир шоҳ хонни эшиккача узатар. Ҳақим бей билан Нодир шоҳдан бошқалари чиқарлар. Бунлар ўз жойларига қайтиб ўтурарлар.) Оталиқ! Хизматингиздан мамнун бўлдим. Сизга берганим сўздан қайтмадим. Бухоро хонлиғини сизнинг ўғлингизға олиб берарман. (Ҳақим бей куллуқ қилар.) Бироқ бу ишни тушунуб, ўйлабгина юрутмоқ керак. Хивадан қайтғонимдан сўнг, ўғлингиз Раҳим тўқсабони ҳам ўзим билан олиб борарман. Бир неча вақт мен билан юрсун, сўнгра бир оз Эрон қўшунини билан Бухороға қайтарурман. Сиз у вақтгача тайёрлигингни кўра берарсиз. Раҳим тўқсабо меним қўшуним билан Бухороға киргач, хонни йиқитарсиз. Бироқ Абул Файзхонни ўлдурмайсиз. Эсон-омон менга юборарсиз.

**Ҳақим бей.** Хўб бўлбдир, подшоҳим!

**Нодир шоҳ.** Абул Файзхонни ўлдурмасликка сўз берасизми?

**Ҳақим бей.** Албатта, бераман.

**Нодир шоҳ.** Уни менга юборурсиз.

**Ҳақим бей.** Албатта, юборурман.

**Нодир шоҳ** (эшикка қараб). Мирзо Маҳди! (Мирзо Маҳди келар). Юз минг рупия оталиққа берилсун. (Ҳақим бей куллуқ қилар). Эмди бориб ёзилингиз. (Ҳақим бей билан Мирзо Маҳди чиқарлар. Нодир шоҳ ётоқ уйига ўтар).

## Парда тушар

### ТҮРТИНЧИ ПАРДА

Эски бир гилам билан икки-уч эски кўрпа тўшалган ўртача бир уй. Четдаги бир кат узра Абул Файзхон кўйлақчан ётқон, ухлайдир. Кат ёнинда бир курсича узра қўюлгон шамдончанинг шами ёниб турадир. Бир оздан кейин Қурбонгул бир офтова сув олиб келар, офтовани тошнов ёниға қўюб, ўзи секингина қайтиб, хоннинг юзига қарар].

**Қурбонгул** (ёлғуз). Ухлайдир... шўрим қурсун, дуненинг қора чиқиқларини ўқимоқ учунми келдим мен! Худонинг сояси, деб подшоҳларнинг уйига сиғиндим. Бунда кўрганларимни ҳеч кўз кўрмасун. Меним шунча йиғлашларимға қарамайми, шул хон акасини ўлдурди. Унинг тахтиға чиқди. Кармина бегини бола-чақалари билан тутуб, келтуруб қамади. Сўнгра битта-битта ҳаммасини бўғдуруб, қудуққа ташлатди. Бу кун эса ўзини Раҳим бей қамаб қўюбдир. Эрта, албатта ўлдуарар. Бунинг жойида ўзи «сояни худо» бўлур. Бир-икки йилдан кейин яна биттаси чиқар. Уни ҳам соғанаға жўнатиб «сояни худо»лиқни ўзи олар. Бизда бу қора кунларнинг қайғуси қоладир. (Бир оз ўйлаб.) Тўғрисиини айтқанда, яна ўзимиз тинч. Худо сояси-да бўлмаймиз, ўлдурулмаймиз-да, оч қорним, тинч қўлоғим. (Унг қўлининг бармоқларини уч йўла ўпуб, елкасига урар.) Кўзим кўрмасин-э; Уч-тўрт йил худо сояси бўл, сўнгра қамал, сўнгра ўл... Менга нима керак шунлар. (Узоқдан келган азон товушини тинглаб). Азонлар ўқулди. Хонни уйғотай, намозини ўқусун. (Ётоқ олдиға бориб, хоннинг оёқларини уқалар.) Хон болам, арслоним... турмайсизми?



**Хон** (сесканиб уйғонар). Ҳаҳ... кимдир? (Ётоқда ўтуруб.) Кимдир? Сенми, Қурбонгул?

**Қурбонгул.** Мен, мен. Қўрқутдимми сизни?

**Хон** (кўзларини уқалаб). Йўқ, йўқ... Нечун келдинг?

**Қурбонгул.** Азон ўқулди, сув келтирдим, торат қилмайсизми?

**Хон.** Нима гаплар бор, Қурбонгул?

**Қурбонгул.** Тинчлик, арслоним!

**Хон** (уйлайдир). Бунлар ҳар сўрағонимда мана шундай тинчлик, деб мени дунёдан хабарсиз қолдирдилар. Мен қомоқда, тахтим бошқалар қўлинда, бола-чақаларим билмадим қаерда. Яна тинчлик экан. Билмам бунлар тинчликсиз деб, нимани дейлар. (Сўйлар). Қандэй тинчлик? Улфатдан хабаринг борми?

**Қурбонгул.** Улфат қочқон, уни ахтариб турарлар. Давлат тўқсабо билан Жиянқул бей, Хўжақул бей, Карим бей, Баҳрин бейни тутуб қомадилар, эртагача ўлдира эканлар.

**Хон** (кўз ёшларин артиб). Мени нима қилар эканлар, онгладингми?

**Қурбонгул.** Нега йиғлайсиз, арслоним?! Нима бўлса, худонинг буйруғи билан бўлар. Туна кун подшо бибийим улуғ эшонга кўп пул юбориб, сиз учун дуолар олдилар. Албатта, шунлар бир иш қилар.

**Хон.** Уғулларим қайда?

**Қурбонгул.** Омон, эсон, тинч, подшо бибийим билан бирга туралар.

**Хон.** Оҳ... ўгулларим, сизни кимга топшурарман эмди?! (Йиғлар.)

**Қурбонгул.** Нега йиғлайсиз, арслоним? Худо урсунким, болаларингизга ҳеч бир нарса бўлғон йўқ, унлар тинч ўтурубдурлар.

**Хон** (нафрат билан). Қўй мени ўз ҳолимга, бундан кейин шул тинч сўзини меним ёнимда айтма! Дунёда ҳеч бир маъноси бўлмағон бу сўзни сен энг ёмон маъноларда ишлатиб турасан. Мен қомалдим — тинч, болаларим қомоқда — тинч. Улфатни ахтаралар, Давлатни ўлдуралар, яна тинч! Бу қандай тинч, бу қандай тинчлик... Оҳ болаларим, сиз нега кичикликда бахтсизликка учрадингиз! Бунга меним сабаб бўлдим? (Қаттиқ йиғлар.) Кошки дунёга келмаган бўлса эдим. (Раҳим бей келар. Қурбонгул бир четда қўл қовуштуруб турар).

**Раҳим бей.** Хон ҳазрат, нега йиғлайсиз?!

**Хон** (сесканиб бошини кўрарар, истамайин ўрнидан турар.) Ҳеч!

**Раҳим бей.** Утурингиз, ўтурингиз. (хон ўтурар.) Нега йиғлайсиз?

**Хон.** Ҳеч, болаларим эсимга келдилар.

**Раҳим бей.** Бошга иш тушқач, энг аҳмоқ чора йиғламоқдир, йиғламангиз!

**Хон.** Мен сизга нима ёмонлик қилдим?!

**Раҳим бей.** Ҳеч!

**Хон.** Отангиз менга оталиқ эди. Бобонгиз мени тахтга ўтқузуб, оталиқ бўлди. Узингиз Эрондан келгач, бот оталиқ қилдим. Бутун ҳукумат ишларини сизга топшурдум. Яна Нодир шоҳнинг ўюнларига берилиб, мени қоматдингиз! Нодир шоҳ олдида мен билан сизнинг нима ойирмамиз бор? Бу кун мени тушурган экан, эрта сизни ҳам тушурмасми?!

**Раҳим бей.** Хон ҳазрат! Дунёда ҳар ким ўз кучига қарабгина ўрун тутадир. Бу тирикчиликнинг энг ўткур буйруғидирким: бунга бўюнсунмағонларнинг дунёдан чиқиб кетишлари лозим бўладир. Сиз, Бухорони идора қиларлик куч кўрсата олмадингиз. Давлатимизнинг буюк-буюк теракларини ўз қўлингиз билан йиқита бердингиз, бутун ишни менга эмас, бир «аҳмоқ муғамбил» бўлғон Улфатга топширддингиз. Тахтдан тушканингизнинг сабаби шулдир. Нодир шоҳнинг эса, бу ишдан хабари йўқдир. Нодир шоҳ сизни тушурган эмас.

**Хон.** Нодир шоҳнинг бу ишлардан хабари йўқ деганингиз ёлғон эмасми?

**Раҳим бей** (жилмайиб). Ёлғон эмас.

**Хон.** Нега Эрондан қўшун олиб келдингиз?

**Раҳим бей.** Каттакўрғонда чиққон Ибодуллабек фитнасини босдирмоқ учун.

**Хон.** Эмди мени нима қиласиз, ўлдурасизми?

**Раҳим бей.** Йў...қ, тангри сақласун бу ишдан.

**Хон** (ялиниб қўлларини узатар). Оталиқ, мени ўлдурмайсизми? Айтинг!

**Раҳим бей.** Сизни ўлдирмайман, хонлик ҳам менга керак эмас. Уғлунгиз Абдумўмин хонни сизнинг ўрнингизда эрта хон кўтараман.

**Хон.** Мени нима қиласиз?

**Раҳим бей.** Сиз шу ҳафта орасинда Эронга, Нодир шоҳ олдига борарсиз.

**Хон.** Уҳ... Худога шукур, мени ўлдирмангиз, мен ҳажга бораман, ҳажга.

**Раҳим бей** (жилмайиб). Ундан сўнгра қаёққа борсангиз, бора берарсиз. Ҳозирда мен сиздан бир нарсани сўрамоқ учун келдим.

**Хон.** Сўрангиз.

**Раҳим бей.** Пулларингиз қайда?

**Хон.** Хазина ўз қўлингизда-ку!

**Раҳим бей.** Сизнинг ўз хазинангиз?

**Хон.** Меним ўз пулларимни ҳисоби Улфатдадир, шундан сўрангиз?

**Раҳим бей.** Улфатнинг қайда эканини билмайсизми?

**Хон.** Билмайман.

**Раҳим бей.** Ҳай, сиз ўтурингиз. Яқинда Эронға борарсиз.

**Хон.** Болаларимни соғиндим. Шунларни менга юборсангиз, кўруб қўяй.

**Раҳим бей.** Хўб, Қурбонгул билан юборурман. (Қурбонгулга) Кел, сен билан юборай. (Қурбонгул билан чиқиб кетар.)

**Хон** (жойиндан туруб). Тонг ота ёзди. Таҳорат қилай эмди. (Тошновға келиб, офтова-ни олиб, таҳорат қила бошлар.) Тангридан бошқа кимсам қолмади, кўрасизми ҳамма жанжаллар пул учун экан. (Хон таҳоратни битира ёзгонда, Абдулмумин тўра билан укаси кириб салом берарлар.)

**Хон.** (таҳоратни битириб турар). Ҳа ўғулларим келдингизми? (юзини артиб, унларни битта-битта қучоқлаб ўлар.) Қалайсен, ўғлум?! (кўз ёшларини артар.)

**Абдумўмин.** Шукур.

**Хон.** Сен қалай? (кичкина ўғли бўйнини букмак билан жавоб берган бўлар.) Онанг қайда?

**Абдумўмин.** Уйда.

**Хон.** Ҳаммангиз бир уйдами?

**Абдумўмин.** Ҳа, бир уйда. (Хон кичкина ўғлини қучоқлаб, манглайдан ўпар, катта ўғлини қучоқлаб, бошини унинг нумузиға қўюб йиғлар.)

**Болалар** (бирдан йиғлаб, хонга ёпишиб). Ота, жоним, нега йиғлайсиз? Бизни нима қиларлар эмди?

**Хон.** Ҳеч, ўғлум, ҳеч. Кетингиз эмди, онангизнинг ёнинда турингиз. (яна қучоқлаб ўпар. Иккаласини эшиккача келтуруб, яна ўпуб, узатар. Шу л чоғда икки ғижжакнинг «Бе-бокча» куйлагани эшитилар. Хон чолғу товушини қайғу остинда тинглагондан сўнг сўй-лар.) Инсонлар, дунёнинг уялмоқ билмаган ҳайвонлари! Бирингизнинг кўз ёшлари, би-рингизнинг шодлик — боғчаларни соғорадир. Бирингизни мотам инграшлари, яна би-рингизни тўй чолғуларини куйлатадир. Бир-бирингизнинг борлиқларини еб, ҳирсларин-гизни тўйдурмоқдан қачонғача безмайсиз! (кун оқарғонин кўруб.) Намозимни ўқуб олайин. (Жойнамозни ёяр, намознинг биринчи ракатини ўқуғач, уйнинг бир пучмоғин-дан деворнинг тешилгани сезиладир. Кесак, тупроқлар тўкула берар. Хон намознинг ик-кинчи ракатини тез битирар. Телбаланиб турар. Буюк бир кўрку билан ишнинг сўнгини кутуб турар. Девор каттарак очилғоч, узун соқолли бир қишлоқли бир қозма кўтариб чи-қар). Бу ким?... Сен кимсен?! (Ҳалиги одам гапурмайин қозмасини ерга қўюб, телпагини олиб, ясама соқолини ешғач, Улфат экани онглашилар). Улфат!...

**Улфат.** Мен, Улфат қулингизман, хоқоним!

**Хон.** Оҳ... Улфат, нега бундай келдинг?

**Улфат.** Қўрқмангиз, сизга хизмат учун. (Хонни қўлтуғиндан олиб катга ўтқазар. Уй-нинг эшигини секингина ёпар. Қайтиб келиб, хон ёнида ўтурар.) Биласизми, Раҳим бей мени тутуб ўлдурмак учун тиришадир. Мен қочиб юрубман.

**Хон** Қайда эдинг?

**Улфат.** Мен Эрон қўшунинда эдим.

**Хон.** Ишимиз нима бўлар? Мени Эронға юбора эканлар, тўғримми?

**Улфат.** Нодир шоҳға Раҳим бей ҳам, Ҳаким бей ҳам сизни ўлдирмаслик учун сўз берган эканлар. Нодир шҳни буйруғи билан Раҳим бейга қўшулуб келган Эрон қўшуни сизни омон-эсон олиб қайтарға шоҳдан буйруқ олғон эканлар.

**Хон.** Қачон борармиз эмди?

**Улфат.** Тўхтанг, ҳали иш бузулиб қолғон.

**Хон.** Нима бўлғон?

**Улфат.** Нодир шоҳнинг ўлум хабари келган.

**Хон.** Ким ўлдирган уни?! Э, вой... Мени ҳам бахтим қаро экан!

**Улфат.** Эрон эли ёғиқиб, уни ўлдирганлар. Бу хабар Бухороға келгандан сўнг Раҳим бей сизни юбормоқ фикриндан қайтқон.

**Хон.** Эмди мен нима қиламан?

**Улфат.** Эрон қўшуни сизни омон-эсон қўлиға олмаса, Бухородан кўчмайдир. Бунн шу кун Раҳим бейга билдирдилар.

**Хон.** Нима деган у?

**Улфат.** Ҳануз бир нарса демаган, бироқ, Эроннинг қўшун бошлиқлари Раҳим бей сизни ўлдуруб қўямасун, деб қўрқалар. Сизни иш қилиб қочирмоқ учун мени юборди-лар. Шу тобда мен билан қочасиз. (эшикка бориб, тинглагондан сўнг.) Келингиз, шаҳар-дан чиқиб, Эрон қўшуниға қўшуламиз.

**Хон.** Қандай қилиб қочаман?

**Улфат.** Қочмоқнинг қандай-мандойи йўқ, мана шу йўлға кириб олсангиз, қочиб қуту-лармиз. Менга ишонингиз, ҳеч қўрқмангиз.

**Хон.** Болаларни нима қилойин?

**Улфат.** Вақтимиз оз қолғон. Юрингиз, тез қочайлик, бир бало чиқмасун.

**Хон.** Болаларим нима бўлалар?

**Улфат.** (эшикни тинглаб қайтгондин сўнг). Бухоро тахтиға Чингиз болалариндан бошқа киши чиқарилмайдир. Шунинг учун Раҳим бей катта ўғлингизни хон кўтарадир.

Сизнинг унларга ишингиз бўлмасун. (қўлини тутуб.) Турунгиз, бот қочайлик, эмди.

**Хон.** (ўрнидан турар). Мен қочғоч, болаларимни ўлдирмайларми?

**Улфат.** Улдирма олмайлар. Уғлингизни хон кўтаришдан бошқа чоралари йўқдир. Юрингиз, тез қочайлик. (хонни эшикка олиб борар.) Киригиз, тез юрингиз!

**Хон.** (бирдан кейинга отилиб). Йўқ, қочмайман, қочсам болаларимни ўлдурурлар.

**Улфат.** Уф!.. (югуриб эшикка бориб, тинглагондан сўнг.) Нега бундай қиласиз? Шу тобда биттаси келиб, шу ҳолни кўрса, иккимизни ҳам ўлдуралар.

**Хон.** Мен Эронда нима қиларман?

**Улфат.** Ундан куч йиғиб, қайтармиз-да, яна Раҳим бей билан урушармиз. Эрон сизга ёт эмас, боболарингиздан нечалари Бухородан Эронга кўчганлар. Келингиз, тез қочайлик. Киригиз тез!

**Хон.** (кирмакчи бўлуб, яна қайтар). Оҳ... болаларим! Сизни кимга ташлаб кетаман?

**Улфат.** Нега бундай қиласиз, келиб икковимизни ҳам ўлдурурлар!

**Хон.** (жуда қисилгон). Тўхта бир оз, Улфат! Болаларимни чақириб, бир кўрай!

**Улфат.** (ўз юзларига уруб). Эй, вой, битдик, шу тобда келиб бизни ўлдурарлар. Барибир болаларингизни кўра олмайсиз!

**Хон.** Нега кўра олмайман?

**Улфат.** Кўра олмайсиз, чунки... (бир товуш сезган каби бўлуб, югуруб эшикка бориб тинглар, телба бўлуб қайтар.) Хон! Одамлар келалар. (соқолини тақар.) Келинг, қочамиз. (Қозмасини олар.) Келинг, тез келинг. (Оёқ товушлари келар.) Мен қочдим, келинг. (Тешикка киргандан сўнг бошини чиқариб, хонни чақирар.) Келинг, хон (Хон ҳам югуруб, тешикка кирмакчи бўлғоч, уч жаллод катта пичоқлар олиб келалар. Улфат қочар. Жаллодлар қотиб қолгон хонни келиб тутарлар.)

**Жаллодбоши.** Бу нима? Ким келди, бу йўлдан? (Хон индамайди.) Ким келди бу йўлдан? (Пичоқни кўтарар.)

**Хон.** Улфат келган эди. Мени қочирмоқчи бўлди, кетмадим. (Жаллодлар шошиб бир-бирларига қарайлар.)

**Жаллодбоши.** (Бир жаллодга) Чоп, Бекга хабар бер, қоровул берсунлар, шу уйнинг орқасига боруб ахтарармиз. (Жаллод югуруб чиқар.) Биз иккимиз бу кишининг ишини кўрайлик. (Иккала жаллод пичоқларини кўтариб, хонга ҳужум қиларлар.)

**Хон** (Жаллодлар билан талашиб, қичкирадир). Нега мени ўлдурасиз? Вой, дод!

**Жаллодбоши.** Уғлингиз буюрдилар.

**Хон** (Толошда). Уғлум... Йўқ... У буюрмас... (Пичоқ кўкрагига тегар) Воҳ, ўлдим. (Яна бир пичоқ урар. Хон йиқилар.) Оҳ, нега қочмадим... Болаларим... Улдим... Улфат... (деб жон чекишар. Жаллодлар пичоқларини қинларига солиб, хоннинг сўнг сўлишини кутуб турарлар. Шу тобда Улфат қишлоқли афтинда, катта бир пичоқ кўлинда, тешикдан чиқар, секингина жаллодбошига яқинлашиб, пичоқни суқуб юборар. Жаллодбоши «воҳ» деб йиқилғоч, Улфат иккинчи жаллодга ҳужум қилар. Ул қичқириб қочар. Улфат хоннинг ўлуги устига келар.)

**Улфат.** Юраксиз хон, қочмади, ўлди. Муҳрини олай. Йўлда керак бўлур. (Хоннинг кассасиндан муҳрини тез олиб, югуруб тешикка бориб йўқолар. Оёқ товушлари келар. Қолгон жаллод билан беш киши қиличлар чекиб кирарлар.)

**Жаллод.** (Тешикни кўрсатиб). Мана шундан келди. (Уч киши югуруб кирарлар. Қолгонлари «Биз ташқаридан борайлик» деб чопиб чиқарлар.)

Парда тушар.

## БЕШИНЧИ ПАРДА

Саҳнанинг тўрида қоронғу бир зиндон. («Чил духтарон» зиндони). Улфат ҳўжа сарой, Давлат тўқсабо билан яна икки-уч бекнинг ўлуқлари осилгон, ўтқузуб бўғдурилгон, қонга бўлиб ётгон бир ҳолда турадир. Четда қорамой чироғи тутунлар сочиб, ёнмоқда. Бир оздан кейин Раҳим бей ёлғуз келар. Оғир бир юрүш билан юруб, ўлуқларнинг ҳар биттасига эс қўюб қараб, зиндонни бир айланиб чиқар. Раҳим бей кетгач, манзара ўзгариб, саҳнанинг бери ёнинда Бухоро аркининг саломлик айвони кўринадир. Айвон остиндаги тахтнинг ҳар томонида қийматли қолинлар, кўрпалар тўшалган, шамлар, чилчироғлар ёниб турадир. Раҳим бей расмий кийими билан камарлик, қиличлик ҳолда бир томондан кўрунуб, секинлаб тахтга яқинлашар. Бир оёғини тахтнинг босқичига қўюб, тиззасига таяниб сўйлар).

**Раҳим бей.** Йўлимизнинг ози қолди. Манзилга эриша ёздик. Абул Файзхон кетди. Уни ёқлагонларнинг-да руҳларига фотиҳа ўқуб келдим. Эмди ким қолди? Чумчуқ каби кичкина бир хон! Шундай (қўли билан кўрсатиб) оласан, калласини узиб ташлайсан!.. Руҳинг шод бўлғой, отам, сен битирмаган ишни мен битирдим. Йўқ, бунларнинг ҳаммаси сен эккан уруқларнинг мебасидир. Сен менга йўл кўрсатмаса эдинг, сен Нодир шох билан дўстлашиб, мени унга юбормаса эдинг, бу ишлар бўлмас эди. Бўлғонда ҳам, жуда қийинлик билан бўлар эди. (Мир Вафо келар.)

**Мир Вафо.** Йўлдош қаландар келибдир. Сўзи бор экан. Бошқа бир йўл билан олиб келдим.

**Раҳим бей.** Келтурингиз. (Мир Вафо панада турғон Йўлдошни чақирар. Йўлдош ул бурунги қаландар афти билан келиб, дуо қилар.)

**Йўлдош.** Омин, тезрак бу оёгингизни иккинчи босқичга қўюб, тахтга чиққойсиз. Оллоҳу акбар.

**Раҳим бей** (кулуб). Ҳа. Тентак, нима гап?

**Йўлдош.** Яхшилиқ, бек! Сизнинг хон бўлишингиз тўғрисида одамлар бир-бирлари-га сўйлашиб туралар.

**Раҳим бей.** Нима дейлар?

**Йўлдош.** Одамлар рози, хонлиқ оталиқ бекнинг ҳаққи дейлар. Бироқ беклар, эл бошлиқлари бу ишга кўнмайлар. Чингиз авлоди бўлмағон киши хон бўла олмас, дейлар. Мана шу сўзлар, бошқа одамларни бир оз тушундирадир. Шунга бир чора қилишингиз керак.

**Раҳим бей.** Қандай чора?!

**Мир Вафо.** Бунинг чораси қулай, муллолардан бир фатво оласиз. Шунинг билан битадир.

**Раҳим бей.** Уни қиламиз.

**Йўлдош.** Яна бир қизиқ гап бор. Эрондан келтурган қўноқларингиз, бошимизга бир бало чиқармасалар, яхши эди.

**Раҳим бей.** Нима қилдилар? (Юрар.)

**Йўлдош.** Бухорони манғилардан тозалаш керак, деб сўз торқатар эканлар. Бир неча бекларимизга кишилар юбориб, «Сиз ишга киришингиз, биз ёрдам қиламиз» деганлар. Абдумўминхонни арқдан қочириб, сўнгра Сиз билан урушмоқчи эканлар, деган хабарлар бор.

**Раҳим бей.** Аҳмоқлар, Бухорода нима ишлари бор экан?! Нодир шоҳ ўлдирилган, юртлари бузулуб турадир. Бориб ўз ишларини тузатсунлар.

**Мир Вафо.** Бек, Абдумўминхоннинг ишини бир ёқлик қилмасангиз, яна бир жанжал чиқар.

**Раҳим бей** (Мир Вафога). Сиз бунни чиқариб юборинг, Охун билан Қози Низомни меним ёнимга чақиринг. Узингиз Эрон қўшунига бориб, сардорларга айтинг, ўзларини кўрмак истаيمان, келсунлар. (Донёл бей келар, Мир Вафо билан қаландар унга салом бериб чиқарлар.)

**Донёл бей.** (Раҳим бейга). Бу қаландар ким?

**Раҳим бей.** Тонимайсизми?

**Донёл бей.** Тонишга ўхшайдир.

**Раҳим бей.** Бир кеча отам билан ўтурғонимда келган эди-ку.

**Донёл бей.** Ҳа... Бу бор экан. О... Шунинг сўзларини эслайсизми? Каромати бор экан. Боя айтсангиз эди, дуосини олар эдим.

**Раҳим бей.** Ҳай, яна келар.

**Донёл бей.** Иброҳим кенагасни келтурдилар.

**Раҳим бей.** Қани?

**Донёл бей.** Сақловда турубдур.

**Раҳим бей.** О, бола! (хизматчи келар.) Сақловга чиқиб айт, Иброҳим оталиқни келтурсунлар. (Хизматчи кетар.)

**Донёл бей.** Қўлларини боғлаб келтурганлар, бечора қариб қолғон.

**Раҳим бей.** Кўзи кўрмайдирми?

**Донёл бей.** Йўқ, кўрмайдир, бечоранинг дуосини олсангиз, яхши бўлур.

**Раҳим бей.** Албатта, унга ҳурмат қиламиз. (Бир киши Иброҳим бейни келтурар, қўллари боғланғон, кўзи кўрмайдир). Оталиқнинг қўлларини оч! (Ҳалиги киши Иброҳим бейнинг қўлларини очар.) Оталиқ амак, ўтурингиз, қалайсиз?

**Иброҳим бей** (ўтурар). Кўзим кўрмайдир. Сиз ким бўласиз?

**Раҳим бей.** Тонимадингизми? Мен Раҳим бей.

**Иброҳим бей.** Ҳа, тонидим, тонидим. Худога шукур, яхшиман.

**Донёл бей.** Ҳали мени ҳам тонимасангиз-чи, оталиқ!

**Иброҳим бей.** (Бир оз ўйлаб). Сиз Донёл бей эмасми?

**Донёл бей.** Топдингиз.

**Иброҳим бей.** Қалайсиз, ука? Кўрушайлик, э-э... (Қўлларини узатар, кўрушарлар.) Эскилардан ёлғиз сиз қолибсиз. Раҳматлик акаларингиз ўлганлар эканлар.

**Донёл бей.** Ҳа, тангри ёрлақасун, ўлдилар.

**Иброҳим бей.** Ҳай, дунё шундай экан, битта келиб, битта кетар эканда.

**Раҳим бей.** Оталиқ амак, мени қутламайсизми?

**Иброҳим бей.** Сизни нега қутлай эканман, жияним?

**Раҳим бей.** Душманингизни ўлдурдим. (Ўтурар.)

**Иброҳим бей.** Сиз ўлдурмаганда, ўзи ўлмасми эди?

**Раҳим бей.** Шундай экан, сиз нега унга ёғиқиб шунча урушдингиз?!

**Иброҳим бей.** У элга ёмонлиқ қилди. Юртни талади, ҳукумат ишларига қарамади. Кеча-кундуз чоғир ичиб ётди. Мен унинг шул ишлариға қарши бўлуб урушдим.

**Раҳим бей.** Мен нима қилдим?!

**Иброҳим бей.** Сиз бу ишларни ўзингиз учун қиласиз-ку, чоғи!

**Раҳим бей.** Қайдан билдингиз?!

**Иброҳим бей.** Раҳматлик отангизнинг Нодир шоҳ этагига ёпишқонини билар эдим. Сиз ҳам Нодир шоҳга бордингиз. Унинг қўшунини келтурдингиз. Абул Файзхонни ўлдургандан сўнгра, бутун ишни ўз қўлингизга олиб турубсиз.

**Раҳим бей.** Абдумўмин тўрани хон кўтарганимиздан хабарингиз йўқми, амак?

**Иброҳим бей.** Абдумўмин тўра ўн беш яшар бир бола. Уни хон кўтардингиз нима, кўтармадингиз нима!

**Раҳим бей.** Сиз бўлғонда нима қилар эдингиз?!

**Иброҳим бей.** Мен бўлғонда, Абул Файзхонни тушургач, қурултой чақирар эдим. Янги хон билан унинг оталиғини эл бошлиқларининг кенгашлари билан белгилар эдим.

**Раҳим бей.** Мана эл бошлиқларидан биттаси сиз. Элингиз кенагас; Бухоронинг тубчак, буюк бир эли. Келингиз, бундай маъносиз сўзларни қўйингиз, биргалашиб, кенгашиб ишлайлик. Абдумўминхоннинг ҳукуматини бириктирайлик.

**Иброҳим бей.** Мен жуда яхши биламан, сиз шу кун-эрта Абдумўминни ҳам отасининг орқасига юбориб, тахтини оларсиз. Жияним, мен Абдул Файзхон билан урушдим, чунки ул ҳақсизлиқ қилғон эди. Сиз бу кун ундан ортуқ ҳақсизлиқ қила турубсиз. Кўзим бўлса эди, эртадан бошлаб, сиз билан ҳам урушар эдим. Нима қилайким кўзим йўқ. Ҳай, сиз-ку, Бухоро тахтини оларсиз. Абдумўминни ўлдурарсиз. Балким меним ҳам ўлдурарсиз, бироқ шуни билиб қўйингизким: бу тахт сизнинг болаларингизга юкмағусидир. (Охун билан Қози Низом салом бериб келарлар.)

**Раҳим бей.** Марҳамат қилсунлар. (Иброҳим бейни кўрсатиб.) Оталиқни тонимадингизми?

**Охун.** (Иброҳим бейга қарагандан сўнг). Кенагас оталиқми? Кўрушайлик, э... (иккаласи бориб кўрушга, ўтурарлар.)

**Қози Низом** (Иброҳим бейга). Оталиқ, худога шукур қилингиз. Бекнинг ғайратлари билан душманларингиз йўқолдилар. Эмди қолғон умрингизни шу кишининг кўлагасинда тинчгина ўтқарсиз. (Иброҳим бей жавоб бермайди.)

**Раҳим бей.** Бир-икки шаръий масала бор. Шуни сўрамоқ учун сизларни чақирдим.

**Охун.** Марҳамат қилинг, тахсир!

**Раҳим бей.** Шул тўрт-беш кунлик жанжалимизда Абул Файзхон билан яна бир неча киши ўлдилар.

**Охун.** Ҳо, тахсир...

**Раҳим бей.** Бунларнинг ўлумига мен сабаб бўлдим. Шунинг шариятда ҳукми нима бўлса?

**Охун.** Тахсир, ҳо тахсир, масалан «Болвои ом»да ўлганларнинг қотили ҳеч ким бўлмайди. Унлар «Болвои ом»га сабаб бўлдилар, ўзлари ўлдилар, шариятнинг ҳукми шудир, тахсир.

**Қози Низом.** Абул Файзхон ҳукумат ишларини бажара олмади. Шунинг учун ҳукуматни бошқа кишига топшурмоғи керак бўлди. Буни қилмоғоч, жазосини кўрди.

**Раҳим бей.** Бизнинг орамизда бир сўз бор: Чингизхон авлодидан бўлмағон киши хон бўла олмайди, дейлар. Бу тўғринда шариятнинг ҳукми нима бўлса?

**Охун.** Шариятда бундай бир нарса йўқдир. Кимнинг қўлиндан иш келса, шул хон бўла берадир.

**Раҳим бей.** Шул эски масала тўғрисида ривоят берасизми, тахсир?

**Қози Низом.** Албатта, берамиз.

**Раҳим бей.** Эрта шуни ёзиб келтурингиз!

**Охун.** Хўб бўлубдир.

**Иброҳим бей.** Раҳматлик Ражабхон билан бирлашиб, Абул Файзхонга қарши урушганимизда, шундай кенгашган эдикким: Бухорога бориб кирсак, бутун муллоларни бир мадрасага солиб ўт қўямиз-да, ҳаммасини ёндираемиз. Элимизни бузуб, расво қилғон шунлар. Бунлар, динингизни тузатамиз, деб дунёемизни мурдор қилдик.

**Қозим Низом.** Нима қилдик, биз?!

**Иброҳим бей.** Сиз Қози Низом эмасми?

**Қози Низом.** Ҳа, мен Қози Низом.

**Иброҳим бей.** Туна кун Абул Файзхонни «сояйи худо» деб оёқларини ўпмағон эдингизми? Абул Файзхон хотунлар билан ичишиб ётғон бир кечанинг эртасинда, унинг олдида келиб, «Бу кеча тушимда пайғамбарни кўрдим; сизни сўраб юбордилар» деб, чопон кийганингизни унутдингизми? Туна кун сизга чопон берган сояйи худонинг ўлимига бу кун фатво берасиз, ҳеч уёлмайсизми? Тушингизда Абул Файзхонни сўрағон пайғамбар, яна бир йўла тушингизга кириб, уни сўрасалар, нима дейсиз? Бунлар оз эмиш каби Чингизхоннинг ёсоғини ҳам йўқ қилмоқчи бўласизми?

**Донёл бей.** Оталиқ ака, шариятнинг ҳукми шу экан-да.

**Иброҳим бей.** Мен шарият-мариятни билмайман. Ишингизни тўғриламоқчи бўлсангиз, қурултой чақирасиз. Бунларнинг сўзи ярим чақага арзимайди.

(Мир Вафо келар.)

**Мир Вафо.** Эрон сардорлари келдилар.

**Раҳим бей.** (Донёл бейга.) Оталикни сиз қўноқ қилингиз. Бу кишига яхши қарашиб, ҳурмат кўрсатингиз. (Мир Вафога.) Сиз сардорларни келтурингиз. (Донёл бей, Иброҳим бей, Мир Вафо чиқарлар. Раҳим бей муллоларга сўйлар.) Мен Эрон сардорларини чақирдим. Эрон қўшуни Бухорода қола берса, яхши бўлмайдир. Бухородан чиқиб кетишларини таклиф қиламан.

**Охун.** Кўп яхши қиласиз, бек. Келган қўноқнинг кетиши йўқми? Бухорода нима ишлари бор?

**Раҳим бей.** Бу кеча меним сўзимни тингламай, яна Бухорода қолмоқчи бўлсалар, бу тўғрида эрта сизлар билан бошқача кенгашармиз. Албатта, эрта шул ривоятларни олиб келарсиз.

**Охун.**  
**Қози Низом.** } Хўб бўлубдир. (Турарлар.)

**Раҳим бей.** Кетасизми энди?

**Охун.** Кетайлик, бек.

**Раҳим бей.** Хўб. (Охун билан Қози Низом чиқади, Мир Вафо билан Эрон сардорлари Ҳусайнхон, Аҳмадхон келарлар. Саломдан сўнг ўтурмасдан сўйлашарлар.)

**Ҳусайнхон.** Чақирғон экансиз, келдик, бек!

**Раҳим бей.** Хуш келдингиз. Сизни чарчатқонимнинг сабаби шул: азиз қўноқларимиз бўлғон Эрон қўшуни биз учун кўп мусофирчилик чекдилар. Шукур, мана ўлкамиз тинчланиб қолди. Эшитишимизга кўра подшоҳимиз Нодир шоҳ шаҳид бўлғонлар. Энди бу азиз қўноқларга хизматларига ёраша «Жалду»лар<sup>1</sup> бериб, юртлариға қайторсак, биздан рози бўлурларми?

**Ҳусайнхон.** Бек, қароримиз бошқача эди. Бизга Абул Файзхонни омон-эсон — Эронга эришдирмак хизмати топширулғон. Сиз Абул Файзхонни бизга қачон топшурсангиз, биз шул дақиқада чиқиб кета берармиз. Хонни топшурмай экансиз, Эрон қўшуни ҳам ёта берадир.

**Раҳим бей.** Нодир шоҳ ўлмаганда, мен Абул Файзхонни, албатта, сиз билан юборар эдим. Бу кун Нодир шоҳ ўлган. Эронда Абул Файзхоннинг ҳеч кимга кераклиги йўқ. Шунинг учун хонни сизга топшурмоқнинг маъноси қолмағон.

**Ҳусайнхон.** Нодир шоҳ ўлган бўлса, Эрон тирикдир. Эрон подшоҳи «Абул Файзхоннинг жонини қутқорингиз» деб эди ўз қўшуниға. Биз унинг шул буйруғини ерига келтурармиз.

**Раҳим бей.** Майли. Бизнинг хон сизга шунча лозим экан, чиқариб берар эдим, бироқ у киши шу кун эрталаб ўзларини ўлдурганлар. Ўлуқларини сизга чиқариб бермак унумсиздир.

**Ҳусайнхон.** Нима, Абул Файзхон ўлдими?

**Раҳим бей.** Шу кун эрта билан ўзларини пичоқлаб ўлдирдилар. (Эрон сардорлари ҳайрат билан бир-бирларига қарайлар. Раҳим бей сўзининг таъсирини кўргач, гапура берар). Азиз қўноқларим! Абул Файзхон ўлди. Нодир шоҳ ўлди. Сизнинг бундай ёт ўлкада бошсиз, тилаксиз турушингиз фойдасиз бир иш. Элимиз Нодир шоҳнинг ўлганини эшитса, сизни тинч қўймаса керак. Хазинадан сизларга йигирма минг тангадан пул берайлик, қўшунингизға улашиб берингиз-да, юртингизға қараб кета берингиз.

**Аҳмадхон.** Бек! Биз бу ишдан бир нарса онглаёлмадик. Хонни ким ўлдирган? Узими, душманларими? Бу очик билинмади. Биз, қўшунимизға қайтиб кенгашармиз. Қандай бир қарорға келсак, сизга билдурармиз.

**Раҳим бей.** Хўб, қачон билдурарсиз?

**Аҳмадхон.** Эрта билдурсак керак.

**Раҳим бей.** Хўб бўладир. Шундай қилингиз.

**Ҳусайнхон.** Худо ҳофиз, бек!

**Раҳим бей.** Худо ҳофиз. (Эрон сардорлари чиқиб кетарлар.)

**Раҳим бей.** Сиз Ўрдаға борингиз. Абдумўминхонни кўрингиз. Эрон сардорлари, сиздан фотиҳа олиб, юртлариға қайтар эканлар, деб бу ёққа юборингиз. Узингиз кета берингиз.

**Мир Вафо.** Хўб. (Кетар.)

**Раҳим бей.** (ёлғуз юруб сўйлар.) Энди иккинчи босқични босмоқ керак. Бу қўғирчоқни йўқ этмасак, бошимизға бир бало чиқғусидек кўринадир. (Киссасиндан бир кичкинагина шишача чиқариб, шунда турғон шарбат шишасига ағдарар. Яна юра бошлаб, бирдан кулар.) Эрон сардорлари бунинг ҳам ўлганини эшитсалар, ўзлари қочиб кетарлар. Биз тутмоқчи бўлсак ҳам турмаслар.

**(Абдумўмин кийиниб, тож қўйғони ҳолда кулуб келар.)**

**Абдумўминхон.** Бек бобо, мени чақирдингизми?

**Раҳим бей.** Ҳа, ўғлум, сизни чақирдим. Эрон сардорлари юртлариға қайтар эканлар. Сизни кўруб фотиҳа оларлар.

**Абдумўминхон.** Қани?

**Раҳим бей.** Келарлар. Сиз тахтға чиқиб ўтурингиз. (Абдумўминхон тахтға чиқиб

<sup>1</sup> Жалду — мукофот.

ўтурар.) Эрон сардорлари келганда «Нечун кетасиз, бизнинг Бухорода қолсангиз бўлмасми?» деб қаранг. Унлар йўқ, кетамиз, дейлар. Сўнгра, бунларга йигирма минг тангадан пул берулсун, деб менга буюрингиз.

**Абдумўминхон.** Хўб.

**Раҳим бей** (шарбат шашасига ёндошиб, шундан бир пиёла ичкан бўлуб). Бай-бай-бай, яхши шарбат экан-да, сиз томоқ едингизми?

**Абдумўминхон.** Ҳа, едим.

**Раҳим бей.** Бир пиёла ичасизми?

**Абдумўминхон.** Ҳай, ичаман. (Раҳим бей пиёлани тўлдуриб берар. Абдумўминхон бирдан ичар). Бир оз аччиғми?

**Раҳим бей.** Бир оз... (Пиёлани олиб жойиға қўяр.) Албатта фойдали дорулар солингондур. Эрта Қози Низомға мирасадлик ўруни берсангиз бўлурми?

**Абдумўминхон.** Бўлур. (юрагини тутуб.) Юрагини ёндуруб юборди, бу нима эди?

**Раҳим бей.** Менга бир нарса бўлмади-ку!

**Абдумўминхон** (икки қўли билан кўкрагини тутуб, буруладир). Вой, ёндим. (Яли-нар.) Бек бобоюн, бу нима эди? Ёндим.

**Раҳим бей.** Жим турингиз, ҳеч нарса қилмайдир.

**Абдумўминхон** (чидай олмай). Вой, ёндим... бир оз сув берингиз! (Абдумўминхоннинг кўзлари олайиб, юзи бузила бошлар). Ёндим. Бир оз сув берингиз! (Қусмоқ истаганда, тахтан юмаланиб, тубанга тушар. Раҳим бейнинг сингирлари бузулар, кучли бир виждон азобига учраган қабил, деворға таяниб, кўзларини Абдумўминга тикиб қотиб қолар. Қусиб, толпиниб, қиналиб ётгон Абдумўминхон бирдан бошини кўтарар.) Жаллод! (Раҳим бей сесканар.) Мени ҳам ўлдурдингми?! (Яна йиқилиб, толпина-толпина жон берар. Кўк гумбурлар, қаттиқ бир ел эсиб, шамларни ўчурар. Шу тобда тахтнинг бир четиндан, йигирма яшар эронли бир афт-бир хаёл чиқар. Сочи орқаға қайтарилиб, бўйни тўғриси-дан кесилган, боши яланг, эгнида кафан, оғир юруб Раҳим бейнинг қаршисиға бориб турар. Раҳим бей жуда кўрқиб, қаттиқ титрар.)

**Раҳим бей** (бўғуқ). Бу ким?... Ким бу?... (Хаёл қўли билан имлагач, парда очилиб, ўлуклар тургон бояғи зиндон кўринур.)

**Хаёл.** (Оғир товуш билан шул форсча «назм»ни ўкур)

**Сурати адли Хисравон ин аст.** (Зиндонни кўрсатур):

**Зулм дар олами ғараз дин аст.**

**Ожизонро диҳанд ғутта ба хун.** (Ўлукларни кўрсатур).

**То шавад хилвати ҳавас гўлгун.**

## НАШРГА ТАЙЕРЛОВЧИДАН

*Мабодо, сўз Абдурауф ўғли Фитрат ҳақида, унинг илмий ва ёзувчилик фаолияти ҳақида борадиган бўлса, бу азиз зотнинг, аввало, ўзбек адабиёти тарихини мукамал билувчи, туркишунос катта олим деб танимоқ керак. Ўзбек совет адабиёти тарихини, айниқса 20-йиллар адабиёти тарихини Фитратсиз тасаввур қилиш қийин.*

*Чиндан ҳам Фитратнинг фаолияти Октябрь революциясидан илгариеқ бошланишига қарамай, сермахсул ижодиёти йигирманчи ва ўттизинчи йилларнинг бошларида намён бўлди.*

*Унинг шеърый драматик асарлари, музика тарихи ва тил-имло масалаларига оид бир қатор йирик тадқиқотлари ўша даврларда нашр этилган.*

*Мазкур «Абул Файзхон» фожиаси воқеа мазмуни ва тарихий фактларга бой, реал асар бўлиши билан жозибалидир. Унинг ҳозирги кун учун ҳам маълум даражада ҳар томонлама аҳамияти катта. Асарнинг охири қисмида «Тангри»га хитоб қилиб, айтилган монолог ҳарқандай кишини ҳам ларзага келтиради. У диний-фанатикларнинг сир-асрорини очиб ташлайди.*

*Адибнинг яхши асарлари қаторидан фахрли ўрин оладиган бу асар, араб графикаси асосидаги эски ўзбек ёзувидан ҳозирги ёзувга кўчирилди ва нашрга тайёрланди.*

*Мумкин қадар тили ўз ҳолича қолдирилди. Фитрат икки тилда — ўзбек ва форс-тожик тилида равон иш тутганидан ўзбек тилидаги асарларида форс-тожик сўзлари, айниқса фонетик унсурлар маълум даражада ўзига хослиги билан ажралиб туради. Масалан: Суйланиб, бузулуб, турарак, кондай, йибардилар, кўшулуб, юбора эканлар каби шакллар ўз ҳолича қолди. «Бек» сўзи ўрнига қараб уч хил шаклда (бий, бей, бек) бўлиб келади.*

*Шунингдек, асарда зодагонлар, сарой тилига хос ибора ва сўзлар асар мазмунига алоҳида сифат бағишлайди: улар, шулар, битта ўринда унлар, бунлар, шунлар, онлар, ишлатилади. «Икки» сўзи ҳар қачон битта «к» билан «ики» шаклида берилган.*

*Қаршисида, унисиди, бунисиди юборар эканлар, ўринларида қоршисинди, бунисинди, юбора эканлар ишлатилган. Кишилик олмошлари мен, сен, асарда ёзилишига кўра «мин-мен», «сен-син» шаклида ўқиш мумкин. Биз «мен», «сен» шаклида олдик.*

*Асарда ҳозирги тил бойлигимиз учун ҳам керак бўладиган айрим сўз шакллари, тарихий-маъноли сўзлар анчагина бор: Тубчак-туб ери, туб чакли, болвой ом, ёсоғ-ёсоғин «бир одим» ўрнида «бир отим» кабилар. Фитрат асарларини кенг жамоатчиликка етказиш ҳаммага, айниқса адабиёт шинавандаларига, маданият ходимларига фақат фойда келтиради холос.*

Сафо ЗУФАРОВ,  
филология фанлари кандидати

Адл ин ранг тухми раъфат кошт,  
Вэй агар зулм теғ мебар дошт<sup>1</sup>.

**Раҳим бей.** Бу ким?..

**Хаёл** (тахтга қараб). Эй қора куч, эй қуруб кетгур тахт! Ҳеч гуноҳи бўлмағон болалардан, тоғ каби йигитлардан миллиончалари сен учун қурбон бўлуб кетарлар. Инсонлар томонидан яратилғон мингларча тангрининг — энг бузуқ-боши, энг шуми! Эй, қоп-қора саодат сенсан. Остингда қолғонларни эзгуси бир фалокат юки бўлғонинг каби, устинга чиққонларнинг борлиқларини ёндирғучи бир олов тепасидирсан!

**Раҳим бей.** Ким бу?! (Қўрқа-қўрқа икки одим илгари босиб, бир нарса сўрамоқчи бўлар. Хаёл сўйлагач, яна қўрқуб, кейинга қайтар.)

**Хаёл.** Сен фазилатлик билимларнинг қўл, қанотларини узуб ташладинг. Инжу тизғучи адилларнинг қаламларини ўчоқ сипургисига айлантурдинг. Ота пичоғи билан болаларини бўғизладинг. Бола ханжари билан оталарни йиқитдинг. Дўстларни бўғуштурдинг, ўртоқларни уруштурдинг, даланинг эркини, шаҳарнинг тинчини, эрларнинг ғайратини, хотунларнинг исматини талатдинг. Отамдан қочиб, ўзига сиғинғоним ҳолда уёлмайин бошимни кесдирган Афросиёбингдан мана шу кимсасиз болани оғулаб, йиқитқон Раҳим хонингғача мингларча йиртқич хоинларни сен яратдинг, сен яшатдинг. Эй, инсоннинг душман тангриси, қачонғача бу онгсизлар тўдасини ўзинга — ҳам топиндируб, ҳам қурбон қиларсан?! Эй, бойқушлар қафаси, бундай дев иштиҳолик ҳайвонларнинг қўли билан қачонғача дунёларни бир-бирига уруб турасан?! Тинчлик сақламоқ баҳонаси билан миллионларча инсон кўмасини чуқурдан-чуқурга юмалатмоғингнинг замони ҳанузгача битмадимми?!

**Раҳим бей** (ўйлар). Афросиёб, дейдир. Отамдан қочдим, дейдир. (Бир-икки одим илгари босиб, қўрқа-қўрқа). Сен кимсан?!


**Хаёл** Мен... Сенинг каби бир золим қўлинда мана шунинг каби (Абдумўминнинг ўлугини кўрсатур) ҳеч бир нарсани билмайин, онгламайин, бўғизланғон бир мазлум, Сиёвуш!.. Эй, қора юракли бойқуш, бундан сенга қолғон вайронани қутламоқ учун келдим. Инсонлиқ дунёси — эсини бир жойга тўплаб, ўз ишига ўзи эга бўлғонча, сен ҳам, сенинг кабиларнинг ҳам ихтиёрингиздадир. Истаганингизча ҳукм сура оларсиз. (Секин-секин узоқланиб йўқолар.)

**Раҳим бей.** Сиёвуш... Сиёвуш (деб, хаёл томонидан тортилғон каби, унинг кетидан юруб, саҳнадан чиқар).

## Парда тушар

<sup>1</sup> Бу тизим Бедилдандир.





Тоҳир Қаҳдор

## У ЮЛДУЗ ШУНЧАЛАР ОЛИС

### Чин даҳолар

Чин даҳолар халқни доим  
Чўққиларга бошлагай,  
Чин даҳосиз халқлар ўзни  
Йўқ қиларга бошлагай.

Чин даҳоси бор элатлар  
Эл бўлар эллар билан,  
Дўсти кимдир, ким ғаним —  
Тубдан биларга бошлагай.

Чин даҳосиз, хор улусда  
Кин, адоват авж олар,  
Омма — бир ўтмас пичок,  
Юртин таларга бошлагай.

Унда билмаслар жаҳон не,  
Не эрур ўтмиш, бугун,  
Ҳамма бирдай шоҳ-гадони  
Кутқиларга бошлагай.

Чин даҳо бош бўлган элда  
Бош эгиб қолмас замон,  
Унда инсон бир-бирин  
Бошин силарга бошлагай.

### Умид уйғот

Элим, ҳар тонг қуёшингни  
Узинг уйғот — умид уйғот!  
Дилим интилган офтоб сен,  
Эй олий зот, умид уйғот!

Йўл ўтгай ўту об ичра,  
Сароб ичра бу карвонлар  
Қолиб кетмас,  
Фалакларга  
Солайлик от — умид уйғот!

Келар кун соҳиби улдир:  
Оқар сувдир, ўсар гулдир,  
Туманларга, бу тошларга  
Ишон, сўз қот — умид уйғот!

Одамнинг яхшиси улдир:  
Жафокашдир, балокашдир,  
Алам чеккувчидан қолгай  
Бир эзгу от — умид уйғот!

Улуснинг яхшиси улдир;  
Зулм қилмас,  
Зулм билмас,  
Ўзин, дилдошларин тилмас,  
Дебон бот-бот умид уйғот!

Умидбахш бир ҳаётмасдир,  
Улим ҳатто умид бергай,  
Умр — жангоҳ, Ватан, Халқ деб  
Ўзингни от — умид уйғот!

Умидсиздир риёкорлар,  
Риёзат чекмас у хорлар,  
Умидвор бўлгину Тоҳир,  
Не дард бор — тот, умид уйғот!

## Ухлоқ ётган гўдак

Бу ер ухлоқ гўдак эрди,  
Оловлар ёқдик остиндан,  
Учиб девона ваҳшат-ла  
Заҳарлар сочдик устиндан.

Бу ер покруҳ малак эрди,  
Булутлар покдомон эрди,  
Ёниб, иблиспаноҳ бўлмиш  
Ёвузлик, таъма дастиндан.

Бу ер бекас момо эрди —  
Ғариб, мункиллаган, мунглуғ,  
Қувиб, чўлларга элтдик, ул  
Кечибдир насли пастиндан.

Бу ер хаста падар эрди,  
Хабар олмай хароб этдик,  
Етиб у даври маҳшарга,  
Йиқилди насли қасдиндан.

Бу ер устод эрур ўлмас,  
Ҳаёт илми унга нозил,  
У яшнар янги авлоднинг  
Дили инсонпарастиндан.

Бу ер ухлоқ гўдақдир бир,  
Улуғ бир элнинг ўғлони,  
У уйғонгай буюк тонгда,  
Буюк бир сўзни ростиндан.

## Севгилим кетганда

Севгилим, кетдинг, кетибдир  
Кундузим, қайга борай?  
Кундузимсиз йўқ кечам,  
Йўқ юлдузим — қайга борай?

Ҳорғин ул орзум билан,  
Зор инграган уйқум билан,  
Уйқусиз қайғум билан,  
Айт, эй, кўзим, қайга борай?

Айрилиқ — асрий азоблар  
Олмиш ақлимни менинг,  
Ўзлигимсиздир ўзим,  
Қайт, эй, ўзим, қайга борай?

Севгилим, боққил, жаҳон  
Сенсиз тўзондир ҳар замон,  
Бу замон, эй, беомон,  
Сен бер тўзим, қайга борай?

Севгилим, қайтгунг, биларман,  
Дил сўзим айтсам ёниб,  
Қайтар оламсўз муҳаббат,  
Қайт, сўзим — қайга борай?!!

## Дўстлик ҳақида икки ғазал

Англадим: энг дўсти содиқ —  
Ақлу тадбирим экан,  
Ақлу тадбир соҳиби  
Дўст бўлса, у — пирим экан.

Неча дўстлар кетди, дилдан  
Кетган асрорим мисол,  
Асли дўстим — дилда қолган  
Энг ниҳон сиррим экан.

Ўтди бошимдан ёвузлик,  
Кетди бошимдан ёвим:  
Эгмадим бош, кучли дўстим —  
Қўлда шамширим экан.

Англадим: дўстлик темирдай  
Беқаров қолгач, чирир,  
Дўсти чиркиндил-чи, дилда,  
Тилда занжирим экан.

Англадим, дўст ҳам ғанимлик  
Бирла дўстни ўлдирар,  
Дўст учун ўлсам ўлай,  
Тоҳир, шу тақдирим экан!..

II

Бир-бирингиз йўқлангиз  
Дўстлик йўқолмасдан бурун,  
Ногаҳон дўстсиз қолиб,  
Йўқликда қолмасдан бурун.

Дўст агар ғафлатда ётгай,  
Ул йўқотгай дўстларин,  
Ғафлат уйқусин йиқинг —  
Сизни йиқолмасдан бурун!

Мулки дўст душманда гар,  
Дўст нотавон, пушмонда гар,  
Жаҳд этинг — дўст жонин ағёр  
Тортиб олмасдан бурун!

Раҳнамо дўст оқил эрса —  
Яхши, леқ бироқ эса,  
Тарк этинг, то эл аро ул  
Раҳна солмасдан бурун.

Кимки чин дўст бўлса, Тоҳир,  
Халқ, ватанга дўстдир ул,  
Шундайин дўстларга етгум  
Йўлда толмасдан бурун.

## Кийим

Кўз олдимда ботур офтоб,  
Уфқ кийгай ҳарир қонни...  
Кўз олдимда, бу мотамда  
Шафақ кийгай шабистонни...

Кўз олдимда, шабистонда,  
Яланғоч ой кезар йиғлаб,  
Юпатгайман — безангай у,  
Кияр юлдузли осмонни...

Кўз олдимдан ўтар ўтдай  
Ёниб бир издиҳом, додлар...  
Бу фарёдлар яланғочдир,  
Йўқотгандирлар имонни.

Кўз олдимда... кўзим айри,  
Қўлим айри, йўлим айри —  
Сўзим ҳам хор чувалчангдай  
Киюр тупроқ мисол шонни!..

Кўз олдимда кўринган бу  
Хаёлотдир, ғариб тушдир,  
Бил, эй, Тоҳир, кийиб юргай  
Тириклик ҳар бир инсонни.

## Яхши сўз

Азизим, яхши бир сўз-ла  
Кетар дилдан заҳар, доғлар,  
Фанимлиқни қўйиб душман,  
Сени дўстона ардоғлар.

Агар вайрон эса тоғлар,  
Таянчисизман, деб ўқсинма,  
Азизим, яхши бир сўз-ла  
Юракда тикланар тоғлар.

Агар пайҳон эса боғлар,  
Хувиллаб қолса гар бағринг,  
Азизим, яхши бир сўз-ла  
Шовуллаб, барқ урар боғлар.

Агар ҳайрон эса юрт, эл —  
Қуриб борса кўлу денгиз,  
Азизим, яхши бир сўз-ла  
Тўлар сувларга қирғоқлар.

Тўлар дилларга қудратлар,  
Келар тилларга журъатлар,  
Келар булбуллари юртнинг,  
Кетар боғлардаги зоғлар —

Йитар тоғланган офатлар,  
Битар бизга маломатлар,  
Етармиз яхши кунларга —  
Кетар кунлардан алдоғлар!

## Чебрулим

Тун, қаро занжирларинг  
Торт, ёруғ тонгга кетай,  
Хун дилим от кўкка, то  
Чангу тўзонга кетай!

Эй, шамоллар, судраманг,  
Бир булутман беқанот,  
Парчаланг — ёмғир мисол  
Ерга, уммонга кетай!

Мен ёнар гулхан эдим,  
Қўйди сабрим музлатиб,  
Кел, қуёш, жабр эт тагин —  
Парлаб, осмонга кетай!

Дард надур? Най ноласин  
Англагувчи дил қани?  
Найчи, қўй, дилсиз бўлиб  
Мен найистонга кетай!

Кўрдилар шер не улар,  
Шерюраклар бунда йўқ —

Кўй мени, шербон, ахир  
Шерман, ўрмонга кетай!

Кўймас ул шербони ваҳший,  
Узинг раҳм эт, қафас,  
Тиғ бўлиб забх айлагин,  
Энди қурбонга кетай!

Этмасанг қурбон агар,  
Кўй, у жононга кетай,  
Ё етай жонимга, кўй,  
Мангу ҳижронга кетай!

## Анор бағрин ёриб кўрсанг...

Анор бағрин ёриб кўрсанг,  
Қўрқмагин, гар қон чақар.  
Ҳавас қил: ҳамжиҳат турган  
Аҳли покимон чиқар.

Агар дил эътиқодсиздир,  
Эътиқодсиз эл агар,  
Гадодир, олиму шоҳдир,  
Ҳар бири шайтон чиқар.

Агар ғофил ҳар инсоннинг  
Кўкрагин кўрсанг ёриб,  
Қафасдан банди бир кўнгил,  
Қонли бир зиндон чиқар.

Агар очсанг у зиндонни,  
Унда ухлар бир жаҳон,  
У ғофил унда занжирбанд,  
Унда зиндонбон чиқар.

Агар ғофил ва жоҳиллар  
Бўлса соҳибихтиёр,  
Ошар зулму талотумлар,  
Бир ёвуз исён чиқар.

Агар, Тоҳир, бирор инсон  
Хор, тубанда ётса гар,  
Улуғсан, деб қўлинг чўз — ул  
Хур, буюк инсон чиқар.

## Мумкин эмас

Сен билан савдо қилиш мумкин, бироқ  
Дўст бўлиш мумкин эмас.  
Сенга дўст деб интилиш мумкин, бироқ  
Дўст бўлиш мумкин эмас.

Кун ўтар сувдай оқиб,  
жонни ёқиб,  
Кун ўтар ханжар тақиб,

Бул фано кунлар ўлиш мумкин, бироқ  
Дўст бўлиш мумкин эмас —

Чунки сен борсан бу кунлар ҳар маҳал,  
Эй мунофиқ, эй ажал!  
Сенга жон қурбон қилиш мумкин, бироқ  
Дўст бўлиш мумкин эмас.

Бил: мунофиқ гоҳи бир тил шаклида,  
Гоҳи бир эл шаклида.  
Дил, мунофиқни билиш мумкин, бироқ  
Дўст бўлиш мумкин эмас.


## У юлдуз шунчалар олис

Бирор тун борми, бир кўрсам —  
У юлдуз шунчалар олис!  
Кўриб, ундан мадад сўрсам —  
У юлдуз шунчалар олис...

Учай дерман, қанотим йўқ,  
Само кезгувчи отим йўқ,  
Чақирсин дейман — отим йўқ,  
У юлдуз шунчалар олис...

Таянчим, тоғларим олис,  
Самовий боғларим олис,  
Буюк бир чоғларим олис —  
У юлдуз шунчалар олис...

Қўлим чўзсам, қўлим етмас,  
На йўл юрсам, йўлим етмас,  
Улиб кўрсам — ўлим етмас,  
У юлдуз шунчалар олис!..



Тўлқин Муҳиддин

## ҲИКОЯЛАР

### Кўнгил

Неча йиллардан бери уйимизда бир жуфт тўтиқуш яшарди. Ҳовлимиз йўл қурилишига тўғри келиб бузиладиган бўлди. Бизга квартира ажратилди.

— Болам, тўтиларни домга олиб кетиш қандай бўларкин? Яхшиси қўйиб юбора қол. Шунча йил тутқунликда яшаганлари етар, қолган умрларини озодликда ўткази қилишсин, — деди ойим нонушта пайтида.

Бу гап менга ҳам, болаларга ҳам маъқул бўлди. Дарахт шохига илиб қўйилган қафаснинг эшигини очдим. Тўтилар қафасдан шу ондаёқ чиқиб шохдан-шоҳга сакрашди, сайраб роса яйрашди.

Ҳаммамиз хурсанд, дилимиз ёришиб, ким ишга, ким ўқишга тарқалишдик.

Кечқурун ишдан келсам болалар:

— Ада, ада, қушларимиз қайтиб келди, — дейишди бири олиб, бири қўйиб.

Ростдан ҳам тўтилар қафас ичида эдилар. Ҳеч нима бўлмагандек ўтиришибди. Қафас эшиги эса очик.

— Ойи, тўтилар учиб кетмабди-ку? — дедим.

Ойим негадир ҳаяжонланди. Бирпас жим тургач титроқ овозда деди:

— Кўнгил-да, болам, қариган чоғларида бошқача яшолмасликларига кўзлари етгандир, эскича ҳаётга ўрганиб қолишгандир...

### Ландавур

Бу йилги отпускामиз Болтиқбўйидаги Друсинкайте деган хушманзара бир масканда ўтди. Об-ҳаво юмшоқ, атроф нақ эртақлардагидек манзарали эди. Сут-қатиқ се-роб. Магазинларда навбат деган гап йўқ. Музқаймоғинику, асти қўяверасиз. Ҳар куни уч марта атайлаб музқаймоқхўрликка чиқамиз. Хуллас, мазза қилиб уйга қайтдим. Отпуски тугашига ҳали беш кун бор. Энди ўз шаҳримиз маромига ўрганиш керак. Самолётдан саҳарда тушганман. Ўз-ўзидан маълум, тушгача ухладим. Тушдан кейин, ёр-биродарлар, кўни-қўшнилари чиқишди, ҳангома авж олди. Шу орада магазинга ғир этиб чиқиб келдим. Қаранг-а, биринчи куниеқ магазинчи азамат 53 тийин уриб қолибди. Бор-йўғи 5 сўм 38 тийинлик нарса харид қилсаму... Қандай билиб қолдингиз, дейсизми? Маҳсулотларнинг ҳаммасида нархи ёзилган экан, бўлмаса билиш қаёқда.

Бу сурбетликдан қаттиқ ғазабландим. Эрталаб туриб, магазинчининг олдига йўл олдим. Ноинсоф сотувчига: «Ўғри экансиз», демоқчи эдим, аммо ярим йўлга бормай



латтадек бўшашиб қолдим. «Бир ойдан кейин келардингиз», деса нима деган одам бўламан. Яхшиси, бир кино кўрай». Кинотеатр томон бурилиб кетдим...

Автобустаман.

Бир танноз хотин тушаётиб, ҳайдовчининг олдига 10 тийин ташлаб кетди. Автобус ҳар тўхтаганда йўловчилардан баъзилари танга ташлаб боряпти. Автобусда одам унча кўп эмас. Иш куни бўлгани учундир балки. Мен ҳам эринмай сўнги бекатгача ўтавердим. Ҳамма тушиб кетди. Шофёр менга қараб:

— Уртоқ тушмайсизми? — деди мулойим овозда.

Ҳайдовчининг қилиғи ёқмаган бўлса ҳам муомаласи мени эритиб юборди.

— Кечиринг, ҳаёл билан ўтиб кетибман, — дедим.

— Шунақаси ҳам бўлади, — деди у тангаларни йиғиштириб чўнтагига солар экан. — Ҳозир путёвкани кўрсатаману...

Автобус жойидан қўзғалди. Бояги воқеалар қайтарилди бошлади. Менинг бекатимга келиб тўхтадик. Автобус ҳайдовчисига: «Уялмайсизми, давлат чўнтагига қўл солгани», демоқчи бўлдим-у, айтолмадим. Аксинча, «раҳмат», дея автобусдан тушдим.

Кино кассаси олдида ҳеч ким йўқ экан. Кассага бир сўм узатдим: «Битта билет беринг, марҳамат!» Овоз келди: «Яна 40 тийин беринг». Сабабини сўрамай, ҳайрон бўлганча яна 40 тийин узатдим. Билетни олдим. Икки серияли экан, ҳар сериясининг нархи 70 тийиндан. Балки жуда зўр кинодир. Кирдим. Буфетида ҳатто музқаймоқ бор. Вақт етарли. Буфетчи опага илтимос қилдим: «Битта коржик, битта фанта, битта музқаймоқ». 1 сўм узатсам, «Укажоним, сиздан яна 4 тийин», деди. 10 тийин чўздим. «Чакам йўқ экан, кино бошлангунча тушиб қолар, келарсиз» деб кўнглимни тўқ қилди. Ҳеч кимга ҳеч нима демадим.

Кино бошланди. Чорак асрдан бери бу кинотеатрга биринчи келишим. Лекин деярли ҳеч нима ўзгармаган. Бир-икки бебош болалар сигарета тутатишди, pista чақишди, бемалол хо-холаб ўтиришибди. Ҳеч ким уларга ҳеч нима демади. Бир-икки марта лента узилди. Уч соатча вақтимни «мазмунли» ўтказиб уйга қайтдим. Йўл-йўлакай сартарошхонага кирдим. Уста ҳақи 2 сўм 50 тийин бўлди. Уч сўм узатдим. Уста «раҳмат, келиб туринг, биродар», деди-да, ишга унаб кетди. Бироз анқайгач, сартарошхонадан чиқдим. Уйга кирсам, эшик олдида ойим билан бир йигит қизғин суҳбатлашаётган экан.

— Холажон, тушунсангиз-чи, — деди йигит ўзини ғоз тугиб, — давлат одамиман, у-бу деб ўтиришга вақтим йўқ.

— Ҳа-ҳа, болам, тушундим. Эй, ана, хайрият, ўғлимнинг ўзи келиб қолди, — деди ойим.

Саломлашдик. Фаҳмли йигит экан, дарров мақсадга кўчди: «Майли, штраф солмайман, ака, водопровод сувида томорқани, дарахтларни суғориб бўлмайти, мумкин эмас, буни ўзингиз яхши биласиз. Лекин сизларга ҳам қийин, ариқлардан сув оқмаса, нима билан суғорасиз? Бу давлат аҳамиятига молик масала. Аммо тегишли ташкилотлар бу иш билан шуғулланишни исташмайди. Ҳеч ким нега деб сўрамайди. Ҳа, майли, мен борай, мана буни, — қўлимга қвитанция тутқазди, — тўлаб қўйинг, илтимос.

У чиқиб кетди. Қвитанцияда 5 сўм деб ёзилган. Ҳар йили ёзда шунақа бўлади. На илож? Шу пайт эшик очилиб, «Пожарний» амаки кириб келди. Унга ўрганиб қолганмиз. Ҳар йили бир марта келиб 5 сўм неча тийиндир оладида, қвитанция ёзиб беради. Эртиндин газчилар келади, кейин мажбурий ва ихтиёрий госстрахчилар... Ишқилиб, ҳаммаси ўз ишини битириб кетишади ва бир йилгача қораларини кўрсатишмайди. Аммо сув, ахлат, газ, телефон, электор, уй солиғи ва ҳоказолар билан ҳам ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмоқ лозим. Акс ҳолда...

Ювиниб, энди овқатланмоқчи эдим, опамнинг ўғил кўрганини айтиб, ойим кўнглимни чоғ қилди. Урнимдан сапчиб турдим-да, поччамни табриклаш учун телефон дастагини кўтардим. Аммо у миқ этмасди.

— Ойи, телефон...

— Сенлар кетганларингдан бери мум тишлаганча турибди.

Ҳа, урина-урина курортдан уйга ҳеч кўнғироқ қилолмаганим сабабини энди тушундим.

Эратасига эрталаб қўшнининг телефонида ремонт бюросига заявка бердим. «Пулини тўламабсиз, шунинг учун ўчириб қўйганмиз», деган овоз келди. Тўлаганмиз, деганимча қолавердим. Начора, барча қоғозларни кўтариб, район телефон алоқаси идорасига бордим.

— Ўтган йилги қвитанциялар қани, бу йилгиси-чи?

Ҳаммасини бир-бир кўриб чиққач:

— Сиз тўлаган пуллар бизнинг кассага тушмаган. Шунинг учун узиб қўювдик, — деди ўша идора ходими бамайлихотир. — Пул тушгач, ишлатамиз.

«Давлат кассасига уч ой олдиндан тўласам, сизнинг кассангизга пул тушмаганлиги билан менинг нима ишим бор, бунинг устига бир ойга яқин телефон ишламасаю, пулини олаверсанглар», деб ўйладим-у, айтолмадим. Ярим кун у эшикдан-бу эшикка кириб юрган вақтларимга ачиндим. Лекин, ишим битди-ку, деган юпанч билан уйга равона бўлдим. Телефончиларнинг жиғига тегмаган маъқул.

— Ойи, телефон ишляптими?

— Ҳа, бир жиринглади, кўтарсам, «межгородман, пул тўламабсиз, шунга ўчирыпман», деди-да трубкани илиб қўйди. Бир соатча бўлди...

Буниси ҳам бормиди, дедиму, Навоий кўчасига йўл олдим. Хайрият, дам олиб келганман, кайфиятим яхши. Тушунмовчилик бўлгандир-да. Вақтим бор. Ҳаммасини аниқлаб келаман...

Қарзим борлиги ҳақидаги ҳужжатни топгунларича ярим соат ўтди. «Полтава шаҳри билан сўзлашган экансиз». Ростини, у ерда на қариндош-уруғ, на ошна-оғайниларим бор. На илож, пули кўп эмас 1 сўм 60 тийин экан, тўлаб қутулақолай. Кассада ҳам ярим соат туриб, «қарзим»ни тўладим. |

— Қизим, — мурожаат қилдим қвитанция ёзиб берган ходимга. — Энди телефони-миз ишлайдими?

— Ҳозир айтаман, улаб қўйишади. Лекин, гаплашишни яхши кўраркансиз, пулини ҳам ўз вақтида тўлаб туринг-да, амаки!..

Емаган сомсага пул тўлаб, қилмаган айб учун танбеҳ еб, бу даргоҳдан ҳам чиқдим. Йўл-йўлакай бозорга ўтиб, битта қовун, битта тарвуз сотиб олдим. Шунча юк билан қийналиб юрмай дедиму, такси ёлладим. Счётчик уйгача 1 сўм 35 тийин урди. 3 сўм узатдим. Таксичи ҳазилкаш экан. Еши мендан анча катта бўлса ҳам:

— Ока, жуда зўр қовун, тарвуз олибсиз, нархи ҳам баланддир-а?! Лекин болалар қувонади, болалардан нечта, деб сўради.

— Учта.

— Бахтли экансиз, — деди-да, 1 сўм қайтарди. Мен қолган қайтимни ҳам берармикан деб бир лаҳза жим қараб турдим. Ҳатто сўрамоқчи ҳам бўлдим-у, индамадим. Йўқ, индадим. Фақат, «тешиб чиқсин», дедим ичимда. Қарғаш яхши эмас-ку, алам қилди-да.

— Ада, тарвуз сўяйлик, — деди ўғлим. Қизим қовунни ёқтирарди. Шунинг учун хомуш тортиб қолди.

— Ада, олиб келган тарвузингиз оқпишарми?

Тарвуз чиндан ҳам оппоқ, ғирт хом эди. Қизим бўлса хурсанд, энди қовун суямиз, дейди. Қовунни ҳам сўйдик. Бир карч едим. Сувда маза бор-у, унда йўқ. Ойим ҳам, хотиним ҳам қўлларини тортишди. Болалар эса еяверишди. Ишқилиб, қорнилари оғримаса бўлгани...

Ниҳоят, отпуска ҳам тугади. Бугун ишга бордим. Кўрган-кечирганларим тўғрисида ўртоқларимга сўзлаб бердим. Шунда тўғрисузлиги билан танилган Ғайрат ака: — Матқобулжон, ука, — деди дангалига, — бугунги ошкоралик замонида ўғрини ўғри, юлғични-юлғич деб бетига айтмоқдамиз. Хафа бўлмайсиз-да, сизни ношуд-ландавур деб чақирсак?

Ёпирай, шу ном умрбод менга ёпишиб олмасайди!..

## Оғайнилар

Салим билан бундан йигирма уч йил муқаддам шаҳар касалхонасида танишганмиз. Кейин дўстлашиб кетдик. Шу йиллар мобайнида бирон-бир оилавий тантана ёки маросим бир-биримизнинг иштирокимизсиз ўтмади.

Бугун ўша дўстимизнинг таваллуд куни. Унинг уйига ҳаммадан барвақт етиб келдик. У-бу ишларга қарашдик. Чунки бу хонадонда Карим бува, Салим ва хотинидан бошқа ҳеч ким йўқ. Салимнинг ота-онаси врач экан, урушдан қайтишмади. Бувиси эса ўн йилча бурун оламдан ўтган.

Карим бува неварасининг қирқ ёшга кириши муносабати билан бўрдоқи қўйларидан бирини сўйди. Ҳатто, бу шўрва учун, мана бунисини ошга соласан, мана бу эса кабобга деб, тилимлаб ҳам берди.

— Кабобни ким пиширади? — сўради Карим бува.

— Ким бўларди, бува, қадрдон дўстим ёнимда турибди-ку!

— Унда, болаларим, ҳозироқ туз-намагини тўғрилаб қўйинглар. Жигар кабоб ҳам тайёрлайсизларми?

Салим менга қаради.

— Жигарни сели билан пиширсаларинг, жуда фойдали-да, — давом этди Карим бува.

— Унда, иштаҳалари очилиб кетиб, бир қўйдан ҳеч нима қолмас эканда, — деди Салим кулиб.

— Битта қўй шунча одамга нима бўлади, ўйла-да ўзинг!

— Нимани ўйлай, ҳамма йиғилса ўн киши бўлар. Битта қўй ўн одамга етмаса, бу қанақаси бўлди? — энди чинакамига ажабланди Салим.

— Нега бақраясан, етмай қолиши ҳам мумкин, уни қандай қилиб пиширишга боғлиқ, — дедим мен.

— Исроф қилмай, у-бу пишириқлар билан меҳмонларнинг қорнини аввал тўйғазиб,

кейин кабобни пиширсанг, қўйнинг ярми ҳам кетмайди, — деди Салим астойдил тушунтириб.

— Жа хасис экансан-ку, а, Карим бува, ўзингиз айтинг, қўйни едириб юборайми, ё ...

— Едириб юбор, болам, буни гапига кирма, — деди Карим бува.

— Эй, бува, билмайсиз, индамасангиз бир қўйни паққос тушириб, яна олиб кел, дейди булар.

— Деса яна яхши, у қўйни ҳам сўямиз, болам, кўнглингни кенг қил.

— Ха, майли, есин ҳам дейлик, лекин бунингиз яна уйимга ҳам бир нима бер, дейдиганга ўхшайди.

— Бўлмасам-чи, нориндан, қази-қартадан. Эрта-индин, тўғриси, бир ҳафтагача уйда қозон осмаймиз. Акс ҳолда қўни-қўшнилар устимиздан кулмайдими?

— Нега кулади?

— Нега бўларди, кимсан, шундай улуғ хонадондан қуп-қуруқ қайтишибди, дейишмайдими?

Сухбатимизни тинглаб ўтирган Карим бува гап қотди:

— Сенларга ҳавасим келади. Оталаринг тирик бўлганидами, қанчалар қувонишарди. Дўстликларинг доимий бўлсин, болаларим. Унга сира-сира раҳна туширманглар... Уша кеча меҳмонлар тарқалишгандан кейин ҳам анчагача суҳбатлашиб, ҳазиллашиб ўтирдик.

\* \* \*

Карим бува билан қайта ҳамсуҳбат бўлиш менга nasib этмади, ўша кундан сўнг кўп ўтмай, салкам тўқсон ёшда қазо қилдилар. Карим буванинг «оқ кийди»сигача, ҳар ҳафта десам ёлғон бўлмас, дўстимникига келиб, дардига шерик бўлдим...

Салимни шаҳардаги катта бир бошқармага бошлиқ этиб таинлашди-ю... Бу хабарни эшитгач, энг кўпроқ мен қувондим, шу куниеқ уни бориб табриклайдим. Ахир, яккаю ягона кадрдоним!..

Шу орада дўстим билан анча вақт кўришолмадик. Ҳамма ўзи билан ўзи овора-да. Меҳри қўмсаб, бир кун ишхонасига астойдил қидириб бордим. Банд экан, ярим соатча қабулхонасида ўтирдим. Ҳай, ҳай, унинг олдига кимлар илтимос қилиб кирмади! Бировлар хурсанд, бошқалар хафа бўлиб чиқшарди. Ниҳоят, навбат менга келди шекилли, қабулхона бекаси, «киринг» деб имо қилди.

— Куттириб қўйдим, узр. Ишимиз шунақа дўстим, хафа бўлмайсиз, — деди, ўтирган айланма креслосидан қўзғалмай, мен билан сўрашаркан.

— Ҳечқиси йўқ, — дедим кулиб.

У менга жой кўрсатди. Ўтирдим.

— Келинг, хизмат? — деди менга бегоналардай тикиларкан.

Қулоқларимга ишонмай, ён-веримга қарадим. Хонада иккаламиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

— Менга гапиряпсанми? — сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Ха, энди, тартиб шунақа, — деди ўша мулоимлик билан. — Кечирасиз, вақтим зикроқ. Хафа бўлманг. Илтимосингизни айтаверинг.

— А...

Менда ҳеч қанақа илтимос йўқ эди. Вақти шунчалар зик одам олдига бирор илтимосиз келиш ростдан ҳам яхши эмасди. Шунданми, ёки мени сизлаб гапиряётганиданми, ўзимни бутунлай йўқотиб қўйдим. Хайриятки, шу топда эшик очилиб ўринбосари бўлса керак, савлат тўкиб кириб келди. Унинг ҳам ўнг қўлида катта узук (асосан савдо ходимлари тақадиган тилла узук). Салим, гуё мен бу хонада йўқдек, у билан сўзлаша кетди. Секин ўрнимдан туриб, қабулхонага чиқдим. Уша ерда бироз довдираб тургач: «Дўстим, узр, шошиб турувдим!» деган дастхат қолдириб, чиқиб кетдим. Чиндан ҳам иши кўплигига ишондим. Хуллас, ҳар хил хаёл билан ўзимни юпатдим. Бир ойча ўтгач, хотиним иккаламиз уйига бордик.

— Ия, ия, келинглар, ҳамм... кутмовдик, — деди мийиғида кулиб Салим бизни хонага таклиф қиларкан.

— Сенлар бормасанглар нима қилайлик, ўзимиз келамиз-да — дедим бироз гинахонлик қилиб.

— Ишимиз жуда нозик, борди-келдига... Ҳм... вақт умуман йўқ, буни ўзингиз биласиз! Ҳа, айтгандек, ану кунни нима иш билан келганингизни ҳам билолмадим, шошиб турувдим, деб кетиб қолибсиз...

«Нима қилишим керак эди бўлмаса», деб юбормай дедим-у, ўзимни босдим. — Ростдан ҳам зарур ишим бор эди, — деб қўя қолдим. У ҳам қанақа иш деб сўрамади. Хотини аввалги вақтлардагидек муомалада бўлишга уринарди-ю, муносабатида ясамалик шундоқ сезилиб турарди. Бир соатча ўтирмай кетишга жавоб сўрадик.

— Ошни бошлайман ҳозир, пича ўтиринглар, — деди хотини.

— Ўтирмадинглар ҳам, борасизлар-да, — қўшиб қўйди Салим.

Раҳмат дўстим, демоқчи бўлдим-у, «дўстим» сўзини айтолмадим. Томоғимга бир нима тиқилди.

Дарвозадан ўн қадам ҳам кетмасимиздан у қарсиллаб ёпилди. Беихтиёр ўгирилиб қарадим. Доим эшик олдиғача бизни кузатиб, ягона тишларини кўрсатиб кулиб турадиган, муюлишдан ўтиб кетгунимизча қўлларини силкитиб хайрлашадиган Карим бува кўрингандай бўлди...

— Нимага тўхтаб қолдингиз, юрсангиз-чи? — деди хотиним зарда билан. Биз тез-тез юриб кетдик.

Йиллар тез ўтаркан. Шунга ҳам беш йил бўлибди. Дўстим биздан бирор марта хабар олмади. Ҳатто қувончли кунларда уйга келиш эмас, телефонда бир оғиз табриклашни ҳам лозим кўрмади. Барибир уни унутолмасдим.

\* \* \*

Хаёт қизиқ экан. Бугун бундоқ, эртага ундоқ. Кутилмаганда бўшаган ижроком раислиги лавозимига менинг ҳам номзодимни кўрсатишди. Мен учун тарафдор бўлганлар кўпчилик экан, кутилмаганда ижроком раиси бўлдим қолдим. Худди эртақлардагидек! Эплотмасам-а?! Шундай пайтларда чинакам дўстни жуда қўмсар экан, одам. Кўпгина ўртоқлар ҳатто уйга келиб ҳам тарбриклашди, яхши тилақлар тилашди. Лекин дўстнинг ўрни бошқача бўларкан. Хаёлан Салимни эсладим, уни жуда кўргим, бағримга босгим келди. Қанийди, ҳозир Карим бува ҳам ёнимда бўлсалар! Қанчалик қувонардилар. Лекин...

Аллаҳаҳалғача хаёл суриб ётиб, ухлаб қолибман. Хотиним туртиб:

— Туринг, Салим акам келдилар, сизни эшик олдида кутяптилар, — дейиши билан сапчиб тушдим.

— Нима, Салим?! Нега эшик олдида туради?!

— Кириг десам унамаяптилар.

Ҳақиқатан ҳам кўлида гулдаста, кираверишда дўстим турарди!

— Салимжон, бормисан дўстим! Киравермайсанми, ўз уйинг-ку, ахир!

— Мен... Мен...

У гапиролмай илжаярди. Балки сенсирашга ийманаётгандир...

## Танишув

— Салом. Маъзур тутасиз, сиздан бирнима сўрамоқчийдим?..

— Мен справка бюроси эмасман. Сарсон бўлиб юрманг, майли, айтинг, қайси бўлимга келдингиз? Кўрсатиб қўяман, бошқаларга майна бўлмайсиз.

— Ҳа, ҳа, сиз ҳақ. Раҳбар керак эди!

— Бизда Раҳбар деган аёл йўқ.

— Кечирасиз, бошлиқ, демоқчиман.

— Тушунарли, демак ишга?

— Ҳа, ишга! Нега коридорда ҳеч ким кўринмайди?!

— Ҳм... Фирт ландавур экансиз-ку. Ҳамма ишлаяпти-да. Ҳм... бизда ишлай олармикансиз? Бошлиққа лекин кўпроқ сизга ўхшаган тагдор муомала қилувчи ландавурлар ёқади. Ким билади, балки сиз ҳам ёқиб қоларсиз.

— Ландавур деганингиз, ишқамас дангаса-да, тўрими?

— Шунақа деса ҳам бўлади.

— Унда менинг ландавурлигимни қандай билдингиз?

— Жуда қуюқ, тагдор муомила... Умуман, бунақа муносабат менга ёқмайди. Кейин, унинг ўз фикри йўқми, ҳадеб ҳамма билан маслаҳат қилаверади.

— Унда яхши-ку. Демократия деганимиз шу-да. Маслаҳатли тўй тарқамас, дейишади.

— Сиз ҳам шунақа бўлсангиз, чопинг дарров унинг олдига, ишга олиши турган гап. Ўзи ҳам сиздақаларни йиғяпти. Фақат биздан қутулолмай доғда. Ҳм... кутилиб бўлсан...

— Нега ундай деяпсиз. Раҳбарингиз, яъни бошлиғингиз сиздан қутулолмаяптими ёки бирон-бир ёмонлик қилдими? У ҳақда...

— Энди сиз қолувдингиз, мени тергамаган. Энсамни қотирманг. Акс ҳолда... Нервим чиқиб кетса... Кейин пушаймон бўласиз.

— Сиркам сув кўтармайди, денг? Бундан чиқди, ишни ҳам қотириб юборсангиз керак. Ажойиб ходимга ўхшайсиз. Фамилиянгиз ким, балки танирман. Сизларни юзингиздан танимасак ҳам, фамилиянгиздан танийман.

— Йўқ танимайсиз. Аммо ўз ишимда менга тенг келадиган бу ерда йўқ.

— Шуниг учун истаган вақтингизда ишга келиб, истаганда...

— Нега менга тумшугингизни кўтариб ҳамла қила бошладингиз? Кимсиз ўзи?

— Ўзингизга ўхшаган одамман. Ҳамла қилмаяпман. Айтинг-чи, нега бошлиғингиз сизга ўхшаганларга ёқмай қолган. Нимаси ёқмайди?!

— Ҳамма қилиғи. Ишла дейди. Нима, биз дунёга фақат ишлаш учун келганми-ми? Ойликни оширишни ўйламайди. Кун ора ишлай десам, бунга ҳам кўнмайди. Аввал-гилари яхшийдди. Ҳозир бамисоли қамоқдаман. Вақтида кел, вақтида кет, яхши ишла... Шундай одам келганидан... нафратим ошади. Ҳар балолар ўйлаб чиқариб ўзининг тин-касини қуритаётгани етмагандек, бизнинг ҳам суробимизни тўғриламоқчи. Чучварани хом санабсан. Ақлим бор. Қанча ва қачон ишлашни яхши биламан. Осонликча жон бе-радиганларидан эмасман. Бу ташкилотда 15 йилдан бери ишлайман. Айтганим-айтган бўлиб келган. Шундай бўлади ҳам... Менга тегиб кўрсинчи!

— Ундан чиқди бошлиғингизга жуда қийин экан-да!

— Ўзидан кўрсин. Эскича услубимизни бузмасин эди. Иш бир маромда кетаве-рарди. Бизга суяниб юрса ўзи ҳам мазза қилиб яшайверади...

— Биз деганингиз ким?

— Нима ишингиз бор.

— Ахир, кўпчилик номидан гапиряпсиз, демак профком раисисиз?

— Йўқ.

— Аъзосимисиз?

— Профсоюз аъзосиман, нимайди? Қизиқ, нега менга ёпишиб олдингиз? Кимсиз ўзи?

— Ўзим сўраяпман-да, аччиғингиз келмасин, синглим.

— Бошлиқ ҳам баъзида шунақа сўрайди. Турқи курсин... Бир кун, ўзингиз ўйланг, сабзи егим келди, жиғилдоним қайнаш одати бор. Ғир этиб бозорга бориб келай деб машинасини сўрадим. Соат ўн бирлар атрофида эди. Ҳамма ишлаб ўтирибди, ўзи ҳам. Машина бекор турибди. Бермади. Машина шахсий эмас-ку. Улармиди бериб турса. Ҳечқиси йўқ, орқасидан тушиб бир кузатай, ўшанда кўради. Уларга ҳамма нарса мумкин, бизга-чи?

— Яна «улар», «биз» деяпсиз. Тушунмаяпман. Кечирасиз, исм-шарифингизни бил-маганим учун...

— Эркаларга мен отимни айтмайман. Ишни бошлаганингиздан кейин билиб ола-сиз.

— Албатта, албатта. Гапни чўзиб нима қиламан, бошлиғингиз бошқа жойга ўт-ганлари туфайли сизга бошлиқ қилиб мени тайинлашди. Исминим...

— Менга бошлиқ қилиб эмас, ташкилотга бошлиқ қилиб тайинлашган бўлса керак?

— Тушундим... Тўғри... Оббо сиз-эй!



Жек Лондон

## ЧОЛЛАР ИТТИФОҚИ

Қодир МИРМУҲАМЕДОВ таржимаси

Казармаларда қари бир одамни суд қилишарди, гап унинг ҳаёт-мамоти ҳақида борарди. Бу Имбер исмли америка ҳиндиси бўлиб, у Ла-Барж кўлидан пастроқдан — Юкон дарёсига қуйилувчи Оқ Балиқ дарёси бўйидан эди. Унинг қилмиши бутун Доусон<sup>1</sup>-ни, наинки Доусонни, балки дарё оқимининг икки томонидаги минг миляга чўзилган бутун Юкон ўлкасини ҳайратга солди. Денгизда қароқчилик, қуруқликда босқинчилик билан шуғулланган англосакслар<sup>2</sup> жуда қадим замондан бошлаб тобе халқлар устидан қонун чиқаришган ва бу қонун аксар пайтларда ғоятда бешафқат бўлган. Бироқ бу сафар, Имбернинг иши кўрила бошлаганда, у қонун биринчи марта ниҳоятда юмшоқ, шафқатлидай туюлди. Бу қонун, агар оддий арифметика нуқтаи назаридан қаралса, қилинган жиноятларга муқобил жазони кўзда тутмас эди. Жиноятчининг олий жазога маҳкум эканлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ эди, албатта; лекин, гарчи Имбер ўз гуноҳи билан дарҳақиқат ўлим жазосига лойиқ бўлса ҳам, у фақат бир ўзининг ўлими билан қулаётган эди, ваҳоланки, у жуда кўп одамларни жонидан жудо қилган эди.

Ҳақиқатан ҳам, Имбернинг кўли жуда кўп кишиларнинг қонига бўялганди. Қурбонларнинг сонини аниқлаш амримаҳол эди. Ҳар ким жиноятни ўзича шарҳлар, сафар пайтида манзил қуриб, трубка чекиб ўтирган, ё бекорчиликдан печка олдида исинаётган одамлардан тахминан қанчасини мана шу чол нобуд қилганини санаб чиқишга уринар эди. Бахтиқаро қурбонларнинг деярли ҳаммаси, ҳа, ҳаммаси оқтанлилар эди — улар якка-якка, жуфт-жуфт ҳолда, ҳаттоки тўда-тўда ҳолда ўлдирилган эди. Бу қотилликлар мутлақо бемаъни ва бесабаб эди, шу боис бу ҳол узоқ вақтгача, ҳаттоки бу ернинг дарёларидан олтин ювиб олина бошлаган ва доминион давлат ҳокимияти, бойлик чиққан бу ўлкага солиқ йиғиш мақсадида губернатор тайинлагандан кейин ҳам, қиролнинг отлиқ полицияси учун жумбоқлигича қолаверди.

Лекин Имбернинг ўзини одил суд ихтиёрига топшириш учун ўз оёғи билан Доусонга келгани ҳаммани ҳангу манг этди. Юкон дарёси муз қопқон остида пишқириб, бетоқат бўла бошлаган кеч баҳор кунларидан бирида қари ҳинди муз устидаги сўқмоқдан бурилиб, қия соҳилдан инқиллаб-синқиллаб юқорига чиқди ва катта кўча ўртасида кўзларини жавдиратиб, эсанкираганича туриб қолди. Имбери кўрган ҳар бир одам унинг ниҳоятда ҳолдан тойганлигини пайқар эди. У йўл ёқасига ўйиб қўйилган ходалар томон гандираклаб юриб бориб, ўша ерга ўтирди. Бу ерда у оқ танли одамларнинг кети узилмас оқимини диққат билан кузатиб, кун бўйи қимир этмади. Утган-кетганларнинг кўпчилиги, синчковлиги тугиб, чолни яна бир бор кўриш мақсадида орқасига ўгирилиб қарар, баъзи бировлар эса, башараса жудаям аломат бу қари сиваш<sup>3</sup> ҳақида гангир-гунгур мулоҳаза қилиб ўтар эдилар. Эҳ-хе, ҳали ўнлаб кишилар чолнинг ғайриоддий чеҳрасидан ҳайратга келганларини эслашади ва то умрларининг охиригача, ҳар қандай ғайритабиий нарсаларни дарров пайқаб, ҳис қила олиш қобилиятига эга эканликларидан мағрурланиб юришади.

Бироқ мазкур куннинг ҳақиқий қаҳрамони Кичкина Диккенсен бўлиб чиқди. Кичкина Диккенсен бу томонларга чўнтагида бир талай доллару дилида эзгу ниятлар билан келган эди; лекин бу ерда унинг пуллари сарфланиб, чўнтаги пучайиши билан ниятлари ҳам пучга чиқдики, энди у тезроқ Штатларга қайтиб кетиш ниятида йўлқирага пул ишлаб топиш учун «Холбрук ва Мэйсон» даллоллар конторасига

<sup>1</sup> Доусон — Шимолий Канададаги шаҳар; Клондайк дарёси Юконга қуйиладиган ерга жойлашган. Олтинга кон ўлканинг маркази.

<sup>2</sup> Англосакслар — англ, сакс, ют, фриз каби қадимги герман қабилаларининг умумий номи.

<sup>3</sup> Сиваш — америкадаги ҳинди қабилаларидан бирининг номи.

ҳисобчи бўлиб ишга кирган эди. Имбер бориб ўтирган бояги ходалар шундоққина «Холбрук ва Мэйсон» конторасининг рўпарасига уюлган эди. Диккенсен нонуштага отланган чоғида, чолни деразадан кўриб қолди, нонуштадан кейин конторага қайтгач, у яна деразага қаради: кекса сиваш ҳали ҳам ўша ерда ўтирарди.

Диккенсен дамбадам деразага қараб кўярди; кейинчалик у ҳам ғайритабиий ҳолларни зийраклик ва ҳушёрлик билан кузата олишидан ғурурланиб юрди. Кичкина Диккенсен романтикага мойил одам эди, шунинг учун у қимир этмай ўтирган бу кекса мажусий қиёфасида сиваш халқининг қандайдир тажассумини кўрди. Чол англосаксон босқинчилари оломонини мавҳум хотиржамлик билан кузатарди.

Орадан бир неча соат ўтди, Имбер ҳамон ўша аллозда қилт этмай ўтирарди, шунда Диккенсеннинг эсига бир воқеа тушди: кунларнинг бирида марказий кўчанинг қоқ ўртасига бир чена келиб тўхтаган эди, ченада бир одам, худди манави сивашга ўхшаб қимир этмай ўтирарди; унинг ёнидан тинимсиз равишда уёққа-буёққа ўтаётган одамлар, турган гапки, ченадаги одамни аввалига шунчаки дам оляпти, деб ўйлашганди, лекин кейинроқ унга яқин бориб, туртиб кўришса, аллақачон жони чиқиб, музлаб қотиб қолгани маълум бўлган эди — қаранг-а, одамлар билан гавжум кўчанинг қоқ ўртасида ўлиб, қотиб қолипти. Жасадни текислаш учун — бу аҳволда тобутга ётқизиб бўлмас эди-да — уни гулхан олдига судраб бориб, яздан туширишга тўғри келганди. Диккенсен мана шу воқеани эсларкан, бир сесканиб тушди.

Бир оздан кейин у тоза ҳавода дам олиб, сигарета чеккани кўчага чиқди, орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас, ёнига Эмили Трэвис келди. У ғоят латофатли, нозик жуссали қиз бўлиб, худди Лондонда ёки Клондайкда яшайдиган ва худди миллион-миллион сармоёга эга тоғ инженерининг қизи сингари назокат билан кийинган эди. Кичкина Диккенсен сигаретасини дераза тоқчасига қўйди ва шляпасини кўтариб, қиз билан саломлашди.

Улар ўн дақиқача бемалол уёқдан-буёқдан гаплашиб туришди, кейин бирдан Эмили Трэвис Диккенсеннинг елкаси оша қаради-ю, кўрққанидан чинқириб юборди. Диккенсен ялт этиб орқасига ўгирилди ва ўзи ҳам кўрқувдан сесканиб кетди. Имбер кўчани кесиб ўтган ва энди суҳбатдошларнинг ёнгинасига келиб, бақрайган кўзларини қиздан узмай, худди ғамгин арвоҳдек қаққайиб турарди.

— Сенга нима керак? — деди Кичкина Диккенсен чираниб, лекин овозидан ҳайиқаётганини пайқаш қийин эмасди.

Имбер бир нима деб ғўлдиради-да, яна яқинроқ келиб, Эмили Трэвиснинг қаршисида тўхтади. У қизни бошдан-оёқ диққат билан кўздан кечириб чиқди. Эмилининг ҳеч бир ери чолнинг эътиборидан четда қолмади. У айниқса қизнинг ипакдек майин кўнғир сочи билан худди капалак қаноти янглиғ нафис туклар ўсган анор юзига қизиқиб тикилди. Чол худди ўзи сотиб олмоқчи бўлган отнинг қадди-қоматини ё қайиқнинг тузилишини кўздан кечираётгандек, қизнинг жуссасидан кўзини узмаган ҳолда, унинг атрофини гир айланчи чиқди. Шу маҳал у ботаётган қуёш шуъласи қизнинг пуштиранг нафис қулъғи орқали кўринаётганидан ҳанг-манг бўлиб, қоққан қозиқдек туриб қолди. Кейин у қизнинг юз-кўзини яна кўздан кечираркан, унинг кўм-кўк кўзларига узоқ вақт тикилиб қолди. У яна бир нималар деб ғўлдираб, кафтини қизнинг кўлига (елкасидан сал пастроққа) қўйди, иккинчи кўли билан эса, қизнинг тирсагини букиб ёйди. Шунда сиваш чолнинг чеҳрасида нафрат ва таажжуб аломати акс этди, у нафратли оҳангда тўнғиллаб, Эмилининг кўлини қўйди. Кейин қандайдир қаттиқ,

---

Атоқли америка ёзувчиси Жек Лондон [1876—1916] ўзининг «Темир тоvon», «Оқ тиш», «Денгиз бўриси», «Мартин Иден» каби машҳур романлари билан жаҳон адабиёти классиклари сафидан жой олган бўлишига қарамай, айни пайтда ажойиб ҳикоянавис ҳам эди. Бу «фаол табиатли адиб» (М. Горький) ўзининг қисқа умри мобайнида ўнлаб йирик асарлардан ташқари, 150 дан ортиқ ҳикоя ҳам ёзган эди, бу ҳикояларида асосан мамлакат шимолидаги ва Океания оролларидаги ҳаёт зўр бадий маҳорат билан тасвирланган.

Буюк француз адиби Оноре де Бальзак пани Ханскаяга ёзган мактубларидан бирида, «Декамерон» услубида ҳикоялар ёзишга киришгани, ҳикояларнинг умумий миқдори, худди «Декамерон»дагидек, юзта бўлиши ва бу тўпلامга «Қитмир ҳикоялар» деб ном қўяжagini айтиб мактуб охирида «агар келгуси авлод Бальзак деган ёзувчини инутмай ёдда сақласа, бунга фақат шу «Қитмир ҳикоялар»ни сабаб бўлади», деб илова қилган эди. Бальзак бу кўзлаган ҳикояларидан фақат 33 тасини ёзиб улгурди. Улар, ҳеч шубҳа йўқки, бадий жиҳатдан ғоят баркамол ҳикоялардир. Бироқ, шунга қарамай, Бальзакни Бальзак қилган ва уни асрлар оша келаси авлодга буюк адиб сифатида тавсия қилган нарса унинг «Қитмир ҳикоялари» эмас, балки бир неча ўнлаб роман ва повестлардан ташкил топган «Инсоний комедия»си эканлигини ҳамма яхши билади.

Худди шунга ўхшаб, буюк романнавис Жек Лондон ҳам ўзининг таржимаи ҳолида беҳисоб ажойиб асарлари ичида фақат «Чоллар иттифоқи» ҳикоясини «энг яхши кўрган асарим» деб эътироф этган эди.

Биз муҳтарам журналхонларга Лондоннинг ана шу суюкли ҳикоясини ҳавола этмоқчимиз.

ТАРЖИМОН

дағал товушлар чиқариб, қизга орқасини ўгирди-да, Диккенсенга бир нималар деб гапира бошлади.

Диккенсен унинг нима деяётганини тушунмади, албатта, Эмили Трэвис эса кулиб юборди. Имбер хўмрайганча гоҳ Диккенсенга, гоҳ қизга юзланарди, лекин улар ҳеч нимага тушунмай, бош чайқардилар, холос. Чол энди улардан нари кетмоқчи бўлган эди, бирдан қиз чинқириб, кимнидир чақирди:

— Ҳой, Жимми! Буёққа келинг!

Жимми кўчанинг нариги бетидан келаётган эди. Бу бесўнақай гавдали, барзанги ҳиндилардан бўлиб, оқ танлилар қабилада кийинган, бошига, одатда Эльдорадо<sup>1</sup> қироллари киядиган соявони кенг шляпа кўндирган эди. У Имбер билан ҳар бир сўз томоғига тикилиб қолаётгандай, тутилиб-тутилиб гаплашди. Жимми ситха қабиладан эди; у мамлакат ичкарасида яшовчи ситхалар тилида фақат энг оддий сўзларнигина биларди.

— Бу одам Оқ Балиқ қабиладан, — деди у Эмили Трэвисга. — Меники уники тил яхши билади йўқ. Уники энг катта оқ одам кўриш хоҳлайди.

— Демак, губернаторни, — деб изоҳлади Диккенсен.

Жимми Оқ Балиқ қабиладан бўлган чол билан яна бир неча оғиз гаплашган эди, чеҳрасида ташвиш ва таажжуб ифодаси қалқди.

— Мен ўйлайди, унга керак капитан Александер, — деди Жимми, — У гапирди, у оқ одам, оқ хотин, оқ бола ўлдирган. Кўп-кўп оқ одам ўлдирган. Энди ўлишни хоҳлайди.

— Жинни бўлса керак, — деди Диккенсен.

— У нима — «жинни»? — деб сўради Жимми.

Диккенсен худди бошчаноғини тешиб юбормоқчи бўлгандай бармоғини пешонасига тираб, уни куч билан уёққа-буёққа айлантира бошлади.

— Бўлса бордир, бўлса бордир, — деди Жимми Имберга ўгирилиб, у ҳамон энг катта оқ одамни талаб қиларди.

Бу ерга қирол отлик полициясининг (Клондайкда полиция отсиз ҳаракат қиларди) полисмени келди, у Имбернинг такрорий илтимосини эшитди. Полисмен барваста, чорпахилдан келган, кўкраги кўлчиган, оёқлари бақувват ва чиройли бир давангир йигит эди; Имбер нечоғлиқ дароз бўлмасин, полисмен ундан яна ярим қарич баландроқ эди. Унинг кўк кўзлари совуқ ва қаттиқ тикиларди, гердайиб туришида аждодларидан мерос қолиб, асрлар мобайнида муқаддас одатга айланган ўз қудратига ишонч туйғуси яққол сезилиб турарди. Полисменнинг навқиронлиги ундаги салобатли мардонаворликни яна ҳам бўрттириб кўрсатарди, зеро у ҳали ўспирин йигитча эди ва силлиқ яноқлари худди навқирон қизники сингари салга чўғдай қизариб кетарди.

Энди Имбер фақат полисменга тикилиб қолган эди. Чолнинг кўзи йигитчанинг иягидаги қилич зарбидан ҳосил бўлган чандиққа тушиши билан, кўзларида ғалати бир ўт чақнаб кетди. У қоқ суяк кўлини полисменнинг сонига оҳиста қўйиб, унинг мушакдор оёғини то тўпиғигача мулойим силаб тушди. Чол буккик бармоғи билан йигитчанинг кенг кўкрагига тўкиллаб урди, сўнг унинг елкаларини совут янглиғ қоплаган тикмачоқдек мушакларини пайпаслаб кўрди. Бу пайт уларнинг атрофини томошаталаб ўткинчилар — олтин қидирувчилар, тоғ аҳли, янги ерларни очувчилар ўраб олишганди. Уларнинг ҳаммаси узун оёқли, кенг яғринли эди. Имбер ҳамма одамларни бирма-бир кўздан кечириб чикди-да, кейин Оқ Балиқ қабиласи тилида баралла овоз билан бир нима деди.

— Нима деяпти? — деб сўради Диккенсен.

— У айтди — бу ҳамма одам худди полисменнинг ўзгинаси, — деб таржима қилди Жимми.

Кичкина Диккенсеннинг бўйи паст эди, шунга кўра мисс Трэвис ҳузурида бундай савол берганидан хижолат бўлди. Лекин полисмен унга раҳм қилиб, дарҳол гапни буриб юборди.

— Назаримда, бу чолнинг қандайдир нияти борга ўхшайди. Яхшиси, уни капитаннинг ҳузурига олиб борай. Жимми, унга айт, мен билан юрсин.

Жимми яна дудуқлана бошлади, Имбер эса, тўнғиллаб қўйди, лекин кўринишидан кайфияти энди хийла чоғ эди.

— Ундан сўранг-чи, Жимми, — деди Эмили Трэвис, — боя у менинг кўлимдан ушлаганида нима деган экан, нималарни ўйлаган экан?

Жимми саволни таржима қилиб, шундай жавоб қайтарди:

— У гапирди, сизники кўрқоқ эмас.

Бу жавобни эшитган Эмили Трэвис ўз хурсандчилигини яшира олмади.

— У гапирди, сизники скукум эмас, ҳалиги, унча кучли эмас, худди гўдак боладек нозикмишсиз. У сизни қўллари билан бурда-бурда қилиб ташлай оларкан. У жуда кулди, жуда ҳайрон бўлди, қандай қилиб, мана бу полисмендек каттакон, кучли эркакни туғишингизга.

<sup>1</sup> Эльдорадо — Лотин Америкасидаги олтин ва қимматбаҳо тошларга бой афсонавий мамлакат.



Эмили Трэвис уялиб кетган бўлса ҳам, бошини эгмасликка журъат қилди, лекин икки юзи қирмизи тус олди. Кичкина Диккенсен лавлагидек қизариб, уялганидан ўзини қўярга жой тополмади. Полисменнинг майин юзи ҳам чўғдек аланга олди.

— Ҳей, қани юр, — деди у кескин оҳангда ва елкаси билан оломон орасини ёриб даврадан чиқа бошлади.

Имбер шу тарзда казармаларга бориб қолди, у ерда ўз ихтиёри билан ҳамма қилган жиноятларига тўла-тўқис иқрор бўлди ва у ердан бошқа қайтиб чиқмади.

Имбер жуда ҳам толиққан кўринади. У қариб, мункиллаб қолганди, ҳамма нарсадан умидини узганлиги кўзларидан кўриниб турарди. У ғамгин бир алпозда букчайиб ўтирарди, кўзлари хиралашганди; сочлари оппоқ оқарган бўлса керагу, лекин офтобда куйиб, ёғин-сочиндан ювилавериб, эндиликда асл рангини йўқотган ва патила-патила ҳолда осилиб ётарди. Атрофида кечаётган воқеаларга у парво ҳам қилмас эди. Хонани олтин қидирувчилар, овчилар тўлдиришган эди, уларнинг дўриллаган ваҳимали қаҳқаҳалари Имбернинг қулоғига худди соҳилдаги ғор ичида жаранглаган денгиз шовқинидек эшитиларди.

У дераза олдида ўтираркан, ташқаридаги шумшук манзарага дамбадам бепарволик билан қараб қўярди. Осмонни булут буркаб олган, совуқ ёмғир шивалаб ёғарди. Юкон дарёсида баҳорги тошқин бошланган эди. Муз энди эриб битган, дарё шаҳарни босган эди. Тиниб-тинчимасган одамлар шаҳарнинг катта кўчасидан энди қайиқларда гоҳ у, гоҳ бу ёққа тўхтовсиз сузиб ўтардилар. Казармалар қаршисидаги сувга фарқ бўлган майдонга гоҳ у, гоҳ бу қайиқ буриларди; кейин у қайиқлар яқинроқ сузиб келиб кўринмай қолишар, шунда Имбер қайиқнинг ёғоч деворга тўқ этиб урилганини, уйга дераза оша кираётган одамлар шарпасини эшитарди. Кейин ўша одамларнинг пастки қаватда шалоплатиб сув кечиб бориб, зинадан кўтарила бошлагани эшитиларди. Ниҳоят, улар шляпаларини ечиб, узун кўнжли жиққа ҳўл этикда одамлар билан гавжум бу хонага киришарди-да, суд бўлишини кутиб ўтирган оломон ичига сингиб кетишарди.

Мана шу одамларнинг ҳаммаси Имбернинг жазога тортилишидан қувониб, уни адоват билан кузатишаркан, ўз навбатида, чол ҳам бу одамларга тикилиб ўтириб, уларнинг расм-таомиллари, тартиб-қоидалари, шунингдек, илгари ҳам бўлган, ҳозир ҳам мавжуд, бундан кейин ҳам то қиёмат-қоимгача — ҳам яхши, ҳам ёмон кунларда, хоҳ сув тошқини, хоҳ очарчилик пайти бўлсин, доим юз бериб турувчи офатлару даҳшатлару ўлимларга қарамай (Имбернинг назарида), ҳаммиша ҳушёр турувчи уларнинг Қонунлари ҳақида ўйларди.

Бир одам столи тапиллатиб урди; ғовур-ғувур тиниб, ҳамма жим бўлиб қолди. Имбер ўша столини урган одамга қаради. Бу одам катта амалдорга ўхшарди, лекин Имбер, бу ердаги барча одамларга, ҳаттоки, столи тапиллатиб урган одамга ҳам, парво қилмасди. Аммо у стол ортида, сал нарироқда ўтирган манглайи кенг одам бошлиқ эканлигини дарров ҳис этди. Стол ортидаги бир одам ўрнидан турди ва қўлига бир даста юпқа қоғоз варақларини олиб, уларни баланд овоз билан ўқий бошлади. У янги варақни ўқишга киришишдан олдин томоқ қириб олар, ўқиб бўлгач эса, бармоғини тупуги билан ҳўлларди. Имбер бу одамнинг нима деяётганини тушунмасди, аммо бошқа ҳамма тушунаётган эди, чунки одамларнинг ачиғланаётгани яққол кўриниб турарди. Аҳён-аҳёнда улар жудаям ғазабланиб кетишар, бир марта ҳатто кимдир Имберни қисқагина қаҳрли сўз билан сўкди ҳам, лекин стол ортида ўтирган одам бармоғи билан столи тапиллатиб, қулоқсиз одамга жим бўлишни буюрди.

Қўлида қоғоз ушлаган одам жудаям узоқ вақт ўқиди. Унинг бир хил оҳангдаги зерикарли овозидан Имберни мудроқ босди, қоғозлар ўқиб бўлинганда эса, у маст уйқуда эди. Кимдир уни Оқ Балиқ қабиласи тилида чақирди, у уйғонди, лекин кўз олдида ўз жиянини — синглисининг ўғлини кўриб ҳеч ажабланмади ҳам; бу ёш ҳинди бундан анча йил бурун кадрдон юртидан жўнаб кетган ва шундан буён оқ танли одамлар орасида яшаб келарди.

— Энди мени эслолмасанг ҳам керак, — деди йигит саломлашиш ўрнига.

— Йўқ, эсимдасан, — деб жавоб қилди Имбер. — Сен — Хуакансан, орамиздан кетганинга жуда кўп бўлди. Онанг қазо қилди.

— У қариб қолганди, — деди Хуакан.

Имбер унинг жавобини эшитмади — яна кўзи илинган эди. Хуакан унинг елкасига туртиб, яна уйғотди.

— Мен мана бу одам ўқиган нарсаларни сенга айтиб бермоқчиман, у сен қилган ҳамма жиноятлар ҳақида ўқиб берди, сен аҳмоқ эса, шу жиноятларни қилганинга иқрор бўлиб, капитан Александерга сўзлаб берибсан. Энди сен яхшилаб ўйлаб, шу гапларнинг ҳаммаси тўғри ё нотўғри эканлигини бу ерда очиқ айтишинг керак. Сенга шундай буюрилди.

Хуакан миссионерлар қўл остида яшаб, ўқиш-ёзишни ўрганиб олган эди. Ҳозир у бояги стол ортида туриб овоз чиқариб ўқиган одамнинг қўлидаги ўша юпқа қоғоз варақларини ушлаб турарди — бу қоғозларга капитан Александер сўроқ қилган пайтда Имбернинг Жимми ёрдамида сўзлаб берган ҳамма гаплари ёзилган эди. Хуакан ўқий

бошлади. Имбер бир оз эшитиб тургач, чехрасида ҳайрат аломати пайдо бўлди ва шартта жиянининг гапини бўлди:

— Ахир бу гапларни мен айтганман-ку, Хуакан, энди эса, уларни сенинг тилинг гапиряпти, ахир қулоқларинг бу гапларни эшитмаган эди-ку.

Хуакан мағрур жилмайиб, фарқ очиб таралган сочини силаб қўйди.

— Йўқ, Имбер, бу гаплар қоғоздан чиқяпти. Қулоқларим уларни эшитмаган. Сўзлар қоғоздан чиқиб, кўзларим орқали миямга киради, кейин оғзимдан чиқиб, сенга эшитилади. Мана шунақа.

— Ҳали шунақа дегин? Бундан чиқди, ўша гаплар қоғозда экан-да? — деб иззат-эҳтиром билан пичирлади Имбер ва қоғозни бармоқлари билан пайпаслаб кўраркан, унинг бетига белгиларга кўрқа-писа кўз ташлади. — Бу энг улкан сеҳргарлик, сен, Хуакан, ҳақиқий сеҳргарсан.

— Бе, шуюм сеҳргарлик бўптими, — деди йигитча бепарво оҳангда, лекин мағрурланаётганини яшира олмади.

У қўлига илинган биринчи варақни олиб ўқий бошлади:

«Уша йили, дарёда шовуш<sup>1</sup> бошланмасдан олдинроқ бир чол билан бир оёғи оқсоқ бола пайдо бўлди. Мен уларни ҳам ўлдирдим, ўшанда чол жон аччиғида роса чинқирган эди...»

— Бу тўғри, — деб ўқишни бўлди Имбер, энтикиб нафас оларкан. — У жуда-жуда узоқ кичқирди, ҳеч ўлишни хоҳламай, ўзини ҳар томонга уравверди. Лекин сен буни қарёқдан биласан, Хуакан? Буни сенга оқ танлиларнинг бошлиғи айтиб берган бўлса керак-а? Қандай ўлдирганимни ҳеч ким кўрмаган эди, буни мен фақат бошлиққагина сўзлаб берувдим.

Хуакан ранжиб бош чайқаб қўйди.

— Боя айтивдим-ку сенга, эй тентак, бу сўзларнинг ҳаммаси қоғозга ёзилган, деб!

Имбер сиёҳда ёзилган белгилар билан живир-живир бўлиб кетган қоғоз бетига диққат билан тикилди.

— Овчи қордаги изга қараб бундай дейди: кеча мана бу ердан қуён чопиб ўтипти, бу ерда, толзорда чўққайиб ўтириб, қулоқ солган, кейин бир ниманинг шарпасидан кўрқиб югуриб кетган; мана бу ерга келганда, орқасига қайтган, бу ерда у узоқ-узоққа сакраб, ўқдай учиб кетган, бу ёқда бўлса, силовсин қуёндан ҳам тезроқ чопган; мана бу ерда силовсиннинг оёқлари қорга чуқур-чуқур ботган, демак у узоқ-узоққа сакраб югурган, бу ерда у қуёнга етиб олиб, уни таппа босган-у, орқаси билан қорга йиқилган; бундан буёғига фақат силовсиннинг изи бор, қуённинг изи ғойиб бўлган. Овчи қордаги изларга қараб шундай дейди. Худди шунга ўхшаш сен ҳам қоғозга қараб, бу ерда бу иш бўлган эди, у ерда ундай бўлган эди, буларнинг ҳаммасини қари Имбер қилган эди, деб айтаётган экансан-да?

— Ҳа, топдинг, — деб жавоб қилди Хуакан. — Энди буёғига яхшилаб қулоқ сол-у, то, гапир, деб бюришмагунча хотинчалиш жаврақи тилингни тийиб ўтир.

Кейин Хуакан Имбернинг капитанга берган гувоҳлигини унга бир бошдан узоқ вақт ўқиб берди, Имбер эса, хаёлига берилиб, сукут сақлаб ўтирди. Хуакан жим бўлиб қолгандан кейин Имбер унга деди:

— Ҳаммаси менинг сўзларим, ҳаммаси тўғри сўзлар, Хуакан, аммо мен жуда қартайиб қолдим, шунинг учун алақачон унутилган ишлар, мана, энди эсимга тушяпти, буларни бошлиқ билиши керак. Эшит. Бир куни Муз Тоғлари ортидан бир одам келди, унинг оҳанжамали темир қопқонлари бор эди; у Оқ Балиқ дарёсида қундуз овларди. Мен уни ўлдирдим. Кейин Оқ Балиқ дарёсида уч одам пайдо бўлди, улар олтин қидиришарди. Мен уларни ҳам ўлдириб, жасадларини йиртқич сувсарларга ташладим. Яна Файв Фингерз бўйида битта одамни ўлдирдим — у жуда кўп гўшт ғамлаб, солда сузиб кетаётган эди...

Имбер қилган ишларини эсига тушириш учун бир дақиқагина жим бўлиб қолганида, Хуакан унинг гапларини таржима қилар, котиб уларни ёзиб оларди. Халқ чолнинг одмигина ҳикояларини хийла бепарволик билан тингларкан, ҳар бир киши ўзича кичик бир фожиани кўз олдига келтирарди, ниҳоят, Имбер бир малласоч, ғилайкўз одамни узоқдан туриб комон ўқи билан отиб ўлдирганини сўзлаб берди.

— Вой, лаънати, — деб юборди олдинги қаторда ўтирган тингловчилардан бири, унинг овозида алам ва ғазаб оҳанги янгради. Бу одамнинг сочи малла эди. — Вой, лаънати-эй, — деб такрорлади у. — Ахир у менинг акам Билл-ку!

Шундан кейин ҳам бутун суд давомида хонада ўқтин-ўқтин ғазаб билан айтилган «Вой, лаънати» сўзи эшитилиб турди — малласочни на ўртоқларининг илтимоси, на стол ортида ўтирган одамнинг танбиҳлари жим бўлишга мажбур қила олди.

Имбернинг боши яна кўксига шилқ этиб тушди, кўзлари худди парда қоплангандай атроф-муҳитни мутлақо кўрмай қўйди. У яна ўз ўй-мулоҳазаларига берилди; ёшлик шижоатининг оқибати мутлақо бесамарлик билан тугаши ҳақида фақат кексаларгина бехато мулоҳаза қила оладилар.

<sup>1</sup> Шовуш — муз кўчиш.

Хуакан уни яна туртиб уйғотди.

— Тур ўрнингдан, ҳой, Имбер. Нима учун бундай жинойтларга қўл уриб, ўша одамларни ўлдиридинг, кейин, нега Қонунни қидириб бу ерга келдинг — шулар тўғрисида сўзлаб бериш буюрилди сенга.

Силласи қуриган Имбер оёқлари қалтираб зўрға ўрнидан турди, дўриллаган, хиёл титроқ овоз билан гапира бошлаганди, бироқ Хуакан уни тўхтатди.

— Бу чолнинг бутунлай эси оғиб қолган, — деб у инглиз тилида кенг манглайли кишига юзланди. — У худди гўдак болага ўхшаб беъмани гапларни айтяпти.

— Биз унинг ўша беъмани гапларини эшитмоқчимиз, — деди кенг манглайли одам. — Биз унинг ҳамма гапини, охирги сўзигача эшитмоқчимиз. Тушунгандирсан?

Хуакан тушунган эди. Имбер унга ялт этиб қаради — жиянининг оқтанлилар бошлиғи билан нима тўғрисида гаплашаётганини у фаҳмлаган эди. Шундан кейин у ўз қилмишларига иқрор бўла бошладики, бу қора танли ватанпарварнинг келгуси авлодга ибрат тарзда бронзага ўйиб ёзиб қўйишга арзийдиган ғайритабиий ҳаётининг баёни эди. Оломон худди сеҳрлангандай гунгу лол эди; бошини қўлига тираб ўтирган манглайи кенг судья эса, бамисоли қари ҳиндининг нақ қалбини, унинг бутун арзи дилини тинглаётгандек ҳис қиларди ўзини. Теран сукунатда фақат Имбернинг дағал овози-ю, уни шартта-шартта бўлиб турган таржимоннинг луқмаси ва малласоч одамнинг аҳён-аҳёнда бир бонг уриб қўядиган черков қўнғироғини эслатувчи «Вой, лаънати-ей!» деган таажжубона овози эшитиларди, холос.

— Мен — Имберман, Оқ Балиқ қабиласиданман, — деб Хуакан чолнинг айтганларини таржима қиларди; мана, Имбернинг нутқидаги таниш оҳанглар ва талаффузлар йигитнинг қўлоғига чалинган ҳамонюк, унинг аввалги ёввойилиги кўзиб, миллионерлар тарбияси туфайли миясига сингдирилган дунёвий маданият нишонлари бир зумда ғойиб бўлди. — Менинг отам Отсбаок қудратли жангчи эди. Мен кичкина бола пайтимда еримизни илиқ қуёш иситар, қалбимизга қувонч дармон берарди. Одамлар ўзлари билмаган нарса орқасидан қувмасдилар, бегоналарнинг гапларига қулоқ солмасдилар, ота-боболар одати улар учун одат эди. Йигитлар қизларга очиқ юз билан тикилишарди, қизлар ҳам уларнинг кўзларини қувонтиришарди. Хотинлар чақалоқларини кўкрак сути билан боқардилар, уларнинг қоринлари ҳомилага лиқ тўла эди. Авлодларимиз тобора кўпая борди, ўша пайтдаги эркаклар ҳам ҳақиқий эркаклар эди. Улар тинч-осойишта, тўқчилик пайтида қандай мард бўлган бўлишса, уруш ва очлик кунларида ҳам шундай мардликларини кўрсатдилар.

У пайтларда сувда балиқлар ҳозиргидан жуда мўл эди, ўрмонда ҳам овбоп ёввойи қушлар ғиж-ғиж эди. Итларимиз бўри зотидан эди, терилари қалин бўлгани учун аёздан ҳам, қуюндан ҳам кўрқмай, иссиққина юришарди. Биз ўзимиз ҳам итларимизга ўхшардик — биз ҳам совуқдан, қуюндан кўрқмасдик. Пелли қабиласидан бўлган одамлар юртимизга келишганда биз уларни ўлдирдик, улар ҳам бизни ўлдирди бошлашди. Негаки, бизлар — Оқ Балиқ қабиласининг одамлари ҳақиқий эркаклар эдик; бизнинг оталаримиз ҳам, оталаримизнинг оталари ҳам пелли қабиласи билан жанг қилишиб, еримизнинг чегарасини белгилашган экан.

Боя айтдим: итларимиз зўр эди, ўзимиз ҳам ҳеч нимадан кўрқмас эдик. Лекин кунларнинг бирида юртимизга энг биринчи оқтанли одам келди. У қорда судралиб тўрт оёқлаб келди, мана бундай қилиб. Унинг эти суягига ёпишган, териси остидан суяклари диккайиб турарди. Бизлар ҳеч қачон бунақа одамни кўрмаган эдик, шунинг учун ҳаммамиз ҳайратланиб, бу одам қайси қабиланинг одами экан, қаёқдан келиб қолдикин, деб бош қотира бошладик. У заиф эди, худди гўдак боладек жудаям нимжон эди, биз иссиқ пўстақларни ўчоқ олдига тўшаб, уни шу ерга ётқиздик, худди кичкина болани боққандек, уни едирдик, ичирдик.

У билан бирга бизнинг итларимизга учта келадиган жуда баҳайбат бир ит ҳам эргашиб келган эди, у ҳам жуда ҳолдан тойган эди. Бу итнинг юнги калта бўлиб, яхши исита олмас эди, думини бўлса совуқ олиб, учи уқаланиб тушган эди. Биз бу ғалати итни боқиб қорнини тўйғаздик, ўчоқ яқинига олиб келиб иситдик, ўз итларимизни ҳайдаб юбордик, акс ҳолда унни хомталаш қилиб, еб қўйишлари мумкин эди.

Бу оқ одам билан унинг ити буғу гўшти, сурланган лосось балиғини еб, аста-секин кучга кира бошлашди, кучга киргандан кейин, семириб, тетиклашишди. Оқ Одам баланд овоз билан тапирадиган, чоллар ва йигитларни масхара қилиб куладиган одат чиқарди. Қизларимизга ёмон кўз билан қарай бошлади. Унинг кўппаги нуқул итларимиз билан уришарди, гарчи унинг юнги майин, қисқа бўлса ҳам, бир куну у бирваракайига учта итимизни ғажиб ташлади.

Биз бу одамдан, қайси қабиладансан, деб сўраганимизда, у: «Менинг оғаниларим жуда кўп», деб жавоб қилди ва ёмон хунук кулди. У бутунлай соғайиб бақувват бўлгандан кейин, юртимиздан жўнаб кетди, сардоримизнинг қизи Нода ҳам у билан бирга кетди. Шундан кейин бир оз вақт ўтгач, бир қанжигимиз болалади. Биз бунақанги кучук болаларни ҳеч кўрмаган эдик — улар калладор, жағлари кучли, туқлари калта, аммо ўзлари жуда ожиз эдилар. Менинг отам Отсбаок қудратли жангчи эди; эсимда, у ўша нотавон кучук болаларни кўриши билан, ғабздан кўкариб

кетди, кейин каттакон тошни кўтариб, мана бундай, кейин мана бундай қилди, шунда кучук болалар адои тамом бўлди. Шу воқеадан кейин орадан икки ёз ўтганда, қўлида кичкина ўғилчаси билан Нода қайтиб келди.

Ҳамма бало шундан бошланди. Кейин яна бир оқтанли одам бир гала юнги калта итларни бошлаб келди, кейин у ўз итларини бизга қолдириб жўнаб кетди. Лекин ўрнига ўрин бизнинг энг бақувват итларимиздан олтитасини олиб кетди; бу итлар эвазига у онаминг укаси Ку-Со-Тига ажойиб бир пистолет берганди: у пистолет бирварақайга олтига ўқ уза оларди. Ку-Со-Ти пистолетли бўлиб олиб, жуда кеккайиб қолди, у бизнинг камалак, ўқларимизни мазах қилиб, уларни хотинлар ўйинчоғи деб атади. Бир кун у қўлида пистолет билан айиқ овига жўнади. Энди ҳамма билади: айиқ овлаш учун пистолет ярамаслигини, лекин илгари биз буни қаёқдан билибмиз? Ку-Со-Ти ҳам буни қаёқдан билипти, дейсиз? У айиқнинг рўпарасига дадил бостириб бориб, унга қарата пистолетидан олтига ўқни устма-уст тез отган, айиқ бўлса баралла ўқирган-у, Ку-Со-Тининг кўкрагини худди тухумни эзгандай, пачақлаб ташлаган, мияси бўлса худди болари инидан тўкилган асалдек ерга ёйилган. У моҳир овчи эди, энди унинг хотини, болалари учун ёввойи паррандаларни ҳеч ким отиб келмайди. Бу ҳолдан ҳаммамиз қаттиқ қайғурдик, шунда биз: «Оқ танлилар учун нимаики яхши бўлса, ўша биз учун ёмон» деган қарорга келдик. Ҳақиқатан ҳам шундай. Оқ танли одамлар кўпчилик, ҳаммаси семиз, бизлар эса, уларнинг дастидан қирилиб камайиб кетдик, озиб чўп бўлдик.

Кейин учинчи оқ танли келди, унинг жуда-жуда кўп ҳар хил ғаройиб овқатлари, турли-туман бойликлари бор эди. У бизлар билан савдолашиб, ўша молларига бизнинг йигирмата энг бақувват итимизни айирбошлаб олди. Яна, у ўрта азамат овчи йигитимизни ҳар турли совғалар билан алдаб, уларга йўқ ердаги нарсаларни ваъда қилиб, ўзи билан олиб кетди, шу-шу улар дом-дараксиз йитишди. Овозаларга қараганда, улар одам оёғи етмаган муз Тоғининг қорлари остида, яна бошқаларнинг айтишича ер чегарасининг нариги томонидаги Сукунат Адирларида нобуд бўлишган эмиш. Шу гап тўғрими ё йўқми билмайману, лекин Оқ Балиқ қабиласининг одамлари ўша овчи йигитларни ҳам, итларни ҳам бошқа ҳеч қачон кўришмади.

Оқ танли одамлар юртимизга яна ва яна келишаверди, бизга совға-саломлар олиб келиб, навқирон йигитларимизни олиб кетаверишди. Баъзида йигитлар қайтиб келишарди, ана шунда улар пелли қабиласи еридан ҳам наридаги олис юртларда ўз бошларидан кечирган оғир мусибат ва хавф-хатарлар ҳақида бизга жуда ғаройиб воқеаларни сўзлаб беришарди, лекин кўпинча кетган йигитлар буткул қайтиб келишмади. Ана шунда биз бундай қарор қилдик: «Оқ танли одамлар кўпчилик, шунинг учун ҳам ҳеч кимдан қўрқмайдилар, биз — Оқ Балиқ одамлари камчиликмиз, шунга кўра, йигитларимиз энди бизни ташлаб кетмасликлари керак». Лекин йигитларимиз барибир оқлар ортидан жўнайверишди, қизларимиз ҳам она юртни ташлаб кетаверишди, бизнинг ғазабимиз ортаверди.

Рост, бизлар энди унли-хамирли овқат, тузланган чўчқа гўшти ердик, ҳузур қилиб чой ичардик; агар ичишга чойимиз қолмаса, аҳволимиз ёмон бўларди — тумшайиб, ҳеч ким билан гаплашгимиз келмасди, сал нарсага аччиғимиз чиқарди. Шундай қилиб, биз оқ танли одамларнинг айирбошлаш учун олиб келадиган нарсаларини қўмсайдиган одат чиқардик. Савдолашиш! Савдолашиш! Бутун фикру хаёлимиз савдолашиш бўлиб қолди. Бир гал қиш пайтида биз ов қилиб келганимиз ҳамма ёввойи паррандаларни битта юрмайдиган соат-у, ўтмас арра билан ўқи йўқ пистолетга алмаштирдик. Кейин очлик бошланди, еишга гўштимиз қолмаган эди, натижада қирқтача одам баҳорга етолмай ўлиб кетди.

«Энди заифлашиб қолдик, — дердик биз, — пелли қабиласи бизга ҳужум қилиб, бутун еримизни тортиб олади энди». Лекин бу бахтсизлик нафақат бизнинг, пелли қабиласининг ҳам бошига тушган экан — уларнинг ҳам одамлари дармонсизланиб қолган, биз билан жанг қилишга ожиз эканлар.

Менинг отам — қудратли жангчи Отсбаок, у пайтда жуда қариб қолган, кўп донишманд одам эди. У қабила сардорига бундай маслаҳат берган эди: «Қара, итларимиз мутлақо ишга яроқсиз, ҳолдан тойган. Уларнинг энди узун туклариям йўқ, куч-қувватдан ҳам қолганлар, ченага қўшишга ҳам ярамайдилар, совуққа ҳам чидолмай, тўнгиб қолишади. Кел, яхшиси, бўри зотидан бўлган қанжиқларнигина олиб қолиб, қолган ҳамма итни ўлдириб ташлайлик. Қанжиқларни кечалари ечиб, ўрмонга қўйиб юборайлик, токи улар ёввойи бўрилар билан топишиб, урчишсинлар. Қарабсанки, биз яна жуни қалин бақувват итларга эга бўламиз».

Сардор ҳам отамнинг маслаҳатига қулоқ солди, натижада, орадан кўп вақт ўтмай, Оқ Балиқ қабиласи ўзининг энг зотдор итлари билан бутун ўлкада доврўқ қозонди. Лекин фақат итлари билан — одамлари билан эмас. Энг яхши йигит-қизларимиз ҳамон олис сўқмоқлардан юриб, дарёларда сузиб, оқ танли одамларга эргашиб аллақайси томонларга жўнаб кетардилар. Қизлар дардга чалиниб, қаримсиқ бўлиб, худди Нода сингари қайтиб келишар, ёки мутлақо қайтишмас эди. Бордию йигитлардан битта-иккитаси қайтиб келса, улар даврамизда узок ўтиришмасди. Улар жаҳонгашталиқ қилиб юрган пайтларида ўрганган ёмон сўзларини айтишиб, адабсиз қилиқлар қилишар, иблис ичимлиги-

ни ичишиб, туну кун қарта ўйнашар, оқ танли одамларнинг бир имоси билан яна номаълум ўлкаларга равона бўлишарди. Улар қатталарни иззат қилиш кераклигини унутишган, ҳеч кимни ҳурмат қилишмас, аксинча қадимий таомилларимиз устидан кулишар, сардорнинг ҳам, шомоннинг ҳам узига тик боқиб, уларни масхара қилишар эди.

Боя айтдимки, биз — Оқ Балиқ қабиласининг одамлари нимжон, нотавон бўлиб қолган эдик. Мўйналар, иссиқ териларни тамаки, виски ва юпка матодан тикилган кийимларга айирбошлардик, кейин совуқдан қалтираб кун кечирардик. Қаттиқ йўталга йўлиқдик, эркалар ҳам, аёллар ҳам касал бўла бошлашди, улар қув-қув йўталишар, кечаси билан қора қорга ботиб чиқишарди, овчиларимиз эса, ўрмонга киришиб, қорга қон туфлашар эди. Гоҳ у, гоҳ бу одамимизнинг оғзидан лахта-лахта қон келар, кейин шу дард оқибатида тезда ўлиб кетарди. Хотинларимиз болани кам туғадиган бўлиб қолишди, туғилган болалар ҳам нимжон, хаста эди. Оқ танли одамлар биз умримизда эшитмаган яна бошқа номаълум касалликларни ҳам орамизга олиб киришди; улар чечак, қизамиқ деб аталар экан — кузда лосось балиқлари дарёнинг сокин ирмоғида увулдириқ ташлаб, ўзлари нобуд бўлишганидек, одамларимиз ҳам ўша чечак, қизамиқ дардидан қирла бошлашди.

Мана, энг қизиқ гапни эшитинг: оқ танли одамлар бизга ўлим олиб келишар, уларнинг ҳамма қилмишлари ўлимга олиб борар, ҳаттоки бурунларидан чиққан нафасидан ҳам ўлим хавфи уфириб турарди-ю, ўзлари ўлим нималигини билмасдилар. Виски ҳам, тамаки ҳам, юнги калта итлар ҳам ўшаларда; уларда талай-талай касалликлар: чечак ҳам, қизамиқ ҳам, йўтал ҳам, қон туфлаш ҳам; уларнинг баданлари оқ, совуқдан, бўрондан қўрқишарди; кетма-кетига олти марта ўқ узадиган пистолетлар ҳам ўшаларда. Лекин шунча касалликлари бўлишига қарамай, улар биққидай семиз, яйраб-яшнашди, улар ўзларининг залворли қўлларини бутун жаҳон устига қўйишган, улар барча халқларни оёқости қилишади. Уларнинг хотинлари эса, худди гўдак болалардек нимжон, лекин кўринишдан шундай нозик бўлишса ҳам, аслида, бирам бақувватларки, эҳ-ҳе, ахир улар зардаст, бақувват эркаларнинг онаси-да! Бундан чиқди, уларнинг нозиклиги ҳам, бетоблиги ҳам, нимжонлиги ҳам кучга, қудратга, ҳукмронликка айланар экан. Оқ танли одамлар ё худо, ёки шайтон бўлишса керак — тагин билмадим. Мен — Оқ Балиқ қабиласидан тарқаган қари Имбер ниманиям билардим? Мен фақат шуни яхши биламанки, бу оқ танли ер очувчиларнинг, жангчиларнинг ниятини тушуниш сира мумкин эмас.

Боя айтдим, ўрмонларда ёввойи қушлар тобора камайиб бораверди. Тўғри, оқ одамнинг милтиғи — жуда яхши қурол, у жуда узоқдаги нишонни мўлжалга олиши мумкин, лекин отадиган ҳеч вақо бўлмаса, унақа милтиқдан нима фойда? Болалик пайтларимда ҳар бир тепаликда лось буғусини учратиш мумкин эди, ҳар йили келадиган қарибу буғуларини-ку, санаб адоғига етолмасдик. Ҳозир овчи сўқмоқ йўлларда сурункасига ўн кунлаб кезиб юрса ҳам, биронта лось буғусини кўрмайди, илгари ўрмонларимизда фикж-ғиж юрган қарибу буғуларни-ку, бутунлай йўқолиб кетган. Шунинг учун айтялман-да: узоқни мўлжалга олиш мумкин бўлгани билан, отадиган нарса бўлмагандан кейин, милтиқдан ҳеч қандай фойда йўқ.

Менким, Имбер шундай ўйладим, негаки мен Оқ Балиқ қабиласининг, пелли қабиласининг нобуд бўлаётганини, яна ўлкамиздаги бошқа ҳамма қабиаларнинг худди ўрмондаги ёввойи қушлардек қирилиб кетаётганини ўз кўзим билан кўрдим. Мен узоқ ўйладим. Шомонлар билан, донишманд қариялар билан суҳбатлашдим. Одамларнинг шовқини ўй ўйлашимга халақит бермасин деб, қишлоқдан олисроққа, ўрмонга бориб ўтирдим, қорним безовта қилмасин, кўзларим ўткир, қулоқларим динг бўлсин учун гўшт эмай қўйдим. Мен уйқудан воз кечиб, ўрмонда жуда узоқ вақт ўтирдим, кўзларим ғойибдан ишора келишини кутардилар, қулоқларим ҳамма жумбоқни ечиб берадиган сўзни эшитиш учун ҳамиша динг эди. Зим-зиё тунда ёлғиз ўзим дарё бўйига бордим — у ерда шамол инграр, сув йиғлар эди — мен шу соҳилда, дарахтлар орасида қадимги донишмандларнинг, марҳум шомонларнинг арвоҳини учратиб, улардан маслаҳат сўрамоққа аҳд этдим.

Ниҳоят, кўзимга шарпалар кўринди, булар юнги калта ярамас итларнинг арвоҳлари эди, мен уларни кўрдим-у, нима қилишим кераклигини тушундим. Отамнинг, қудратли жангчи Отсбаокнинг доно мулоҳазаси туфайли бўри зотидан тарқаган итларимиз ўз наслий софликларини сақлаб қолдилар: уларнинг юнглари ҳам иссиқ эди, ченага қўшишга ҳам бемалол ярардилар. Шуларни кўнглимдан ўтказиб, мен ҳам қишлоққа қайтиб келдим-да, жангчиларга ўз мулоҳазаларимни айтдим, «Оқ танли одамлар ҳам бир қабила, лекин жуда улкан қабила, — дедим мен. — Уларнинг юртида овбоп ёввойи қушлар қолмаган, шунинг учун бизнинг ўлкамизни эгаллаб олгани бу ёқларга келишган. Улар бизни нимжон қилиб қўйишди, бизлар қирилиб кетяпмиз. Улар жудаям очкўз одамлар. Мана шунинг оқибатида юртимизда ов қилиш учун ёввойи қушлар қолмади, шунга кўра, агар биз яшашни истасақ, оқ танли одамларнинг итларини бир вақтлар нима қилган бўлсак, ўзларини ҳам шундай қилишимиз керак».

Мен яна жуда кўп гапирдим, охири ўртага, жанг қилишимиз керак, деган таклифни ташладим. Оқ Балиқ қабиласининг одамлари гапимни диққат билан эшитишди, кейин биров ундоқ деди, биров бундоқ деди, яна баъзи бировлар мутлақо бемаъни гаплар ай-

тишди, лекин мен биронта ҳам жангчининг оғзидан жасорат, уруш деган сўзларни эшитмадим. Йигитлар қўрқоқ, кўлмақ сувдек кучсиз эдилар, лекин шу пайт даврамизда сукут сақлаб ўтирган чолларнинг кўзида ўт чақнаганини кўриб қолдим. Ўша куни кечқурун, бутун қишлоқ аҳли уйқуга кетганидан кейин, мен ими-жимидида чолларни ўрмонга чорладим, улар билан ўша ерда яна суҳбатлашдим. Шунда ҳаммамиз бир битимга келдик, биз ёшлик давримизни, маъмурчиликда шод-хуррам яшаган кунларимизни, кўкда офтоб чарақлаб турган пайтларни, заминимиз озод бўлган кунларни эсладик. Биз чоллар ўша куни бир-биримиз билан оға-ини тутиндик, тузган режамизни ҳаммадан сир тутишга сўз бердик ва она еримизни босқинчи ёвуз қабиладан тозалашга қасамёд қилдик. Мана энди кўриб турибманки, аҳмоқона иш қилган эканмиз, лекин ўша пайтда бундай бўлишини биз — Оқ Балик қабиласининг чоллари қаёқдан ҳам билибмиз?

Ўшанда мен бошқа чолларга ўрнатилган кўрсатиш, уларни жасоратга даъват этиш учун, қотилликка биринчи бўлиб қўл урдим. Юкон соҳилида писиб ётдим, орадан анча-мунча вақт ўтгач, енгил қайиқда сузиб келаётган иккита оқ танли одамни кўрдим. Улар ўрмондан туриб, қўлимни кўтарганимни кўришган заҳоти йўналишларини ўзгартириб, қирғоқ томон суза бошладилар. Лекин қайиқнинг тумшук томонида ўтирган одам ниятимни билмоқ учун бошини кўтарган эди, шу заҳоти камонимдан узилган ўқ ғувиллаб бориб, тўппа-тўғри унинг томоғига қадалди-ю, у менинг ниятимни билди. Қайиқнинг дум томонида ўтириб, уни бошқараётган иккинчи одам милтиғини елкасига тирашга ҳам улгурмади: найза отиб, уни ҳам гумдон қилдим, ҳали қўлимда яна иккита найза қолган эди.

— Булар энг биринчиси, — дедим мен ёнимга келган чолларга юзланиб. — Яна сал вақтдан кейин биз ҳамма қабилалардаги барча чолларни бирлаштирамиз, ундан кейин, билагида кучи бор йигитларни ҳам сафимизга тортамыз, ана унда ишимиз юришиб кетади.

Шундан кейин оқ танлиларнинг жасадларини дарёга ташладик. Қайиқни эса — ўзим жуда пишиқ ишланган яхши қайиқ экан-да — ёқиб юбордик, қайиқдаги ҳамма нарсаларни ҳам ёқиб юбордик. Лекин ёқишдан олдин у буюмларни очиб кўрдик, улар чарм халталарга солинган экан, халталарни пичоқ билан тилишимизга тўғри келди. Халталарда жуда кўп қоғозлар бор экан, улар боя сен ўқиган қоғозларга ўхшаб кетарди, Хуакан... ҳамма қоғозларнинг бети ҳар хил белгилар билан тўлдирилган эди; биз у белгиларни ҳайрон бўлиб томоша қилдик, лекин ҳеч нима тушунмадик. Мана энди ақлим кириб, ҳаммасига тушуна бошладим: ўша белгилар, сен айтганингча, одамларнинг гаплари экан...

Хуакан қайиқдаги икки одамнинг ўлдирилгани ҳақидаги ҳикояни таржима қилиб улгурмасиданоқ хонани тўлдириб ўтирган оломон орасида ҳаяжонланиш, ғовур-ғовур кўтарилди.

— Ахир бу тўқсон биринчи йилда ғойиб бўлган почта-ку! — деб юборди кимдир. — Уни Питер Жеймс билан Дилнэни олиб кетган эди, уларни охири марта Ла—Барж кўли бўйида Мэттьюз кўрган экан.

Котиб ҳамма гапни тиришқоқлик билан ёзиб борарди, бунинг оқибатида Шимолнинг тарихига янги боб қўшилди.

— Айтадиган гапим тугай деб қолди, — деди Имбер салмоқли товушда.—Биз қилган ишларнинг ҳаммаси қоғозга тушган. Биз, чоллар, нима қилаётганимизни тушунмаган эдик. Сиримизни сақлаган ҳолда, оқ танлиларни ўлдиравердик, ўлдиравердик; биз уларни жуда усталик билан ўлдирардик, зеро, кўп йил яшаб орттирган ҳаётини тажрибамиз ўз ишимизни бамайхотир, аммо чаққон-чаққон бажаришга одатлантирган эди. Кунларнинг бирида қишлоғимизга оқ танли одамлар келишди, улар бизга ўқрайиб қарашди, ўдағайлаб ҳақорат қилишди, кейин олтита йигитимизнинг қўлига темир кишан солиб, уларни ўзлари билан олиб кетишди. Ана шунда биз яна ҳам айёрлик ишлатиб, яна ҳам кўпроқ ўлдиришимиз кераклигини тушундик. Шундан кейин биз, чоллар, бирин-кетин дарёнинг юқори ва куйи оқимидаги нотаниш ўлкаларга жўнадик. Бундай иш биздан жасорат талаб қиларди. Гарчи қариб, энди ҳеч нимадан қўрқмай кўйган бўлсак ҳам, шунга қарамай, бегона, олис юртлар бизни қаттиқ ваҳимага соларди.


Шу зайдда биз ҳеч шошмасдан, зўр айёрлик билан ўлдиравердик. Биз Чилкутда ҳам, Дельиа яқинида ҳам, тоғ доvonларида ҳам, денгиз соҳилида ҳам, қисқаси, оқ танли одамлар манзил қурган ёки ўзига йўл очаётган ҳамма ерда уларни ўлдиравердик. Ҳа, оқ танли одамлар ўлишарди, лекин биз учун бу ҳеч қандай фойда келтирмасди. Чунки оқ танли одамлар тоғ ортидан тобора кўпроқ келишар, биз чоллар бўлсак, кун сайин камайиб борардик. Эсимда, Буғу доvonида бир оқ танли одам манзил қурган эди. У пакана, кичкина одам эди. У ухлаб ётган пайтда чолларимиздан учтаси унинг устига бостириб боған. Эртаси куни мен ўша кичкина одамнинг манзилгоҳига бориб, унинг ҳам, учта чолимизнинг ҳам чўзилиб ётишганини кўрдим. Бу тўртта одамдан фақат оқ танлининг жони узилмаган эди ҳали, у зўрға нафас олиб ётган бўлса ҳам, ўлими олдидан мени бўралаб сўкишга кучи етди.

Хуллас, мана шунақа бўлган эди: бугун битта чолимиз ўлса, эртага бошқаси ўларди. Баъзида бирон бир одамимизнинг ўлгани овозаси, орадан анча вақт ўтиб кетгандан кейин бизга етиб келар эди, баъзан етиб ҳам келмасди. Бошқа қабилаларнинг чол-

лари нимжон, кўрқоқ эди, улар бизга ёрдам беришни хоҳлашмасди. Қисқаси, бугун битта чол набуд бўлса, эртага иккинчиси ўлиб, бора-бора, мана, фақат мен, Оқ Балиқ қабиласидан бўлган Имбер қолдим. Менинг отам Отсбаок қудратли жангчи эди. Энди Оқ Балиқ қабиласи йўқ. У қабиланинг энг охирги кекса намояндаси менман, ёш йигитлар-у жувонлар еримизни ташлаб кетишди — биров пелли қабиласига, биров Қизил Балиқ қабиласига бориб қўшилди, кўпчилик оқ одамлар ичига жўнаб кетди. Мен жуда қариб қолдим, тинка-мадорим қолмади, Қонун билан бекорга курашган эканман, сен тўғри гапирдинг, Хуакан, — мен бу ерга ўша Қонунни излаб келдим.

— Сен ҳақиқатан ҳам тентак экансан, эй, Имбер, — деди Хуакан.

Лекин Имбер энди унинг гапларини эшитмас, ўз хаёлотига ғарқ эди. Манглайи кенг судья ҳам хаёлга чўмганди: унинг кўзи олдидан пўлат совут ва зирҳли либос кийган ўз ирқи одамлари мағрур ўтиб борардилар; бу — қонунлар жорий қилувчи ва бошқа халқларнинг қисматини ҳал этувчи ирқ эди. Судья бу ирқ тарихининг зулматга бурканган ўрмонлар ва поёни йўқ шумшук денгизлар узра қирмизи, қонли нур таратиб ётган тонгини кўз олдига келтирарди. Мана, у ўшал тонг шафагининг қирмизи қон рангида алангаланиб, тантанавор чароғон чошгоҳга айланганини, сўнгра ёнбағрини кўланка қоплаган тоғ ортидаги худди қон эмгандек қип-қизил рангга кирган қум саҳросининг тун қўйнига ғарқ бўлаётганини хаёлан мушоҳада қилар эди... Мана шу барча манзаралар ортида унинг кўзига Қонун — унинг номи билан ҳаракат қилувчи ёки унинг оғир ҳукми остида ҳалок бўлувчи қумурсқасимон майда одамчалардан, ҳаттоки, қалби шафқатга даъват этаётган шу судьянинг ўзидан ҳам беҳад кучли, иқтидорли ва бешафқат, собит ва мудҳиш Қонун хаёлан гавдаланиб турарди.



Турсунбой Адашбоев

## ҚУВНОҚ ШЕЪРЛАР ЁЗАМАН

Учрашувда

Шеър ўқиш тугади,  
Одатдагидек  
Хилма-хил саволга тутар болалар.  
Ҳозирги китобхон анойи эмас,  
Рўйирост жавобни кутар болалар.

Ўйга толдиради тирранчаларнинг  
Турмуш ҳақидаги турфа талқини:  
— Машичангиз нечта?..  
— Уйларингиз-чи?..  
— Бадавлат яшар дер шоир халқини...

— Хизматга яраша маошим тайин,  
Демакки, меҳнатга ҳамиша шаймиз.  
Кроссворд катагидек бетон уйларнинг  
Биқиқ хонасида бир нав яшаймиз.

Учта фарзандим бор, икки машинам,  
Аслида шулардир суянган тоғим.  
Битта машинада ҳафталик кирни  
Қотириб ювади турмуш ўртоғим.

Иккинчи машина — менинг измимда,  
Кўникиб кетганман унга тоза ман.  
Анор каби юрагимни эзгилаб,  
Сизга атаб қувноқ шеърлар ёзаман...

Сафед Билол

Сафед Билол,  
Дўппидек тоғли қишлоқ,  
Мевали, боғли қишлоқ.

Болалар адабиётининг таниқли вакили Турсунбой Адашбоев 1939 йил қардош Қирғизистоннинг Уш областига қарашли Сафед Билол қишлоғида туғилган. Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетида, Москвадаги Олий адабиёт курсларида таҳсил олган.

Шоирнинг болаларга аталган «Арслонбоб шаршараси», «Нур дарё», «Олатоғ-лолатоғ», «Гулдаста», «Тўрғай кўшиғи», «Олти оёқли хўтик», «Арслонбоб афсонаси», «Момақаймоқ» сингари ўндан ортиқ китоблари ўзбек, қирғиз, рус ва латиш тилларида нашр қилинган.

Турсунбой Адашбоев — қардош қирғиз ёзувчилари ва шоирларининг Ўзбекистондаги тарғиботчиси ҳамдир. Қирғиз адибларидан С. Эралиев, С. Жусуев, Т. Уматлиев, Т. Қосимбеков, Ш. Абдирамонов, М. Жонғозиев асарлари унинг таржимасида ўзбек тилида босилиб чиққан.

Қуйида шоирнинг янги шеърларидан намуналарни ҳукмингизга ҳавола этиш баробарида, уни қутлуғ 50 ёши билан қутлаймиз.



Сўзамол, санъатга ўч  
Аскияга чоғли қишлоқ.  
Сал дўзали, сал иримчи,  
Армонли — доғли қишлоқ.  
Олисдаги ўғлон учун  
Ўта ардоқли қишлоқ.

Сафед Билол,

Ўнғор тоғнинг кунжида,  
Қапчиғайнинг пинжида,  
Ҳар туп олма, нокига  
Сув улашар лунжида.  
Ажиб бардошли қишлоқ,  
Арзикли, тошли қишлоқ,  
Бир кўча — қўш республика,  
Қону қардошли қишлоқ.

### Сўқмоқ

Аёз бобо нафасидан,  
Булдуруқлар томади.  
Оппоқ қордан букилган  
Арчаларнинг қомати.

Ғарамларнинг орасига  
Чумчуқ кирган уялиб.

Мақтаб томон йўл олдим,  
Тоғ оралаб, қиялаб.

Юриш оғир бўлса ҳам,  
Хурсанд эдим ўзимдан.  
Синфдошлар келишар,  
Янги сўқмоқ — изимдан.

### Хайрли тун

Нилу ғашлик қилмасдан,  
Ўз вақтида ухлайди.  
Бироқ тунда ойиси  
Гоҳо койиб «уфлайди».

Чунки унинг болиши  
Сурилиб қолса пича,

Ё ёпинган кўрпаси  
Турилиб қолса пича,

— Устим очик қолди, — деб  
Ойисини уйғотар,  
Дадасининг кўнгли тўқ,  
Бемалол хуррак отар.

### Қуш қалдирғоч

Холмат ака ҳикояси

Элчи баҳор келди яна,  
Қир-адирга дурлар сочиб.  
Дудор нусха инин йўқлаб,  
Қайти тоғнинг қалдирғочи.

Бироқ унинг уясини,  
Ҳеч тортиниб ўтирмасдан  
Эгаллашиб опти, қаранг,  
Икки чумчуқ атай, қасддан.

Қалдирғочнинг илтимосин  
Инсофсизлар укмай қўйди.  
Ичкарига кириб олиб,  
Ташқарига чиқмай қўйди.

Қўш қалдирғоч чуғурлашиб,  
Бири инни турди пойлаб.  
Иккинчиси дўст-ёрларин,  
Бошлаб келди парвоз айлаб.

Энди аҳвол танлигини,  
Икки чумчуқ кўриб турар.  
Ҳашарчилар тўрт томондан  
Ин оғзини кўриб турар.

Қалдирғочлар ишни бошлаб,  
Лойни ийлаб, қўшиб сомон  
Эшик оғзин беркитдилар,  
Оқибати бўлди ёмон...

### Билмай қолибмиз...

Икки яшар Қосимжон,  
Отасини шоширди:  
— Ҳовлидаги қорларни  
Ким, қаёққа яширди?

— Ким ўғирлаб кетдийкин? —  
Қосимжоннинг йўқ тинчи.  
— Қопга солиб кетганми ё  
Шакар деб, магазинчи?..



Унинг ёзувчилик даъвоси йўқ эди. У ҳикоя ёзиб юраман, деб бировга айтган ҳам эмасди.

Аммо адабиётни ўзича жуда яхши кўрар, ҳеч кимга кўрсатмай ҳикоялар ҳам ёзиб юарди.

Абдулла қолдирган бир неча кичик ҳикояни журналхонлар эътиборига ҳавола қилишни жониз топдик...

Абдулла Қурбонов

## ҲИКОЯЛАР

### ЖОН АЧЧИҚ

Қўлга илинадиган нарса қолмади. Ҳатто ҳовли четидаги бостирма, молхона, ўтинхона ҳаммасини бузиб, синч, тўсинларини ҳам сотиб, еб бўлишди.

Салима опа энди буёғига нима қилдим, деб боши қотиб ўтирганди, акаси Каримбой келиб қолди.

— Қалай, қийналмай ўтирибсизларми? — деди эшагини айвон устунига боғларкан, ўзи бузиб берган иморатларнинг тупроқ тепаларига разм солиб. — Энди буёғини нима қиласан?

— Мана, шукр, ёзга чиқиб олдик, бошоқ терармиз, тактак<sup>1</sup> йиғармиз. Собир, Собитимнинг бўйи чўзилиб қолди. Буларнинг ёрдами тегар...

— Ўлганнинг арвоҳини кутиб, ёш умрингни хазон қиласанми?

Салима нохуш сир ошкор бўлганидан хавотирланиб, атрофга қаради. Собир эшикдан мўралаб турарди. Отаси ҳақидаги гапни эшитиб, унинг ранги қув ўчди. Тоғасига салом беришни ҳам, онасига таъна қилишни ҳам билмас, карахт эди.

— Ака, нималар деяпсиз?

— Нима демай, тўғри айтяпман.

— Ака... — Салима бошқа гапиролмади. Унинг гапи бўғзида қолди. Фарзандларидан тутиб юрган сирни ўз акаси ошкор этди. Бу ҳам етмагандек, яна эски гапини такрорлади:

— Салима, танангга бундай ўйлаб кўр, ўн гулингдан бири очилмай, шунақа бева бўлиб ўтиб кетаверасанми?

— Нима қилай?

— Итдан бўлган қурбонликка ярамас. Шу итваччаларингни деб умрингни хазон қиласанми? Фронтдан қайтганлар кўп. Қўли ё оёғи йўқлигини айтмаса, қирчиллама йигитлар — Мирусмон, Абдуқодир, Ражабали... Бирортасига тегиб, ҳузур-ҳаловат кўрмайсанми?

— Болаларимни ташлаб-а?

— Нега? Етимхоналар кўп. Топшир. Мени айтди дейсан-ку, ҳаёт инсонга бир марта берилади. Кейинги пушаймон ўзингга душман...

— Ака, бундан етти-саккиз йил бурун очарчиликда болаларингизни ўз фарзанди-

<sup>1</sup> Тактак — ёввойи арпа.

дек авайлаб боққан бир одам юрт омонлиги деб жон берсаю сиз унинг руҳини топтаб, шу гапни айтсангиз, уялмайсизми?

— Синглим, жоним ачиганидан айтяпман, сенга. Қара, сочинга оқ тушибди, юзингда ажин. Шунча ардоқлаган итваччаларинг улғайса шаҳар олиб берармиди?

— Мени тинч қўйинг, — Салима рўмолининг учи билан кўз ёшларини артиб йиғларди.

— Ойи, нега йиғлаяпсиз, йиғламанг, — деди унинг этагига ёпишиб Собит.

— Тоға, тинч қўйинг бизни, — деди Собир. — Ойимни йиғлатиш учун келасиз ҳар доим...

— Ҳали сен етимчаларнинг ҳам тилинг чиқиб қолдими? — деди оқсоқланиб эшагига минаркан Каримбой. — Келмаганим бўлсин. Энди доим шодон юринглар!..

У кетди. Бироқ уч кишилик хонадонга ғурбат, ғарибликни ташлаб кетди...

Салима икки ўғлини етаклаб эрининг қариндошлариникида икки йил яшаб қайтди. Бу пайт Собир от миниб оқучка ҳайдар, Собит эса ойисига ғўзалар орасидаги ўтқиқ юлишарди.

Бахт кутилмаганда келаркан. Собир билан ойиси далада ишлаётганда Собит юғриб, кўча чангитиб келиб қолди.

— Ойи, акажон! — дерди у энтикиб. — Дадамлар келдилар. Холбек тоғам аравада олиб келдилар. Орденлари кўп. Мана, мана...

— Келишларини билувдим, — деди кўзи жиққа ёшга тўлиб Салима. — Эрталаб уйнинг бўғотига қалдирғоч қўнганди.

Собир отдан сакраб тушиб, укаси билан қишлоққа чопди. Салима уларнинг кетидан ҳаллослаб югурарди.

— Стансага арпа олиб боргандим, қайтаётсам бир солдат Холбекмисан дейди, — мақтаниб, севиниб сўзларди Холбек. — Қарасам, поччам. Кўзимга ишонмайман.

Қўлтиқтаёқли, шинелли киши Собир, Собитни бағрига босиб эркалар, унинг кўзларидан ҳам ёш оқар эди.

Салима ҳаяжонини босиб, эрининг елкасига қўл ташлаб:

— Яши бориб келдингизми? Тан-жонингиз соғми? — деди.

— Мана, кўриб турибсан, Сали, икки оёқлаб кетиб тўрт оёқда келдим...

— Болаларнинг бахтига жонингиз омон бўлса бас, мана шу бизга бахт!

Каримбой акаси ҳам орадан ҳеч гап ўтмагандек, ўша куни яна уларникига келди...

## ИСИРҒА

Ботир онасининг маъракасини ўтказиб, пешиндан кейин Тошкентга кетишни мўлжаллади. Чунки фотиҳага келувчиларнинг ҳам кети узилиб қолганди.

Сутранг «Жигули» дарвоза олдида тўхтади. Мирсаиднинг машинаси эди. Мактабда бирга ўқишган. Райондаги бир идоранинг бошлиғи. У семиз гавдасига номуносиб шашт билан машинадан тушиб, орқа эшикни очди. Ичкаридан қарирок аёлни — холасини қўлтиқлаб туширди. Кайвони тугунини чап қўлтиғига олиб, ўнг қўлидаги рўмолчасини кўзига босиб йиғини бошлади:

Узи емай едирган холам,  
Узи киймай кийдирган холам,  
Ола сизгирин ийдирган холам,  
Фикру ўйи эди, болам, болам...

Дарвоза олдида суҳбатлашиб ўтирган мезонлар ҳаммаси турди. Улар ҳам ёнидан дастрўмол олиб, юзига туттишди. Ботир ҳам...

«Саксон учга кирган ҳам бор, кирмаган ҳам, бу Хожар холанинг тўйи, Ботиржон, Шокиржон!» — деганлар ҳам энди эзилиб йиғлашарди. Кайвони эса марҳуманинг барча фазилатларини айтиб, чин юракдан нола қиларди. Унинг марсиясидан ҳарқандай тошқалб ҳам эриши, мусибатни ҳис этиши аниқ эди. Ҳаммасидан ҳам Ботирнинг кўкрагига бош қўйиб йиғлаши таъсирли бўлди. Ботирнинг ёш қалқиган кўзлари кампирнинг тиришган юзига тушаркан, бундан қирқ йил муқаддам чаккаларига гажак тушириб, атлас кўйлак, ялтироқ жиякли лозим кийиб, хиромон юрадиган Қундуз опа хаёлида жонлангандек бўлди. Аммо бу ҳалво эди. Энг даҳшатлиси, кайвонининг қулоғидаги олтин исирғалар!.. Офтоб нурида ярақлаб турган ўнг зиракнинг пастки қисмидаги изларгача унга таниш туюлди. Бунимда кўрганми? Ботирнинг ҳаловати йўқолди. Аммо жавоб тополмасди. Раёно бунақа исирға тақмайди, модадан қолган. Хотинига уйланишдан олдин бир-икки марта учрашган Малика, Инобат деган қизлар ҳам тақмасди. Хўш, ким?

— Кетамизми? — Раёнонинг саволи уни сергаклантирди.

— Ҳозир, — пичирлади Ботир имо-ишора билан кампир чиқиб кетсин, деган мазмунда. Исирға унинг хаёлини ҳамон бақд этиб турарди.

— Бечора Қундуз бефарзанд ўтди-да, — деди Ботирга Қариндошларидан Мурод ака.

— Суннат деган асранди ўғли бўларди?

— Қуш уясида кўрганини қилади, — деди Мурод ака, — ҳаром билан ўсган ўрганиб қоларкан. Икки йил бўлди, ўз ишида камомад туфайли қамалиб кетди. Хотини, болалари кампир билан қолди.

Шу пайт ичкаридан кайвони чиқиб келди.

— Ота-она ўлими фарзандга мерос. Хожар холам ҳамма орзусига етиб, оёқларини узатиб кетди, имонини берсин, — деди у ёшлигидагидек чертиб-чертиб. — Болаларим ҳали кичик, ўлиб кетсам мени ким кўмади, деб юрарди. Худога шукр, сен, Шокир ўзларингдан кўпайиб, неваралари ҳам тобуткашлик қилишибди. Эшитиб жуда суюндим. Келинни олиб, биз томонларга ҳам ўтгин, Ботир. Эски қўшни бўламиз-а!

Ботир кампирни қўлтиғидан олиб, машинага ўтиришга ёрдамлашар экан, ялтироқ рўмоли елкасига сирғалиб, яна ўша исирғаларга нигоҳи тушди. Бирдан ҳаммасини эслади...

Қаҳратон қиш эди. Ойиси сигирни соғиб келганича, сандалга қўлини тиқиб иситди. Унинг шарпасини сезиб, кўзи уйқуга кетаётган Шокир ётган жойида шифтга тикилиб:

— Ойи, нон, — деди.

— Ҳозир, болам, қўлимни иситиб олай, қотирма<sup>1</sup> пишириб бераман.

Кеча у охириги унни супрадан қоқиб, озгина гуручни ҳам солиб, атала қилиб берганини эслаб, Ботир ойисига қаради. Ойиси эса кўзини олиб қочди.

Шокир хархаша қилиб қўймагач, ойиси рўмолига ўраниб, камзулчан ташқарига чиқиб кетди. Деразанинг терлаган ойналаридан майда қор севалаб тургани кўзга чалинади. Уй бўғотига қўнган чумчуқларнинг чуғури, мусичанинг гу-гулагани эшитилади.

Укаси бир оз хархаша қилгач, сандалнинг иссиғи элтиб ухлаб қолди. Шунда Ботир ҳам қорни очаётганини сеза бошлади. Оёқларини сандалга тиқиб чалқанча ётган ҳолда томга терилган қизғиш вассаларни санай бошлади. Ойиси, қорнинг очса, томга тикилиб васса санасанг унутасан, дерди. Рост, вассаларни икки-уч қайта санагач, одам ухлаб қолади. Аммо бу гал Ботир ухлаёлмади. Кўзи тез-тез бир чети кемтик патирга тушиб қолар, секин ютиниб кўярди. Эшикка кўз ташлар, ойиси келиб қолишидан ҳадиксирарди. Шундай бўлса ҳам бир куч уни ўрнидан турғазди. Курсини қўйиб токчага чиқди-да, патирни олди, ҳидлаб кўрди. Қаттиқ қотиб кетса ҳам нон ҳиди келиб турарди. Ҳидлади, оғзига олиб келиб, четидан тишламоқчи ҳам бўлди-ю, патир ўртасида отасининг мунгли қиёфаси кўринди. Худди, менинг ризқимни еб қўйсанг қайтиб келмайман, деяётгандек эди. Қўли қалтираб кетди. Тез жойига ипидан илиб, пастга тушди.

Шу пайт ойиси қўлтиғида тугун билан кириб келди. Жуда хурсанд эди:

— Ун топиб келдим. Шокир ухлаб қолдимми?

— Йиғлаб-йиғлаб ухлади.

— Қундуз дастурхонга нон қўйганди, икки тўғрамани чўнтагимга солувдим, — деб Ботирга бир бўлагини берди. Иккинчисининг бир четидан увоқ синдириб оғзига соларкан, қолганини яна Ботирга узатиб, — қотирма пишгунча Шокир уйғонмайди, сен кавшаниб тур, — деди.

— Ойижон, сиз еб олинг, кўчадан совқотиб келдингиз.

— Қорним тўқ, тортинмай еяқол, мен рози...

Бир тўғрам нон сандал устида қолди. Она човгумда сув келтириб, хамир қорди.

Уша кунни Ботир, Шокир, ойиси икки ҳовуч ундан пиширилган қотирмани тўйиб ейишди. Эртасига эса ойисининг қўлоғидаги тилла исирға кўринмай қолди. Ҳар доим Ботирга ойиси бу исирға бир пайтлар унга бувисидан, бувисига эса катта бувисидан ёдгорлик бўлиб қолганини ҳикоя қиларди...

## КАЙФИЯТ

Бугун ишда юрагим сиқилди. Барвақт ташқарига чиққанамни кўриб, шофёр шошиб қолди. У ғилдирак алмаштираётганди.

— Кеча тоғда тешилганди. Ҳозир бўламан, — у шошилар, аксига олиб иши унмас, ҳамкасблари ҳам машина атрофида гирдикапалак.

Сигаретнинг филтрини қаттиқ тишлаб, бетўхтов сўришимдан хижолат бўлган шофёр ниҳоят:

— Ҳаким ака, мана тайёр, — деб қўлларини ойна артадиган дока билан тозалаб, йўлгага машинасини буриб келди.

— Кечирасиз, бахтга қарши... мен сизни бир оз ўтирсангиз керак, деб ғилдирак чиқаргандим.

— Зарари йўқ, — дедим папка орасидан газета оларканман.

Машина ғизиллаб борарди.

— Уйгами? — ҳижолатомуз сўради шофёр, чунки ҳали ишдан қайтишга вақт бор эди.

— Йўқ, Чинозга.

<sup>1</sup> Қозонда, кейин ўчоқда чўққа айлантириб пишириладиган нон.

Йўлнинг узоқлигини ҳисобга олиб, радиони қўйди. «Машъал» ахборотидан кейин ёш бир хонанда қўшиқ айтарди. Овозини баландлатди. Менинг вайрон кайфиятимни кўриб, яна пасайтирди. Дилхушлигим кўтармаётганини сезиб, ўчира қолди.

— Нега бундай қилдингиз?

— Ғулумжоннинг ашулаларини ҳар куни эштамиз. Менга ҳам ёқмай турибди.

Машина ГАИ постига етганда оппоқ паға-паға булутлар бирлашиб, кўкни қоронғулик қоплади. Яна бир оз юрилгач, ёмғир томчилай бошлади. Шофёр бардачодан иккита ёмғирсупурги олиб ўрнатди.

Машина олға учиб борарди. Йўл четида бир боласини кўтариб, иккинчисини етаклаб турган аёл ёнидан тез ҳайдаб ўтмоқчи эди, шофёрнинг елкасига қоқдим.

Уларни чиқариб олдик. Болаларнинг иккаласи ҳам ўғил бўлиб, кичиги:

— Ойи, адамлар чиқсала машинамизни миниб, бизни катайса қилдирадилар-а? — деди.

— Жим ўтир, машинамиз йўқ-ку, — деди етти-саккиз ёшлардаги каттаси.

— Яна машина олади-ла, боя менга айтди-ла...


Аёл қўлидаги кичик ўғлига хўмрайиб қаради. Бир оз жим кетдик. Нарироққа бориб:

— Адамлар қамоқдан чиқса-ла, энди қаерда ишлайди-ла? — деди кичкинтой.

— Бунча сергап бўлмасанг! Кўп валдирайверсанг, шофёр амакинг бизни тушириб кетишади.

Ойисининг бу гапини эшитиб бола шофёрга қўрқа-писа қараб қўйди. Қўлидаги иккита печеньенинг бирини қирс этказиб тишлади.

Шу мурғак болалар ташвиши олдида менга энди ўзимнинг ишдаги ташвишларим жуда жўн туюлиб кетди...



Константин Симонов

## АВЛОДИМ ШОҲИД БЎЛГАН

(И. В. Сталин ҳақида ўйлар)

Менинг Сталин ҳақидаги навбатдаги битикларим 1953 йил ўн олтинчи мартда, яъни у вафот этгандан сўнг бир неча кун ўтгач ёзилган. Тўғриси, айнан неча кун ўтганидан кейин ёзилганлигини аниқ айтолмайман. Балки бу давлат сиридир, лекин менинг назаримда, Сталин дарров ўла қолган ҳам эмас, беҳуш ҳолда ана кетди, мана кетди бўлиб ҳам ётмаган. Бюллетенлар дастлабки кунданоқ умид қилиб бўлмайдиган манзарани чизди. Билишимча, кўпчилик кишилар онгига «Сталин йўқ», деган ларзага солувчи янгилик етиб бориши атай чўзилди, афтидан бир неча кундан сўнг ундан айрилиб қолажагимизга бизни ўргатишди. Эҳтимол, мен ноҳақдирман, ҳамма нарса бюллетенларда қандай ёзилган бўлса, шундай бўлгандир, лекин мен ҳозир ўйлагандай бўлиши ҳам мумкинлиги ҳақидаги фикр ҳеч миямдан кетмайди. Сталиннинг нима бўлиб ўлганлигини ҳам тўла билмайман. У уйда ёлғизлигида дард ағдарганлиги ва бир неча соат ўтгач, уни полда беҳуш ётганида кўриб қолишганлиги ҳақиқатмикан? Эки унинг ўлимини Берия ўз қўли билан тезлаштирдимикан?

Буни айрим сабабларга кўра тахмин қилиш мумкин.

Сталин ҳаётининг сўнги ярим йилида Мингрель иши муносабати билан Берияни ўздан анча нари суриб қўйди, гарчи бу ишни изчил охирига етказмаган, эҳтимолки, бу пайтда Берияга муносабатидagi имкониятларини бироз ортиқча баҳолаган бўлса ҳам. Бундай вазиятда, албатта, Берия Сталиннинг тезроқ ўлишидан манфаатдор эди.

Бундай мулоҳаза учун иккинчи асосим шуки, Сталин ҳузурига ўзи хоҳлаган пайтда бемалол кириб чиқиш имкониятига, бошқалардан ҳам кўпроқ, Берия эга эди.

Учинчи асосим. Эллик учинчи йилнинг июнида Бериянинг ҳокимиятни қўлга олиш учун уриниши ошкор бўлганидан кейин, менда бошқа бир мулоҳаза пайдо бўлди: у Сталинни ёки тўғридан-тўғри ёки ёрдамга келиш баҳонаси билан бартараф қилишни ҳокимиятни ўз қўлига олиш йўлидаги биринчи қадам, деб билган бўлиши мумкин.

Бу барча тахминлар — фақат шу сирлар устидагина эмас, балки умуман тарихимизнинг ана шу кичик парчаси устидаги кўп йиллик мулоҳазалар натижасидир.

У пайтда, эллик учинчи йилнинг мартада эса, битикларим гувоҳлик беришича, бу фикрлар миямга келмаган.

«Партия XIX съездининг сўнги кундаги мажлис. Марказий Комитетга ва ревизия комиссиясига сайловлар натижаси эълон қилинди, шундан кейин ҳам Ворошилов яна съездни табриклаш учун бирнечта чет эл делегациясига сўз берди. Сталин съездда бир неча кун иштирок этмади, сўнги кунда эса мажлис бошидан президиумда ўтирди. Бутун зал кеча ҳам, бугун мажлис бошланиши олдидан ҳам кўпчиликни қизиқтирган воқеани — Сталиннинг сўзга чиқишини орзиқиб кутди. Агар сўзга чиқса, нима дейди ва қайси масала бўйича гапирари? Эҳтимол, у съездни ёпар?

Таниқли ёзувчи Константин Симонов «Авлодим шоҳид бўлган» деб номланган асарини умрининг охирида — 1979 йилнинг февраль-апрель ойларида касал ҳолида диктофонга айтиб ёзган. Бу ёзувчининг И. В. Сталин ҳақидаги мемуар шаклидаги асарининг биринчи қисмини ташкил этади. Асарининг иккинчи қисми шартли равишда «Сталин ва уруш» деб аталган бўлиб, унда муаллиф Сталин ҳақидаги ўзининг ва ўзи сўхбатлашган ҳарбий саркардалар, бошқа кишиларнинг шахсий фикрлари ҳамда тўғуларини таҳлил қилишни режалаштирган эди. Минг афсуски, бевақт ўлим ёзувчига бу ишнинг тугаллаш имконини бермади.

Кўйида ёзувчининг «Авлодим шоҳид бўлган» асаридан олинган парчани журналхонлар эътиборига ҳавола этамиз. Бу асар «Знамя» журналининг 1988 йил март, апрель ва май сонларида тўла нашр этилди.

Мажлис эса давом этарди, ҳа деганда охири кўринавермагач, одамларда шубҳа пайдо бўлди: бордию, Сталин сўзламаса-чи? Ворошилов Копленигга сўз берди: кейин у қарсақлар остида минбардан тушиб, жойига бориб ўтиргач, Ворошилов бироз сукут сақлади ва деди: «Қардош коммунистик партиялар делегациялари табриги тугади». Кейин сукут сақламай эълон қилди: «Уртоқ Сталинга сўз берилади».

Зал ўрнидан тик туради ва олқишлайди. Сталин президиум столини айланиб ўтади ва тетик, хиёл лапанглаб қадам ташлаб, юрмай, балки қарийб югуриб минбар ёнига келади. Минбарга келаётганида кўлида бўлган қоғозларни олдига қўйди ва хотиржам, шошмасдан сўзлай бошлади. Нутқининг ҳар бир абзацидан кейин бўлаётган қарсақларнинг тугашини ҳам шундай хотиржам ва шошмасдан кутиб турди. Бир жойда зал нутқини шундай бўлдики, агар уни қарсақлар узиб қўйган жойдан давом эттирса, у ҳолда нутқининг қатъий тартибдаги шакли бузилган бўлур эди. Сталин тўхтади, қарсақларнинг тугашини кутди ва сўзини бўлинган жойидан эмас, балки юқоридан, байроқ тўғрисидаги: «Эндилиқда уни кўтарадиган одам йўқ» сўзлари билан тугайдиган жумланинг биринчи иборасидан бошлади.

Сталин нутқининг охирида биринчи марта овозини хиёл баландлатиб: «Яшасин бизнинг қардош партияларимиз! Қардош партияларимизнинг раҳбарлари яшасин ва омон бўлсин! Яшасин халқлар ўртасидаги тинчлик!» деди. Шундан кейин у узоқ сукут сақлади ва сўнги жумлани айтди: «Битсин уруш оловини ёқувчилар!» У бу жумлани, эҳтимол, бошқа нотиклар айтиши мумкин бўлганидай — охирги иборада овозини баландлатиб айтмади. Аксинча у бу иборани айтаётганида овозини пастлатди ва уни секин ва нафрат билан, худди ўзи эслаган уруш оловини ёқувчиларни суриб, қаёққадир улоқтириб юборётгандай қилиб айтди, кейин бурилди-да, зинадан аста кўтарилиб, жойига бориб ўтирди.

Шундан сўнг мен Сталинни икки марта: Марказий Комитет чет эл қардош коммунистик партиялар делегациялари аъзоларига зиёфат берганида ва Марказий Комитетнинг Сталин охирги марта иштирок этган пленумида кўрдим.

Битикларимнинг охирги абзацидаги шахсан менга боғлиқ бўлган баъзи бир ҳолатларни изоҳлаш ва ҳикоя қилиш учун шу жойига нуқта қўяман.

Партия XIX съездининг барча мажлисларида мен таклифнома билан, меҳмон сифатида қатнашдим, фақат бундан Марказий Комитетнинг янги состави сайланган ёпиқ мажлиси мустасно. Шу куни кечқурун уйимга ёзувчи Бабаевский кўнғироқ қилди ва кутилмаганда, мени Марказий Комитет аъзоллигига кандидати этиб сайланганлигим билан табриклади. Агар менга бошқа бир одам кўнғироқ қилганида, эҳтимол, бунга мутлақо ишонмаган бўлардим, ҳазиллашарди, деб уни койиб юборган бўлардим. Бабаевский эса съезд делегати, мен билан ҳазилкаш бўлмаган одам, унга ишонмасликка асосим йўқ. Мен унга ташаккур билдирдим-да, съезд делегати бўлган бошқа бир танишимга кўнғироқ қилдим. Бу гапнинг ростлигига яна бир ишонч ҳосил қилгач, «Литературная газета»нинг бош редактори сифатида Марказий Комитет аъзоллигига кандидатлар сафига киритилган бўлсам керак, деб ўйладим. Тахминим тўғрилиги кейинроқ маълум бўлди. Мен билан бирга ўша пайтлар «Новий мир»нинг редактори бўлиб ишлаган Твардовский, «Огонёк»нинг редактори бўлиб ишлаган Сурков ҳам ҳаётларида биринчи марта Марказий Комитет ревизия комиссиясига аъзо қилиб сайландилар. Мен нимагадир буни Сталиннинг ташаббуси деб ўйлайман. Эҳтимол, мен адашяётгандирман.

Адашмасам, съезд ёпилган кун эди. Марказий Комитет коммунистик партиялар делегациялари шарафига оқшомда зиёфат берди-да, мен сингари Марказий Комитет аъзоллигига кандидатликка сайланган Георгий Константинович Жуков билан ёнма-ён ўтириб қолдим. Бу энди аниқ Сталиннинг ташаббуси эди, ўша пайтда ҳеч бир бошқа сабаб бўлиши мумкин эмасди. Жуковнинг тақдиридаги бу ўзгариш кўпчиликни қувонтирди ва айни пайтда ҳайрон қолдирди ҳам. Мени, эҳтимол, бошқалардан камроқ ҳайрон қолдиргандир, чунки бундан икки йил муқаддам Сталин Казакевичнинг «Одерда баҳор» романи муҳокамаси муносабати билан Жуков тўғрисида айтган сўзлар ёдимда эди. Эндилиқда, мана шу зиёфат пайтида, Жуков билан ёнма-ён ўтирарканман, Сиёсий бюрода айтилган ўша сўзларни эслашдан ташқари, бу ҳақда Георгий Константиновичга гапиришга ҳам ҳақлиман, деб ўйладим. Мен у ўзини ғоят вазмин тутишидан шуни билдимки, ўша оқшом кайфияти жуда зўр эди. Назаримда, Марказий Комитетга сайланиши унинг учун ҳам кутилмаган бир ҳодиса эди. Эҳтимол, бу унга қаттиқ таъсир қилгандир. Лекин биз атиги бир неча соат ёнма-ён ўтирдик. Бу қисқа муддат унинг қувончини баҳам кўриш учун камлик қилди. Чунки бунга инсоний ғурури йўл қўймади.

Зиёфатда Ворошилов тамадилик қилди ва қадаҳ кўтариб нутқ сўзлади. Тўрда, стол марказидан бироз четроқда ўтирган Сталин, қарийб бутун зиёфат мобайнида ёнида ўтирган... (ёзувни ўқиб бўлмади — ред.) ва Торез билан суҳбатлашиб ўтирди. Унинг суҳбатдошларига алоҳида тавозе билан муносабатда бўлаётганлиги сезилиб турарди ва бу афтидан, тасодифий эмасди, — ҳар ҳолда ўша пайтда менга шундай туюлди.

Марказий Комитет пленуми (мен ўз ҳаётимда биринчи марта иштирок этган ва Сталинни кўрган пленум) бир кундан кейин, ўн олтинчи октябрда бўлди. 1953 йилдаги битикларимда мен кўпгина сабабларга биноан бу пленумга ортиқча тўхталмаганман.

Лекин ҳаммасини бошидан — қандай бўлса, шундайлигича айтаман. Аввал ўша пайтда қисқача изоҳ тарзида ёзганларимни келтираман, кейин айрим жойларини ёдимда қолгани бўйича изоҳлайман. Бу воқеалар бўлиб ўтганидан бери орадан йигирма етти йил ўтди, назаримда, буларни умуман унутиб юборгандан кўра изоҳлаб беришим тўғрироқ бўлади.

Мана дастлаб ёзганларим:

«Табийки, пленумда бўлган ҳамма воқеаларни ёзишга ҳаққим йўқ, шу сабабли унда кўрилган масалаларни тилга олмасдан, баъзибир тафсилотларини ёзмоқчиман. Ропла-роса белгиланган минутда пленум бошланганида, ҳамма жойида ўтирарди. Сталин Сиёсий бюронинг бошқа аъзолари билан орқа эшикдан кириб, президиум столига яқинлашганида, Свердлов залига тўпланганлар уни қарсақ билан кутиб олишди. Сталиннинг қиёфаси жуда жиддий, диққат-эътибори нима биландир банд эди. У залга тез назар ташлади-да, кўлини кўкрагидан биз томонга қисқа, лекин шитоб билан, амирона силкиди. Бу ишорада бизнинг унга бўлган туйғуларимзни тушуниши, бироқ ҳозир қарсақбозликнинг мавриди эмаслиги, бу Марказий Комитет пленуми эканлиги, амалий иш билан шуғулланиш лозимлигини англашимиз зарурлиги ифодаланганди.

Марказий Комитет аъзоларидан бири пленумда минбарда сўзлаётиб, нутқининг охирида ўртоқ Сталиннинг садоқатли шогирдиман, деди. Бу нутқни президиумда ўтириб диққат билан тинглаётган Сталин қисқача луқма ташлади: «Бизлар ҳаммамиз Лениннинг шогирдларимиз».

Сталиннинг ўзи сўзлаганда қатъиятли ва мард бўлиш зарурлиги ҳақида гапираркан, Ленинни тилга олди, 1918 йилда Ленин қандай жасорат кўрсатганлигини, ўша пайтдаги беқиёс оғир вазиятни ва душманлар қандай кучли бўлганлигини эслади.

— Ленин нима қилди? — деб сўради Сталин.— Ленин эса — ўша пайтда у нима деганини ва нима ёзганлигини қайта ўқинглар. У мана шу оғир вазиятда ҳам душманларни ларзага солди, ҳеч кимдан қўрқмади. Ларзага солди. «Ларзага солди!» — Сталин бу сўзни икки-уч марта кетма-кет такрорлади.

Шундан кейин пленумда пайдо бўлган бир масала муносабати билан ўз бурчлари ҳақида гапираркан, Сталин шундай деди:

— Ҳамон бу иш менга топширилган экан, демак, мен бу ишни бажараман. Айтишдию қўйишди, деб қабул қилмайман. Мен бундай тарбияланмаганман,— сўнги сўзни у кескин қилиб, алоҳида урғу бериб айтди».

Нима юз берганди ва мен эллик учинчи йилда ёзган бу сўзлар остида нималар бор эди? Ақлим етгунча эслашга ва изоҳлашга ҳаракат қиламан.

## 1979 ЙИЛНИНГ 2 АПРЕЛИ

Пленумдаги эсимда қолган, лекин у пайтда қоғозга туширилмаган воқеалар тафсилотини айтишга ҳаракат қилиб, гуноҳга ботгим келмайди.

Фақат хотирамга маҳкам ўрнашган, жуда нохуш ва оғир таассурот қолдирган бир воқеа ҳақида гапираркан.

Адашмасам, пленум икки ёки икки ярим соат давом этди. Сталиннинг ўзи бир ярим соат гапирди, ундан кейин Молотов ва Микоян сўзлади. Пленум охирида Марказий Комитетнинг ижроия органлари сайланди. Эслашимча, пленумга аввал Маленков, кейин Сталиннинг ўзи раислик қилди. Пленум бошланиши биланок Маленков Сталинга сўз берди. У президиум столини айланиб ўтиб, бир неча пиллапоя пастга, ўртага қўйилган минбар олдига борди. У ғазабкор бир қиёфада бўлиб, кўлида қоғоз-поғози йўқ эди, бутун нутқи давомида залга ўқдай оғир назар билан тикилиб турди, гўё у рўпарасидаги одамлар нималарни ўйлашаётганлигини билмоқчидай эди. Сталин нутқининг оҳанги, залга қаттиқ тикилиб гапириши билан барчани тошдек қотириб қўйди, мен бу ҳолатни қисман ўзимда ҳам эҳтирош билан кўрдим. Нутқининг замирида энди қаридим, мен қилган ишларни бошқалар давом эттиришига тўғри келадиган вақт яқинлашяпти, дунёдаги вазият эса мураккаб, олдинда капиталистик лагерь билан оғир кураш бўлади, бу курашда, энг муҳими, қалтирамаслик, қўрқмаслик, чекинмаслик, таслим бўлмаслик керак, деган маъно ётарди. Сталиннинг залда ўтирганларга фақатгина айтиш эмас, балки ўқтиришни истаётган, истаган асосий фикри шу эди. У бу гапларни қариб, поймонаси тўлиб қолганлигини сезиб айтаётганди. Бошдан оёқ кескин оҳангда, дарғазаб бўлиб гапирди. Эҳтимол, бу нутқининг айрим жойларида маълум ўйин, ҳийлаи усул бўлган бўлиши мумкин, аммо умуман олганда нотиқ қаттиқ ташвишланаётганлиги сезилиб турарди. Сталин ён бериш, кўрқув ва таслимчиликнинг хавфлилиги ҳақида гапираркан, Ленинга мурожаат қилди. Аслида эса у ҳаётдан кетиши мумкин бўлган ўзини ва ўрнини эгаллайдиган вори сини назарда тутиб гапирарди. Аммо ўзи тўғрисида лом-лим демади, Ленин тўғрисида, унинг ҳар қандай оғир вазиятда ҳам эсанкирамаганлиги ҳақида гапирди.

Сталин нутқининг ўзига хос томони шунда эдики, у мардлик ва қўрқоқлик, қатъият ва таслимчилик тўғрисида умумий тарзда гапирмади. Бу ҳақдаги ҳамма фикрларини



шу ерда, залда, икки метр нарида ўтирган Сиёсий бюронинг икки аъзосига боғлади. Мен бу кишилар ҳақида шундай сўзларни эшитаман, деб ҳеч кутмагандим.

Дастлаб у Молотовга ёпишиб, уни саботсизликда, қатъиятсизликда айблади, қўрқоқ, таслимчи, деб гумонсизради. Бу шу қадар кутилмаган ҳодиса эдики, мен дастлаб кулоғимга ишонмадим, нотўғри эшитдим ёки англамадим, деб ўйладим. Аслида бу ҳақиқат эди. Сталиннинг нутқидан шундай хулоса чиқариш мумкин эдики, агар шу кеча, шу пленумда таслимчиликка мойилликда гумон қилинаётган, шу жиҳатдан хавфли бўлган киши бор бўлса, бу ҳам Молотов эди, бошқа киши эмас, айнан Молотов эди. У Молотовни узоқ ва аямай танқид қилди. Ўзи отпусқада бўлган пайтларда Молотов ўрнида ишлаганида, масалаларни (булар қандай масалалар эканлиги ҳозир ёдимда йўқ) нотўғри ҳал этганлиги хусусида мисоллар келтирди. Буларни шунинг учун ҳам эслаш олмаيمانки, Сталин бу масалаларнинг сиёсий нозик томонларидан мендан яхшироқ хабардор бўлган аудиторияга гапираётганди. Мен эса гап нима ҳақда бораётганлигини ҳамиша ҳам англайвермасдим. Афтидан, шунинг учун ҳам у Молотовга қўйган айбномалар қандайдир узуқ-юлуқ, ноаниқ ва номаълум эди, ҳар ҳолда менга шундай туюлди.

Шундай қилиб мен Молотовнинг айби нимадалигини тушунмадим, аммо шуни билдимки, Сталин уни урушдан кейинги даврдаги бир қатор хатти-ҳаракатлари учун айблади. У шундай дарғазаб бўлиб танқид қилдики, назаримда Молотов учун ниҳоятда хатарли ҳолат юзага келгандай, унинг «кафани бичилаётгандай» туюлди. Агар ўтмишни эсласак, Сталиннинг феъл-атворини тасаввур этсак, буни бемалол кутиш мумкин эди. Аслида Сталин ўз нутқининг бош мазмунини, қўрқоқлик ва таслимчиликда айбловларни ҳам, Лениндек мард ва букилмас иродали бўлишга даъват этиб айтган сўзларини ҳам бевосита Молотов шахсига боғлади: бу одам вақти келиб Сталин ҳаётдан кўз юмган тақдирда партиядан бўлмаслиги лозим бўлган ҳамма нуқсонларда айбланди. Гарчи Сталин ғоят ғазабланган, баъзан ўзини тийолмай қолган бўлса ҳам, нутқидан унга хос бўлган темир конструкция бор эди. Бу нутқининг Микоянга бағишланган, анча қисқароқ ва қайбир жиҳатлари билан янада аччиқ ва ҳақоратомуз туюлган қисмида ҳам шундай конструкция мавжуд эди.

Залда қабристон сукунати ҳукмрон эди. Мен ёнимда ўтирганларга қарамадим, аммо Сталин ортида, президиум столида ўтирган Сиёсий бюронинг тўрт аъзосини кўриб турардим: улар тошдай қотиб қолишган, қимир этишмасди. Улар ҳам худди биз сингари Сталин нималар устида тўхташгани, Молотов, Микояндан кейин яна кимларга ҳужум қилиш-қилмаслигини билишмасди. Молотов ва Микояннинг юзлари оқариб, мурданики сингари бўлиб кетганди. Бу юзлар Сталин нутқини тугаллаб, ўрнига келиб ўтирганидан кейин ҳам ўзига келмади. Аввал Молотов, кейин Микоян минбар ёнига келишди. Биринчиси батафсилроқ, иккинчиси қисқароқ сўзлаб, Сталинга ўз хатти-ҳаракатларини изоҳлашди, ундай эмас, бундай бўлган, биз қўрқоқ ҳам, таслимчи ҳам эмасмиз, капитализм лагери билан янги тўқнашувлардан қўрқмаймиз ва улар олдида тиз чўкмаймиз, деб ўзларини ҳимоя қилган бўлишди.

Сталин иккисини аямай танқид қилганидан сўнг, унинг қаҳр-ғазабли нутқидан сўнг, бу икки нотиқ гарчи ўзларига қўйилаётган айбларни инкор этсаларда, мисоли ҳукми ўқилган, охириги сўзини айтаётган судланувчига ўхшаб қолдилар. Уша пайтда ёдимда қолган ғалати ҳолат: назаримда минбарда мен кўп марта яқиндан кўрган кишилар эмас, балки уларнинг юзларига кийгизилган, уларга жуда ўхшайдиган ва айни пайтда мутлақо ўхшамайдиган, жонсиз ниқоб сўзлаётгандай туюлди. Билмадим, аниқ ифодаладимми-йўқми, лекин ўшанда менга шундай туюлган, ҳозир муболаға қилаётганим йўқ.

Сталин Марказий Комитет пленумидаги сўнги нутқидан нима учун айнан Молотов ва Микоянга ишончсизлик билдиргани менга қоронғи. Уларни обрўсизлантиришни, ерга уришни, шон-шарафдан маҳрум этишни кўзлаётганлиги шубҳасиз эди. У ҳар иккисининг, айниқса Молотовнинг мавқеини пасайтиришни истарди. Ташқи ишлар министрлигига бир неча йиллардан бери Вишинский раҳбарлик қилаётганига, хотини қамоқда ўтирганига — ҳамма-ҳаммасига қарамасдан Молотовнинг шон-шухрати ҳамон юқори эди, кўплаб ва жуда кўплаб кишилар унинг номини бевосита Сталиннинг номидан сўнг тилга олишарди ёки эслашарди. Сталин, афтидан мана шуни истамасди. У пленумга тўпланганларга, Марказий Комитетнинг эски ва янги аъзоларига буни англашиб ва сездириб қўймоқчи бўлди. Нимагадир, у ўзига бирор кор-ҳол бўлса, ҳукуматда ва партиядан Молотов биринчи шахс бўлиб қолишини хоҳламади. Унинг нутқи шундан далолат бериб турарди.

Ўйлайманки, у Молотовни яхши билганлиги учун, бу одам партия ва давлатдаги биринчи шахс бўлишга қодир эмас, деб ҳисоблаган бўлса керак. Лекин у Молотовнинг шундай нуқтасига, шундай жойига урдики, аслида бу одамлар тасаввурида Молотовнинг энг кучли томонлари эди. Уни ҳеч бир истиҳолога бормай, қош-кўзи демай урди. Молотов эса унинг энг яқин сафдоши эди-ку. Халқ орасида Молотов Сталиннинг энг қатъиятли, энг букилмас издоши, деган тасаввур бор эди, Сталин мана шу тасаввурга зарба берди. Уни қўрқоқ ва таслимчи деди. Яъни айнан Молотовда бўлиши мумкин, деб ҳеч ким, ҳеч қачон шубҳаланмаган айбларни тўнкаб савалади. Ҳа, эҳтимол тutilган ворисини қасддан ва хоинларча сафдан чиқариб урди. Уша нутқ муносабати билан ёдимда қолган асосий фикрлар шулар.

Яна бир гап. Аниқ эсимда йўқ, Молотов ва Микоянга сўз берилишидан аввалми ёки Марказий Комитет ижроия органларини сайлаш олдидан сўзлаган қисқача нутқидами, — бундай иккинчи нутқ бўлган эди, дейишга ҳам қўрқаман, эҳтимол, ҳаммаси биринчи нутқи пайтида айтилгандир, — Сталин ўзининг кексайиб қолганлиги ва зиммасига юклатилган барча вазифаларни бажаролмаслиги ҳақида гапирди. У Министрлар Совети Раиси бўлиб ишлашим мумкин, Сиёсий бюро мажлисларини олиб боришим мумкин, лекин Бош секретарь сифатида Марказий Комитет Секретариати мажлисларини олиб боролмайман, деди. Шу боисдан сўнги лавозимдан озод қилишларини, илтимосини қондиришларини сўради. Бу гапларни қандай айтилган бўлса шундай ёзаялман. Лекин гап бу сўзларнинг қандай айтилганида эмас. Сталин бу сўзларни айтиб залга қаради. Унинг ортида эса Сиёсий бюро ўтирарди, мажлисни Маленков олиб бораётганди. Маленковнинг ранги қув ўчиб кетди, аммо бу қўрқув бўлиб қўрқув эмас, йўқ, қўрқув эмасди, балки ҳамманинг бошида пайдо бўлган ўлим хавфини бошқаларга ёки кўпчиликка нисбатан равшанроқ кўргандаги, ҳали бошқалар англаб етмаган пайтдаги ҳолат эди: ўртоқ Сталиннинг бу илтимосига рози бўлмаслик керак, у ўзидаги учта ваколатдан мана шу, биттасини соқит қилишга кўнмаслик керак, — Маленков ўзининг юз ифодаси, имо-ишоралари билан одамларга шундай деяётганди, Сталиннинг илтимосини дарҳол ва қатъий рад қилишга даъват этаётганди. Президиумдан айтилган; «Йўқ, қолишингизни сўраймиз!» деган сўзларни залдан кўтарилган ғала-ғовур босиб кетди: «Йўқ! Мумкин эмас! Қолишингизни сўраймиз! Ўз илтимосингизни қайтариб олишингизни сўраймиз!» Бу пайтда айтилган сўзларнинг ҳаммасини келтириб ўтирмайман, лекин, умуман зал ниманидир тушунди, эҳтимолки, кўпчилик мендан аввалроқ тушунганди. Дастлаб бу менга оддий бир ўзгаришдай туюлди: Сталин Сиёсий бюрода раислик қилади, Министрлар Советида раислик қилади, Марказий Комитетнинг Бош секретари эса, худди Ленин пайтидагидек, бошқа киши бўлади. Мен дарҳол англаб етмаган нарсани, кўпчилик дарҳол тушунди. Бу пайтда мажлисга раислик қилаётган киши сифатида зиммасига катта масъулият тушадиган, бирор корҳол бўлса айбдор бўлиб қоладиган Маленков ҳам дарҳол англадики, умуман Сталин Бош секретарь лавозимдан воз кечмоқчи эмас, бу илтимосни синамоққа айтаяпти, масалани ҳал қилишга — Сталиннинг Бош секретарь вазифасидан озод қилишга пленум қатнашчилари — президиумда ва олдинда ўтирганлар тайёрни ёки йўқлигини билиш учун айтаяпти, чунки у қариб қолган, чарчаган, учинчи вазифани бажаролмаслиги мумкин.

Залда ғала-ғовур кўтарилиб, Сталин Бош секретарь вазифасида қолсин ва Марказий Комитет Секретариати мажлисларини олиб борсин, деб бақиришгандан кейин, Маленковнинг юзига бироз қон югуриб, мен буни яхши эсламан, худди бир ўлимдан қолган одамнинг рангига ўхшади. Чунки у партия съездида ҳисобот доклади қилган эди ва амалда Марказий Комитет Секретариатининг кўпгина мажлисларига раислик қиларди, ушбу пленум мажлисларида ҳам раислик қилаётганди, агар масала бошқачароқ ҳал этилгудек бўлса, ўртоқ Сталиннинг учинчи лавозимига, гўёки у кексайганлиги ва чарчаганлиги учун воз кечаётган лавозимига табиий номзод Маленков эди. Агар Сталин кифти ортида ёки олдинда илтимосини қондириш тарафдори бўлганлар борлигини сезгудай бўлса, ўйлайманки, бунинг учун биринчи навбатда боши билан жавоб берадиган киши Маленков бўларди, умуман, бунинг оқибати нима билан тулашини тасаввур этиш қийин.

Пленум охирида Марказий Комитет аъзолари овоз беришлари лозим бўлган ижроия органлар составини ким эълон қилди, — Сталинми ёки Маленковми, эслай олмайман. Фақат Сталиннинг Марказий Комитет Президиуми аъзолари ва кандидатлари составига кирмаган Андреев тўғрисида у ишдан совиди, эндиликда аввалгидек фаол ишлай олмайди, дегани ёдимда. Шундай бир мазмунда луқма ташлади. Сиёсий бюро ўрнига сайланган Президиум состави кўпчилик учун, жумладан, мен учун ҳам кутилмаган воқеа бўлди. Сиёсий бюро ўрнига Президиум сайланиши съездда тасдиқланган янги Уставдан маълум эди. Аммо Президиум йигирма беш кишидан иборат бўлиши ва шундай қилиб, илгариги Сиёсий бюро Президиумнинг ярмидан озроғини ташкил этиши кутилмаган воқеа бўлди.

Съезднинг биринчи куни тўғрисидаги ҳисоботда шундай ёзилган: «Кечқурун соат етти. Минбарда ўртоқ Сталин ва унинг содиқ сафдошлари Молотов, Маленков, Ворошилов, Булганин, Берия, Каганович ўртоқлар пайдо бўлишини делегатлар узоқ давом этган қарсақлар билан кутиб олдилар. Ҳамма ўрнидан туради... Коммунистик партия Марказий Комитети топшириғига биноан съездни ўртоқ Молотов кириш нутқи билан очади».

Эндиликда Президиумда Сиёсий бюро эски аъзоларидан Андреев йўқ эди, Косигин эса Президиум аъзолигига кандидат бўлиб қолганди.

Марказий Комитет Секретариати ҳам одатдагидан кенг: ўн кишидан иборат эди. У пайтда бунга эътибор бермагандим, лекин кейинчалик ўйлаб, хулоса қилишимча, афтидан, Сталин Президиум ва Секретариатда ўзи учун маневр қилиш имкониятини яратишни хоҳлаган. Эҳтимол, унинг бошқа режалари ҳам бўлгандир. Президиум ва Секретариатнинг кенгайтирилган состави билан бу режаларни амалга ошириш осонроқ туюлгандир. Лекин у пайтда бу фикрлар хаёлимга келмаганди, шу сабабли ҳам баъзи бир кишилар ўзгартирилганига ҳайрон қолдим. Энг ҳайратланарлиси шу эдики, Сталин Молотов ва Микоянни аямай танқид қилганига қарамай, улар Президиум составига киришди, — бу-

ни кўриб мен енгил нафас олдим. Лекин кейин бир ўзгариш бўлди-ки, у барчага ошкор бўлмади. Сталин, гарчи бу партиянинг янги Уставида белгиланмаган бўлса ҳам, Президиум составидан Президиум Бюроси ажратишни, яъни, аслида бошқа номдаги Сиёсий бюро тузишни таклиф этди. Бу Бюрога Молотов ҳам, Микоян ҳам кирмади.

Пленум тугагач «Литературная газета» редакциясига келиб, муовиним Борис Сергеевич Рюриковга Президиум Бюроси ташкил этилганлиги хусусида гапириб бердим. Биз буларнинг ҳаммаси матбуотда эълон қилинади, деб ўйладик. Лекин редакцияга келган ТАСС материалда Президиум Бюроси ташкил этилганлиги хабар қилинмаганди. Шундай қилиб, бу янгилик ошкор бўлмай қолди. Марказий Комитетнинг Сталин вафот этган кунда, марҳумнинг жони узилмасидан бир ярим-икки соат аввал бўлиб ўтган, янги ҳукуматни тузган пленумида президиум столига Сталин ҳаётлигида сайланган Бюро, яна Молотов ва Микоян чиқиб ўтиришди. Сталин йўқ эди. Шундай қилиб, мазкур пленумда унинг ўзбошимчилиги билан қабул қилинган ўша қарор кейинчалик эътиборга олинмай қолди. Фақат КПСС Марказий Комитети пленуми, Министрлар Совети ва СССР Олий Совети Президиумининг қўшма мажлиси қарорида маълум бир муддатда шундай Бюро мавжуд бўлганлиги эслаб ўтилган эди. Қарорнинг КПСС Марказий Комитети Президиуми ва КПСС Марказий Комитети Секретариати тўғрисидаги қисмининг биринчи банди шундай ёзилганди: «КПСС Марказий Комитетида Марказий Комитетнинг икки органи — Президиум ва Президиум Бюроси ўрнига, партия Уставида белгиланганидек бир органга — КПСС Марказий Комитети Президиумига эга бўлиш зарур деб топилсин». Кейинги бандда Президиум составини Сиёсий бюрони илгариги состави даражасида қисқартириш тўғрисида гап борарди. «Раҳбарликда катта тезкорликка эришиш мақсадида Президиум состави ўн аъзо ва тўрт аъзоликка кандидат мақдорида белгилансин». XIX съезддан кейин эса Президиум йигирма беш аъзо ва ўн бир аъзоликка кандидатдан иборат бўлганди.

Марказий Комитетнинг Сталин иштирок этган сўнгги пленумидан кейинги, унинг ўлимигача бўлган тўрт ой оғир ва ғалати кунлар бўлди. Сирдан қараганда ҳаммаси рисоладагидек давом этарди: тинчлик ҳимоячиларига халқаро Сталин мукофоти берилди, тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг пленуми бўлиб ўтди, Маяковскийни ўрганиш муаммолари муҳокама қилинди, «Литературная газета»да одатдаги газета ҳаёти давом этарди. Аини шу пайтда эса Чехословакияда Сланский ва бошқалар устидан иш қўзғалди. Сланскийни мен билардим, Словакия қўзғолонидан сўнг мен унинг Татрада фронт чизигидан ўтиб, 4-Украина fronti ишғол қилган ерларга чиққанининг хошиди бўлганман. Бу пайтда мен шу ерда эдим ва дастлабки кунни уни кўрганман. Сланский бўлажак саноат министри, социал-демократ Лаушман билан бирга эди. Улар қуршовдан чиқишаётганида, сафар машаққатларига бардош беролмаган Ян Шверма кўлларида қандай вафот этганлигини гапириб беришди. Бу воқеа қирқ бешинчи йилнинг қишида бўлган. Эндиликда, эллик иккинчи йилнинг ноябрида эса, Сланский Швермани ўлдиришда ва яҳудий миллатчилари ташкилоти «Джойнт» билан алоқада айбланаётган эди, гўёки у бу ташкилотнинг агенти эмиш.

Бу ишда Свобода корпусининг собиқ сиёсий ходими, кейинчалик Свобода министр бўлиб турганида Чехословакия мудофаа министрининг ўринбосари лавозимида ишлаган киши ҳам бор эди. Исми-шарифи Бедржих Райнцин бўлган бу киши билан мен «Прага каштанлари остида» пьесаси хусусида каттиқ тортишгандим. Бу пьесам Райнцинга ёқмаганди, унинг асаримга муносабати жуда дидактик бўлиб туюлганди. Свободанинг Райнцинга муносабатини, корпус олиб борган жанглардаги унинг иштирокини ғоят юқори баҳолаганлигини билганлигим учун, бу одам жосус бўлиб чиқишига ҳеч ақлим бовар қилмасди. Декабрь ойида Прага орқали Лондонга учиб кетаётиб, эсанкираб колган Ян Дрдуни учратдим, у менга Свободанинг ўзи ҳам ё қамоқда, ё уйига қамаб қўйилган деди. Бу хабар мени ларзага солди, чунки Свобода мен ғоят ишонган одамлар тоифасига кирарди.

Биз Прагага, у ердан Париж орқали Лондонга Федин билан учдик. Жўнаб кетишимиздан бирнеча кун аввал, жўнашимиз арафасида бўлиши ҳам мумкин, ўша пайтда Марказий Комитет аппаратида ишлаган, ҳозир марҳум Владимир Семенович Лебедев билан учрашдик. У мени «Правда»нинг икки бош редакторидан бири қилиб тайинлашга келишилганлигини айтди. Мен у нима ҳақда гапирётганлигини дарҳол англамадим. Маълум бўлишича, «Правда»да икки бош редактор бўлиши ғояси, афтидан, Сталинда пайдо бўлган ва мен шулардан бири бўлишим керак эди. Лебедев шунга қарор қилинди ва расмийлаштириляпти, қайтиб келганигиздан кейин тайинланасиз, деди. Мен ҳеч тушунолмасдим: қандай қилиб, нима учун «Правда»да икки бош редактор бўлади? Бу мен учун кўнглили хабар эди, аини чоқда қўрқаётгандим ҳам. Дарвоқе, Англиядан қайтиб келганимдан кейин ҳеч ким бу гапни қайта қўзғамасди, гўё бундай гап бўлмагандай эди. Афтидан, бу Сталинда тўсатдан пайдо бўлган, кейин унитиб юборган ва қамга сингандай, ғойиб бўлиб кетган ғоялардан бири эди, — шундай бўлганига минг қатла шукур.

Англияда бир қатор инглиз ёзувчилари билан учрашдик, улар бундан сал аввал бизнинг мамлакатимизда бўлишганди. Либерал кайфиятдаги ёзувчи Наоми Мейчисоннинг қабулида бўлганимизда, Александр Верт қўлларини ёйиб ёнимизга келди.

Чехословакиядаги суд процессида бу одам «Джойнт» ва Сланский ўртасидаги алоқачи сифатида тилга олинганди. Ҳозир бу ерда у билан учрашиш биз учун жуда ноқулай ҳодиса эди. Александр Верт ҳаммага эшиттириб, қарийб бақариб шундай деди: «Федин! Симонов! Сиз мени яхши биласиз, мамлакатингизда ҳарбий муҳбир бўлиб ишлаганимдан аъло даражада хабардорсиз. Мен китоб ёзаётганлигимни, уларда сиз маъқуллаган нарсаларнинг кўпини мен маъқулламаслигимни ҳам биласиз. Аммо қасам ичиб айтаманки, мен ҳеч қандай Сланскийни билмайман, илло-билло ҳеч қандай Сланский-планскийни тушимда ҳам кўрмаганман, унга ишим тушмаган, у ҳақда ҳеч бир тасаввурга ҳам эга эмасман. Буни у ерга, Москвага бориб айтинглари, майли, мен ёмон отли бўла қолай, ярамас бўлай, мени журналист сифатида нима десалар десинлар, лекин у ердагиларга айтинглари, мен қилмаган ишни қилди дейишмасин.

Очиғи, жуда ноқулай аҳволда қолдик, ҳамма Вертнинг сўзларига ишонаётганди. Чехословакиядаги суд жараёнидаги воқеалар эса бунинг тескариси эди.

Янги йилгача Москвага қайтиб келдик. Ун учинчи январда эса газеталарда қотил врачлар тўғрисидаги ТАСС хабари босилди, бу ўттиз еттинчи-ўттиз саккизинчи йилларни, Пистнев ва бошқалар Оржоникидзе, Горький ва Куйбишевни ўлдиришда ёки қотилларга кўмаклашишда айбланган ёмон замонларни ёдга соларди. Эндиликда қурбонлар родини Жданов ва Шчербаков бажаришаётганди, қотил врачлар яна ўша «Джойнт»нинг агентлари эди. Врачларнинг ҳаммаси яхудийча фамилияли эдилар, тўғри, кейинроқ улар сафига русча фамилияли бирнеча киши қўшилди. Яхудий фамилияли врачлар орасида, мен аъло даражада билган киши-профессор Товси бор эди. У уруш пайтида Қизил Армиянинг бош терапевти бўлиб ишлаётганида мени даволаганди. Бу одамнинг гуноҳкорлигига ҳеч ишонмасдим. Умуман бу воқеаларнинг ҳаммасига ҳам ишониб бўлмасди, жуда ғалати, мудҳиш туюлаётганди. Бир ҳафтадан сўнг қотил врачларни фош этишда ёрдам берганлиги учун ҳукуматнинг миннатдорчилигига сазовор бўлган — Лидия Тимашук Ленин ордени билан мукофотланганлиги тўғрисидаги хабар пайдо бўлгач, бу воқеа янада даҳшатлироқ, янада шубҳалироқ бўлиб туюлди. Илгари бўлиб ўтган ва яқиндаги ишлар учун ўч олишни эслатаётган антисемитизм тўлқини кўтарилганди.

#### 1979 ЙИЛНИНГ 4 АПРЕЛИ

Январнинг иккинчи ярми, февраль ва Сталин ўлиmidан кейинги бир ярим ҳафтани кўшганда, мартнинг биринчи ярмида — қотил врачлар иши жуда бир ваҳимали тус олди. Мисоли, тепада қандайдир даҳшатли бир нарса осилиб тургандай, ўттиз етти-ўттиз саккизинчи йиллар такрорланадигандай эди. Сезишимча, ҳатто Сталиннинг ўлими ҳам бу вазиятни бирдан юмшатиб юборолмади.

Миямда фикрлар чалкашиб кетганди. Бир томондан шуни яхши эслардимки, яқинда мен иштирок этган йиғилишда Сталин антисемитизмга қарши гапирганди, буни ўз қўлғим билан эшитгандим. Кейин бирдан қотил врачлар, кўпчилиги яхудий фамилияли кишилардан иборат бўлган рўйхат пайдо бўлди, уларнинг «Джойнт» билан алоқадалиги фош этилди, шу иш билан боғлиқ яна ҳар хил миш-мишлар тарқалди.

Қотил врачлар — назаримда, бундан даҳшатлисини ўйлаб топиш қийинов.

Бу ишнинг номидан тортиб, зўр шов-шувга сабаб бўлишигача, озгина ишонган кишиларнинг миясини айнитиб, ҳар куни ўз ҳаётини, ўз соғлигини ва энг даҳшатлиси, болалари соғлигини ўйлаб ваҳимага тушадиган бўлиб қолишигача — ҳамма-ҳаммаси олдиндан режалаштирилган эди. Шундай туюлаётгандики, бу ишнинг оқибати тасаввурга сиғмайдиган даражада бўлиши мумкин эди. Мен хаёлан ўз-ўзимдан сўрардим: нималар бўляпти? Сталин нима қилапти? Ҳозир унинг фатвоси ва кўрсатмаси билан бўлаётган ишлар (бунга шубҳа қилмаса бўларди) бизга айтган гапларига мутлақо зид-ку. Нима, Сталин ўшанда бизни атайин алдаганимди ёки ўшанда ҳам ҳозир ҳам самимиймиди? Унинг руҳиятида қандайдир ўзгариш бўлганлиги тўғрисида одамлар бир-бирига қўрқа-писа айтаётган даҳшатли гаплар ростмикан? Бунга ишонгинг келмасди, ишониш даҳшатли эди. Унинг руҳиятида ўзгариш бўлганлиги тўғрисидаги фикр, менда у билан учрашувлардан қолган таасуротларга зид эди, ҳеч тасаввуримга сиғмасди.

Бу пайтда яна қанчадан-қанча мараз ишлар бўлди. Лекин эзмалик қилмаслик учун фақат ўзим билганларим ҳақида гапираман.

Элик учинчи йилнинг дастлабки ойларида анча вақт, худди илгари мен сингари, вақтинчалик Фадеевнинг вазифасини бажарган Александр Александрович Сурков менга дахли бўлган хатлар хусусида икки марта Марказий Комитет ходимлари билан гаплашганлигини айтди. Шуни айтишим керакки, Сурков антисемитизмни ҳам, уни тарқатадиган антисемитларни ҳам жинидан баттар ёмон кўрарди, буни яширмасди ва бундай иллатларга ўхшатиб зарба беришда мен ва Фадеевга нисбатан изчилроқ ва дадилроқ эди.

Дастлабки марта унга Ёзувчилар союзининг раҳбари вазифасини бажараётган киши сифатида Марказий Комитет аппаратида кўрсатилган хатнинг мазмуни ҳақида туюқиб гапирди. Марказий Комитетга ёзилган бу мактуб думалоқ хат эмасди, унга уруш йиллари талайгина хизмат қилган, жасоратини бировлар бадиийлаштириб ёзиб берганидан фойдаланиб, Ёзувчилар союзига аъзо бўлиб олган, эски, қирриқ одамлардан бири имзо чек-

кан эди. Сурков менга бу кишининг кимлигини яширмай, очиқ айтган, лекин ҳозир мен бу ерда унинг фамилиясини келтирмайман. У шу воқеадан кейин бир ёки икки йил ўтгач, бир тасодиф бўлиб, жуда ёмон ўлим топиб кетди, худо раҳмат қилсин. Аммо орадан шунча йил ўтганига қарамасдан, у ёзган хат мазмунини қисқача баён қилиш мумкин. Чунки, бу хат ўша пайтдаги муҳитнинг қандайдир бир заррасини яққол кўрсатади. Номаълум шахс эмас, балки таниқли одам антисемитизм руҳидаги кавлаштириш билан шу даражада чуқур шуғуллангандики, бундай пасткашликка фақат фашистларгина жазм қилиши мумкин.

У хатида мен раҳбарлик қилаётган «Литературная газета» ўз фаолиятида яҳудийларга ортиқча эрк бераётганлигига, бу менинг келиб чиқишим яҳудийлиги билан изоҳланишига Марказий Комитет агитация ва пропаганда бўлимининг эътиборини қаратмоқчи бўлган. Унинг аниқлашича, мен Симонов эмас, Симанович эканман, яҳудий оиласида туғилган эканман. Мени кейинчалик асраб олган майхоначининг ўғли эмишман. У, афтидан, буларни шахсий имзосини қўйиб Марказий Комитетга юбориш мумкин бўлган жиддий маълумотлар деб ўйлаган. Юқорида айтганимдек, Сурков бу ҳақда жиғибийрон бўлиб гапирди, мен эса эшитишим биланоқ хоҳолаб кулиб юбордим, Кулишимнинг боиси, буни онамга қандай гапириб беришни ўйлаб таъсирландим, чунки унинг Симанович фамилияли майхоначиси ҳам, умуман ер-мулки ҳам бўлмаган. Бундан ташқари графиня Оболенская ҳам, граф Оболенский ҳам бўлган эмас, фақат княз Оболенскийлар бўлган. Лекин шуниси ростки, онам — княжня Оболенская биринчи жаҳон уруши арафасида полковник Симоновга турмушга чиққан ва ундан Кирилл деган ўғил кўрган. Дарвоқе, бу ўғли уни жуда норози қилиб, асарларига Константин Симонов деб имзо чекаяпти. Ҳақиқатда ҳам, кейин онам бу гапни эшитиб хандон отиб кулди. Лекин Сурков менинг хатга дастлабки муносабатимни маъқулламади.

— Беҳуда кулаяпсан, — деди у. — Марказий Комитетга бундай хат ёзиш учун киши қай даражада пасткаш бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўйласанг маъқулроқ бўларди, бу қандай вазиятки, одамлар бундай хатларни ёзишга журъат қилишса...

У ҳақ эди, албатта, кулгили бўлишига қарамасдан, бу хатнинг ўша даврга хос жиддий томони ҳам бор эди. Мен нима учун кулганлигимни айтганимдан кейин, ниҳоят, Сурков ҳам кулди. Унга ахбороти учун ташаккур билдирдим, у эса ҳафсаласизлик билан қўл силтади.

— Мен асли бунга айтмасам бўларди. — Унинг юз ифодасидан шуни тушундимки, у гаплашган одам, афтидан, бу ҳақда менга айтмасликни тавсия этган, Сурков эса унинг маслаҳатига зид иш қилган.

Январь ойининг охирида «Литературная газета» саҳифаларида давом этган «В. В. Маяковский иждоини ўрганишнинг асосий масалалари тўғрисида»ги мунозаранинг сўнги ёки сўнггисидан олдинги мақола босилганда, унинг нимасидир бировларга ёқмаганлиги муносабати билан Сурковни яна Марказий Комитетга қақришибди. Газета редактори ва мунозаранинг амалдаги раҳбари сифатида менга нисбатан билдирилган норозилик муносабати билан ўша пайтда агитация ва пропаганда бўлимида ишлаган Владимир Семенович Кружков, (гарчи мен бу одамни анчадан бери билсам ҳам, қўлимни кўксимга қўйиб айтаманки, уни яхши ҳам, ёмон ҳам деёлмайман) афтидан, ўзи билган ва Сурковга маълум қилмоқчи бўлган гапнинг кутилмаганлигидан бироз саросимага тушиб, бизга жиддий, аммо ҳали охиригача текширилмаган сигнал тушди, Москвадаги ёзувчилар доирасида «Джойнт» билан бевосита алоқада бўлган бир гуруҳ шахслар бор экан, уларга кимсан Константин Симонов бошчилик қилар экан, дебди. Бу гал Кружков Сурковга хат-пат кўрсатмабди, лекин ўйлаш мумкинки, Кружков айтган жиддий сигнал хат бўлган, бу гал кўпроқ думалоқ хат бўлса эҳтимол. Сурковнинг ёдида эса Кружков саросима билан айтган гапларгина қолибди. Билмадим, у Кружковга нима деб жавоб қилди экан? Ҳар ҳолда у анча дангалчи одам, анқайиб турмагандир? Оғзига келганини шартиллатгандир. Менга эса суҳбатимиз охирида жиддий туриб шундай деди:

— Албатта, буларнинг ҳаммасини менга айтмасликни тайинлашган, ростки, ўзим ҳам бу фикри-фасод гапни сенга маълум қилишни истамагандим, лекин буларни билиб қўйишинг керак. Шунинг учун ҳам билишинг керакки, қандайдир бир аблаҳлар сени кавлаштиришяпти, бир амаллаб сенга чоҳ қазишни истажяпти. Шунга эътибор берки, бу бемаъни гаплар шу даражада жиддий қилиб айтилдики, қулоғимга ишонмадим.

Уша кезларда Сурков билан орамизда бўлиб ўтган, мен учун муҳим бўлган иккинчи суҳбат шундай тугади. Кейин учинчиси ҳам бўлди. Сталин вафотидан сўнг бўлган бу суҳбат ҳақида алоҳида тўхталаман.

Шуниси фалатики, Сталин бетоблиги тўғрисидаги ҳукумат хабарини қандай вазиятда эшитганим, газетадан ўқиб билганманми, радиодан эшитганманми ёки бошқа бир йўсинда хабардор бўлганманми, хотирамда қолмаган. Уша кунлардаги бошқа барча воқеаларни қисқача ёзиб қўйганман, айримлари хотирамда қолган. Бу воқеани эса ёзиб ҳам қўймаганман, хотирамда ҳам сақланмаган. Сталиннинг вафоти ҳақидаги ҳикоямни 1953 йил ўн олтинчи мартда ёзганларимдан бошлайман:

«Шу йилнинг мартадаги қайғули кунлар тўғрисида бир неча оғиз сўз. Буни ёзиш оғир, Сталин энди йўқлиги, у вафот этганлиги онгимизга тўла ўрнашгани йўқ, яъни буни сезаяпмиз, албатта, шундай воқеа бўлганлигини мен ҳам биламан, бошқалар ҳам билишади, айти пайтда Сталин энди йўқлигига ҳеч ақл бовар қилмайди. Менга шундай туюлаяптики, ҳеч нарсани унутмайман, унутадиган ҳолатга ҳам тушмайман. Назаримда, бу кунларнинг барча тафсилоти хотирада бир умрга михланиб қоладигандай. Ҳеч унутилмайдигандай туюлган нарсаларни ёзишга ўзингни мажбур қилиш эса қийин. Лекин хотира кишини чалғитади. Бўлаётган воқеалар тафсилоти унутилиши ёки бир кун бориб асл тартиби чалқшиб кетиши мумкин, шу сабабли ҳозир улардан баъзиларини ўзимни зўрлаб бўлса ҳам ёзиб қўйишим керак.

Аввало ақлимни банд қилган дастлабки туйғулардан бири шу бўлдики, мен бюллетенларнинг тафсилотини, улар медицина тилида нимани билдиришини аниқлашни ва тушунишни мутлақо истамадим. Томир уриши, қон босими, ҳарорат ва бюллетеннинг бошқа тафсилотлари ҳақида етмиш учга кирган одамнинг соғлиғи учун бу нимани билдириши ҳақида фикр юритиш мен учун маъносиздай туюлди. Бу ҳақда ўзимча ўйлашни ҳам, бошқалар билан муҳокама қилишни ҳам истамасдим, чунки, назаримда Сталин ҳақида тўсат оғир касал бўлиб ётиб қолган одам ҳақида сўзлагандай гапириш мумкин эмасдай туюларди. Мен учун энг муҳими медицина иборалари эмас, Сталиннинг касали ҳақидаги тафсилотлар эмас, балки бошқа нарса эди: у ҳушига келадики ёки йўқми? Энг қўрқинчлиси шуки, у ҳушсиз ётибди, бу демак, унинг иродаси дардга қарши курашда иштирок этмаяпти. Назаримда, агар у ўзига келса, унинг иродаси шундайки, албатта соғайиб кетадигандек туюлаётганди.

Тўртинчи март куни кечқурун Кремлга, Сталиннинг секретариати ўтирадиган хонага келдим. Бу ерга бошқа кишилар ҳам мен сингари кичик бир иш юзасидан қақирилганди. Улар жимгина келиб, жимгина ечиниб, ўзлари қақирилган иш бўйича ўн беш йигирма минут жимгина шуғулланиб, яна шундай сукут сақлаганча, бировга лом-лим демай чиқиб кетардилар.

Шу ерда мен ўша пайтда ёзганларимни қўйиб тураман. Билмадим, нима учун мен ўша пайтда бизни нима иш билан қақирганлари ҳақида ёзмаган эканман. Кремлга, Сталиннинг секретариатига шу оқшом, бир неча соат мобайнида, Москвада бўлган, балки Москвага қақирилган Марказий Комитет аъзолари ва кандидатларини, эҳтимолки, яна бошқа кишиларни — мен булар кимлигини билмайман — Сталин соғлиғи тўғрисидаги бюллетен билан таништириш учун таклиф этишганди. Мен ҳозир билишимча, бундай қилинишининг икки сабаби бор эди. Биринчидан, маълум доирадаги шахсларни бюллетенларнинг асл нусхаси билан таништиришни истаган бўлишлари мумкин ва иккинчидан, бу асл нусхалар матбуотга берилганидан батафсилроқ бўлиши мумкин эди. Аслида ҳам шундай бўлиб чиқди, бюллетенлар, ёки анча батафсилроқ ёзилганди, ёки соатма-соат ёзилганди, чунки агар мен ўшанда ёзганимдай бўлса — «биз қақирилган ишни қилиш учун ўнбеш-йигирма минут зарур бўлган» бўлса, бу камида бир неча саҳифа ўқилган, демакдир.

Элик учинчи йилнинг ўн олтинчи мартада ёзганларимга қайтаман:

«Мени шундай бир туйғу тарк этмасдики, назаримда ҳамма нарса қандай бўлса шундайлигича қоладигандай эди: Кремль девори бўйлаб кетган ичкаридаги ўша йўл, кираверишда ҳужжатингизни текширадиган ўша офицер, ўша эшик, менга сўнги йилларда олти марта кўтарилишга тўғри келган ўша зина. Лекин одамларнинг ҳаёлчанлигидан, зиналардаги, коридорлардаги сукунатдан, ғоятда ғайри табиий сокинликдан бу даргоҳда бахтсизлик рўй берганлиги сезилиб турарди.

Мен дастлаб зинадан кўтарилиб ва коридордан ўтиб бориб, ҳозир бўлишим керак бўлган Сталин секретариати хонасига эмас, балки бошқасига кириб қолдим. Мен бу хонада илгари, қирқ еттинчи йилда — ўша мен уни биринчи марта кўрганимда бўлгандим, Фадеев ва Горбатов билан шу ерда Сталин қабул қилишини ўн минут кутиб ўтиргандик.

Хона илгари қандай бўлса, ҳамон шундай, столлар ҳам қадимки жойида турибди. Бир киши ўрнидан турди-да: «Адашдингиз, ҳозир чапга бурилиб, навбатдаги эшикка кирасиз», деди. Мен ташқарига чиқиб, қўшни хонанинг эшиги томон юрдим, бу ерда ҳам биз Сталин мукофоти муҳокамасидан аввал, Сталин бизни қабул қилишини кутиб, икки-уч марта ўтирганимизни эсладим. Ушанда ўтириб гангир-гунгур суҳбатлашгандик. Ҳозир эса, гарчи одам кўп бўлса ҳам, хонада буткул сокинлик ҳукмрон эди, пашша учса билинарди. Бу сокинлик дилга мана шу ерда қаердадир, бир неча хона нарида, яна бир коридор, бир неча девор нарида ўз квартирасининг бир бўлмасида умри тугаётган Сталин ётибди, деган фикр-мулоҳазани соларди. Бизларни, бу ерда жимгина ўтирганларни, ундан атиги бир коридор бўлаги ва бир неча эшик ажратиб турибди. Сталин эса биз ўтирган мана шу уйнинг ўзида, бизнинг яқингинамизда ҳеч ҳушига келмаяпти.»

Шу ерда элик учинчи йилда ёзганларимни яна қўйиб тураман. Ҳозир барчага маълумки, Сталин ҳукумат хабарига айтилганидек, Кремлдаги квартирасида эмас,

балки шаҳардан ташқарида, «яқин чорбоғ» деб аталган чорбоғида вафот этган. Биринчи ҳукумат хабаридаги ҳақиқатдан чеккага чиқишни орадан кўп йиллар ўтиб билиб, ҳайратланиш, жиғибийрон бўлиш деган нарса ҳеч ҳаёлимга келмади. Шубҳасиз, ўша пайтда бу хабарни тайёрлаган кишилар, ҳақиқатни бундай бузиб кўрсатишнинг давлат учун аҳамияти бор деб ўйлашган бўлса керак. Дарвоқе, ўзимни ҳаёлан ўша пайтдаги бу одамлар ўрнига қўйиб, кўраман-да, Сталин иккинчи март куни ҳушидан кетиб ва ўлар ҳолатга тушиб, матбуот хабарлари ва медицина бюллетенларига мувофиқ равишда бешинчи март куни кечқурун вафот этган бўлса ҳам; ёки ўша пайтдаёқ, иккинчи мартдаёқ унинг жони узилиб, шундан сўнг уч кун мобайнида аслида, соғайишига ҳеч қандай умид қолдирмайдиган медицина бюллетенлари билан бу воқеага одамларни тайёрлашган бўлса ҳам, умуман ҳар икки ҳолда ҳам уларнинг хатти-ҳаракати батамом мантиқли бўлганлигини тушунаман. Ҳа, Сталинга муносабат қандай бўлмасин, тўғриси, мамлакатимиз тарихининг унинг номи билан боғлиқ катта даври туғанлигини билдирадиган бу воқеага одамларни тайёрлаганликлари маъқул иш бўлган.

Очиғи, мени ҳозир, орадан чорак аср ўтганидан кейин, бу ўлим аслида қандай содир бўлганлиги қизиқтирмайди. Мен бу борадаги ҳақиқатни гапириб берадиган одамни учратмадим, ҳақиқатни билиши керак бўлган, лекин бу мавзуда мен билан гаплашиш истагини изҳор қилмаган кишилардан билишга ҳаракат ҳам қилмадим. Қолаверса, бир давр туғаб, иккинчи давр бошланганлиги сингари тушунча олдида, Сталиннинг қандай вафот этганлиги иккинчи даражали масаладир. Яна эллик учинчи йилда ёзганларимга қайтаман.

«Бешинчи март, оқшом. Свердлов залида Марказий Комитет, Министрлар Совети ва Олий Советнинг қўшма мажлиси бўлиши керак, бу ҳақда кейин газеталар ва радио хабар қилди. Мен белгиланганидан анча аввал, қирқ минут аввал келдим, залда эса мажлис қатнашчиларининг ярмидан ортиғи тўпланганди. Ўн минут ўтган ҳамма жамул-жам бўлди. Эҳтимол, бир-икки одамгина мажлис бошланишидан ярим соат олдин келган бўлиши мумкин. Шундай қилиб, бир неча юз одам, — уларнинг қарийб ҳаммаси бир-бири билан таниш, бир-бирини иши бўйича биларди, кўпдан бери салом-алик қилиб юришарди, — қирқ минут, мендан аввал келганлар эса ундан ҳам кўпроқ муддат лом-мим демай пленум бошланишини кутиб ўтиришди. Ёнма-ён, елкалари елкаларига тегиб ўтиришарди, бир-бирларини кўриб туришарди, аммо ҳеч кимдан садо чиқмасди. Ҳеч ким ўзга бир одамдан ҳеч нарса сўрамасди. Менга шундай туюлдики, залда ўтирганларнинг ҳеч бири сўзлашишга эҳтиёж ҳам сезмасди. Мажлис бошлангунча залда шундай бир сокинлик ҳукмрон эдики, агар ўзим шохид бўлмаганимда, ёнма-ён ўтирган уч юз одам шунча муддат сукут сақлаши мумкинлигига ишонмасдим. Бу сукунатни тоабат унутмайман».

Мен ўшанда шундай ёзган эдим. Тоабат ёдимда қоладими-йўқми билмадим-ку, аммо шундан бери йигирма олти йил ўтди, ҳамон унутганим йўқ.

Энди ўша пайтда ёзганларимга бир неча оғиз қўшимча қиламан.

Биринчи таассурот: Свердлов залининг орқа эшигидан Сталин ҳаётлигида Президиумга сайланган йигирма беш киши эмас, балки Сталин ҳаётлигида Президиум Бюросига аъзо бўлганлар — Маленков, Берия, Каганович, Булганин, Хрушчев, Ворошилов, Сабуров, Первухин кириб келишди. Улар сафида Сталин бу Бюрога киритмаган Молотов ва Микоян ҳам бор эди. Шундай қилиб, бир томондан, бошидан оқ Сталиннинг амрига риоя қилинганди, Президиум столида Первухин ва Сабуров ўтиришарди, иккинчи томондан, унинг амри инкор қилинганди, чунки президиум столида Сталин ҳаётлигида Президиум Бюросига киритилмаган Молотов ва Микоян тўққизинчи ва ўнинчи бўлиб ўтиришарди. Буни ҳозир мен шундай изоҳлаяпман. У пайтда бунга оддий бир нарсадай қаралган: илгариги Сиёсий бюро чиқди-да, столга ўтирди, улар сафига фақат Первухин ва Сабуров қўшилди.

Агар хотирам панд бермаса, мажлисни Маленков кириш нутқи билан очди. Бу нутқ айнан ёдимда йўқ, аммо мазмуни шундай эди: ўртоқ Сталин ўлим билан олишишда давом этаётди, лекин аҳволи шу даражада оғирки, гарчи бери қараган тақдирда ҳам, жуда узоқ вақт ишга ярамайди. Мамлакатни эса бунча вақт раҳбарсиз қолдириб бўлмайди. Мужмаллик қилмаслигимиз керак, халқроо вазият ҳам бунга имкон бермайди. Кечиктирмай, ҳозироқ ҳукумат тузиш ва шу билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга ошириш керак.

Шундан кейин Маленков Берияга сўз берди. Берия минбарга тушиб, Маленковни СССР Министрлар Совети Расиси этиб тайинлаш тўғрисида таклиф киритди. Бу таклифга овоз берилгач, у жойига қайтди — президиум столига кўтарилди. Маленков эса минбарга туша бошлади. Улар тор жойда бақамти келишиб, қоринлари билан тиралишиб, бир-бирларига қийналиб йўл беришди. Шуни қўшимча қиламанки, мен ўша пайтда бу ҳақда кулмасдан, ҳатто кулишни ҳаёлимга келтирмасдан ўйлагандим, баъзан бўладиганидек, шунчаки бир назар ташлаб қўйгандим, буни қарангки, бу ҳолат бир умрга ёдимда қолди.

Маленков минбарга тушиб, эртаси куни — Сталин вафотидан сўнг барча киши-

лар газеталарда ўқиган ва афтидан, ундан ҳам аввал радиодан эшитган таклифларни кирита бошлади. СССР Министрлар Советининг тўрт нафар биринчи ўринбосари орасида Маленков аввало Берияни, ундан кейин Молотов, Кагановични, Булганини тилга олди. Кейинги таклифларнинг моҳияти шундан иборат эдики, ҳокимиятни ва ҳокимият билан боғлиқ асосий министрликларни иложи борица озроқ қўлларда тўплаш кўзда тутилганди. «Раҳбарликда катта тезкорликка эришиш мақсадида» Марказий Комитет Президиуми аъзолари ва Марказий Комитет Президиуми аъзолигига кандидатлар миқдори икки ярим барабар камайтирилди, мажлис бошида президиум столига келиб ўтирганларгина Президиум аъзолари бўлиб қолишди. Аслида ҳокимиятни Марказий Комитет Президиуми аъзоларидан беш киши яъни тенг ярми кирган Министрлар Совети Президиумида тўплаш тенденцияси пайдо бўлди. Марказий Комитет Секретариатида бир Президиум аъзоси — Хрущев қолди, унинг Секретариат иши билан шуғулланиши кўрсатиб ўтилди. Яна бир Президиум аъзоси — Ворошилов — Олий Совет Раиси бўлди, Марказий Комитет Президиумининг бошқа уч аъзоси — Микоян, Сабуров ва Первухин — министр бўлишди-ю, лекин Министрлар Совети Президиумига киришмади. Афтидан, кучларни бу тарзда тақсимлашдан мақсад Марказий Комитет ва Министрлар Советидаги кучлар нисбатини ўзгартиришдан иборат бўлган бўлса керак. Эҳтимол, бу ташаббус Бериядан чиққандир, ҳар ҳолда, у кейинчалик шу йўналишда фаол ҳаракат қилиб, республикаларда ҳам асосий, биринчи шахсларни Министрлар Совети Раиси лавозимига, иккинчи шахсларни Марказий Комитет секретари лавозимига қўйишга интилди.

Бу менинг ўша пайтдаги эмас, балки ҳозирги мулоҳазаларимдир, албатта.

### 1979 ЙИЛНИНГ 7 АПРЕЛИ

Мажлис тугагач, ўша пайтда «Правда»нинг бош редактори бўлиб ишлаган Шепилов билан келишиб, биз, ёзувчилар, (аниқ эсимда, булар Фадеев, Корнейчук эди, Сурков, Твардовский биз биланми — йўқми буни эслай олмайман) «Правда» редакциясига бордик. Шу кез миямни банд қилган турли-туман фикрлар, воқеалар ва ўзгаришлардан ташқари, мажлиснинг характери ва унда кўрилган ташкилий масалалар Сталин ҳадемай вафот этишини билдирганидан ташқари, яна бир нарсани сездим, бу ҳақда ўйламастикка, миямдан чиқариб ташлашга ҳаракат қилдим, аммо иложи бўлмади: менга шундай туюлдики, у ердан, орқа хонадан чиқиб, президиумда пайдо бўлган кишилар, Сиёсий бюронинг эски аъзолари қандайдир яширин, зоҳирларидан сезилмайдиган, лекин сезса бўладиган, енгил бир кайфиятда чиқиб келдилар. Бундан фақат Молотов мустасно — у қимир этмай, тошдай қотиб ўтирарди. Минбарда сўзлаган Маленков ва Берияга келганда, иккиси ҳам жонли, жўшиб гапиришди. Уларнинг овозларидаги, ўзларини тутишларидаги нимадир нутқларининг кириш қисмига ҳам, Сталиннинг бетоблиги билан боғлиқ қайғули якунига ҳам монанд эмасди. Менга шундай туюлдики, президиумдагилар ўзларини эзиб, боғлаб келган нимадан дигар халос бўлган эдилар. Улар қандайдир, йўргагидан ечилгандай эдиларми-ей. Эҳтимол, ўшанда бундай ўйламагандирман. Мен эҳтиёт бўлиб, ўзимга ишонқирамай мулоҳаза юритардим, лекин шубҳасизки, уларнинг бу ҳолатига эътибор берганман. Бу аслида ўша пайтдан бир умрга ёдда қолган туйғулардир.

Игирма минутдан кейин биз «Правда» редакциясига келиб, Шепиловнинг хонасида ўтирардик. Қандайдир паст овозда гаплашардик, суҳбатлашиш истаги ҳам йўқ эди. Таниқли ёзувчиларнинг «Правда»да турли мавзуларда бир қатор мақолалар билан чиқишларини ташкил этиш кераклиги, бу зарурлиги, бундай мақолалар планини тузиш лозимлиги ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар тўғрисида гаплашдик. Лекин бу гаплар, булар ҳақида сўзлашиш муҳим-ку, аммо подадан олдин чанг чиқаргандай бироз бемавридроқмасмикан, деган истиҳола билан айтилди. Чунки, гарчи Марказий Комитет Президиуми ва Секретариатининг янги состави белгиланган, гарчи Министрлар Советининг Маленков башчилигидаги янги состави тузилган, гарчи Ворошилов Олий Совет Раиси лавозимини эгаллайдиган бўлса ҳам, ёзувчилар нималарни ёзишлари кераклиги, улардан нималарни ишташлари хусусида қандайдир йўл-йўриқ йўқ эди. Шуниси аниқ эмасди. Ҳали Сталин тирик эди ёки у ҳали тирик деб ҳисобланаётганди. Шундай қилиб, суҳбатлашиб ўтириб, қирқ минутни ўтказдик, билмадим бу ланж суҳбат яна қанча давом этарди, — бирдан вертушка жиринглаб қолди. Шепилов бориб трубкани олди-да, вазминлик билан бирнеча марта «да, да», деди ва биз ўтирган столга қайтиб келиб: «Кўнғироқ қилиб айтишди, ўртоқ Сталин вафот этибди», деди.

Илгари бўлганларнинг ҳаммасига — яқиндагина биз иштирок этган мажлисга, унда қабул қилинган қарорларга қарамай, шу дақиқада бизда, аниқроғи менда нимадир силкингандай бўлди. Ҳаётда нимадир тугади, нимадир, ҳали номаълум бўлган бир нарса бошланди. Шу муносабат билан Сталин ҳаётлигидаёқ, Маленковни Министрлар Совети Раиси этиб тайинлаш зарур бўлганида ёки тайинлашганида эмас, у пайтда эмас, ҳозир, мана шу кўнғироқдан оўнг бошланди.

Ким зиммасига нимани олганлигини, нима қилмоқчи ва ёзмоқчи бўлганлигини



эслай олмайман,— мен шеър ёзаман дедим. Шеър ёза оламанми-йўқми билмасдим, лекин бу пайтда шундан ортиғига қодир эмасдим.

«Правда»да тутилиб қолмай, уйимга бордим. «Литературная газета» эртадан кейин, еттинчида чиқарди. Мен тўғри уйимга бордим-да, муовиним Борис Сергеевич Рюриковга қўнғироқ қилиб, редакцияга икки соатдан кейин ўтишимни айтдим. Шундан Рюриковга қамалиб олиб шеър ёза бошладим. Дастлабки икки бандини ёзгач, кутилмаганда, ҳўнграб йиғлаб юбордим. Ҳозир буни тан олмаслигим мумкин эди, чунки бўлар-бўлмасга йиғлайверишни ёқтирмайман,— лекин, афтидан, бусиз юз берган ларзанинг кучини тасаввур этиш қийин. Мен қайғудан, марҳумга раҳмим келганидан йиғламадим, буни йиғлоқи одамнинг кўз ёшлари деб ҳам бўлмасди, бу ларза натижасида пайдо бўлган кўз ёшлари эди. Ҳаётда нимадир остин-устин бўлиб кетди, бу тўнтаришнинг ларзаси шу даражада кучли эдики, у қандайдир, жисмонан ҳам ифодаланиши муқаррар эди. Менда бу йиғи орқали, ҳўнғ-ҳўнғ йиғлаш билан ифодаланди. Кейин шеъримни ёзиб тугаллаб, «Правда»га элтиб бердим. У ердан Кремлда бўлган воқеа тўғрисида Рюриковга гапириб бериш учун «Литературная газета»га йўл олдим. Эртага биз газета чиқармоқчи эдик, у эса буни билиши керак эди — қанча тез билса, шунча яхши.

Ҳозир олдимда ўша март кунларининг материаллари турибди, мен буларни ўша пайтда олиб қўйганман.

Ҳаммаси: фахрий қоравулда турганимда боғлаганим мотам боғичи, устига «ҳаммаёққа кириш мумкин» деб ёзилган Қизил майдонга ўтиш пропуски кўплар қатори мен ҳам гапирган икки мотам мажлисидан бирининг стенограммаси, ёзувчиларнинг яна бир мажлиси (мен шу мажлисда ёзган шеъримни ўқиб берганман) тўғрисидаги газета ҳисоботи, ўша кунларнинг газеталари,— «Правда», «Известия», «Литературная газета» ва бошқа нашрлар кўп йиллардан бери ётган папкага солиб қўйилганди.

Кейин йиллар ўтгач, Сталин тўғрисида турли ёзувчилар турлича ёзишди. У пайтда эса, Тихонов, Сурков, Эренбург ва бошқалар деярли бир хил мазмунда гапиришганди. Айтилган фикрлар бир-бирига ўхшарди. Эҳтимол, бироз фарқи бўлиши мумкин, у ҳам айтарли сезилмасди. Шу билан бирга шеърларда ҳайрон қоларли даражада ўхшаш оҳанг бор. Барибир Твардовский ҳаммадан ўтказиб ёзди: вазмин оҳангда, фикрлари теран — талантининг кучи ҳисобга олинса, таажжубланадиган жойи йўқ. Аммо ҳаммаси ҳайрон қоларли даражада бир хил фикрни айтишганди:

Улуғ қайғу мусибат дами,  
Зарур сўзлар тополмам асло —  
Ки, бу сўзлар умумхалқ ғамин  
Бор бўйи-ла қилолса иншо...  
Бу — Твардовскийдан.

Биронта сўз топилмас аён қила олгудай  
Инсоннинг чидаб бўлмас оғриқ, қайғу, истагин.  
Биронта сўз топилмас баён қила олгудай  
Сиз туфайли биз чеккан ғамни, ўртоқ Сталин!  
Бу — Симоновдан.

Бўялди дил ўз қонларига,  
Эй жонажон, эй азиз Ота!  
Сени кучиб, босиб бағрига,  
Бошинг узра йиғлайди Ватан.  
Бу — Берггольцдан.

Майли, тинмас фарёдим, оҳим,  
Бироқ устоз ўргатган эди:  
Бошинг эгма, туширма руҳинг,  
Ҳар қандайин кулфатда, дерди.  
Бу — Исаковскийдан<sup>1</sup>.

Ўша пайтда Сталин ҳақида ёзган шеърларимиз ўхшаш, жуда ўхшаш эди. Уттиз еттинчи йилда қамоқда ўтирган Ольга Берггольц, қулоқнинг ўғли Твардовский, дворяннинг набираси Симонов, кекса қишлоқ коммунисти Михаил Исаковский деярли бир хил ёзишганди. Бунга Сталин замонида турлича тақдирга, турлича таржимаи ҳолга эга бўлган бошқа кишиларнинг шеърларидан олинган сатрларни ҳам қўшимча қилиш мумкин. Шунга қарамасдан шеърлардаги ўхшашлик ҳамма ёзишга мажбур бўлганлиги натижаси эмас, уларни ёзмаслик мумкин эди. Менимча бундаги ўхшашлик оғир жудодикдан содир бўлган воқеанинг улканлигидан туғилган эди. Бу қандай йўқотиш бўлганлигини,— мен ўзимга бундай оғир саволни беришга қўрқаман — бу йўқотиш ўша пайтда эмас, кейинроқ содир бўлганида, бизнинг ҳаммамиз

<sup>1</sup> Шеърларни Музаффар Аҳмедов таржима қилган.

ва мамлакатимиз учун яхши бўлардим,— буни аниқлаб олишга уриниш учун олдинда ҳали кўп йиллар бор эди. Буларнинг ҳаммасини аниқлаб олиш керак эди, айниқса ХХ съезддан кейин аниқлаб олиш керак эди.

Бироқ содир бўлган воқеанинг улканлигига шубҳа йўқ эди. Сталин шахсининг, бу шахс билан боғлиқ кишилар доирасига (бу доирага мен ҳам кирардим) таъсир кучи зўр бўлганлигига ҳам шубҳа йўқ эди. Шу боисдан ҳам биз ўша пайтда ёзган шеърларимизда ўзимизни мажбур қилмасак ҳам «йўқотиш» сўзи «қайғу» сўзи билан уйқашиб кетаверган. «Бу заминда шундай бўлганди»,— бу ҳақда энг биринчилардан бўлиб, бошқалардан анча чуқурроқ ўйлаган Твардовский бироқ кейинроқ шундай деди.

Ҳозир ўша кунлардаги газеталарни varaқлаб, яна Сталин қачон вафот этганлиги тўғрисидаги мулоҳазаларимга қайтишни истайман. У ҳар қалай қачон ўлган — дарҳол ўлганми ва бизни бунга тайёрлашганми, ёки янги тайинлашлар амалга оширилган қўшма мажлисдан аввал вафот этганми, ёки у ҳақиқатда биз бешинчи март кечкурун соат ўнда «Правда»да ўтирганимизда, Шепиловга кўнғироқ қилишганида вафот этганми? Тахминларимни бошқа кишилар етишолмайдиган материаллар асосига қурмайман, лекин мана, Марказий Комитет, Министрлар Совети ва Олий Совет Президиумининг қўшма мажлисининг Сталин вафот этган куннинг эртасига пайдо бўлган қарорини ўқийман, унинг кириш қисмида Сталин вафоти тўғрисида гапирилмаган, бу ҳақда барча партия аъзоларига ва Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашларига мурожаат арафасида гапирилганди. Қарорнинг кириш қисми шундай ёзилганки, бу қўшма мажлис қачон бўлганлиги — Сталин вафот этмасидан аввал бўлганми ёки унинг вафотидан сўнг бўлганми, билиб бўлмасди. Қуйида уни айнан келтираман.

«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, ССР Иттифоқи Министрлар Совети, СССР Олий Совети Президиуми партиямиз ва мамлакатимиз учун қийин бўлган мана шу кунларда мамлакатнинг бутун ҳаётига узлуксиз ва тўғри раҳбарлик қилинишини таъминлашни партия ва ҳукуматнинг муҳим вазифаси ҳисоблайдиларки, бу ўз навбатида раҳбарликнинг буюк жиҳслигини, парокандалик ва ваҳимачиликка йўл қўймасликни талаб этади, токи, шундай қилиб, партия ва ҳукуматимиз мамлакатимизнинг ички ишларида ҳам, шунингдек халқаро ишларда ҳам ишлаб чиққан сиёсатини ҳаётга муваффақиятли жорий этилиши таъминлансин. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва Олий Совет Президиуми мана шундан келиб чиқиб ва давлат ҳамда партия органлари фаолиятига раҳбарликда қандайдир бир узилишга йўл қўймаслик мақсадида партия ва давлат раҳбарлигини ташкил этиш бўйича бир қатор тадбирларни амалга оширишни зарур деб ҳисоблайди».

«Правда»нинг бу материал босилган сонининг ички саҳифасида Сталин тобутини Ленин тобути ёнига қўйиш тўғрисидаги қарор, пантеон қуриш тўғрисидаги қарор, олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи мартни мотам кунлари деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор босилган. Уша жойнинг ўзида дафн маросимини ташкил этиш бўйича комиссиянинг одамларни колонна залига кириш тартиби тўғрисидаги ахбороти, Колонна залидан ёзилган дастлабки «И. В. Сталин тобути ёнида» репортажи босилган. Лекин «партия ва давлат раҳбарлигини ташкил этиш бўйича» тадбирлар тўғрисидаги қарорнинг кириш қисмида Сталиннинг номи ҳам тилга олинмаган, у ҳали тирик ёки ўликлиги эслатиб ҳам ўтилмаган.

Манتيқан шундай тахмин қилиш мумкинки, воқеа бизга қандай маълум қилинган бўлса, шундай бўлган, яъни қўшма мажлис Сталиннинг соғлиги мутлақо умид қилиб бўлмайдиган аҳволдалигида, унинг ўлимини дақиқа сайин кутилаётган бир пайтда тўпланган. Қарор сўнгги вергули ва нуқтасигача олдиндан тайёрланган, мабодо Сталин бир-икки кун ёки бирнеча кун ўсал ҳолида ётса, афтидан уни кечиктирмасдан эълон қилишни кўзлашган. Эҳтимолки, уни еттинчида эмас, балки олтинчида, пленум тугаши биланоқ, бор умидни ҳам узадиган бюллетен билан ёнма-ён эълон қилишлари мумкин эди. Мантик, бошқа турли тахминларни ҳам истисно қилмаган ҳолда, шундай бўлиши мумкинлигини тақозо этади. Эндиликда яна эллик учинчи йилда ёзганларимга, Колонна зали ва Сталинни дафн этиш тўғрисида сўз юритилган сўнгги битикларимга қайтаман.

«Гарчи менга кўнғироқ қилишиб, Колонна залига кундузи учда келинг дейишган бўлса ҳам, мен у ерга катта қийинчилик билан фақат соат бешда бордим. Колонна залига пиёда бориш қарийб мумкин эмас эди...»

Ушанда ёзганларимга шуни қўшимча қилиш мумкинки, у пайтда Пушкин майдони бурчагида яшардим, лекин Горький кўчасидан ҳам, Дмитровкадан ҳам, Петровкадан ҳам пастга ўтишнинг иложи бўлмади. Трубная майдонидаги оломон орасида ўша пайтдаги ўрмончилик саноати министри Георгий Михайлович Орлов билан учрашиб қолдим. Биз бир-биримизни билардик, у билан «Литературная газета» саҳифаларида қоғоз муаммолари бўйича жанг қилгандик. У билан Неглинная кўчасидан бирга кетдик, Марказий Комитет томонидан берилган гувоҳномамиз бўлишига қарамай Москва кўчаларига тўлиб-тошиб кетган одамларнинг унсиз-садосиз, тартибсиз оқимини зўр-базўр ёриб ўтдик: Неглинная кўчасига кўндаланг қўйилган юк машиналарининг остидан,

яна нарироқда шу кўчани тўсиб турган юк машиналарининг устидан ўтдик, чор тарафдан шундай қисиб қўйилгандики, ҳатто чўнтагимиздан ҳужжатимизни олишга қийналардик. Одамлар оқими бизни дам олдинга, дам орқага итқитиб ташларди, ниҳоят Малий театр орқасига етганимиздагина бироз эркинликка чиқкандай бўлдик. Бошқа соатларда қандай бўлганлигини билмайман-ку, биз ёриб ўтган икки соат мобайнида оломон дарғазаб, асабий эмасди, балки қайғули сукунатда эди. Бу оломон ўзининг у ёққа, Колонна залига томон ҳамжиҳат бўлиб интилишида шу даражада қудратли эдики, унинг бу қатъияти олдида милиция ҳам анча эсанкираб қолди.

Ёзганларимга қайтаман:

«Президиум ортидаги хонада одамларнинг билагига боғич боғлаб қўйишаётганди. Бировлар фахрий қоравулда туриш учун боришар, бошқалар қайтишарди. Шу йўсинда, афтидан, бир соатга яқин вақт ўтди. Ниҳоят, бизга ҳам навбат келди, мен икки нотаниш аёл билан ёнма-ён турардим. Улар билан бирга бориб, тобутнинг ўнг тарафида, марҳумнинг бош томонида турдик. Мен олдинга қарадим ва тобутда ётган Сталинни кўрдим. Унинг юзи хотиржам, ҳеч озиб-тўзмаган ва ўзгармаган. Сўнгги пайтда сочлари бироз сийраклаша бошлаган эди. (Буни у мажлис пайтида хонасида юрганида ва ёнингиздан ўтиб кетаётиб, ёнбошига бурилганида кўриш мумкин эди). Лекин ҳозир бу сезилмасди, сочлари орқасига силлиқ таралган ва ёстиққа тегиб турарди. Кейин биз тобутни айланиб ўтганимизда, мен Сталиннинг юзини ўнгдан, нариги тарафдан кўрдим ва яна юзи мутлақо ўзгармабди, озмабди, жуда хотиржам, қари одамнинг юзига ўхшамайди, ҳали ёш кўринади, деб хаёлдан ўтказдим. Колонна залидан қайтгандан сўнг эса, охириги йилларда Сталинни кўрмаган ёки узоқдан кўрган ва уни уруш даври ва урушдан аввалги портретларидан билган кишилар, ҳозир бирдан яқиндан кўрсалар, эҳтимол улар назарида, кексайган, дард юзини ўзгартириб юборгандек бўлса керак, деб ўйладим. Лекин аслида ундай эмасди, дард унинг юзини ўзгартирмаган эди. Қўли кулранг френчининг устида хотиржам ётарди.

#### 1979 ЙИЛНИНГ 8 АПРЕЛИ

Мен шу куни яна бир неча марта фахрий қоравулда ва икки соатча одамлар киратган эшик олдида турдим. Сталин билан видолашгани келган кишилар навбати. Мен ўнг томонда эшикнинг ёнгинасида, кесақисига суяниб турдим, бу ердан Сталиннинг юзи жуда яхши кўриниб турарди. Одамлар ичкарига кирган заҳотлари зални, тобутни ва унда ётган Сталинни кўрган пайтларида, менинг ёнимдан ўтардилар. Билмадим, мутлақо аниқ бўлиши учун буни қандай ёзишим керак, — ҳамма ҳам йиғламасди, ҳамманинг ҳам гавдаси силкинаётгани йўқ эди, лекин шу дақиқада барча одамлар ўз туйғулуруни қандайдир ошқора, қандайдир очик-ойдин ифодалашарди. Мен эса бу пайтда ёнимдан ўтиб бораётган одамларнинг Сталинни тобутда кўрган чоғидаги қалб ларзасининг ички бир садосини пайқаб турардим. Билмадим, эҳтимол, мен ўшанда ҳис қилганларимни ҳозир яхши ифода этолмаётгандирман, лекин ўзим юқорида айтган туйғуга жуда ўхшаш нарса менда кўп марта тақорланган.

Тўққизинчи мартда, дафн куни биз Колонна залига эрталаб соат тўққизда келдик. Дастлаб фахрий қоравулда турдик, кейин залга ўтдик (қавс ичида айтаман — битигимда бу йўқ, — «биз» деганим, маълумки, ёзувчиларни билдиради; назаримда, мана шу, сўнгги кунда биз Колонна залига мен билан ёнма-ён яшайдиган Сурков ва Фадеев билан бирга келдик — К. С.). Фахрий қоравуллар алмашиб турарди — дам музика янграрди, дам аёллар хори куйларди. Мен энг сўнгги фахрий қоравуллар сафида турганимда, бирдан Сталиннинг қизи Светлана тобут турган супадан юқорига икки-уч зина кўтарилди ва отасига, унинг юзига узоқ тикилди. Кейин пастга тушди-да, нари кетди ва Сталиннинг бош тарафида, ўнг томонда турган креслога бориб ўтирди. Энг сўнгги қоравуллар алмашишида давом этди. Орқа эшикдан партия ва ҳукумат раҳбарлари чиқишиб, тобут ёнига келишди. Шу дақиқада маршаллар Сталиннинг ордени ва медаллари қадалган ёстиқчаларни ола бошлашди. Гарчи бу кунлар мобайнида бир неча марта фахрий қоравулда турган бўлсам ҳам, фақат ҳозиргина тобут пойгагига қўйилган ёстиқчаларни кўрдим. Энг юқоридаги ёстиқчани Будённий олди, қолганларини бошқалар ола бошлашди. Тобутни юқори қисмига ойнадан ёки ойнасимон пластмасадан ясалган фонар ўрнатилган қопқоқ билан ёпдиларда, кўтариб кетдилар. Мотам намойиши секин ҳаракат қилди, биз унинг сўнгги сафларида бордик, биздан кейин, сал орқароқда дипломатлар боришди. Қайрилиб қараб, мен уларнинг баъзилари бу мотам намойишида ғалати ва ҳатто, ноқулай кўринаётган цилиндр кийиб олишганига эътибор бердим.

Лафет олдида отларнинг бошида силкинаётган жиғалар ва тобутнинг тўрт томонида тўрт солдат кўтариб бораётган милтиқ найзалари кўриниб борарди.

«Москва» меҳмонхонасининг қаршисида, Қизил майдон тепалигига кўтарилаётганимизда мотам намойишининг олдида гулчамбар кўтарганлар бораётганлигини кўрдик.

Тобутни Мавзолей олдига қўйишгач, мотам митинги бошланди. Митинг тугаб, тобутни қўлда кўтариб, Мавзолейга олиб киришганида ҳамма навбат билан ўша ёққа юрди.

Колонна залида турганимда, нима учун Сталиннинг қўли бундай қўйилган, деб бир-неча марта ўйлагандим, Мавзолейга кирганимда тушиндимки, унинг қўли, Лениннинг қўли қандай қўйилган бўлса, худди шундай, френчи устига қўйилганди.

Мавзолей ичкарасида аввал зинадан кўтарилиб, Ленин ётган саркофаг олдида ўтдик, кейин қайрилиб, Ленин саркофаги ёнига, қора энсиз мрамор тош устига қўйилган Сталин тобути ёнидан ўтдик ва шу ерда, биринчи марта жуда яқиндан, бир қулоч келмайдиган масофадан Сталиннинг юзини кўрдим. Улиқнинг юзи, агар шундай дейиш жоиз бўлса, шу қадар жонли эдики, айнан шу дақиқада унинг вафот этганлигини ўйлаб, қандайдир ларзага тушдим. Кейин зинадан аста одимлаб, Мавзолейдан ташқарига чиқдик, ҳаммаси орқада қолди.

Сталин тўғрисида, унинг вафоти ва дафн маросими тўғрисида ёзганларим шу билан тугайди. Бўлак ҳеч нарса ёзмаганман, ўша кунларга тааллуқли бошқа ҳамма гаплар хотирамда қолганларидир. Эҳтимол, дастлаб хотирамда кўп нарса қолиб, кейин тобора камайиб боргандир. Қолгани унутилиб кетган. Унутилмаган таассуротлардан, айниқса иккитаси хотирамга маҳкам ўрнашиб қолган.

Бир мен Мавзолейда кўрганларим билан боғлиқ. Эҳтимол, мен ўша пайтда бироз ноқулай туялгани учун буни ёзмагандирман, ҳозир эса менда бундай туйғу йўқ. Бу туйғу аслида шундай яқингинамда, кўзимдан ярим метрча олисда ётган Сталиннинг ҳайратланарли даражада жонли юзи ва саркофагда ётган Лениннинг юзи ўртасидаги фарқни кўришим билан боғлиқ эди. Мен бунгача ҳам Мавзолейда кўп марта бўлганман ва бу ерда ўн йиллардан бери ётган Лениннинг заъфарон юзига кўникиб қолгандим. Сталиннинг юзи эса бу ерда, ёнма-ён ётганида Лениннинг тароватини йиллар олиб кетган юзи билан солиштирганда ҳайратланарли даражада жонли эди. Саркофагда қандайдир, Лениннинг образи ётгандай эди, бу ерда — ойнаванд қопқоқ билан ёпилган тобутда эса тирик одам, тирик ва даҳшатли одам ётарди, чунки мен унинг сўнгги пленумдаги нутқини эшитганимда чинакам даҳшатга тушгандим, хавфни ҳис этгандим.

Мен ўша пайтда, эллик учинчи йилда кўз ўнгимда рўй берган иккинчи бир воқеани ҳам онгли равишда ёзмаганман, аммо эслаб қолганман. Мотам митингида уч нафар ҳар хил одам сўзлади. Мен учовини ҳам бир хил диққат билан эшитдим. Биринчи бўлиб Маленков, иккинчи бўлиб Берия, учинчи бўлиб Молотов гапирди. Уларнинг нутқи текстидаги фарқ ўша пайтда ҳам кўзга ташланмаган, ҳозир ҳам уларни эски газета саҳифаларидан ўқиб, бир-биридан фарқлаш қийин. Фақат Молотовгина нутқининг биринчи абзацида Сталин тўғрисида нисбатан инсонийроқ, норасмийроқ гапирган. Бироқ, бу нутқларнинг ҳозир ўқиганда сезилмайдиган фарқи шундан иборатки, Маленков, ундан сўнг Берия Сталин тобути устида ушбу воқеа муносабати билан лозим бўлганидек, соф сиёсий нутқ сўзладилар. Лекин улар бу нутқларини шундай сўзлашдики, шундай гапиришдики, ундан бу кишиларнинг марҳумга муносабатини ҳеч билиб бўлмасди: шахсан қайғураётганликлари, афсус-надомат чекаётганликлари ва ҳаяжонланаётганликлари ёки айрилиқ ўтида ёнаётганликлари мутлақо сезилмасди, — шу маънода ҳар икки нутқ ҳам бир хилда совуқ эди. Маленковнинг анча равон овоз билан сўзлаган нутқидан қайғу чекмаётганлиги кам сезиларди. Бериянинг анча бузуқ талаффузда, кескин, баъзида қағиллаб чиқадиغان овоз билан сўзлаган нутқидан қайғу чекмаётганлиги яққолроқ сезиларди. Ҳар икки нотиқнинг ҳолати ҳоқимият тепасига келган ва бундан ичидан мамнун бўлган кишиларнинг ҳолати эди.

Молотовнинг нутқи, юқорида айтганимдек, тексти бўйича бошқаларникидан кам фарқ қиларди, аммо бу нутқни, орадан нималар ўтганига қарамасдан, барибир севган одами билан видолашаётган инсон гапираётганиди, ушбу севги бу метиндай мустаҳкам кишининг овозида айрилиқ аламига қўшилган қандайдир титроқ бўлиб юзага чиқаётганди. Мен Сталин Молотовни аямай, шафқатсизларча танқид қилган пленумни эсладим, эсламаслигим мумкин эмасди, ана шу тўқнашувдан кейин ҳам Молотов учун ҳамон мавжуд бўлган, Сталиннинг ўлимидан кейин ҳам узилмаган, бу икки одамни—ўлиқни ва тирикни боғлаб турган қандайдир риштанинг мустаҳкамлигини баҳоламаслигим мумкин эмасди. Бу сўзларни ҳозир ёзаяпман, чунки у пайтда ёзиб қўйилмаганман. Ўша пайтда бу ҳақда қандай сўзлар билан ўйлаганимни — одатда киши сўз билан ўйлайди-ку — эслаб олмайман. Аммо бу ҳақда ўйлаганман, айниқса Молотовнинг кейинги тақдири ва кейинги хулқ-атвори муносабати билан қайта-қайта ўйлаганман.

Маълумки, (мен бу ҳақда ҳозир ўйлаяпман) шогирд, яқин шогирди, ҳатто энг яхши шогирди, сафдоши, садоқатли сафдоши, яқин сафдоши, ҳамфикри сўзлари маъноси ўртасида катта фарқ бор. Менимча, Сталин билан унинг раҳбарлигида узоқ йиллар ишлаб, турли вақтларда «яхши шогирди», «яқин сафдоши» каби васфлар билан тақдирланганлар орасида «ҳамфикри» тушунчаси Молотовга энг кўп даражада хосдир.

Ҳозир эллик учунчи йилдаги газеталарнинг март, апрел сонларини варақларканман, уларни шахсий хотираларимга қиёсларканман, ўша пайтдаги айрим газета хабарларини кунма-кун изчил бериб борилганига ва ўша пайтда аҳамият бермаган, ҳозир эса кўзга ташланадиган баъзибир нуқталарга эътибор бермай иложим йўқ. Эллик учин-

чи йил, ўнинчи мартда чиққан «Правда». Унинг биринчи саҳифаси. Мавзолей минбари, унинг пештоқига эндиликда битта эмас, иккита сўз ёзилган: «Ленин, Сталин». Мармарга устма-уст ёзилган. Микрофон ёнида қулоқчин кийган Маленков, унинг ўнг томонида папах кийган Хрущев ва Хитойнинг юнги ўсиқ мўйна телпагини кийган Чжоу Эньлай, унинг ёнида қорни бақалоқ, елкаси кенг Берия турарди. У пальто кийиб, иягига шарфга ўраниб, айвони кенг шляпасини пенеснигача бостириб олганди. Бу одамнинг кўриниши маънос, аммо ниманидир кўзлаганди. Ёнида турганларнинг ҳеч бирига ўхшамасди. У пайтда бўлмаган, анча кейинроқ пайдо бўлган кино картиналардаги яширин мафиянинг бошлиғига кўпроқ ўхшарди. Иккинчи саҳифада яна у Чжоу Эньлай ва Хрущев ўртасида, яна ўша пальто ва шарфда, яна ўша айвони энли шляпасини пенеснигача бостириб олиб, Сталин тобути ортдан борапти. Кейинги воқеалар шуни кўрсатдики, у ҳокимият тепасига энг қисқа йўл билан келишни умид қилган. Бу умидлар унинг Сталин ҳаётлигида узоқ йиллар алоҳида мавқега эга бўлганлиги билан ҳам, махсус тайёрланган, унга шахсан садоқатли, унга итоат этадиган, буткул унинг қўлида бўлган кадрлар билан ҳам, унинг табиатидаги, қачонлардир коллектив раҳбарликда юзга келган вазиятни ўз фойдасига буриб юборган қатъияти ва дадил авантюристлиги билан ҳам боғлиқ эди. Сталин ўрнини коллектив бўлиб босишга интилиш мавжуд бўлган, муробоғлиқ эди. Сталин ўрнини коллектив бўлиб босишга интилиш мавжуд бўлган, муробоғлиқ эди. Сталин ўрнини коллектив бўлиб босишга интилиш мавжуд бўлган, муробоғлиқ эди. Сталин ўрнини коллектив бўлиб босишга интилиш мавжуд бўлган, муробоғлиқ эди.

Бир неча ой муқаддам партия XIX съездида Марказий Комитет номидан ҳисобот доклади қилганлигидан фойдаланиб, Маленков эндиликда, Сталин ўлаётган ёки ўлган шароитда, мамлакатнинг биринчи лавозимида Сталиннинг вориси сифатида қаралиши мумкин эди. Берия Маленковнинг этагидан тутиб, равшанки, у билан биргаликда бўлажак ўзгаришларнинг дастлабки лойиҳасини тайёрлади ва пленумда уни кўпчилик олдида Министрлар Совети Раислигига тавсия қилди.

## 1979 ЙИЛНИНГ 9 АПРЕЛИ

Сиёсий бюронинг эски аъзолари орасида Молотов бор эди, у Министрлар Совети Раиси сифатида ўн йиллик тажрибага эга эди. Лавозимлар тақсимланганда, агар Маленков Сталиннинг Марказий Комитетдаги ўрнини эгалласа — Бош секретарь лавозимига борса, Молотов Министрлар Совети Раиси бўлиб, Сталиннинг ўрнини олиши мумкин эди. Молотов таниқли эди, равшанки, кенг омма бундай ўзгаришни маъқуллаб кутиб оларди. Лекин Берияга Сталин ёрдам берди, у сўнги нутқда қандайдир бир сабаб билан — эҳтимол, у бирон бир бўҳтонга учгандир, — Молотовга шундай қаттиқ ташландики, шундан кейин Молотовнинг Сталин эгаллаган икки лавозимдан бирига тайинланиши, Сталиннинг нутқини эшитган кишилар назарида, унинг амрига зид иш бўлиб туюлиши мумкин эди. Нима учун Берия Маленков Сталиннинг Министрлар Совети Раиси лавозимидаги вориси бўлишидан, Сталиннинг Марказий Комитет Секретариатидаги лавозимини, Бериянинг нуқта назарида, иккинчи даражали шахс — шахсияти ва характерини ўзи таслим бўлган кунгача ҳам тушунмаган Хрущев эгаллашидан манфаатдор бўлди? Бунинг сабаби оддий. Бериянинг ғояси шундай эдики, мамлакатга раҳбарликда бош ролни Министрлар Совети Раиси ва унинг ўринбосарлари ўйнаши керак эди, у ва Маленков томонидан таклиф этилган Президиум ҳам қарийб буткул шулардан иборат эди. Шундай қилиб, бир пайтда Министрлар Совети раҳбарлигини ҳам эгаллаган Президиум аъзолари қўлида мамлакатдаги бутун ҳокимият жамланарди. Маленковни Министрлар Совети Раиси лавозимига биринчи бўлиб тавсия этган Берия, ўша заҳотиёқ Маленков томонидан тўртта биринчи ўринбосарнинг бири сифатида хатнинг бошида тилга олинди. Бундай ҳолларда одамларнинг номини айтиш тартиби, анъанавий равишда ворислик аҳамиятига ҳам эга бўлади. Ўрни бунда агар Маленков бўлмаган ёки бетоб бўлиб қолган шароитда Министрлар Совети Раиси вазифасини биринчи бўлиб номи айтилган муовин — Берия бажариши кўзда тутилади.

Энди бошқа гапларга ўтамиз. Сталин вафотидан аввал маълум бир вақт, Берия гарчи амалда у ёки бу даражада Давлат хавфсизлиги ва Ички ишлар министрлигига раҳбарлик қилган бўлса ҳам, Давлат хавфсизлиги министри лавозимида ишламади, сўнги ойларда Сталин томонидан Давлат хавфсизлиги министри этиб эски партия ходими Игнатъев тайинланганди.

Қўшма мажлисда қабул қилинган қарорда бир қатор министрликлар йириклаштирилди, бири иккинчиси билан қўшилди, шу жумладан, Давлат хавфсизлиги министрлиги ҳам тугатилиб, Ички ишлар министрлиги билан қўшилди ва Берия — Маленковнинг энг биринчи муовини ўзига Давлат хавфсизлиги министрлигини ҳам қўшиб олган Ички

ишлар министрлигининг бошлиғи бўлиб қолди. Яқинда Давлат хавфсизлиги министри бўлган Игнатъев Марказий Комитет секретари бўлди, кейин биз билишимизча, у бу лавозимда кўп ишламади.

Шундай қилиб Берия ҳокимиятни олиш учун энг қулай позицияни яратди ва бу одам шахсиятини ҳисобга олганда, равшанки, кейинги ҳаракатлари етарлича мудҳиш ва макорона бўлиши керак эди.

Ҳокимият Министрлар Совети раҳбарлигида тўпланиб, Марказий Комитет Секретариати иккинчи даражали вазифани бажарадиган бўлганидан кейин, Берия жойларда ҳам ҳокимиятнинг оғирлик марказини Марказий Комитетдан Министрлар Советига кўчиришга ҳаракат қилди, баъзибир ҳолларда, хусусан, Бокуда, бунга муваффақ бўлди ҳам. Шундан кейин у Ички ишлар министри сифатида амнистия ғоясини олға сурди. Ўз вақтида, ўттиз саккизинчи йилнинг охирида, Сталин уни Ежовнинг ўрнига тайинлаганида ҳам Берия Москвадаги фаолиятини кўплаб реабилитациялар, ишларни тўхтатиш, лагерлардан ва қamoқxonалардан ўн минглаб, балки юз минглаб бўлиши ҳам мумкин, кишиларни қайтариш билан бошлаганди, — Сталин ўша пайтда унга шундай ролни топширганди ва у уруш арафасида бу ролни рисоладагидек қилиб, қойиллатиб ўйнади. Бу ишлари Бериянинг ёдида эди ва буни бошқалар ҳам эсласалар керак, деб ҳисобларди, — нима бўлса ҳам, ҳар ҳолда буни одамлар хотирасида жонлантирмоқчи бўлди. У Ички ишлар министри сифатида Олий Совет Президиумининг амнистия тўғрисидаги фармони чиқарилишига ҳаракат қилди, бу фармонга биноан беш йилгача қamoқ жазосини олганлар озод бўлишидан ташқари, қараб чиқилаётган ва жазо чораси беш йилдан ортиқ бўлиши кўзда тутилган ишлар ҳам тўхтатиларди; хўжалик иши, лавозими бўйича жиноят қилганлар ва ҳарбий жиноятчиларнинг бир қисми ҳам озод бўларди. Аслида инсонпарварлик ҳисобланган бу тадбир ғоят даражада шошилиш амалга оширилди, — шундай таассурот тўғилдики, кейинроқ, маълум бир вазиятда ва бу борада гап борганида озод бўлган ва жазоланмаганларнинг бир қисми уни, Берияни қўллаб-қувватлайдиган кучга айланишлари мумкин эди.

Бу фармондан сўнг олти кун ўтгач, тўртинчи апрелда, газеталарда Берия бошлиқ СССР Ички ишлар министрлигининг маълумоти босилди. СССР Ички ишлар министрлиги «қотил врачлар» деб аталган иш бўйича синтиклаб текшириш ўтказанлиги тўғрисидаги бу маълумотда шундай дейилганди: «Текшириш натижасида шу нарса аниқландики, бу ишга тортилган врачлар... шундан сўнг узун рўйхат берилган — собиқ СССР Давлат хавфсизлиги министрлиги томонидан нотўғри, ҳеч бир қонуний асосиз қamoққа олинганлар. Шу нарса аниқландики, қамалганларни, гўеки ўзларига қўйилаётган айбларни тасдиқлаб айтган гапларни собиқ Давлат хавфсизлиги тергов қисми томонидан йўл қўйиб бўлмайдиган ва совет қонунлари қатъий таъқиқлайдиган тергов усуллари билан айтишга мажбур қилганлар». Шундай қилиб қарабсизки, собиқ Давлат хавфсизлиги министрлиги бу гуноҳларнинг ҳаммасида айбдор бўлиб қолди, ҳозирги Ички ишлар министрлиги эса собиқ министрлиkning мудҳиш методларини фoш қилди. Орадан икки кун ўтгач, «Правда»нинг бош мақоласида, бу ходиса собиқ Давлат хавфсизлиги министри С. Д. Игнатъев сиёсий кўрлик ва меровлик қилганлиги учун рўй берди, у жиноятчи авантюристларнинг ноғорасига ўйнади, деб изоҳланди. Берия эса янги Ички ишлар министрлигининг бошлиғи сифатида бу қонунбузарликни фoш этди. Шу куни Игнатъев вазифасидан озод этилганлиги тўғрисидаги хабар босилди.

Бу тадбирлар туркуми шу йўсинда бирин-бирин газеталар юзини кўрди, булар Берия ҳокимиятни олиш учун зимдан шошилиб, кетма-кет қўйган тайёргарлик қадамлари эканлиги кейинроқ ошкор бўлди.

Шундай қадамлардан бири газета юзини кўрмади, аммо мен буни билган кишилар сирасига кирман. Бу қайси кунлар бўлганлигини аниқ эслай олмайман, лекин, эҳтимол ҳаракат қилса кунини аниқласа бўлар, чунки айнан шу пайтда Марказий Комитетнинг собиқ аъзолари бўлган Фадеев ва Корнейчук иккиси Тинчлик кенгаши ишлари бўйича чет элга кетишганди. Врачлар иши сохталиги ошкор бўлгач, кўп ўтмай Марказий Комитет аъзолари ва аъзоликка кандидатларни Кремлга таклиф қилишиб, махсус ажратилган икки ёки учта хонада Сталиннинг қотил врачлар воқеасидаги бевосита иштирокидан гувоҳлик берувчи ҳужжатлар билан, собиқ Давлат хавфсизлиги министрлиги тергов қисмининг қамалган бошлиғи Рюминнинг Сталин билан суҳбатлари, Сталиннинг терговни кучайтириш тўғрисидаги талаблари ва бошқа шунга ўхшаш нарсалар билан таништиришди. Бу ерда Сталиннинг бу ишдаги иштирокидан хабардор бўлган бошқа кишиларнинг кўрсатмалари ҳам бор эди. Шу мавзуда Сталин билан бўлган суҳбатларнинг тексти билан ҳам танишиш мумкин эди. Тўла ишонч билан айтаолмайман-ку, бу суҳбатлар дастлаб магнитофонга ёзилган, кейин қоғозга туширилган бўлса керак.

Мен бир ҳафта мобайнида бу қоғозларни тахминан уч ёки тўрт марта кириб ўқидим. Кейин ҳаммаси йўқ бўлиб қолди. Ушбу ҳужжатларни Марказий Комитет аъзолари ва кандидатларига кўрсатиш ғояси, шубҳасиз, Бериядан чиққан эди, бу ҳужжатлар унинг ихтиёрида эди, кейинроқ маълум бўлишича, ҳаммаси шундай бўлиб чиқди. У ўзини бегуноҳ, Сталин ҳаётининг сўнгги ойларида беҳудага бироз чеккага суриб қўйилмаган, Сталин ишонмаган ёки ишонмай қўйган, бу ерда кўрсатилган ҳужжатларга биноан, бевоси-

та Сталин билан боғлиқ бўлган, унинг ташаббуси, талаби билан қилинган шафқатсизликлар, ҳайратомуз, қонунга зид ишларни давом эттиришга ҳеч мойил бўлмаган одам сифатида кўрсатиб, қўшимча обрў орттирмоқчи бўлди. Берия ҳужжатларни кўпчилик эътиборига ҳавола қилиб, гўёки бундай ишлардан узоқман ва бунга мутлақо қаршиман, Сталиннинг гуноҳларини яширишга уринмайман, аксинча унинг асл қиёфасини кўрсатишни истаймаман, демоқчи бўлгандай эди.

Ҳужжатлар Сталинни айнан салбий томондан кўрсатадиган қилиб жамланган эди. Уларни ўқиш оғир эди, ҳақиқатга ўхшарди ва Сталиннинг касал руҳий ҳолатидан, унинг шубҳаланадиган ва шафқатсиз, савдойроқ одам бўлганидан гувоҳлик берарди.

Гўё Берия, мана сизнинг Сталиннингиз, сиз қандай қарайсиз билмадим-ку, аммо мен бу одамдан юз ўгираман, мен у ҳақдаги бутун ҳақиқатни айтмоқчиман, деяётгандай эди. Равшанки, бунда у ҳужжатларнинг ўзига керакли ва фойдалисини кўрсатди, қолган ҳаммасини яширди.

Одамлар бу ҳужжатларни бир ҳафтача томоша қилишди. Шундан кейин уларни ҳеч кимга кўрсатишмади. Корнейчук ва Фадеев қайтиб келишгач, мен бу ҳақда гапириб бердим, ҳар иккисининг кўзи косасидан чиқиб кетай деди, аммо уларнинг ўзлари бу ҳужжатлар билан танишиш имконига эга бўлишмади.

Шуни айтиш керакки, Бериянинг кўзлаган мақсади қабиҳона эди ва бу кўп ўтмай менга равшан бўлиб қолган бўлса-да, ҳужжатлар, ҳатто махсус танланган бўлса-да, сохта эмасди. Шу сабабли, Хрущёвнинг XX съезддаги нутқи пайтида бошдан кечирганим руҳий зарбага, мен, бошқа аксарият кишилардан кўпроқ тайёр эдим, десам бўлади.

Сталин вафотидан сўнг тўрт ой ўтгач, эллик учинчи йилнинг учинчи июлида, «Литературная газета» редакциясида навбатдаги номер устида ўтирганимда, менга «Красная звезда»нинг собиқ масъул секретари, кейин редактори бўлиб ишлаган, ўша пайтда, 1953 йилда, Марказий Комитет агитация ва пропаганда бошқармаси бошлигининг ўринбосари бўлиб ишлаётган Василий Петрович Московский қўнғироқ қилиб, газетадаги ишларим қандай кетаётганлигини суриштирди. У анча кеч, кечқурун ўн бирга яқин қўнғироқ қилди. Мен бир саҳифа барабанга кетганлигини, бошқалари ўқиладиганини айтдим.

— Тўхтат,— деди Василий Петрович.— Ҳозирча бир саҳифани ҳам босманглар.

— Нега ундай қиламиз? — деб сўрадим.

— Сен билан гаплашмоғим керак.

— Яхши, тўхтатаман, — дедим мен. — Ҳозир ҳузурига бораман.

— Менинг ҳузурига келишнинг ҳожати йўқ, ўзим ҳозир олдинга бораман. Босишни эса тўхтат.

Мен, эҳтимол, биз учун босиш шарт бўлмаган, лекин ушбу ҳолда, балки, шарт бўлган расмий материал келиши мумкин, уни босиш-босмасликни ўйлаб кўришимиз керакдир, деб саҳифани босишни тўхтатиб қўйдим. Шунинг учун ҳозир навбатчилар қолган саҳифаларни ўқишсин, кейин ҳаммасини баравар босамиз, дедим. Мен бундан бўлак гап айтмадим.

Орадан ўн беш минут ўтгач, Московский хонамга кириб келди ва олдимизга ҳеч ким кирмасин, деб огоҳлантирди. Мен ҳайрон бўлиб қолган Татьяна Александровнага хонага ҳеч кимни киритмасликни буурдим.

— Ҳеч кимними? — деб сўради у, чунки редакциямизда бундай тартиб йўқ эди.

— Ҳеч кимни.

Мен кабинетимга кириб, эшикни беркитдим. Московскийнинг рўпарасидаги креслога чўкиб, у менга қандай фавқулодда хабарни айтишини кутабошладим, шубҳасиз, қандайдир фавқулодда янгилик бор эди. Ҳали Московский келмасидан аввал миямда пайдо бўлган энг оддий фикр шу бўлдики, (илгари ҳам бир марта бўлганди), бирдан мени газетадан олишга қарор қилишгандир ва чиқаётган номерда имзом турмаслиги керакдир, деб ўйладим. Лекин нега барча саҳифаларни тўхтатиб қўйиш керак экан? Фақат сўнги саҳифани тўхтатса бўлади-ку. Йўқ, афтидан, ҳақиқатда жуда муҳим, меннинг редакторликдан озод қилинишимдан ҳам муҳим воқеа содир бўлган, агар гап мен ўйлагандек бўлса ортқча куйинишнинг ҳожати йўқ эди. Диққат билан эшит, — деди Московский ва расмий оҳангда гапиришга ўтди. — Менга Марказий Комитетда «Литературная газета»нинг редактори сифатида сенинг шахсий, фақат шахсий ахборотинг учун маълум қилиш топширилди-ки, ўртоқ Берия бугун Марказий Комитет Президиуми, Марказий Комитет составидан чиқарилди, партиядан ўчирилди, Министрлар Совети Раиси ўринбосари ва Ички ишлар министри лавозимларидан озод қилинди ва жиноий фаолияти учун қамалди, — Московский буларнинг ҳаммасини расмий оҳангда, нафас олмай айтди, ҳатто, одат бўлиб қолганига биноан хабарнинг бошида Берия фамилияси олдидан механик тарзда айтиб юборган «ўртоқ» сўзини тушириб қолдиришни ҳам унутди.

— Тушунарли, — дедим мен. — Нима бўлди? Қандай ҳодиса рўй берди?

— Нима бўлганлигини, эртага соат ўнда Марказий Комитет Пленумида биласан, ҳозир эса мен айтганларни ҳисобга олган ҳолда, шахсан барча саҳифаларни ўқиб чиқ, токи Берия тўғрисида бирон-бир гап ўтиб кетмасин.

— У ерда Берия ҳақида ҳеч нарса йўқ, у нима қилади, — дедим мен, бугунги номердаги барча саҳифаларни эслаб. — Бизда ҳеч қандай махсус материаллар кетаётгани йўқ, у қайдан бўларди?

— Қайдан бўлишини билмайман, — деди Московский. — Мен сени расман огоҳлантирдим, ортиқча вақтим йўқ, бошқаёққа боришим керак, сен эса саҳифаларни шахсан ўқиб чиқ. Ҳеч кимга ҳеч нарса дема. Тушунарлими?

Шундай қилиб, мен ҳеч кимга ҳеч нарса демай, яна икки соат идорамда ўтирдим. Бериянинг фамилияси, унинг номи билан аталган колхоз ёки совхоз ҳақида сўз борган қишлоқ хўжалигига оид қандайдир хабардагина ўтиб кетиши мумкин эди, шу боисдан тўрт саҳифани бошдан оёқ ўқиб чиқдим.

Уша пайтада, ўша кеча бу воқеа, Берия тақдиридаги росмана тўнтариш менда қандай таассурот қолдирганини эслашга ҳаракат қиламан. Энг асосийси, ўзимни энгил ҳис қилдим, юз бериши мумкин бўлган нимадир, энди юз бермайди, ҳаммаси эскичасига қолади, деб ўйладим. Берия Сталинга яқин бўлганлиги, Москвада бўлган даврида фақат Ички ишлар министрлиги ва Давлат хавфсизлиги министрлиги ёки саноат, қурилиш министрлиги ишлари билан шуғулланишдан, уруш пайтида Давлат мудофаа комитетига киришдан ташқари, разведка ва контрразведка органлари ишига раҳбарлик қилувчи ёки улар ишини кузатувчи шахс сифатида қандайдир қўшимча ҳокимиятга эга бўлганлиги, булар ҳаммаси маълум эди. Маълумки, унинг саноат соҳасидаги у ёки бу давлат топшириғини ўз вақтида, жадал бажариб орттирган обрўси маълум даражада унинг шундай қўшимча ҳокимияти борлигидан одамлар даҳшатга тушиши ва қалтираши туйғайли эди, — бу шундай ҳолат эдики, уни пайқаш қийин эмасди, биз пайқагандик ҳам.

Сталин ҳаётлигида Берия эгаллаган мавқени ўйлаганда Сталин вафотидан кейин, унинг давлатдаги биринчи шахслар орасида бўлиши табиий нарсадай туюлганди. Лекин, у дарҳол иккинчи шахс бўлиб олганлиги ва жуда фаол бўлиб қолганлиги, бошқа бир киши эмас, у Маленков номзодини таклиф этганлиги, — бу, қандайдир хатарли ҳодиса эди. Бу хавфни кўпчилик пайқади. Вақт, айниқса Сталин вафотидан сўнгги дастлабки ойлари кескинлигича қолаверди, фақат сохта «қотил врачлар» иши фош этилиб, бу кишилар озод қилинганидан кейингина вазият бироз юмшагандай бўлди. Бу каби мавзуларда очик гаплашишни замон кўтармаса-да, кишилар Сталин вафот этгач, Берия эгаллаган мавқедан ташвишга тушаётганликларини ярим-ёрти, қўрқа-писа изҳор этганликларини эсламан. Бу кишиларнинг турли йўсинда изҳор этилган ташвишларида Берия Сталиннинг ўрнини мерос қилиб олишга уринмасмикан, деган маъно бор эди.

Менга қолса шуни айтишим мумкинки, мен қирқ саккизинчи ва эллик учунчи йилларда ўзимнинг икки-уч ойлик ижодий отпускамни дастлаб Сухумида, кейин Сухуми яқинидаги Гульрипши посёлкасида ўтказганман ва у ерда кўпгина абхазлар ва грузинлар билан танишиб, бу кишилардан Бериянинг Кавказда ишлаган пайтидаги фаолиятини, Кавказда, биринчи навбатда Грузияда, Москвага кетганидан кейин ҳам қандай таъсирга эга бўлганлигини билиб олгандим, — бу ҳақда у ерда яшамаганларга нисбатан анча кўп нарса билардим. — Грузиянинг партия ходимлари ва зиёлилари орасида йўқ бўлиб кетган оилалар, ҳалок бўлган, ўлдирилган кишилар тўғрисидаги эсдаликларни дам у ерда, дам бу ерда эшитишга тўғри келарди — бу воқеалар Берия Ежов хатоларини тузатувчи сифатида Москвага ишга ўтказилгунга қадар рўй берганди.

Менинг ҳамсуҳбатларим алжирайдиган кишилар эмасди, бундай алжирашни замон ҳам кўтармасди, лекин барибир уларнинг оғзидан дам у, дам бу гап чиқиб кетарди. Мен эса секин-аста шунга амин бўлдимки, Ежовдан сўнг Берия тирик қолганларга марҳамат қилишдан ва уларни лагерлар ва қамоқхоналардан чиқаришдан аввал, Грузияни Ежов Россияни қирганидан анча «тозароқ» қирган экан, ҳамсуҳбатларимнинг ўттиз олтинчи, ўттиз еттинчи ва ундан аввалги йиллардаги воқеалар ҳақидаги ҳикояларидан қасоскорлик, шахсий хусумат билан кўп даҳшатли жиноятлар содир бўлганлиги сезилиб турарди. Икки-уч абхаз дўстим, шубҳасиз, менга тўла ишониб, Бериянинг зўравонлиги натижасида Абхазияда кўплаб кишиларнинг ҳалок бўлиши билан боғлиқ мудҳиш ишларни гапириб беришди. Буларнинг баъзиларига ишонсам, баъзиларига шубҳаланардим, сабаби, бу ҳикоялар, Бериянинг қилмиши Марказий Комитет пленумида фош қилинмасидан, судда қўрилмасидан ва XX съезддан анча аввал фоят даражада даҳшатли ва ваҳшиёна туюлганди. Мен яшаган Гульрипши қишлоғидан бор-йўғи бир неча ўн километр наридаги Мерхеули қишлоғилик бу кимса ҳақида шу қадар кўп ёмон мишмишлар эшитдимки, менда бу одам фақат ўтмишдагина даҳшатли бўлмай, келажакда ҳам хавфли бўлиб қолади, деган тушунча юзага келганди. Шу боисдан ҳам Василий Петрович Московский келтирган янгиликни эшитганимда беихтиёр энгил тортидим, мисоли осмонда осилиб турган хавфдан халос этувчи бир нарсадай қабул қилдим... Тунда газета саҳифаларини қайтадан ўқиб чиққанымда яна ўша суҳбатларда дангал ёки имо-ишоралар билан айтилган гаплар хотирамда айланди. Лекин кейин тезда маълум бўлишича, бу беҳад кўп одамлар оммаси орасида анча кенг тарқалган гаплар экан.

Эрталаб эса мен Марказий Комитет пленумига бордим. Бу пленум беш ёки олти кун давом этди ва унда Берия тўғрисида ҳамма нарса айтилди, бунда, гарчи ҳамиша муваффақиятли чиққан бўлмаса ҳам, Сталин имкони борица холи қилиб қўйилди.



Берияни ҳокимиятни олишга тайёргарлик кўрган пайтида қандай қўлга туширганликлари тўғрисида пленумда Хрущёв гапириб берди. «Қўлга туширилди» сўзи Хрущёвнинг ҳикоя қилиш йўсинига, унинг жўшиб ва завқ билан гапириб берганига жуда мос келади.

Унинг ҳикоясидан — пленумда буни ҳеч ким инкор қилмади ва баҳслашмади, баҳслашиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади, — шу нарса маълум бўлдики, бу шайтони азимни қўлга тушириш ва қуролсизлантиришда айнан Хрущёв бош ролни ўйнаган. Хрущёв бу жиноят устида қўлга туширишнинг ташаббускори бўлган, у бошқалардан фаросатлироқ, талантлироқ, ғайратлироқ ва қатъиятлироқ бўлиб чиққан. Менга шу нарса равшан бўлди. Иккинчи томондан, бунда шу нарса қўл келганки, Берия Хрущёвни, унинг фазилатларини, унинг чуқур табиий, соф мужикча қувлигини, теран ақлини, унинг кучли характери ни етарли даражада баҳоламаган ва аксинча, уни ғирт аҳмоқ деб билган, оппа-осон алдайман деб ўйлаган. Хрущёв ўз нутқиде Берия уни қандай аҳмоқ қилмоқчи бўлганлигини тантанаворликдан холи бўлмаган оҳангда гапириб берди.

Бу пленум тўғрисида ортиқ ёзмайман, унда Хрущёвнинг нутқидан ташқари, менда айниқса Завенягин ва Косигиннинг сермазмун, кескин, изчил ва асосли нутқи катта таассурот қолдирди.

Бериянинг қулаши, агар шундай дейиш жоиз бўлса, энг охириги, узоқ жимликдан сўнг ёрилган снарядга ўхшади. Мажозий таъриф бермай, тўғриси ни айтганда, содир бўлган нарсаларнинг ҳаммаси, уни «алла» қилиб қўлга тушириб, кўп йиллик айбларини юзига айтганлари, — буларнинг ҳаммаси онгимизда Сталин номи билан боғлиқ ўша даврнинг, охириги бўлмаганда ҳам, лекин энг аниқ, энг хунук, энг сассиқ қолдиғи эди. Агар ўша даврдаги мавжуд бўлган инсон онги учун энг жирканч, энг шафқатсиз, фожиавий, ёвуз ва ифлос нарсаларни, бошқа барча қолганларидан ажратиб олиб, йиғиб, ягона ҳолда жипслаштирилса, унда Берия, унинг ишлари, Сталин даврида узоқ яшаши мумкинлиги шундай бир сиёсий ва ахлоқий мараз эдики, бу мараз Сталиннинг ўлими билан тугаган даврдан сўнг ўз-ўзидан ёрилиб, бор пасоди ташқарига чиқиб кетди.

Буларнинг ҳаммасини ёзарканман, Сталиннинг ўлими ва XX съезд оралиғидаги, шу уч йил мобайнидаги унга бўлган муносабатимни аниқлаб олишга ҳаракат қиламан.

Ўша йиллардаги қалбимдаги кечинмаларнинг мураккаблиги шундаки, мен умуман Сталин даврида ўсдим ва тарбияландим. Унинг даврида мактабни берибдим, унинг даврида ФЗУга бордим, унинг даврида ишчи бўлдим, унинг даврида адабиёт институтининг студенти бўлдим, унинг даврида ёза бошладим, унинг даврида ёзувчиликни касб қилиб олдим, унинг даврида уруш арафасида партия аъзолигига кандидатликка, кейин аъзоликка ўтдим, унинг даврида ҳарбий мухбир бўлдим, унинг даврида олти марта Сталин мукофоти лауреати бўлдим, шундан биттаси нотўғри берилган, қолганлари тўғри берилган, деб биламан, унинг даврида «Новий мир»да ва «Литературная газета»да редактор, Ёзувчилар союзи бош секретарининг ўринбосари, Марказий Комитет аъзолигига кандидат бўлдим, унинг ишончини қозонганлигимга бирнеча марта қаноат ҳосил қилдим. Унинг даврида ўғай отамни қамашди ва чиқаришди, унинг даврида холамини ҳамда холамининг қизи ва ўғлини сургун қилишди, унинг даврида яна икки яхши кўрган ва ёмон кўрган холам қаерлардадир сургунда ҳалок бўлишди, унинг даврида ижодий семинаримнинг биринчи раҳбарини, мен жуда севган кишини қамашди ва менинг хатимга қарамай чиқаришмади ва фронтга жўнатишмади, унинг даврида менинг талабномам билан тирик қолган холамини Москвага қайтаришди. Унинг даврида, баъзилари мен учун у қадар тушунарли бўлмаган суд процесслари бўлди. Унинг даврида мен боришга тайёр бўлган Испания воқеаси мен иштирок этган Халхин-Гол воқеаси бўлди, унинг даврида Улуғ Ватан уруши бўлди, унда мен кўпгина даҳшатли, кўпгина нотўғри, кўпгина ғазаблантирувчи воқеаларни кўрдим, аммо барибир бу урушда ютиб чиқдик. Унинг даврида мен унинг адабиёт тўғрисидаги ақлли ва тўғридай туюлган гапларини эшитдим, унинг даврида бу тўғри гапларга зид бўлган космополитизмни таг-томири билан тугатиш компаниясини кўрдим. Унинг даврида биз уруш йиллари ҳаддан ташқари бойиб кетган Америка олдида бўйин эгдик, сабаби бошимизда унинг атом бомбаси осилиб турарди, бизда эса ҳали бундай қурол йўқ эди. Унинг даврида янги, ўттиз етти ва ўттиз саккизинчи йилларни эслатадиган урушдан кейинги қамоққа олишлар рўй берди, унинг даврида мен иштирок этган тинчлик учун кураш ҳаракати бошланди. Булар ҳаммаси унинг даврида бўлди, мен уларни қандай эслаётган бўлсам, шундайлигича бетартиб санаяпман.

Шахсининг инкирози бошлангандан, шафқатсизлигидан, ярим савдойи, шубҳаланувчи одам бўлганлигидан гувоҳлик берувчи, Берия бизга бир ҳафта намойиш қилган, кейин кимдир олиб қўйган ҳужжатларни ўқиш жуда даҳшатли эди. Бериянинг фош бўлиши билан боғлиқ ишлар, бунинг атрофида аниқланган сиёсий ва маънавий иллатлар учун жавобгарлик, турли кишилар уни ҳимоя қилишга уринганига қарамай, Сталиннинг зиммасига ҳам тушарди.

Сталиннинг ўлимидан кейиноқ дарҳол билиниб қолган нарсалар, унинг ҳаёти мобайнида тўпланган англашилмовчиликлар, охиригача англаб етилмаган келишмовчиликлар, у қилган турли ишларнинг адолатли бўлганлиги тўғрисидаги шубҳалар — булар ҳаммаси Сталин ўлимидан сўнг уч йил мобайнида уни бошқача тасаввур этиш учун етар-

ли бўлмади. Сталинга бугунги муносабатим секин-аста, қарийб чорак аср мобайнида шаклланди ҳисоб. Шунинг учун ҳам қарийб деяпманки, афтидан, у биринчи қисмини тамомлаётганим мана шу китобга нуқта қўйганимдан сўнг тўла шаклланади. Уша уч йилдаги Сталинга муносабатимни эса аниқ ифодалай олмайман: у жуда бекарор бўлган, мен турли сабаблар билан пайдо бўлган турли хил туйғулар ва нуқтаи назарлар орасида иккиланиб юрганман.

Биринчи, асосий туйғу шу эдики, биз буюк одамдан жудо бўлдик. Фақат кейин шундай туйғу пайдо бўлдики, яхшиси биз бу одамдан барвақтроқ жудо бўлсак яхши бўларди, шунда эҳтимол, ҳаётининг сўнгги йиллари билан боғлиқ даҳшатли воқеалар бўлмасдими. Лекин бўлар иш бўлди, тарихни қайтариб бўлмайди. Фақат келажакда бундай хатоларга йўл қўймаслик керак. Йўқотишнинг улканлиги хусусидаги илк туйғу мени узоқ вақт тарк этмади. У айниқса дастлабки ойларида кучли бўлди. Афтидан, мана шу туйғу таъсирида мен умр буйи ўз характеридаги қатъиятни намойиш қилишга интилган, аммо бу гал хавф пайдо бўлиши билан дарҳол жуфтаси ростилаб қолган бир адабиётшунос билан ҳамкорликда «Литературная газета»да эллик учинчи йил ўн тўққизинчи мартда босилган бош мақолани ёздим. Унда бошқа гаплардан ташқари шундай сўзлар ҳам бор эди: «Совет адабиёти олдига зўр қатъият билан қўйилган вазифа шундан иборатки, ўз замондошларимиз ва келгуси авлодлар учун ҳамма даврлар ва халқларнинг буюк доҳийси — Ҳамиша барҳаёт Сталиннинг образини бутун улғуворлиги ва бутун тўлалиги билан акс эттиришимиз лозим». Шундан кейин, тўғри, бош мақолада ёзувчилар Сталин образини яратиб, унинг фаолияти билан боғлиқ даврдаги зафарларни бадий акс эттирадилар, дейилган, яна шунга ўхшаш гаплар айтилганди, лекин асосий фикр ана шу эди. Бош мақола «Ёзувчининг муқаддас бурчи» деб номланганди ва юқорида келтирилган абзацда адабиётда Сталин образини яратишни ёзувчилар зиммасидаги муқаддас бурч қилиб қўйилганди. Бунини ёзишга мени ҳеч ким мажбур қилмади, мен бунини бошқачароқ ёзишим ҳам мумкин эди, лекин айнан шундай ёздим ва мақола-нинг бу қисми бошқа бировнинг эмас, менинг қаламимга мансубдир. Мақоладаги умумий оҳанг ҳам менга тааллуқли бўлиб, унда бугунги ва эртанги кунга мурожаат эмас, балки биринчи навбатда катта шахслар хотирасига боқийлик бахш этадиган бадий асарлар ёзиш адибларнинг муқаддас бурчи сифатида баҳоланди.

Менинг ўша пайтдаги фикримча бу жўн бир бош мақола эди, ундан ортиқча бир фазилат ҳам, иллат ҳам қидиришга ҳожат йўқ эди. Унга бундан аввал ёзувчилар митинг-да сўзлаган нутқимни асос қилиб олгандим, шу нутқимнинг мазмунига ҳамоҳанг эди. Бироқ мазкур бош мақола жуда кучли акс-садо берди. Бу пайтда мен ижод қилишни, нимадир ёзишни давом эттиришимни ҳеч тушинишни истамаган турли кишилар билан узоқ тортишувдан сўнг ҳафтада уч марта чиқадиган газетанинг икки номерини чиқариб, учинчисини муовиним билан хомакисини тайёрлаш ҳуқуқига эга бўлгандим, учинчи, шанба сонига муовиним имзо чекарди. «Ёзувчининг муқаддас бурчи» бош мақоласи билан номери тайёрладим ва жума, шанба ва якшанба кунини ёзиш, душанба кунини эрталаб редакцияга қайтиб, навбатдаги номерни тайёрлаш учун кечқурун шаҳар ташқарисидаги чорбоғимга кетдим. Чорбоққа кўнғироқ қилишмади ва мен душанба кунини эрталаб, ҳеч гапдан беҳабар Москвага қайтдим.

— Бу ерда жуда тўполон бўлиб кетди-ку, — деб кутиб олди мени муовиним Косолапов, қўлимга ҳали ўқиб улгурмаган шанба номерини олишим билан. — Ҳаммасини Сурков яхши гапириб беради. Сиз кўнғироқ қилинг, у келишингиз билан дарҳол кўнғироқ қилишингизни илтимос қилган.

Мен Сурковга кўнғироқ қилдим, биз учрашдик ва қуйидагилар маълум бўлди: бу пайтда Марказий Комитет Секретариати ишига раҳбарлик қилаётган Никита Сергеевич Хрущёв пайшанба кунини оқшом ёки жума кунини эрталаб менинг «Ёзувчининг муқаддас бурчи» бош мақолам босилган газета сонинини ўқиб, редакцияга кўнғироқ қилибди, мени топа олмагач, ёзувчилар союзига кўнғироқ қилиб, мени «Литературная газета» раҳбарлигидан четлаштириш зарурлигини, газетанинг навбатдаги сонинини тайёрлашим мумкин эмаслигини айтибди. Олдинда, масала узил-кесил ҳал қилингунга қадар, айтиш мумкинки, Сиёсий бюро ҳал қилгунга қадар, бунини ўз ақлим билан билдим, кейинги сонини, эҳтимолки кейинги сонларни, ёзувчилар союзи бош секретари вазифасини ба-жарувчи сифатида Сурков ўқиб, имзо чексин, деб буюрибди.

Сурков аниқлашича, ҳамма бало мен ёзувчиларни олға боришга эмас, иш билан шуғулланишга ва келажакни ўйлашга эмас, балки фақат орқага қарашга, фақат Сталинни куйлашга даъват этганим «Ёзувчининг муқаддас бурчи» бош мақоласида экан, — менинг бундай позициямда газетага редактор бўлишим тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас экан.

Сурковнинг айтишича — билмадим, у Хрущёв билан тўғридан-тўғри гаплашганми ёки бошқа бир шахс орқали хабардор бўлганми, — Хрущёв жуда дарғазаб бўлган ва тутаққан.

— Шахсан мен, — деди Сурков, — бу бош мақолада ваҳима қилишга арзигулик бир нарсани кўрганим йўқ ва кўрмайман. Ҳай, муваффақиятсизроқ чиққан дейиш мум-

кин, у ерда Сталин тўғрисида асарлар яратиш масаласига кўп ўрин берилган — асосий гап мана шу. Қолаверса, хўш, нима бўлибди? Бошқа бош мақолаларда ўтмишга ортиқча муружаатга чек қўйиш мумкин. Дастлаб сенга чопар юбориб, чақиртирмоқчи бўлдим, кейин безовта қилмасликка қарор қилдим, эҳтимол, бу вақт мобайнида ҳаммаси тинчиб кетар, дедим. Номер тайёр бўлгач, Косолапов менга хабар қилди, бориб кўриб, имзо чекдим. Фамилиянгни олиб ташлашни талаб қилишмади, фақат ўқиб, имзо чекишимни талаб қилишди. Сени безовта қилиш шартмикан, ўтириб ёзаяпсан-ку. Душанба кунга қайтиб келсанг, унганча ҳаммаси тўғри бўлиб кетар, дедим.

Аслида ҳам шундай бўлди. Қайси бир босқичда, билмадим, ёки Секретариатда, ёки Сийёсий бюрода, умуман, ҳаммаси тўғри бўлиб кетди. Сурков менинг олдимда агитация ва пропаганда бўлимига қўнғироқ қилганида, унга мени редакцияга бориб, навбатдаги сонни тайёрлайверсин, дейишибди. Бу гал иш шундай тугади. Афтидан, бу Хрущёв шахсий тўғуларининг портлаши бўлди. Эҳтимолки, бу одамда ўша пайтда, эллик учинчи йилда шу пайтгача бўлаётган гапларга нуқта қўйиб, Сталин тўғрисида, XX съездда айтишни лозим топган гапларини гапиришга уриниб кўриш истаги ниш ургандир. Табиийки, бундай вазиятда Сталиннинг ажойиб образини яратишга давват этган «Ёзувчининг муқаддас бурчи» бош мақоласи қонини қайнатган. Гарчи уни афтидан, шаштидан туширишган, жаҳл устида таклиф этган чорасини кўрмасликка кўндиришган бўлсалар ҳам, у мени узоқ вақт, матбуотда «Тириклар ва ўликлар» пайдо бўлгунга қадар хўш кўрмай, адабиётдаги ашаддий сталинчилардан ҳисоблаб юрди. Билишимча, шундай бўлди. Дарвоқе, ҳозир ўша пайтдаги газеталарни қайта ўқиб, аллақачон унутилган нарсага эътибор бердим, ғалати тасодиф билан айнан Никита Сергеевич Хрущёв Иосиф Виссарионович Сталинни дафн этиш комиссияси раиси бўлди, Қизил Майдондаги мотам митингини очди ва ёпди. Бунинг ишимизга ҳеч бир дахли йўқ, лекин ҳамон эътиборимни тортган экан, индамай ўтишни истамайман. Мен эллик учинчи йилда ҳам, эллик тўртинчи йилда ҳам, Сталин ҳаётлигида ҳам ашаддий сталинчи бўлмаганман. Лекин эллик тўртинчи йилда, Сталин вафот этгач, уйимдаги хонамда Сталиннинг менга ёққан сурати пайдо бўлди. У Вучетичининг Волга-Дон каналидаги скульптурасидан олинганди. Суратда Сталин кучли йўлбарсмисол ва ақли донишлик билан боқиб турарди. Сталин ҳаётлигида ҳеч қачон унинг сурати менинг уйимда осийғик турмаган, бу ерда эса олдимга илиб қўйдим. Бу сталинизм эмасди, кўпроқ дворянча-зиёлича кибр-ҳавода бир нарса эди: мана, сизникида осийғик турганида, меникида йўқ эди, мана энди, ҳозир сизникида йўқ, меникида эса осийғик турибди қабилида. Бундан ташқари бу сурат менга ёқарди.

Эллик бешинчи йилда шеърлар ва поэмалар китобимни нашр этаётиб, унга қирқ учинчи йилда, Сталинграддан сўнг ёзган жуда ёмон шеърларимни киритдим. Бу шеърлар Сталин Царицдан Ленинга қандай қўнғироқ қилганлиги, Улуғ Ватан урушида номсиз генерал ёки кўмондон Сталинграддан Сталинга қўнғироқ қилиб, юқоридаги ҳодиса такрорланганлиги ҳақида эди. Бу шеър мазмунан ҳам, ижроси бўйича ҳам зўр эмасди, ўз вақтида босилмай, архивимда қолиб кетганди. Эллик бешинчи йилда эса уни олдимда, бостириб юбордим. Нима учун шундай қилдим? Бу ҳам, афтидан, зиддиятли тўғу туфайли, маълум даражада намойишкорона бўлди. Менда Сталин фаолиятига танқидий муносабат уруш тўғрисида роман ёзишга ва уни урушнинг биринчи кунидан бошлайшга қарор қилганимдан сўнг шакллана бошлади. «Тириклар ва ўликлар» романимнинг, кейин соф бадий сабаблар билан кирмаган биринчи қисмини, мен эллик бешинчи йил декабрь ойининг охирида, эллик олтинчи йилнинг бутун январ ва февраль ойи бошида ёзганман. Бу XX съездга қадар, съезд арафасида бўлганди, бу пайтда ҳали Хрущёвнинг нутқидан ҳам, ундан кейин бизнинг ҳаётимизда ва қалбимизда рўй берган ўзгаришлардан ҳам дарак йўқ эди. Романимнинг бу қисмини мен эллик еттинчи йилда иккита алоҳида повесть сифатида — «Пантелеев» ва «Левашов» номлари билан нашр эттирдим. Бу қиссаларда XX съезддан кейин менга алмаштиришга ҳам, қайта ёзишга ҳам тўғри келмаган нарсалар бор эди. Улар асли шундай ёзилганди. Бунинг сири шунда эдики, уруш тўғрисида, қирқ биринчи йил тўғрисидаги романим устидаги ишимнинг судралиши тасодифий эмасди. Менинг ўша давр ҳақидаги эсдаликларим, биринчи навбатда таянган кундаликларим, сўзсиз Сталинга дахлдор бўлган кўпгина нарсаларни: урушга тайёргарликни, ўттиз еттинчи-ўттиз саккизинчи йиллардаги қама-қамаларнинг маълумиятларимиздаги ролини, яна бошқа жуда кўп нарсаларни ички жиҳатдан қайта баҳолаш билан боғлиқ эди. Кундаликларимни уруш йиллари ёзганман. Роман эса ундан ўн уч ёки ўн тўрт йил кейин ёзилди. Роман учун қайта ўйланган кундаликларим, мен учун шу пайтгача хотирамда бўлганидан бошқачароқ бир нарса бўлиб қолди, улар Сталиннинг ҳамма даврлардаги, шу жумладан, уруш арафасидаги ва уруш бошидаги шак-шубҳасиз хизматларига нисбатан одатдаги, шакланган баҳсларни фош этувчи ҳужжатга айланди. Роман ичига кириб борарканман, мен ўзим учун Сталинни, у ўйнаган ролни, унинг кўрсатмаси билан бўлган ҳамма ишларни қайта баҳоладим. Бусиз мен қирқ биринчи йил тўғрисида ёзолмадим ва ёзишни истамадим, ёзадиган ҳолатда ҳам эмасдим.

Чамаси, қўлёзмамнинг ҳозирча шартли равишда «Сталин ва уруш» деб номлаган келгуси қисмига ўтишимдан аввал, бу қисмига нуқта қўйишим лозим.

**«Знамя» журналининг 1988 йил 5-сонидан таржима**



Асқар Ҳайдаров

## БУ ШУНДАЙИН БИР ҒАЗНАҚИ...

1

Бирон қишлоққа, айтайлик, дўстим ёки танишимникига меҳмондорчиликка бор-гудай бўлсам, авваламбор хонадонига, сўнг томорқасию кўрасига бир қур назар соламан. Зотан, қишлоқ одамларининг маънавий қиёфаси, бойлиги, туриш-турмуши мана шу жиҳатлари билан ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Кўкатлар, ларзон мевалар бўйи уфуриб турган томорқага тикилиб, баҳри дилим яйраб кетади, худди сўлим хиёбонга ёки латиф табиат қучоғига келиб қолгандай сезаман ўзимни. Томорқачилик қишлоқ аҳли учун авлоддан авлодга ўтавериб, йиллар оша шаклу шамойилини ўзгартириб, яшартириб келаётган мерос. Томорқа ҳали ҳамон бир ғазнақи, бу ғазнадан унинг соҳиби ҳам, ўзгалар ҳам баҳраманд.

Ошқора айтишимиз мумкинки, ҳозир бу ғазнага мутассибларча — «бу хусусий мулк асорати, рўзғори катта оилаларга керак» қабилида қарашлар мавжуд. Кейинги йилларда қишлоқлар ўрнида қад ростлаган замонавий посёлкалар хонадонларига бир парча ер ажратилса ажратилдики, бўлмаса у ҳам йўқ. Қўралар қуришга лойиҳачилар бироз паришонхотирлик қилишди. Деҳқон аҳли «замонавий посёлка»ни кўриб ёқа ушлаб қолди, бора-бора томорқа қилишдан кўнгли совий бошлади, негаки, уни маълум эпакда юритиш кун сайин ғалвали бўлиб борарди. Қишлоқларда томорқасиз ҳовлилар кўпаяверди. Ҳеч ким бунга ажабланмади. Бор томорқаларнинг файзу баракаси сусаяверди. Секин-секин айрим қишлоқликлар «замонавий яшаш»га кўникиб қолдилар. Уларига нимаики керак бўлса бозорга чопишди. Бугунги кун эса томорқага иккинчи умр беришни, унинг маҳсулдорлигини оширишни тақозо қилмоқда! Аммо... Аммо кечаги куннинг аччиқ сабоқлари, замон талаблари тилларда минг марта айтилса-да, бугун-да амалий бирон бир иш қилинмаётганини кўрсатмоқда. Бўлмаса, томорқа аллақачон гуркираб кетарди.

Гуркираб кетарди, деяпмиз. Бу кимга боғлиқ? Юқоригами? Агар бундай десак юқори анчадан бери томорқачиликни (шахсий хўжалик) жадал ривожлантириш тўғрисида ўқдирмоқда. Демак, одамлар томорқа қилишни хоҳламаётган экан-да?! Ҳа, десак ёлгон гапирган бўламиз. Негаки, одамларга имкон яратилмаяпти. Ана энди, ўз-ўзидан аёнки, айб қуйида экан. Қуйи раҳбарлар эса томорқанинг моҳиятини ҳалиям тушуниб етишмаяпти. Томорқа биргина шахсий манфаатгагина эмас, ижтимоий манфаатга ҳам хизмат қилишини, одамларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда қўшимча манба эканини, қишлоқ оилалари даромади ишчиларнинг реал даромадига қарийб тенглашувига олиб келишини, қишлоқларда тўпланиб қолган катта, долзарб муаммоларни тезроқ бартараф этиш имконини беришини, қишлоқлардаги ортиқча ишчи кучлари учун томорқа фойдали меҳнат майдони эканини унутиб қуйишган. Ҳаттоки, қишлоқларга ажиб бир кўрк беришини ҳам. Қолаверса, томорқа ёшларни деҳқончиликка ўргатишда, ерга меҳр уйғотишда жуда-жуда асқотади.

Балки, унутиб қуйганлар, тушуниб етмаётганлар озчиликдир, яхшироқ биладиганлар кўпдир, деб ўйларсиз? Бундай деб ўйласангда, яна гуркираб кетмаётганига ҳайрон қоласан? Томорқаларга эътиборсизликнинг сабаби нимада?..

Шунда «Тошкент — Китоб» поездида қамашилик бир хўжалик раҳбари билан бўлган суҳбатим эсимга тушди. (Уша суҳбатдошимнинг исм-шарифини тўлиқ келтиришнинг ҳожати йўқ, негаки, у киши хўжаликни эпполлагани, савияси қайта қуриш талабларига жавоб бермагани учун ишдан озод қилинибди экан, кейин суриштирсам.)

— Тошкентда бозор қиммат экан, — деб қолди бир пайт у киши.

— Қиммат, — дедим гапини маъқуллаб.

— Да-а, ўртача маош оладиган одам ойда икки марта тузукроқ бозор қилгани тушса, қарабсизки, чўнтагида ҳемири қолмайди.

Чин гап, бош ирғаб маъқулламасликнинг иложи йўқ. Зироат ва чорва маҳсулотлари, бозор ҳақида анчадан бери ўйлаб юрганларим туртки берганидан гурунгни ногоҳ узиб қўймаслик мақсадида у кишини ўз мулоҳазаларим билан таништирмақ, менга кўпдан буён жумбоқ бўлиб туюлаётган чигалликларни бироз ойдинлаштирамоқ ниятида саволга тутта бошладим.

— Сиз деҳқонсиз, а? — дедим у кишига тикроқ боқиб. Ҳамроҳим бош ирғади.— Бозорнинг арзон бўлишига, маҳсулотнинг кўпайишига тарафдормисиз?

— Албатта-да. Ахир одамлар тўқ, яхши турмуш кечирсин, деб кечаю кундуз даладан бери келмаймиз.

— Уша Қамашининг, умуман, бошқа районлар бозори ҳам Тошкентникидан қолишмайди. Масалан, бир кило қўй гўшти сизда саккиз сўм, шаҳарда эса олти сўм, мевачеваларнинг нархи эса бир-икки тийинни ҳисобга олмаганда баб-баравар. Бозор битта Тошкентда эмас, умуман ҳамма жойда қиммат бўлиб боряпти, десангиз тўғрироқ бўларди. Демакки, маҳсулот оз.

— Бозор нархи маҳсулотнинг сероблигига боғлиқлиги бир томонлама тўғри. Йигирмата помидорфуруш келишиб, бир сўмдан сотамиз деса, нима қиласиз?

— Барибирам маҳсулотнинг сероблиги бу ерда катта ўрин тутади. Маҳсулот қанча мўл бўлса, нарх ўз-ўзидан қуйи тушиб кетади. Бозорда маҳсулотнинг ўзи камки, нарх осмонда. Бунга колхоз-совхозлар ҳам таъсир кўрсатолмаяпти.

— Хўжаликлар қанақасига таъсир кўрсатсин. Улар ялпи маҳсулотнинг бор-йўғи ўттиз фойизини бозорга чиқаришга ҳақли.

— Бордию хўжаликлар одамларнинг томорқаларидаги, қўраларидаги маҳсулотни шартнома асосида сотиб олиб бозорга киритса-чи?

— Томорқаю қўрани нари қўйинг. Томорқа бир қарич ер бўлсаю яна ундан наф кўраман, деб совхоз ишчилари, техникаси ҳалак бўлиб юрсинми? Бунақада уловидан тушови қимматга тушиб кетади-ку?! Томорқага кўз тикиб ўтирган қоракўз қанча, ўзбекининг оиласи...

— Ана шу ўзбекининг оиласи кейинги пайтда томорқа қилишни унутиб юборди-да... Қишлоқ ҳовлиларининг ўн саккиз фойизидан кўпиде умуман қорамол парваришланмас экан. Салкам ўттиз саккиз фойизида қорамол, қирқ саккиз фойизига яқинида қўй-қўзи боқилмайди. Шундан бозор ҳам...

— Ҳа, энди улар ҳам одам бўлиб сал мундайроқ яшасин-да. Қачонгача?..

— Шаҳардаги энг маданиятли одамлар уйининг олдини гуллатиб қўяди. Иложини топса даладан бир парча жой олиб, деҳқончилик қилгиси келади. Ҳатто Тошкентнинг Эски шаҳарида яшайдиган бир танишимнинг, ўзи ўқитувчи, қўрасида ўн еттита қўйи борлигини биламан. Бу маданиятсизликми?..

— Майли, сиз ўйлаганчалик бўлсин. Биласиз, деҳқончилик кечаю кундуз меҳнат талаб этади. Шаҳарда эса саккиз соат ишласангиз бас, кейин хоҳлаган ишингизни қилаверинг, биров мушугингизни пишт демайди. Далада иш айна авж олган пайти, биз, энди бугун ишлаганингиз етар, бориб томорқангизни қилинг, деб жавоб бериб юборайликми? У бечоранинг жамоат даласида қўли қавариб, елкаси яғир бўлиб қолса-да, кечқурун яна томорқасида ишласинми?.. Ахир у бечораниям телевизор кўргиси, кино кўргиси, концерт томоша қилгиси бор. Булардан бошқаям ишлари бошидан ошибошиб ётибди.

— Бундан чиқди сиз ишчиларингизнинг томорқа қилишини ҳеч қандай рағбатлантирмайсиз? Одамларни бунга жалб ҳам этмайсиз?

— Укам, бу икковимиз купеда ҳал қиладиган муаммо эмас. Ундан кўра бўладиган гапдан гапиринг. Томорқа қиладими, йўқми, бу уларнинг хоҳиши. Қилмайдиган одамни қил, деб мажбурлайдиган замон эмас. Имкони етса қилсин, чўнтаги кўтарса бозорга чопсин. Бугун томорқани гуриллатинглар, десам, ҳаммаси берилиб кетса, эртага совхозда ким ишлайди?! — деб дангал жавоб берди суҳбатдошим.

— Агар сиз рағбатлантирганингизда қишлоқ одамлари бозорга кам борадиган бўлармиди? Шундан бозор ҳам арзонлашармиди? Бундан хўжаликлар ҳам фойда кўрармиди? Бозор қиммат, зироат таҳчил деган гапларни қишлоқ одамларидан, бунга мутассадди одамлардан эшитмасмидик?!

Ҳамроҳимнинг мулоҳазаларимдан зериккани ошқора сезилди, гап йўриғини чалғитди. Юртдошлигимиз — икковимизнинг ҳам қишлоқчасига сал-пал дағалроқ, расмийликдан холи, эмин-эркин гаплашишимизга имкон яратган эди. Мен барибир далил келтириб, у кишининг таассуротларини бироз бўлса-да, ўзгартирмоққа уриниб кўрдим.

— Марказий областлардаги хўжаликлар раҳбарлари кимнинг қўрасида ортиқча қорамоли, зироати бўлса дарров шартнома тузаркан. Шартнома асосида ўша оила маҳсулотни бозорга чиқармасдан хўжаликка топшираркан. Бундан ҳар икки томон ҳам манфаатдор бўлаётган экан.

— Ҳар қандай тажрибагаям кўр-кўрона топинавермаслик керак. Уларнинг шароитини обдан ўрганиш керак. Оқласа қўллаш керак, оқламаса...

Менинг бошлаган мавзуимизни давом эттиришга бўлган саяҳатларим зое

кетди. Бу соҳада суҳбатдошимнинг қатъий «позицияси» бор эканки, уни «ёриб ўтишининг, ишғол қилишининг» иложи бўлмади.

Начора?!

## II

Мен томорқа ҳақида биргина бу одам билан эмас, кўпгина агросаноат ходимлари билан-да ҳар хил гурунглarda ора-чора суҳбатлашганман. Ҳеч қайсиси биз, мана бундоқ ишлар қиляпмиз, дея олмаган. «Синаб кўрамиз. Яхши тажриба экан, ўйлаб кўриш керак экан», деганнамо мужмал гаплар қилишган. Ёхуд бу саволни очиқдан-очиқ қолдираверган. Афсуски, одамларнинг томорқа қилишга ройи бор, бунга кўплаб гурунглarda гувоҳ бўлганман. Аммо улар баъзи тўсиқлар туфайли жону дили билан киришиб кетолмаяпти. Ахир партия ва ҳукуматимизнинг кейинги анжуманларида бу митти тармоқнинг истиқболи ойдин экани, уни бутун чоралар билан юксакликка кўтариш ҳақида бот-бот гапириляпти, ҳатто махсус қарорлар қабул қилинган. Афсуски, ижро ниҳоятда суст бормоқда; республикамизда сўнгги икки йилда қарийб йигирма икки минг қорамол, бир юз қирқ бир минг қўй-эчки камайиб кетди.

Бу камайиш фақат чорва соҳасидами? Йўқ, албатта. Картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришнинг ялпи миқдори ҳам кескин озайиб кетди. Хўш, томорқачилик улушининг пасайиши фақат маҳаллий раҳбарларнинг хайрихоҳ эмаслигидами? Агар биз, ҳа, худди шунда деганимизда, масаланинг туб моҳиятини аниқлай олмай қоламиз.

Бу жиҳатдан Шайман муаллим билан (бу одам менга райондош, гурунгдаш одам) суҳбатим ҳеч эсимдан кўтарилмайди. У киши ҳовли хўжалиги ҳақида ўз мулоҳазаларига мениям ошно этган эди.

— Бозорга чопсак, киссамизга путур етади — бу бир. Ўзга меҳнатига таяниб қоламиз, тайёрга айёр бўлиб қоламиз — бу икки, қўлимиз деҳқончиликдан чиқиб кетади — бу уч. Бу учинчиси энг муҳими. Негаки, ота-боболаримиздан қолган урф-одатга ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас... Қишлоқда яшаганиндан кейин томорқанг яшнаб турмаса, унда қишлоқда яшаганиндан нима маъни қолади?! Қишлоқдошларнинг томорқасига бир қара, ярминики ҳувиллаб ётибди, худди биёбондай.

— Нега?

— Э, наргайда йўқ, бўлмаса уларга биров қилма деганми?! Кечқурун катта йўлга чиқиб турсанг, одамлар тўрва кўтариб, бозорлик қилиб келаётган бўлади.

— Қишлоқ одамининг бозорга чопиши уят эмасми?

— Нима десам экан, уятликка уят... Лекин... бир ҳисобга тўғриям қилади. Иложсизлигидан. Экин-тикиннингга ёзда сув очай десанг, очолмайсан. Қулоқларни бульдозер билан кўмиб ташлайди. Очсанг бир балога қоласан. Сув биринчи навбатда давлат экинига керак, деб томорқага очдирмайди катталар. Мол-ҳол қилай десанг, уйингнинг этагигача пахта босиб келган. Жой йўқ. Боқиш бир азоб. Азоб бўлсаям, ишқилиб, одамларимиз кучи етганича тутиб турибди.

— Нима томорқачилигимиз йўқ бўлиб кетадими?

— Йўқолиб кетишям мумкин. Лекин йўқотсак катта бир бойлигимиздан ажралиб қоламиз-да.

Гурунгимиз бир узилиб, бир авж олиб давом этарди. Шайман муаллим томорқа ҳақида кўп гаплар айтиб берди. Қишлоқда яшаб, қишлоқча маданиятни унутган одамлар бўлса йил сайин кўпайиб бормоқда. Кўз олдимда беҳудуд саҳрода қолиб кетган, кўрғондек қанқайиб турган уйлар, бутун бошли қишлоқлар жонланади. Биров Қамаши деса, деҳқончилик райони, яшил манзарали воҳа кўз ўнгида намоён бўлади. Бир қишлоқлари борки, сўлимлиги билан сизни мафтун этиб қўяди, яна бир қишлоқлари борки, дашт қишлоғидан ҳеч қандай фарқини сезмайсиз. Шундоқ ёнма-ён икки одамнинг уйи олдида икки хил манзарага дуч келасиз, ажабланасиз. Бундай қишлоқларга назар солиб, ҳаёлимизда болаликданоқ муҳрланиб қолган, мевалари фарқ пишган боғ-кўчаларни, ариқларда сув лиммо-лим оқадиған, дарахтлари олисанданоқ мавжланиб турадиған манзарани учратолмаймиз. Киши қалбини яйратадиған табиатнинг бир бўлтагидан ном-нишон йўқ. Нега? Бунга авваламбор шу қишлоқларда яшовчилар жавоб беришлари керак. Менинг фикримча, уларга ўша рағбат етишмайди, ўша тазйиқлар кучини кўрсатганки, охир-оқибатда мана шундай ғариб, қашшоқ бир қишлоқча айланиб қолган. Авлодлар анъанаси бузилган, бу бугунги кунда унчалик сезилмас, аммо имоним комилки, келажакда унинг ҳам моддий, ҳам маънавий зарари яққол намоён бўлади. Маънавий томони шундаки, қишлоқ болалари илк меҳнат кўникмаларини худди ўша томорқада, ота-оналари билан ёнма-ён қилган меҳнат жараёнида олади.

Кейинги йилларда Мирзачўл ва Қарши даштлари қўйнида ЗАМОНАВИЙ лойиҳа асосида ўнлаб, юзлаб совхоз посёлкалари барпо этилди. Замонавий уйлар олдида кафтдай майдонча бор — томорқа учун, бу ҳовлига кўчиб кирганларнинг мол-ҳол қилиши эса сира кўзда тутилмаган. Бунинг учун хўжаликларда ортиқча ернинг ўзи-да йўқ. Тадбиркорроқ одамлар бир амаллаб битта-иккита сигир парвариш қилишади. Кейинги пайт-

да, дашта одамлар муқим яшаб қолмаяпти, деган шикоятлар кўпаймоқда. Хўш, нега бундай бўляпти? Бунинг битта сабаби — чўлда томорқа қилиш учун дуруст имкониятлар йўқлигидир. Уйлаймизки, лойиҳачилар бундан кейинги замонавий қишлоқлар лойиҳасини тайёрлашганда масаланинг шу томонларига ҳам эътибор беришар?!

Шуларни хаёлдан ўтказма туриб, Шайман муаллимнинг томорқасига кўз югуртираман. Ўн икки сотихли томорқада турли мевали дарахтлар, турли кўкатлар экилган. Билманки, бозорга фақат қуруқ мева харид қилгани боради. Бировга сут-қатиқ берса берадики, асло сураб бормайди. Томорқасидаги мева-чевалардан йил ўн икки ой баҳраманд бўлади.

Майли, даштдаги қишлоқларни ура-урачилик туфайли туғилган хато деяқолайлик. Аммо, одамлар эскидан турғун яшаётган қишлоқларда нега томорқага эътибор сусайиб кетди?

— Томорқачиликнинг расво бўлаётгани битта ўзимизда эмас. Томорқачилик ҳамма жойда ташвишли бўлиб қолди десам, янглишмайман. Олисга борма, ўзимизни олайлик. Бир парча буш жой бўлсаям, катталаримиз одамлар молини ўтлатмасин, деб ҳайдаттириб ташлайди. Нега бундай қилишларини билолмай боши қотади одамнинг. Ҳайдатибсан, бирон нарса эксанг-ку яхши, лекин ҳеч нарса экмайди-да, бу ўзбошимчалар. Одамларнинг ташвиши билан қизиқмайдиам.

— Одамлар шахсий хўжаликка қизиқиб, жамоат ишидан бўйин товлайди, деб ўйласа керак-да.

— Бўлмаган гап. Қишлоқда қанча пенсионер бор. Ўнлаб. Пенсияси етарли. Лекин меҳнатга чанқоқлигини қондириш учун нима биландир машғул бўлади. Иннакейин, иш тополмай юрган одамлар, аёллар қанча?! Катталаримиз, одамларнинг кучидан қандай фойдаланишни билмаяпти. Шундай бўлсаям, гўштга топшир, жун топшир, тухум топшир... деб хонадонма-хонадон кириб чиқади. Одамларимиз уларнинг раёини қайтармай беришади. Аслида, умуман ҳаққи йўқ. Совхоз заррача ёрдам бермагандан кейин...

Мен томорқадаги ва даладаги ҳосилнинг фарқини сезмайман, икковиниям одамлар етиштиради, икковиям одамлар учун. Томорқа ҳеч қачон, ҳеч кимга буромад келтирмаган экан, нега уни қатағанлаш даркор?! Биргина ўтган йили республика бўйича тайёрланган маҳсулотнинг — гўштни қирқ уч, сутнинг олтмиш бир, жуннинг эллик тўққиз, тухумнинг ўттиз фойизи қишлоқ одамларидан сотиб олинди. Ҳали булар томорқачилик кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган, ночор бир шароитда. Тажрибалар кўрсатишича, қаердаки томорқачилик намунали йўлга қўйилган бўлса, ўша ерда хўжаликларнинг йиллик режаларининг бажарилишига тузуккина ҳисса қўшган. Шартнома асосида ишлаш ҳар икки тарафнинг даромадига барака киритган. Муҳими, одамларнинг эҳтиёжибоп сифатли ва арзон маҳсулот ҳозир бўлмоқда. Бизда-чи?

— Хўжалигимиз раҳбарлари фирромлигини бас қилмаяпти. Катталаримиз ёғин-сочин сероб келган йили озроқ сомон беради, пулимизга, сўнг молингиз давлатнинг ерида ўтлайди, деган гапни дастак қилиб, гўшт плани келган пайт ҳар оилага фалон килодан гўшт тушган, шунинг учун ё гўштни тўланг, ё пулини тўланг дейишади. Шу оиланинг моли борми-йўқми, кўпми-озми, буниси қизиқтирмайди. Бу оддий халққа оғир ботади. Оғир ботади-ю, битта-иккита тўлагандан кейин фалончилар тўлади, сизга ўхшаганлар қолди, деб қисталган қилавергач элдан ажралмайик, деб тўлаймиз. Асли бекор қиламиз. Хўжалик тайёр гўштни давлат нарҳида сотиб олади. Кимга зарар, мол топширганга. Шундан-да, бозорга чиқариб сотишни маъқул кўрамиз, чунки бозорда меҳнатимизниям ҳисоблаб пуллаймиз. Шартнома деганини амалда жорий этса сиз ҳам, кабоб ҳам куймайди.

— Томорқачиликни юритиш, ривожлантиришни ижтимоий ишлаб чиқариш билан муносабатини мустаҳкамлаб билмаслик оқибати бу.

— Изласа йўли топилади. Ўтган йили Болтиқбўйига бораётиб, йўлда, поездда Минск областининг Вилей деган районидан бир одам билан бир купега тушиб қолдим. Анча гурунглашдик, гапдан гап чиқиб томорқаю мол-ҳол ҳақида гаплашиб кетдик. Уёқда жуда зўр экан. Совхозларнинг маъмурияти хўжаликлар территориясида яшаётганларнинг мол-ҳоли учун типовой ферма қуриб берибди. Фермада барча юмушлар механизациялаштирилибди. Ҳар бир оила бир-бир кундан бориб, молларга ем-хашак бериш, суғориш билан шуғулланаркан. Кечқурун эгалари бориб сутини соғиб оларкан. Шу ерда совхоз сут қабул қиладиган пункт ташкил этибди. Кимни рўзғоридан ортиб қоладиган сутни бўлса, хўжалик дарров сотиб оларкан. Одамлар мол бошига қараб совхоз кассасига пул ўтказиб тураркан. Янги оила қурганларга эса мол боқиши учун қарз бериб тураркан. Бу одамларга маъқул тушибди. Одамларнинг моли кўпайиши билан совхоз яна бир ферма хона қурибди. Ҳатто уйда мол боқадиганларга совхоз одамлари ўт олиб келишу бошқа юмушларга ёрдам бериб тураркан. Хуллас, мол қилиш ташвиши экан, роса қувониб гапирди ҳалиги одам. Мана шунақа ишларни ўзимизда амалга оширса бўлмайди? Бўлади. Буни учун ўзим икки қўлимни кўтариб розилик берардим.

— Илгари қишлоқларда подачилар бўларди. Мол боқиш унчалик мушкул эмас эди. Жой масаласидан қийналиб, ҳозир бу касб барҳам топди. Дарвоқе, мен касб деяман. Аслида бу ёлланма меҳнат эди, меҳнат стажига қўшилмас эди. Шундан пенсияга чиқишида бироз қийналарди.

— Ҳозир ҳам ташкил этса, тикласа бўлади. Биласанми, қандай қилиб? Одамлар подачи учун ойлик чиқариш мақсадида совхоз кассасига мол бошига қараб пул ўтказиб турсин. Бу бир киши учун иш, иннакейин одамлардаги ташвиш бироз енгиллашади.

— Қонунда кўрсатилмаган деб, хўжаликнинг обрўси шахсий молларнинг кўпайишидан келадими деб... — мен мулоҳазали гапни шубҳали томонга бурдим.

— Ҳамма нарсанинг қонуний бўлгани тузук. Агар қонун одамларни, жамиятни фойдаси учун бўладиган бўлса ундан чеккага чиқши ҳам мумкин. Ана Белорусиядаги мисол. Одамларни моли учун ферма қуриб бериш қаерда ёзилган?!

— Қоғозбозлик кучини кўрсатади-да барибир.

— Ҳеч бўлмаса, кооператив ташкил этиш керак. Ҳозир ҳамма соҳада урфга кирган...

Булардан чиқди томорқа ҳали ўз умрини ўтаб бўлмабди, унинг кўринишини янгилаш керак экан. Унга замонавий тус бериш лозим. Томорқанинг ривожини — элнинг фаровонлигини, дастурхон тўкин-сочинлигини.

Замонавий томорқа деганда мен нимани кўзда тутаятирман? Томорқани замонавийлаштириш — бу замонавий техника воситаларини жорий этиш демак. Томорқачиликдаги ишларни механизация зиммасига юклаш, томорқачиларнинг меҳнатини енгиллаштиради, вақтини тежайди. Лекин хўжаликлар томонидан аҳолига бу борада берилган мадад мақтангулик даражада эмас. Чунки бундан хўжаликлар манфаатдор ҳам бўлмайди. Томорқадаги майда ишлар жараёни кучли машиналарни талаб этмайди. Қишлоқ аҳолиси бугунги кунда мотоциклка, беда кескичлар, сепараторлар, мойжу-возлар, митти универсал тракторлар, мотоблокларга ниҳоятда ташна. Ҳатто бу хилдаги техника воситалари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётганидан бохабар ҳам. Бохабар-у, аммо ҳалигача савдода кўрганлари йўқ. Негаки, митти техника воситаларини ишлаб чиқарадиган махсус завод йўқ. Минск трактор заводидан томорқачиларга чинакам ҳамкор бўла оладиган мини-тракторлар ишлаб чиқарилади. Бундай тракторлар ерни бемалол ҳайдаши, текислаши, уруғ экиши, чопиқ қилиши, бороналаши ва бир тонна юкни ташиш имконига эга. Завод ҳар йили беш минг атрофида шундай трактор ишлаб чиқармоқда. Талаб эса бундан ўн, юз чандон кўп. Қутанси ва Запорожье шаҳарларида ҳам бу хилдаги тракторларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди. Бу тадбирни республикамизда ҳам қўллашга имкон бор. Бизда қуввати оламжаҳон трактор, агрегат, Узбекистон ва Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари заводлари мавжуд. Тўрт завод ва «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси конструкторлари ўзаро ҳамкорликда митти тракторлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйса ажойиб иш бўларди... Қолаверса, бундай тракторлар хўжаликларга ҳам зарур...

Томорқани замонавийлаштириш — бу энг яхши навлар билан таъминлаш, моллар зотини ва маҳсулдорлигини ошириш ҳам демак. Хўп, бу ишларни амалиётга қандай қўллаш мумкин. Уйлаб кўрилса ҳеч мушкуллиги йўқ. Фақат озгина қунт лозим холос. Маълумки, шахсий моллар зоти асосан жайдаридир. Жайдари моллар бўрдоқибоп-у, камсут. Серсут сигирлар кўпжонли оилаларга ниҳоятда зарур. Ёки кўп хўжаликлардаги камсутли сигирлар зотини яхшилашда шахсий сигирдан фойдаланган маъқул. Буни айтишимиздан мурод — ҳар икки тармоқдаги моллар зотини, маҳсулдорлигини баб-баравар яхшилашдир.

— Ўзимизда, — дея Шайман муаллим гапга тушди, — томорқачиликни унчалик билмайди. Масалан, бир хил жойларга борсам, бир парча ерга турли-туман экин экишадди. Турли хил мевали дарахтларни экишадди. Биздани, тўғри келган дарахтни экиб ташлайди. Бор ердан унумли фойдаланишни билмайди. Бировиникига қарасанг ўн туп зардолиси бор, лекин анору шафтолиси умуман йўқ.

— Нимани экиш-экмаслик ўзларининг таъбиға боғлиқ-да. Кейин ернинг структураси...

— Йўқ, буларга унчалик боғлиқ эмас. Булар томорқачилик маданиятини билмаганимиздан. Зардоли еган одам шафтоли емайди, мисол учун. Ҳисоблаб кўрсак, ўлкамизда нимаики мевали дарахт бўлса, ҳаммаси қишлоғимиздаги томорқаларда бор. Лекин кўчат топиш анқонинг уруғини топишдай мушкул.

Кўриниб турибдики, томорқаларнинг имкониятларидан оқилон фойдаланиш учун уларга жамоат хўжаликлари катта ёрдам бериши лозим. Маълумки, қишлоқ одамларнинг аксарияти агрономия ва зооветеринария илмидан беҳабар. Улар бундай ёрдамга муҳтож. Бу соҳалардан етарлича малакаси бўлмаган одам моли кассалланса, дарахти яхши мева бермаса нима қиларини билмай қолади. Бунинг учун нима қилиш керак? Менинча, ҳар бир хўжалиқда ёрдамчи хўжалик билан шуғулланадиган мутасадди одамлар — кенгаш тузилмоғи керак. Кенгаш аъзолари бу соҳани одамлар орасида тарғиб қилиб қолмасдан, бу соҳани ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқмоғи, қишлоқ аҳлига фойдали маслаҳатлар бериб бормоғи, томорқа юритишни, яйловларни парваришлашни... назорат қилиши зарур. Ҳозир район агросаноати бирлашмаларида бу соҳанинг мутасаддилари бор. Мутасаддилар эса ҳисобот формаларини тўлғазишдан бошқа нарса билан шуғулланмайди. Фақатгина томорқачилик учун жонкуяр одамлардан тузилган кенгашларгина уни боши берк кўчадан олиб чиқиши мумкин.



— Мана шундай кенгашлар тузилса ёмон бўлмасди... Мен яна бир нарсани айтай: дейлик, мен даладан ем-хашак жамғараман. Уни олиб келишим керак. Иложим йўқ, тракторчига бориб илтимос қиламан. Унинг дилидаги ҳақини бермасам, кўнмайди, вақтим йўқ, деб оёқ тирайди. Ёки тўплаган ем-хашакни майдалатиш учун ҳам худди шундай тадорик тутаман. Давлат техникаси кимнингдир чўнтагини қаппайтириши керакми? Нега, буни колхоз-совхозлар зиммасига олмайди? Ҳалиги кенгашлар тузилса худди шундай муаммолар ўз-ўзидан бартараф этиларди.

Қишлоқда томорқачилик маданиятининг йўқолиб кетишига бир томонлама маънавий тўсиқлар зарба бераётган бўлса, иккинчи томонлама одамларнинг бу ташвишли соҳадан кўнгли совиб бораётганида. Энди одамларни томорқачилик билан шуғулланишга мажбуран эмас, моддий рағбат туфайли жалб этиш мумкин. Биз кооператорларни кўп тарғиб қилаётганимиз сингари энг яхши томорқачиларнинг тажрибасини ҳам тарғиб қилмоғимиз керак. Балки, республикамиз телевидениеси ходимлари Марказий телевидениенинг «Бизнинг боғ» кўрсатувидан ижодий фойдаланиб, шунга ўхшаш кўрсатув тайёрлашни йўлга қўйишар?! Кўп маҳсулот топширганларни моддий рағбатлантириб бориш томорқачиликнинг ойдин йўлга чиқмоғига туртки беради.

Қишлоқликлар ўй, молхона ва бошқа иморатлар қуришга доимо эҳтиёж сезади, сезади-ю, лекин қурилиш хом ашёси тополмай ҳалак бўлишади. Матлубот жамиятлари, қишлоқ советлари аҳолининг ўсиб бораётган талабини юз фойиз қондириш имконига эга эмас. Бу маҳкамалар балки, томорқасидан давлатга кўпроқ маҳсулот топширганларни инobatга олиб имтиёзлар беришар?!.

### III

Биз юқорида томорқа маҳсулотидан унинг соҳиби ҳам, ўзгалар ҳам баҳраманд, деган эдик. Афсуски, ўзгалар кам баҳраманд бўлмоқда. Ўзгалар, яъни шаҳарликлар кўнгли тусаган мева ва резаворларни вақтида тополмайди, топганида эса нархи осмонда бўлади. Айрим мевалар ҳатто бозорда ҳам тахчил. Нега? Чунки деҳқон аҳли етиштираётган ҳосилнинг бир қисми сотувга чиқарилмай қоляпти, далада қолиб кетяпти.

Бунга ким айбдор? Айбдор, тўғрироғи айбдорлар қуйда ошкор бўлиб қолади.

Томорқада етиштирилаётган маҳсулот бизга давлат харид нархлари асосида, ўзаро муомала асосида матлубот кооперациялари ҳамда бозор орқали реализация қилинади. Кейинги йилларда шахсий хўжаликларда тайёрланган маҳсулотнинг давлат харид нархларида сотилиши деярли барча соҳалар бўйича кескин камайиб кетди. Чунки давлат харид нархи қишлоқ аҳлининг маҳсулотни тайёрлашдаги барча меҳнати қийматига тўғри келмай қолди. Матлубот кооперацияси-чи? Бу маҳкама ортиқча зироатни харид қилиб, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг тўғри тақсимланишида муҳим ўрин тутса-да, лекин бозор нархининг пасайишига таъсир кўрсатолмаяпти. Тайёрлов идоралари аҳолидан ортиқча маҳсулотни қабул қилиш планларини иложи борича пасайтириб кўрсатмоқда. Аҳоли билан шартнома асосида ишламаяпти. Томорқаларда етиштирилган маҳсулотларнинг айрим турларини умуман қабул қилмаяпти. Колхоз ва совхозлардан қабул қилинган маҳсулот билан томорқада етиштирилган маҳсулот нархини баб-баравар қўймоқдаки, бу қийматлаш даражаси томорқачиларни ўзидан тобора бездирмоқда. Кооператорлар ўзларининг моддий-техника базаси бақувват бўлишига қарамай, қишлоқларга «юриш» қилиб, одамлардан бевосита қабул қилишни йўлга қўймапти. Шу боисдан одамлар дўконлардан ўзларига керакли маҳсулотни тополмайди. Қабул қилинган маҳсулотни яхши сақлай олмай, дўконларга ириган-чириган ҳолда чиқармоқда. Улар катта-катта шаҳарларда махсус магазинларига эга бўлса-да, қишлоқ магазинлари аҳолидан маҳсулотни мустақил харид қилиб, мустақил сотишини йўлга қўймаган. Кооператорларнинг расмий иш услуги томорқачиларни бездириб юборган. Томорқачилар маҳсулотини кооператорларга топширолмай кўп вақтини беҳуда сарфлаб юбормоқда. Кооператорлар ўз ишларини замон талаблари асосида қайта қурмас экан, имконияти даражасида иш қилмас экан, улардан нажот кутишга ҳожат йўқ. Ҳатто шартнома асосида хўжаликларидан харид қилган маҳсулотини ҳам реализация қила билмаяпти. Тез бузиладиган маҳсулотни эса умуман яқинига йўлатмайди. Бозорга рақобат қила оладиган бу маҳкама шундай иш тутар экан, дўконларимиз, бозорларимиз сархил, сифатли, арзон маҳсулотга минбъад сероб бўлмайди.

Бозор — сотувчи ва харидор ўзаро муомала қиладиган маскан. Дўконлардан, давлат магазинларидан тополмаган нарсамизни топадиган энг сўнги маскан. Лекин бозорда ҳар доим ҳам тополмаган нарсамизни топяпмизми? «Ҳа», деб баралла жавоб беролмаймиз. Негаки, устига бориб қолса топамиз. Топганимизда нархи юқорилигидан нолиймиз. Бунинг учун бозор мутасаддилари нима иш қилишяпти? Бир бозор директори билан қилган суҳбатимиз бунга тўлиқ жавоб беради.

— Биз бозорга сотувчиниям, харидорниям қўлидан тортиб келмаймиз. Бозор бу ўз номи билан бозор. Маҳсулотнинг тахчиллигига келсак, буни кўпайтиришга бизнинг иложимиз йўқ. Бу даладаги, томорқадаги маҳсулотга боғлиқ.

— Бозор назаримда бир кўзгу. У райондаги деҳқончилик ва чорвачиликнинг қай аҳволдалигини элга кўрсатади. Сиз бозорингизда сархил меваларнинг харидорни кутиб туришини, гавжум бўлишини истамайсизми? Бундан ҳатто бир завқ туймайсизми?

— Бозоримиз қандайлигини кўриб турибсиз. Бир неча кундан бери гўшт дўконлари бўм-бўш. Сут-қатиқ маҳсулотлари деярли йўқ. Узумни ана, бор-йўғи икки-уч киши сотаяпти. Районимиз деҳқончилик райони. Лекин одамларимиз деҳқончиликдан бегонасираб боряпти.

— Ҳарқалай ҳовлиларда ортиқчаси топилиб қолар. Бунинг учун бозор ходимларини навбатма навбат хўжаликларга «командировка» қилишни уюштирмайсизми? Менимча, кўп одамлар бозорга келиб, кунбўйи ўтириб сотишни ўзларига эп кўрмайди.

— Мана буни тўғри айтадингиз. Бозорга чиқаришни ўзига эп кўрмай, андиша қиладиган одамлар бор. Бундайлар жуда кўп. Кейин биз «бюро»лар тузмаганмиз. Эҳтиёж сезмаяпмиз бунинг учун. Маҳсулот кам бўлгандан кейин уни тузишга ҳожат ҳам йўқ. Тўғрими?

Тўғри эмас. Бозорларда хўжалик ҳисобида ишлайдиган бюроларни тузиш бозорнинг ихтиёридадир. Мамлакатимиздаги кўпгина бозорларда худди шундай бюролар тузилган. Бу бюролар қишлоқларга чиқиб, ўзлари бевосита қишлоқ аҳлидан ортиқча маҳсулотни харид қилиб олади. Ёки бозорга олиб келтирганларнинг маҳсулотини кўтарасига харид қилиб олади. Улкамиздаги кўпгина бозорларда айнан шундай бюролар тузилмагани, кооператорлар хотиржамлиги туфайли томорқаларда тонна-тонна маҳсулот ер билан яксон бўлиб қоляпти. Ҳузурини ер кўраётган маҳсулотлар бозорга тушса, бундан қанчалаб одамлар баҳраманд бўлади, бозорлар сероблиги таъминланади, нарх ўз-ўзидан пасаяди.

Шахсий хўжаликларга катта эътибор бераётган ГДР ва Венгрия мамлакатларида магазинлар, умумий овқатланиш корхоналари аҳолидан шартнома асосида мевачева ҳамда турли хил консервалар қабул қилади. Бизда эса, қишлоқларда турли шарбатлар, мурабболар, консервалар тайёрлаш урфга кирмаган. Балки, жойларда ҳар хил консерваларни тайёрлайдиган пунктлар ташкил этиб, одамларни бунга жалб этиш зарурдир. Худди шу баҳона қишлоқлардаги беиш кўплаб хотин-қизларимиз иш билан таъминланарди. Шу баҳона биз фақатгина ёзда эмас, қишда ҳам ширин-шарбат меваларимиздан баҳраманд бўламиз.

Сезиб турибмизки, томорқачилик ривожини, саховатли заминда етилган ноз-неъматларнинг исроф бўлишига йўл қўймаслик, бозорни арзонлаштириш, одамларнинг зироат ва чорва маҳсулотларидан узлуксиз йил ўн икки ой тўйиб-тўйиб тановул қилиши турли идора ва маҳкамаларнинг бундан кейинги иш тутишларига боғлиқ. Шундагина кўплар назарга илмаётган, «эътибор қилмаган», томорқачиликда «митти» тармоқ ўзининг неларга қодирлигини яққол намоён этиб бораверади.



ҲАМЗА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## ҲАМЗА МЕРОСИ САҲИФАЛАРИДАН

Кенг китобхонлар оммаси Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари», «Ким тўғри», «Бой ила хизматчи», «Тўхматчилар жазоси», «Лошмон фожиаси ёхуд истибдод қурбонлари», «Майсаранинг иши» ва бошқа бир қатор пьесалари билан яхши таниш. Аммо илмий маълумотлардан маълумки, Ҳамзанинг яна бир қанча драмалари ҳалигача топилган эмас. Шу билан бирга Ҳамза Ҳакимзоданинг шу вақтга қадар эълон қилинмаган, лекин Л. Қаюмов, М. Раҳмонов, Ғ. Мўминов сингари ҳамзашунос олимларнинг тадқиқотларидагина тилга олинган, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик, Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўлёмзалар институти фондларида сақланаётган драматик асарларидан парчалар мавжуд.

Бу тўла сақланмаган асарлар ёки айрим драмалардан бизгача етиб келган парчалар Ҳамза ижодининг ниҳоятда кенг кўламлигидан далолат беради. Уларнинг мавзу ва мундарижа жиҳатидан ранг-баранглиги эса драматургнинг халқ ҳаётига, яшаш тарзига бефарқ қарамаганлигини кўрсатади.

Ҳамза Ҳакимзоданинг эълон қилинмаган асарлари асосан Улуғ Октябрь социалистик революциясигача ва ундан кейинги дастлабки йиллар ичида яратилган. Улар «Уч», «Тошкентга саёҳат», «Партия мажлиси», «Рауза ва Шайдо», «Бизда сиёсий инқилоб тарихи ёхуд мусофир шоҳид Фулом (Анном) «афанди» кабилардир.

Ҳамзанинг «Тошкентга саёҳат» деб аталган, Шарқшунослик институтининг фондида (7628 XIX инвентарь рақамли) сақланаётган комедияси қўлёзмасидан ўн олти саҳифалик парчанинг иккита пардаси бизгача етиб келган. Бу комедия воқеалари Тошкент меҳмонхоналаридан биттасида бўлиб ўтади. Пьесада тавсирланган воқеалар инқилобгача бўлган меҳмонхоналарнинг аҳволи, бу ерда яшовчиларнинг ҳаёт тарзи ҳақида ўқувчига яхши тасаввур беради. Ҳамза ҳар иккала пардада ҳам асар бош қаҳрамони Асомбойнинг меҳмонхонага аввал Иброҳим билан хона таллашиб, кейин Иброҳимнинг ундан ўч олиш мақсадида газеталарга берган эълонлари асосида келган кишилар билан юз бераётган англашилмовчиликлар сабабини билолмай, жанжаллашиб, бефойда кечган кунларини тасвирлаш орқали ўқувчини кулдириш учун ҳаракат қилади. Қаҳрамонларнинг бемақсад ҳаётини, хатти-ҳаракатларини фош этмоқчи бўлади. Уқувчи Асомбой ва унинг олдига келган кишилар ўртасидаги ўзаро суҳбатдан, Иброҳимнинг ҳаракатларидан шуни англайдиги, бой-амалдорлар халқ, жамият ҳаётидан шу қадар узоқ. Улар ўзининг тор дунёқароши, шахсий манфаатдорлик туйғулари оламидагина нафас олувчи, ижтимоий ҳаёт ва унинг тараққиёти қонунлари ҳақида тасаввур бўлмаган одамлар. Лекин Ҳамза уларнинг мана шу хусусиятларини очишда бадиий маҳоратини тўла ишга солмагандай кўринади. Шу сабабдан бўлса керакки, пьеса қаҳрамонлари фаолияти, ҳаракатлари чуқур ижтимоий мазмун касб этолмагандай туюлади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, пьесани ўқиш давомида ўқувчида пайдо бўлган бу туйғулар, балки асар билан тўла танишиш имкони йўқлиги тўғрисида тўғрилиги ҳам мумкин.

Драматургнинг «Бизда сиёсий инқилоб тарихи ёхуд мусофир Фулом (Анном) «афанди» асарининг парчалари ҳам Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 7628 (XIX ва 7628) X инвентарь рақамлари билан сақланади. Бу драма ҳақида ҳам ҳали кенг китобхонлар оммасида тўла тасаввур ҳосил қилинганча йўқ. Зеро, Ҳамза бу пьесада ҳамзашунос олим Л. Қаюмов «Инқилобий драма» асарида қайд қилганидек, пантуркизм, панисломизм ғояларини тарғиб этувчи кишиларни фош этишни, улар келтириши мумкин бўлган зарарнинг ниҳоятда катталигини кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Драмадан сақланиб қолган қисмлар моҳиятидан маълум бўлишича, воқеалар Лондондаги «Жаннат» меҳмонхонасида бўлиб ўтади. Асар бошида ана шу меҳмонхона 15-хонасининг тасвири чизилади. Воқеалар эса шу хонада истиқомат қилаётган мусофир — ўз ватани, халқини ташлаб, инглиз ҳукмдорлари оёғига бош уриб, пантуркизм, панисломизм ғояларини жон-жаҳди билан тарғиб этаётган Фулом (Анном) афандининг ислом дини ва мамлакатлари ҳақидаги қарашларини севгилиси — инглиз бойларидан бирининг қизи Малюзга баёни билан бошланади. Фулом афанди гапининг мазмунига қараганда, у «Русиядек бир ваҳший ҳукумат»га қарши, мусулмонларни бу давлат хавфидан қутқариш тарафдори. Чунки унинг фикрича, «XXI—XXII асрларга бормай шундай шавкатли бир миллати исломни дунё юзидан маҳв ўлуви» ҳеч гап эмас. Шу боисдан инглиз ҳукумати «ислом мамлакатларини идораларига олмоқда». Узи эса, бу йўлда зўр бериб курашишга тайёр. Чунки у «Шарқдаги ҳануз жаҳолат ва ғафлат сармастлиги билан исломнинг ҳақиқий маданият ва маорифидан маҳрумликда қолиб келиб турган Туркистон, Туркистони Чиний, Афғонистон, Эрон, Хива ва Бухородан майда хонликлари ҳам иборамизга олиб, тезлик билан ўзлариндан олинган тарбияларимиз билан тарбиялаб, тараққиғига бошласак...» деган орзу йўлида инглиз интервентларига ўз ватанини қўш қўллаб топширишга тайёр эди. Булардан кўринадиги, Ҳамза ушбу асарини айни вақтда, яъни Октябрь инқилобидан кейин социалистик тузум душманларининг Урта Осиёга инглиз интервентларини киритиш ва уни Россияга қўшмасдан ягона Турк давлатига бирлаштириш учун олиб борган курашлари авж олган бир пайтда ёзган, душман ҳаракатларининг бефойдалигини

фoш этиб ташлаш мақсадида бўлган. Зеро, чет эллик бoсқинчиларга ўз она тупроғи дарвозаларини хоинона очиб беришга уринган, бу йўлда ҳар қандай қирғину қон тўкишларга тайёр бўлган ашаддий ёвлар инглиз ҳукумати билан доимий алоқада бўлиб, улардан мадад, қурол-яроғлар олиб турганлиги тарихий фактлардан маълум. Ғулом афанди тилга олган Туркистонни, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини Туркияга бериш учун Фарғонада катта бoсмачилик ҳаракати авж олдирилган. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Жунаидхон каллакесарлари ёрдамида инглиз интервентларига қўл бериш учун озмунча қон тўкишмаган, бор кучи ва имкониятларини ишга солишган. Уларни инглиз бoсқинчиларига яқинлаштириш ва бирлаштиришда турк ҳарбийлари ва пантуркизм ғояларининг тарғиботчилари асосий ролни ўйнашган. Шу бoсдан бўлса керакки, Ҳамза бу асарига ана шу пантуркистлар вакили сифатида Ғулом афандини бош қаҳрамон қилиб олган ва уни пьесада узундан-узоқ гапиртириб, ўзини-ўзига фoш эттиришни мақсад қилган бўлса, ажаб эмас.

Асардан сақланиб қолган парчаларда фақатгина икки шахс — Ғулом афанди ва Малюза иштирок этади. Улар ўртасидаги суҳбат шу қадар чўзилиб кетадики, бу албатта, ўқувчини зериктирарли даражада. Балки бу Ҳамзанинг пьесани шошилич ёзиб, уни қайта ишлаб саҳнага қўйишга улгурмаганлигидандир. Ёки бўлмаса, икки кишининг суҳбати орқали икки давлат мақсади ва интилишларини очиб беришни ният қилгандир. Аммо қандай бўлишидан қатъий назар, сақланиб қолган парчаларга қараб пьеса ҳақида узил-кесил бир хулосага келиш қийин. Шундай бўлса-да, бу пьесада Ҳамзанинг халқ, ватан тақдирини из қолдириши ёки уни бошқа ўзанларга буриб юбориши мумкин бўлган ҳар қандай ижтимоий-сиёсий маданий воқеаларга ҳеч қачон бефарқ бўлмаганлигини, ё уларга қарши курашганлигини ёки бўлмаса, чин дилдан қўллаб-қувватлаганлигини кўрсатади.

Ҳамзанинг ана шундай ҳозиржавоблик билан ёзган, аммо тўла сақланиб қолмаган пьесаларидан яна биттаси «Партия мажлиси»дир. Бу асар ҳам Шарқшунослик институтининг Ҳамза фондида 7628/ХIХ инвентарь рақами билан сақланади. Боши ва охири йўқолган ушбу пьесанинг қўлёзмасидан фақатгина ўн та саҳифа мавжуд бўлиб, қаламда ёзилганлиги туфайли матннинг айрим ўринлари ўчиб кетган.

Асарда Октябрь инқилобининг шарофати ва унинг меҳнаткаш халқ ҳаётини яхшилаш учун яратиб берган имкониятларини ёритишга ҳаракат кучли. Инқилобдан кейин тез суръатлар билан бажарилиши лозим бўлган ишларга ижодкор муносабати сезилиб туради. Уша пайтда кўпчилик раҳбарлар характерида кўринган сусткашлик, лоқайдлик иллатларини фoш қилишга интилиш кўзга ташланади. Зеро, қуриш, яратиш йилларидаги бундай иллатлар Ҳамзадек, янги тузум, янги мактаблар, янги маданият ўчоқлари яратиш орзусида яшаган, курашган кишилар руҳига ноҳуш таъсир қилмай қолиши мумкин эмас эди. Шунинг учун ҳам Ҳамза пьесада социалистик жамият қуришни жадаллаштириш масаласини партия мажлиси фониди кўтаришга, бу йўлдаги ҳар қандай сансалорликка қарши курашишга қарор қилган. Лекин асар тўлиқ сақланиб қолмаганлиги туфайли бу ҳаракатларнинг ва қарашларнинг ривожини, ечимини ҳақида қатъий бир фикр айтиш учун қийинчиликлар кўндаланг бўлиб келаверади.

«Партия мажлиси»нинг ёзилган йили номаълум. Аммо қаҳрамонлар нутқида учровчи баъзи адабий ва тарихий фактлар асосида ёзилиш санасини тахминан белгилаш мумкин. Асарда мажлисни бошқараётган раис — Михаилнинг «Биродарлар, мен сизларни, меҳнаткашларнинг чин, ҳақиқий вакиллари, аларнинг бахт ва саодатларин азиз қаҳрамон меҳмонлари деб билганга мажлис очилувини учинчи интернационал билан табрик этаман»,— деган ва сўзга чиққан Қосимжоннинг «Биродарлар, мана 2,5 йил бўлди, бизга Шўролар ҳукуматининг маориф эшигини очиб қўйиб, «Ол ҳақингни» деганига...» сингари фикрлари мавжуд. Зеро, 3-Интернационалнинг 1-конгресси 1919 йилнинг 2 мартида Москвада қақрилган. Шунингдек, партия мажлисининг кун тартибига қўйилган тўртта масаланинг иккинчиси «9-қурултойга вакил сайлов» дейилган. Бизнингча, Ҳамза 9-қурултой деганда Туркистон АССР Советларининг 1920 йил 19—25 сентябрда бўлиб ўтган тўққизинчи съездини назарда тутган бўлса керак. Агар юқоридаги адабий ва тарихий фактларга суянилса, «Партия мажлиси»ни ёзилган вақтини тахминан 1920 йилнинг охирилари деб белгилаш мумкин. Лекин шуниси ҳам борки, ҳар бир ёзувчи ўзи билган ҳаётий воқеа-ҳодисалар ҳақида айни вақтда ёки узоқ йиллардан кейин ёзиши ҳам мумкин. Бу ерда эса Ҳамза долзарб масалаларни ўз вақтида адабий муомалага олиб кириш ва унинг ҳаётидаги ечимини тезлаштиришга ҳаракат қилганлиги аниқ сезилиб туради.

Биз ана шу сўнги асарни журналхонлар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик. Тўла сақланиб қолмаган ушбу асарлар Ҳамзанинг бошқа ғоявий-бадий баркамол драмалари даражасида эмас. Аммо шундай бўлсада, бу асарлар Ҳамза драматик меросини ўрганишда катта илмий аҳамиятга моликдир.

**Жумагул ЖУМАБОЕВА,**  
филология фанлари кандидати

## ПАРТИЯ МАЖЛИСИ

**Аҳмад.** Хўш, Мадалим ака, нима гап тағин?

**Мадалим.** Хифзил сиҳат комиссари қайнамаган сув ичманг деб буйруқ қилган эмас-му?

**Аҳмад.** Ҳа, бултур эълон қилган эди.

**Мадалим.** Шундан баққа ҳовлидан қайнатиб ичиб юрдим. Мана энди паноде! Ҳарсиллаб, чанқаб келсам мунда бир қатра йўқ. Ариғдан ичолмасам. Коммунистман, Особий отделнинг одамлари кўрса, обориб қамаб қўяди деб қўрқаман.

**Аҳмад.** Тўғри, тўғри юринг. Ман сизга топиб бераман, ҳам ҳали муни доклад қилинг (Тура бошлар).

**Мадалим** (чиқатуриб). Шундақа қилингки, худо хайр берсин! (Чиқарлар, Қосим, Пирмат кирурлар, ўтиришиб.)

**Қосим.** Мана ўртоқ, Шўролар ҳукуматини бизга қайси бир фойдасини айтиб берайин. Эски мусулмон замонда бизга беркилган маориф эшиги бутун очилди. Уқув ҳаммага барабар. Миллат айирмаси йўқ. Мажбурий туғён. Мана шуниси бизни янгидан тирилмоғимизга биринчи бахт саодат. Мана шунчалиги борки, бизларни мактабларимизга ўқимоқ ва ёзмоқ учун қоғозлар етишмайди, матбуот учун ҳарф йўқ. (Кўйнидан қоғоз олиб.) Мана шунинг учун ман бу докладни ёзиб келдим, резолюцияга киргизаман деб, ўқиб берай сиз эшитинг, маъқул бўлса ҳар тарафдан тақвия қиласизлар. 9-нчи қурултойда шуни ҳал қиламиз. (Шу ҳолда ҳамма аъзолар кирадилар. Сайиджон, Акрамбой, Қодиржон, Раимқул, Бозорбой, Аҳмад, Мадалим, бир рус, бир татар ўтиришурлар.)

**Сайиджон.** Биродарлар, вақт ниҳоят нозик бўлганлиги жиҳатидан сўзни қисқа қилиб гапирганда тездан мажлисга бир раис ва бир саркотиб сайлаб ишга киришайлик, деб таклиф қиламан.

**Ҳаммалари.** Жуда яхши.

**Сайиджон.** Раисга кандидат кўрсатинглар.

**Аҳмад.** Биродарлар, биз агарчи коммунист бўлсак ҳам, асл коммунизмдан хабаримиз мутлақо йўқ. Биз вакилларнинг аксари баъзида теша ушлаб ҳовлимизда райҳон, читти гул эккани билан кетмон ушлаб деҳқон қаторида ҳақиқий меҳнаткашмасмиз. Еки баъзимиз эски Николайнинг вақтида матбуот ўқиб илм орқасиндан нодон қолиб эзилган халқимизни инқилоб ҳиссини уйғотишга тиришиб бир оз илмли бўлиб, зиёли отини кўтариб, айбдор бўлиб қолганмиз, Эски вақтда амалдор бўлиб сиёсатга тушунмаганмиз, ҳозирги политикаларни билмаймиз. Авж мана шунинг учун гарчи биз Туркистон халқи 98 пойизи (98 процент)ни ташкил қилсак ҳам бемазаликда бир пойизчамасмиз. Шунга кўра мундай муқаддас мажлисларда бизлар ҳаргиз бойиқ эмас. Лозимдирки, ҳар бир ишдан хабардор европис ўртоғимиз Михаил сайлансин деб таклиф қиламан.

**Ҳаммалари.** Тўғри, тўғри.

**Сайиджон.** Қарши киши йўқми?

**Ҳаммалари.** Йўқ, йўқ.

**Сайиджон.** Хоҳлаган киши қўл кўтарсин (ҳаммалари қўл кўтаришурлар).

**Сайиджон.** Бир оғиздан қабул бўлувига биноан ўртоқ Михаил мажлисга раис бўлди (олқиш).

**Михаил.** Биродарлар, албатта сизлар бу улуғ воқеани менга топширдингиз. Мен сизларнинг ҳуқуқларингизни камокам ерга еткурмоқ учун қўлимдан келган қадар ёрдамда бўламан. Ҳамда албатта сизлар ишонмасангизлар мани сайламас эдингизлар деб биламан (олқиш).

**Аҳмад.** Биродар! Михаил! Сиз, ўзингизни танитиб ўтиришингиз ҳожат эмас. Чунки Эски вақтлардаям мен билет учун борганимда бошқа бир одам бир ҳафтагача шалпиллаб бориб келиб ололмаган билетни менга уч кунда қилиб берардингиз. Шунинг учун сизни ҳақиқий коммунист деб биламан, мунга ортиқча сўз ҳожат эмас. Тездан ишга киришсангиз.

**Ҳаммалари.** Биламиз, биламиз.

**Михаил.** Мен раис бўлишим ила барабар таклиф қилдим: мажлисининг протоколла-

рини олиб борув учун бир дона саркотибга кандидат кўрсатсаларингиз.

**Сайиджон** (сўз олиб). Биродарлар! Ҳар бир мажлисни тартиб билан ёзиб борув учун вазифа ўтаб келган татар биродаримиз Султоновни кўрсатиб таклиф қилиб товушга қўйиб қўяқолсак.

**Ҳаммалари.** Тўғри, тўғри.

**Раис.** Қарши киши йўқми?

**Ҳаммалари.** Йўқ, йўқ.

**Раис.** Хоҳлаган киши қўл кўтарсин (ҳаммалари кўтарур).

**Раис.** Ташланглар (ташларлар).

**Раис.** Бир товушдан қабул бўлувига биноан ўртоқ Султоновни саркотибликка сайланди, президиум неча кишидан бўлсин?

**Аҳмаджон** (раисга). Бу тўғрида менга сўз беринг? (Раис сўз берар.) Мен яна аввалги сўзларимни такрорлаб айтаманки, Президиум бўлган кишилар ақллироқ ва асл меҳнаткашлардан бўлиши керак эди. Бизнинг ҳалиги зикр қилган айбларимизга биноан кичикликда бир озгина вақт темирчиликка шогирд кирган мана биргина Раимқул бор. Шунинг учун президиумни мумкин қадар озроқ, яъни, яна уч киши сайласак раис, котиб билан 5 киши кифоя қилар дейман.

**Ҳаммалари.** Албатта, албатта.

**Раис.** Мен ҳам шуни таклиф этаманки, инқилобнинг ҳамма ички политикаларидан хабардор бўлган кишилар сизларда. Шунинг учун ўртоқ Аҳмаджон айтгандек, уч кишидан иборат: бирига Раимқул, яна икки кишига ўртоқ Федоров билан Мақсумовни кандидатга қўйсаларинг.

**Ҳаммалари.** Тарафдоримиз (саркотиб ёзар).

**Раис.** Оқимга қараганда учовларини бир товушга қўйиб қўя қолай, нима дейсизлар?

**Ҳаммалари.** Ҳа, ҳа.

**Раис.** Хоҳлаган киши қўл кўтарсин (кўтарурлар).

**Раис.** Ташланглар (ташларлар). Бир оғиздан қабул бўлувига қараганда президиумга ўртоқ Мақсумов, Федоров, Раимқул сайландилар (Олқиш. Бориб ўлтиришурлар).

**Раис** (бир қоғоз қўйиб). Биродарлар, мен сизларни, меҳнаткашларнинг чин, ҳақиқий вакиллари, аларнинг бахт ва саодатларин азиз қаҳрамон меҳмонлари деб билганга мажлис очилувини учинчи интернационал билан табрик этаман (олқиш). Биродарлар мана ҳозир повесткага қўйилган маърузаларимни мен ўқиб чиқаман, яна қўювчилар бўлса доклад қилсинлар.

1. Ҳозирги аҳвол.

2. 9-нчи қурултойга вакил сайлов.

3. Маданий маориф ишлари хусусида.

4. Қизил Армия мобилизацияси ҳақида.

Бошқа борми?

**Ҳаммалари.** Йўқ, йўқ, шунинг ўзи кифоя қилади.

**Раис.** Мана энди биродар мен ҳозир мажлисни ёпилди деб эълон қиламан. Эртага соат ўндан ҳозир бўласизлар.

**Парда тушар, кўтарилур**

**Руслар йўқ, бошқалар бор. Раис, саркотиб, Қодиржон.**

**Сайиджон.** Мана ўртоқ Михаил оғриб қолуви муносабати ила мажлис ўз риёсатимда очилди.

(Биринчи навбатда сўз олиб Бозорбой гапирар.)

**Бозорбой.** Биродарлар, ҳозирги сиёсий аҳволлар ниҳоят оғир. Бу тўғрида бизлар муҳокама қилиб бир нарсга деёлмаймиз, сўзни чўзиб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ, чунки бунга сабаб ўзимизнинг Николай вақтида муаллимларни сиёсат билан мажбур қилиб болаларимизни ва ўзларимизни сиёсий мактабларда сиёсий илмлар билан тарбия қилмаганмиз, ўзимиздан чиновниклар, ҳамда военний кишилар етиштириб, ҳукумат ва сўғиш ишларига қотишмаганмиз. Мана шунинг учун ҳам биз бу сиёсат тўғрисида сўз очиб ўлтиришга ҳаққимиз ҳам йўқ. Шунинг учун ман таклиф қиламан: бу тўғрида биз музокара қилиб ўтирмай бу сиёсий ишларимизни бутун шарқ сиёсати учун қурилган Кирайда деб улуғ ташкилотга топширсак, тубандаги масалаларни (қарсак, олқиш).

**Сайиджон** (сўз олиб). Ўртоқ Бозорбойнинг гаплари тўғри! Лекин биз фақат сиёсатдан хабарсизмиз деб бу масалани қолдирмай, бизлар марказдан ишни талаб қилсак-ки, бизга тездан шул қурултойда бир машина тайёрламоқ ҳаракат қилинсин! Шул машина билан биз Туркистонда бўлган 12 миллион мусулмон пролетариатининг бир кечада миясига коммунизм сиёсати ишларини жойласин. Чунки, бизда ташвиқот учун коммунист нотиқлар ва сиёсий пьеса ва театрлар учун Шарқ усулинда бино ва асбоблар мутлақо йўқ (олқиш).

**Раис.** Бошқа сўзловчи борми? Йўқ?

**Ҳаммалари.** Йўқ.

**Раис.** Иккинчи масала маданий маориф ишлари хусусида сўзловчи борми?

**Қосимжон.** Биродарлар, мана 2,5 йил бўлди. Бизга Шўролар ҳукуматининг маориф эшигини очиб қўйиб, «Ол ҳаққингни» деганига, ҳеч қулоқ солмаганимиздан қоғозлар адо

бўлиб, бари европалик ўртоқларимизнинг ўз газеталари ва болаларининг мактаб китоб-ларига яраша зўрага қоғоз қалам қолди. Бу айб, ўзимизда, шунинг учун бир ман узундан узоқ доклад қилиб ўлтирмоғимнинг ҳожати йўқ. Бу йил китоб, қоғоз ҳатто мусулмонларга бостириб чиқарадиган ақчага ҳам қоғоз топилмай қолганликдан мактабларда ўқиш у ёқда турсин, муаллимлар агитаторлик комиссияси ишларига олиниб маориф шўросининг столи устинда сичқон асо таяниб йиғлаб юрипти. Шунинг учун ман таклиф қилардим, ўзимизни ҳам хонлар давридаги Хўқондда бўлган биргина қоғоз обжувозини тирилтириб йўлга қўйсақ, кам-кам ҳатган куни юз тахта босганда, Фарғона областида юзга етарли мактаб бор. Ҳар мактабга бир тахтадан берилса, қолгани матбуот хитобнома ва маҳкамаларга ва ақчага ярайди (олқиш).

**Пирмат** (сўз олиб). Биродарлар, мен ўртоғим Қосимжоннинг сўзига ҳам танқид, ҳам орттириб ўтаман. Тўғри, бу киши сўзлади, лекин бу обжувоз бузилиб кетган, бир ўтда ишловчилар беш-тўрттаси ўлиб кетган. Икки, то биз уни бошқадан вужудга келтиргунча бу йил ўқиш бутундан тўхтаса керак. Шунинг учун мен таклиф қилардимки, бир тарафдан обжувозниям йўлга қўйишнинг ҳаракатида бўлиб, иккинчи ўзимиз эски усул мактабларидаги тахтакачни йўлга қўйсақ-да эски қалами котибларни мобилизация қилиш, ҳар кунги дарсни болаларга кўчириб берса (олқиш).

**Раис.** Бошқа сўзловчи йўқми?

**Ҳаммалари.** Йўқ, биз ҳам шу фикрга қўшилаемиз.

**Раис.** Шу таклифни қарорга кирсин деган қўл кўтарсин (кўтарурлар).

**Раис.** Туширинглар, (тушурурлар, ёзар).

**Раис.** Қизил Армияларимиз таъминоти ҳақида сўзловчи борми?

**Аҳмаджон** (сўз олиб). Биродар, мен бизнинг Туркистон Қизил Армияларининг ҳақида кўп тажриба кўрганим соясинда шуни таклиф қилиб ўтаман: Буларни ичинда ташвиқот ва театру ишлари ниҳоят оз бўлса коммунизм билан уйинини фарқ қилолган йўқ. Шунинг учун буларга милтиқ бериб бўлмайди, Милтиқ ўрнига қандай бўлса, одам айлантирадиган безарурроқ арқонданми тузоқ заказ қилинсин. Мана шу билан ғоят шайкалар билан урушиб янчалурлар. Қўлга тушиб бўлсаларда майли, лекин ҳукуматнинг милтиқ ва ўқига зарар бўлмасин (олқиш)

**Мадалим** (сўз олиб). Биродарлар, мен ҳайрон қоламан ўртоғимнинг сўзларига. Шайкалар ҳам одам, бедана ёки ҳўкиз эмас-ки, уларни тузоқ билан илинтирса, ҳаммадан ҳам бир иш борки, уни бир чеккаси ҳозир амалга қўйиляпти. Масалан ўғриларни тасхир қилиб қуролсиз асир қилмоқ учун бирдан-бир чора бўлса, у ҳар армияга бир донадан жувон, бир дондон наша чилим, ўн қадоқдан кўкнор, икки дондан чилдирма, бир дондан кокил берилсин. Булар бир кун кўчаларда базм қилиб қиёмат қўпораверса, ҳамма ўғрилар қизиқиб, муллаларигача келиб қўшилиб кетади (зўр олқиш).

**Раис.** Яна сўзловчи борми?

**Ҳаммалари.** Йўқ, биз шунга қўшилаемиз (Қўл кўтаришурлар).


**Раис.** Қурултойга вакил сайлов ҳақида сўзловчилар гапирсин.

**Бозорбой** (сўз олиб). Биродарлар, ҳамма ишдан бу муҳим иш. Мана ҳамма диққат шунда. Муҳим ишга оғайни одамларни сайладингизлар. Ҳеч ишни урдасидан чиқмай келди. Шунинг учун ҳамон қон, жон берамиз, ватан ва ўлкаларимиз куйиб ҳаром бўлса-да, мукофотига бир нарса ололмаймиз.

.....  
Сизлар агар мани таклифларимга қўшилсаларингиз шундай одамларни сайлангизки, у сайланган одам ё мутлоқ мусулмонча билмайдиган европали ўртоқлардан бўлсин, ёки мутлақ туркча билмайдиган мусулмонлардан бўлсин. У, аммо ўзи меҳнаткаш бўлсин... Унча-мунча калтакларга ўлмайдиган сергўштроқ, бепарвороқ одамларни сайланглар (олқиш).

**Қодиржон.** (Раисдан сўраб). Савол берардим (Раис жавоб берадир). Биродарлар, ўртоғимнинг гапларига мен ҳайрон қолипман, сизларда туркча билмайдиган мусулмонлардан ниҳоят оз даражада, ҳамда бўлган билан меҳнаткашлардан эмас, коммунизм назари билан қараганда улар кетмон чопган эмас. Эски Николай вақтида муаллим ёки прикасшиклик қилган. Мана бу ҳозирги мажлис павқуллодда 9-нчи қурултойга ҳозирлик (Ўтуриб). Мана шўролар ҳукуматининг барпо бўлганига ҳам 30 йил 40 йил бўлгани йўқ, даров кўчаларимиз яланғоч армияларга тўлди. Кўчани чанглик вақтлари ғанимат, эртадан кечгача ашула қилиб юриб бир тарафдан югуриш, иккинчи тарафдан тупроқ еб умр ўтказишни ўрганапти. Мана очлиқдан энди ҳеч қўрқмаймиз, чунки бизни шайхимиз бир ойни икки бўлиб рўза тутиш, дунёдан яланғоч келиб, яланғоч кетиш, ниҳоят, ва улўғ бўлиб, 15 кунда бир командирни сассиқ кекирдак қилиб қўйилса, шуни бир кекриги 15 армияни сув ва ифторлигига баҳазур етиб ортади. Ойлик бутун керакмас, чунки бу томони учун бугун хазонрезлик бор. Хотин-қиз, ота-онаси бўлса коммунист ҳам эмас, илми ҳам йўқ, уларга ҳеч ҳам овқат керакмас. Улар ўлишдан илгарироқ бир-бирининг гўштини еса ҳам бўлаверади. Яланғоч армияга жой масаласига келсак, буям ўз-ўзидан ҳал бўлади. Ёзда худой берган кенг кўчалари, қишда бўлса нима кўп Николайнинг вақтидаги қорни катта бойларни отхона, молхонаси кўп. Ун беш, йигирмадан қўшоқлаб қўйиб ҳар куни бизга...

**Охири йўқ.**



Яшар Қосимов

## ШЕЪР ВА ДУНЁ

(«Янги шеъриятимизнинг поэтикаси» туркумидан)

Ниманидир ахтараман —  
шеърдан ҳам улур  
Ниманидир ахтараман —  
нондан азизроқ.

Абдулла ОРИПОВ

Адабиётдаги ҳар қандай янгилик энг аввало унинг қаҳрамони табиатидаги ўзгаришдан бошланади. Янги қаҳрамон бу — бадий-эстетик фикр тараққиётида навбатдаги босқич дегани. Аниқроғи, янги қаҳрамон бадий жараёндаги сифат ўзгаришининг илк кўрсаткичи, адабий ҳаракатдаги барча тозариш ва силжишларнинг бошланғичидир. Сўз санъатида янги ижодий-эстетик принцип ва нормалар ҳамиша янги қаҳрамон характерининг тақозоси билан шаклланади. Зеро, бадий қаҳрамон адабиётнинг ҳаёт ҳақиқатига, замон ва макон жиҳатдан конкрет реал воқеликка муносабатини ифодаловчи асосий ижтимоий-эстетик мезондир. Бошқача айтганда, адабиётнинг дунёқарашини, моҳиятини ва маънавий оламини унинг бош қаҳрамони белгилайди.

Марксча-ленинча диалектикага кўра, сўз санъатида, қолаверса, бутун бадий-эстетик тафаккурда дунёқараш ўзгармагунча инъикос характерининг, талқин ва тасвир воситаларининг ўзгариши амри маҳол. Шундан келиб чиқиб, адабиёт тарихига ғоявий-эстетик идеали бир-бирдан фарқ қилувчи, бир-бирини такрорламаган, ранг-баранг қаҳрамонлар ва характерлар тарихи деб ҳам қараш мумкин. Бу маънода сўнгги чорак асрдаги лирикамиз, айниқса, олтмишинчи йилларда поэзияга кириб келган ёш авлод ижодий изланишлари ўзбек совет шеърияти тарихида янги ва алоҳида бир ғоявий-бадий босқични ташкил этади.

Эллигинчи йилларнинг охирига олтмишинчи йилларнинг аввалларида ижтимоий ҳаётда кечаётган улкан ўзгаришлар ва янгиликлар биринчи бўлиб лирикада акс-садо берди. Бундай бўлиши табиий эди. Зотан, лирик шеърият бадий идрокнинг энг таъсирчан ва ҳассос тури саналади. Сўз санъатининг ижтимоий барометрик хислати кўпроқ шеъриятга тегишлидир. Чунки жамият ҳаётидаги янгиликларни, замондошларимиз маънавияти ва қарашларидаги ўзгаришларни лирик шеърият ўз ҳассос нигоҳи билан олдинроқ сезиш, кўриш ва акс эттириш имкониятига эга. Бу эса бадий идрокнинг ўзига хос шакли сифатида лириканинг спецификасини, унинг бошқа адабий турлардан фарқи эстетик табиатини белгилайди. Адабиётнинг бўлак тур ва жанрлари эса кўпинча ўз ривожда лирик поэзияга эргашади. Лирик шеъриятнинг ютуқ ва кашфларини ўзига сингдириб, ижодий ўзлаштириб иш кўради. Худди шу хусусиятлари учун ҳам лирикани, умуман, адабиётнинг сорбони, йўлбошчиси деб атаса бўлади.

Демак, адабий қаҳрамонларнинг ҳам энг сезгири, ҳаётдан адабиётга кўчган, бадий образга айланган илк адабий замондошларимиз ҳам лирик қаҳрамондир. Хўш, янги бадий-ғоявий босқич — 60-йилларнинг бошларида шеъриятимизга қадам қўйган навқирон авлод лирик қаҳрамон қайси хислат ва қирралари билан янгилик касб этди? Ёш ижодкорларнинг инсонга ва ижтимоий воқеликка муносабатидаги ўзига хослик нималардан иборат эди? Улар ўзларидан олдинги шеъриятнинг қайси хусусиятларини ва инъикос принципларини амалда инкор қилдилар? Олтмишинчи йиллар авлодининг ижодий-фалсафий концепциясидаги оригиналликнинг моҳияти, асосий пафоси қандай акс этди? Ёш шоирларимизнинг ғоявий-бадий изланишларидаги ушбу поэтик жасорат ва новаторлик ўша даврда ижтимоий-сиёсий ҳаётда руй бераётган қайси ўзгариш ва янгиликлар жараёнлари билан бевосита боғлиқ эди?..

Айтиш керакки, шеъриятимизда 60-йилларнинг аввалларида бошланган кўтарилиш ўша даврнинг ўзидаёқ адабий танқиднинг этиборини жалб қилганди. Атоқли мунаққид Озод Шарафидинов «60-йиллар адабиётимиз тарихига умуман бадий ижод ва хусусан поэзия гуллаб-яшнаган йиллар бўлиб қиради» — деб ёзганди. (О. Шарафидинов. Замон, Қалб, Поэзия. УзССР Давлат Бадий Адабиёт нашриёти, Тошкент — 1962, 3-бет). Мунаққид шу фикрни ўша вақтдаги бадий жараённинг бор-йўғи бир-икки йиллик тажрибасига, янги бўғин вакилларининг қалдирғоч асарларига биноан башорат этганди. Адабий ҳаракатдаги кейинги жиддий сифат ва руҳ ўзгаришлари, адабиётимизда юз берган салмоқли янгиликлар танқидчи башоратини исботлади.

60-йиллар адабий танқиди умуман ўша йилларда адабиётимизда содир бўлаётган қудратли юксалишнинг социал-сиёсий сабабларини ҳам ҳаққоний изоҳлайди. Адабий-маданий ҳаётимизда-



ги кўтарилишларнинг ижтимоий воқеликдаги рўй берган жиддий ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқлигини ўринли таъкидлайди: «Партияизмининг XX съезди катта журъат ва чинакам жасорат билан шахсга сиғинишни фош қилди, ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида ленинча нормаларни тиклади ва шахсга сиғинишнинг адабиётдаги зарарли оқибатларини ҳам бартараф қилишга йўл очди...

Мамлакатимиз ҳаётида юз берган улкан тарихий ўзгаришлардан озикланган, партиянинг кундалик ленинча ғамхўрлигидан рағбатланган адабиёт янги шароитда жиддий юксалиш йўлига қадам қўйди. Поэзиямиздаги бугунги ижодий активлик ана шу қадамнинг илк самараларидандир» (Уша китоб, 6-бет).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, янги ўзбек лирикаси шахсга сиғиниш даври (30—50-йиллар) адабиётининг бирёқлама, ярим ҳаққоний ижтимоий-эстетик пафосига қарама-қарши, оппозицион бир ғоявий-бадий ҳодиса сифатида кўриниш бера бошлади. 60-йиллар қаламкашларининг илк ижодий изланишларида, навқирон поэтик тажрибасида, айниқса, Улуғ Ватан урушидан кейинги давр адабиёти билан мунозара пафоси кучли эди. Ушбу даврлар адабиётининг қисқача муқофасидан ҳам мазкур босқичларда бадий ижоднинг, жумладан, поэзиянинг ҳаёти акс эттириш принциплари, ижтимоий воқеликка муносабати ўртасида катта фарқлар борлиги яққол сезилди.

Урушдан кейинги, умуман, 60-йилларгача, адабиётимизнинг ҳаётга ёндашувидаги субъективизм, бир томонламалик, реалистик қамровининг торлиги ижтимоий-эстетик иллат сифатида шахсга сиғинишнинг бадий тафаккурдаги акс-садосидан ўзга нарса эмасди. Уша даврда адабий-бадий фикр жараёнида ҳукмрон бўлган сохта оптимизм ҳам, конфликтсизлик «назарияси»га суянган «қувноқ адабиёт» стереотиби ҳам бевосита шахсга сиғинишнинг нохуш оқибатлари эди. Машъум шахсга сиғиниш даври адабиётининг турли-туман зиддияти ва камчиликларини умумлаштириш маъносидан Озод Шарафидиновнинг қўйидаги мулоҳазалари эътиборга лойиқдир: «Унинг (шахсга сиғинишнинг — Я. Қ.) энг зарарли томони шундаки, ёзувчиларнинг халқ ҳаёти билан алоқаси ўша йилларда анча заифлашиб қолди, воқеликни бутун мураккаблиги, барча қарама-қаршиликлари ва бор ҳақиқати билан акс эттиришда ҳадиксираш вужудга келди. Шахсга сиғиниш эркин фикрлаш имкониятларини торайтириб қўйди, ҳамма нарсани безаб, бўяб кўрсатишга ундади. Натижада, урушдан кейинги йилларда конфликтсизлик «назарияси» авж олиб кетди. Бу «назария» ёзувчидан ҳаёт қийинчиликларини, мураккабликни хаспўшлашни талаб қилди. Шундай асарлар вужудга кела бошладики, уларнинг қахрамонлари сира хато қилмайдилар, сира адашмайдилар, ҳамма вақт энг туғри гапларни гапириб юрадиган фаришталарни эслатарди. Бундай қахрамонлар биронта жиддий ҳаёт қийинчиликлари дуч келмас эди. Кўпинча инсон учун энг зарур нарсдан — фикрлаш қобилиятдан маҳрум бўларди. Шубҳасиз, бундай фариштасифат қахрамонлар ўқувчининг муҳаббатини қозониш у ёқда турсин, адабиётдан ихлосини қайтарарди». (Уша китоб, 5—6-б.)

Шахсга сиғиниш иллоти поэзияда ачинарлироқ оқибатларга олиб келди. Айниқса, лирикада шоир шахсиятининг нечоғлик аҳамият касб этгани ҳаммага маълум. Зеро, лирик асарнинг эстетик қиммати биринчи галда унда ифодаланган ижодкор шахсиятининг оригиналлиги, ёрқинлиги, лирик «мен» муносабатининг, сезги ва таассуротларининг қай даражада ўзига хослиги, бетакрорлиги билан белгиланади. Шахсга сиғиниш эса шунчаки битта шахснинг идеаллаштирилишигина эмас, айни пайтда муҳитда, жамиятда, умуман шахсиятнинг инқирози, «мен» тушунчасининг емирилиши демакдир. Ижтимоий ҳаётдаги шундай даҳшатли мараз тафаккур оламинида, жумладан, бадий ижодда шахсизлик, қиёфасизлик, муносабатсизлик туғдиради. Шу тариқа лирика учун ҳаво ва сувдай зарур бўлган аниқ, муайян «мен» ўрнини ўша йилларда ўта умумий, абстракт «биз» эгаллаганди. Бу эса аслида эстетик реалистик сифатида умуман лириканинг, айниқса, лирик кечинма ва ўзига хос поэтик-индивидуал таассуротнинг барҳам тоғгани, бадий тафаккурдан зўравонлик йўли билан сиқиб чиқарилиши демак эди (Бу ўринда, айниқса, Улуғ Ватан уруши даври лирикамизнинг ажойиб намуналари муस्तасно эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир). «Шахсга сиғиниш, — деб ёзади О. Шарафидинов, — поэзияга ҳам ёмон таъсир кўрсатди. Поэзияда қуруқ тантанабозлик ва дабдаба, ҳиссиз риторика ва декларативлик авж олди. Поэзия инсон қалбининг бадий ифодаси бўлиши керак бўлгани ҳолда, оддий ҳақиқатларни қофиялаб исботлаш, эътироссиз мушоҳада юритиш воситасига айланиб қолди. Чўқур фикрлар, ўткир умумлашмалар, чинакам ҳис ва туйғулар шеърларда кам учрарди. Ҳаёт ҳақида жиддий ўйлашга ўргатмайдиган, инсон қалбининг ҳамма бойликларини ифодаламайдиган ялтироқ, вазмин, совуқ ва туссиз поэзия қулоч ёза бошлаган эди» (Уша китоб, 6-бет).

Адабиётимизда ўша машъум ўтмиш оқибатларини бартараф этишда, қарахт адабий фикрни жонлантиришда Ғафур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир сингари устоз санъаткорларимиз, шу даврга келиб ижодда анча-мунча тажриба орттирган Шукрулло, Шухрат, Зулфия, Сарвар Азимов, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров каби истеъдодли адабларимиз айниқса жонбозлик кўрсатдилар. Бироқ табиийки, адабий ҳаётимиздаги янгилини пафоси кўпроқ навқирон қаламкашлар изланишларида кўришиш берди. Узбек адабиётида реалистик тасвир ва инъикос маданиятининг навбатдаги босқичга кўтарилиши, умуман, эстетик фикр тараққиёти биринчи галда олтиминчи йиллар мобайнида ижод майдонида қадам қўйган Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Эркин Воҳидов, Хайриддин Салоҳ, Маъруф Жалил, Чўлпон Эргаш, Жамол Камол, Омон Матжон, Миразиз Аъзам, Мухаммад Али, Абдулла Шер, Сулаймон Раҳмон, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, Гулчехра Нуруллаева ва бошқалар мансуб авлод шоирларининг, Шукур Холмирзаев, Уткир Ҳошимов, Улмас Умарбеков, Учқун Назаров, Неъмат Аминов, Уктам Усмонов, Саъдулла Сиёев каби носирларнинг бадий фаолияти билан боғлиқдир. Илк адабий чиқишлариданоқ устозлар назарига тушган мана шу иқтидорли ёш ижодкорларнинг аксарияти кейинчалик турғунлик деб аталадиган бутун бошли бир давр адабиётининг таниқли намяндалари, асосий зарбдор кучлари сифатида воёга етдилар.

60-йиллардан эътиборан ўзбек поэзиясида лирик қахрамоннинг воқеликка муносабатида, ижтимоий қарашларида туб ўзгаришлар рўй беради. Лекин шеъриятимизнинг шахсга сиғиниш даврида бадий ижодда томир отган нореалистик инъикос усулидан воз кечиши, конфликтсизлик «назарияси» асоратларидан қутулиши осонликча кечгани йўқ. Лирикамизда янги инъикос усулининг ва эстетик принципларнинг шаклланиши қийин ва машаққатли бир ижодий жараён эди. Зеро, ҳақиқатдан юз ўгириш қанчалик осон бўлса — уни тан олиш, эътироф этиш шун-

чалик оғир ва азоблидир. Бу жараён — гуноҳларга иқрор бўлиш ва тавба-тазарру жараёни адабиётда янада мураккаброқ кечади. Хуллас, 60-йилларни шахсга сиғиниш психологияси ва конфликтсизлик иллатларига қарши кескин курашлар, адабиётимизнинг ўз реалистик мавқеларини тиклаш, янги ижодий уфқлар сари қизғин интилишлар даври сифатида характерлаш — мазкур босқичдаги адабий маданий об-ҳаво мураккаблигини, зиддиятларга бойлигини тасаввур этишга кўмак беради.

Янги лирик қаҳрамон қиёфаси ана шундай қарама-қаршиликлар, ғоявий-бадиий курашлар оқимида шаклланди. Лирик «мен» ўзининг тинимсиз ҳақиқат изланишларида, ҳаётни ҳаққоний баҳолаш мавқеига кўтарилишида турли қийинчиликларни бошдан кечирди. Ёш шоирлар шу мақсад йўлида субъектив ҳамда объектив монеликларни бартараф этишлари керак эди. Бу курашнинг илк босқичи — биринчи навбатда лирик қаҳрамоннинг ўз ички дунёсидаги келишмовчиликни, иккиланиш ва ишончсизликни енгиллашга уриниш ҳолатлари билан характерланади. Зотан, дунёни англаш — ўз-ўзини англашдан бошланади. Бироқ лирик «мен» бу кечинмалар моҳиятини, қалбида дунё билан илк танишувдан туғилган ғаройиб, тушунарсиз ҳаяжонлар сабабини аввалига етарлича англамайди. Фақат кўнглида қандайдир бир «исмсиз ҳасрат» (Рауф Парфи), кўмсаш ва соғиниш, аллақандай «исмсиз дардлар» борлигини бокира бир ҳадик билан маълум қилади:

**Қайтгим келди, онам, ёнинга,  
Юрагимда исмсиз дардлар.  
Совуқ хонам, соат чиқ-чиқи,  
Ташқарида хазонрез боғлар,**

**Ёмғирнинг жим хониш қилиши...  
Бариси ҳам нечундир бу дам  
Туширмоқда сени ёдимга...  
Қайтгим келди, онам, ёнинга .**

(«Онамга хат»)

Абдулла Ориповнинг бу маънос мисралари шоир қалбидаги фақат бир хазон фаслининг акс-садосимикан? «Юрагимда исмсиз дардлар». Кузги боғларнинг ғамгин сокинлиги, кўкси тўлиб кетган кўкларнинг юм-юм йиғлаши наҳотки, «исмсиз дардлар»га айланган бўлса? Ҳатто туғилган қишлоқ, мунис, меҳрибон она соғинчи ҳам «исмсиз дардлар» эпитетининг фикр, тушунча миқёсларини тўла қамраб ололмайди. Агар муаллиф шуларнигина кўзда тутганда эди, ўз ҳасратини, табиийки, «исмсиз дардлар» деб атамаган бўларди. Шоир кайфиятидаги бу ногаҳоний ҳол — ногаҳоний ҳасратнишинликнинг ўзга бир жиддий сабаби борга ўхшайди:

**Юрагимни очиб гапирсам,  
Кам-кам бўлар менда бундай ҳол.  
Шодмон юрсам, менинг ёдимга  
Сен тушмайсан, ростдан, онажон.**

**Ногаҳоний бундай ҳолда-чи,  
Шундай кўргим келади сени.  
Айтсам сенга бор гапларимни,  
Орзуларим, ҳасратларимни...**

Синчиклаб эътибор берилса, бу сатрларга илк изҳори ишқ ҳаяжонларига ўхшаб кетадиган қандайдир бир журъатсизлик, нимадандир эҳтиёт қилиш, бу пинҳон сирни бегоналарга огоҳ этишдан чўчиш сингиганлигини пайқаш қийин эмас. «Онамга хат» шеърининг шундай кайфият билан йўғрилганини тасодифликка йўйиб бўлмайди, албатта. Бу шеър лирикализда изҳори ҳақиқатга дастлабки уринишлардан бири сифатида қимматлидир. Дунёни билиш ва бор ҳақиқатни ҳайқириб айтиш истаги шеърда бўртиб акс этган. Аммо лирик қаҳрамон ҳайқириб айтажаги ўша ҳақиқатни ҳали тўлалигича аниқлаштириб ололмаганди. Ҳали унинг ширин хаёлларию бегубор ишончлари билан илк тахир ҳаётини тассуротлари ўртасида кескин олишувлар кетаётганди. Эҳтимол, шу туфайли у бировларга юрагини очишдан ҳадиксирайди. Шунда ёш қалб ўз кўҳна сирдошини — онасини кўмсайди. У билан дардлашгиси келади. Ҳаётнинг кўндаланг ва чигал саволига ҳойнаҳой ўз онасидан тугал бир жавоб кутади. Шуларга қарамай, лирик қаҳрамон ўзининг ҳаёт ҳақидаги дастлабки таассуротини баён этишдан, барибир, чўчимаган:

**Тушунмайман бул ҳақиқатни,  
Сен-ку ахир онасан, она...  
Она, ранжимагил хатимдан,  
Мен ростини ёздим, шод дамим  
Сен тушмайсан асло эсимга.  
Аммо ҳаёт ўзи, биламан,  
Солар сени ёдимга бот-бот,  
Яъни, бошимизни доим ҳам  
Она бўлиб силамас ҳаёт.**

«Онамга хат» шеъри янги лирик қаҳрамоннинг 60-йилларнинг бошларидаги маънавий ҳолатини ҳаққоний ифодалашдан бошқа ҳамда ўша давр учун муҳим аҳамият касб этган оригинал ахлоқий-ижтимоий хулосаси билан диққатни тартади: «Яъни, бошимизни доим ҳам Она бўлиб силамас ҳаёт».

Навқирон лирик «мен»нинг эндигина шаклланаётган ижтимоий-ҳаётини позициясини «исмсиз дардлар», «исмсиз ҳасрат» сингари эпитетлар рўйи-рост ифодалайди. Лирик қаҳрамон ўз ҳасратига, дардларига исм излайди ҳали. Қалбини қамраб олаётган алам ва армонларнинг сабабини уйлайди. Умуман, дунёни англаш эҳтироси, ҳақиқатни билишга ташналик янги лирик қаҳрамон маънавий фаолиятининг бошланиши учун характерли бир ҳол эди. А. Ориповнинг «Армон» шеъриси ҳам шундай кайфият ҳукмрон. Шеър сюжети жуда оддий. Лекин муаллиф фикрини тўғридан-тўғри

эмас, имо-ишоралар билан ифодалаган. Жажжи болакай акасига ниманидир кўрсат, дея ёлворади. Акаси эса ўша нарсани бир кўрсатиб яна қўйнига яширади: «Жон акажон, яна бир кўрсат, Кўзим билан кўрайин ўзим. Тинчитмайди уни бир нафас, Осилади жон деб бўйнига. Акажони кўрсатиб бир пас, Яширади сўнг бор қўйнига». Бу ўринда ўша нарсанинг нималиги унчалик муҳим эмас. Балки ёш қалбнинг кўриш, билиш орзуси, беғубор армони диққат марказида туради. Зотан шоир ҳам шунга алоҳида урғу беради:

**Нимаиди у! Маъсум туйғунинг  
Оромига сололган ғавғо!  
Не бўлса ҳам болакай унинг  
Дийдорига тўймади асло.  
Нимаиди у! Балки бир безак —  
Армон қилиб юрган нечалар.**

**Не бўлса ҳам ўшани гўдак  
Тушларида кўрди кечалар.  
Нимаиди у! Балки бир тугун,  
Ё оддий тош, ёки оддий гул.  
Не бўлса ҳам ёш инсон учун  
Уша дамда ноёб эди ул.**

Ёш шоирлар нимани, қайси ҳақиқатни беҳаловат бўлиб излардилар? Айтиш керакки, 60-йиллар шоирлари изланишларининг илк босқичига хос бўлган ўжар бир бедорлик, ҳамлетона шубҳа ва сўроқ фавқулодда ёки мустаснолик касб этадиган поэтик ҳодиса эмасди. Бу — XX сьездан кейинги давр бутун совет шеърлятида, биринчи навбатда рус поэзиясида фаол кечаётган маънавий покланиш жараёни эди. Ҳамда бу жараён рус шеърлятида олдинроқ эллигинчи йилларнинг иккинчи ярмиданок, XX сьезд билан айна кетма-кет бошланганди. Б. Пастернак, А. Твардовский, В. Луговской, А. Ахматова, Л. Мартинов, Я. Смеляков каби атоқли санъаткорларнинг бу давр ижодида ва айна шу даврда поэзияга кириб келган Евг. Евтушенко, А. Вознесенский, Н. Рубцов, Б. Ахмадуллина, В. Висоцкий, Ю. Кузнецов каби янги авлод шоирларининг илк лирикасида ана шу руҳ яққол кўзга ташланади. XX сьездгача бўлган ўтмишни таҳлил ва муҳокама этиш пафоси, шахсга сифинишнинг машъум оқибатларини фус қилиш, бу кунни ва истиқболни англаш изтироблари мазкур давр рус поэзиясининг етакчи ҳоусиятидир. Бу ўринда В. Луговскойнинг «Аср ўртаси», А. Твардовскийнинг «Хотира ҳуқуқи», Евг. Евтушенконинг «Сталиннинг меросхурлари» каби асарларини эслатиб ўтиш kifоя. Даврнинг поэтик нафасини равшанроқ тасаввур этиш маъносида асримизнинг улўф санъаткорларидан Борис Пастернакнинг қатор шеърлари, айниқса, «Барчасини билгим келади...» (Во всем мне хочется дойти... 1956) деб бошлангандиган шеъри жудаям характерлидир. Айниқса, қуйидаги мисраларда юқорида келтирилган «Армон» шеърининг бедор руҳи билан, савол ва сўроқ оҳанглари билан яқдиллик кучли:

**Барчасини билгим келади,  
Барчасини аниқ ва тиниқ.  
Ишда ҳам, йўлда ҳам  
Юракда ғашлик.**

**Утган кунлар моҳиятини  
Сабабларини,  
Илдизигача  
То ўзагигача.**

Шундай қилиб, эллигинчи йилларнинг охирига олтмишинчи йилларнинг бошларида бадий тафаккурнинг шубҳа ва гумонсирашлар гирдобиди қийналишлари бутун совет адабиёти учун характерли бир жараён эди. Табиийки, бундай кайфият ўзбек адабиётига ҳам бегона эмасди. Бироқ ҳар қандай ғоявий-эстетик ўзгариш, ижтимоий-маънавий тозариш ҳар бир миллий заминда ўзига хос тарзда кечади. Ўзбек адабиётидаги мана шу ўзига хослик, рус адабиётидан фарқли ўларок, шундан иборат эдики, **давр кайфияти** кекса ва ўрта насл, умуман, тажрибали адабий авлодлар ижодида эмас, кўпроқ ёшларнинг изланишларида ёрқин кўзга ташланарди. Тўғри, Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияси, «Хиёбон», «Говушлар» сингари машҳур шеърлари, Миртемирнинг «Сурат» поэмаси ва қатор шеърлари, Зулфиянинг «Ҳижрон» туркуми, Шукрулло ва Шухратнинг инсонга хайрихоҳли ва муҳаббат билан йўғрилган лирикасининг бир қанча намуналари айна ўша даврда яратилганди. Лекин турли сабабларга кўра мана шу руҳ мазкур санъаткорлар ижодида изчил давом эттирилмади. Тарих давр кайфиятини, замоннинг реалистик бадий қиёфасини акс эттириш масъулиятини эндигина санъат майдонига қадам қўйган фидойи ва самимий қаламкашлар зиммасига юклади.

60-йиллар навқирон лирик қаҳрамони кечинмаларидаги изтаробни, унинг ўйларидаги қарама-қаршиликларни нотайинликка, ноҳаётйликка йўйиш масалага ноилмий, ўта субъектив муносабатнинг ўзгинасидир. Ёш шоирларнинг йўл бошида, ўз ижодларининг илк босқичида турли ҳаётй иллатларни кўриб мутаассир бўлишлари, руҳий изтироблар ва иккиланишлар гирдобиди қийналишлари табиий, балки қонуний бир ҳол эди. Чунки бу авлод хомхаёллар, сохта гувоҳномалар, ҳақиқатга хилоф йўлланмалар билан ҳаётга отилгандилар. Чунки уларга эсларини танигандан буён ҳаёт ҳақида «ҳаёт гўзал ва фаровон, ҳар қадамда сени қувонч ва бахтиёрлик кутиб турибди, сени орзуларингга элтадиган йўллар тептекис, барча инсонлар сенга фамхўр ва меҳрибон, яшамоқ нуқул шодлик ва бахтдир» дея таълим беришганди. Уларга алифбе ўргатган муаллим ҳам шундай деганди. Улар ўқиган-ўқимаган сон-саноқсиз китобларда ҳам шундай ёзилганди.

Янги поэтик насл вакиллари «конфликтсиз» ва «курашсиз» дунё куйчилирининг мана шундай башорат ва пайғамбарона ишончномаларини дастуруламал қилиб ҳаётга қадам қўйгандилар. Устозлар ва салафлар асосан, ҳаётга севинч ва бахт рангларинигина ажрата оладиган кўзойнаклардан қараган ва хулоса чиқарган эдилар. XX сьезд мана шу аждамчи кўзойнакларни синдириб чил-парчин қилди. Навқирон қаламкашлар ўйлаганлари билан кўрганлари, орзулари билан ҳақиқат ўртасидаги беқиёс фарқларни осонликча ҳазм қилолмас эдилар. Улар қаттиқ алданганликларини сездилар. Алам ва ғазаб билан хўрсиндилар.

«Биз шахсга сифиниши ва инсонга қўланкадай муносабат тажрибасини илк бор ва умрбод қоралаган XX сьездинг болаларимиз. Биз меҳнат исканжасидан янгича маънавият билан, ҳар биримиз ўз соҳамизда ҳар нарсани қилишга тайёр бўлиб чиқдик. Токи ўтмишнинг хатолари такрорланмасин, шунингдек инқилобимизнинг экономика ва маданият соҳасидаги улўфвор ютуқлари демагогларча оёқости қилинмасдан бизнинг ва келгуси авлодларнинг меҳнати туфайли тобора бойиб бораверсин», — деган эди атоқли совет шоири Евг. Евтушенко СССР Ёзувчилар союзининг V сьезидидаги (1971) чиқишида. — «Биз — XX сьездинг болаларимиз» деган ушбу образли ва ҳаққоний таъриф янги ўзбек шеърлятининг ғоявий-эстетик пафосини ҳам рўйи-рост ифодалайди.

## МАЪНАВИЙ ЕТУКЛИК ТИМСОЛИ

Адабиётшунос олим У. Норматов фикрига кўра «ижобийлик ниҳоятда кенг тушунча». «Даврлар ўтиши билан баъзи мезонлар ўзгариши мумкин, бироқ қалбнинг поклиги, ҳалоллик, одмилик, самийлик, одам зотига, унинг хотирасига, эл-юртга, она табиатга меҳр-садоқат, нопоклик, фирромлик ва қаллобликка, шафқатсизлик ва адолатсизликка нафрат ҳар доим инсонни улуглайдиган ҳислатлар бўлиб қолаверади».<sup>1</sup> У. Норматов «бугунги ҳикояларимизнинг етакчи ижобий қаҳрамонлари худди шундай ҳислат эгалари» эканини алоҳида таъкидлайди. Бу фикрларнинг тўғрилигига ҳеч бир шубҳа йўқ. Бироқ уларда вақт тушунчаси эътиборга олинмаган. Ахир кеча ижобий саналган ҳодиса бугун ёки эртага салбий баҳоланиши ҳам мумкин-ку. Дейликки, Турсуной Охунова ёки Аҳмаджон Одилов каби қаҳрамонлик тимсоли сифатида улугланган типлар бугунги кунимизда ижобий қаҳрамон сифатида баҳоланмай қўйди. Бир пайтлар пахтакорларга ҳашарга чиққан мактаб ўқувчилари ижобий қаҳрамон эдилар. Бугун эса бу масалага жиддийроқ қарашга тўғри келади. Чунки бугун ҳашарга ўз ташаббуси билан чиқаётган ўқувчининг ҳаёлида «ҳарна вақтим ўтади-ку» деган фикр ҳам йўқ эмас. Хуллас, ижобийлик категориясига жиддийроқ қарайдиган бўлсак, унинг даврга монанд ўзгариб туришини кўрамиз. Бинобарин, ижобий қаҳрамон проблемаси ҳам бевосита давр билан боғлиқдир. Аниқроғи ҳар бир даврнинг ижобий қаҳрамони ўзига хосдир. Чунончи, 20-йиллар адабиётининг ижобий қаҳрамони эски турмуш билан янги ҳаёт фарқларини англашга интилган содда инсон бўлса, 30-йиллар адабиётининг ижобий қаҳрамони эса, янги ҳаёт афзалликларини яхши англаган ва бу «янгиликка ўзини чоғлаган» онгли бир шахсдир. 40-йиллар ижобий қаҳрамонининг асосий фазилати унинг қалби ватанпарварлик туйғулари билан тўлиб-тошганида кўринади. 50-йиллар адабиётида ижобий қаҳрамон ҳар қандай қусурлардан холи, сал кам мукамал инсон тарзида тасвирланади. 60-йиллар адабиётида ҳам шу ҳол давом этади. Айни чоғда, бу давр адабиётидаги ижобий қаҳрамоннинг олижаноблик фазилати бўрттириб кўрсатилади. 70-йиллар адабиётининг асосий хусусияти шундаки, бу даврда ҳар бир образни мураккаб инсон тарзида тасвирлаш тенденцияси кучайди. Бинобарин, бу даврнинг ижобий қаҳрамони мураккаб характерли шахсдир.

Албатта бу ижобий қаҳрамонларнинг кўпгина инсоний фазилатлари муштарак бўлиши мумкин. Бироқ юқорида кўриб ўтганимиздек, маълум бир даврда бу инсоний фазилатларнинг конкрет бирортаси кўпроқ ижобийлик касб этади. Бу эса бевосита ўша даврдаги ижтимоий турмушга боғлиқдир.

80-йиллар адабиётида инсонни соддароқ тасвирлашга мойиллик сезилади. Айни замонда, бу давр адабиётида мураккаб образлар ҳам ўз кучини сақлаб қолди. Демак бу даврнинг ижобий қаҳрамони...

Келинг, яхшиси, охириги хулосамизни айтишга шошилмайликда, фактларга мурожаат қилайлик.

Маълумки, 80-йиллар ўзбек адабиёти проза жанри учун энг зиддиятли ва сермаҳсул бир давр бўлди. Етти йилдан сал ошиқроқ қисқа бир муддатда йигирмадан зиёд роман ва етмишга яқин қисса эълон қилинди. Бу даврда эълон қилинган ҳикоя, новелла ва кичик ҳикояларнинг умумий сони эса бир неча юздан ошди. Албатта, юксак адабий талаблар нуқтаи назаридан баҳоландиган бўлсак, бу асарларнинг ярмидан кўпроғи катта адабиёт яратиш йўлидаги изланишлар, машқлар экани кўриниб қолади. Аммо ўша ярмидан камроғининг ўзи ҳақида ҳам қисқа бир мақолада батафсил тўхталишнинг иложи йўқ. Шунинг учун ҳам биз 80-йиллар адабиётининг энг яхши ҳислатларини ўзида мужассамлаштирган баъзи қисса ва ҳикоялар таҳлили орқали бу даврнинг ижобий қаҳрамонини аниқлашга ҳаракат қиламиз...

Хайриддин Султоновнинг «Ёзнинг ёлғиз ёдгори» қиссаси эълон қилинганча, Адаш карвон образи ҳақида турлича фикрлар билдирилди. Ким учундир у ўта хоксор, ким учундир эса шахсга сиғиниш даврининг қурбони бўлиб кўринди. Умуман, бу каби образларни бизда ҳали ҳам курашчанликдан маҳрум қаҳрамон сифатида талқин қилинади. Дарҳақиқат, «Некалай подшога ҳам, Шўро ҳам ўз йўлига, одамзот аввало иймонини унутмаслиги лозим... зеро, одамзотда иймон бўлмаса, унда садоқат бўлмайди; бундай одам Некалай подшога ҳам, Шўро ҳукуматига ҳам бирдек ихлос билан хизмат қилаверади», — деб турган мулла ҳақида аниқ бир гап айтишнинг ўзи қийин-да. Бироқ бу образнинг энг характерли хусусияти ўнинг хоксорлигида ҳам ва наинки шахсга сиғиниш даврининг қурбони бўлганида ҳам кўринмайди. Хоксорлики автор оқлаётгани ҳам йўқ. Зеро, Адаш Карвон машаққатли, аммо ҳалол ўтмишига назар ташлаб дилдан англайдикки, мўминликнинг маънисини му-

У. Норматов. Кичик мўъжизалар. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. № 35, 1981 йил 27 ноябрь.

теълик эмас ва хоксор бўл дегани хор бўл дегани эмас экан. Бинобарин, бу англаш лаҳзаларидан сўнг асар қаҳрамоннинг характерида, ҳаётида жиддий ўзгаришлар бўлиши ҳам мумкин, бироқ бу ўзгаришлар қандай бўлишидан қатъи назар унинг асосий фазилатига доғ сола олмайди. Чунки Адаш Карвоннинг эътиқоди мустаҳкам, имони бутун. Аслида унинг ўзлигини белгилаб турган хусусияти, фазилати ҳам ана шу имон ва эътиқоддир...

«Болам, сенда бир Давлат бор, ана ўшани ўғирлатма, ўшани эҳтиёт қил... Иймонни авайла Иймонни!» — дейди «Хончорбоққа тун чўкканда» (А. Саидов) қиссасининг персонажларидан бири. Мазкур қиссадаги воқеалар тасвирдан бош қаҳрамон Наби Тароқнинг ҳам асосий фазилати имонлик ва эътиқодлик экани англанилади. Наби Тароқ ҳам Адаш Карвонга ўхшаб имонни пок сақлашга интилувчи диёнатли одам. Аммо у Адаш Карвон каби мўмин ва хоксор эмас, аксинча, ўз қадрини биладиган, дангалчи, бироз курашчан инсон. У кўз олдида рўй бераётган ноҳақликларга бефарқ қарамайди. Яхши-ёмонга муносабатини дангалича, очиқ-ойдин билдиради. Ҳатто турмада бемор бўлиб ётган ўз ўғлидан хабар олмагани учун Вали Пўконни диёнатсизликда айблаб уриб чойхонадан ҳайдайди...

«Галатепага қайтиш» қиссасининг бош қаҳрамони Ғайбаров Адаш Карвон ва Наби Тароқ каби ҳужожи эмас. Аммо умоҳиятэътиборибиланюқоридаги образларга яқин туради. Ҳозирча унинг ягона эътиқоди ҳалоллик. «Ғайбаров ҳалол одам. Бу хислати бизда шубҳа уйғотмайди. Хотинига, болаларига хиёнат қилган, ўзганинг жуфти ҳалоллини нопок йўлга бошлаган дўсти Самаднинг шармандасини чиқаради. Қўлини узатса етадиган қизни оний лаззат учун бадном этишдан ўзини тияди. Нотўғри фикр юришиб, камситишга уринган устози — катта олимни силтаб ташлайди ва ҳоказо»<sup>1</sup>. Ғайбаров биладики «тасавурдаги илоҳий дунё ва илоҳий тартибот аслида кишилик дунёсининг айна нусхаси, холос»<sup>2</sup>.

«Дунёнинг ишлари» (У. Ҳошимов) қиссасидаги она образида юқоридаги каби илмий мушоҳадакорлик ёки Наби Тароқ образига хос дангалчилик сезилмайди. У кўп жиҳатдан Адаш Карвон образини эслатади. Унинг ҳам эътиқоди поклик, ҳалоллик ва тўғрилиқ. Энг оғир шароитларда ҳам бир бурда нонини ҳалоллаб ейди. Фарзандини ҳам шу йўлда тарбиялайди. Шу жиҳати билан у «Галатепага қайтиш» қиссасидаги Ибодулла Махсум образини ҳам ёдга солади. «Яратган эгам ҳеч кимсани эсдан айирмасин, — дейди Ибодулла Махсум Ғайбаров билан сўхбатда. — У бир бурда нонини ўзи топиб еса. Шу бир бурда нонни ҳақиқатга йўйса бўлади.» Гап бу ерда фақат тириклик ғамида эмаслиги аён. Зеро, Ибодулла Махсумнинг бу гаплари тирикликнинг асоси ҳалол меҳнат бўлишига бир ишорадир.

Зиёдулла кал (Тоғай Мурод. «От кишнаган оқшом») ҳам бутун умрини ҳалоллик билан ўтказётган одам. Лекин у ҳеч қачон бу ҳақда ўйланмайди. Эътиқод, инсоф ҳақида бош қотирмайди. Чунки булар унинг ҳаётий эҳтиёжига айланган. У одам зотининг эътиқодсиз, имонсиз, инсофсиз бўлишини хаёлига ҳам келтирмайди. Шунинг учун ҳам фирром, номард одамларга дуч келганда ҳайратга тушади: «Ҳалигилар қандай жонзот эди, Тарлон? Оёқлари икков, кийимлари ҳам бор. Син-симбати одамга келбат беради. Одамга менгазб гапиради, кулади. Билмадим, Тарлон, билмадим. Сен билмасанг, мен билмадим. Мен сени биламан, Тарлон. Улар менга бегона...»<sup>3</sup>

Биз юқорида атеистик мавзуга ҳеч қандай алоқаси йўқ бир неча асарларни кўздан кечириб бир нарсага иқдор бўлдик. Не учундир, бу асарларнинг барида ҳам имон, эътиқод, инсоф, диёнат каби тушунчалар бош қаҳрамонларнинг етакчи хусусиятлари тарзида талқин қилинади. Бунинг сабабини яхшироқ англаш учун атеистик мавзудаги «Даҳрий» ҳикоясини қисқача таҳлил қилиш ўринли деб ўйлаймиз. Ёзувчи Саъдулла Сиёев қаламига мансуб ушбу ҳикоянинг бош қаҳрамони... диндор коммунист...

...«Билим» жамиятининг лектори Жамшид атеистик мавзуда лекция ўқиш кўнглига теккани сабабли ишдан бўшамоқчи. Аммо бўшаб олдиан унга охириги марта топшириқ берилади. Шу топшириқ бўйича «Оқ эшон»ни диндан қайтариш учун Башир қишлоғига борган Жамшид у ердан яна ўз ишида қолиш истаги билан қайтади. Сабаби, у диндан қайтармоқчи бўлган «Оқ эшон» динни чапараста сўкиш беҳудалигини исботлаб беради...

Балки танқидчиларимиз «Оқ эшон» образини мураккаб характер деб исботлашга уринишар. Биз эса бу фикрга қўшилмаймиз. Тўғри, юзаки қараганда «Оқ эшон» — Эшонхўжа Раҳмоновни тушуниш қийин. 1920 йилдан бери партия аъзоси, Бухоро халқ революцияси катнашчиси, босмачиларга қарши курашган, Ҳамза билан бирга агитбригадалар ташкил қилган одам нега «Оқ эшон» ёки «Эшон бова»га айланмаб қолгани қизиқ. Ахир бу иккиюзуламачилик эмасми? Коммунист одам тасбеҳ ўғирса, фотиҳа ўқиса, таҳорат қилса ва балки беш вақт намозни ҳам қанда қилмаса. Бу ахир, ҳаёт ҳақиқатига ҳам зид эмасми? Лекин ёзувчининг бадий маҳорати туйфайли биз бундай одам ҳаётда борлигига шубҳа қилмаймиз. Аксинча, унинг кўпгина сўзлари айна ҳақиқат эканини тан оламиз. Дейлик, у тасбеҳ ўғиришдан мақсад аввало эрмак, қолаверса «сочилиб ётган хаёлларини бир ерга жамлаш» дер экан, бу гапга ишонмай бўладимиз. Ахир греклар ҳам эрмак учун ёки хаёлларини бир ерга жамлаш учун тасбеҳ ўғиришлари маълум-ку. Эшонхўжанинг абсолют ҳақиқат йўқ, «мен мутлақ нарсаларга ишонмайман» деган гапи ҳам диққатга сазовор. У бу ўринда «дин — афюн» ширини мисол келтириб «ахир афюнни дори ўрнида ҳам ишлатадилар-ку», — дейди. Аслида бундан кўра оддийроқ ёки аксинча янада жиддийроқ нарсаларни ҳам мисол келтириш мумкин эди. Чунончи, оддий ҳақиқат шундаки, спорт билан шуғулланиш организмни чиниктиради. Лекин бу абсолют ҳақиқат эмас. Чунки олимлар яқинда исботлашларига кўра спорт билан кўп шуғулланиш организмнинг ҳимоя қобилиятини сусайтириб юборар экан. Жиддийроқ ҳақиқат шундайки, «бордан йўқ бўлмайди ва йўқдан бор бўлмайди». Аслида бу ҳам абсолют ҳақиқат эмас. Негаки, материалистик таълимот бўйича мазмун йўқдан бор бўлади. Маънавий, руҳий интилишлар йўқдан бор бўлади. Янаям соддароқ тушунтирсак, «оқсил моддаларнинг яшаш усули» (Ф. Энгельс) яъни тириклик атиги бир неча миллион йил илгари йўқ эди.

<sup>1</sup> Норбой Худойбергенов. «Меъёр ва тасвир». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, № 4, 1983 йил 28 январь.

<sup>2</sup> Мурод Муҳаммад Дўст. «Галатепага қайтиш». «Ешлик» журналы, 1982 йил, 8-сон, 27-бет.

<sup>3</sup> Тоғай Мурод. «От кишнаган оқшом». «Ешлик», 1982, № 11, 29-бет.

Хўш, бу гапларни бевосита ижтимоий ҳаётга татбиқ этсак-чи. Атиги бир неча йил илгари биз «коммунизмнинг порлоқ манзиллари» сари шитоб билан яқинлашаётган эдик. Бизда порахўрлик, юлғичлик, амалпарастлик йўқ даражада эди. Матбуотимиз ҳақиқат жарчиси бўлиб хизмат қиларди. Яқиндагина билдикки, биз коммунизмнинг порлоқ манзилларидан жудаям йироқлашиб кетган эканмиз. Порахўрлик, юлғичлик, амалпарастлик ижтимоий фалокат даражасига етиб қолган экан. Матбуотимизнинг ҳақиқат жарчиси эканлиги ҳам шубҳали бўлиб чиқди. Энг қизиғи шундаки, кеча биз соғиниб юрган кимсалар бугун тавқи лаънатга учрадилар. Кеча ижобий саналган ҳодисалар бугун салбий баҳо ола бошлади. Ижобий қаҳрамон терминига муносабат ҳам узғарди. (Майли, бу ҳақда куйироқда батафсил тўхталиб ўтамиз).

Хуллас, абсолют ҳақиқат йўқ деган фикрга биз ҳам қўшилаемиз. Эшонхўжа эса тагин бизни «йўлдан уради». «Исломининг нима афзаллиги бор?» деб савол беради у, ва захарҳандалик билан сўзида давом этади. — Ахир, у афюн, у золимлар қўлида қурол, тараққиёт душмани, инсоний ишқ кушандаси, тақдири азал тарафдори, аммо «халқнинг қон-қонига сингиб кетган?» Мантиқ қайда, ўғлим? Ахир халқимиз яхшилик учун, энг азиз, энг покиза армонлар учун ҳамиша жонини берган-ку? Бу фикрлар бизни ўйга толдиради. Дарҳақиқат, халқ учун афюн бўлган ислом дини нима учун бир минг тўрт юз йилдан бери яшаб келмоқда? Коммунист ёки комсомол аъзосининг диндорлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Энг ғалати савол эса ҳали олдинда — Биз динга қарши кураш оқибатида кўплаб эътиқоди пок кимсаларни йўқотиб юбормадикми? Ахир пок эътиқодли одам, у қайси эътиқодда бўлишдан қатъий назар, жамиятга эътиқодсиз кимсадан кўра кўпроқ фойда келтириши исботга муҳтож эмас-ку. Партияимизнинг бугунги қайта қуриш сиёсатини амалга оширишда диндорлар ҳам қатнашмоқдалар-ку. Москва ва бутун Русь патриархи Пимень, Рус православ черкови муқаддас синоди аъзолари билан Кремлда бўлган учрашув пайтида М. С. Горбачев таъкидлаб ўтганидек: «Диндорларнинг ниҳоятда кўпчилиги қайта қуришни мақбул топди, улар мамлакатни социал-иқтисодий жадаллаштириш планларининг бажарилишига, демократия ва ошқораликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқдалар»<sup>2</sup>.

Лекин Эшонхўжа қайта қуришни эндигина тан олаётган диндорлардан эмас. У азалдан коммунистик эътиқод тарафдори. Шу билан бирга, у ҳар қандай таълимнинг рационал маъзини билишга интилувчи зот. Шу тўғрисида Эшонхўжа фалсафа тарихини ҳам, «Таврот» ёки «Қомус-ул-ислом»ни ҳам ва ҳатто йоглар таълимини ҳам озми-кўпми ўрганган. Маълумки, ҳар қандай диний ақиданинг асосида ҳам маънавий мукаммалик фалсафаси ётади. «Оқ эшон» айнан мана шу маънавий мукаммаликка интилувчи кимса сифатида бир-бирига қарама-қарши икки таълимни ўзига сиғдира олган. Аниқроғи, у рационал мағизларни қўша билган. Унинг учун энг муҳими покликка интилувчи инсон. Эшонхўжа образининг юқорида биз кўриб ўтган образлар билан муштарак жиҳати ҳам айнан мана шу ўринда кўринади.

Шу ўринда биз фикримизни яқунлашимиз ҳам мумкин эди. Аммо баъзи олимларимизнинг 80-йиллар прозамизда ижобий қаҳрамон муносабати билан билдирилган фикрларига муносабати-мизни айтиб ўтишни шарт деб биламиз. Чунончи адабиётшунос А. Расуловнинг бу давр адабиёти ҳақида куюнчаки билан билдирган фикрлари диққатга сазовор. «Кейинги пайтларда истеъдодли ёш носирларимиз ўткир муаммоларга қўл урмаётирлар, — дейди у. — Уларнинг кейинги асарларида жамиятни ҳаракагга келтирувчи, курашчан қаҳрамонлар эмас, балки турмуш турткилари четга суриб қўйган кишилар образларини кузатасиз. Бу ўринда Элчиев, Эломонов, Султон сингари характерларни мисол келтиришимиз мумкин»<sup>3</sup>.

Аввало шунини айтиш лозимки, А. Расулов ўзи мисол келтирган образлар моҳиятини тушунмаган кўринади. Зеро булар даврга нисбатан олиб қараганда, айнан курашчан қаҳрамонлардир. Дейликки, Элчиев бутун умр «қашшоқ, завқдан бебаҳра яшабди». «Қорним тўқ, устим бут-ку, деб юраверибди — кўнгил тўқлигини уйлаб ҳам кўрмабди». «Борига шукр қилиб, қаноат қилиб юраверибди. Интилмабди!»

Эломонов эса эзгу ниятини байроқ тутиб ҳалол яшабди, шу билан бирга, вақтида оқ билан қорани яши ажрата олмабди. Зийрак бўла интилмабди.

Энди бир ўйлаб кўрайлик. — Элчиев билан Эломонов қандай даврда яшадилар? Қиссалардаги воқеаларга, тасвирга кўра бу 70-йиллар ёки 80-йилларнинг бошига тўғри келади. Маълумки, бу даврда ишбилармон, лаб-дахани чаққон кимсаларнинг ошиғи олчи эди. Элчиев ёки Эломоновга ўхшаб ҲАЛЛОЛ яшаш, ҳар бир ишда ТУҒРИ бўлишга интилган хизматчилар, айниқса, раҳбар ходимлар, кўпинча маломатга қолиб юришарди. Бу даврда кадрларни ишга қабул қилиш, лавозимга кўтариш пайтида ҳам асосан лаганбардорлик принципи амал қилинарди, яъни катта бошлиқнинг кўнглига қараб оқни қора, қорани эса оқ дея олувчи кимса Элчиев ёки Эломонов сингари ходимларга нисбатан қадрлироқ эди. Бинобарин, бу даврда оқни оқ, қорани қора деб айтиш, ҳалол, тўғри яшаш, борига шукр қилиб, қаноат қилиб юришнинг ўзини курашчанлик деб ҳисоблаш мумкин.

Қолаверса, Элчиев ва Эломонов шунчаки пассив яшаб ўтмадилар. Ажойиб кунларнинг бирида улар ўзларига ташқаридан ўзга нигоҳ билан қарай олдилар ва англадиларки, бундан буёғига эскича тарзда яшаб бўлмайдди. Киши ўзини ўзи ҳурмат қилиши учун ўзидаги қатъиятсизликни, мутельники энгиб олиши керак экан. Хўш, ўзидаги мутельники, қатъиятсизликини энгиб олган пок, ҳалол ва қаноатли кимса наҳотки курашчан ёки ижобий қаҳрамон бўлмаса?!

Афсуски, «Ҳар қандай одам асар бош ижобий қаҳрамони бўлиши шарт эмас»,<sup>4</sup> — деб ўйловчи адабиётшунослар ҳам бор. Уларнинг фикрича ижобий қаҳрамон «актив фаолият кишиси, ижобий маънодаги тиниб-тинчимас, «исёнкор», яратувчи, бунёдкор, катта ҳаёт, катта бахт кишиси, аниқроғи коммунистик идеал эгаси бўлмоғи лозим». «Шундагина инсон ва одам деган тушунчалар

<sup>1</sup> С. Сиёев. «Даҳрий». «Оғир вазили жанжалкаш.» Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1984, 17-бет.

<sup>2</sup> «Жамият ва дин» ўзаро муносабат муаммолари. «Тошкент оқшоми» газетаси, № 57, 1988 йил 8 июль.

<sup>3</sup> «Ҳаёт билан ҳамнафас». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, № 10, 1987 йил 6 март.

<sup>4</sup> С. Мирвалиев. «Ҳаётлик асосий мезон». «Шарқ юлдузи», 1982, 1-сон, 171-бет.

ўз яхлитлигини, бутунлигини сақлайди, майдаланишига имкон бермайди»...<sup>1</sup> Бу фикрдаги олимлар айнан ўша «исёнкорлик»ни характерли белги сифатида таъкидлаб кўрсатадилар. Уларнинг фикрича «кинсон бўлгандан кейин унга озми-кўпми исёнкорлик керак. Агар у кимларнингдир ҳақоратидан, таъқиридан ўзини ҳимоя қилолмаса у нимаси билан ва ким учун намуна бўла олади».<sup>2</sup>

Бундай улчовлар билан баҳолаш оқибати ўлароқ юзага келган ижобий қаҳрамонлар образи эса ҳамма даврлар, хусусан 80-йиллар адабиёти учун характерли дея олмаймиз. Ахир ижтимоий ҳаётнинг ўзида исёнкорлик, курашчанлик сусайиб кетган бир даврда юқорида таъриф қилинган образларни ҳаётин деб бўладими? «Умуман қаҳрамоннинг фаоллиги фақат юзма-юз туриб олишувлардагина намоён бўлади, деб ўйлаш кулгили бўлар эди»<sup>3</sup>. Бу ўринда яна бир бор ижобий қаҳрамон тушунчаси давр билан чамбарчас боғлиқ эканини эслашга тўғри келади. Зеро, ижобий қаҳрамон деганда конкрет бир даврда яшаётган, шахсий ибрати билан одамларни эзгуликка ундаётган пок эътиқодли, ҳалол, виждонли шахсни тушуниш тўғрироқ бўларди. Унинг қай даражада актив ёки пассив фаолиятда бўлиши, курашчанлиги ўзи яшаб турган даврдаги конкрет ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларга боғлиқдир. Бинобарин, ҳамма даврлар учун ҳам бирдай ижобий қаҳрамон бўлиши мумкин эмас. Қолаверса, «асарнинг асосий қаҳрамони ҳамма вақт ташаббускор, серҳаракат, фаол бўлиши керак, деган талаб социалистик реализм уфқларини торайтириб, имкониятларини чеклаб қўяди».<sup>4</sup>

Бир пайтлар Хайридин Султоновнинг «Қоғоз гуллар» ҳикояси юзасидан ҳам жиддий баҳслар бўлган эди. Чунончи, Ш. Нуралиев «Қоғоз гуллар» сабоғи мақоласида Сайдазни бутунлай қоралаб чиққан ва аксинча Омон Ғаниевични кўкларга кўтарган эди. Аслида бу икки дўстнинг ўртасида биттагина жиддий фарқ бор. Сайдаз ҳаётда биринчи ўринга ҳалоллик ва тўғрисузликни қўяди. Омон Ғаниевич эса манфаатдорликни биринчи ўринга қўяди. Сайдазнинг шундай талантли бўлатуриб ўзига маъқул келмаган ўқитувчилар тўғрисида илмдан воз кечиши, албатта, унинг пассивлигини кўрсатади. Лекин, барибир, у ҳам курашчан, бинобарин, ижобий қаҳрамон. Чунки... келинг, яхшиси яна бир асарни кўриб чиқайлик.

Зоҳир Аъламнинг «Эркин» ҳикоясининг қаҳрамони тубан бир порохўр, қаллоб шахс билан ресторанда самимий суҳбатлашиб ўтиради. Ажабки, бу пайтда Раҳматовнинг қаллоблигини аллақачон билиб олган эди. Хўш, унда Эркиннинг Раҳматовдай қаллоб одам билан самимий кулиб суҳбатлашишига сабаб нима? Бу ҳақда ҳикоянинг ўзида шундай дейилади: «Эркинжон аввалига тортишиб, керак бўлса сўкишиб ҳам ўзининг фикрини ўтказмоқчи бўлганди. Лекин Раҳматовдай пихи қайрилиб, этига кириб кетган одамни фақат кулги билан енгишини, фақат кулги билан мувозанатдан чиқара олишини вақтида тушуниб қолган эди».<sup>5</sup>

Эркиннинг эътиқоди мустаҳкам, тўғрилик, ҳалоллик унинг учун маънавий эҳтиёж. У ўзининг ҳеч вақт қаллоблик кўчасига кирмаслигини жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам бу кўчадаги одам — Раҳматов билан бемалол, ҳадиксирмай, жиғи-бийрони чиқмай, самимий суҳбатлаша олади. Чунки Раҳматовни барибир гап билан тузатиб бўлмайди. Иккинчи томондан эса у Раҳматов каби қаллоб одамнинг ҳам бир яхши фазилати борлигига умидворлик қилади.

Мана, биз 80-йиллар қисса ва ҳикояларига бир назар солиб ўтдик. Энди умумий хулосаларни чиқариш ҳам мумкин.

Кўриб ўтганимиздек, бу даврда яратилган қисса ва ҳикояларнинг қаҳрамонлари орасида қоровул ёки чойхоначи, мулла ёки пенсионер инқилобчи, философ ёки оддий хизматчи ва ҳатто маъсул раҳбар ходим образлари ҳам учрайди. Қизиқки, буларнинг ҳеч бири актив курашчанлик хусусиятига эга эмас. Аммо юзаки қарагандагина шундай. Агар образ моҳиятига кириб бориладиган бўлса, буларнинг ҳар бири маълум даражада курашчан қаҳрамонлар эканини сезиш қийин эмас. Ноҳақлик, эътиқодсизлик, нопоклик анчагина авж олган бир даврда мазкур қаҳрамонларнинг характерларидаги поклик, ҳалоллик, тўғрилик, қаноатлилик ва энг муҳими эътиқодлилик каби хусусиятлар янада бўртиб кўринади. Бу одамлар ўзларининг, яъни жамиятдаги бир шахснинг виждонини энг оғир дамларда ҳам пок сақлай олдилар, шу учун курашдилар. Бинобарин, 80-йиллар прозасидаги ижобий қаҳрамонлар ҳам ана шулардир. Ёзувчи Хайридин Султонов сўзлари билан айтадиган бўлсак: «Теварак-атрофдаги одамларнинг барчаси маънавий юзтубан кетганида, ҳаром-ҳаришга ботганида, жамки уқубатларга чидаб, бир бурда нонини ҳалол топиб еган одам... чинакам курашчан қаҳрамондир. У фавқулудда жасорат кўрсатмаслиги мумкин, лекин эътиқодига садоқати билан, инсофу диёнати билан шундай баҳога муносиб»дир.

<sup>1</sup> Уша ерда.

<sup>2</sup> Е. Яқвалхўжаев. «Уч қисса — уч олам». «Ўзбекистон маданияти», 1979 йил 16 октябрь.

<sup>3</sup> П. Шермухамедов. «Қаҳрамоннинг маънавий олами». «Шарқ юлдузи», 1982, 1-сон, 164-бет.

<sup>4</sup> Н. Худойберганов. «Умри узоқ бўлсин». Уша журнал, 180-бет, 1982 йил.

<sup>5</sup> Зоҳир Аълам. «Эркин». «Шарқ юлдузи» журнали, 1981, 12-сон, 100-бет.

# ТОНГ ЮЛДУЗИ ШУЪЛАЛАРИ

Утган йили «Шарқ юлдузи» журналида Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи қайта чоп этилгани маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Зеро, мазкур роман Чўлпон ижодида ҳам, ўзбек романчилиги тарихида ҳам алоҳида ўрин тутувчи асардир. Гап «Кеча ва кундуз»нинг адабиётимиз тарихида «Утган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Қуллар», «Дохунда», «Сароб» асарларидан кейин майдонга келган олтинчи романлигида ва ё дастлабки роман-диалогиялигида эмас. Гап шундаки, бу роман, биринчидан, Чўлпоннинг шеърят, наср, драматургия, адабий танқид ва таржима бобидаги ижодий фаолиятига хос жами фазилатларни бир фокусга йиғиб кўрсатувчи асар, ёзувчининг бош асари, унинг ижод осмонидаги энг ёруғ юлдуз деса арзигулик йирик эпик полотнодир. Иккинчидан, у тарихимизни бадий инжишоф этиш нуқтаи назаридан Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» тарихий романлари билан Ойбекнинг «Қутлуғ қон» тарихий-инқилобий романи ўрталиғидаги муайян бўшлиқни тўлдирга олади. Агар дастлабки икки тарихий романда, муаллифнинг ўзи таъкидлаб айтганидек, «ўтмишнинг энг кир, қора кунлари — машъум хонликлар замони» бадий акс эттирилган, Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романида эса, ўзбек халқи тарихининг инқилоб даври атрофлича кўрсатилган бўлса, «Кеча ва кундуз» романи (тўғрироғи, роман-диалогиянинг биз танишишга муваффақ бўлиб турган биринчи китоби) шу икки ўрталикдаги улкан давр — хонликлар замонидан ҳам даҳшатлироқ хоризмнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати тўғдирган аянчли аҳволнинг ҳаққоний тасвирига кўра ғоят қимматлидир. Ва ниҳоят, учинчидан, мазкур асар эстетик нуқтаи назардан, ёзувчининг бадий маҳорати, санъаткорлиги нуқтаи назаридан қатор ибратли жиҳатларга эга.

Давъомизнинг исботи учун дастлаб образлар системасини бир қадар умумийроқ назардан ўтказайлик. Бизнингча, романда бетакрор характер хусусиятлари билан нисбатан ёрқинроқ кўзга ташланувчи образлар саккизта: Зеби, унинг отаси Раззоқ сўфи, онаси Қурвонбиби «фитна», Мирёқуб эпақа, Акбарали мингбоши, Пошшоҳон, Нойиб тўра, Зуннун. Қолган образлар, чунончи, Биби Марям (Мария Степановна Астрова), Салтанат (Салти), Энаҳон, Улмасжон, Ҳакимжон, Султонхон, Хадичахон, Умриниса биби кабилар бу етакчи образларни бирон-бир жиҳатдан тўлдириб, муайян иқлим, муҳитни ҳосил қилиб келадилар. Агар бу образларни романчилигимиз тарихида яратилган бошқа қаҳрамонларга, айтилиқ, Мирёқуб эпақани — Отабекка, Қурвонбиби «фитна»ни — Ўзбек ойимга, Раззоқ сўфини — Солиҳ маҳдумга, Пошшоҳонни — Зайнабга қиёслаб қарасак, шу ҳолни аён кўриш мумкинки, Чўлпон аввало Қодирий романларидан ижодий таъсирланган, айни пайтда уларга янгича ёндаша олган. Чунончи, Мирёқуб эпақа, Озод Шарафиддинов ёзганидек, «буржуача ишбилармон корчалон» сифатида савдогар Отабекка нисбатан эпчил. Асрлар бўйи савдо-сотих ва тадбиркорликни маданиятнинг муҳим белгиси деб билувчи миллий-ижтимоий табақага хос хусусиятларни бу образ ўзидан нисбатан яққолроқ намоён эта олган. Бугина эмас. Мирёқуб шу қадар устаси фаранг, яна О. Шарафиддинов таърифи билан айтадиган бўлсак, шундай «янги типдаги» савдогарки, у фойда, моддий манфаатдорлик йўлида ҳеч нимадан қайтмайди. Узи иқдор бўлганидек, Нойиб туранинг хотини ёхуд мингбошининг иккинчи хотини Пошшоҳонга ўйнаш тутинишдан кўзлаган мақсади ниҳоят «айшини суриб яшаш» эмас, балки шу йўл билан ҳам фойда ундириши: Нойиб тўрани янада маҳкамроқ қўлга олиш, мингбоши меросининг лаоқал бир қисмига эга чиқиш!

Ёхуд, Қурвонбиби «фитна» билан Ўзбек ойимни қиёслаб қарайлик. Маълумки, Ўзбек ойим табиятан шўх-шаддод, фавқуллодда ўктам. Шу қадар ўктамки, ҳатто эри, кимсан Юсуфбек ҳожига ўз ҳукмини ўтказа олади. Албатта, ўтмишда ўзбек аёллари орасида бундай ўктам аёллар оз бўлган. Аксарият ҳолларда эса, мазлум хотин-қизларнинг оиладаги мавқеини «мустаҳкамлаб», ўзига паст назар билан қаровчи эридан ҳақ-ҳуқуқини ажратиб яшашнинг ягона воситаси — макр, фитна-фужур, ғийбатингиз майда гап, тил-забон бўлиб келган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда Қурвонбиби «фитна» Ўзбек ойим ва ёки унга ўхшаш аёллар образларининг анча-мунчасига нисбатан типикроқ, ижтимоий ва руҳий асослари мустаҳкамроқ.

Асардаги энг жозибадор образлардан бири Раззоқ сўфидир.

Аввало шунини айтиш керакки, «Кеча» романида «сўфи» сўзи ниҳоят бир касб-кор номи ёхуд лақабини эмас, бутун бошли ижтимоий табақани — халқ мақолида айтилганидек («Ўғри қариса сўфи бўлади»), ночор-ноилож сўфига айланган ўғриллар тоифасини характерлаб келади. Буни, жумладан, Умриниса бибининг Зеби хусусида Султонхонга айтган бир гапидан ҳам билса бўлади: «Зеби-хон жуда сифи одамнинг қизи экан». Бу жумлада «жуда» сўзини Чўлпондек моҳир стилист (Чўлпоннинг бу маҳоратига биз қуйироқда кўп бор иқдор бўламиз) бежиз қўлламаган. Мазкур сифатлаш Раззоқ сўфининг касб-корига эмас, характер хусусиятига тегишлидир.

Дарҳақиқат, бир пайтдаги қилмишларининг жазосини тортиб, дами ичига тушиб, Эшонбобони тавоб этиб, «Ё раззоқ!» деб ётган «ёввош, беозор, мўмин-мусулмон» одам у! Муаллиф Раззоқ



сўфини характерловчи теша тегмаган деталлар топади, оҳорли таъриф-ташбеҳлар қўллайди. Чунончи, Раззоқ сўфи она қорниданоқ қовоғини уйиб, чимирилги тушганмиш, ҳатто, киндик момони — «ҳазилқашлиги ва шўхлиги билан хотин-халаж ўртасида донг чиқарган» Ҳамро эна: «Илжайинг!» деб ёлборганида ҳам лоақал илжаймаганимиш. «Ушанда кулмаган Раззоқ сўфи ундан кейин ҳам кулмай ўтди». Тўғри, у баъзан илжайди, лекин «Раззоқ сўфининг кулушларини кулуш деб бўлмайди». Келтирилган гапдаги аччиқ истеҳзога эътибор беринг! Унинг давомидан сўфини характерловчи муҳим таъриф келади: «Қурвонбиби сўзга қанча эпчил бўлса, Раззоқ сўфи шу қадар камгап, индамас, дамини ичига солган, зиқна одам эди», «Зиқна» сўзи ташувчи маънога диққат қилинг! Сезилиб турибдики, Раззоқ сўфи шунчаки «хасис» маъносидаги зиқна эмас, сўзнинг асл маъносидаги зиқна, яъни, тор — ичи тор! Аиниқса қуйидаги жумла сўфининг бу феълени ойдинлаштириб турибди: «Ташқари оламда, яъни ўз ҳовлисидан ташқари унинг доимий ва бирдан-бир вазиқаси: ўзидан улуғ ва кучликлар гапирса — «ҳов-ҳовва» демак, ўзидан паст ва кучсизлар гапирса — «йўқ-йўқ» деган маънода бош чайқаш бўларди». Ҳа, Раззоқ сўфи шу қадар зиқнаки, иккинчи ҳолатда «йўқ-йўқ» дейиш ҳам унга малол келади — бош чайқаб кўя қолади. Қачонлардир туғишган акаси билан «бир шапалоқ ёрни талашиб, шу тўғрида нари-бери бўлишиб, шу туфайли шаҳарга келиб қолган». Раззоқ сўфининг зиқналиги — ичи торлиги, текинтомоқлиги, беҳафсалиги шунчалликки, қоринни тўйдирган Эшонбобони яратганнинг ўзидан ортиқроқ кўради. Сабаби, Қурвонбиби зорланиб айтганидай, «Ўзи тўй-мўйга бориб қоринни тўйгазиб келса бўлди, бошқа билан иши йўқ... Оч қолса ҳам бўйни ишга ёр бермасдан, шу бўйича ўтиб кета берадиган» одам учун у ягона нажоткор-да! Аслида-ку, «ҳалол-ҳаромни кўп ҳам фарқ қилмайди», «мўмин-муслмоннинг урфига ҳам амал қилмайди», ғафлат уйқусини деб тоат-ибодатдан воз кечаверади... Лекин гап Эшонбобо хусусида кетганда, «хонақонинг текин шовласини еб ёмон ўрганган» бу боқиманда югурдак ўз пирининг бир имосига минг ўмбалоқ ошишга тайёр! Шу боис «Бу нима қиёмат!» деб Зебини уришиб-сўкиб турган чоғида ҳам, Эшонбобо бу ёқда турсин, Эшонийимнинг (аслида айтмаган!) бир оғиз гапи учун қўйдек ёввош тортиб, қизини қишлоқ сафарига юборишга рози бўла қолади. Устига устак, «Эшонийимнинг раъйига қарасин» деб тайинлайди ҳам? Не-не совчиларга «таслим» бўлганга бу ота, Эшонбобонинг бир оғиз гапи билан норасида қизини мингбошига тўртинчи хотинликка қўш қўллаб топширади. Лекин бу торлик, калтабинлик, кўр-кўрона ихлос, ортиқча қарамлик бир кун келиб сўфини шундай аҳволга дучор этадики, у, бамисоли халқ мақолида айтилганидек, «эшонни деб эшагидан айрилади». Яъни, якка-ю ягона суяничиғи, арзандаси, кўзининг оқу қораси — қизидан тирик-лайин жудо бўлади. Шунда ҳам Эшонбободан нажот кутади, ёрдам сўраб пойига бош уради. Унинг ўз кулфатига парвойи палақлигини кўргандагина сўфи кўнглидаги кўп йиллик ихлосдан пўттур кетади. Мана шунда усиз ҳам тор юраги торая-торая тарс ёрилгудек аҳволга келади-да, беҳос «портлайди». Кўнглида ўз валинеъматини, пири муршидига исён уйғонади. Қарабсизки, ёввошдан йўғон чиқади: кўнглидан кечган аччиқ гапларни Эшонбобога айтиб, не-не шўриш-у ғавғолардан сўнг, ҳаттоки уни ўлдириб аламдан чиқади. Натижада эшоннинг жонсиз жасади-ю сочилиб ётган пулларини кўрган муридлардан бири шундай тағдор, ғоят пурмаъно бир гап билан сўфини ёзғиради: «Ҳам жонига, ҳам молига қасд қилган экан, баччағар!» Уйлаб қоласиз: «Кимнинг моли-ю жонига қасд қилган? Эшонбобонингми ё ўзинингми?» Жиддийроқ ўйласангиз англашиладикки, сўфи, айни зиқналиги, торлиги, ялқовлиги, шу бадфеъли сабаб, аслида ўзининг моли-ю жонига қасд қилган! Кўп йиллар шундай қасд билан яшаган-да, охир-оқибат, ўзи англаб етган бу йўқотишининг ўрнини бирваракайига қоплаш учун Эшонни ўлдириб, унинг пулларини олиб қочган!...

Кўриниб турибдики, Раззоқ сўфи образи маъзи тўқлигидан ташқари, ғоят ўткир, фош этувчи атеистик руҳи билан ҳам фавқуллод улкан аҳамият, ибрат касб этади. Адабиётимизда дин пешволарининг пуч маънавийтини, тақводорлик фожиасини бу қадар куч билан фош этувчи асар камдан-кам, деса бўлади.

Маълумки, Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»да Зайнабнинг кўнглида «уйғонган кундошлик психологиясининг то Кумушбибига қотилликка қадар ўсиб боришини етарли асослаш мақсадида муҳим бир воситадан — унинг тadbиркор ва айёр опаси образидан фойдаланади. Сирасини айтганда, ёш бир жувон, ҳар қалай, аёл киши, кундошлик алами қанчалки хурўж қилмасин, қўшалоқ қотилликка (Кумуш ўлимидан аввал оғир оёқ эди) журъат этмаслиги эҳтимол эди. Бу журъат ўқувчини ишонтирмаслиги аниқ эди. Агар йўл кўрсатувчи маслаҳатгўй бўлса-ю, Зайнаб унинг кутқусига учса, бошқа гап!

«Кеча ва кундуз» романида эса, уч кундош, аиниқса уларнинг ўртанчаси Пошшоҳон образида феодал жамият туғдирган бир ижтимоий табақа психологияси бутун мурқаблиги билан очиб кўрсатилган. Эътибор беринг! Пошшоҳон келинчаллик пайтида катта кундоши Хадичахонни «босиб-янчиб», «уйнаб-кулиб» яшаган. Қайтар дунё, деганларидек, вақти келиб, ўзи ҳам Султонхон томонидан худди шундай, балки яна-да кучлироқ босилиб-янчилган (ахир, бу аёлнинг лоақал қизи, ягона овунчоғи ҳам йўқ-да!). Лекин у Зайнабдек анойи эмас. Бошқаларнинг маслаҳат-у йўл-йўриқларига муҳтож ҳам эмас! Шу боис қаллиқбоз эри-ю, такаббур Султонхонга топталиб қолавермайди. Вазиятдан ўзига «муносаб» йўл топиб чиқади: мингбоши бўлмаса-да, аслида мингбошидан қудратлироқ Мирёқуб эпакча ўйнаш тутинади. Ҳатто унинг уйига ҳам бориб, бола-чақаларининг шундоққина ёнгинасида ўйнашлик қилишдан қайтмайди. Лекин шунда ҳам алами тарқамайди, хумори ёзилмайди. Энди ўз эрига «яна биттани олиб бериб, яшшамагур Султонхонни қонқора қақшатиш, кибру ҳаволарини синдириш, шаштини қайтариш, ҳовлиқшини босиш» ниятида собиқ душмани — катта кундошининг олдида илондек эшилиб-буралади. Илоннинг ёғини ялаган бу афсунгар Мирёқубнинг ўзи билан нима мақсадда элакишиб юрганини жуда яхши билади. Керак бўлса, эпакани ҳам авраб-лақиллата олгучи фариб қудрати бор бу «пошшо» аёлда. Шу боис мовий кўзли дилбар — Биби Марям (эътибор беринг: Биби Марям, ҳалоллик ва поклик тимсоли!) билан аллақайларга бош олиб кетган Мирёқубнинг, башарти мингбоши давлатининг лоақал бир қисми Пошшоҳонга қолгудек бўлса, кунлардан бир кунни тагин қучоқ очиб келишига қатъий ишонди. «Мингбошининг катта давлати тинч кўяда дейсизми?» Лекин Пошшоҳон умид кўзини тиккан катта давлат унга эмас, ҳатто Султонхонга ҳам эмас, Зебига қолса-чи? Азбаройи Султонхонга панд бериш учунгина Зебини мингбошига рўпара қилиш режасини тузган бўлса-да, энди айни шу қилвириги сабаб икки қўлини бурнига тиқиб қолаверса! Бунга чидаб бўладими? Қош қўяман деб кўз чиқариш бундан ортиқ бўлмас! Ана шунда Пошшоҳон, уйлай-ўйлай, тагин шундай бир шумликни «ишлаб чиқади»ки, бунисини бир

ўқ билан икки эмас, бир йўла учта қушни баравар ағдариш дейдилар: Зебига кучала бериб эрини тириштиради — бу «бало»дан қутулади. Ҳамма бу қотилликни Султондан кўради. Қарабсизки, мингбошининг суюкли кенжа хотини, асосий меросхўри бўлиб қолаверади. Ҳа, бу қотилликни Зайнабнинг қотиллиги билан қиёслаб бўлмайди! Қолаверса, кундошлик психологияси ҳам Зайнабнинг кундошлик психологиясидан фарқ қилади: унда ёлғиз аламзадалик эмас, аввало мол аччиги — жон аччиги бор!..

Маълумки, ҳар қандай мустамлакачилик сиёсати «сопини ўзидан чиқар», «ўзини ўзига едир», «ажратиб ташла-ю ҳукмронлик қил» қабилдаги «принцип»лар негизига қурилган. Чор Россияси амалдорлари ҳам улардан мустасно эмас. Одатда мустамлакачиларга ерли халқни идора қилиш учун Мирёқуб эпакадек «худди бир америкаликка ўхшаш», «чакки шу сартия ичида туғилиб қолган» ақлли ва тадбиркор одамга нисбатан Акбарали мингбошидек овар ва оми одам маъқулроқ. Чунки Мирёқуб панд бериб қўйиши мумкин (ахир, ақлли ва тадбиркор-да!) Акбарали эса, айтган гапингни тузук-қуруқ ўйламай-нетмай итоаткорона бажараверади. Мустамлакачилар учун, мингбошими, қозими, бошқами, хуллас, маҳаллий амалдор қанча аҳмоқ бўлса, шунча яхши. Шу маънода Акбаралидек тупори бир калтабининг мингбоши бўлиб, юрт сураб туриши гоят табиийдир. Бундай бошлиқларнинг обрўйи-ю нуфузи кунба-кун ошиб, мансаб пилла-пояларида юксалиб боравериши ҳам табиий.

Лекин мингбошилиқ мансабида ўтиришининг ўзи бўлмайди: бунинг учун лоақал зиғирча ўқув, фаҳм-фаросат керак бўлади. Акбарали мингбошида бу ҳам йўқ. Бироқ ўрнини қоплай оладиган баъзи бошқа нарсалар бор.

Умуман олганда, Акбарали мингбошини, худди қовун полизидаги тасқара қўриқчидек, йиқитмасдан мустаҳкам ушлаб турган учта таянч бор, деса бўлади. Булардан бири — бойлик, иккинчиси — Нойиб тўрадек чор чиновниклари, учинчиси — Мирёқуб эпака. Бу «оёқ»лардан қайбири бақувватроқ? Албатта, Мирёқуб! Чунки айнан у мингбошини аввал-бошда йўқдан бор қилган — бир «тадбир» билан Акбарали эллиқбошини мингбошилиқ лавозимига ўтказиб қўйган. Энди истаса бордан йўқ қила олади ҳам! Лекин Мирёқуб бунга истамайди. Мингбошининг «дуини тугиб», ўрнига ўзи ўтириши хаёлига келтирмайди. Сабаб? Чунки Мирёқубга ҳам шуниси қулайроқ. Бошига ортиқ ташиш ортиришининг нима кераги бор! Узи мингбоши бўлмаса-да, мингбошини айикдек ўйнатиб, эпини топган икки ошар деганларидек, икки кишининг чекига тушган кайф-сафони бир ўзи сурса ёмонми? Мирёқуб шундай эпақаки, Акбарали мингбоши бир гал ўзича иқдор бўлгани ва асар муаллифи таъкидлаб ўтганидек, унга «эпақа лақаби камлик қилар эди. Унга бошқа бир лақаб топиш лозим бўлардиким, ўндай лақабни энди бу қишлоқ одамлари тополмасдилар: мунинг учун амир Навоий ёки мавлоно Жомий, ё бўлмаса Шоҳ Машрабнинг тирилиб келиши даркор эди». Ҳа, Мирёқуб шундай эпчилки, ҳар қандай оғир вазиятда мингбошига балоғардон ҳалоскоргина эмас, аслида наинки Пошшоҳонга, мингбошининг учала хотинига эр ҳам у! Бепушт мингбоши хотин устига хотин олаверади, уларни «зурриётсиз»лиги «қари қиз»ликда айблаверади, меросхўрининг йўқлигидан зорланаверади. Якка-ю ягона қизи ҳақида ўйларкан, гоҳида, диққат қилинган, ҳатто ўз соясининг ҳам эшитмоқ эҳтимоли қолмаганда: «— Бу қиз ўлгур ҳам бошқадан бўлмасин» — деб кўяди». (Ўрни келганда айтиб ўтмоқ керакики, Акбарали тилидан берилган биргина «ўлгур» сўзида олам-олам маъно бор: аслида заифалар қўллайдиган бу қарғиш мингбошининг қандай эркак, қандай инсоний қисматга дучор одамлигини яққол намойиш қилиб тургандек). Ҳолбуки ўша якка-ю ягона қизининг ҳам отаси кимлигини икки одам — Хадичахон билан Мирёқубгина билишади, ҳолос! Дарвоқе, мингбошининг кичик хотинлари ҳам, бошқалар ҳам, романи зеҳн қўйиб ўқиган китобхон ҳам бу қизнинг отаси кимлигини фаҳмлай олади. Бунинг учун айрим имо-нишораларга, жумладан, қизнинг онаси Хадичахон тилидан айтилган «Юшки эп деган нарса бўлса кўёвда» («Акбарали мингбошида», демоқчи — Р. О.), «Ҳаммамизнинг акамиз») яъни, Мирёқуб — Р. О.) қабилдаги тағдор гапларга эътибор бериш кифоя. Лекин биргина одам буни фаҳмламайди. Бу — Акбарали мингбоши! Аввало бефаҳм, қолаверса, бепушт! Акбарали мингбошининг бутун фожиаси ҳам мана шунда!

Чор самодержавиясининг Туркистондаги вакили Нойиб тўра Акбарали мингбошидек бепушт эмас, анюй ҳам эмас, бироқ ифлосликка келганда ундан чандон ифлосроқ. Бу борада мингбошига устозлик қилишга ярайди. Фарқ фақат шундаки, агар мингбоши ифлосликни очик-ошкор қилса, намойишкорона тарзда кетма-кет хотин олса, Нойиб тўра хотин олиб овора бўлмайди. Бунисидан айш-ишратнинг хуфя йўлларини маъқулроқ кўради. Нойиб тўранинг ўзи Мирёқубга мақтаниб айтишича, «Ҳай-ҳавас учун мутлақ ўтириш шарт эмас... Акбарали аҳмоқ!».

Унингча, энг маъқул йўли: «Хотининг битта, айшинг жойида...»

Лекин ўша битта хотиннинг ўзи ҳам номигагина хотин. Уйлаб қарайлик: Нойиб тўранинг оиласига ошпазлик қилиш учун Зуннундан бошқа одам қуриб кетганими? У Зуннуннинг ўз хотини билан ўйнашиб юрганини билмасмиди? Лоақал гумон қилмасмиди? Жуда яхши биларди! Унга кераги ҳам шу эди-да! Хотинини ўз уйида Зуннунга қўшиб, «овутиб» қўяди-да, ҳўда-беҳўда хархашларидан «қутулиб», айшига муқкасидан шўнғиверади. Фаҳмлаш мумкин, Нойиб тўранинг Мирёқуб эпақага ўзини яқин олиб юришдан кўзда тутган асосий мақсади ҳам хотинининг ўйнашини янгилаш, хотинини бу «қоракўз сарт»га рўпара қилиш! Бундай тубанлик олдида Акбарали мингбошининг «итлик»-лари ҳолва эмасми, аслида?

Нойиб тўрадек қилни қирқ ёрадиган мустамлакачи амалдор учун оилавий-маиший соҳадаги бундай ифлосликлар «йўл-йўлакай машғулот, шунчаки бир ўткинчи гап», албатта. Ифлосликнинг каттаси унинг «ижтимоий фаолият»ида! Тўғри, романда (эҳтимолки, романнинг биринчи китобида) бу «фаолият» бутун мураккаблиги билан атрофликка очилган эмас. Ҳолбуки уни кенгроқ очиш мумкин ва керак эди. Лекин энг асосий учтагина «деталь» — юртни Акбарали мингбошига, Акбарали мингбошини Мирёқубга атайлаб ем қилиб қўйиши, ерли халқнинг маданий меросига олғирларча муносабати ва, айниса, келиб-қелиб Зуннунни Акбаралининг ўрнига мингбоши қилиб кўтаришининг ўзиёқ Нойиб тўранинг социал қиёфасини рўй-рост кўрсатиб турибди.

Бу мустамлакачи амалдорнинг қўлидаги қўғирчоқлардан бири Зуннун ҳали Нойиб тўранинг ўзи ёхуд Акбарали мингбошидек разолат ва фаҳш ботқоқига бўғзигака ботиб улгурмаган. Худди Мирёқубда бўлганидек, бу қаҳрамонда ҳам икки куч — диёнат ва разолат, инсоний ва шаҳвоний

ҳой-ҳаваслар ўзаро курашиб яшайди. Бир томондан — тезроқ уйланиб, бола-чақа кўриш орзусини қилади. Иккинчи томондан «уй бекаси хоним»нинг нопок қучоғидан ажралиб чиқолмайди. Бир томондан — уйланишига Нойиб тўрадан ижозат олиб беришни Мирёқубдан ўтиниб сўрайди. Иккинчи томондан — унинг олдида бекани намойишкорона ўпиб-қучоқлаб, ўз «уддабўрулигидан» мақтанади, гўё Мирёқубнинг ҳавасини келтирмоқчи бўлади. Тасаввур қилиш мумкинки, Акбаралининг ўрнига мингбоши қилиб тайинлаши Зуннундаги бу иккиланишларга узил-кесил барҳам беради. Энди у ҳам Акбарали мингбошининг йўлини қарий айнан такоррайди. Энди Нойиб тўра тарбиялаб вояга етказган, унинг «малака ошириш» мактабида ўқиб, яхшигина бичилган яна бир ифлос, тагин денг, кечаги ошпаз, юрт сўраб амалдорлик қилади...

Ёдингизда бўлса, Мирёқуб эпақа Нойиб тўрадан «Империя нима?» деб сўрайди. У эса, уч нар-сани: аввалига — подшонинг девордаги суратини, кейин — ўзини, охирида — елкасидаги погонини кўрсатади: «Мана шу империя». Орадаги «текин томоша»дан сўнг Мирёқуб ўзича ўйлайди: «Империя нима десам оқподшони, ўзини, пагонини кўрсатди. Оқподшонинг нималигини ўзи айтиб берди, ўзининг кимлигини ўзим биламан, бугун яна ҳам очиғроқ билдим, эртага жуда равшан билсам керак... (Эътиборингиз учун, эртасига Мирёқуб «уй бекаси хоним»ни Зуннундан «расман қабул қилиб олади» — Р. О.) Энди, елкасидаги пагони қолди. У бир латта, зардан тикилган бўлса ҳамки, бир латта. Машиначи тикади. «Эшагига яраша тушови» деган гап бор. Эгасига яраша — пагони... Демак империя ботишга томон боради...» Яна бир ўринда Мирёқуб ўз ўйларини Зуннун ошпазга беихтиёр овоз чиқариб айтиб юборади: «Империяси тагин ҳам ботмасинми? Неча минг, неча лак фуқаронинг жони шуларнинг қўлида. Буларнинг жони эса, мана мунақа, манжалақилар қўлида экан!» Бу безовта ўйлар, оддий, лекин донишмандона ҳукм-хулосалар, айтиш мумкинки, асар моҳиятини мухтасар ифодалай олади: улар ич-ичидан емирилиб-нураб, маънавий-ахлоқий жиҳатдан айниб-бузилиб бораётган Россия империяси ҳалокатининг асл сабабларини, буюк бир Инқилобнинг муқаррарлигини аён кўрсатиб турибди.

\* \* \*

Биз юқорида назардан ўтказган етти образни осмондаги «Етти қароқчи» юлдузлар туркумига қиёслаш мумкин. Маълумки, «Етти қароқчи», ҳар қайсисининг нечоғли хира-ёруғлиги, узоқ-яқин-лигидан қатъий назар, яна бир ёритқич — қутб юлдузи билан боғланган, унинг теварагидан айланади.

Романдаги мана шундай Қутб юлдузи, яъни, марказий қаҳрамон, шак-шубҳа йўқки, Зеби (Зебинисо) образидир. Назаримизда, Чўлпоннинг бутун ёзувчилик маҳорати, асосий мақсади, асарнинг етакчи ғояси мана шу бош қаҳрамон қисматининг бадий талқинида нисбатан аққолроқ намоён бўлган. Айниқса, Зеби образи билан боғлиқ тасвирларда муаллиф нафақат бешафқат реалист, балки, айни пайтда, туйғуларга бой шоир, нозик лутф-у тағдор пичингларга уста донишманд, моҳир стилист сифатида ҳам «бор бўйи билан» кўринади. Бу ҳол асарнинг дастлабки жумла-ларидаёқ аён сезилади: «Ҳар йил келадиған баҳор севинчи яна кўнгулларни қитиқлай бошлади. Яна табиатнинг дилдирраган танларига илиқ қон югурди». Уйғониш фаслининг жозиб манзараларини бундай жонлантириб, образли тарзда тасвирлаш авж пардалардаги шоирона ҳаяжон-у завқ-шавқнинг бевосита ихҳори билан узвий равишда боғлини кетади: «Мулойим қўлларда ивиб, сувга айлангандан кейин гўзал кўзларнинг супасида ёнбошлашни мунча яхши кўрар экан бу кўкат!.. Ҳаёт нега бу қадар гўзал ва ширин бўлади баҳорда?» Қисқа-қисқа атиги учтагина жумла орқали сизда шундай бир баҳор кайфияти ҳосил қилинадикки, беихтиёр орзиқасиз, кўнглингиз қайларгадир талпинида, ўзингизни ёш боладай беғам-беташвиш, эмин-эркин сеза бошлайсиз. Шу боис «Зеби (Зебинисо)нинг қиш ичи сиқилиб, занглаб чиққан кўнгли баҳорнинг илк ҳовури ила очила тушган»ини, «энди устига похол тўшалган аравада бўлса ҳам аллақайларга, дала-қирларга чиқиб яйрашни тусай бошлаган»ини эрка қизалоқнинг тантиқлиги эмас, ғоят табиий, ўз кўнглингиздаги ҳолат ва истак каби қабул қиласиз. «Ҳали тузук-қуруқ одам қаторига кириб етмаган» икки ўртоқнинг қисқагина, лекин болаларча маъсумона, дилкаш суҳбатидан кейинроқ чининдек тоза кўнглидаги бу истак замирида зилдек оғир юк ётганини ҳам илғай бошлайсиз. Салтанатнинг «бир қишлоққа чиқиб келсаммики деб эдим», қабилидаги гапига жавобан Зебининг «нимасини айтасиз... Ариқдаги сув ҳам муз остидан чиқди-ку» деган гапи, айниқса иккинчи гапдаги «сиқинти» ҳасрат, оҳ-фиғон бу қиз кўнглидаги ададсиз бир мунгни ҳис қилиш имконини беради.

Айниқса, Зебига боғлиқ саҳналарда муаллифнинг ҳар бир сўз зиммасига муайян маъно юк-лаш, ҳар бир руҳий ҳолатни аниқ-тиниқ суратлаш маҳоратигина эмас, тасвирчи имкон билан имконсизликнинг шундоққина чегарасидан олиб юриш, бир воқеадан иккинчи воқеани табиий равишда келтириб чиқариш, уларни, худди чевар кашта тикаётгандек, бир-бири билан маҳкам боғлаш бобидаги заковати ҳам аён сезилиб туради. Айтилик, Зебининг юқоридаги ҳолатини, яъни, «муздек» сўфининг эпкини кўнглиларда уйғотган ғусса-ю иштибоҳни ўртоғи Салтининг самимияти, биргина «арзимас» саъй-ҳаракати бамисоли тумандек тарқатиб юборади. Натижада икки ўртоқ «супурги талашиб» яна шўхликин авжига чиқарадилар. «Уз уйининг қабристонлар қадар жимжит, хонақоҳлар қадар унсиз, ўз кўнгли қадар тунд ва ҳумрайган бўлишини истаган Раззоқ сўфи, худди шу ола-тўпаланг устига кириб келади! Бу нима қиёмат!!!» дея ҳайқиради. Кутилмаган ҳайқириқни тинглаб, беихтиёр юрагингиз орта тортиб кетгандек бўлади. Об-бо, қизлари тушмагурлар-эй, ишнинг пачавасини чиқариди-я! Бир муддат шошқалоқлик қилмай, шўхликларини жиловлаб туришганида-ку, Раззоқ сўфини ижозат тегиши осонроқ кўчармиди, дея ўйлай бошлайсиз. Энди сўфи қизига жавоб бермаслиги аниқ, деган хаблға борасиз ҳатто!

Дарҳақиқат, бир қарашда, орзиқишлар бехуда кетгандек. Талпинишлар абасдек. Энди нажот йўли йўқдек. Лекин муаллиф ана ўша йўлни-тирқишни топади. Мухими — айни шундай бўлиши мумкинлиги ва ҳатто зарурлигига бизни ишонтира олади. Уша йўлни Зебининг онаси Қурвон-биби фитна-ю отаси Раззоқ сўфининг характерида келтириб чиқаради: Қурвонбиби эрининг ожиз

жойи — «ахиллес товони»ни яхши биладиган ва ўша ерга таъсир ўткази оладиган даражада макр-ли. Раззоқ Эшонбобо тугул Эшонойим нимани буюрса, итоаткорона бажараверадиган даражада суфи. Шу икки оралиқда Зебини тутқунликдан озодликка олиб чиқа оладиган йўл-тирқиш бор! Энди бу «тирқиш»дан бир амаллаб ўтиб олинса, нарёги — бекиёс кенглик! Гарчи отасининг: «Ово-зим бор деб ашувлага зўр бермасин. Номаҳрамга овозини эшитдирса рози эмасман!» қабилдаги писанда-ю қатағонлари билан бўлса-да, ҳар қалай, «Қафаснинг даричаси очилди!»

Диққинафас шаҳардан кенгликка чиқиб, кўксига шабада теккан бир арава тутқинларнинг йў-наб-қувнаши, улардек оддий ялангоёқ, «йўқил бир оиланинг қизи» Энахоннинг меҳмонларга жонини нисор қилгудек алфозда ночор уринишлари, сатта камбағалларнинг «базми жамшиди», Зеби-ю Улмасжон кўнглида ўсиб-унаётган муҳаббат тасвирланган ўринларни, очиги совуққон таҳлил этиш мушкул. Диққатни бир нуқтага — Энахон билан Умринисабиби ўртасидаги суҳбат тасвирига қаратайлик. Муаллифнинг санъаткорлиги шундаки, «Меҳмонлар, айниқса Зеби мингбо-шининг уйига бориши керакми ё йўқми?» деган саволга жавоб топиш учун қарийб бутун қишлоқ аҳли бош қотиради. Айнан шундай бўлиши зарурлигига бизни тўла ишонтира олади ҳам! Минг-бошининг ўзи, учала хотини, Мирёқуб, Умринисабиби — бир тарафда, Энахон, унинг келинбувиси, онаси, Салтанат—иккинчи тарафда шу хусусда ўйлайди, «масала»нинг өчимига оздир-кўпдир ўз ҳиссаларини қўшади. Таъкидлаш лозимки, уларнинг ҳар бири ўз манфаатларидан келиб чиқиб ҳисса қўшади. Лекин улардан лоақал биронтаси Зебини ўйламайди. Бундай худбинлик тантана қилган ит эгасини танимас муҳида Зебидек оқкўнги, содда бечораларнинг ҳоли не кечишини тасаввур қилиш мушкул эмас!.. Мана шундай вазиятда Энахон билан Умринисабиби учрашади: буниси — камбағал-йўқсиллар, униси — бой-амалдорлар «мамлакатининг фавқуллода ва мухтор элчилари»дек бўлиб! Ана шунда Умринисабиби ўзи Султонхон билан баҳамжиҳат «ишлаб чиққан» баҳонани минг бир «китихола» аралаш маълум қилади: «Султонхоннинг онаси бирданига ётиб қолибди». Энахон, бошига бехос кулфат ёғилгандек, астойдил хафа бўлиб сўрайди: «Энди меҳмон-ларни чақириш йўқми?» Шу «музокара» асноси Зебининг бутун ҳаёт-момоти бамисоли қил устид турганини яхши англайсиз-да, беихтиёр «Хайрият!» дейсиз. Узингизча: «Бечора қиз балонинг ўқидан омон қоладиган бўлди, шекилли-да!» дея қувонасиз. Қўзингизга пихини ёрган туллак Умринисабиби — яхши, соддадил Энахон — ёмон кўриниб кетади. Йўқил бечораларнинг ночор-нотавон аҳволи-ю анойилигини ҳис қилиб, беихтиёр йиғлагингиз келади. Шу пайт бойлар тарафдан яна бир «элчи» — Хадичахоннинг отаси кимлиги мужжалроқ қизи келади-ю, ҳамма ишни, бир йўла Зебининг қисматини ҳам, узил-кесил «бир ёқли» қилади. Масала мингбошининг фойдасига, Зеби-нинг зарарига ҳал бўлади-қўяди! Шу билан ифлос мингбошининг наҳс тўшаги томон дастлабки қадам қўйилади!

Зеби мингбошининг уйда меҳмон бўлган шодиёна кундан тортиб то унинг ифлос тўшагида ночор-ноилож таслим бўлган машўм тунга қадар рўй берган барча можаролар (муҳокамалар, мунозаралар, йўл қидиришлар, алдаб-аврашлар, эсдан оғиб қолишлар... бамисоли шундай бир улкан ҳалқаки, Зеби бу ёқда турсин, Раззоқ сўфи ҳам унинг исканжасидан қутулиб чиқолмай-ди. Бу ҳалқа кунма-кун ўралиб-чирмалиб, қисқариб-торайиб бораверади, охир-оқибат, масъум қизалоқнинг қўл-оёғига маҳкам боғланади-да, уни мингбошининг оёқлари остига ташлайди. Муалиф бу машўм ҳалқанинг ҳар бир бўғинини бизнинг кўз олдимизда ёзиб кўрсатади, қисқариб-то-райиш жараёнини қадам-бақадам кузатиб боради. Деярли ҳар бир кичик бўғинда темирдек муста-ҳкам мантиқни, мантиқий далиллар санъатининг қодир кучини аён сезиб турасиз. «О, бечора халқ-а!» дея афсус-надоматлар чекасиз бехтиёр, Мазлум халқнинг ини бузилган ҷумолилардек абгор ва ҳимоясизлигини кўриб, кўнглингизда раҳм-шафқат уйғонади. Зебига қўшилиб нола қил-гингиз келади: «Йўқчиликдан қутулар кун бормикин?..»

Ҳа, балонинг боши — йўқчиликда, даст кўсқаликда! Ундан кулли балолар келиб чиқаверади. Лекин йўқчиликнинг ўзи қаёқдан келиб чиқади? Айниқса Туркистондек табиат ярлақан жаннат-макон бир ўлкада? Ҳар сиқим тупроғи тиллага тенг бу саховатли заминда? Романдан яхши англа-шиладики, йўқчиликнинг ижтимоий илдизи Раззоқ сўфига, Акбарали мингбошига, Нойиб тўрага, оқпошсога, хуллас, Мирёқуб моҳиятини англаб етишга зўр бериб уринаётган ИМПЕРИЯГА бориб тақалади.

Бироқ Мирёқуб моҳиятини англаб етишга уринаётган империя, ич-ичидан чириганига қарамай, ҳалоқат бусафасида туриб, жон талвасасида обдан қутурган бу империя Акбарали мингбошидек оппа-осон жон бериб қўяқолмайди. У ҳали ўзига кўз олайтирганларни босиб-янча оладиган қуд-ратга эга. Уз мавқеини мустаҳкамлаш йўлида кўз олайтирмаганларни ҳам, ҳатто кўз олайтиришни хаёлига келтирмаганларни ҳам босиб-янчади! Шунча чекилган жабр-у жафолар, ютилган заҳар-зақумлар камлик қилгандек, мана шундай ноҳақ қўрбонлардан бири — бечора Зеби бўлиб чиқади!

«Кеча ва кундуз» романидаги энг таъсирчан, бадиий жиҳатдан баркамол боб — авж парда, кульминацион нуқта — суд саҳнасиدير. Бу саҳна Зебининг нақадар оқкўнги, соддадил, ҳимоясиз-лигини ҳам, империя малайларининг нақадар қилвир, устомон, ҳокими мутлақлигини ҳам сўнги бор санъаткорона куч билан рўй-рост очиб кўрсатади. Муаллиф айниқса шу XIX бобга бутун маҳор-атини, бутун қалб қўри — муҳаббати ва нафратни, шафқати ва ғазаби, афсус-надомати ва заҳар-ханда маломатини барала тўкиб солади.

Романда айтилишича, «кундошлик орқасида юз берган бу жиноят, замоннинг нозиклиги сабаб, оловга ташланган жиззадек бўлди». Лекин қизини шундаки, бир йўла икки-уч қўёнини уриш ниятида чойга кучала қўшган — Пошшоҳон, бу койини ўзи сўраб ичиб, ўзи улган — Акбарали мингбоши-ю, икки ўртада, нақд аросатда қолган беғуноҳ Зебини суд қиладилар. Ниҳоят «Чой бер!» дея қич-қирган маст-аласт эрига итоаткорона чой тутқазган чўри Зебини қотилликда айблайдилар!

Улка ҳарбий судининг сайёр ҳайъати йиғилиши нима мақсадда, қандай тезликда бошлан-гани, қай йўсинда ўтгани, яъни, ҳамма нарса ими-жимиде юмалоқ-ёстик қилинганини-ку, қўя-верасиз. Биргина судда қатнашган аллақандай тилмоқнинг таърифига диққат қилинг: «Бу одам, эскидан бери судларга ишлаб келиб муттаҳамликка гувоҳнома олган қадрдон тулкилардан эмас, негадир четдан, холис кишилар орасидан чақирилган эди». Нақадар ўткир киноя, пичинг, заҳарханда, алам!.. Гўё йўл-йўлакай айтиб ўтилгандек тўюлуви «муттаҳамликка гувоҳнома

олган қадрдон тулкилар» иборасининг ўзиёқ фош этиш қудрати-ю мағзи тўқлигига кўра бутун бошли бир сатирик асарга тенг, дейиш мумкин.

Зақунчи таърифи бундан ҳам ошиб тушади: «Зақунчи — бошқа олам! Агар ҳақиқий қонунларга амал қилинганда уни ё отиш, ё умрлик сургун қилиш шарт эди. Фақат ўзи жуда иссиқ мамлакатда яшаса ҳам бошида қалин-қалин соябонлари бор экан... Давлатни алдаб ўринлатган киши бошқаларни алдаб ўринлатаолмайдими?.. Хуллас, мустамлака ўлкасининг нодон ерлилари орасида уезд миқёсига яраша иш кўрадиган, кичкинагина бир Плевако». Бу жумлаларнинг ҳар бири бамисоли заҳарга йўғрилган, нишоннинг нақ марказига бехато тегадиган ўқ!

Муаллифнинг юрагига қон аралаш тўлиб-тошган зардоб қалам учидан сатрларга тобора қуюқроқ куйилаверади-куйилаверади. Бу қонли зардоб бутун бобга, бутун романнинг жисм-жисмига нурдек тарала бошлайди: «Ори, рост, ерли халқнинг номларини ёзишда у ҳам чаласавод болаларнинг ишини қилади, яъни «Акбарали» деган сўзни бир жойда «Умарали», яна бир жойда «Амир ўғли», яна бир жойда «Қамбар вали» деб юборади... Зотан бунинг нима аҳамияти бор? Тил келмаган нарсага қалам қандай келсин? «Акбар» бўлди нима, «Қамбар» бўлди нима — барибир эмасми? Бир сартнинг номи!

Инсоф қилиш керак: протокол ниҳоятда чиroyли хат билан ёзилган. Қоғоз бетида худди поезднинг изларидай теп-текис кетади. Ҳаммадан ҳам «д» ва «б» ҳарфларини кўринг! Ҳайрон қоласиз!.. Протокол эмас, томоша! Томоша!..»

Дарҳақиқат, «томоша!» Фақатгина протокол эмас, протоколни ёзган мирзанинг ҳусниҳати эмас, «д» ва «б» ҳарфларининг имлоси ҳам эмас, бу мустамлакачи оқсуякнинг рудий дунёси-ю унга муносабат йўсинини рўй-рост ифодалаб келувчи юқоридаги парча ҳам, умуман олганда, мазкур боб ҳам қип-қизил томоша! Шундай томошаки, ким учундир — комедия, ким учундир — трагедия!

Лекин энг улкан томоша протоколда «айбдор»нинг ўзига теккан жойда, деса бўлади. Мана, ўша атиги икки элликкина жой: «Бор-йўғи иккита савол, иккита жавоб. Саволлар калта-калта, жавоб ундан ҳам калта:

- Мингбошига сувни ким берди?
- Мен бердим.
- Демак, мингбошини ўлдирган — сиз?
- Йўқ...»


Шугина савол-жавобга асосланиб, «Айбдор ўзи иқдор» деган хулосага келиш ва Зебини етти йилга Сибирга сургун қилиш, яъни, киприк қоқмай оппоқ нарсани қоп-қора дейиш — бунисини, энди нима деса бўлади? Ёлғонлиги шундоққина аён кўриниб турган бундай хулоса-ю ҳукм айтмоқ учун, Улка ҳарбий судининг сайёр ҳайъати — улкан «томоша»нинг ижрочилари нақадар шафқатсиз, ҳақиқатга тик борувчи муттаҳам, машҳур халқ нақлидаги мушукнинг тоғаси — йўлбарсдек ҳокими мутлақ бўлмоқлари керак! Тагин булар «ҳақиқат посбонлари!..» Дарҳақиқат, ҳалокат ёқасида турган империя — бу «ўлаётган ҳўкиз» болтадан қайтмайди. Мазлум халқнинг кўнглида даҳшат уйғотиб, уни итоаткорликда, қўлида сақламоқ учун ҳар хил «томоша»ларни ўйлаб топаверади-ю, лекин унинг, эртадир-кечдир, бир кун келиб муқаррар равишда тўлиб-тошадиган қаҳр-ғазабидан қўрқмайди.

Романда бу қаҳр-ғазаб мутлақо ифодаланмаган ёхуд бевосита кўрсатилмаган, деб бўлмайди. Чунончи, Қумарикдаги деҳқонлар ғалаёнлари, Мирёқуб кўнглидаги мавжуд муҳитга норозилик туйғусининг уйғона бориши, Мирёқуб поездда иттифоқо танишиб қолган жадиднинг гап-сўзлари ҳам бир қадар батафсил қаламга олинган.

Тўғри, айниқса шу ўринларда тавсифийлик, юзакилик, сунъийлик каби бадийят нуқтаи назаридан заиф жиҳатлар аён сезилади. Булар танқидига кенгроқ тўхталиш мумкин эди, албатта. Лекин Чўлпоннинг тириклигига ҳам, ноҳақ қурбон бўлгач ҳам бир ижодкор учун етиб ортулик ҳақ-у ноҳақ танқид эшитганини назарда тутсақ, ўйлаймизки, ушбу мақолада бу ишга фавқулодда зарурат йўқ. Қолаверса, таъкидламоқ керакки, асардан кўзда тутилган асосий мақсад, айтилиши, Ойбекнинг «Қўтулғ қон» романидагидек, Буюк Инқилобий Ҳаракатнинг ўзини қўрсатиш эмас, балки Улуғ Октябрь инқилоби кўшини тақозо этган муҳит — зимистон кечани бутун даҳшат-у фожиалари билан кўрсатиш эди ва бу ишни Чўлпон санъаткорона бир тарзда уддалай олган: Одатда энг қўтулғ, муқаддас, шарафли, улуғ йўлда жонини қурбон қилганларни халқимиз «шаҳид кетди» дейди. Гап Зебидек балоғат ёшига етмаганлар хусусида кетар экан, улар, албатта, икки баравар шаҳид! Ҳа, «Кеча» осмонидаги бу чароғон юлдуз, ўзи ҳам билмагани ҳолда, Буюк Инқилоб Тонгини бошлаб келган дастлбки «икки карра шаҳид»лардан эди!

Бу оқкўнги, соддадил, масъум қизалоқнинг машъум суддаги аҳвол-руҳиясини ўзингча ҳис қилиб, отаси Раззоқ сўфининг уни янги бир тутқунликдан халос этиш йўлидаги ночор тентирашларини кўриб, ақлдан озган онаси Қурвонбобининг «Ёрилтош» куйида (қаранг-а, «Ёрилтош» куйида!) ўзи тўқиган ҳазиндан-ҳазин байтларини тинглаб, беихтиёр юрагинг тўлиқади киши! Ҳаяжонингга эрк беришни, «Кеча» осмонидаги энг ёруғ юлдузга изҳори дил қилишни истаб қоласан. Бунчалар содда, оқкўнги, беғубор, беғараз, беғидир, бегуноҳ бўлмасанг, Зебиҳон, синглим, дегинг келади. Узинг-ку, бир балодан қутулар-қутулмас иккинчи балога рўпара келиб турибсан. Отанг Раззоқ сўфининг совуқлигидан минг карра совуқроқ Акбарали мингбоши чангалидан эндигина халос бўлиб, ундан-да совуқроқ Сибирга кетиб боряпсан. Тагин: «Ана, ўзим айтган. Ҳамма гап ойдаи равшан... Энди уйимни топиб кетармикиман?» деб ўйлайсанми?! Бундай маъсумалик сенинг бахтингми, бахтсизлигингми, синглим? Нега кўз олдиндаги жаҳолат пардасини, худди ифлос мингбоши ифрат пардасини сидириб ташлагандек, бир зарб билан сидириб ташлаёлмайсан? Бунинг ўрнига, одам қургандек, келиб-келиб зақунчидан: «Ҳой, шоша, шаҳарда... шаҳарда... ота-онам бор... кўрсатишармикин?» деб сўрайсанми? Шу зақунчи ота-онанг билан дийдор кўришмоғингга ёрдам беради деб ўйлайсанми? Мунча анойи бўлмасанг! Лоақал аввал бошда қўшиқ айтишни бас қилганингга эди, балки машъум кўргиликларга дучор бўлмасмидинг! Нега бу қадар ожизсан? Нега ўзинг ҳам, кўшигинг ҳам бу

қадар ҳимоясиз?! Нега ўз ҳақ-ҳуқуқингни лоақал ўзинг ҳимоя қилмайсан? Ушанда балки умринг бошқачароқ кечармиди? Умрингда бирон-бир рўшнолик кўрармидинг! Умид билан ҳаётга келиб, нимани кўрдинг сен бояқиш, синглим?! Қуёшли юртингда кўрмаганинг ёруғликни энди Сибирь ўрмонларида кўрармикинсан сен бечора?.. Хайриятки, шоир айтганидек, «офтоб поймол ўлмас, кавакларда қолмас ой нури. Қўлин чўзди Ленин беғараз — малумларнинг буюк ғамхўри». Шукрим, нафосат деганлари гулдан-да нозик, сенингдек ҳимояиз, лекин унинг боши тошдан ҳам қаттиқроқ: бойчечакдек такрор-такрор тошни ҳам тешиб чиқаверади, наъматакдек тош устида ҳам гуллаб-яшнайверади! Не бахтки, бу оламда разолат-у қабоҳатнинг умри қисқа. Дасти узундир, лекин, барибир, умри қисқа! Нафосат эса, аксинча, умрибоқий! Ахир, шу боис эмасми, сен билан, қолаверса, сени яратган моҳир адиб-у унинг мумтоз асари билан, эллик йиллик танаффусдан сўнг, тагин учрашиб-дийдорлашиб турибмиз! Бугунги инқилобий қайта қуриш ва покланиш кунларида, ярим асрлик айрилиқдан сўнг, она-юрт тупроғига поклик тимсоли янглиғ қайта қадам қўймоқдасан. Энди ҳеч қачон қайтмас, йўқолиб-йитмас, такрор-такрор топталиб-таққирланмас, Сибирга сургун қилинмас бўлиб келмоқдасан! Энди сен бор ҳусну тароватингни, аввало пахтадек оппоқ, она сутидек беғубор кўнглингни оламга кўз-кўзлаб, бамисоли Қутб юлдузидек барчага йўл кўрсатиб, чарақлаб-порлаб тураверасан! Юракларни гупиртирувчи дил-рабо қўшиқларинг шуълаларга айланиб, икки дарё оралиғидаги манови қадимий юртга бетиним таралаверади! Не бахтки, чор тарафдан сени исканжага олган ўша қароқчиларнинг Момо офтоб қаршисидаги ипирисқи қордек йўқолиб-йитганига, мана, етмиш бир йил бўлди. Мана, уч йил-дирки, уларнинг думлари-ю буқаламундек шароитга мослашувчи издошлари ҳам кунба-кун орта чекинмоқдалар. Токи сен бор экансан, уларнинг ҳаловатлариям, ўзлариям, соялариям тобора йўқолиб-йитаверади! Ҳали оппоқ-оппоқ тонглар отади! Ана, рўпарангда тагин бир юлдуз — тонг элчиси, тонг юлдузи!— лаҳза сайин ёрқинроқ чарақлаб-чақнаб, чор тарафга шуъла сочмоққа тушди! Демакки, ҳали сенинг кўнглингдек тоза ва тиниқ, оппоқ-оппоқ тонглар отади! Лекин ўшанда ҳам сен ва рўпарангдаги анови ёруғ юлдуз — шу қўшалоқ юлдуз ўз шуълаларини беминнат сочиб тураверади!



## ЯНГИ ПРЕДМЕТГА МУНОСАБАТ ШУМИ?

Мақтаб ислохоти муносабати билан 9-синф ўқув программасига янги «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» предмети киритилди. Бу нарса совет ёшларини оилавий ҳаётга тайёрлаш орқали уларни коммунистик руҳда тарбиялашни кўзда тутди.

Шу муносабат билан 1984 йилда «Просвещение» нашриёти томонидан «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» қўлланмаси босилиб чиқди. Орадан икки йил ўтгач программа ҳам нашр этилди.

Гапнинг қисқаси, қоидага кўра ҳар бир оддий ишнинг ҳам олдин плани, программаси тузилиб, сўнг унинг мазмун ва мундарижаси ўзига хос методда яратилар эди. Ушбу қўлланма ва программа аксинча, тескари бўлиб туғилди, яъни олдин программа эмас, қўлланма яратилди. Қўлланма программа асосида эмас, аксинча, программа қўлланма асосида тузилди. Оқибатда қўлланма ва программа ўртасида айрим темалар бўйича номуносиблик келиб чиқди. Масалан, китобдаги «Жамиятнинг болалар ҳақидаги ғамхўрлиги», «Шахс нима» темалари программага киритилмади; китобдаги «Оила ва болалар тарбия муассасалари» программада «Ёш оилада бола» тарзида берилди.

1985 йилда яна ўша нашриёт томонидан Т. М. Афанасьеванинг 413 саҳифали «Оила» номли «қўлланма»си босилиб чиқди. Бу нарса ҳукумат томонидан янги предмет сифатида атаб қўйилган — «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси»га тўғаноқ бўлиб тушди — предметни ўз номи билан эмас, «Оила» деб аталадиган бўлди. Буни қандай тушуниш керак?

Қизиғи шундаки, И. В. Гребенников таҳрири остида чиққан «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» ҳам, «Оила» ҳам СССР Маориф министрлиги мактаблар Бош бошқармасининг тавсияси билан нашр этилган. «Оила» китоби эса қўлланма сифатида умуман программа асосида ёзилмаган.

Тўғри, қўлланмалар ҳамиша ҳам программа асосида ёзила бермайди. Лекин, қачон, қайси вақтларда? Олдинлари махсус программа ва дарсликларга эга бўлган предметларга нисбатан, уларни янада яхшироқ ўрганиш мақсадида, қўшимча тадқиқотлар асосида программасиз қўлланма яратиш мумкин. Ахир, мазкур фан, биринчидан янги бўлса; иккинчидан, ҳар ҳолда махсус программага эга бўлса, қандай қилиб «Оила» қўлланмасини мактабда предмет сифатида ўтиш мумкин? Бу кимга керак?

«Ўқитувчи» нашриёти «Оила»ни шу йилнинг ўзида 84 минг тиражда ўзбекча иккинчи нашрини «мўътабар» қўлланма сифатида босиб чиқариб, такрор хатога йўл қўйди.

«Оила»нинг умумиттифоқ миқёсида ҳеч қандай «...махсус ўқув юртлири, ҳунар-техника билим юртлири ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун қўлланма» бўла олмаслигига қуйидаги асослар бор:

1. Ундаги «Бу ажойиб ўқув фани» (5-бет), «Тенгдошлар, тенгқурлар» (87-бет), «Мендельсон марши остида» (174-бет), «Ота билан она асосий тарбиячилар» (228-бет), «Уйдаги катта ёшли кишилар» (270-бет), «Ўй-рўзғор экономикаси» (306-бет), «Виждон амри билан» (336-бет), «Эртанги кунга боқиб» (404-бет) боблари бағридаги 22 та сарлавҳанинг биронтаси ҳам ўзбек мактабларининг 9-синфлари учун этик, айниқса, ахлоқий ва оилавий тарбия муаммолари жиҳатидан тўғри келмайди. Чунончи, ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўзига хос урф-одати, муносиб характери, ифпати, одоби, миллий анъаналари, турмуш тарзи бўлгани каби ўзбекларнинг ҳам ана шундай ўз тарихи, ўрнат олса арзийдиган бир жаҳон миллий маданияти бор.

Масалан, ўзбек одатида қиз ёки йигит бир-бирини севишиб қолган бўлса, улар ҳеч вақт ота ёки онасига «фалончига тегаман ёки фалончини олиб беринг» демайдилар. Улар бу иборани ота-онага нисбатан ҳурмат, ифат доирасида «сир» тутган ҳолда уларга бу ҳақда кимлардан-дир айттирадидилар, хабар етказдирадидилар. Бу нарса ҳақиқий севгининг ички туғёни, чексиз ғўзаллиги ҳурматини кўтариш билан икки ёш орасида янада кучлироқ сирли муҳаббатни оловлантиради. Шу сабабли ҳам қиз ёки йигитнинг отаси ёки онаси фалончи орқали айттирибди («совчи» маъносиде) деган андишали, ўз навбатида ўта ифатли хабарни дил ёруғлик билан қабул қилади. Бу ўз навбатида ўзбек миллий урф-одати учун характерли. Қани энди бу ардоқли одат янада ривожлантирилса!..

Минг афсуски, «Оила»нинг «Мендельсон марши остида» бобида оила қуришдек олижаноб ва мураккаб, ширин хаёллар оғушидаги ўй-мақсадлар рус урф-одати бўйича ўзбек ўқувчиларига «тортиқ» этилаётганлиги қизиқ. Чунончи, мана, китобда нималар дейилган: «— Отажон, онажон, бизни табриклашингиз мумкин: бизлар турмуш қуришга аҳд қилдик!» Кўпчилик йигит-қизлар ўз ҳаётларида янги ва гоят муҳим бир давр бошланаётгани тўғрисида ота-оналарини шу тарзда хабардор қилишади» (172-бет).

Ахир, ўйлаб кўринг, бу «бети қаттиқлик» урфи ўзбеклар учун мутлақо ботмайди-ку! Қайси бир ўзбек ёши ота-онасига шундай «тантана»ни етказадими!

«Оила»даги ҳар бир сарлавҳани синчиклаб ўқир экансиз, ундаги ўзбеклар учун ахлоқан яроқсиз, 9-синф ўқувчиларини бети қаттиқликка ўргатадиган мисолларни хоҳлагани топишингиз мумкин. Қаранг, мана бу жумлаларни: «Тўй эълон қилинган кундан бошлаб, то тўй дастурхони атрофи-

да ўтирган кишилар келин билан куёвни ўпишишга даъват этадиган: «Горько!» деган сўз янграгунча ўтадиган давр келин билан куёв учун одатда энг ҳаяжонли кунлар бўлади.

Ахир ўзбеклар учун ўзига хослик одатининг гўзаллиги, ифбатлигига бундай «очиқлик»ни тарғиб қилиб бўладими? Айниқса, 9-синф ўқувчилари учун!

Китобда демографик масалалар тўғрисида ҳам гоёвий ва назарий жиҳатдан чалқаш фикрлар айтилади. Чунончи, муаллифнинг ўзи она деган мўътабар номга эга бўлишига қарамай, қуйидаги чегараланган ва чалқаш фикрни миллий республикалар ўқувчиларига тавсия этади: «Илгари вақтларда ёш болалар йўл четидоғи майсадек ўзлари катта бўлишарди, у вақтларда ҳозиргидек «тухумдан чиқиб улгурмаган болалар» албатта «товуқлардан» кўпроқ нарса билиши ва бажара олиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келган эмас. Энди эса ҳар бир оилали киши яна бир фарзанд кўриши керакми ёки йўқми? — деган муаммони ҳал қилаётган вақтда унинг олдида худди ана шу талаблар ва фикр-мулоҳазалар пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам жамият учун чекланмаган миқдорда кўп болали оилалардан аста-секин уч-тўрт болали оилаларга ўтиш кўпроқ мақсадга мувофиқдир», — деб аёлларга гўё ғамхўрлик қилади-да, кўп болали бўлишликнинг сабаб ва мундарижасини қуйидагича тушунтирмақчи бўлади: «Бизнинг аждодларимиз серфарзанд бўлишганининг яна бир сабаби: болалар оилада фақат нонхўр — истеъмолчилар эмас, балки кексайганда ота-онанинг боқувчиси, таянчи ҳам бўлганлар... Икки-уч боланинг онаси бўлган аёлнинг хизмат лавозимида кўтарилиши бир оз секинлашадими, лекин у бутунлай тўхтаб қолмаслигини сезиш учун экспертларга мурожаат қилишнинг ҳождати бўлмаса керак» (260, 263-бетлар).

Гапнинг қисқаси, «қўлланма» муаллифи кўп болали оилаларни хафагарчилик, оз болали оилаларни эса очиқ чеҳра билан кутиб олади. Бу билан у, энг оддий ва энг сиёсий масалада тушунмовчиликка йўл қўяди: кўп болали оилалар мамлакатимизнинг ҳарбий таянчи, Она-Ватанга посбонлар етказиб бериш манбаи эканлигини умуман тушунмайди ёки тушунишни истамайди.

2. «Оила»даги ҳар бир мақола (тема дегим келмайди — Ҳ. У.) анча мураккаб, фалсафий услуб асосида ёзилганки, булардаги мантқиқий йўналиш, ахлоқий проблемалар 9-синф ўқувчилари илғаб олиши лозим бўлган соддалик, оммавийлик талабларига умуман қарама-қарши. Бошқача қилиб айтганда, қўлланма, дарсликлар талабга кўра содда тилда, кўпчилик тушунадиган услубда ёзилиши керак. Афсуски, у аспирант ва илмий ходимлар зўрға тушунадиган мураккаб гаплар тизмасида баён этилган.

3. «Қўлланма»даги мақолалар таркибида ўзбек мактаби ўқувчилари яхши билмайдиган авторларнинг асарларидан — бадий ва илмий манбалардан олинган мисоллар кўплаб учрайди. Масалан, А. Гончаров, А. И. Герцен, Демокрит, А. А. Ухтомский, И. И. Мечников, А. Е. Леонтьев, И. С. Кок, И. Ефремов, А. Вознесенский каби шоир ва ёзувчиларнинг 9-синф ўзбек ўқувчиларига нотаниш бўлган асарлари, Л. И. Божович, В. Б. Чурбанов, И. Кант, Ф. Т. Михайлов, В. И. Зоцевин каби файласуф-психологларнинг фикрлари илова қилинади.

4. «Қўлланма»да анъаналар, тил, яшаш тарзлари, миллийлик тушунчаси, коммунистик ахлоқ билан буржуа ахлоқининг принципиал фарқлари каби энг муҳим муаммолар ҳақида ҳеч гап йўқ. Мактаб ислоҳоти жадал суръатлар билан амалга оширилаётган шу долзарб кунларда янги предмет — «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» бўйича («Оила» эмас — Ҳ. У.) ҳар бир миллий республика ўқувчилари, жумладан, ўзбек ўқувчиларининг талабларидан келиб чиқилган ҳолда, алоҳида оригинал дарслик яратиш муҳимдир.

Ўзбек ўқувчилари учун мазкур предмет бўйича программа яратилиши ва у асосида дарслик ёзиш талаб этилади. Шу сабабли мазкур предметнинг программасида, бизнингча, асосан қуйидагича мазмундаги темалар шарҳланиши лозим:

«Кириш» қисмида предметнинг мақсад ва вазифаси, аҳамияти, структураси лўнда кўрсатилиши лозим. Асосий қисмлар масаланинг қўйилиши ва актуаллигига, таҳлил қўламига қараб бўлим ва бобларга ажратилади.

Масалан, «Совет турмуш тарзи» деган биринчи бўлимда инсониятнинг ахлоқий камол топишида асосий бурилиш — Октябрь инқилоби; жамият, келажакка ишонч, ҳар тарафлама камол топган кишининг турмуш тарзи, янги инсон, СССР Конституцияси ва коммунизм қурувчиларининг ахлоқ кодекси каби энг муҳим масалалар умумий тарзда таҳлил этилиши асосида фактик материаллар, мисоллар кўпроқ ўзбеклар ҳаётидан олиб шарҳлана.

Программага «Этика — ахлоқ ҳақидаги фан сифатида» деган асосий бўлим киритилиб, бунда В. И. Ленин ёшларнинг ахлоқий тарбияси тўғрисида, марксча-ленинча этика предмети ва унинг ёшлар ахлоқий тарбиясидаги роли, ахлоқий тарбиянинг миллийлик хусусиятлари билан алоқадорлиги, унинг психологик ўзига хослиги ҳамда мазкур бошланғич курснинг аҳволи ҳақида аниқ ва илмий асосланган фикрлар берилса. Бунда ўзбек ўқувчиларининг турмуш тарзига доир конкрет мисоллар негизда ибратли фикрлар киритилади, ўзбек оилаларининг ахлоқий тарбиясидаги ўзига хос психологик ҳолатларига кенг ўрин ажратилади; шахс ва оила, ақсмирлар ва улар орасидаги ўзаро муносабатларнинг ўзига хос томонлари ўзбеклар ҳаёти фактлари асосида ёритилади.

Программа «Коммунистик ахлоқ — инсоннинг ахлоқий камол топишида муҳим босқич» деган навбатдаги бўлим киритилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бунда асосий эътибор ахлоқнинг келиб чиқиши ва унинг моҳияти, ахлоқ тушунчаси, унинг ҳуқуқ билан алоқаси, халқ оммасининг ахлоқни ўстиришдаги роли, ахлоқнинг асосий тарихий типлари, буржуа ахлоқи ва унинг тушқин руҳи, ўзбек миллий урф-одатлари, масалан, янги оила қурувчи қиз билан йигитнинг ўзаро ахлоқий муносабати, ўзбекларга хос биринчи учрашувлар, турмуш тарзи тўғрисидаги «сир»ли ибодлар, унашишдаги одоб доираси, ахлоқий бутунлик каби хислатларнинг коммунистик ахлоқ нормалари тараққиётига қўшаётган ҳиссаси каби масалалар ёритилиши зарур.

«Коммунистик ахлоқ принциплари» номи билан ҳам бўлим очилса, предметнинг мазмундорлиги янада ошади. Унда коммунистик ахлоқ асослари, манбалари ва ленинча мезонлари ёритилса. Шунингдек, «Совет кишининг асосий ахлоқий онглилиги тушунчалари» бўлими берилиб, бунда яхшилик ва адолат, яхшилик ва ёмонлик, вазифа, бурч ва талаб, дўстлик ва биродарлик, эътиқод, виждон, виждоннинг синфий характери каби муҳим ахлоқий-психологик ҳолатларни ифодаловчи тушунчалар ўзбек халқининг бой тарихий хазинаси материаллари асосида тушунтирилса.

Программада «Совет ахлоқ-одоб қондалари» номи билан ҳам алоҳида боб бўлиши керак.



Бу бўлимда ёшларнинг, айниқса, ўзбек болаларининг ўзига хос ахлоқ маданияти (катталарга олдин салом бериш, гап қайтармаслик, хушфезъллик каби), маданий фикр қилиш ва нутқ тушунчаси, сезиш ва зийраклик, мода тушунчаси ва дид, байрамлар ва тўйлар, улоқ, кураш каби халқ сайллари ва уларни ўтказиш тартиблари, оилавий тантаналар, меҳмон кутиш ва меҳмонга бориш, икки ёш севгиси — инсоний туйғу эканлиги, севишганларнинг ўзига хос ҳулқ-атвори, оиланинг ахлоқий негизлари, оила ҳўжалиги ва унинг бюджети, оилавий муносабатлар бузилишининг объектив сабаблари, оилада болалар тарбияси, ахлоқий тарбияда ота-она ва мактабнинг роли, оилада ота обрўси, тарбияда нутқ одоби, она тили ва унинг тозаллиги учун кураш, иффат, одоб; транспорт, мактаб, кино-театр ва бошқа жамоат жойларида ўзини тутиш ҳоллари, ота-она, қариндош-уруғ, катталар ва ўқитувчиларга ҳурмат, ўтмиш бойликлари, маданий ёдгорликларга садоқат, экологик муаммоларга тўғри муносабатда бўлиш каби асосий масалалар ёритилиши шарт. Бу бўлимда ўзбек миллий маданияти — тили, адабиёти, санъати, урф-одати, анъаналари доирасида ибратли фактларни кўнгилдагидек шарҳлаб берилиши керак. Бунда шарқ донишмандларининг биз учун атаб қолдирган ахлоқ ва одоб, одамгарчилик ва биродарлик, меҳнатга ҳурмат, оилавий ҳаётнинг гўзал ва намунали томонларига бағишланган обидалардан намуналар бўлиши лозимки, бу нарса ёшларимизда ўтмиш авлодга, миллий маданиятимизга нисбатан садоқат ва ҳурмат туйғуларини ўйғотади.

Бизнингча, «Оила этикаси ва психологияси» номи билан аталиши тавсия этилаётган ушбу янги предмет программасида мазкур муаммолар 9-синф ўқувчилари дидига мос ҳолда яратилиши ва шу асосда оригинал дарслик тайёрлаш мактаб ислоҳоти талабидир.

1986 йилда ЎзССР Маориф министрлиги педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг «Офсет» лабораторияси томонидан «Этика и психология семейной жизни» умумиттифоқ программасининг таржимаси ниҳоятда дидсизлик билан босиб чиқарилди. Программанинг асл нухасидаги шарҳлар, фикрларни ҳар бир тема ичида кўплаб нотўғри талқин этишлар, унинг кўпол ва паст савияда таржима қилинганлиги хусусида тўхталмасак ҳам бўлади. Чунки асли таги бўш, паст савияда ёзилган умумиттифоқ программасининг ўзбек тилидаги таржимаси (афсус, таржимон кўрсатилмаган) рус тилидан беҳабар, ўзбек тилини яхши билмайдиган, миллий урф-одатлари, анъаналаридан беҳабар киши томонидан бажарилган.

Фактларга мурожаат этайлик. Таржимон умумиттифоқ программасида «Личность, самовоспитание» (6-бет) темасини «Шахс» (10-бет), деб таржима қилади-да, «Ўзини-ўзи тарбиялаш»ни ифодаловчи «Самовоспитание»ни тушириб қолдиради.

«Шахснинг оила, меҳнат коллективи ва жамият билан ўзаро боғланиши» деб таржима қилиш лозим бўлган «Взаимодействие личности с семьей, трудовым коллективом и обществом» (7-бет) темасини, «Шахс, меҳнат коллективи ва жамият» деб таржима қилади-да, «Шахс ва оила» (11-бет) деган темани учинчи қилиб ўзича қўшади ва бу билан программага «ижодий» ёндашмоқчи бўлади.


Программа асл нухасидаги иккинчи бўлим «Особенности межличностных отношений юношества» деб аталади. Буни «саводхон» таржимон «Ёшларнинг кишилараро муносабатлари хусусиятлари» (12-бет) деб ағдаради. Бу жумланинг «Ўсмирлар орасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари» деган маъно касб этишига эса эътибор бермайди.

Худди шунингдек, «Любовь как высшее человеческое чувство» темасини «Севги юксак инсоний сезги» деб таржима қилиш оқибатида унинг «Инсоний туйғу сифатида»ги маъноси четда қолдирилган. «Севишганларнинг ҳулқ-атвор маданияти» маъносини берувчи «Культура поведения влюбленных»ни «Севишганларнинг юриш-туриш маданияти» сифатида, «Оиланинг ғоявий негизлари» маъносини ифодаловчи «Идейные устои семьи»ни «Оиланинг ғоявий бойлиги» деб, «Социалистик оилада коллективизм» маъносида таржима қилиш лозим бўлган «Коллективизм социалистической семьи»ни «Социалистик оила коллективизми» тарзида ўзбек тилига ағдарилган.

Айниқса, асл нухадаги «Методик хат» иловаси умуман таржима қилинмаганлиги ўзбекча программа савиясини яна бир бор пасайтирган.

Юқоридагиларга асосланиб ушбу зарурий предмет «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» тарзида аталиб, ўзбек миллий маданияти талаблари асосида қайтадан яратилсин, деб талаб қиламиз.

**Ҳайдарали УЗОҚОВ,**  
филология фанлари кандидати



МАХМУД ТОРОБИЙ КҮЗГОЛОННИНГ 750 ЙИЛЛИГИГА

Луқмон Бойматов

## ЗУЛМАТДАГИ НУР

Мўғуллар истилосидан сўнг дунё худди ҳа-  
башнинг сочидек бетартиб бўлиб кетди. Одам-  
лар мисоли бўри сингари бўлиб қолдилар.  
САЪДИЙ

1238 йилда Бухорода хунарманд Маҳмуд Торобий бошчилигида бўлган ҳалқ кўзғолони Урта Осиё халқлари тарихидаги йирик ва эътиборга молик воқеадир. Бу кўзғолон Чингизхон авлодлари ҳукмронлиги даврида бутун Мовароуннаҳрдаги сиёсий ҳаётга катта таъсир кўрсатди.

Мўғул босқинчиларининг Урта Осиёдаги вайронгарчилик урушлари иқтисодий ҳаётда жиддий ва чуқур ўзгаришлар ясади, социал муносабатларга маълум даражада таъсир кўрсатди. Улкадаги обод шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлди, аҳоли миқдори бир неча баравар камайиб кетди. Қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик инқирозга учради. Мўғуллар истилосининг социал ҳаётга кўрсатган салбий таъсири биринчи навбатда қулдорлик тузуми кучайганлигида ифодаланди.

Чингизхоннинг «Буюк Йососи» (мўғул қонуни) аслида меҳнаткаш оммага, биринчи навбатда деҳқонларга қарши қаратилган бўлиб, босқинчилар ҳукмронлигини мустаҳкамлашга хизмат қиларди. Чиғатой ҳукмдорлиги даврида (1227—1247 й. й.) «Буюк Йосо» Урта Осиё шароитида ўз аҳамиятини сақлади ва бу ўлка деҳқонлари шу қонунга мувофиқ бошқарилди. Бироқ Чингизхон ва Чиғатой чиқарган фармонларда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг ўтроқ халқлари турмуш шароитига тўғри келмайдиган жойлари кўп эди. Босқинчилар ўтроқ халқларни, биринчи навбатда деҳқонларни эзишни, маҳаллий аҳолини қулай, обод жойлардан тоғли, деҳқончилик учун яроқсиз ерларга қисиб чиқариш билан қўшиб олиб бордилар. Бу етмаганидек, ўзлари босиб олган жойлардаги анъаналар, халқ одатлари, диний расм-русмларни шафқатсизларча оёқ ости қилдилар. Иқтисодий зулмни беҳад кучайтирдилар. Тили, одатлари, дунёқарashi, турмуш тарзи мутлақо бегона бўлган келгиндилар халқнинг зўр нафратини кўзгади. Айниқса Чиғатойхон ҳукмдорлиги даврида халқ ғалаёнлари кенг миқёс олди. Шулардан бири 1238 йилда Бухоро воҳасида бўлган, хунарманд Маҳмуд Торобий бошчилик қилган халқ кўзғолонидир.

Бухородан уч фарсах олисда (ҳозирги Бухоро область Свердлов районида) Тороб қишлоғи бўларди. Машҳур тарихчи Ато Малик Жўвайнининг (1226—1283) сўзларига қараганда, бу қишлоқдаги ва унинг атрофидаги деҳқонлар ва қосиблар тез-тез диний йиғинлар ўтказиб, гап-гаштак, ўйин-кулги қилиб туришаркан. Шунда Маҳмуд Торобий деган хунарманд ўзининг ўткир фикр-мулоҳазалари билан кўпчилик эътиборини тарта бошлайди. Бу одамнинг болалик ва ўсмирлик йиллари Бухоро, биринчи навбатда Тороб қишлоғи хунармандлари орасида ўтганди, халқнинг машаққатли ҳаётини яхши биларди. Мўғул босқинчилари унинг кўз ўнгида феодал зулмни, жабр-ситамни кучайтиришаётганди. Табиатан эрксевар, жасур, қатыъятли бўлган Маҳмуд Торобий мавжуд социал адолатсизликларга бефарқ қарай олмади. Халқнинг, биринчи навбатда хунармандларнинг оғир ҳаёти бўлғуси исёнчорлар йўлбошчисининг кўзини очди. Янги, ҳур ва фаровон турмуш истаги мард йигитни курашга чорлади. Дастлаб у Бухоро атрофида, кейин шаҳарнинг ўзида иш олиб борди. Золимларга қарши оташин нутқлар сўзлади. Оммани босқинчилар ва уларнинг малайларига қарши курашга даъват этди. Шундай қилиб, Маҳмуд Торобий қисқа вақтда Бухоро воҳасида жуда катта обрўга ва ишончга эга бўлиб, меҳнаткаш халқни ортидан эргаштирди.

Кўзғолончилар ислом динининг софлиги учун курашни шior қилиб олиб, қўлманчи-мўғул феодализми идеологиясининг асоси — шомонлик расм-русмларига қарши курашдилар. Шунинг учун кўзғолондан асосий мақсад Чингизхон авлоди истибдодини тугатишдан иборат бўлса-да, у ўрта асрдаги бошқа халқ ҳаракатлари сингари диний тусда бўлди.

Маҳмуд Торобий ва унинг тарафдорлари Бухорода султон Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200—1220 й. й.) ҳукмронлик қилган даврдаги эски тартибларни жорий этишни, халқни султон бошқаршини исташарди.

Маҳмуд Торобийнинг синглиси кўзғолоннинг фаол иштирокчиларидан бири бўлди. Ўзининг зўр ғайрати, ақли ва жасурлиги билан ажралиб турган бу аёл акасига ва унинг атрофидагиларга катта таъсир кўрсатди. Шунингдек, уламо Шамсиддин Маҳбубий ҳам Маҳмуд Торобий сафдошлари орасидаги йирик ва ёрқин сиймолардан эди. У Торобий қарашларини фаол қўллаб-қувватлади, адолат учун курашнинг ғоявий раҳбари ва илҳомчиси бўлди.

Торобийнинг ташвиқоти муваффақият қозониб, халқ орасидаги обрўси ўса бошлагач, Бухоро ҳукмдорлари унга эътибор беришди, ундан хавфсизрақ бошлашди. Аёнлар кўз ўнгида Торобий

бузғунчи, ёвуз одам бўлиб қолди. Бухорода юзага келган хатарли аҳволни маълум қилиш учун Хўжандга, мўғул ҳокими Маҳмуд Яловочга чопар юборилди.

Бухоро амирлари, садрлари ва мўғул ноиблари Маҳмуд Торобий ва унинг тарафдорларига ошқора қаршилик кўрсатишга ботинмадилар. Улар халқ олдида ожиз эдилар, шу сабабли кўзғолончилар йўлбошчисини ҳийла билан — гўёки уни янги амир деб эълон қилиш баҳонасида Бухорога таклиф этмоқчи бўлишди. Аслида эса улар қулай шароит юзага келиши билан Маҳмудни ўлдириб, халқ ҳаракатини йўлбошчисиз қолдиришни мақсад қилган эдилар. Шу мақсадда шаҳар аъёнлари Торобга мўғул ҳарбий бошлиқларини вакил қилиб юборишди. Бироқ Маҳмуд Торобий душман найрангини фаҳмлади. У Бухорига бир ўзи эмас, балки ўз издошларидан иборат кўшин билан борди. Бу кўшин Варидон кўпригига етганида Маҳмуд хавфни бартараф этди: мўғул ноибларидан пинҳона мақсадидан қайтиб, итбат этишни талаб қилди.

Исёнчилар шаҳарга кириб боришди. Халқ ўз ҳимоячиларини олқишлаб кутиб олди. Қизиги шундаки, Маҳмуд Торобий тўғри халқ кўзғолони йўлбошчиси Малик Санжар томонидан 1206 йилда қурилган қаср томон йўл олди. Бу тасодифий эмас эди. Торобий Малик Санжар қасрини ўз қароргоҳи деб эълон қилиш билан ўзини бу халқ қаҳрамони ишининг давомчиси қилиб кўрсатмоқчи бўлган эди.

Бухоро босиб олинганидан сўнг халқ ҳаракати мустақил заминда кенг қўлоқ ёйди. Шаҳар аъёнлари эса халқ йўлбошчисини йўқ қилишга тайёргарлик кўра бошлашди. Исёнчиларнинг тарафдорларидан бири мўғул ноиблари ва амирларнинг ниятини Маҳмуд Торобийга етказди. Шундан кейин Маҳмуд Бухорода ортиқ туриш хавфли эканлигини тушуниб, шаҳарни махфий тарк этди. Садрлар, амирлар ва мўғул ноиблари кўзғолончилар бошлигини шаҳарда узоқ излашди. У Бухорони тарк этганлигини билишгач, мўғул навкарларини уни ушлаб келиш учун юборишди. Мўғул навкарлари Торобийни излаб бораётиб, баногоҳ уни шаҳар деворидан шимолдаги Абу Хафса тепалигида ҳалойиқ орасида кўриб қолишди. Навкарлар уни қўлга олиш учун уриниш хавфли эканлигини англаб орқага қайтишди ва қўрганларини амир ва ноибларга айтишди.

Маҳмуд Торобий эндиликда қуролли кўзғолон учун қулай вазиятни қўлдан бой бермаслик кераклигини яхши биларди. Хўжанддан Маҳмуд Яловочнинг янги ҳарбий кучлари Бухорога ёрдамга етиб келса ишининг пачаवаси чиқиши мумкин эди. У халқ курашга шай эканлигини, амрига итбат этишни, тарафдорлари тобора кўпайиб бораётганлигини биларди.

Маҳмуд Торобий ҳалойиқ ўртасида сўзлаб, барчани мўғул ҳукмдорларига қарши кўзғолонга даъват этди. Халқ унинг сўзларига амал қилиб, қўлига нима тушса шу билан қуролланди. Қисқа вақтда, гарчи ёмон қуролланган бўлса-да, мўғул босқинчиларидан она-Ватанини озод этиш учун жонини фидо қилишга тайёр бўлган кишилардан иборат катта қўшин тўпланди.

Маҳмуд Торобий кўп кишилик отряди билан яна Бухорога йўл олди ва бу гал Робия саройида тўхтади. Шаҳар аъёнлари исёнчиларга ён беришга мажбур бўлишди. Бухоро ва унинг атрофи кўзғолончилар қўл остига ўтди. Шаҳарнинг бош масжидида Маҳмуд Торобий халифа деб эълон қилинди. Шамсиддин Маҳбубий эса шаҳарнинг бош садри лавозимини эгаллади.

Маҳмуд Торобий Бухоронинг танҳо ҳукмрони бўлиб олгач, асосан шаҳар аъёнларига қарши қаратилган муҳим тадбирларни амалга оширишга киришди. Амирлар, мўғул ноиблари, садрлар ва ҳукмрон табақанинг бошқа вакиллари шаҳардан қувиб юборилди. Кўпгина бойлар, йирик уломо-лар, амалдорлар ва мўғул ҳарбий бошлиқлари қатл қилинди. Шу куни Маҳмуд Торобий руҳонийларни номини султон атаб, хутбага қўшиб ўқишга мажбур қилди. Хутба шаҳарнинг бош масжидида ўқилди ва Маҳмуд Торобий султон бўлди. Маҳмуднинг «халифа» ва «султон» унвонларини олиши, кўзғолончилар йўлбошчиси илгариги давлат тузумининг, анъанавий ислом мустабид ҳокимиятининг давомчиси бўлишга интилганлигини билдирарди. Бу билан Маҳмуд Бухоро мўғул хонлиқларидан мустақил бўлганлигини кўрсатмоқчи бўлди.

Айни чоқда кўзғолончилар бошлиғи энг оғир қўнлар олдиндалигини ҳам тушунарди. Тез вақтда Хўжанддан Яловоч бошлиқ кўп сонли мўғул қўшинлари Бухорога етиб келишини биларди. Бухоронинг бадарға қилинган «улуғ зотлари» ҳам қўл қовуштириб ўтирмай, бой берилган ҳокимиятни қайтариб олишга ҳаракат қилишлари аниқ эди.

Кўзғолончилар бошлиғи вазиятни тушуниб, мўғулларга қарши навбатдаги курашга тайёрлана бошлади. У ўз кишиларига шаҳардаги бой хонадонлардан чодир, гилам ва бошқа зарур нарсаларни олиб шаҳардан узоқ бўлмаган жойда ҳарбий лагерь ташкил этиш тўғрисида буйруқ берди. Эндиликда кўзғолоннинг бутун мамлакатга ёйилиш хавфи туғилаётган эди. Шу пайтда мўғуллар Бухорога етиб келишди. Маҳмуд Торобий катта қўшин билан душман қаршисига чиқди.

Қўшинлар чўлда тўқнашишди. Кўзғолончиларнинг кўп сонли мўғул отрядларига қарши қонли уруши бошланиб кетди. Исёнчилар яхши уюшган эдилар, мардона ва зўр фидокорлик билан курашдилар. Маҳмуд Торобий ва Шамсиддин Маҳбубий жангнинг энг қизгин жойида бўлишди. Бу катта жангда кўзғолончилар ғалаба қилишди. Мўғуллар ва маҳаллий феодаллар қўшини мағлубиятга учраб, Кармана томонга чекинди. Кўзғолончи отрядлар душман ортидан қувиб, кўпчилик навкарларни ер тишлатишди. Бу йирик жангда икки тарафдан ун минг одам ҳалок бўлди. Кўзғолончилар ғалабаси Бухоро ва унинг атрофида ҳокимият халқ қўлига ўтганлигини билдирарди. Бироқ ғалаба қимматга тушди — жангда Маҳмуд Торобий ва унинг сафдоши Шамсиддин Маҳбубий ҳалок бўлишди. Урушаётган томонлар бунни билишмади, жанг давом этаверди.

Ғалабадан сўнг исёнчилар Бухорога қайтдилар ва у ерда Маҳмуд Торобийни топмадилар. Маҳмуднинг сафдошлари йиғилиш ўтказиб, уни «гойиб бўлган авлиё» деб эълон қилдилар ва Хўжа (яъни Маҳмуд) ҳадемай яна пайдо бўлади, деб овоза қилдилар. Халқ Маҳмуд Торобий ўрнига унинг икки укаси — Муҳаммад ва Алини бошлиқ қилиб кўтарди.

Маҳмуднинг инилари эришилган муваффақиятга таяниб, акалари бошлаган ишни давом эттиришди. Улар вазиятни тушуниб, навбатдаги курашга тайёрлана бошладилар. Бироқ ишни охирига еткази олмадилар. Кўзғолон кенг миқёс олаётганлиги, Бухоро ва Кармана исёнчилар қўл остига ўтганлиги ҳукмдорларни даҳшатга солди. Улар шошилинч чоралар кўрдилар. Яна катта қўшин тўплаб, исёнчиларга қарши кураш бошладилар.

Марказий ҳукумат, улус хони ва ноиб Соҳиб Маҳмуд Яловоч Бухоро шаҳри аъёнлари билан биргаликда кўзғолоннинг бутун Мовароуннаҳрга ёйилиб кетмаслиги учун бор куч ва имкониятлар-

ни ишга солди. Бир ҳафтадан сўнг Элдиз Нўён ва Чакан Қурчи бошлиқ яхши қуроолланган мўғул отрядлари етиб келишди. Малик чўлида қўзғолончилар ва мўғул қўшинлари ўртасида қирғинбарот жанг бўлди. Тўқнашув пайтида қўзғолончиларнинг бошлиқлари Муҳаммад ва Али дайди ўқ тегиб ҳалок бўлишди. Бу воқеа жангнинг боришига таъсир кўрсатди. Бироқ шундай вазиятда ҳам қўзғолончилар саросимага тушмай мардона жанг қилдилар. Аммо барибир мўғул қўшинларининг қўли баланд келди. Қўзғолончилар 20 минг одамидан айрилиб, мағлубиятга учрадилар. Шубҳасиз, мўғуллар ҳам катта талафот кўришди. Шундай қилиб, Бухоро ва унинг атрофи яна Чингизхон авлоди қўл остига ўтди. Мўғул ҳарбий бошлиқларининг ғзаби жўшиб, бутун Бухорони вайрон қилиб, халқни етти яшаридан етмиш яшаригача қиличдан ўтказишни, воҳани эса кўчманчи мўғул феодалларининг чорваси учун яйловга айлантиришни мақсад қилишганди. Бироқ Маҳмуд Яловочнинг Бухорога етиб келиши бу фалокатнинг олдини олди. Ялавоч мўғул ҳарбий бошлиқларини исён кўтарган халқни жазоламасликка зўрға кўндирди. У бунда Бухоро сингари бой ва обод шаҳарнинг кули кўкка совурилиши мўғуллар салтанати куч-қудратини сусайтиришини рўқач қилди.


Маҳмуд Торобий қўзғолонининг фожиаси ва тарихан муқаррар ҳалокати шунда эдики, у феодализм давридаги барча халқ ҳаракатлари сингари мавжуд ишлаб чиқариш усулини бузишга ва янги ишлаб чиқариш усули асосларини яратишга қодир эмас эди. Қўзғолон, одатдагидек, вақтинчалик, чекланган территорияда ғалаба қозонди. Умуман, бу халқ ҳаракатининг аниқ бир программаси ҳам йўқ эди. Қўзғолон раҳбарлари, шу жумладан Маҳмуд Торобийнинг ўзи ҳам, қаттиқ тартиб ва интизомга риоя қилишмади, бир қатор жиддий хатоларга йўл қўйишди. Мағлубиятнинг яна бир асосий сабаби шунда эдики, Маҳмуд Торобийнинг социал ғоялари ўтмишга — синфсиз, инсон инсонни эксплуатация қилмайдиган жамиятга қаратилган эди. Бу идеалларнинг бари деҳқон уюпиясининг амалга ошмайдиган орзулари эди.

Маҳмуд Торобий қўзғолони Мовароуннаҳр ва Туркистондаги сиёсий ва иқтисодий ҳаётга таъсир кўрсатди. Бухородаги халқ қўзғолони бостирилгач, Чигатойхон (1227—1242) ўзинча, мўғул империясининг барчага баравар бўлган қонуни билан ҳисоблашмай, буюк хон Угедей билан келишмай, Маҳмуд Яловочни лавозимидан четлаштириб, ўрнинг ўз гумаштасини қўйди, Мовароуннаҳр ҳукмдори Маҳмуд Яловочнинг лавозимидан четлаштирилишига, афтидан, унинг қўзғолонни бостириш пайтида етарли даражада кескин чоралар кўрмаганлиги баҳона бўлган бўлса керак.

Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ҳаётида ҳам баъзибир ўзгаришлар рўй берди. Қумуш югуртирилган янги хил мис тангалар чиқарилди, давлат почтаси таъсис этилди. Йиллик натурал солиқнинг аниқ миқдори белгиланди. Халқ норозилигини сусайтириш учун бошқа муҳим чора-тадбирлар ҳам белгиланди.

Ўрта Осиё халқларининг мўғул боқинчиларига қарши озодлик кураши муҳим тарихий аҳамиятга эгадир. Табиийки, қўзғолончилар ҳокимиятни қўлларида сақлаб қола олмадилар ва Маҳмуд Торобий олдинга қўйган сиёсий мақсадга эришилмади, чунки ҳали бунинг учун шароит етилмаганди. Шунга қарамасдан, бу воқеа Чингизхон империяси тарихидаги синфий кураш занжирининг муҳим бўғинини ташкил этади. Бу каби халқ озодлик ҳаракатларининг энг муҳим томони шунда эдики, бунда турли этник уюшмаларнинг феодаллар зулми ва ҳуқуқсизликка қарши курашдаги ҳамжиҳатликдаги ҳаракати юзага келар ва мустақамланарди.

Маҳмуд Торобийнинг замондошларини ҳайратга солган жўшқин ва шонли ҳаёти ўз халқи, оддий меҳнаткашлар озодлиги учун бахшида бўлди. Бу исёнкор қалб ва унинг кўплаб сафдошлари эзилган халқни ҳимоя қилиб курашдилар. Шунинг учун ҳам Маҳмуд Торобий қўзғолони мамлакатимиз халқларининг чет эл боқинчиларига қарши озодлик курашидаги ёрқин ва сўнмас нур бўлиб қолди.



## ИСЁНКОР ШОИР СИЙМОСИ

Ўзбек совет тарихий насри Саъдулла Сиёевнинг «Аваз» номли янги романи билан бойиди. Бу романда ўтмишдаги оғир истибдод илдизлари хон саройидаги ички зиддиятларни бадий тадқиқ этиш орқали очилади. Асарни роман — фожиа деб аташ ҳам мумкин. Романда фожиалар туғуни бевосита Муҳаммад Раҳимхон, Исфандиёр, Жунайд образлари билан чамбарчас боғлиқдир. Муҳаммад Раҳимхон — Феруз ва Исфандиёр даврларидаги Хева, Тўрткўл, Хўжайли шаҳарлари ва Пишканик қишлоғида 1910—1916 йиллар ичида рўй берган муҳим кечмиш воқеалари роман сюжетини ташкил этади. Синфий қураш силсилалари, асосан, Аваз — Муҳаммад Раҳимхон, Исфандиёр, Матпано-Султонали ҳожи ва Зарифбой ўрталаридаги кескин зиддиятларда кўрсатилади. Аваз характеридаги табиийлики, хусусан, халқчиллик негизини кўпроқ адолатсизликдан, турмуш жафоларидан таъсирланиш, меҳнат кишилари билан яқдиллик омиллари белгилайди. Йўлдош мусофир, Матпано қабилар, шунингдек, Марҳамат, Ойхоним, Зевархон, Саодат, Гулсанам сингари бокира қизлар фожиаларида ваҳшийликка, зулмга ва фохишабозлиқка қарши руҳ акс садо беради. Аваз характерига жиддий таъсир этган нарсалар фақат шулардангина иборат эмас, унинг туб манбалари бундан чуқурроқ. Характер такомилли илдизларини истибдод ҳамда ижтимоий тенгсизликлар ташкил этади. Бундай тенгсизликлар муҳим, ҳаётини чизгиларда ва лавҳаларда берилади. Чунончи, ислом идеологияси ҳукмронлигидаги хон бошлиқ зулмкорларнинг қонхўрликлари тарихий фактлар орқали очилади. Бу усул Аваз, Феруз, Исфандиёр характерлари реалистик чизилишига ёрдам беради. Хон ўзига нисбатан айтилган Шариф тарронинг: «Йлоё, шол бўлиб, мачал бўлиб ўл» деган қарғишини, Огаҳийнинг: «Сени ҳам зўр этиб қўймас» матлаини, Зорийнинг: «Бўри қутирса, қавмига чопармиш» деган аччиқ таънасини ҳар сафар юраги ўйнаб эслайди. Лекин ундаги мустабидлик туйғуси устунлик қилаверади. Унингча, олло-таолонинг ҳукми азалий мутлақдир. Хоннинг тамоман акси бўлган Аваз образида эса, айни диний-мистик, догматик ақидага ҳушёрлик билан иккиланиб қараб: «Дунёда нимадир ўзгарши керак-ку?... адолат, яхшилик, бахт деган нарсалар ҳам бор-ку? Улар ҳам кимгадир насиб этмоғи керак-ку?» тарзидаги фалол мулоҳазалар олға сурилади.

Ёзувчи, бош қаҳрамон образини қурашга тайёр, шиддатли киши сифатида тасвирлайди. Шу жиҳатдан роман аввалги «бир чора замон истаб» (1986) қиссасидан фарқ қилади. Тарихий воқеалар ривожига қаҳрамон онги ва қарашларидаги даҳрийлик аломатлари ҳамда инқилобийлик томон силжишни муаллиф доим эътиборда тутаети. Унинг характеридаги ўзгартирилган, саботчилик хон деспотизми туфайли юзага чиққан фожиалар билан далилланади, булар реал деталлар ва диалогларда акс этади. Исёнкорлик, имон, инсон руҳи тўғрисидаги баҳсларда Авазининг: «Зўрлик, нола, фаҳш, ришвахўрлик»ларга нисбатан нафрати тиниқлашади. Қаҳрамон «Қўли қадоқ, ялангоёқ»

халқнинг манглайи қоралигига қаттиқ ачинади. Аваз дунёқарашидеги демократиклик, инқилобийлик фазилатлари хусусан Пишканик қишлоғи ноиб Султонали ҳожи билан тўқнашувларда, ҳатто «маҳобатли даҳма»га оид хоннинг ўзи билан бўлиб ўтган савол-жавобларида ёғаята жиддийлашади. Саъдулла Сиёев характер мазмунини очишда, индивидуаллигини таъминлашда ўз ижодий манерасига хос образли-поэтик, лўнда фикрлашга интилади. Қаҳрамоннинг этиқодига кўра, замоннинг, бадқирдор хонлик тузумининг ўзгартирилиши, айирмачиларга, айирмачиликларга, ноҳақликларга чек қўйилиши узоқ эмас. Лекин, зулм-истибдодда эзилган халқ елкасидаги оғир юк — «тегирмонтош»ни қандай куч улоқтириб ташлайди, буни ҳали Аваз тўғри идрок қилолмайди. Аваз дунёқарашидеги чекланганлик белгилари романда тарих тараққиётига уйғун келади.

Аваз онги ва руҳий тақомилида Сотим ўрис, янги усул мактабининг муаллими Қосимбек Мавлонбеков сингари илғор кишилар билан танишув Оренбургда нашр этилган «Урал», «Таржимон», «Вақт» газеталари материалларини ўқиш, рус сиёсий муҳожирини Иван Авдеев билан учрашув ҳодисалари катта роль ўйнайди. Муайян тарихий жараёнда асар бош қаҳрамонининг қандай нафас олгани, ижод этгани ва фаолияти, унинг шариат, тариқат, намозга нисбатан муросасизлиги ишончли кўрсатилади. У, диний риёкорликларга ижтимоий офат сифатида қарайди. Истеъдод ва меҳнат, шоир ва халқ муаммоси мутафаккир даражасига кўтарилган Аваз сўзларида шундай таърифланади: «Назмгўйлик темирчилик эмас, уни ўрганиб, ўргатиб бўлмас... одам боласи йиғламоқни, кулмоқни бировдан ўрганурму?... Инсон шоир бўлиб туғилмоғи керак, сўнг илму урфон, ранжу меҳнат орқасида камолга етажак... шоирликдан муддао — эл аро керилиб юриш эмас... Шоирлик — бу қисмат. Шеърят — бу дард, алам, азият, бир умрлик қашшоқликдир». Исёнкор шоир сиймоси ва тақдири акс эттирилган бу сўзларда лабзи кесгир, ҳақиқатчи, инсонга имонини бағишлаган буюк сўз санъаткорининг ёрқин қиёфаси намоён бўлади. Романда, Аваз характеридеги ҳозиржавобликка, халқ учун жон фидоликка, айниқса, унинг: «Бошини оллоққа хоннинг покидурмен» дейишгача борган ўткир мисралар битганига кенг урғу берилади. Бироқ шу ерда таъкидламоқ жоизки, деярли бир хил маъноли «халқ, эл, улус, раият, фуқаро» каби сўз — иборалар қаҳрамон, ёзувчи ва персонажлар нутқида жуда кўп такрорланади. Булар эса шубҳасиз, романининг бадий қувватини оширмайди, аксинча декларативликини кучайтиради.

«Аваз» романидаги уч характер — Исломхўжа, Ота Махсум ва Табибий образлари хусусида ҳам алоҳида тўхталмоқ мақбул. Аввало, тарихий шахс Исломхўжа образи ҳақида, Исломхўжа — феодал давлатининг йирик намояндаси, салтанатда ва халқ орасида мавқеи баланд шахс. У келажакни ўйловчи, бедодликлардан ғазабланувчи, маърифатпарвар, халқлар дўстлигини қувватловчи киши тарзида гавдаланади. Исломхўжа

нинг жиддий мулоҳазалари мутаассиб Исфандиёрни довдиратади, у, қайнотаси бўлмиш бу вазири акбарни ҳатто даҳрийликда айблайди. Ёзувчи ҳар икки характер ўртасидаги конфликтни янада кучайтирадиган бадий деталь ҳам топади. Бу — Муҳаммад Раҳимхоннинг Исфандиёрни хонлик мартабасидан маҳрум этиш тўғрисидаги Исломхўжа қўлида сақланган махфий Фармон деталидир. Адиб, ана шу деталь кўмагида хоннинг чуқур психологик кечинмаларини чизишга эришади. Исломхўжа — хонлик тузуми тартибларини ислоҳ қилишга киришган ва ижтимоий риёкорликнинг қурбони бўлган образдир. Унинг асосий нияти — оммани илм зиёсидан баҳраманд этишдек илгор ғоя Авазни руҳлантиради. Аваз характери такомилда Ота Махсум — Ёшулли етакчилигидаги махфий гуруҳнинг фаолияти ҳам салқоқли ўрин тутди. Ота Махсум қиёфасида жамланган тақдирни ўзгартиришга бўлган ғайрат ва ишонч шоир дунёқарашидagi синфийликни ва инқилобийлик руҳини авж олдиради. Аммо, бош қаҳрамон тақдирда шу қадар залворли из қолдириши мумкин бўлган Ота Махсум образига хос айрим қирралар, жумладан бадавлат хонадон соҳиби эканига қарамаддан «чора истар бечора»ларни ҳимоя қилиши, ҳукмдорлар билан курашга чанқоқлиги сабаблари романда етарли очилмай қолган. Адиб билан ўзаро суҳбатнамизда унинг Хоразм хонлиги тарихидаги уч ҳукмдор — Муҳаммад Раҳимхон Соний, Исфандиёр ва Жунaidлар даврида яшаб, ижод этган буюк сиймо Аваз образини яратишда давлат Архив материалларини, шоир ва тарихчи Баёнийнинг «Шажараи Хоразмшоҳий», Табибийнинг «Мажмуаи шуарои Фирӯзшоҳий», «Муҳаммасоти мажмуатуш шуарои Фирӯзшоҳий», «Ўзбекистон ССР халқлари тарихининг шоир ҳаётини ёритишга дахлдор ўринларини синчиклаб ўргангани, Исфандиёрни яқиндан билган хоразмлик Азиз Пошша ҳамда Аваз суҳбатларида иштирок этган Пўлат Матчоновлар хотираларини тинглагани аён бўлди. Муаллиф 1908 йилда Хевага сафар қилган академик А. Н. Самойловичнинг сарой шоирлари сардори Аҳмад Табибий билан учрашганига доир материаллар билан ҳам танишган. Романда Табибий образини яратар экан, Лаффасий ва А. Н. Самойлович чизгиларига таянади ҳамда шоирнинг зотилжам туфайли «калта йўталиши», «юмалоқ рангпар юзи», кўзлари «қийиқлиги», «ювош, кўнгилчанлиги», «оғир кўзғолиши», «кўса-лиги», паст бўйлиги, «йўрғалаб» юриши, чеҳрасининг «сарғиш»лигига ўрғу беради. Булар образнинг ҳаққоний яратилганидан далолатдир. Лекин, Табибийнинг Авазга муносабатини реалистик кўрсатишда сакталиқ ҳам учрайди. Романда Табибий асосан, Авазга хайрихоҳ одам, унинг устози тарзида таърифланади. Фақат бир ўриндагина Утар бобонинг: «Кўсадан ёруғлик чиқмас» деган мулоҳазаси бор, холос. Китобхонда ҳам Табибий дилбар, беғубор шахсдек таассурот қолдиради. Аслида, Табибийнинг Авазга эътиқоди бандлиги тўғри бўлса-да, 1908 йилда тузилган биринчи тазкирасида Табибий Авазни «маҳз омий» сифатида таърифлаб камситгани, 1909 йилда тузилган иккинчи тазкирасида эса: «**Авазимки, эрур шоири кам ҳирад, Сўзини ўзи тутгуси мўътамад**», деб Аваз Утар ҳақидаги салбий фикрларини «очқоқ-ойдин баёт» этгани адабиётшуносларнинг кейинги изланишларида маълум бўлади. Табибий образининг яратилишида тазкираларда таъкидланган шу ўринлар романда ҳисобга олинганида хонлик тузуми ижтимоий-сиёсий табиатиغا мослашишга мажбур бўлган сарой шоирлари «сарвари»нинг тадбиркор шахс эканлиги очиларди, сарой адабиёти билан демократик адабиёт ўртасидаги ғоявий-эстетик йўналишлар, уларнинг ўзи-

га хос қирралари янада конкретлаштирилди. Исломхўжанинг рус тилида эркин гапира олиши факти ҳам асосланмай қолган. Ҳажвий йўналишдаги образ Ҳасан қайғичининг ҳалойиқ олдида Муҳаммад Раҳимхонни, Исфандиёрни, Али Маҳрамларни ошкора ҳажв қилганига амалдорларнинг эътибор бермаслиги ҳам китобхонни у қадар ишонтирмайди.

Асардаги тўқима қаҳрамон Матпано образининг ғоявий-тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Матпано — хокисор деҳқон фарзанди, пахта заводининг ишчиси, яширин инқилобий гуруҳнинг қаландар қиёфасидаги ташвиқотчиси. Унинг муҳаббатда вафодорлиги, меҳнатқашлиги китобхонни мафтун этади.

Адиб етакчи салбий образлардан Муҳаммад Раҳимхон қиёфасини Аваз нуқтаи-назарида тahlil этар экан, хоннинг назм асарларни тушинишдаги ўткир фаросатини, лекин зolimлигини яққол курсатади. Авазнинг Ферузга қарата: «Шоҳим, мен сизнинг иккала юзингиз оппоқ бўлишини истайман», деган сўзларида бўлса, катта жасорат ҳамда гуманизм яширингандир. Бу ўринда Авазнинг Исфандиёрга нисбатан кескин муносабати моҳиятини ҳам эслатиб ўтмоқ қиёфя. Исфандиёрнинг хон бўлиб кўтарилиши халқнинг ўғридан қочиб, қароқчига тутилганидек гап бўлди. Отаси Муҳаммад Раҳимхон даврида бир мунча уюшган илм, санъат ва адабиёт аҳли тарқатиб юборилди. Жаҳолат ва жаллодлик авж олди. Аваз сингари илгор кучлар ҳаёти қил устида қолди. Ҳатто ўзининг хон этиб кўтарилишига раҳнамолик қилган қайнотаси Исломхўжа ўғринча қатл этилди. Ҳаё топталди. Романинг бу саҳифаларида бош қаҳрамон Аваз — қадриятлар ва орномус ҳимоячиси, Исфандиёр эса, ҳаёт ғоратчиси, беномуслик тимсоли тарзида гавдаланади. Асарда, Аваз характерида илгор, Исфандиёр типига қора кучлар ўртасидаги синфий зиддиятларнинг энг муҳим тугуни ечилмоғи керак эди. Конфликт интиҳоси сиртдан қараганда гўё Исфандиёр бошлиқ реакцияон кучларнинг ғалабаси билан туғадан-дек таассурот қолдирса-да, воқеалар оқимининг мантиқиға теранроқ кириб борилса, Аваз бошлиқ прогрессив кучлар олдида ижтимоий ва ғоявий реакциянинг куни битаётгани, умуман, хонлик истибодининг тўхтовсиз, муқаррар емирилаётгани ойдinлашади.

Романда Аваз каби сиймоларнинг муайян ижтимоий муҳитдан бир даража юқорига кўтарилганлиги, синфий-сиёсий зиддиятнинг, коллизиянинг тарихий шахслар ҳамда Матпано, Амаджон, Ражаббой, Сотим ўрис, Марҳамат, Сайфий сингари тўқима образлар аро ҳаракати ўткир руҳий кечинмаларда акс эттирилади. Ёзувчи ижодий ютуғини таъминлаган омиллардан яна бири, романда автор позициясининг тиниқлиги, хронологик чегаранинг аниқлиги, вақт ва ҳаракат жойининг конкретлиги, тарихий ва адабий фактларнинг сараланганлиги, тасвирнинг узлуксизлигидадир. Буларга қўшимча, «инжима, гужум, улли доим, алинда, оғамнан на гуноҳ ўтбди, нетамиз, тоза гап, ёшулли, Утар бобонинг дўғмаси, ажаб, яси» каби персонажлар нутқларидаги хоразмча тил жозибалари ва жой колорити сақланганлигини ҳам маъқуллаш лозим. Тарихий прозамизда гоҳи-гоҳида асар тилининг ҳаддан зиёд замонавийлаштирилаётганлигини ёки меъёр даражасида бўлмаган архаизмга мойилликлари учрайди. Саъдулла Сиёевнинг Аваз ҳақидаги олдинги қиссасида Хоразм лажжаси кўпроқ ўрин олган эди. Ёзувчи мазкур романи тили устида ҳалол, қаттиқ ишлаганлиги кўриниб турибди.

Мамасодиқ ҲУСАИНОВ,  
филология фанлари кандидати

## НОЁБ МУСИҚА ҚОМУСИ

Хоразм мақомлари I—III том. Фафур фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1980—87

Ўзбек халқи мусиқий дурдоналарини ўз ичига олган «Хоразм мақомлари» кўп жилдли мажмуасининг чоп этилиши Ўзбекистон музика маданиятида катта воқеа бўлди. Зеро, анъанавий профессионал музика меросимиз, хусусан, «Хоразм мақомлари»нинг тўлиқ нашрдан чиқиши Октябрь инқилобининг 70-йиллиги нишонланаётган йилга тўғри келишида ҳам рамзий маъно бор. Бинобарин, ўзбек музика маданияти ва унинг таркибий қисми бўлмиш музика санъати Советлар ҳоқимиёти даврида кенг қўлоқ ёйиб, ривож топмоқда. Бу ноёб хазинани халққа етказишда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Матниёз Юсупов кўп иш қилди. Ўзбек мақомларини тадқиқ этиш Матниёз Юсупов ижодининг ўзагини ташкил этади. Маълумки, кўпгина Шарқ халқлари музика маданиятида мақом, мўғом, мугам, рага, навба, куйи каби мураккаб туркумли классик профессионал халқ ижоди дурдоналари мавжуд. Республикаимиз территориясининг ўзида халқимизнинг мақом мусиқий мероси бир-биридан фарқли ўлароқ уч хилдир. Булар Бухоро «Шашмақом»лари, Хоразм мақомлари ва Тошкент—Фарғона мақом йўлларидан иборат.

Хоразм мақомлари еттига бўлиб, улар куйидагича номланади: «Рост», «Бузрук», «Наво», «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Ироқ» ва «Панжгоҳ». Ҳар бир мақомнинг ўзи йирик мусиқий туркум асарларидан иборат. Мақом ўз навбатида икки йирик қисмга бўлинади. Биринчи қисми «Мушкулот — чолғу бўлими» деб юритилади. Хоразм мақомларида бу қисм чертим йўли деб аталади. Мақомнинг иккинчи қисми «Наср — ашула бўлими» деб юритилади. Хоразм мақомларида эса, мазкур қисм «Айтим йўли» деб ном олган. Шундай қилиб Хоразм мақомларининг олтинчиси (Панжгоҳдан ташқари) 1958 йилда «Ўзбек халқ музикаси» сериясининг олтинчи томида анчагина бўлимлари ва туркумлари киритилмасдан нашр этилган эди. Уларни тиклаб, нотага тушириш, йиғиш ва тўплаб, ҳар бир мақомни бир бутун ҳолатга келтиришдек мураккаб ва муқаддас ишни Матниёз Юсупов муваффақиятли яқунлади. Энди «Хоразм мақомлари»нинг ўтмишда қўлиб кетаётган баъзи бўлимлари ва туркум музикалари азалий классик номлари билан тикланди ҳамда ўз тартиби билан жой-жойига қўйилди. Яқин йилларда ҳам баъзи мақом музикаси дилетантлари ва мақомларнинг томирини кўра билмаган мутахассислар Хоразм мақомлари Бухоро «Шашмақом»ининг такрори, деган фикрини илгари сурар эдилар. Матниёз ака Бухоро ва Хоразм мақомларининг ҳар бир бўлим ва қисм музика асарларини тематик ва музика материали жиҳатидан таҳлил қилиб, бир-бирига таққослаб чиқди. Уларнинг тубдан ўзига хос, мустақил мақом эканлини исботлади ва фарқини кўрсатиб, мукаммал шарҳлаб берди. Олим аниқ ва конкрет хулосалари билан юқоридаги нотўғри қарашларга чек қўйди. Хоразм мақомларига мансуб кўпгина асарларнинг асл классик номларини тиклаш масаласини ҳам муаллиф ижобий ҳал қилди.

Хусусан, «Рост» мақомининг чертим йўли бўлимидаги «Пешрав» қисми халқ орасида «Хуноб» деб ноўрин номланиши, шу мақомнинг биринчи қисм айтимларидаги «Фарёди насри ушшоқнинг» «Шитоб айлаб» деб юритилиши, шунингдек, у ёки бу бўлим музика асарларининг баъзан қисқартириб ёхуд ўзгартириб ижро этилиши каби нуқсонлар мавжуд эди. Матниёз Юсуповнинг бу масалага ижодий ёндашиши ва нуқсонларни тузатишга қаратилган тадбирлари самарали бўлди. Ниҳоят, маънавий профессионал халқ музика ижодиёти бўлмиш «Хоразм мақомлари» уч томлик мажмуада беш китобдан иборат ҳолда халққа етказилди. Биринчи томда, муаллифнинг «Хоразм мақомлари» илмий-назарий мақоласи ҳамда «Рост» ва «Бузрук» мақомлари жой олган. «Рост» мақоми 1958 йилги нашрида 16 асардан иборат эди, улардан саккизтаси чертим йўли бўлимига ва яна саккизтаси айтим йўли бўлимига киритилган. Қайта тикланган 1980 йилги нашрида эса «Рост» мақоми 42 асардан иборат эканлиги эътиборга моликдир. Шу жумладан, чертим йўли 18 асарни, айтим йўли 24 асарни ўз ичига олди. Мазкур мақомнинг чертим йўлида ўнта асар ва айтим йўлида 16 асар тикланиши, унинг қайта туғилиши демакдир. Энди «Рост» мақоми ҳам раббад мақомлар қаторидан ўрин олди.

Ўзбек миллий музикаси тарихида бу ишлар муҳим саҳифа бўлиб, мақом музикаси ихлосмандлари ва мақомшунос олимларнинг янги ижодий изланишга замин бўлди.

«Бузрук» мақоми аввалги нашрда 15 асардан ташкил топган бўлса, сўнгги нашрда 40 асарни бирлаштирганини эътироф этиш ўринли. Кўриниб турибдики, ҳар иккала мақомнинг тўлиқ ҳолатда чоп этилиши, Хоразм халқ мусиқий дурдоналарининг тикланиши ва реставрация ишларига бўлиб қолмай, ҳатто қайта туғилиши деб бемалол айта оламиз.

«Хоразм мақомлари» мажмуасининг иккинчи томи алоҳида икки китобдан иборат бўлиб, биринчисига «Хоразм мақомчилари» номли илмий назарий мақола билан «Наво» мақоми киритилган. М. Юсупов мазкур мақоласида ўзига хос санъати билан донг таратган, мақомларнинг машҳур билимдонлари — Хоразм маданиятининг тарғиботчилари ижодига назар ташлайди. Жумладан, зулм ва адолатсизликка қарши курашган халқпарвар ва демократ шоир Аваз Утар ўғлининг изланишлари қизиқарли баён этилади.

Машҳур бастакор, созанда, инқилоб ва янги ҳаёт куйчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Матюсуф Ҳарратов (Чокар тахаллуси билан шеър ва ғазаллар битган ўз даврининг таниқли шоири) ижодида ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

Ўзбек музика маданиятининг намояндаларидан бири дутор, рубоб ва гармонда юксак ижрочилик маҳоратига эришган Ўзбекистон ССР халқ артисти Шерозий — Мадраҳим Еқубов (1890—1973)нинг Хоразм музика санъатини ривожлантиришдаги салмоқли ҳиссаси ҳақида, шунингдек, кекса санъаткорлардан бири, мақомларнинг тароналари, уфорлари ҳамда айтим қисмлардаги Сувора, Савти ва Мустазодларнинг моҳир ижрочиси, дутор, гармон ва доира чолғуларида навозандалик санъати билан танилган Жуманиёз Хаинтбоев (1890—1970) ижодий фаолияти ҳақида китобда кенг фикр юритилади.

Тадқиқотчи олим М. Юсупов «Наво» ва «Дугоҳ» мақомларини тўла ўзлаштиришда ҳамда уларнинг аввалги нашрларида тушириб қолдирилган қисм ва бўлимларини топиб ўз ўрнига жойлаштиришда ва тартибга солиш борасида ҳам тинмай изланди.

1958 йилдаги нашрида «Наво» мақоми 19 асардан иборат бўлиб, шундан чертим йўли бўлими 11 асарни ва айтим йўли бўлими 8 асарни ташкил этганди. Янги 1982 йилдаги нашрда бир неча туркумли асарларни бирлаштирувчи бўлимлардан иборат экани эътиборни жалб этади. Айниқса, бу мақом 47 асарни бирлаштириб, энг йирик мақомлардан бирига айланганини алоҳида эътироф этиш керак.

Хоразм мақомларининг тўртинчиси «Дугоҳ» 1984 йилда чоп этилди. Бу мақом аввалги (1958 й) нашрида 18 асардан иборат эди, мақомни тиклаш ишлари якунланганда у 48 асарни ташкил этади. Аввалги нашрларига кирмай қолган асарларни топиб тўлдиришда ва уларнинг тартибини ўрнатишда Комил Хоразмий тузган нота чизиги мундарижаси, Матюсуф Харратов қаламига мансуб «Хоразм музыка тарихи очерклари», шунингдек, машҳур мақомчилар Матпано ота Худойберганов, Шерозий — Мадраҳим Ёкубов, Комилжон Отаниёзов, Жуманиёз Ҳайитбоев, Ҳожихон Болтаев каби кекса ижрочиларнинг қимматли маслаҳат ва кўрсатмалари катта аҳамиятга эга бўлди.

Хоразм мақомлари мажмуасининг учинчи том нашри ҳам алоҳида икки китобдан иборат бўлиб, биринчисидан М. Юсуповнинг «Мақом ва ижрочилар» мақоласи ва «Сеғоҳ» мақоми жой олди. Бунда китобхон донг таратган мақом ижрочиларининг ўзига хос услуби йўналиши ва баъзи маҳорат сирлари билан танишиш имконига эга. «Сеғоҳ» мақоми эса, аввалги нашрда 15 асарни ташкил этган бўлса, янги нашрда 45 асарни бирлаштиргани классик мусиқа ихлосмандларини бефарқ қолдирмайди.

Ўзбек миллий музыка маданиятининг таркибий қисми бўлиши «Хоразм мақомлари» тўлиқ чоп этилиши тўпловчи ва нотага олувчи Матниёз Юсупов ҳамда махсус муҳаррир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Илём Акбаровнинг илмий муваффақиятларидир.

Хулоса қилиб айтганда, еттита Хоразм мақомлари — «Рост», «Бузрук», «Наво», «Дугоҳ», «Сеғоҳ», «Ироқ» ва «Панжгоҳ» номи билан аталган халқ мусиқий дурдоналари на фақат Ўзбекистонда, иттифоқ ва жаҳон миқёсида ҳам мутахассис олимлар ва ижрочи санъаткорлар эътиборига тушди. Бу ноёб «Хоразм мақомлари»нинг яратилиш тарихини, унинг тарқалган зоналарини, ижрочилик услубларини, ушбу мусиқа асарларининг ўзига хос қонуниятларини назарий идрок этиш, илмий тадқиқ қилиш ишларини йўлга қўйиш ва амалий ўзлаштиришга кенг имкониятлар очилди.

**Рустам НЕЪМАТОВ,**

**М. Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг доценти**

## САФАРБАРЛИК

**Салоҳиддин Мамажонов. Теранлик. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент — 1987**

Таниқли адабиётшунос Салоҳиддин Мамажонов серкирра илмий-назарий фаолиятида ленинча таълимнинг ҳаётбахш қудрати, социалистик реализм поэтикаси масалалари етакчи ўринини

эгаллайди. Муаллифнинг аввал эълон қилинган «Ленин ва миллий адабиётлар равнақи» рисоласи («Фан» 1986) моҳият-эътибори, мазмуни, концепцияси жиҳатидан шу мавзуга бағишланган ўнлаб мақолаларининг ўзига хос давоми ҳисобланади. Шу жиҳатдан мазкур рисола ҳам, олимнинг янги китоби — «Теранлик»дан жой олган ижодий метод поэтикаси хусусидаги назарий мақолалар ҳам ўз мундарижаси, мавзуси ва бош йўналиши нуқтаи-назаридан ажралиб туради.

Олим санъатимизнинг бош методи билан В. И. Лениннинг адабиёт ва санъат тўғрисидаги таълимотини диалектик яхлитликда таҳлил қилишга катта аҳамият беради. Муаллиф тўғри таъкидлаганидек, «коммунистик партиявийлик ҳақидаги ленинча таълимот социалистик реализм методининг қон томири» ҳисобланади. Бу ҳақиқат унинг «В. И. Ленин таълимотининг ҳаётбахш қудрати» ҳамда «Ленин ва миллий адабиётлар равнақи» рисоалари, «Социалистик реализм адабиётининг улғу программаси», «Съезддан кейинги ўйлар» сингари назарий мақолаларида зуҳур топган.

С. Мамажонов талқинида социалистик реализм муайян назарий-амалий қолиплар доирасидаги чекланган метод сифатида эмас, балки очиқ системали, жаҳон сўз санъати тажрибасидаги барча новаторона изланишлар — бадий кашфиётларни инкор этмасдан, асинча, уларни ижодий ўзлаштиришга қодир, ўз поэтикасини ҳамisha бойитиб бораётган қизгин фаолиятдаги, ҳаракатдаги, демак, энг истиқболли, энг илғор, бадий-эстетик имкониятлари кенг метод сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи-назардан муаллифнинг социалистик реализм поэтикаси борасидаги мазкур концепцияси санъатимиз бош методи ҳақидаги янгича назарий қарашлар, талқинларга тўла мос келади.

Социалистик реализм методи борасидаги баҳслар ҳали тинганича йўқ. Айниқса, урушдан кейинги йиллар, хусусан турғунлик даврининг «мероси» сифатида ҳамон «яшаб» келаётган, баъзан нотўғри, кўпинча эса бирёқлама тушинилиб, талқин этиб келинаётган устивор қоидалар, қонуниятлар мазкур таълимотга ижодий ёндашмасликнинг ва ҳатто уни тушунмаслик, тушунишни истамаслик мўйилларини оқибат-натижаси ҳисобланади. Бундай қарашлар қандай «ижодий, илмий самараларга» олиб келганлиги бугун, қайта қуриш, ошкоралик, одиллик даврида бутун моҳияти билан айниқса, теран намоён бўлди. Биз, ҳатто, социалистик реализм методи ҳамisha тараққиётда, камолотда, қизгин изланишлар фаолиятида бўлишини, яъни ҳаракатдаги жонли реализм эканлигини ҳамма вақт эсда тутавермадик.

С. Мамажонов аксари мақолларида ана шу муаммолар борасида қизгин баҳс юритади, доҳий таълимотини келиб чиққан ҳолда ўз қарашларини олға суради ва илмий-назарий асослайди. Олимнинг бу устивор концепцияси туб моҳиятига кўра қайта қуриш даврининг маънавий ҳаёт билан боғлиқ ошкоралик, демократия сиёсатига ҳаммадан.

«Теранлик» китоби моҳиятини инсоннинг баркамоллиги, ақли ва қалби учун курашга, жамият маънавий дунёсини бойитишга сафарбар сўз санъатимиз ва у ҳақда олимнинг қизгин жараёнлари тадқиқи белгилайди.

Олим адабий танқиднинг турли проблематик, назарий масалаларини ёритганда ҳам, адабий портрет, обзор, тақриз, эссе, юбилей мақолалари сингари хилма-хил жараёнларда фикр юритганда ҳам мулоҳазаларини умумлашмалар асосида мазмунли, эҳтиросли баён этишга интилади. Унинг Ғафур Ғулом, Ҳамид



Олимжон, Зулфия, Миртемир, Эркин Воҳидов сингари машҳур санъаткорлар ижоди, В. Г. Белинский, Н. А. Добролюбов, В. Зоҳидов каби алломалар фаолияти тадқиқига бағишланган ишлари, адабий жараён қонуниятлари, тенденциялари хусусидаги таҳлилий умумлашмалари ҳам ўша фазилатнинг яхши самараларидир.

Муаллиф қизиқишларининг уфи кенг: бирон сўз устаси ёхуд атоқли олим-адабиётшуноснинг ижодий индивидуаллигига бағишланган мақолада («Добролюбов ва замонамиз», «Жаҳон адабиётининг йирик сиймоси» (Бобур ҳақида), «Ғафур Ғулومнинг таҳлилий умумлашмалари», «Зулматдан зиё» (М. Ф. Охундов тўғрисида), «Устозлар издан» (Ж. Икромий ҳақида), «Шоир ва гражданин» (Э. Воҳидов тўғрисида) сингари адабий портретлару очерк ҳамда эсселари) маҳорати, поэтикаси, ижод психологияси, санъаткорнинг ўзига хослиги каби хилма-хил масалаларни қамраб олишга интилади. Олим умумдабиёт масалалари, ўзаро яқин адабиётларнинг, йирик сўз усталари ижодининг ўзаро бир-бирига таъсири («Абдулла Қодирий ва Урта Осиё романчилигига доир», «Романга хос тафаккур ва Ойбек ижоди» каби аналитик, проблематик мақолалар) масалалари аслида тадқиқотчининг бутун илмий-эстетик фаолиятдан қизил ип бўлиб ўтади. Шундай қилиб, битта атоқли қалам аҳли яратмаларидан бошланган мулоҳаза бутун бир миллий адабиётга, ундан кўп миллатли совет адабиётига, жаҳон сўз санъати оламига ўтиб кетади. (О. Шарафиддинов ижодий портретига бағишланган «Қайноқ муҳаббат, юксак эътиқод» эссесиде автор адабиётшунос-олим маҳоратига хос бош фазилатни унинг худди шундай услубида кўради. Бундай баҳо аслида С. Мамажоновнинг услубига ҳам тааллуқли).

Афсуски, жанрий жиҳатдан хилма-хил мақолаларда баъзан бир хил ҳолатдаги талқинлар, ўз-ўзини такрорлаш, кўп сўзлик сингари нуқсонлар кўзга ташланиб, эриш туюлиб туради. Айрим мақолаларнинг мазмуни мундарижасида айнан ўхшаш тезислар, хулосалар, концепциядаги бир хилликлар учраб туради. Масалан, аввалги рисоладаги «Адабий танқиднинг юксак бурчи», «Ленин ва адабиётимиз равнақи» билан «Теранлик»даги «Социалистик реализм адабиёт-

тининг улў программаси», «Съезддан кейинги ўйлар» мақолаларида мазкур ҳолни кўриш мумкин. Худди шундай манзара бир китоб — «Теранлик» мундарижасида учраши эса ўринли эътироз тўғдиради. Жумладан, «Адабий танқид ва адабий жараён», «Адабий жараён ва адабий журналларда адабий танқид», «Илмий теранлик» сингари проблематик мақолаларни ўзаро қўшиб, танқид ва адабий жараён концепциясини умумий яхлитликда, муштаракликда аналитик таҳлил этиш мумкин эди. Бундан мазмун ҳам, мундарижа ҳам, шубҳасиз ютган бўларди. Бундай даъво китобга кирган бошқа материаллар — эсселар, мақолалар, адабий портретлар ва обзорларнинг муайян бир қисмига ҳам дахлдор («Танқидчи ва адабий жараён», «Танқидчи маҳорати» ва бошқалар).

Лекин булар объект бўлмиш тадқиқотларнинг илмий-эстетик қадрига, ўқувчининг улардан оладиган яхлит таассуротига кўп ҳам пўтур етказмайди. Чунки муаллиф танқидчиликнинг, адабиёт илмининг бош эстетик функциясини теран тушунади. Унинг учун В. Г. Белинскийнинг танқид (ва адабиётшунослик)нинг вазифаси хусусидаги қуйидаги фикрлари асосий тамал тоши, илмий-эстетик изланишларнинг моҳиятига айланган: «Танқиднинг вазифаси,— деб ёзади буюк назарийчи,— таҳлил орқали ижтимоий фикрни тушунтириш ва истеъдод ёки даҳонинг маъноси, моҳиятини очиш, унинг асарининг ўзига хос хусусияти ва ватан адабиётини ҳамда ўз жамияти ҳаётини бойитувчи фазилатини таъминловчи ҳаётий унсурларни аниқлашдир».

Қайта қўриш концепцияси адабий жараённи фавқуллодда жонлантириб юборди. Сўз санъатида, унинг илмида янгича ижодий изланишлар, тенденциялар ва ижобий фазилатлар туғила бошлади. Ана шу кўтлўғ, гоятда долзарб, масъул жараёнда С. Мамажонов ҳам ўзининг сермахсул, ҳозиржавоб, сафарбар ижоди билан фаол иштирок этмоқда, халқимиз илмий-эстетик тафаккури ривожига ва бадий маданиятимиз камолига муносиб улўшини қўшмоқда.

**Нарзулла ШОДИЕВ,**  
филология фанлари доктори, профессор



Мен сеvimли журналимиз «Шарқ юлдузи»нинг 1988 йил 9-сонида чиққан А. Жўраевнинг ўзбек эстрада санъатига асос солган хонанда Ботир Зокировга бағишланган «Юрак бўронлари» қиссасини ўқиб чиқдим. Асар менда жуда яхши таассурот қолдирди. Биргина мен эмас, бутун оиламиз аъзолари Ботир Зокиров куйлаган қўшиқларни ҳамон севиб тинглаймиз. Бу қўшиқлар ишқ-муҳаббат ўти бўлиб юракларга кириб боради, инсонни юксакликка чорлайди. Журналда босилган ҳужжатли қисса асосида фильм ишлаб чиқилса, ажойиб иш бўларди. Хонанданинг табаррук хотираси олдида биз ҳали қарздормиз, деб ўйлайман...

Моҳира АБДУЛЛАЕВА,  
Самарқанд область, Навоий райони

«Юрак бўронлари» ҳужжатли қиссасини ўқиб жуда таъсирландим. Бир томондан фахрланиб, иккинчи томондан афсусландим. Фахрланишга боис, биз барчамиз Ботир Зокировнинг юртдошимиз! Афсусланганимнинг сабаби шундаки, бу буюк истеъдодли киши дунёдан эрта кетди. У ҳали кўп ишлар қилиши мумкин эди.

Қани энди, кўча ва хиёбонларга, мактабларга Ботир Зокиров номи берилса! Мен чин дилдан шундай бўлишини истардим.

Журнал саҳифаларида буюк кишилар ҳаёти ҳақида асарлар бериб борилаётгани кишини қувонтиради...

Маърифат РАҲМОНОВА,  
Қашқадарё область, Гузор райони

Мен 50-йиллардан «Шарқ юлдузи» журналининг муҳлисман. Унда чоп этилган асарларни, адабий-танқидий мақолаларни муттасил ўқиб бораман. Айниқса, О. Шарафиддинов, У. Норматов, Н. Худойберганов, Ҳ. Абдусаматов каби танқидчиларнинг асарларини ўқиб менда доимо катта таассурот қолдиради. Аммо истеъдодли танқидчи Н. Худойбергановнинг кейинги вақтларда эълон қилган мақолаларидаги баъзи фикрлар кўпчилик қатори мени ҳам ҳайратлантириб қўйди. Айниқса, танқидчининг «Шарқ юлдузи» журнали (1988 йил, 3-сон)да эълон қилган «Ҳаммаси таҳлилда кўринадиди» мақоласи мени ранжитди. Мунаққиднинг фикрича, сўнги йигирма-йигирма беш йил мобайнида «ўзбек адабиётида мақташга сазовор бирор асар ёзилмаган», кўпчилик адибларимиз сазовор бўлган мукофот ва унвонлар хато берилган эмиш! Улар билан биз фахрланиб юрибмиз-ку! Бу бўҳтонга ишонини мумкинми? Турғунлик йилларида ҳамма соҳада бўлганидек, адабиёт соҳасида ҳам, албатта, камчиликлар бўлган. Лекин Н. Худойберганов айтганчалик эмасдир. Мен бу тўғрида «Шарқ юлдузи» (1988 йил, 7-сон)да эълон қилинган филология фанлари доктори Ҳ. Абдусаматовнинг «Ҳалоллик» мақоласи мазмунига тўла қўшиламан. Қайта қуриш ҳақдан ошиш, кўнгилга нима келса айтиш, қасд олиш эмас-ку, ахир! Ҳ. Абдусаматов ёзганидек, унинг «Сени ўйлайман, замондош» деган китобида ёзганлари хотирасидан кўтарилдимикан? Афсуски, бундай «пок» танқидчиларнинг мақолалари газета ва журналлар саҳифаларида тез-тез учраб туради.

Шундай қилиб, менда Н. Худойбергановнинг бу мақоласи яхши таассурот қолдирмади.

Д. РАҲИМОВ,  
Туркменистон ССР, Тошовуз шаҳар,  
14-ўрта мактаб методист-ўқитувчиси,  
ТССР халқ таълими аълочиси

«Шарқ юлдузи» журнали ҳурматли адибимиз Пиримқул Қодировнинг «Авлодлар давони» романини эълон қилиб, биз муҳлисларини ниҳоятда хурсанд қилди. Бу каби тарихий романлар халқимиз учун бебаҳо хазинадир. Биз журналлар саҳифаларида тез-тез учраб туради.

ЖУМАНИЕЗОВЛАР оиласи  
ҚҚАССР.

Журналист Қодиржон Собировнинг «Шарқ юлдузи»да босилган «Ургимчак уяси» очеркини ўқиганимда вужудимда титроқ пайдо бўлди. Ахир бу қандай бедодликки, бир тўда фирибгар юлғучлар пахта ва план баҳона йиллар давомида деҳқоннинг нонини туя қилиш билан шугулланиб келишган бўлишса! Деҳқон саратон жазирамасида куйиб меҳнат қилсаю, жарақ-жарақ пуллар юлғучлар ҳаменига тушса. Бели оғримаганинг нон ейишини кўрмин, деб шунга айтсалар керак-да. Шулар тўғрисида ўйлар эканман, бир оғайнимнинг ҳикояси ёдимга келади.

Жиззахда Мамаширф ота Ҳусанов деган бир мўйсифид бўларди. Бу киши инқилоб даврида Фрунзенинг назарига тушган толмас революционерлардан бўлиб, колхозлаштириш даврида ва ун-

дан кейин ҳам партия ва халққа зўр жонбозлик билан хизмат қилган. Мамашариф ота асли Сирдарё областининг Баландчақир қишлоғида туғилган, отаси бевақт вафот этгач, онаси жиззахлик бўлгани учун уч нафар фарзандини она юртига етаклаб бориб, ўша ерда вояга етказган. Мамашариф отанинг доврўқларини кўп эшитиб, ҳавас қилиб юрардим-ку, аммо ўзлари билан учрашмагандим. 1964 йилда атайлаб у кишини кўриш учун Жиззахга бордим. Бу пайтда отахон пенсияга чиқиб, қарилик гаштини сураётган эканлар. У киши билан икки кун ҳамсўхбат бўлдим, кейин Баландчақирга олиб кетдим. Мамашариф ота турмуш ташвишлари билан овора бўлиб, киндик қони тўкилган кишлоққа келмаганларига ҳам 40 йил бўлган экан. Ота Баландчақирда қайси хонадонга кирган бўлсалар, ўша хонадонда бир қўй сўйилиб, тўн ёпилди. Отахон болаликлари ўтган кишлоқда 3-4 кун меҳмон бўлиб, қадрдонлари билан мириқиб суҳбатлашдилар. Жиззахга қайтар вақтларида мен у кишини яна кузатиб қўйдим. Шундан кейин бу одамни қайта кўриш nasib этмади. Аммо таъзияларига борганимда катта ўғиллари Пўлат Шарипов билан суҳбатлашиб, у кишини эсладик.

— Дадам Баландчақирдан бир қоп тўн билан қайтганларида мен қаттиқ таъсирланганман. — деди Пўлат ака — шунинг учун бўлса керак у кишига шундай дедим: — Мана, ҳамқишлоқларингиз Сизни жуда ҳурматлашибди. Эндиликда улар келгудек бўлишса, биз ҳам шундай меҳмондўстлик кўрсатишимиз керак. Бироқ, яшаётган кулбамиздан уяламан. Раислик вақтларингизда гамлаган пулларингиздан борми? Бўлса, тузукроқ иморат қурайлик.

Дадам, биров ўйлаиб туриб шундай дедилар.

— Мен саккиз нафар фарзандни, шу жумладан сени ҳам тарбиялаб, вояга етказдим. Сенлар менинг энг катта бойлигим, сўянган тоғимсенлар. Бошқа ҳаммасини мен иккинчи даражали нарсалар деб биламан.

У пайтда анча ёш эдим, бу сўзларнинг маъноси ҳақида чуқур ўйлаб кўрмагандим. Мана, бугун отам жуда оқилона ҳаёт кечирганини яхши ҳис қилиб турибман. Отам 40 йилдан ортиқроқ раҳбарлик лавозимларида ишлаганлар. Жиззах воҳасида биронта одам у кишидан норози бўлиб, кўнгли офриганлигини эшитмаганмиз. Отамизни кўрган-билганлар у кишини ҳамisha ҳурмат билан эслаб, яхши фазилатларини гапирганларида тўнмизга сиғмай кетамиз. Ахир, фарзанд учун бундан ортиқ бахт борми?

«Урғимчак уяси» очеркида қаламга олинган фирибгарларнинг жамиятимизга етказган иқтисодий зараридан ташқари, халқимиз маънавиятига етказган маънавий путурини қандай ўлчаш мумкин? Бундай жиноятлар халқнинг раҳбарларга ишончини йўқотади, руҳини сўндиради.

Кейинги йилларда республикамизда кўп рақабатли жиноятлар очилиб, юзлаб раҳбар ходимлар жавобгарликка тортилдилар. Ана шу кишиларнинг оила аъзолари бугунги кунда тортаётган руҳий азобларни кўз олдимга келтирганимда Пўлат Шариповнинг ўз отаси ҳақида мамнуният билан айтган сўзлари ёдимга келади. Инсоннинг ўз ота-онаси билан фахрлана олиши ҳам ҳаммага ҳам nasib қилвермайдиган бир бахт эканлиги ҳақида ўйлайман.

А. АБДУҚУНДУЗОВ

Мен «Шарқ юлдузи»нинг доимий ўқувчисиман, бу журналда босилаётган бадиий асарлар, публицистик мақолаларни мунтазам ўқиб бораман. Журналнинг 1988 йил 4-сонидан босилган «Бозор ва нарх» мақоласи умуман менга маъқул бўлди. Лекин назаримда мақоланинг биров баҳсли жойлари ҳам бор. Муаллиф мамлакатда ойлик маош мунтазам ошиб бораётганлигини далил қилиб, колхоз ва совхозларда етиштирилаётган айрим қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини икки барабар ошириб қўйберса ҳам бўлади, дейди. «Ахир шу харидор колхоз дўконидаги нархдан икки-уч тийин эмас, балки икки-уч, ҳатто, баъзан беш барабар қиммат бўлса ҳам, сифатли маҳсулот харид қилиш учун бозорга интилмоқда-ку», — деб ёзади.

Утган йил баҳорда Андижон бозорларида икки ой картошка бўлмади. Мабода бозорги картошка кириб қолса, килоси бир ярим сўмдан зум ўтмай сотилиб бўлганлигини бир неча марта кўрдим. Пиёзнинг нархи эса 60-70 тийинга чиқди. Наҳотки, шу аҳволда «ошган маош»ни етказиб бўлса. Ахир бизда маош ошиши билан бирга сўмнинг қуввати ҳам пасайиб борапти-ку.

Май ойида Фирғонадан келаётиб, Қува билан Шаҳрихон оралиғидаги Холдевонокбек қишлоғида магазин олдига тўқиб қўйилган картошкага эътибор бердим. Сотувчидан нархини сўрасам 1 сўм 20 тийин, коопторда шундай нарх қўйиб беришди, деди. Бу картошка жонивор ҳам ёнғоқдан катта эмас, офтобда қизиб ётарди.

Мен кийим-кечак ишлаб чиқариш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида кооперативлар ташкил этилишини қўллаб-қувватлайман. Булар ҳеч сўзсиз, кенг истеъмол буюмлари сифатини яхшилашда, аҳолига намунали маиший хизмат кўрсатишда муҳим аҳамият касб этади. Аммо ҳозирги шароитда умумий оқватланиш соҳасида кооперативлар ташкил этилишига қаршман. Бундай кооперативлар озиқ-овқатлар нархини қимматлаштиришдан бошқа вазифани бажармаяпти. Ахир бир одам бир марта қорин тўйғизиш учун 3 сўмдан 10 сўмгача сарфлаши адолатдан эмасди!

Умумий оқватланиш соҳасидаги кооперативлар қоида бўйича ўзлари ишлаб чиқарган ёки бозордан сотиб олинган маҳсулотлардан оқват тайёрлашлари керак. Аслида эса уларнинг аксарияти давлат ўштинги турли ўйлар билан олиб, бирни иккига пуллашаяпти. Мамлакатимизда, айниқса Ўзбекистонда ўшит-сут маҳсулотлари етишмаётган шароитда бундай аҳволга йўл қўйиб бўлмайди.

Т. РАҲМОНОВ

Обиджон Жуманазаровнинг «Шарқ юлдузи»нинг 1988 йил 9-сонидан босилган «Дехқон ташвиши» очеркини мириқиб ўқиб чиқдим. Ундаги оила пудрати усулининг афзалликлари ҳақида айтилган гапларни инкор қилмаган ҳолда ўзимнинг баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Назаримда меҳнатни ташкил этишининг бу усулига ўтишда ҳар бир жойдаги шароит, далад ишларидан озод бўладиган ишчи кучларини бошқа соҳаларга ўтказиш имконияти бор-йўқлигини қатъий ҳисобга олиш керакка ўхшайди.

Мен яшайдиган «Андижон» колхози территориясида 15 та пахтачилик бригадаси мавжуд бўлиб, ҳар бири 80-90 гектар ер майдонига эга. Бригада усулида ишлаганда ҳар бир бригадада 40-45 киши бор эди ёки ҳар кишига 2 гектардан майдон тўғри келарди. 1987 йилда ҳар бир бригаданинг 30-40 гектар майдони оилавий пудратчиларга бўлиб берилгач, қолган 40-50 гектар майдонда кўпи билан 25 киши ишлай бошлади. Ҳар бир бригадада кўп йиллардан бери ишлаб келаётган 15-20 киши бекорчи бўлиб қолди. Булар асосан оиласида эркаги йўқ ёки оила бошиғи бошқа жойда ишлайдиган аёллардир.

Эндиликда эса ёппасига оила пудратига ўтиш ҳақида юқоридан қатъий кўрсатма берилди. Натижада колхоздаги меҳнатга яроқли аҳолининг ярмидан ортиғи бекорчи бўлиб қолди. Булар орасида 20-30 йиллаб колхозда ишлаган эркаклар ҳам бор.

Пудратга ер олган оила камида 10-20 гектар майдонни эгаллайди. Бу майдондан 34-70 тонна атрофида пахта тайёрлаб, 15-18 минг сўм иш ҳақи олади. Булар камида 4-6 нафар ишловчиси бўлган оилалардир. Оиласида ишга яроқли кишиси йўқ, яъни рафиқаси болалар тарбияси билан банд ёки ҳали уйланмаган эркаклар бекорчи бўлиб қолдилар. Албатта, бекор қолгач, рўзғорни тебратишининг бошқа бир иложини топиш керак. Кўпчилик қўшни Қирғизистондан иш изламоқда, қолганлари ҳар хил, ҳатто эркак кишига ярашмайдиган касб-корлар билан ҳам шуғулланмоқдалар. Илгари (бригада пудрати шароитида) 2 гектар ер олган аёл пахта теримигача ой сайин 50 сўмдан, беш айда жами 250 сўм иш ҳақи олар эди. Йиғим-терим мавсумида эса кўпи билан 2 тонна пахта терарди. Демак, мавсумда 150-200 сўмгача пул ишлайди. Йил охирида бериладиган қўшимча ҳақни қўшганда йил мобайнида 500-600 сўм атрофида даромад қиларди. Энди-чи? Фақат терим мавсумида оладиган 150-200 сўм билан қолади. Оила пудратига ишлайётганлар эса жон бошига 1500-2000 сўм даромад қилишади. Яна бу оилаларда ёш болалар кам, ҳаммаси вояга етиб, меҳнатга яроқли бўлиб қолишган. 150 сўм билан қолган аёлнинг эса камида 4-6 та боласи бор. Эрнинг топгани эса рўзғорга етмайди. Ахир бу аёлларнинг ҳам орзу ҳаваси бор... Хонанишинлик, етишмовчилик юрагини сиқади. Бу Фарғона водийси аёлларига тааллуқли бўлган ва эндиликда кенгайиб кетиши мумкин бўлган муаммодир. Бу муаммога ҳозирдан жиддий эътибор бериш, қишлоқлардаги «ортиқча» ишчи кучлари ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишлари учун шароит яратиш керак.

О. АЛДАҚУЛОВ,

Наманган область, Учқўрғон районидagi «Андижон» колхози

#### ЖУРНАЛХОН МИНБАРИ

Салом, Мирзоҳиджон! «Тумандаги одамлар»ни ўқидим (Журналнинг 1988 йил 4-сони). Табриклайман. Жиноятчи-қотилнинг худбин паноҳлари ўз ҳаёт тарзи билан туманда адашган одамлар каби умрбод чалкашиб йўлда қолиб кетган, уларни жамият суриб чиқариб, покланади деган яширин кучли ғоя равон бадиий услубда ифодаланган.

60-йиллари Учқун Назаровнинг «Одамлар» ҳикояси бизда шундай таассурот қолдирган эди. Инги муваффақиятлар тилаб:

Ҳ. ҚУШОҚОВ,  
Фарғона шаҳри



БЎЛИМГА ҒАФУР ҒУЛОМ АСОС СОЛГАН



Ориф Фармон

## ЖИН ОЯТ

### Кичик қисса

Бемаҳал эди. Совхоз директори Давронбек мажлисдан уйига дили хуфтон бўлиб қайтаётганди. Уни сира аямай савалашди, охири раҳбарликка ярамайдиганга чиқаришди-ю, яна ишларини ўнглаб олиш учун озгина муҳлат беришди. Шунинг учун Давронбек сал калласини шамоллатиб, кўнглини ёзиш мақсадида машинасидан тушиб қолди. У қоқилиб-суқилиб йўл босарди. Ой анча кўтарилган бўлса-да, осмонни булут қоплаган. Атрофдаги қоялар ҳозир устига босиб тушадигандай қорайиб турар, ёнбошида сой шовулларди. Гоҳо атрофдан чиябўриларнинг йўтал аралаш кулгига ўхшаш овозлари эшитилиб қоларди.

Давронбек бутун вужуди билан олдинга интиларкан, пастак толлар орасида аланга шуъласини кўриб қолди. У аввалига кимлар экан, деб ҳайрон бўлди. Кейин, бирдан юраги шув этди: гулхан атрофида ғалати махлуқлар дингиллашиб юрарди. Бир пайт улар бараварига Давронбек то мон ўгирилдилар. Давронбек қочмоқчи бўлди-ю, лекин оёқлари сира ўзига бўйсунмади. Махлуқлардан бири даврандан ажралди ва у тарафга кела бошлади.

— Ҳов, Давронбек бўтам! — қичқирди улардан бири қўлини силтаб. — Келавер, келавер. Марҳамат! Қачондан бери кутамиз-а, сени!..

«Оббо исқоти-эй, юракдан ҳам бор-да, — ўйлади Давронбек. — Кунжарабазм валакисаланглар шекилли? Чойхоначи тирқиратиб қувган бўлса, бу ерга ин қуришибди-да». У ёқасига туфлади. Шу орада уни чақирган каттароғи икки ҳатлашда ёнига етиб келди ва хумкалласини қийшайтирганча қўл қовуштирди. Давронбекнинг бадани музлаб кетди: у одам эмас, жин эди!

— Ҳайрон бўлма, — деди жин гулдираган овозда ўрадай оғзини очиб. — Ўзинг ўйлаётгандай, биз жинлармиз. Лекин, сенга яқин жинлар. Қани юр, бўтам!..

— Йўқ, йўқ, бошқа вақт...

— Э, бўтам, атайин сен учун ўтирибмиз, бормасанг бўлмайдил!..

Давронбек аллақанақанги куч таъсирида унга бўйсунди. Гулхан теварагида бошқа икки жин уни кутиб турарди. Улар бараварига Давронбекка ёпишиб кўриша кетдилар ва ҳол-аҳвол сўраб, уввос солдилар. Давронбек нима қиларини билмай анграяр, миясида жинлар тўғрисидаги даҳшатли ўйлар ғужғон ўйнарди. Бошлаб келган кекса жин уни кўярда-қўймай гулхан ёнидаги атлас кўрпачага ўтқазди. Бошқалар ҳам дўнғалак гуркираётган гулхан теварагига тизилишди.

— Энди, бўтам, ўзимизни таништирсак, — деди кекса жин. — Менинг исмим — Ар-Нуайма. Мана буники — Ал-Таха...

Сичқонкўз Ал-Таха Ар-Нуайманинг гапини юлиб олиб, ёнидаги ниҳоятда гўзал аёлга чўнтаккесар ўғриларниқидай ингичка, узун бармоғини ниқтади ва деди:

— Бунинг исми — Маймуна!

Маймуна Давронбекдан мастона кўзларини узмай ўтирарди. Давронбек умри бино

бўлиб бунақанги чиройли аёлни кўрмаган. У бамисоли ой нуридан яралганга ўхшар, ҳар қандай одамни минг кўйга солишга қодир эди. Ар-Нуайма Давронбекка маъноли қаради-да, Ал-Тахага буюрди:

— Тезроқ кабобни келтир! Қани, дастурхонга қарасинлар.

Давронбек дастурхонга разм солиб анграйиб қолди. Нималар йўқ эди дейсиз у ерда! Ҳатто баъзи мева-чеваларнинг номини билмайди.

— Булар қанақа мевалар? — сўради Давронбек сал ўзига келиб.

— Кўҳиқофдан келтирилган, — жавоб берди Ар-Нуайма.

— Бунисини, акажон, юсуфи дейилади, — гапга аралашди Маймуна ширин товушда. — Буниси — басал, манави — тувм, туффақат, байзот...

Ал-Таха диконглаб баркашда зира ва кашнич уруғи сепилган, ёғи жизиллаб турган кабоб келтирди. Ар-Нуайма бир коньякни очиб, жонон пиёлаларни тўлғизди.

— Қани, бўтам, танишганимиз учун...

Давронбекдаги хавотирдан кўра қизиқиш устун чиқди. У «Нима бўлса бўлар» деган ҳаёлда пиёлани бўшатгач, анча ўзига келди ва дадиллашиб қолди. Жинлар эскидан таниш, яқин одамларга ўхшарди.

— Сизлар ростдан ҳам жинмисизлар?

— Албатта, — жавоб берди Ал-Таха шошиб.

— Одамларнинг қилиғини қиляпсизлар-ку? Кейин жинларнинг спиртли ичимлик ичишлари... Ҳм, ўзларини ҳам...

Кекса Ар-Нуайма ўхў-ўхўлаб кулиб юборди. Қолганлари унга кўшилишди.

— Ие, бўтам, аслида бу ичимликни биз яратганмиз-ку! — деди Ар-Нуайма.

— «Жин» деган арақни эшитганмисиз, ўша бизнинг шарафимизга қўйилган-да, — луқма ташлади Маймуна қарашма билан.

Давронбек ўйланиб қолди. Ар-Нуайма Маймунага қараб секин кўз қисди.

— Акахонингга мулозамат қилмайсанми? Бу, одам зоти қизик, умри бўйи истак, иштиёқини тийиб нафсига муштлаш билан ўтади.

Маймуна Давронбекнинг биқинига кириб, оғзига турли егулик тутта бошлади. У рад қилган эди, Ар-Нуайма ҳазиллашган бўлди:

— Олавер, бўтам, ёки қўлингдаги нарсани тезакка айланиб қолишидан қўрқяпсанми?

— Йўғ-э... А, мен, бир нарсани сўрамоқчийдим, — деди Давронбек. — Сизларни ким кўрса, нукул базм-у айш устида учратади. Ҳеч қаерда ишламасаларинг, шунча сарф-харажат учун пулни қаердан топасизлар?

Жинлар бараварига кулиб юборишди.

— Биз ҳар нарсага қодирмиз-ку, ахир! — деди Ал-Таха тиззасига шапатилаб.

— Ҳа, ҳа, одамлар минг йил ишлаб ҳам тополмайдиган нарсаларни кўз очиб юмгунча мухайё қила оламиз, — уни қўллади Маймуна.

Гапга Ар-Нуайма аралашди:

— Э-ҳе, бир юмалаб одамга айланишимиз ҳам мумкин. Лекин, бунинг нима кераги бор? Дунёда ё ишлаш, ё айш-ишрат қилиш керак. «Икки қайиқнинг бошини тутсанг, фарқ бўласан» дейсанлар-ку, ўзларинг!

Давронбек индаёлмай қолди. Пиёлаларнинг айланиши тезлашди.

— Менга қанчалик қийинлигини билсаларинг эди, — деди Давронбек. — Энди хурсандчилик бошласам, совхоздаги ишлар эсимга тушиб ичимни ит тирнайди. Катта хўжалик, бир томонига қарасанг иккинчи томони қолиб кетади... иккинчи томонга қарасанг — учинчиси...

— Инсон боласи ўзига ўзи ташвиш сотиб олади, — деди Ал-Таха.

Давронбек дарров хушёр тортиб, кўзлари аланг-жалаң бўлиб қолди ва шоша-пиша деди:

— Йўғ-э, сотиб олганим йўқ! Ким айтди сизларга «Сотиб олди» деб?

— Ана, кўрдингми, ўзингга ташвиш ордиргандан кўра, айш қилиб юрганнинг яхши эмасмиди? — Ар-Нуайма афсуслини бош чайқади.

— Аммо-лекин ғишавалар жуда жонга теги. Планлар балчиққа ботиб ётибди. Бугун мажлисда нақ пўстимни шилиб олаёздилар. Ишлар расво! Энг охириг муддатни беришди. Агар планларни ўнглаб олмасам ҳайдаламан. Лавозимдан кетишни бир тасаввур қилиб кўринг, Ар-Нуайма амаки! Унда хор-у зор бўламан. Тишларини қайраб юрган ғаламислар нақ ғажиб ташлашади.

— Тушунман, — деди Ар-Нуайма. — Лавозимдан кетган одамни кўрганман. Футболга тушишни қанда қилмайдиган бўлиб қолганди.

— Бунинг футболга нима алоқаси бор? — Давронбекнинг аччиғи чиқди.

— Футболда теладан туриб ўйинчиларга бемалол кўрсатма бериши, сўкиши, бақириши мумкин экан-да!..

Майин шабада турди ва гулханни пуфлаб гуриллата бошлади. Олисда чўзиб эшак ҳангради, ундан нарида... ит увлади.

— Биз сенга ёрдам берамиз, бўтам, — деди Ар-Нуайма.

— Албатта, албатта, — унга қўшилди Ал-Таха.

Маймуна Давронбекнинг бошини силаб, пинжига тикилди:

— Сира хафа бўлманг, акажон...

— Хўп, хўп... Лекин қандай қилиб? — Давронбек бақариб юборди.

— Буёғи билан ишинг бўлмасин, бўтам,— жавоб берди Ар-Нуайма.— Истаган нарсанг ўз-ўзидан рўёбга чиқаверади. Биз ахир ҳар ишга қодир жинлармиз-а!

— Қайдам...— Давронбек мулзам тортди.— Лекин, ҳозир шайтондан ёрдам олишга ҳам тайёрман. Кўрармиз... Энди, ўртоқ жинлар, менга рухсат берсаларинг. Зиёфат, суҳбатларинг учун катта раҳмат. Фақат бир илтимос: оғзимни қийшайтириб қўйманглар. Эртага далага чиқиб одамларга иш буюрсам, «Оғзи қийшиқ бўлса ҳам директор гапирсин» деб устимдан кулиб юришмасин.

— Кўрқма, ёмонлик қилмаймиз. Ахир ёрдам бермоқчимиз-ку! Аммо бунақанги қоронғуда уйингни қандай топасан, сен бор-йўғи ожиз одам боласисан?

Ал-Таха ўтирган ерида сакраб ҳингиллади.

— Машина пайдо қилақолайлик.

— Қанақасига? — ҳайрон бўлди Давронбек.

— Бу жуда осон, жоним,— деди Маймуна.

— Манави қоғозни қоралаб туриб жин оятни ўқийсан: «Рағбату рофаҳиёту зоҳуб!»

Давронбек бу гапга ўлардай қизиқиб қолди-ю, жин оятни ўқиди. Тўсатдан олдида ярақлаган «Волга» пайдо бўлди. Давронбек кўзларига ишонмас, гўё гунгалакка айланганди. Маймуна унинг қўлтиғидан олиб рулга ўтказди. Бошқа жинлар ҳам кузатиб қўйиш учун машинага чиқдилар. Машина енгил юриб кетди. Маймуна Давронбекнинг биқинига тикилиб, шунчалик ошиқона ишвалар қилардики, бунга одам боласи чидаёлмас эди.

— Бугун менинг меҳмоним бўлолмайсанми? — аста сўради у.

— Жоним билан...— шивирлади Маймуна.

— Қаср пайдо қилайликми? — сўради Ал-Таха гарданини ғарт-ғарт қашлаб.

— Жин оятни ўқи, бўтам,— деди Ар-Нуайма Давронбекка ведомостга ўхшаш қоғоз тутқазиб.

Давронбек шартта қоғозга имзо чекиб:

— Рағбату рофаҳиёту зоҳуб! — дейиши билан қаршисида пайдо бўлган афсонавор қасрни кўриб оҳ тортиб юборди.— О...

— Ҳай, ҳай, бўтам! — ҳовлиқиб хитоб қилди Ар-Нуайма.— Энг муҳим шартни айтиш эсимдан чиқибди. Ҳеч қачон «Тавба!» демагин. Зинҳор-базинҳор! Буни кулоғингга кўрғошиндай қўйиб ол. Акс ҳолда ҳамма ишинг барбод бўлади.

Жинлар Маймунани қасрда қолдириб, кўздан ғойиб бўлишди...

\* \* \*

Давронбек эртаси куни идорага кириб борганда боши қовоқари қамалган хумдай ғувиллар, юзи кўпчиб кетганди. У хонаси эшигини очган заҳоти атрофни бирров кўздан кечирди. Ҳамма нарса жойида: «Т» ҳарфи шаклида қўйилган стол, стуллар; бир четда икки кресло, бурчакда телевизор, китоб жавони... Ҳозирча ҳаммаси уники. Давронбек энди ўрнига ўтириб, қоғозларни титкилай бошлаган ҳам эдики, таниш жинлари пайдо бўлди. Улар хонани чуғур-чуғурга тўлдириб юборишганди. Ар-Нуайма қўлини кўтариб шерикларини тинчитди ва Давронбекдан сўради:

— Қалайсан энди, бўтам? Мана, кўрдингми, жинларнинг гапи битта бўлади.

Давронбек хомуш уларга тикилди.

— Ёрдам берамиз дегандиларинг... Қандай қилиб?

— Буёғи билан ишинг бўлмасин. Сен ҳар доимгидай юмушингни қилавер.

— Яхши...

— Биз доим сиз билан,— деди Маймуна шахло кўзларини ўйнатиб.— Эсласангиз бас, ёнингизда пайдо бўламиз.

Эшик очилиб котиба кириб келди, Давронбек чўчиб тушди.

— И-и, қочинглар! — хитоб қилди Давронбек титраб.

— Кўрқма, у бизни кўрмайди ҳам, гапимизни эшитмайди ҳам.

Котиба эса турган жойида қотиб қолди.

— Вой, нимадан қочай?

— Ҳм, ҳалиги... — чайналди Давронбек...— эгри йўлдан, ёмон одамлардан қоч...

Ҳа, ишлар қалай?

— Тузук,— деди котиба анг-танг бўлиб.— Ҳа, кеча келиноним кўнғироқ қилувдилар.

— Тинчлик эканми?

— Сизни сўрадилар. Уйга бормаганингизга хавотир олибдилар.

— Қўҳиқофда эдим...

— Нима? Областдами?

Давронбек ўзини ўнглаб олди ва маъюс жилмайди.

— Ҳа, мажлисда... Келинойингга айтиб қўй, ҳозир бошқа нарса тугул, бош қашлашга ҳам вақтим йўқ. Мен айтсам ишонмайди.

— Ҳўп.

Котиба чиқиб кетаётган эди, Давронбек уни тўхтатди:

— Ҳой, менга қара, Маймуна.

Котиба орқасига ярим ўгирилганча ҳайратдан бақрайиб қолди.

— Маймун?..

— И-и, узр, Салима! — Давронбек ўрнидан туриб кетди. Ҳазиллашдим... Эсар бўлиб қоляпманми, нима бало.

— Вой, тавба!

— Саидни чақириб юбор демоқчийдим. Уни «Маймун» деб ҳазиллашамиз-да.

Котиба чиқиб кетиши билан жинлар ҳингиллашиб кула бошладилар. Давронбек уёқдан-буёққа юрар, гўёки кайфи борга ўхшарди.

— Сен, бўтам, довдирама,— деди Ар-Нуайма.— Биз қачон нима қилишни яхши биламиз.

Совхоз зоотехники Саид кирди. У жиккак, шунга яраша шошиб юриб, шошиб гапирадиган одам эди.

— Сўровдингизми?

— Ҳа, кел, Саидча,— деди Давронбек унга қўлининг учини узатиб.— Сут плани қанча бўлди?

— Саид елкасини қисиб, кўзларини пирпиратди.

— Кеча айтувдим-ку!..

— Бугун тагин сўраяпман.

— Энди, Давронбек ака, кам бўлгандан кейин одам айтишга қийналади-да...

Қирқ бир ярим процент...

— Ҳа, ўша «Қирқ бир ярим» деган тилингни ҳаққа чўқисин! Ҳов, буёққа қара, бугундан бошлаб мен бутунлай бошқа Давронбекман, тушундингми? Энди иш ўрнига валаваланг кетмайди.

Саид ортига тисарилиб, директорга хавотирли боқди.

— Юқорида қаттиқ гап бўлдими, а?

— Қаттиқ эмиш! Тегирмонга солиб ун қилишди, роса ийлаб бошқатдан Давронбек ясашди, билдингми? Ҳў, энди планни қандай бажармоқчилар?

— Ҳайронман... Мушукболадай сигирлар билан план бажариб бўладими? Берадиган сутига чумчуқ ҳам тўймайди. Соғувчилар ярим кунини сигирнинг елинини тополмай ўтказадими-ю.

Давронбек важоҳат билан полни гурсиллатиб Саиднинг устига бостириб келди. У қўрқанидан бошини қўли билан пана қилиб пастга эгилди.

— Демак, нима қилишингни билмайсан?! Гапнинг йўғонини биз эшитиб юраверамиз, а?

— Нима қилайлик ахир? — чийиллади Саид.— Сув қўшиб топширсак ҳам бўлма-япти.

— Каллаварамсан, ҳеч балони эплодмайсан. Узингнинг ўрадай нафсингни қондириш учун дарров йўл топардинг, а? Нега энди хўжаликка келганда каллангнинг аккумулятори ўтириб қолади?..

Гапга Ар-Нуайма аралашди:

— Давронбек бўтам, лавозимдан кетгандан кейин футболни қанда қилмай қўйган бир бошлиқ ҳақида гапиргандим, эсингдами?

— Эсимда,— деди Давронбек юмшаб.

— Нима? — сўради Саид.

— Оғиз тўлдириб берган ваъданг...— Давронбек кекса жинга ўгирилди.— Нима, лавозимдан кетайми?

— Сиз лавозимдан кетсангиз,— бирдан хитоб қилди Саид,— шартта Тошкентга бораману саккиз сўм тўлаб телеминорага чиқаманда, ўзимни ташлайман!

— Ар-Нуайма Давронбекка тушунтирди:

— Тепадан туриб ўйинчига бақиргандан фойда борми?

— Йўқ,— деди Давронбек.

— Раҳмат, акажон! Минг бор раҳмат! — Саид чапак чалиб юборди.

— Демак,— гапида давом этди Ар-Нуайма,— йўл-йўриқ кўрсатиш керак. Катта йўл тополмасанг, жинкўчага бур уни. Майли, мен айтиб тураман.— У ўргата бошлади. Кекса жиннинг гаплари Давронбекнинг оғзидан чиқар эди.

— Сут заводига бор ҳозир!

— Бораман,— дея жилпанглади жон кирган Саид.

— Гапни бўлмай. тур.

— Бўлмаيمان!

— Жим!.. Демак, сут заводига борасан. Директорга сут пули тутқазасан.

— Қизига уйланаманми? — сўради Саид қийшанглаб.

— Аҳмоқ, галварс!



— «Сут пули» деяпсиз-ку, ака? Ҳозир «қалин пули»ни «сут пули» дейишади-да. Давронбек хиёл кулимсиради-да, Саиднинг билагидан тутиб стулга ўтказди. Узи ҳам жойига ўтди.

— Хуллас, планимизга ёрдам бериши учун директорнинг оғзини мойлайсан. Бор хунарингни ишга солиб тилини топасан. Чунки, у шундоқ ҳам мой ичида юрган одам. Қисқаси, сутни заводдан сотиб оласан.

— Ҳм, шундайми? — Саид тараддудланди.— Жуда кўп пул керак бўлади-ку, ака? Қаердан оламиз?

Давронбек жим қолган Ар-Нуаймага қаради. Кекса жин нақ кўкрагига тушадиган эчки соқолини бирпас тутамлаб турди-да, мулойимлик билан унинг қулоғига шивирлади.

— Узимизнинг кассадан-да! — шанғиллади Давронбек.

— Ўрнини қандай қоплаймиз?

— Йўли бор... Хўш, сут плани тўладими?

— Тўлади.

— Сутни соғувчилар соғади-да!

— Албатта.

— Демак, заводдан олган сутинг соғувчиларга бўлиб ёзилиши шартми?

— Шарт.

— Энди, соғувчиларга тегишли пулга келсак...

— Уларга берилмайди!

— Ҳа, балли. Ана шу пулни кассага топширасан.

Саид қарсак чалиб юборди.

— Топшираман! Қойил!..

Давронбек йилтир бошига қўл югуртирди ва Ар-Нуаймага мамнун қўл узатди. Лекин унинг узатилган қўлини Саид олди ва осилиб олганча силтай бошлади. Ар-Нуайма билан Давронбек кулиб юбордилар. Бир бурчакда ўтириб можарони жимгина томоша қилаётган Ал-Таха ҳингиллаганча ўрнидан туриб кетди. Маймуна секин келиб Давронбекнинг юзидан ўпиб қўйди.

— Энди, иккинчи йўл,— деди Ар-Нуайма.

— Энди, иккинчи йўл,— такрорлади Давронбек.— Магазинлардан сариеғ сотиб оласан. Заводга сут эмас, сариеғ топширасан. Завод сен топширган ёғ учун тонналаб сут ёзиб беради.

Саидда аллақандай тараддуд ва иккиланиш пайдо бўлди.

— Заводдагилар кўнмаса-чи!..

— Кўнади! Ахир улар сариеғнинг kilosини сендан уч сўм-у ўн тийиндан олиб, магазинларга уч сўм-у олтмиш тийиндан чиқаришади. Шундай лўнда фойдадан кечадиган аҳмоқ йўқ.

— Тўғриликка тўғри...— Саид ёлдиради.— кенг яйловларга ўрганиб қолганмиз. Турмани торроқ дейишади...

Давронбек сапчиб ўрнидан туриб кетди ва ғазаб билан у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Кейин, Саидга юзланиб муштини баланд кўтарди.

— Жиноят нималигини биласанми ўзинг? — бақирди у.— Давлат плани — қонун! Плани бажармаслик жиноят эмасми? Сени судга бераман, қаматаман!

— Кечиринг, акажон!

— Қип-қизил галварс экансан. Булоқ бошидасан... Пичоғинг мой устида бўлади, аҳмоқ!

Саиднинг чеҳраси очилиб, директорга талпинди.

— Ҳа, бўпти, бор! — Давронбек қўл силтади.

Саид орқаси билан пилдираб юрганча чиқиб кетди. Давронбек худди сут планини дўндириб ташлагандай энгил тортди-да, теварагига бамисоли бойқушдай мағрур кўз ташлади. Шу он у рапорт беришга шошилиб телефон трубкасига қўл узатди-да, беихтиёр тортиб олди ва ўзини босиш учун столни черта бошлади.

— Қалай энди? — сўради Ар-Нуайма.

— Э, зўр...

— Ана, кўрдингми, иш бошқа-ю, билиш бошқа!..

Маймуна билан Ал-Таха уни қувватладилар.

— Энди, бўтам, бирпасда гўшт планингни ҳам бажарамиз. Ҳали қўшимча мажбурият ҳам оласан. Сен сира кўрқма. Биз доим атрофингда бўламиз,— деди Ар-Нуайма ва аллақандай афсунни ўқиди.

Тўсатдан эшик очилиб бўрдоқчилик фермаси мудир Раҳмон кириб келди.

— Ассалому алайкум,— дея қуюқ салом берди у калта қўлларини ҳўқача қорни устига қўйиб.

— Кел, Раҳмон,— деди Давронбек унга қарамай.

— Бирор меҳмон борми, ош-пош ташкил қилворайми, деб киргандим,— Раҳмон қўшқат бағбақаларини селкиллатиб кулди.

— Ҳа, ошга бесуюксан,— Давронбекнинг энсаси қотди.— Аммо ош ҳам ишдан

кўнглинг тўқ бўлса томоқдан ўтади. Хўш, ўзинг планни ўйлайсанми ё топганингни қорнингга тиқиб, кавш қайтариб юраверасанми?

Раҳмон биқин салом қилганча директорга яқинлашди.

— Э, пилон сира эсимдан чиқмайди. Ётган, турганимда ҳам хаёлим ўшанда. Бу дейман, пилон дегани дам аждарҳога ўхшаган нарса бўларкан, а, акахон?

— Ундан баттар бўлади! Агар ишни силжитмасаларинг ҳамманг яқинда ола калтак, қора калтакка учрайсанлар. Унда нима қиласан-а? Йўғон-йўғон ейишга ўрганиб қолгансан...

Раҳмоннинг бўлиқ қўллари шалвираб тушди, кўзлари мўлтиради.

— Энди, акахон...

— Гўшт планини бажармасанг бўлмайди! Сенга бир ҳафта муҳлат!

— Нима?! Би-ир йилда ярим бўлган пилонни бир ҳафтада тўлдириб бўладими?

— Йўлини топ.

— Қаламушдай моллар билан икки дунёда пилон бўлмайди. Нима қил дейсиз?

Ар-Нуайма Давронбекнинг қулоғини бурашга тушди.

— Гап бундай,— деди Давронбек овозини пасайтириб.— Ишчиларга аҳволни тусунтир. Ҳар уч-тўртта хонадон бирлашиб гўштга биттадан мол топширсин.

— Рози бўлишмайди!

— Рози қиласан. «Юқоридан буйруқ келди» дейсан.

Раҳмон ўйланиб қолди.

— Қандай бўларкин-а?

— План тўлса, даромад бўлади... Тушундингми?

Раҳмон лапанглаб чиқиб кетди. Давронбек хурсанд бўлганидан столда «Воҳай бола»ни чала бошлади. Маймуна эшилиб йўрғалар, Ал-Таха муқом қилиб унга қўшиларди. Ар-Нуайма эса ҳў-ҳўлаб кулганча чапак чалмоқда. Шу пайт кутилмаганда шарақлаб эшик очилди. Жинлар бир зумда ғойиб бўлдилар. Лола кириб келди-ю, Давронбекнинг завқ билан стол чалаётганини кўриб ҳайрон қолди.

— О-ҳў, қанақа базм?..

— Сени музика билан кутиб оляпман-да, жоним,— Давронбек ўрнидан турди.—

Ум-м, баҳор келгандай бўлди-я!..

— Қўлингизни тортинг! Неча кундан бери хабар олай ҳам демайсиз.

— Иш кўп, шириним.

— Иш кўп эмиш! Бошқалардан бўшамаётгандирсиз?

— Йўқ, ишон, чиндан ҳам икки оёқ бир этикка тиқилиб қолди.

— Унда нега эримни командировкага жўнатиб юбордингиз?

— Бораман, бораман... Сал қўлим бўшасин, бир тоғларга чиқиб ўйнаб келамиз.

Қоронғу ғорларни кўрсатаман.

Лола буралиб кулди.

— Хўп, кўрамиз қўлингиздан нима иш келишини...

Яна тарақлаб эшик очилди. Раъно кириб келди. Улар бақрайганча қолдилар.

— Қийшангламай ўл-э!..

— Ҳой, секин, секин!.. — Давронбекнинг ранги қув ўчди.

Лола иккаловларининг орасига туриб олди.

— Ишлашга қўймайдиган — сиз! — деди у Раънога.— Кўзингизни биё-биё қилиб сузганингиз-сузган! Энди орқамдан пойлаб юрганингиз нимаси, а? Бу қилиқларингизни кўриб жим юришга виждоним йўл қўймайди.

Ғазабдан Раънонинг афти буришиб кетди.

— Мен, мен... эрингизга чақаман! Бу менинг гражданик бурчим. Бизнинг жамият-да кўп эрлилик тақиқланган, ҳа!

— Кўп эрлилик тақиқланган бўлса, жим юринг! Мен иш билан келганман. Айтсангиз, айтаверинг, эрим ғинг демайди. У киши Давронбек акамнинг шоғирдлари бўлади.

— Ҳо, шоғирди эмиш! Меники — тутинган укаси!..

Телефон жиринглаб қолди. Давронбек телефон томон юраркан, эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда деди:

— Икковларинг ҳам мен учун фариштасизлар. Бас қилинглар, кейин гаплашамиз!

Аёллар бир-бирлари билан тортиша-тортиша чиқиб кетдилар. Давронбек телефонда гаплашиб бўлгач, ширин хаёллар оғушига чўмди. Унинг кайфияти кўтаринки эди. Гўзал Маймуна ҳақида ўйлай бошлади. Аҳли жинга истак ҳукм: Маймуна шу заҳоти ёнида пайдо бўлди. У оқ, ҳарир либосда, сочлари елкасини тўлдирган, ширмой юзи бами-соли ойдай балқиб турарди.

— Юр, қирларни айланамиз,— деди Давронбек Маймунанинг белидан қучиб.— Фақат ҳеч ким кўрмаслиги керак.

— Хотиржам бўлинг!.. — шивирлади Маймуна.

Икковлари ташқарига чиқиб қора «Волга»нинг ёнига бордилар. Шофёр қўлдан эллик сўмга сотиб олган «Декамерон»ни ўқиб ётарди. Давронбек унга жавоб бериб юборди. Ўзи рулга ўтирди. Машина ғизиллаб юриб кетди. Маймуна тиззасига бош

қўйиб олган. Бўлиқ, тимқора сочлари Давронбекнинг тиззаларини кўмиб, пастда чуваланади. Ёмғирдан сўнг яшилликка бурканган дўнгликлар лип-лип ортда қолади, хув узоқда оқ, қора нуқталар — эчки ва қўйлар кўзга ташланади.

Давронбек машинани сой томон бурди. У сой бўйидаги асрий бақатераклар тагига чиройли қилиб бир хона-ю, пешайвондан иборат бино қурдирганди. Нозик меҳмонларни ўша ерга олиб борарди. Бино олдига етишгач машинадан тушишди. Давронбек коньяк ва егулик солинган қоғоз халтани олди.

— Оромбахш жойлар экан,— деди Маймуна Давронбекнинг пинжигга тиқиларкан.

— Сенки қойил қолибсан, демак, дидим зўр экан!..

Улар пешайвонга чиқишгач, Давронбек хавотирланиб узоқ атрофларни синчиклаб кўздан кечирди. Қимирлаган жондан асар йўқ. Хотиржам бўлгач, ёнидан калит олиб, хона эшигини очди. Ичкарига кирдилар. Нақ келинчакларнинг уйи дейсиз. Давронбек қўлидаги нарсаларни стол устига қўйди-да, Маймунани бағрига босди.

— Мунча сулув бўлмасанг!..

— Сиз ҳақиқий эркаксиз,— деди Маймуна унинг қулоғини силаб ўйнаркан.— Ичмизми?

— И-е, олдинда коньяк туради-ю, ичмай бўладими?

Давронбек сервантдан иккита қадаҳ олиб, уларни коньякка тўлдирди. Маймуна дастурхон ёзиб, егуликларни ҳозирлаган бўлди.

— Сизнинг муваффақиятларингиз учун!..

— Мири кам дунё деганлари шу экан-да, — зорланди Давронбек газлагига олма тишларкан.— Ёнимда инсон боласи кўрмаган гўзал фаришта, партўшак... Лекин, нимагадир ҳаммасидан ажралиб қолишдан қўрқяпман...

— Масалан, нимадан? — сўради Маймуна унинг кучоғида тўлғаниб.

— Сендан... Сен ахир...

— Бунисидан қўрқмасангиз ҳам бўлади. Бошқаларидан эса, қачонлардир барибир ажралишга тўғри келади. Одамлар учун ҳамма нарса ғанимат. Имкониятдан фойдаланган ҳам ўтади, фойдаланмаган ҳам... Узларинг «Дам ғанимат, дўстлар» деб ашула айтасизлар-ку!

— Оббо, сен-эй, ашуламизни ҳам биласанми? — Давронбек қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди ва Маймунани яна қаттиқроқ бағрига босди.

Давронбек гердайданча қабулхонадан ўтаркан, котибани ўзи билан бирга ичкарига олиб кирди.

— Қани, Салима, қўлингга қоғоз-ручка ол. Ёз!

«Ҳаммамиз учун ғоятда ҳурматли Шомамат Чориевич! Сизнинг оқилона кўрсатмаларингиз биз учун бамисоли маёқ бўлди. Яқинда сўзлаган тарихий нутқингизни бутун совхозчиларимиз билан биргаликда пухта ўрганиб чиқдик. У бизга тўғри йўлни кўрсатиб берди, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди. Натижада кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат симфонияси янграб турди. Сут етиштириш планини бир юз-у йигирма, гўштни — бир юз-у ўттиз, тивит жунли эчкилардан улоқ олишни бир юз-у ўн, жун қирқимини бир юз-у беш процент қилиб бажардик. Чорвадорларимиз об-ҳаво қийинчиликлари ва сув танқислигини енгиб ажойиб қаҳрамонлик кўрсатдилар. Бу меҳнат зафарларимизда Сизнинг — ҳаммамиз учун ҳурматли Шомамат Чориевич, хизматингиз бекиёсдир!

Сизга ҳамиша соғлиқ тилаб, Давронбек Бўрибеков».

— Бўлдими? — сўради котиба.

— Ҳа, буни тезда машинкала.

Котиба чиқиб кетди. Давронбек мамнун. Ичида жинлардан яна бир бор хурсанд бўлиб қўйди. «Иш билган бошқа-ю, йўл билган бошқа» деган Ар-Нуайма ҳақ экан. Э, қойил! Мана, нима учун жинларнинг бутун умри айш-ишратда ўтаркан!...» Эшик очилиб унинг хаёли бўлинди. Раъно кириб келди.

— Давронбек акажон,— деди у фироқ билан қийшанглаб,— ишингиз тугаб қолдими?

— Нима эди?

— Ўзингизни билмасликка оласиз-а! Сизни соғиниб келди-ку, одам...

Давронбек унинг юзлари, сочларини силаб эркалаган бўлди.

— Қулоқ қимирлатишга вақт йўқ. Ҳаммасига ақл бўлишни керак.

— Бугун кечқурун менга ҳам озгина ақл ўргатинг,— Раъно Давронбекнинг бурнини қитиқлади.

— Агар тагин мажлис-пажлисга чақириб қолишмаса...

— Борманг, «қўриққа кетдим» денг!..

Шу пайт эшик очилди-ю, Лола кириб келди.

— Тагин шу ердамисиз?

— Ҳа, иш сўраб келдим!

— И-е, Давронбек акам ишни менга ваъда қилганлар. Шундайми?

— Секин, секин-э...

Давронбек шошилиб чўнтагидан бир шода калит олди-да, улкан темир сандиқни жаранглатиб очди. Аёлларнинг кўзлари аланг-жаланг бўлиб кетди. Давронбек уларга совға тутқазди.

— Вуй, мунча яхши! — хитоб қилди шоша-пиша қутичани очган Раъно.

— Раҳмат, Давронбек ака! — Лола узукни бармоғига тақаркан, унинг юзидан ёпиб олди.— Лоппа-лойиғ-а!

Бу ҳолдан Раъно сочини юлгудай аҳволга тушди.

— Эрингиз кўриб қолса нима бўлади, а?

— Давронбек акамлар совға қилдилар десам, хурсанд бўлади!..

Давронбек гоҳ у аёлнинг, гоҳ бу аёлнинг ёнига борар, мурсога чақирарди:

— Ҳай-ҳай, уят бўлади-я!.. Гаплашамиз десанглар, майли бошқа жойда гаплашамиз.

— Лолахон билан шу ерда гаплашиб олақолинг. Мен ҳалиги жойда пойлаб турман.

Лола нақ чинқириб юборавёзди.

— Ҳо... Сиз шу ерда гаплашиб олинг. Давронбек ака, мен ўша жойда кутаман.

У жаҳл билан шарт-шурт юриб чиқиб кета бошлади. Раъно унинг кетидан чопди.

Давронбек мамнун: «Иккисининг юрагига чўғ солдик. Ёниб кутади... Лекин, Маймуна эритиб юборади-да, одамни...»

\* \* \*

Совхоз дачаси жуда баҳаво жойга қурилганди. Боғда жамики мева-чева туридан бор. Тепаликка насос билан сув чиқарилган, ҳаммаёқ яшнаб туради. Гуллар бамисоли девордай ўраб олган йўлакдан кўтарилгач, кунгурдор айвонга дуч келинади. Айвон олдида ҳовуз. Унда қорамтир, узун-узун балиқлар бир-бирларини қувлашиб юради. Атрофни майналарнинг чағир-чуғури босган. Қисқаси, нақ жаннатнинг ўзи дейсиз. Чунки, қуриладиган мактаб, боғча, шифохонанинг маблағи худди шу жойга сарфланган.

Давронбек машинадан тушиб, шляпасини кўлига олди-да, айвонга қараб юрди. Сўрида чой ичиб ўтиришган Саид, Раҳмон ва эчкичилик бўлими бошқарувчиси Жўра шошиб унга пешвоз чиқдилар.

— Эрийдиган бўлдиларинг,— деди Давронбек улар билан кўришаркан.

Саид жилпанглаб қолди.

— Хушхабарми?

Давронбек мағрур, кўкрагини кериб деди:

— Юқорига рапорт бериб юбордим! «Планлар ортиғи билан бажарилди» деб.

— Э, қойил! — хитоб қилди Саид.

Раҳмон хурсанд, кафтларини бир-бирига ишқади.

— Ювамиз акахон, ювамиз! Узи қўлим қичиб, жағим учиб турганди. Бир ош қилайки, ҳар бир гуручи ўрмалаб, миёвлаб кетсин.

— Ҳа, ҳа, ичимизни кемираётган сичқон болаларни даф қилар...— тўнғиллади Жўра хомуш.

Раҳмон билан Саид ош ҳаракатини кўра бошладилар. Шу пайт бир чўпон кириб келди. У сўридан анча берида тўхтаб, теллагини тепароққа сурди ва салом берди.

— Ҳм, кел, нима гап? — сўради Давронбек.

— Шу, мен, директор бова,— дудуқланиб гап бошлади чўпон,— саккизинчи бўлимда бош чўпон бўлиб ишлайман. Шу, бултур кузда уч юзта она эчки олиб, уч юзта улоқ туғдириб бераман деб шартнома тузгандим. Бир юз-у қирқта улоқ туғилди, холос. Аммо Жўра ака, «Уч юзта улоқ олгансан» деб қўл қўйдириб олди. Энди, директор бова, таги йўқ юз олтмишта улоқни қайдан товаман?

Давронбекнинг кўзлари олайиб кетди.

— Ие, қанақа одамсан ўзи? — қўлларини шоп қилди у.— Яшириб қўйган жойингдан топасан-да!

Чўпон ҳайратдан доврираб, тили курмакланиб қолди.

— Қай-қайга яшираман?

— Ҳов, Жовлиберди, — ўдағайлади Жўра ранги оқариб, — ўша куни деворнинг ковагига танбур чалдимми, хумпар?

— Мени ўғрига чиғаряпсиз-ку, ахир!

— Ўғри бўлмасанг, қолган улоқлар қани? — ўдағайлади Давронбек.

Гапга сабзи, пиёз кўтариб келаётган Саид аралашди:

— Тўппа-тўғри! Қани?

— Туғилмаган ахир! — куйиб-пишиб деди чўпон.

— Нимага бошқаларники бунақа бўлмади? — сўради Жўра.

— Қишда уларга кўпроқ хашак бердингиз. Эчкихоналари ҳам иссиқроқ.

— Сенга нимага кам хашак тегди, Жовлибой? — сўради Давронбек.

— Нега камроқ? — фикинглади Саид, пиёланинг орқасида пичоқ қайраркан.

— Жўра ака менга ўгай кўзминан қарайди. Кузда менга керагидан эллик фоиз кам

хашак берди. Қиш қаттиқ бўлди. Шуйтиб эчкиларни ўз уйимда зўрға омон сақлаб чиқдим. Зўрға хашак товиб бердим. Эчкилар нимжон бўлиб қолди. Шунинг учун...

Ғазабдан Жўранинг лаблари учди ва ирғиб ўрнидан туриб кетди.

— Ҳов, Жовли, зўр бериб бабалайверма!

— Бор гапни айтялман-да! Хашаг-у совхоз ажратган толь-қоғозларни одамларга сотиворганингиз ёлғонми?

— Бўпти, бас! — Давронбек тиззасига тапиллатиб урди.

— Ҳа, тўхтатинг! — чийиллади Саид.

— Гапларингни исботлашинг керак, — деди Давронбек. — Хўш, энди нима қилмоқ-чисан?

— Билмасам... Бош чўпонликдан бўшатишди, бекорчиман, — деди чўпон сўник оҳангда.

Давронбек юмшаб, маслаҳатомуз гап қилди:

— Энди, Жовлибой, оғайни, юз олтмишта улоқни сотиб олиб берасан. Битта улоқ ўттиз сўм турса, бор ана, тўрт ярим-беш минг сўм бўларкан.

Чўпон бир сапчиб тушди.

— Бунча пулни қайдан товаман ахир?

— Ҳа, энди, босиб ётган пулларингни бир шамоллатасан-да, — деди Жўра. — Сич-қон еб кетмасин, Жовлибой. Қирда пулни нима қиласан?

— Ё тавба!

— Ведомость тузиб қариндош-уруғларингдан йиғасан, оғайни, — дея маслаҳат берди Давронбек. — Қариндош-уруғ шунақа кунингда ярамаса, қачон ярайди? Баҳонада уларнинг оқибатини ҳам синаб оласан.

— Тўппа-тўғри! — жилпанглади Саид.

Чўпон маъюс бош чайқади.

— Иложи йўк, директор бова...

— Унда турмада ишлаб узасан-да, қарзингни... Хужжатга қўл қўйгансан.

— Ахир, мен шундай бўлсин дебманми?!

Давронбек тагин тутади.

— Тушунсанг-чи, ҳой инсон! Шу уч юзта эчкини бошқа дурустроқ одам олганида уч юзта улоқ туғилармиди? Бўпти, бор энди! Тортишгандан фойда йўк. Битта қиладиган ёрдамимиз шуки, тезроқ камомадни тўрилаб қўйсанг, ишингни судга оширмай тура-миз. Бор!

Чўпон тагин бирпас оғир тебраниб турди-да, бўйинини эгиб судралганча чиқиб кетди.

— Ростдан ҳам иши судга ошадими? — сўради Саид ғирт-ғирт сабзи тўғраркан.

— Судга оширишдан фойда йўк. — деди Давронбек. — Сир фош бўлади, хумпар. Қўрқитиб ундириб олиш керак.

— Жиззани олиб борайми? — узоқдан овоз берди Раҳмон. — Роса илқиллатиб пиширдим ўзиниям.

— Э, бўлмасам-чи, — деди Саид шошиб.

— Тўхта, — дея тўнғиллади Жўра. — Жиззага пашша қўнганга ўхшайди.

— Қанақа пашша?

— Қари, гўнг пашша!..

Оқсоқланиб бир чол кирди ва ҳамма билан қўшқўллаб кўришди. Кейин, юзига фотиҳа тортиб томоқ кирди.

— Ҳа, Қулмон бобо? — деди Давронбек. — Қалай бардам, бақувват юрибсизми?

Раҳмон какра чайнаб олгандай афтини буриштириб кўздан ғойиб бўлди. Чол сўри четига омонатгина ўтирди.

— Шукр, болам, шукр, — деди кейин. — Директор ўғлим, шу, мен бир нарсани суриштиргани келувдим. Тагин гўшт солиғи чиққанмиш, ростми?

— Нима эди? — Давронбек чолга ялт этиб қаради.

— Шу, уйда битта сигиримиз бор эди, — салмоқлаб гап бошлади чол. — Шуни гўшт-га топширасиз ё икки юз сўм берасиз, дейишди. Улимлик пулимни бергани кўзим қиймай, ночор сигирни топширдим. Сутини ичиб, қаймоғига нон ботириб еб тургандик. Энди жа қадри ўтиб қолди.

— Пулини олгандирсиз ахир?

— Олдим, аммо-лекин сигиримизнинг бозор нархи саккиз юз сўм бўлса, мен олти юз сўм олдим-да! Ҳам шўрлик сигиримдан айрилдим...

Давронбек муғомбирона ишшайди ва чолни мақтаётган оҳангда деди:

— Ана шу кам олган икки юз сўмингиз совхознинг гўшт планига қўшган ҳиссан-гиз, бобо. Раҳмат, кам бўлманг.

— Ҳа, ҳа, отахон, — дарров хўжайинини қўллади Саид.

Чол бир зум икқиланиб, жим қолди.

— Мен ёрдамга шайман, — деди кейин соқолини тутамлаб. — Аммо-лекин гўшт солиғи чиққанми деб сўрамоқчийдим. Бир-икқиталар ўзимизникиларнинг иши дейишяпти-да.

— Ҳа, солиқ келди, бобо, — деди Давронбек тоқати тоқ бўлиб. — Шунга мажбур

қилдиларинг. Аслида кутиб ўтирмай совхозга ёрдам беришларинг керак эди. Аҳолининг молини қаранг!..

— Филдай семириб оғилни бузиб ётибди,— деди Жўра қовоғидан қор ёғиб.

— Совхозники-чи? — сўради Давронбек.

— Муштдай-муштдай,— дея кекирдагини чўзди Саид шошиб.— Бирор ковакка кириб қолса каламуш еб кетади.

— Хўш, сабаби нима?

Жўра ўтирган ерида қўлларини белига тираб тўнғиллади:

— Яйловнинг бутун ўтини ўшаларнинг моли қиртишлаб ташлайди-да.

— Йўғ-э, болам,— деди чол чўзиб.— Бизнинг сигир ҳовлидан нарига ҳатлаган эмас. Томорқага макка экаман, ўшани еб кун кўрарди.

— Сизники бўлмаса, бошқаларники чиқади, бобо. Ушанийчун совхознинг гўшт, сўт планига ёрдам беришларинг керак эди. Лекин, одамларда зигирча виждон қолмаган. Фақат совхоздан юлишнигина ўйлайди. Мана, то мажбур қилишмагунча оғзиларига қум солиб юраверишди,— Давронбек афсусланиб бош чайқади.

Чол бўшашиб ўрнидан турди, соқол босган юзини силади.

— Солиқ чиққан дегин-а, болам?

— Чиққан,— жавоб берди Давронбек қатъий.

— Ҳа, ҳа,— чийиллади Саид.— Лекин, ота, сигирингизни маза қилиб сотиб олиб-сиз-да, бозорга судраб қийналиб юрмай. Молодец.

— Ҳай, майли бўлмаса,— чол букчайганча судралиб чиқиб кетди...

Дастурхонга гумбаз қилиб сузилган палов келтирилди. Шисалар очилиб бўғизлари қулқиллай бошлади. Биринчи сўзни Давронбек олди.

— Ихм, ўртоқлар, мана, ишларимиз михдай. Бунинг сабабини биласизларми? Бизнинг қўл узатса осмондаги юлдузни узиб олишга ҳам қурби етадиган дўстларимиз бор. Агар ўшалар бўлмаганда ишларимиз пачава эди. Мен сюрприз қилиш учун атайлаб сизларга билдирмагандим. Ҳозир уларни таклиф этаман! — Давронбек хаёлан жинларни чорлади.— Марҳамат, азиз меҳмонлар!

Жинлар кириб кела бошладилар. Раҳмон, Жўра, Саидларнинг оғизлари очилиб қолди. Ҳаммалари сакраб ўринларидан туришиб, меҳмонларни тўрга ўтқазишди. Маймуна Давронбекнинг пинжига тиқилди. Давронбек жинларнинг отларини айтиб таништирди. Ар-Нуайма, Ал-Тахадан бошқа ҳамманинг кўзи гўзал Маймунада эди. Бу Давронбекнинг рашкини келтирди ва деди:

— Маймунахон, ҳалиги дугоналарингиз қани?

— Нарийёда туришибди, киргани уялишди. Ҳозир келишади.

Маймуна қарсақ чалди. Шу пайт осмондан тушгандай учта пари-пайкар пайдо бўлди. Раҳмоннинг бўғзидан ош ўтмай қолди, Саид ҳушидан кетаёзди. Жўра эса дам кўзларини ишқалар, дам сонини чимчиларди. Қизлар салом бериб, сўрига ўтиришди. Давронбек уларга пиёла тутқазди.

— Ҳаммамиз учун ҳурматли меҳмонлар! — деди кейин у.— Бугун совхозимизнинг тўйи. Плани дўндириб қўйдик. Бунда ҳаммамиз учун ҳурматли сиз азиз меҳмонларнинг ҳиссангиз бекиёс. Энди бемалол базм қилсақ бўлади.

— Баракалла, бўтам,— деди «базм» сўзидан хурсанд бўлган Ар-Нуайма.

— Яшанг, кувё! — хитоб қилди Ал-Таха.

Маймуна Давронбекни ширингина ўпиб қўйди. Ҳаммалари сўридан тушдилар. Раҳмон, Жўра, Саидлар беҳуш довдирардилар.

Кеч кириб қолган. Қоронғулик босиб келар, фақат кун ботар томон сарғайиб турар, бериқоқдаги булутлар пушти ва қўрғошин рангга кирганди. Тўсатдан ўртада олов гуриллади, дарахт шохлари ҳамда буталарда жинчиқроқлар милтиллади. Ар-Нуайманинг қўлида сурнай, Ал-Таханинг қўлида эса чилдирма пайдо бўлди. Сеҳрли куй янгради, вужудларни титратди. Пари-пайкарлар хиром айлаб рақс тушардилар...

Базм давом этаркан тўсатдан аллакимнинг ваҳимали овози янгради. Нафаси бўғзига тиқилган одам — совхоз омборчиси эди.

— ОБХСС босди!

— Нима?! — бақириб юборди Давронбек.— Жин оятни ўқийман ҳозир! Лекин жиноятга бошлаган жин оят эмасми?! Ё тавба!... — Давронбек тилини тишлади. Аммо кеч эди. У «Тавба» сўзини айтиб бўлганди!

Ар-Нуайма:

— Бўтам!... — деганча қолди.

Жинлар бамисоли тутундай ғойиб бўлдилар. Гулхан-у жинчиқроқлардан ҳам асар йўқ эди. Одамларнинг эса оғизлари қийшайиб қолганди.

# Мундарижа

## ШЕЪРИЯТ

Абдулла Орипов. «Ранжком». Драматик дoston . . . . .	2
Асқад Мухтор. Ватанимнинг тирик томчиси . . . . .	77
Тоҳир Қаҳдор. У юлдуз шунчалар олис . . . . .	105

## НАСР

Эркин Самандар. Дарёсини йўқотган қирғоқ. Роман . . . . .	21
Тўлқин Муҳиддин. Ҳикоялар . . . . .	112

## МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

Эрик Каримов. «Абул Файзхон» тарихий драмаси ҳақида . . . . .	81
---	----

## ДРАМАТУРГИЯ

Фитрат. Абул Файзхон. Тарихий фожиа . . . . .	83
---	----

## ҲИКОЯЛАР ҲАЗИНАСИ

Жек Лондон. Чоллар иттифоқи . . . . .	118
---------------------------------------	-----

## БОЛАЛАР ДУНЕСИ

Турсунбой Адашбоев. Қувноқ шеърлар ёзаман . . . . .	178
---	-----

## ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР

Абдулла Қурбонov. Ҳикоялар . . . . .	130
--------------------------------------	-----

## ТАРИХНИНГ ОҚ ДОҒЛАРИ

Константин Симонов. Авлодим шоҳид бўлган . . . . .	134
--	-----

## ЕЧИМИНИ КУТАЕТГАН МУАММОЛАР

Асқар Ҳайдаров. Бу шундайин бир ғазнаки . . . . .	156
---	-----

## ҲАМЗАХОНЛИК

Жумагул Жумабоева. Ҳамза мероси саҳифаларида . . . . .	163
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Партия мажлиси. Пьеса . . . . .	165

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий. Партия мажлиси. Пьеса . . . . .	165
---	-----

## АДАБИЙ ТАНҚИД

Яшар Қосимов. Шеър ва дунё . . . . .	168
Шаҳобиддин Одилов. Маънавий етуклик тимсоли . . . . .	172
Раҳимжон Отаев. Тонг юлдузи шуълалари . . . . .	176

## БАҲС

Ҳайдарали Узоқов. Янги предметга муносабат шуми? . . . . .	183
--	-----

## БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Луқмон Бойматов. Зулматдаги нур . . . . .	186
---	-----

## ТАҚРИЗЛАР

Мамасодиқ Хусайнов. Исёнкор шоир сиймоси . . . . .	189
Рустам Нейматов. Ноёб мусиқа қомуси . . . . .	191
Нарзулла Шодиев. Сафарбарлик . . . . .	192

## АКС-САДО

194

## ГУЛҚАЙЧИ

Ориф Фармон. Жин оят. Қисса . . . . .	197
---------------------------------------	-----

## «СУРХОН» МУҚОФОТИ ЛАУРЕАТЛАРИ

«Шарқ юлдузи» журнали таҳрир ҳайъати Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхози меҳнаткашларининг ташаббуси билан ташкил этилган «Сурхон» номли мукофотни 1988 йилда қуйидаги муаллифларга беришга қарор қилди:

Пиримкул КОДИРОВга — «Авлодлар давони» романи учун (8-9-10-сонлар)  
Шукур ХОЛМИРЗАЕВга — Хикоялар туркуми учун (11-сон)  
Кутлибека РАҲИМБОЕВАга — «Қишнинг охирлари» достони учун (4-5-сонлар)

Раҳмон ҚУЧҚОРОВга — «Қўш роман ва айрича қарашлар» мақоласи учун (3-сон)  
Дадахон НУРИЙга — «Бўстонлиқни қутқаринг» очерки учун (3-4-сонлар)

1988 йил бошида эълон қилинган «ШАРҚ ЮЛДУЗИ»ДА БОСИЛГАН ЭНГ ЯХШИ АСАРЛАР СИРТҚИ КОНКУРСИ ғолибларини аниқлаш журналхонлар ихтиёрига ҳавола этилган эди. Редакцияга келган кўплаб мактубларга биноан қуйидаги асарлар:

Эркин Воҳидовнинг «Биздан кейин ҳеч бир авлод қайта қурмасин» шеърий туркуми учун (10-сон), Ашурали Жўраевнинг «Юрак бўронлари» ҳужжатли қиссаси (9-сон), Ойдин Ҳожиевнинг «Дард» шеърий туркуми (7-сон), Икром Расуловнинг «Қайта қуриш ва муаллим» (6-сон) публицистик мақоласи, Тўхтамурод Зуфаровнинг «Келажак меросдан бошланади» (10-сон) мақоласи сиртқи конкурс ғолиблари деб топилди.

---

На ўзбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»  
(Звезда Востока)  
№ 1

Орган Союза писателей Узбекской ССР  
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства  
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1989

---

Техник редактор А. Ҳайдаров.

Рисом Ф. Алимов.

Корректор М. Имомов.

---

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.  
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

---

Теришга берилди 09.11.88 й. Босишга рухсат этилди 23.12.88 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Р-14310. Фотонабор. Офсет босма усули. Босма листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт  
ҳисоб листи 20,2. Тиражи 146132. Буюртма 4673.

---

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли  
босмахонаси. Тошкент — Ё, Ленин проспекти, 41